**ТУХТА БОБОЕВ**

# АДАБИЁТШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

*Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги университетлар ва педагогика олий укув юртларининг филология (узбек тили ва адабиёти) факультетлари талабалари (бакалавриат боскичи) учун дарслик сифатида тавсия этган*

ЬИбПИОТЕКА
Т Г ПИ

# МУАЛЛИФДАН

Сунгги йилларда адабиёт назарияси сохасида бир катор тадклкртлар яратилди. Булар орасида, хусусан, Узбекистон Республикаси ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт института илмий ходимлари томонидан яратилган икки томлик "Адабиёт назарияси" (1978, 1979) ва уч томлик "Адабий турлар важанрлар" (1991, 1992) китоблари алохида эътиборга лойик.. Шунингдек, узбек шеъриятида бармок, ва аруз тизимлари, крфия илми, роман поэтикаси, сюжет, конфликт, композиция, бадиий тил, миллийлик ва умуминсонийлик, анъана ва янгилик каби назарий масалаларга багишланган тадкикртлар хам пайдо булди. Бу, хеч шубхасиз, адабиёт назарияси сохасида эришилган ютукдир. Айни чокда, адабиётшунос-методист олимларимиз хам урта ва олий мактабларда адабиёт назариясини урганишга оид дарслик-кулланмалар яратдилар. Чунончи, проф. Н.Шукуров, Н.Хотамов, Ш.Холматов, М.Мах,мудовнинг "Адабиётшуносликка кириш" (1979, 1984), мазкур сатрлар муаллифининг "Адабиётшуносликка кириш курси буйича укув-методик кулланма"си (1979), академик И.О.Султоновнинг "Адабиёт назарияси" (1980, 1986), проф. А.Зуннунов ва НДотамовнинг "Адабиёт назарияси" (1978, 1982), проф Б.Валихужаевнинг "Узбек адабиётшунослиги тарихи" (X—XIX асрлар, 1993), проф. А.Фитратнинг "Адабиёт к.оидалари" (1926, 1995), "Аруз хакдда" (1936, 1997), Э.Худойбердиевнинг "Адабиётшуносликка кириш" (1995), проф. АДожиахмедовнинг "Мак-табда аруз вазнини урганиш" (1978, 1995), "Узбек арузи лугати" (1998), "Мумтоз бадиият малохати" (1999), "Шеъ-рий санъатлар ва мумтоз крфия" (1998), мазкур сатрлар муаллифининг "Шеър илми таълими" (1996), Х-Хомидий,

Ш.Абдуллаева, С.Иброхимованинг "Адабиётшунослик терминлари лугати" (1967, 1970), Н.Хотамов ва Б.Саримсокрвнинг "Дцабиётшунослик терминларининг русча-узбекча изохли лугати" (1979) каби китоблари ана шулар жумласидандир.

Адабиёт назарияси ва уни урганиш борасида килинган ишларни эътироф этганимиз хрлда шу нарсани таъкидламокчимизки, XX асрнинг 90-йилларигача яратилган бундай китобларнинг аксарияти замона зайли билан бир кадар "эскириб" крлди — уларга жиддий тузатишлар киритиш ва, хатто, анча-мунча бобларини бутунлай кайта ёзиш, кискартириш-тулдириш зарурати тугилди. Зеро укув-методик адабиётлар кандайдир консерватив-догматик нарса эмас, улар замон талаблари ва илм-фан равнаки такрзоси билан узгартирилиб-янгаланиб борилаверадиган ижодий хрдисадир. Бу — табиий. Бу ran каминанинг 1979 йилда чоп килинган "Адабиётшуносликка кириш курси буйича укув-методик кулланма"сига хам тааллуклидир. Негаки, бу китоб нашр килингандан бери орадан йигирма бир йилдан ортикрок. вакт утди. Шу даврда мамлакатимиз даётининг барча жабдаларида, шу жумладан адабий-назарий к.арашларимизда х;ам, урта ва олий адабий таълим тизимида х;ам кескин узгаришлар юз бердики, булар дарсликни к.айта ишлаб чикишни такрзо этди. Клтобнинг бу нашрида бир катор узгаришлар мавжуд. Шулардан бири — мазкур укув предмета номига ижодий муносабатдаёк. сезилади. *X.&,* бу нашрда дарсликни илгаригидек "Адабиётшуносликка кириш" деб эмас, балки "Адабиётшунослик асослари" деб номлаш лозим топилди. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, "Адабиётшуносликка кириш" деган фаннинг узи илмда йук., бу олий адабий таълимда, шартли равишда, к,абул килинган атама эди. Иккинчидан, Адабиётшунослик "Адабий танкид", "Адабиёт тарихи" ва "Адабиёт назариясй^ каби махсус фанлардан таркиб топади. Башарти, агар дарслик "Адабиётшуносликка кириш" деб номланадиган булса, ана шу фанларнинг х.аммаси х.акида фикр-мулох.аза юритиш лозим бударди. Илмий мантик. мана шуни так.озо килади. Вах.оланки, мазкур укув предметида ("Мук.аддима"ни мустасно к.илганда) асосан адабиёт назариясининг биринчи курс талабалари (бакалавриат) урганиш-

лари зарур булган масалаларигина тахлил килинади, холос. Шунга кура, мазкур укув предметининг номи узгартирилди.

Мазкур нашрда дарсликнинг деярли барча боблари кайта куздан кечирилган, янги боблар ("Крфия сабоклари" каби) хисобига бойитилган, баъзи боблар (чунончи, "Адабий асар сюжети ва композицияси" боби икки мустак,ил боб сифатида) кенгайтирилган, мунозарали масалаларга бахрли кудрат аниклик киритишга харакат кдшинган.

Дарсликда хусусан, адабий асар тузилиши масалаларини тизимлирок, ва чукуррок, урганишга эътибор берилган — бу борада тарихий поэтика таълимига хам таянилган.

Мазкур дарслик, асосан, олий укув юртларининг узбек филологияси (узбек тили ва адабиёти) факультетлари (бакалавриат боскичи) талабаларига мулжалланган булса-да, ундан, бизнингча, мазкур укув предмети урганиладиган бошк.а факультетлар талабалари, адабиёт муаллимлари, умумтаълим мактабларининг юк,ори синф укувчилари, лицейлар ва касб-хунар коллежлари укувчилари, тайёрлов курслари тингловчилари хам истифода этишлари мумкин.

## МУКЛДДИМА

### ДЦАБИЁТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ

**Адабиётшунослик — бадиий адабиёт х,акрдаги фан**

Адабиётшунослик бадиий адабиёт хакдца бахс юритувчи фан экан, у хакдаги умумий назарий маълумотларни куйидаги тартибда изчиллик билан урганиш зарур.

1. **"Адабиёт" атамасининг мазмуни ва кулланилиши та-рихи.** "Адабиёт" (ар. <-*л~*\ — *адаб-обод* сузининг куплик шак-ли булиб, лугавий жихатдан яхши хулк. демакдир) атамаси амалда кенг ва тор маъноларда кулланилади. Кенг маънода кулланилганда "адабиёт" (O>LOP) тушунчаси доирасига китоблар, рисолалар, макрлалар ва, умуман, купчиликнинг ук,ишига мулжаллаб ёзилган ва нашр крлинган (босмахона кашф этилишидан аввалги даврда кулёзма х.олда таркалган) асарлар киради. Адабиёт, айни чокда, турли сох.аларга були-нади ва турли номлар билан атала,п;и. Чунончи, кишлок, хужалигига оид асарлар — ***"щинлок,* хужалиги адабиёти",** техникага дойр асарлар — **"техника адабиёти",** тиббиётга оид асарлар — **"тиббиёт адабиёти",** сиёсатга дойр асарлар — **"сиёсий адабиёт",** суз санъатига оид асарлар — **"бадиий адабиёт"** деб юритилади ва хрказо. "Адабиёт" атамаси тор, яъни махсус маънода кулланилганда факат бадиий асарлар (романлар, повестлар, хикоялар, очерклар, шеърлар, балладалар, поэмалар, к,асидалар, драмалар, комедиялар, трагедиялар ва бошк.алар) гина назарда тутилади. "Адабиётшунослик асослари" курсимизда "адабиёт" атамаси, асосан, мана шу махсус маънода кулланилади[1].

---

K^ранг: Иззат Султон. Адабиёт назарияси: Т. "Укртувчи", 1980, 5-бет.

Маълумки, дозирги пайтда жадоннинг бир неча халк,-лари тилларида, шу жумладан рус тилида "литература", узбек тилида эса "адабиёт" атамаси ишлатилади. Хар иккала атама дозирги даврда бир хил маънони англатади. Бирок; бу икки атама этимологик жихатдан дам, кулланилиш тарихи жидатидан дам бир-биридан ажралиб туради.

"Литература" (франц. litterature — ёзма адабиёт) атамаси жахрн фанида XVIII—XIX асрларда пайдо булган. Бу атама аслида харф ва logos сузларининг кушилишидан пайдо булган; litterature — босма суз демакдир ва у, асосан, "ёзма адабиёт" маъносида кулланилган. Бу атамани Россияда биринчи булиб илмий асослаган танкидчи В. Г. Белинский -дир. Россияда XIX аср урталаригача "литература" урнида "поэзия" атамаси ишлатилган. Махсус ва тор маънодаги "адабиёт" атамаси узбек тилида XX аср бошларида кулла-нила бошланган.

Узбек тилида "адабиёт" атамаси кишиларга яхши хулк. ва умуман даётни ту^ри тушуниш ва тут^ри яшашни ургатиш максадида ёзилган асарлар маъносида кулланилган. Шунга кура, утмишда бадиий адабиёт билан бирга умуман илмий, тарихий, ахлокий китоблар дам "адабиёт" атамаси тушунчаси доирасига киритилган. Урта асрларда шундай асарлар дам яратилганки, уларда суз санъати илм-фан, ахлок;-одоб масалалари билан чатишиб кетган ("К,обуснома", "Кутадгу билиг", "Бобурнома" ва б.). Шу хил асарлар дам "адабиёт" деб юритилган. Бундан ташк,ари, утмишда яратилган соф бадиий асарлар ("Шоднома", "Хамса" ва б.) дам ёзилганки, булар дам "адабиёт" атамаси тушунчаси доирасига киритилган. Бирок,, утмишда "адабиёт" тушунчаси булса-да, уни ифодаловчи атаманинг номи йук. эди. Бу атама урнида турли суз ва иборалар ишлатилган. Чунончи, шеърий асарлар "назм", "манзума", "абёт", "шеър" деб ва прозаик асарлар "наср" (тизилмаган, тарк.ок. суз) деб юритилган. Утмишда шеърий тупламлар учун махсус атамалар ("баёз", "девон" каби) ишлатилган-у, аммо шеърий ва насрий асарлар учун махсус атама ("адабиёт") булмаган ёки булса дам одат тусига кирмаган. XX аср бошларида узбек маърифатпарварлари — Хамза Х^кимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва бошкалар узларининг баъзи бадиий асарларини "адабиёт" деб аташган ("Енгил адабиёт" каби).

Асримизнинг 20-йилларида "адабиет" атамасини бадиий асарларга нисбатан ишлатиш одат тусига кирган. Мирмух.-син Шермухамедов, Абдурауф Фитрат, Абдурахмон Саъдий ва бошк.аларнинг асарларида "адабиет" атамаси махсус маънода кулланила бошланган. Бирок,, "адабиет" атамасининг карор топиши жиддий изланишлар, бахслашувлар заминида юз берган. Баъзилар уни уша даврларда кулланила бошланган "ёзувчи" ("ёзгувчи") тушунчасига мослаб "ёзгич" деб аташни тавсия килганлар. Бирок, адабий жамоатчилик бу атамани кабул килмади. Шу тарика, адабиётшунослик илмида "адабиет" атамаси тула карор топган.

2. **Бадиий адабиет ва уни урганишнинг маърифий ва** эстетик ахамияти. Адабиет санъатнинг бир тури, суз санъа-тидир. Бадиий адабиет хаётни суз оркали тасвир этади. Адабиётда хаётнинг мухим вок,еа-^одисалари, кишиларнинг узига хос хислатлари, рух.ияти, орзу-умидлари, дарди, сир-асрорлари акс этади. Шу тарикд, адабиет турмушни урга-ниш куроли булиб хизмат к;илади. Ёзувчи турмушни, факт ва х.одисаларни урганади, улардан зарур хулосалар чик,ара-ди. Ана шу хулосаларни жонли образлар воситасида ифо-далайди. Демак, бадиий адабиет дунёни бадиий узлашти-ришдан иборатдир[1].

Бадиий адабиет, айни пайтда, дунёни узгартириш куроли хамдир. Буюк ёзувчилар жамиятнинг олга интилишига х.амиша ёрдам берганлар.

Бадиий адабиет укувчининг х.иссиёти ва шуурига кучли таъсир этади. Умуман, бадиий адабиётнинг маърифий ва эстетик ахамияти нихрятда каттадир. Бу х.одисани чукур х.ис кдниш учун академик Иззат Султоннинг "Классик адабиётнинг маърифий ва тарбиявий ахамияти" номли макрласини синчиклаб урганиб чикиш керак[2].

Бадиий асарларнинг мох.иятини тугри англаш ва адабиет хрдисаларига *5що* бериш учун, даставвал, бадиий адабиет хакддаги фанни, яъни адабиётшунослик фанларини билиш лозим. Акс хрдда, киши адабий х.одисаларни тугри бадолай олмаслиги эх.тимолдан узок. эмас.

---

[1] *О.Шарафиддинов.* Адабиет — ^аёт дарслиги. Т., 1981, 7-бет.
[2] Узбек тили ва адабиёти. 1973, 6-сон.

**3. Адабиётшуносликнинг объекта (предмети) ва вазифа-лари.** "Адабиётшунослик" атамаси этимологик жихдтдан "адабиёт" атамасига форс-тожикча — "шинос" (яхши би-лиш, тайин этиш) феъли ва узбекча -"лик" аффиксининг кушилишидан хрсил булган. "Шинос" феъли узбек тили талаффузи такрзосига кура "шунос" шаклига кириб крл-ган. Шу тарика, узбекча "адабиётшунослик" атамаси пай-до булган. "Адабиётшунослик" атамасига Кдскача адабиёт энциклопедиясида куйидагича таъриф берилган: "Адаби-ётшунослик — бадиий адабиетни, унинг мохиятини, ке-либ чикишини ва ижтимоий алокаларини дар тарафлама урганувчи фандир; суз оркали бадиий фикрлашнинг узига хос хусусиятлари хдкидаги, бадиий ижоднинг генезиси (не-гизи, замини), тузилиши, тарихий-адабий жараённинг ло-кал (маълум жой ва даврга оид) ва умумий крнунлари хакидаги билимлар жамидир; бу сузнинг торрок. маъноси-ни олганда, адабиётшунослик — бадиий адабиетни ва ижо-дий жараённи урганиш тамойиллари ва усуллари х.акидаги фандир"[1].

■"^\дабиётшунослик объекти (предмети) тарихий шароит билан узвий бирликда олинган адабий мах,сулот ва унинг яратилиш жараёнидир. Атокди адабиётшунос Иззат Сул-тон "Адабиёт назарияси" дарслигида адабиётшуносликка берилган таърифнинг магзини чакар экан, куйидагиларни таъкидлайди: а) адабиётшуносликнинг дикдат марказида, даставвал, адабиётнинг энг яхши намуналари, яъни мум-тоз асарлар ва улуг- суз усталарининг ижодиёти туради. Ана шундай мумтоз асарлар ва улуг ёзувчилар ижоди тахдили жараёнида бадиий адабиётнинг крнуниятлари, хусусият-лари кашф этилади; б) адабиётшунослик тарихий-адабий жараён — маълум бир даврда адабиётнинг ривожланиш шароити ва йулларини урганади, к.онуниятларини очади; в) адабиётшунослик адабиетни яратувчиларнинг бадиий адабиёт ва тарихий-адабий жараён хакида айтган фикрла-рини х.исобга олади, унга таянади[2].

[1] КЛЭ, т. 4, М. 1967, 331-бет.

[2] *Иззат Султан.* Адабиёт назарияси. Т., *"~9кщувчи",* 1980, 5-33-бетлар.

Демак, мумтоз бадиий асарлар, ул>т ёзувчиларнинг адабиёт хакидаги фикрлари, тарихий-адабий жараён ва унинг хамма намояндалари ижодий махсулоти адабиётшуносликнинг объектини ташкил килади.

Ддабиётшуносликнинг асосий вазифаси: а) адабий жараённи, адабиётнинг таракдиёт тамойилларини, крнуниятларини чукур урганишдан, улардан адабий харакатни янада ривожлантириш учун зарур булган хулосалар чикаришдан иборат. Адабиетшунослик бадиий адабиётни замон талаблари асосида тинимсиз ривожлантиришга, халк.-ка хизмат килдиришга харакат килади; б) адабиетшунослик китобхоннинг эстетик дидини шакллантиришга, уни назарий жихатдан куроллантиришга хизмат килиши лозим. Адабиетшунослик адабиёт билан х.аёт, ёзувчи билан китобхон уртасидаги алок.ада воситачи, уларни бир-бири билан боиговчи куприкдир.

**Адабиётшунослик-**нинг таркибий кртсмлари

Адабий жараён ва бадиий адабиёт хдкида фикр юритувчи "Адабиетшунослик" шундай бир умум-лаштирувчи-жамловчи истилохдирки, унинг таркибига бир неча сохалар — махсус фанлар киради. Адабиетшунослик таркибига "Адабий танкид", "Адабиёт тарихи", "Адабиетшунослик методологияси", "Адабиёт назарияси", "Адабий манбашунослик", "Адабий матншунослик", "Библиография" каби фанлар мансубдир. Шулардан: "Адабий танкдд" адабий жараён хдкида, "Адабиёт тарихи" бадиий адабиётнинг тарихий таракдиёт йули х,ак.ида, "Адабиетшунослик методологияси" утмиш ва хрзирга замон адабиётини урганиш тамойиллари ва усуллари х.акдда, "Адабиёт назарияси" бадиий адабиёт ва ижодий жараён к.онуниятлари хакида бах.с юритиш билан шурулланади. Агар, таъбир жоиз булса, адабиётшуносликнинг куйи боскичи — "Адабий танкид", урта боскичи — "Методология" ва "Адабиёт тарихи" ва, нихрят, юкрри боскичи — "Адабиёт назарияси" дейиш мумкин. Албатта, бу — шартли тасниф. Аслида бу предметлар бир-бирига гоятда жипс боюшкдир: бирини иккинчисидан, иккинчисини биринчисидан устун куйиб булмайди.

Адабиётшуносликнинг таркибий кисмлари хакида фикр юритилар экан, даставвал, уларни шартли равищца икки гурухга ажратиб урганиш мумкин:

1. **Адабиётшуносликнинг асосий сох,алари (фанлари).**

Утмишда адабиётшунослик фанлари асосан бир бутун хрдда мавжуд булган. Кейинги асрларда адабиётшуносликнинг тарихий ривожланиши жараёнида ундан махсус фанлар — адабий танкид, методология, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ажралиб чикдан. Сирасини айтганда, ада[1] биётшуносликнинг узи х.ам утмишда фалсафа, мантик., ахлок., бадиий адабиёт билан крришик. хрлда "яшаган".

Маълумки, тарихий таракдиётнинг дар бир боскичи адабий жараёнида пайдо буладиган куплаб асарлардан абадий танкдц томонидан танлаб — саралаб олинганлари (миллионлаб китобхонлар калбига йул топа олганлари)гина — давр синовидан муваффакиятли утганларигина адабиёт тарихи мулкига айлана боради. Тарихий-абадий хрдисалар (адабиёт тарихи) эса "Адабиёт тарихи" фани томонидан тад-кик. килинади. Адабиёт тарихи адабий жараёнлардан усиб чивданидек, "Адабиёт тарихи" фани хам "Адабий танкид"-дан етишиб чик.ади. "Адабий танк.ид" ва "Адабиёт тари-хи"дан "Адабиётшунослик методологияси" пайдо булга-нидек, "Адабий танкид", "Адабиёт тарихи" ва "Методология "дан "Адабиёт назарияси" фани вужудга келади ва аксинча: "Адабиёт назарияси" "Адабий танкид" ва "Адабиёт тарихи" фанлари учун замин булиб хизмат килади. Абадий жараён билан бадиий адабиёт, адабиётшунослик фанлари — абадий танкид, адабиёт тарихи, методология, назария орасида хамиша диалектик муносабат булади. Бир-бири билан узаро узвий боишк, булган адабиётшунослик фанларининг х.ар бири олдида узига хос илмий-амалий вазифалар туради. Шу фанлардан баъзилари хусусида кдока-киска тухталиб утайлик.

**Абадий тащид** — адабиётшуносликнинг адабий жараёнга дарх,ол аралашадиган содаси, адабиётшуносликнинг бадиий ижод жараёнига илк дафъа кириб боришидир. Адабий танкид, биринчидан, муайян давр адабий жараёнининг долзарб масалаларини кутариб чикиши ва уларни замонанинг гоявий-эстетик талаблари нуктаи назаридан ёритиш асосида адабиёт олдида турган мухим вазифаларни

белгилашга; иккинчидан, адабий жараёнда иштирок этган барча ёзувчиларнинг ижодий — фаолиятини тахлил щиш (ютук. ва камчиликларини аниклаш, илгор тажрибаларини умумлаштириш, оммалаштириш) оркали улар ижодини ривожлантириш; учинчидан, знг янги асарларни уз вактида зудлик билан тахлил килиб, муаллифларнинг ютукдарини кенг ёйиш ва камчиликларига хотима беришга ва, нихрят, туртинчидан, миллион-миллион китобхонларнинг эстетик дидини устиришга, адабий-бадиий хрдисаларни нозик хис кдиишга кумак беришга бурчлидир.

Хуллас, давр билан хамнафас булиш, адабий жараёнга фаол муносабатда булиш оркали илгор ижтимоий тамойил ва гояларнинг адабиётга киришига мадад бериш адабий танкиднинг вазифасидир. Адабий тан^дщнинг асосий тамойили шуки, у ёзувчининг ижодий мехнатига хурмат, манфаатдорлик ва эхтиёткорлик билан ёндашиши ва уни талабчанлик билан бахрлаши лозим. Хакдоний абадий танкид х,амиша жамиятнинг уй ва андишаларини ифодалайди. Адабий танк.ид бадиий адабиёт билан х.аёт вок.еа-х.одисалари мох.иятини чукур англашга ^исса кушади.

Узбек адабий танкидчилиги — узбек адабиёти тарихининг доимий йулдоши. Мутахассисларнинг аникдашларича, узбек адабий танкидчилиги ун бир асрлик бой тарихга эга. Узбек адабий танкидчилиги тарихи методологик жихатдан икки типга ажратиб урганилади: а) IX асрдан тортиб XIX аср охирларигача булган узбек адабий танкидчилиги тарихи. Бу давр адабий танкидчилиги соф Шаркрна танкидчилик рухдда булганлиги билан ажралиб туради ва у "узбек мумтоз адабиёти тарихи танкидчилиги" деб юритилади; б) XX аср узбек адабий танкидчилиги тарихи. Бу давр адабий танкидчилиги Оврупа типидаги танкидчилик сифатида тавсифланади ва у "реалистик узбек адабиёти тарихи танкидчилиги" деб юритилади.

Адабиёт ривожи хамиша танкид ривожи билан узвий богаик. булган. Адабий танкид адабий жараён хрдисалари (чунончи, адабий асар) хусусида фикр-мулохаза юритиб, улар устидан хукм чик.ариш билан машгул булар экан, адабий ташдащинг мазмуни,лукм к;илинувчи адабиёт мазмунининг худди узгинасидир, фак.ат фарки шаклидадир. Ёзувчи х,аёт х.ак.идаги уз таассуротларини бадиий образлар ор-

кали ифода этса, танкддчи узининг адабиёт хакидаги фикр-мулохазаларини мантикий (кисман бадиийлик унсуридан фойдаланган хрлда) фикр воситаси билан ифода этади. Бу борада адабиёт танкид билан бевосита боклик. булиб бир-бирига узаро таъсир этади. Шу маънода адабий танкид тарихи бадиий адабиёт тарихининг худди узгинасидир. Шу важдан, адабий танкид тарихини урганмасдан туриб бадиий адабиёт тарихини пухта урганиш амримадодцир. Бу х.ол адабий танкид тарихини урганишни бадиий адабиёт тарихини урганишнинг ажралмас бир кисми килиб куяди.

Шу маънода, узбек адабиёти тарихини урганиш буйича анча-мунча ишлар килинганини таъкидлаб узбек адабий танкиди тарихи етарли даражада пухта урганилмаганлигини к,айд к.илиб утамиз. Тугри, узбек адабий тащиди тарихини урганишда (ишлаб чикищда) Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Абдурадмон Саъдий, Олим Шарафиддинов, Отажон Хошим, Мак.суд Шайхзода, Вох.ид Зохидов, Иззат Султон, Вох.ид Абдуллаев, Булом Каримов, Азиз v Кдюмов, Натан Маллаев ва бошк.аларнинг хизматлари бор. Узбекистон Республикаси ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти олимлари икки томлик "Узбек совет адабий танкиди тарихи" (1987), Б.Валихужаевнинг "Узбек адабиётшунослиги тарихи. X—XIX асрлар" (1993), АДайитметовнинг "Алишер Навоийнинг адабий-танкидий к.арашлари" (1959), Х- Кудратуллаевнинг "Бобурнинг адабий-танкидий к.арашлари" (1983), Б. Назаровнинг "Узбек адабий танкидчилиги: гоявийлик, метод, к.ахрамон" (1979) каби китоблари нашр к.илинди, докторлик ва номзодлик диссертациялари хдмоя килинмокда. Олий укув юртлари талабалари учун Н.Худойберганов ва А.Расуловнинг "Узбек совет адабий танкидчилиги" дарслиги нашр к.илинган (1990).

Адабиёт тарихи суз санъатининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихини тадкик. этади, кишилик жамиятининг тарихий таракдиётида бадиий адабиётнинг роли ва адамиятини белгилайди.

Адабиёт тарихи инсониятнинг илк маданияти билан бирга тугилган. Узбек адабиёти тарихи, дастлаб, тазкиралар тарзида келиб чикиб (Давлатшох. Самарк;андийнинг "Тазкиратуш-шуаро", Алишер Навоийнинг "Мажолисул-

нафоис" асарлари), кейинчалик у махсус фан сифатида шаклланган.

Маълумки, узбек адабиети тарихи деганда унинг пайдо булишидан тортиб дозирги боскдчигача булган таракдиёт йули тушунилади. Куп асрлик бой узбек адабиети тарихи методик жихатдан икки катта даврга булиб урганилади: а) энг к.адимги даврлардан тортиб XIX аср охирларигача булган адабиёт тарихи; б) XX аср узбек адабиети тарихи. Узбек мумтоз адабиети тарихини тадкик. этиш борасида Абдурауф Фитрат, Абдурадмон Саъдий, Отажон Хошим, Олим Шарафиддинов, Водид Зодидов, Хамид Сулаймонов, Азиз Каюмов, Абдукрдир Хайитметов, Порсо Шамсиев, Водид Абдуллаев, Ботир Валихужаев, Эргаш Рустамов, Абдурашид Абдугафуров, Содир Эркинов, Рахмонкул Орзибеков, Эргашали Шодиев, Хаким Хомидий, Хамид Хомидов, Ибродим Хакдул, Суйима Раниева ва бошкалар самарали мех.нат килганлар. Узбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти олимлари узбек мумтоз адабиётининг беш томлик илмий тарихини яратганлар. Натан Маллаевнинг "Узбек адабиети тарихи" (1-том, 1962), Вох.ид Абдуллаевнинг "Узбек адабиети тарихи" (2-том, 1964) ва Рулом Каримовнинг "Узбек адабиети тарихи" (3-том, 1966) дарсликлари олий адабий таълим тизимидан мустадкам жой олган. XX аср узбек адабиети тарихини урганиш борасидаги тадкик.отлар хам эътиборли. "Узбек совет адабиети тарихи очерки" (1-том, 1961, 2-том, 1962) — хрзирги замон узбек адабиети тарихининг биринчи илмий умумлашмаси эди. Жахрн адабиети ва УзФА Адабиёт институти олимлари хамкорликда 1987 йидда "История узбекской советской литературы" китобини чоп этишган. Кейинги йилларда олимларимиз хрзирги узбек адабиети тарихи куп томлигини яратганлар. Бир гурух. етакчи мутахассислар томонидан олий укув юртлари талабалари учун хрзирги узбек адабиети тарихидан дарслик яратилди (1990— 1999). Умуман айтганда, дозирги узбек адабиети тарихини тадкик. килишда Иззат Султон, Хомил Ёкубов, Салодид-дин Мамажонов, Мадмудали Юнусов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Каюмов, Умар,али Норматов, Бегали К.осимов, Наим Каримов, Норбой Худойберганов, Акрам Каттабе-ков, Нуриддин Шукуров, Собир Мирвалиев, Раффор

Муминов, Ибродим Рафуров, Бахтиёр Назаров, Саъдулла Мирзаев, Сайд Алиев, Радим Азимов, Радим Мук.омов ва бошка олимларимиз самарали меднат кдндилар.

Адабиёт тарихи адабиёт назарияси хулосаларига суяниб иш куради ва, айни чокда, уни янги илмий хулосалар, фактик материаллар билан бойитади.

**Адабиёт назарияси** суз санъатининг модияти, табиати, узига хос хусусиятлари, таракдиёт крнуниятларини, кишилик жамияти ривожидаги ролини тадкдк. кдпади, бадиий асарларни тахдил кдлиш тамойиллари ва унга бахр бериш меъерларини белгилаб беради. Адабиёт назарияси даёт фалсафасига асосланиб, бутун бир давр ва замонларнинг суз мадсулоти, муайян асарларнинг тахдили дамда тарихий-адабий жараенларни урганиш оркдли назарий хулосалар чикаради. Адабиёт назарияси, биринчи галда, реалистик адабиёт, романтик адабиётнинг тарак,кдёт йуллари, мЪдияти ва тажрибалари хакдца бадс юритади. Адабиёт назарияси бадиий адабиётнинг образлилиги, халк,чиллиги, типиклиги, пафоси ва бошк.а масалаларини текширади, адабий асар унсурлари (шакл ва мазмун мутаносиблиги, мавзу ва коя, сюжет, конфликт, композиция, бадиий тил хусусиятлари, шеър илми) хакдца фикр юритади, адабий турлар ва жанрлар, адабий окдм, ижодий метод ва *услуб,* анъана ва янгилик каби масалаларни тадкдк. этади.

Узбек мумтоз адабиёти тарихида х.ам адабиёт назариясига оид бир катор рисолалар бор. Бирок, бу рисолаларнинг аксарияти шеър илми ("Аруз илми", "К,офия илми", "Бадиийлик илми", "Муаммо илми") талкинига багишланган. Аждодларимиз назарида шеър деганда асосан адабиёт, шеър илми деганда адабиёт назариясини тушуниш устувор мавк,ега эга б^лган. Кейинги асрларда, хусусан XX асрда адабиёт деганда шеър хам, наср хам, драматик асар хам тушуниладиган булган. Шу важдан адабиёт назарияси деганда факатгина шеър илми эмас, наср ва драматик асарлар крнуниятлари х.ам тушуниладиган булган. Демокчимизки, даврлар утиши билан адабий-назарий кдрашларимиз доираси кенгая борган, мохияти чукурлашаверган. Айтиш лозимки, Алишер Навоийнинг "Мезон ул авзон", "Мудокаматул лугатайн", Захириддин Мудаммад Бобурнинг "Рисолаи аруз" (Мухтасар" каби) илмий асарлари

туркий шеър улчовлари — вазнлари ва бадиий тил хусусиятлари тадкикига багишланган булиб, улар уз даврининг узига хос адабиёт назарияси вазифасини утаган. XX асрда узбек адабиётининг назарий масалалари билан шугулланиш кенг кулоч ёйди. Проф. А.Саъдий, проф. А.Фитрат, О.Хошим, В.Махмуд ва бошкаларнинг асарларида адабиёт назариясининг бир катор *масалалари* ишланган. Проф. А.Саъдий биринчилар каторида Оврупа типидаги адабиёт назариясидан дарслик яратишга кул урган. 1924 йилда "Амалий хам назарий адабиёт дарслари" дарслиги нашр этилган. Проф. А.Фитратнинг "Адабиёт кридалари" кулланмаси эса 1926 йилда чоп килинган. Нихрят, 1939 йидда адабиётшунос Иззат Султоннинг "Адабиёт назарияси" дарслиги мактаб укувчиларига такдим этилган.

Шу тарика мамлакатимизда адабиёт назарияси махсус фан сифатида шаклланди. Х-Ёкубов, М.Кушжонов, Х-Абдусаматов, С.Мирвалиев, Б.Имомов, С.Мамажонов, Л.Кдюмов, М.Юнусов, Н.Шукуров, У.Туйчиев, Р.Орзибеков, А.Рустамов, Э.Каримов, Б.Саримсокрв, Б.Саломов, А.Рахимов, Н.Рах.имжонов, Б.Назаров, С.Алиев, Д.Тураев, Ш.Холматов каби олимларимиз адабиёт назариясига оид илмий тадкикот ишлари олиб боришган. Узбекистон ФА Апишер Навоий номидаги Адабиёт институти олимлари икки томлик "Адабиёт назарияси" (1978, 1979) ва уч томлик "Адабий турлар важанрлар" (1991, 1992) номликитобларини нашр эттирдилар. Проф. А.Зуннунов ва НДотамов урта мактабларнинг юк.ори синфлари учун "Адабиёт *назарияси"* дарслигини 1982 йилда чоп эттирган булсалар, Н.Шукуров, Н.Хотамов, Ш. Холматов, М.Мах,мудовнинг "Адабиётшуносликка кириш" дарслиги (1979, 1984), каминанинг "Адабиётшуносликка кириш курси буйича укувметодик кулланма"си (1979) ва, нщоят, академик Иззат Султоннинг "Адабиёт назарияси" дарслиги (1980, 1984) олий укув юртлари талабаларига такдим этилди. Шунингдек, адабиётшунос Э.Худойбердиев "Адабиётшуносликка кириш" дарслигини 1995 йилда санъат ва маданият институти талабаларига багишлади. Проф. А. Хожиадмедовнинг "Мактабда аруз вазнини урганиш" (1978, 1995) "Узбек арузи луг-ати" (1998), "Шеърий санъатлар вамумтоз кофия", ка-минанинг "Шеър илми таълими" (1996) укув кулланмала-ри хам дун£ юзини курди.

И | Т "*""". "Tе б

f

**2. Адабиётшуносликнинг кушимча со\алари (фанлари).**

Адабий манбашунослик (адабиётшунослик историографияси), адабий матншунослик (текстология) ва библиография (адабиёт библиографияси) каби махсус фанлар хам борки, буларни, шартли равишда, адабиётшуносликнинг кушимча сохалари ёхуд адабиётшуносликка туташ фанлар деб юритиш мумкин. Талабалар бу фанлардан хам хабардор булишлари лозим.

**Адабий манбашунослик** — адабиёт тарихи, адабий тан-кид ва адабиёт назарияси каби махсус фанларнинг турли даврлардаги тарихий таракдиётига оид манбалар (матери-аллар) мажмуи, уларнинг илмий умумлашмасидир. Демак, адабий манбашунослик асосий адабиётшунослик фанла-рининг тарихий таракдиётини, босиб утган йулини, яъни адабиётшунослик манбаларини, уларнинг узига хос тари-хини урганиш билан шурулланади. Манбашунослик адабиётшунослик фанлари эришган ютукларни, ижобий таж-рибаларни умумлаштириш йули билан уларнинг галдаги таракдиётига ижобий таъсир курсатади.

Адабиётшунослик ядиндагина пайдо булган фан эмас. Унинг таракдиёти жуда кадим замонларга бориб такалади. Адабиётшунослик босиб утган куп асрлик гоятда мураккаб, зиддиятли йулдир. Инсоният тарихида адабий-танкидий карашлар кулдорлик жамиятидаёд пайдо була бошлаган ва асрлар давомида боскичма-боскич ривожланиб борган. Кдцимги замонларнинг адабий-танкидий карашлари тарихининг бошланиши, асосан, буюк юнон файласуфи Арасту (Аристотель, мил. ав. 384—322) ижодига бориб так.алади. Бу буюк алломанинг "Поэтика" ва "Риторика" номли илмий асарлари борки, мана шу асарлар жахрн адабиётшунослигининг илк ижобий намуналари х.исобланади. Аристотель бу асарларида поэзия (адабиёт) хаётни акс эттиради, унинг бош предмета — инсон, вазифаси — кишиларга тарбия беришдан иборатдир, деган илгор фикрларни олга сурган. Улуг олимнинг уктиришича, поэзия инсон хаётидаги энг мух.им томонларни умумлаштиради. У поэзия (адабиёт) нинг санъат сифатидаги баъзи хусусиятларини курсатиб берган, унинг фандан фаркини аник,лаган, поэзиянинг эпос, лирика ва драма каби турларини тавсифлаган, трагедия жанрини, характер ва кщдизиа-каби



БИБЛИОТЕКА ТГПИ
333 720

унсурларни тадкик. этган. Бирок, у, адабиёт хаётга таклидан яратилади деб хдсоблаган. Шунга карамай, олимнинг хар иккала китоби жахрн эстетика ва адабиёт назарияси тарихвда чукур из крлдирган. Эллинизм даври (милоддан аввалги ГУ—II асрлар)да яшаган шоир ва олим Каллимахнинг "Жадваллар" асарида адабиёт ва санъат хакида жиддий назарий фикрлар баён килинган. Эрамизгача биринчи асрда яшаган юнон олими Гораций "Назм илми" асарида бадиий ижодга оид кагор илмий карашларни олга сурган.

Уйгониш даврининг корифейларидан Леонардо да Винчи санъатнинг манбаи табиат, яъни вокеликдир деб эълон килган. Шунга кура, у санъаткордан хаётни атрофлича ва чукур билишни талаб кдлган. Леонардо да Винчи санъаткорни "муаллим", хаётни "муаллимнинг муаллими" деб атаган. Испан драматурги Лопе де Вега, француз Рабле, итальян Боккаччо, хусусан, шу даврнинг улуг санъаткорлари Сервантес ва В.Шекспир уз адабий карашлари билан санъат ва адабиёт назариясини *кескин* ривожлантирганлар.

XVII асрнинг иккинчи ярмида француз классицизмининг назариячиси Н.Буало "Шеъриий санъат" асарида "Аристотелнинг "Поэтика" ва Горацийнинг "Назм илми" асарларидаги назарий карашларни ривожлантириб, бадиийлик нормаларини ишлаб чик.к.ан. XVIII асрда Маърифатпарварлик даврининг йирик арбоблари Дидро ва Лессинглар эстетикага оид асарларида поэзиянинг ижтимоий ахамияти, унинг узига хос хусусиятлари, адабиётнинг санъат турлари орасидаги урни хакддаги таълимотни чукдалаштирдилар. Буюк немис файласуфи Гегелнинг эстетикага оид асарлари адабий-назарий к.арашлар тарихида узига хос бир боскични ташкил этади.

XVIII асрда Россияда Ломоносов ва Радишчев адабий-назарий фикрларни ривожлантирдилар. Пушкин ва Гоголларнинг эстетик карашлари бу даврда мух.им ах.амият касб этган. АД.Контемир, А.С.Сумароков, В.К.Тредиаковскийлар Н.Буалонинг эстетик тамойилларини рус адабиётига тадб^к. киддилар. Инглиз шоири Александр Поп "Инсон х.ак|1да тажриба" асарида маърифатпарварлик адабиётининг назарий асосларини ишлаб чикди. Бу давр адабий караш-

лари тизимида, хусусан, Дени Дидронинг "Драматик поэзия х.ак,вда" ва Готхольд Лессингнинг *"Лаокоон* ёки тасвирий санъат билан поэзиянинг чегаралари дакида", "Гамбург драматургияси" каби асарлари адабиётда реалистик тамойилларнинг карор топишида алохдда адамият касб этган. Чунончи, Лессинг фикрича, адабиёт табиат ва жамият додисаларига такдидан яратилмаслиги, балки даёт вокеа-додисаларининг модиятини очиши — реалистик тасвир йулидан бориши керак.

Адабий-назарий кдрашлар тарихида рус танкидчилари — В.Г.Белинский, А.И.Герцен, Н.Г.Чернишевский, Н.А.-Добролюбов, М.Е.Салтиков-Шчедрин алодида бир босқични ташкил этдилар. Улар санъатнинг халкчиллик, миллий узига хослик, оригиналлик, Боявий-бадиий бир бутун-, образлилик каби хусусиятларини чукур очиб бердилар.

Узбек адабий манбашунослиги дам гоятда бой, узига хос, ун бир асрлик тарихий таракдиёт йулини бошидан кечирган. ^тмишда Шарк, ва узбек адабий манбашунослигида муштарак жидатлар куп эди. Бу муштараклик, биринчи навбатда, адабий-назарий карашларнинг синкретик (фалсафа, мантик., ахлок.-одоб, таълим-тарбия масалалари билан к.оришик} долда мавжудлиги билан тавсифланади (Кайковуснинг "Крбуснома", Бобурнинг "Бобурнома" асарларидаги каби). Адабий манбашунослигимизнинг яна бир хислати шундаки, улкамизда адабий-назарий к.арашлар ранг-баранг шакллар — усулларда юз берган. Чунончи, адабий-назарий фикрлар (турли анжуманлар, мушоиралар, судбатлар, учрашувларда) окзаки шаклда баён килинган (Хондамирнинг "Макорим ул ахлок.", Мирхонднинг "Равзат ус сафо", Васифийнинг "Бадоеъ ул вак.оеъ", Задириддин Мудаммад Бобурнинг "Бобурнома", Огадийнинг "Фирдавс *уЛ* ик.бол" каби асарларида бу усулга куплаб мисоллар келтирилган). Бундан ташкари, йирик бадиий асарлар матнида йул-йулакай суз санъатининг жамият даётида тутган урни, узига хослиги, шоир масъулияти, назмда маъни ва сурат мутаносиблиги дакида баён килинган фикрлар дам катта адамият касб этган. Абу Али ибн Синонинг "Саломон ва Ибсол", Юсуф Хос Хожибнинг "Кутада-у билиг", Ахмад Югнакийнинг "Хиббат ул дак,ойик.", Сайфи Саройининг "Жадон шоирлари, эл гулшани 6OF", Хайдар

Хоразмийнинг "Мадзанул асрор", Алишер Навоийнинг "Хамса" сингари асарларида суз санъати хусусида гоятда кдшматли фикрлар бидцирилган.

Утмиш адабий манбашунослигимизда куп кулланилган жанрлар — тазкира, дебоча, манокиб-долат, фахрия, рисола, бадиий парчалар, мемуарлар, насидатномалардир. Хусусан, Шаркда тазкира ёзиш анъанаси гоятда кенг таркалган. Араб, форс тилларвда ёзилган тазкираларда, кейинчалик туркий тшшарда пайдо булган тазкираларда шеърият хусусида гоятда эътиборли фикр-мулодазалар билдирилган. Мудаммад Авфий Бухорийнинг "Лубобул албоб" ("Билимлар магзи"), Низомий Арузий Самаркандийнинг "Чадор макрла", Давлатагод Самаркандийнинг "Тазкират уш шуаро", Алишер Навоийнинг "Мажалус ун нафоис", Маледои Самарк,андийнинг "Музаккир ул асдоб", Радматулла Возеднинг "Тудфат ул адбоб", Ахмад Табибийнинг "Мажмуаи шоирон..." каби тазкираларида адабиёт дакдда эътиборли фикр-мулодазалар куп. Шунингдек, утмищда шеърият поэтикаси борасвда бахс юритувчи куплаб махсус рисолалар хам яратилганки, улар адабиётимиз назариясини атрофлича ва чукур ишлащца мух.им адамият касб этади. Абу Наср Мудаммад ал Фаробийнинг "Эхсо ул-улум", "Китоб ул фусул ул-маданий", "Шоирлар санъати к.онунлари дакдда рисола"; Абу Райх.он Берунийнинг "Ал-осор ул-бокия ан ал-крнун ул долия" ("^тмиш даврлардан крлган ёдгорликлар"), "Китобу мо лил хинд мин маъкуллатин фил ахли ав марзулатин" ("Х.индларнинг аклга сиг-адиган ва сигмайдиган таълимотларини аниклаш китоби"), Абу Али ибн Синонинг "Шифо", "Муътасамуш шуаро", "Поэтика"; Махмуд Замахшарийнинг "Мук.аддиматул адаб", Юсуф Саккокийнинг "Мифтох. ул-улум", Абдук,одир Журжонийнинг "Асрор ул-балот фи илми баён", Абулдасан Сарахсийнинг "Роят ул арузайн", "Канз ул к;офия", Мудаммад Родуёнийнинг "Таржимон ул балога", Ахмад Маншури Самаркандийнинг "Канз ул-гаройиб", Рашидий Самаркандийнинг "Зийнатнома", Рацгидиддин Ватвотнинг "Хадойик, ус сехр фи да крйик.уш-шеър", Кдйс Розийнинг "Китоб ул-муьжам фи маойири ашъор ал-ажам", Водид Табризийнинг "Жамъи мухтасар", Атоуллод Мадмуд Хусайнийнинг "Бадойиъ ус-саноъе", Шайх Ахмад бинни Худойдод Тарозийнинг "Фунун ул ба-

лога", Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон", Абдурадмон Жомийнинг "Рисолаи аруз" каби куплаб илмий рисолалари яратилганки, буларни пухта урганиб чикмай туриб узбек мумтоз адабиёти тарихи назариясини яратиб булмайди. Шунингдек, утмишда ёзилган дебочалар, фахриялар, манокибдолатлар дам борки, бу асарларда дам бадиий адабиёт дакдда, ижодкор шахсияти-долати хусусида фикр юритилган.

Утмиш мадрасаларимизда "Аруз илми", "Крфия илми", "Бадиий санъатлар илми", "Муаммо илми" каби махсус илмлар урганилган эканки, бу укув предметлари дам адабиёт назарияси дисобланган[1].

Хуллас утмиш манбашунослигимиз шу кадар бой ва рЪнг-барангки, уларни кидириб топиш, таржима килиш ва атрофлича тадлил этиш, умумлаштириш йули билан мумтоз адабиётимиз тарихи назариясини яратиш — шу кунимизнинг долзарб вазифаларидан булиб крлмокда.

XX аср узбек адабий-назарий карашлари тарихида дам куплаб асарлар яратилган. Бу давр илмий-адабий манбалари монографиялар, рисолалар, макрлалар, такризлар, обзорлар, портретлар, эссе-бадиалар, очерклар, илмий тарих, дарслик-кулланмалар тарзида вужудга келганлиги билан тавсифланади. Асримиз илмий-адабий манбаларини яратишда дастлаб Абдурауф Фитрат, Абдурадмон Саъдий, Отажон Хошим, Олим Шарафиддинов, Х.ОДИ Зариф, Водид Зодидов, Иззат Султон, Хомил Ёкубов, F. Каримов самарали хизмат килган булсалар, кейинги даврда М.Кушжонов, Озод Шарафиддинов, С.Мамажонов, Б.Назаров, А.Кдюмов, Л.Каюмов, А.Рустамов, Н.Каримов, У.Норматов, Н.Худойберганов, С.Мирвалиев ва бошк,а олимларимиз катта меднат к.илдилар. Узбек адабий манбашунослиги тарихида, хусусан, Порсо Шамсиев, Х-Сулаймон, С.Муталлибов, У.Каримов, А.К.аюмовнинг хизматлари алодида эътиборга лойик,.

**Адабий матншунослик (текстология:** лот. textus — асос, богланиш; юнон. logos — суз) — тадкик. эгиш, шархдаш, оммабоп ёки академик нашрга тайёрлаш мак.садида ада-

1 К,аранг: *Б.Валихужаев.* ^збек адабиётшунослиги тарихи (X—XEX асрлар). Т., "Узбекистон", 1993, 17-бег.

бий асарларни урганиш, уларнинг яратилиш тарихини аниклаш, асл (дастхат) ёки унга якинрок. матнни тиклаш, нашр этиш билан шугулланади. Матншунослик бадиий асарнинг у ёки бу нусхасининг ёки нашрининг нечонш мукаммал ёки номукаммаллигини аникдайди. Бадиий асарнинг, хусусан, утмищдан мерос булиб крлган асарнинг асл (дахстхат) матнини тиклаш — нихрятда мураккаб иш. Бунинг учун муайян асарнинг турли даврларда тайёрланган нусхалари бир-бирига синчковлик билан киёсланади, шу жараёнда котиблар ёкиноширлар томонидан асар матнига киритилган "тузатишлар", кушимчалар чикариб ташланади\ва шу тарика асарнинг илмий-танкидий матни тайёрлан^ди. Масалан, матншунос олим Порсо Шамсиев Алишер ХНавоийнинг "Хамса" сини тулалигича ва яхлит бир китоо хрлида нашрга тайёрлаш борасида мураккаб текстологик тадкикрт ишлари олиб борган. Олим "Хамса"га кирган достонларнинг турли кулёзмалари ва нашрларини киёсий планда урганиб чикдан, бу асарни унинг кадимий нодир кулёзма нусхалари — Алишер Навоий х.аётлик чопщаёк. Абдужамил котиб, Султонали Машхадий ва бошк.а машхур котиблар томонидан кучирилган нусхалар билан киёслаган. Шундай килиб "Хамса"нинг асл матнига якин нодир илмий-танкддий матнини тайёрлаб, 1960 йилданашр эттирган. "Хамса"нинг илмий-танкидий матнини яратгани учун Порсо Шамсиевга филология фанлари доктори деган илмий даражаси берилган.

Алишер Навоий асарларининг илмий-танкдций матнларини тайёрлаш ва нашр эттиришда Садриддин Айний, ("Хамса"нинг к.иск.артирилган нашри, 1940, 1947), Олим Шарафиддинов, Иззат Султон ("Мезонул авзон"), А.Н.Кононов ("Мах,бубул кулуб"), Х-Сулаймонов, А.Хайитметов, С.Раниева ва бошк.а олимларнинг хизматлари них.оятда каттадир. Матншунос олимларимизнинг илмий жасорати натижасида Алишер Навоий асарларининг ун беш томлиги чоп этилиб, шоир ижодини чукур ва атрофлича урганиш имконияти яратилган. Эндиликда Алишер Навоий тула асарлар туплами нашр зтилди. Шунингдек, В.Зох.идов, А. К,аюмов, Р.Каримов, С. Муталлибов, А.Рустамов, С.Долимов, Р.Мажидий, ХФасулов, Анисий, М.К,одирова ва бошка олимларимизнинг матншунослик сох.асидаги та-

дкикртлари натижасида бир катор узбек классикларининг асарлари нашр этилган. XX аср узбек ёзувчилари асарларининг текстологик тадкикртлари сохасида дам бир катор ишлар килинган. Хамза Хакимзода Ниёзий тула асарлари куп томлиги, Ойбек мукаммал асарлари ун тукдиз томлига, Х.[а]мид Олимжон асарларининг ун томлигининг нашр этилиши мана шу жумладандир.

Матншунослик фанининг мухим шохобчаларидан бири — атрибуция (лот. attributio — нисбат бермок) булиб, у муаллифи номаълум (аноним) ёки факат тахаллус куйилган асарнинг муаллифини, асар ёзилган жой ва йилини аникдаш билан шугулланади. Атрибуция — матншуносликнинг кадимий муаммоларидан. Чунончи, антик дунё даврида "Илиада" ва "Одиссея" эпосларининг Гомер каламига мансублигига шубха билан каровчилар булган. XVTII асрга келиб яна "Гомер масаласи" кутарилган. XIX аср урталарида айрим олимлар буюк инглиз драматурги В.Шекспирнинг улут асарлар муаллифлигига шубхд билдиришган. Уларнинг даъволарига кура, В.Шекспир оддий актёр булган ва, шу сабабли, у шодона трагедияларни ёзишга к.одир булмас эмиш. Атрибуция фани бундай карашларнинг асоссиз эканлигини курсатган — Гомер ва В.Шекспирларнинг муборак номлари сакдаб к.олинган.

Шунингдек, кейинги йилларда "Узбек тили ва адабиёти" журнали садифаларида "Гул ва Наврyз" достони муаллифи х,акида мунозара очилган эди. Бу масалага, бизнингча, адабиётшунос ва матншунос АДайитметов сунгги нук.та куйди: олим XV аср ёдгорлиги — Шайх Ахмад бинни Худойдод Тарозийнинг "Фунун ул балога" ва XVI аср ёдгорлиги — Захириддин Мухаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида кдйд этилган фактларга таяниб, "Гул ва Наврyз" достонининг муаллифи Лутфий эмаслиги, балки Х.айдар Хоразмий эканлигини исботлади. Бир вак.тлар Fар-бий Оврупа ва рус ориенталистлари орасида Алишер На-воийнинг "Лисонут тайр" номли фалсафий асари Фари-диддин Атторнинг "Манткут тайр" достонининг таржи-масидир деган к.араш бор эди. Узбек матншунослиги бундай караш мутлак.о асоссиз эканлигини исботлаб берган. Кейинги йилларда "Юсуф ва Зулайхр" достони муаллифи бо-

расида хам бахс очилган. Бу муаммога хозиргача узул-кесил нукта куйилганича йук..

Демак, бадиий матннинг дастхатини ёхуд илмий-танкидий матнини, асарнинг ёзилиш тарихини, муаллифи *но*маълум булган асар муаллифини аниклаш — матншунослик фанининг вазифаси экан.

**Библиография** *(юн.* biblion — *китоб* — grapho — ёзаман) — бадиий адабиёт ва адабиётшуносликка оид китоблар-нинг ёзилган, кучирилган ёки босилиб чикдан йили ва жойи, муаллифига *оид маълумотларнинг* йигиндисидир. Библиографиянинг вазифаси: а) урганиш зарур булган ада-бий-илмий матнлар, материаллар ва манбаларни аниклай-ди; б) таддщ этилаётган мавзунинг ишланиши, шунинг-дек, у ёки бу ёзувчи даёти ва ижодининг урганилиш тарихини кузатиб боришга, к;ачонлардир нашр этилган-у, турли сабабларга кура кейинчалик унутилган ёки йук.олган матн-ларни адабиётшунослик илмига олиб киришга ёрдам бе-ради.

Библиографиянинг икки тури мавжуд: а) илмий тадкик.от ишларига ёрдам берадиган илмий-ахборот, х.исоб-китоб'учун тузилган руйхат; б) укиш учун тавсия килинади-^н асарлар библиографияси. Бундан ташк.ари, библиографик курсаткичларнинг куйидаги турлари х.ам булади:

а) умумий библиография (масалан, В.И.Бойбекова, М.Султонова тахрири остида нашр килинган "Узбек адабиёти" (1940—1958).—Т.; 1963; б) махсус библиография (масалан, Алишер Навоий, Х-Х- Ниёзий, Садриддин Айний, Бафур Рулом, Ойбек, Х$^{ам}$ВД Олимжон ижодлари буйича махсус тузилган библиографиялар ёки "Узбек адабиётшу-нослиги ва адабий танкидчилиги библиографияси"; в) тематик библиография (масалан, уруш мавзуидаги бадиий асарлар библиографияси кабилар).

Мамлакатимизда библиографик ишларни тартибга солиш максадида махсус библиографик солномалар нашр килинмокда. Чунончи, китоблар, журнал макрлалари, газета мак.олалари, такризлар солномалари — журналлар шулар жумласидандир. Узбекистон Китоб палатаси ранг-баранг библиографик журнал — бюллетенлар нашр килмокда.

**б2^ка ф^^Г билан алокаси**

Адабиётшуносликнинг мудим хусусиятларвдан бири шундаки, у биР неча ижтимоий ва гуманитар фанлар билан алокада ривожланади. Адабиётшунослик фалсафа, тилшунослик, педагогика, психология, эстетика, санъатшунослик, тарих, археология, этнография фанлари аро шундай диалектик муносабат борки, шу алока туфайли бу фанлар бир-бирининг таракдиётига кумак беради. Адабиётшуносликнинг узи дам утмишда шу фанлар багрида, улар билан крришик. долда мавжуд булган. Адабиётшунослик билан бошка ижтимоий фанлараро муносабат гоятда мураккабдир. Айшщса, адабиётшуносликнинг тарих, эстетика, тилшунослик, фалсафа билан алокаси. бир-бирига таъсири кучли булган. Бундай диалектик алокани, аввало, уларнинг объекта булган ижтимоий даётнинг узи такрзо килади. Иззат Султон "Адабиёт назарияси" дарслигида адабиётшуносликнинг бошка ижтимоий фанлар билан муносабатини куйидагича асослайди: биринчидан, адабиёт — жамият тарихини ва унинг онгини акс эттирар экан, шу тарихнинг умумий к.онуниятларига буйсуниши табиийдир. Тарихнинг умумий к.онуниятлари адабиёт ривожининг дам умумий крнуниятларидир. Шунга кура, адабиётшунослик тарих фани билан узвий алок.ада камол топади. Иккинчидан, жамият онгини ва унинг тарихини адабиёт факат тил воситасида акс эттиради. Тилнинг кишилар орасидаги воситачилик ролини урганадиган тилшунослик фанларининг ютуклари адабиётшуносликда албатта эътиборга олинади. Учинчидан, эстетика гузаллик конунлари ва санъат асарлари дакида бадс юритар экан, адабиёт дам санъатнинг бир тури сифатида *унинг* хулосаларига таянади — *эстетика,* ва адабиётшунослик бир-бирини бойитади. Туртинчидан, адабиёт-ижти-моий онг шаклларидан бири. Ижтимоий онг ва унинг крну-ниятларини эса фалсафа фани урганади. Шу важдан, фалсафа фани хулосалари бадиий адабиётга бевосита тегишли булади. Адабиётшунослик бадиий адабиёт дакида фикр юритар экан, у, албатта, фалсафа фани ютукдарига таянади.

**"Адабиётшунослик асослари" курсининг кртскача мазмуни, тузилиши ва вазифалари**

"Адабиётшунослик асослари" курси "Мукаддима" ва турт булимдан иборат. Биринчи булим "Бадиий адабиётнинг умумий кридалари" деб номланиб, бунда "Хаёт ва адабиёт", "Бадиий образ", "Бадиий адабиётда типиклаштириш" "Бадиий адабиётда дунёкараш, ижод эркинлиги, мшшийлик халкчиллик ва умуминсонийлик" мавзуларини урганиш куздатутилади. Иккинчи булим "Бадиий асар тузилиши" деб аталиб, бунда "Бадиий асарда мазмун ва шакл мутаносиблиги", "Бадиий асар мавзуи ва гояси", "Бадиий сюжет", "Бадиий асар композицияси", "Адабий асар тили" "Шеър тузилиши" мавзулари ёритилади. Нихрят, учинчи булим "Адабий жараён" деб номланиб, унда "Адабий турлар ва жанрлар", "Адабий оким, ижодий метод ва индивидуал услуб" масалалари куздан кечирилади.

"Адабиётшунослик асослари" курсида адабиёт назариясининг асосий тушунчалари хакида маълумот берилади ва бундан сунг урганиладиган адабиётшунослик фанлари (адабиёт тарихи, адабий танкид, адабий жараён, узбек боjrajiар адабиёти, адабиёт назарияси)ни урганиш учун шарт-шароит яратилади. Бу курсда, асосан, бадиий адабиётнинг умумий крнуниятлари, бадиий асар табиати, шеър илми ва адабий жараён мас^лаларини урганишга алох.ида эътибор каратилади. Таъбир жоиз булса, "Адабиётшунослик асослари" бадиий адабиётнинг шундай алифбосидирки, уни дуруст урганмай туриб бошк.а адабиётшунослик фанларини билиш амримах.олдир.

# I Б9ЛИМ АДАБИЁТ КОИДАЛАРИ

## Биринчя боб ХАЁТ ВА АДАБИЁТ

**Адабиёт — х,аётнинг бадиий инъикоси**

Бадиий адабиётнинг бош хусусияти Унинг ижтимоий онг шакл-ларидан бщш эканлигидир•

Маълумки, ижтимоий борлик. — жамиятнинг моддий хаёти, моддий неъматлар ишлаб чикариш хдмда шу ишлаб чикдриш жараенида кишилар уртасида вужудга келадиган муносабатлар. Ижтимоий онг — карашлар, тасаввурлар, Боялар; сиёсий, дукукий, эстетик назариялар; фалсафа, ахлок., дин ва хрказолар. Демак, жамият хаётининг моддий томонлари — ижтимоий борлик. ва унинг маънавий жихатлари — ижтимоий онг хдцисасидир. Ижтимоий борлик. ижтимоий онгдан ташкарида ва унга боклик. булмаган хрлда мавжуддир. Ижтимоий онг эса ижтимоий борлик,-нинг инъикосидир. Ижтимоий борлик. билан ижтимоий онгнинг узаро муносабати — диалектик жараёндир. Адабиёт дам ижтимоий онгнинг шаклларидан бири уларок. ана шу к.онуниятга амал килади: адабиёт даётдан ажралмайди ва унга узлуксиз таъсир утказиб туради.

Демак, х.аёт, объектив борлик., ижтимоий турмуш — асос ва ижтимоий онг — хрсиласидир. Инсон уз мияси восита-сида объектив борликни турри била олиши, тушуниши мум-кин. Инсон онги, билимлари узида объектив х.акик.атни ифодалайди — реал борлик. заминида пайдо булади. Шун-га кура, бизнинг онгимиз, тасаввурларимиз, билимлари-миз нисбий х.ак.ик.атдир. Ижтимоий борлик. бирламчи булиб, у ижтимоий онгни белгилаб беради, жамиятнинг маънавий хаётини аниклайди. Жамиятнинг моддий тур-мушини таракдий эттиришда илгор ижтимоий гояларнинг ташкилотчилик, сафарбарлик, к,айта курувчилик роли ни-х.оятда каттадир. Бинобарин, ижтимоий онг (сиёсат, фал-

сафа, фан, санъат)нинг жамиятнинг моддий турмуши (ба-зис)га таъсири хакидаги фалсафий хулоса санъат ва адабиётнинг кишиларни муайян гоялар рухдца тарбиялашини — халк. хаётига таъсирини тугри тушунишга ёрдам беради. Хакикатан хам санъат ва адабиёт хаётдаги етакчи тенден-цияларни ифодалаш йули билан миллион-миллион китоб-хонларнинг онг шуурига, калбига эстетик таъсир килади, уларни истикболга даъват этади. Шунинг учун хам биз санъат асарларини севиб укиймиз ва урганамиз.

**Фан, санъат ва адабиет**

Ижтимоий онг — объектив олам ва ИЖТИМОИЙ борликнинг кишилар Л « онгидаги инъикоси. Ижтимоий онг-нинг ранг-баранг шакллари мавжуд: сиёсат, мафкура, хукук., ахлок., дин, фан, санъат, фал сафа... Ижтимоий онг шакл-: лари уз объекти ва инъикос шаклига, ижтимоий вазифала-ри ва тараккднёт крнунларининг узига хос хусусиятларига караб бир-биридан фарк. килади. Ижтимоий онг шаклла-рининг хилма-хиллиги объектив олам (табиат ва жамият)-нинг сермазмунлиги ва ранг-баранглиги билан белгиланади. Ижтимоий онг шаклларининг х.ар бири вокеликнинг у ёхуд бу жихатини акс эттиради.

Илмий ва бадиий тафаккур объекти битта — реал бор-лик., биздан ташкаридаги олам. Илмий ва бадиий тафаккур ана шу объектив дунёни идрок килиш, узлаштириш-нинг турли шаклларидир. У шаклларнинг х.ар бири уз ва-зифасига эга. Санъат ва фан маънавий маданиятнинг алохида турларидандир.

Фан табиат, тафаккур ва жамиятнинг объектив крнун-ларини очади. Санъат эса уларнинг илмий хулосаларига таянади. Шундай килиб, фан томонидан кулга киритил-ган билимлар санъат крнига сингиб кетади, бадиий к.айта ишланади.

Фан — ижтимйий-тарихий турмуш тарак.киёти жараё-нида табиат, жамият ва тафаккур хакида тупланган билим-лар жамулжами. Фаннинг мацсади — хрдисаларнинг объектив к.онунларини очиш, уларни тугри тушунтириб бериш-дан иборат. Жамият ва табиатнинг объектив крнунларини билмасдан туриб, бадиий. тафаккур — санъатнинг мохия-тини тушуниш хакида хеч к,андай гаn х.ам булиши мумкин эмас. Фаннинг кучи унинг илмий умумлашмаларидадир.

Фан инсониятнинг ишлаб чикариш — амалий фаолияти асосвда тугалади ва ривожланади. Табиат фанлари табиат хрдисаларини урганиш билан шугулланса, ижтимоии фанлар жамият таракдиёти крнунларини кашф этади. Табиат ва жамият хакидаги фаняар ижтимоии онг шакллари сифатида ижтимоии хаёт ва табиат заминида вужудга келади хамда улар ижтимоии таракдиёт учун хизмат кдлади. Умуман, фан хаётни мантикий хулосалар асосида узида ифодалайди, хаёт крнунларини очади.

Санъат (бадиий адабиёт, меъморлик, хайкалтарошлик, рассомлик, мусика, театр, хореография, кино...) — ижтимоии онг шаклларидандир. Санъат хам, худди фандек, х.аётни акс эттиради ва хаёт жумбокларидан сабок, беради. Щу сабабли у хам ижтимоии ахамият каеб этади. Буюк файласуф Аристотель "Поэтика"сида фан билан санъат уртасидаги муштараклик ва тафовутлар хусусида шундай деб ёзган: "Шоирнинг вазифаси х.акик.атан х.ам булиб утган нарсалар х.акида эмас, балки чиндан х.ам ёки заруriят туфайли юз бериши лозим булган нарсалар тугрисида хикоя килишдир... Тарихчи билан шоирнинг фарк,и, уларнинг бири шеърда, иккинчиси прозада гапирганида эмас... Шоир билан тарихчининг фарк.и шундаки, улардан бири — хакикатан х.ам булиб утган нарсалар хакида, иккинчиси — юз бериши мумкин булган нарсалар х.ак,ида гапиради... Поэзия (адабиёт — Т.Б.) умумий нарсалар х.акида, тарих эса хусусий нарсалар хакида хикоя килади"[1].

Санъат фандан фаркли уларок,, х,аётни образлар воситасида ифодалайди. Гегель айтганидек, санъат образлар орк,али фикрлаш демакдир.

Хаётни образлар орк,али акс эттириши жих.атидан санъат турлари уртасида умумийлик, ухшашлик, муштараклик мавжуд булса-да, образ яратиш жараёнида санъатнинг х.ар бир тури унинг факат узигагина хос булган ифода воситаларидан фойдаланади. Бундай ифода воситалари, одатда, санъат турларининг "уз тили" деб юритилади.

---

[1] Аристотель. Поэтика. Об искусстве поэзии. М. ГИХЛ, 1957, 67—68-бетлар.

Бадиий адабиёт тили хайкалтарошлик, меъморлик, рассомлик, мусика тилларидан фарк, килади. Рассомликда бадиий образ сурат ва картина колорити воситасида яратилади, шунга кура, рассомлик "тили" деганда, чизиклар, ранг, ёрукиик сояси ва композицияни тушунамиз. Хореографиянинг "тили" эса инсон танасининг узига хос ифодали харакатидир.

**Ддабиётда** тил, композиция, оханг, ритм кабилар воситасида бадиий образ яратилади. Бундай воситаларнинг жамул жамисиз адабий асар яшай олмайди. Шу сабабли бу воситаларнинг жами — нутк., ритм, оханг, композиция — бадиий адабиёт "тили"дир. Бирок, нутк. адабиётнинг курилиш материали, биринчи элементи, асосидир. Шунга кура, бадиий адабиёт "суз санъати" деб хам юритилади. Адабиёт суз воситаси билан образ яратганлиги сабабли санъатнинг бошка турларига нисбатан хаётни ва инсонни мумкин кадар туларок, ифодалаш имконига зга.

Хакикатан хам бадиий адабий санъатнинг бошка турларига нисбатан тасвир имкониятининг кенглиги ва синтетик характери билан ажралиб туради. Чунончи, адабиётни санъатнинг макон билан ботик, турлари — рассомлик ва хайкалтарошликка киёслаб курайлик. ТуҒрп, бадиий адабиёт кургазмалилик ва ёркишгак жихатидан х.айкалтарошлик ва рассомлик билан бахслаша олмайди. Хайкалтарош ва рассом предметнинг кузга ташланиб турадиган жих.атларини якдол акс эттиради. Кишиларнинг ички кечинмаларини, характерини, одамлараро муомала-муносабатларнинг бир зуминигина картина ёки х.айкалда турли-туман ташки х.аракатлар воситасида ифодалайди, холос. Суз санъаткорининг эса бу борада имкониятлари них.оятда катта: адабий асарда кахрамоннинг ташки куриниши, ички кечинмалари, у яшаган мухит — инсоннинг зох.ирий ва ботиний жщатлари (фикр-уйлари, х.ис-даяжонлари, туйгулари, орзу-интилишлари кабилар) муфассал ифодаланади. Г.Э.Лессинг "Лаокоон ёки тасвирий санъат ва поэзиянинг чегараси хакида" номли асарида таъкидлашича, макон билан боюшк. санъатда, асосан, фигура, яъни предмет, хрдиса, шахсни бадиий ифодалаш, поэзияда харакат, яъни кишиларнмнг ички дунёси ва ташки мухитидан юз берадиган хатти-х.аракатларини акс эттириш бош масала булиб

туради. Г.ЭЛессинг шундай деб ёзган: "Тасвирий санъат инсоннинг тана аъзоларини, шу оркали унинг харакатларини тасвирлайди. Адабиёт харакатларни ва у оркали инсон танаси харакатини ифодалайди"[1].

Бадиий адабиёт тарихи бу фикрнинг тугрилигини курсатади. Шуниси хам борки, дастлабки даврларда яратилган эпик асарларда, асосан, кахрамонларнинг ишлари, жасорати, хатти-харакатлари тасвирланган (масалан, Геркулесга багашланган юнон эпосларида шу хрлни курамиз). Кейинчалик, ёзувчилар кишилар характерларини чукуррок. очишга, уларнинг хатти-харакатларига сабаб булаётган омилларни тахлил килишга, инсон калбининг ранг-баранг куринишларини ифодалашга интила борганлар. XIX асрнинг охирларига келиб бу борада рус ёзувчилари катта муваффакиятларга эришдилар. Л.Толстой ва Ф.Достоевский кахрамонларнинг ички дунёси — "калб диалектикаси"ни гоятда чукур ва атрофлича тасвирлашга муваффак, булдилар. Бу — бадиий тафаккур тарихининг жидций ютугидир. Утган асрнинг улуБ санъаткорлари характер билан шароит, инсон билан мухит уртасидаги алок.ани, узаро таъсирни очиш борасида х.ам катта галабани кулга киритишган. Реализм адабиётида утмиш адабиёти эришган бундай ютукдар — к.ахрамоннинг "к,алб диалектикаси"ни очиш ва характер билан шароитнинг узаро таъсирини чукур акс эттириш анъаналари бир-бирига чамбарчас богланиб кетди — шу усулда хаёт ва инсонни бадиий ифодалаш юксак погонага кутарилди. М.Шолохов, А.Толстой, А.Фадеев, Чулпон, А.К,одирий, Ойбек, А.К,ах.х.ор, М. Шайхзода, О.Ёкубов, ПДодиров, Э.Вох.идов, А.Орипов каби йирик суз усталарининг асарлари ана шундан гувохлик беради.

Мусика билан бадиий адабиёт замон билан ботик, булган санъат турларига мансуб булса-да, улар орасида жиддий тафовутлар бор. Мусик.а билан адабиётни киёслаб курадиган булсак, суз санъатининг баъзи чекланган жих.атларини х.ам, бехдд афзаллик белгиларини х,ам пайк.ай оламиз. Мусика турли-туман товушлар ёрдамида инсон-

---

[1] *Г.Э.Лессинг.* Лаокоон или о границах живописи и поэзии. М. Гослитиздат, 1957, 423-бет.

нинг энг мураккаб, энг нозик хис-туйгулари ва кайфиятини шу кадар чукур очиб берадики, суз санъатининг бунга шу кадар крдир була олиши амримахрлдир. Аммо адабиётнинг узига хослиги шундаки, у шахсни, вокеани, предметни як.крл ва ёркин ифодалайди, ташкдт дунёнинг ранг-баранг хдцисаларини хам, инсон калби диалектикасини хам уз ичига камр4б олади. Негаки, бадиий адабиёт санъатнинг бошка турларига хос булган тасвир воситаларидан хам фойдалана олади. Шундай килиб, бадиий адабиёт синтетик характери ва тасвир имкониятлари нихрятда кенглиги билан санъатнинг бошка турларидан ажралиб туради.

**Адабиётнинг тасвир объекти (предмети) ва вазифалари**

Инсон — санъат ва адабиётнинг 5ош предмети, тасвир объекти. Аммо бу хам узига хос тарихга эга — санъат пайдо булиши биланок. инсон унинг асосий предмети килиб олинмаган. В.Г.Белинскийнинг ук^иришича, санъатнинг барча турларида, хусусан, кадимги х.инд поэзиясида таби-ат илохийлаштирилган, биринчи галда усимликлар, илонлар, кушлар, сигирлар, филлар ва бопща х.айвонлар курсатилган. Одам эса табиатга тобе, ёрдамчи куч сифатида берилган. Санъат таракдиётининг навбатдаги боскичи — кддимги миср мифологиясида бахдйбат х.айвонлар ва худолар образлари орасида инсон киёфаси х.ам курина бошлаган. Фак.ат кадимги юнон санъатидан бошлаб инсон санъат асарининг бош предмети булиб хизмат килган. В.Г.Белинскийнинг фикрича, антик адабиетда яратилган худолар — идеал одам образи, инсонни илохийлаштиришдан бошка нарсаэмас. Гомернинг "Илиада", "Одиссея" асарлари, Эсхил, Софокл ва Эврипид трагедиялари, Аристофан комедиялари бадиий тафаккур тарихида инсонни санъатнинг бош кахрамони килиб олиши жихатидан илк буюк кашфиётлар булди. Шундан бошлаб, инсон санъатнинг асосий тасвир объекти булиб к.олди. Улуг санъаткорларни эслаганимизда, дафъатан улар яратган адабий к.ахрамонлар ёдимизга тушади. Чунончи, Гомер деганда — Ахиллес, Гектор, Одиссея; В.Шекспир деганда — Гамлет, кирол Лир, Отелло, Ромео, Жульетта, Макбет; Алишер Навоий деганда — Фархрд, Ширин, Дилером, Искандар, Мажнун, Лай-ли, Бахром; Л.Толстой деганда — Андрей Болконский, Пьер

I I J X к

Безухов, Нйташа Ростова, Левин, Анна Каренина, Нехлюдов; М.Шолохов деганда — Григорий Мелехов, Семён Давидов, Нагульнов, Разметнов, Андрей Соколов; Ойбек деганда — Йулчи, Алишер Навоий, Уктам, Комила, Бектемир каби ёркин образлар куз унгимизга келади. Гомер давридан бизнинг замонамизгача бадиий адабиёт жуда узок, ва бенихря мураккаб тарихий жараёнларни босиб утди, аммо хар доим инсон унинг диктат марказида турди. Бирок, бундан бадиий асарда инсондан боцща хеч нарса тасвирланмас экан-да, деган бир томонлама хулоса чикдрмаслик керак. Чунки адабиётда инсондан ташкари табиат, хайвонот дунёси, буюмлар ва бошкалар хам тасвирланади. Аммо улар хам, албатта, инсон билан боглик. хрлда берилади.

Адабий асарда инсондан тапщари тасвирланадиган объектлардан энг мухими табиат булиб, у илмий адабиётда пейзаж деб юритилади. Хакикатан хам бадиий асарларда табиат образи (пейзаж) тез-тез учраб туради. Аввало у асар композициясида, албатта, аник,гоявий максадни ифодалайди: а) кахрамон харакат криладиган табиий мухитни курсатади; б) к^ахрамон характерининг у ёки бу кирраларини очишга хизмат к.илади; в) асарда тасвирланаётган вок,еа-хрдисага тарихий-конкрет табиий туе беради ва х.оказо. Масалан, Абдулла К,ахлорнинг "Синчалак" повестига назар ташлайдиган булсак, асарда санъаткорона чизилган пеизажнинг к,ахрамонлар характерларининг к,ирраларини, уларнинг рух.ий дунёларини очишга тула хизмат к^шдирилганлигини пайк,аш к^йин эмас. Чунончи, "у (Сайда) жуда кеч ётганига к.арамай, тонг ёришар-ёришмас уйгонди, лекин кузлари тула уйку, бутун вужуди уйкунинг бирикки минутли энг ширин жойи к,олди деб турар, сах,ар шабадасида япрокларнинг шитирлаши, кушларнинг чугурчугури уни аллалар эди...". Бу пейзаж тасвирида автор гузал тонг манзарасини куз олдимизда гавдалантирибгина крлмасдан, шу билан бирга, к,ахрамоннинг рух.ий кайфиятини, ички кечинмаларини х.ам очиб берган. Ёки Каландаров янги олинган юк машинасининг рулида кетар экан... "йул буиидаги тиник,яшил дарахтлар, барра утлардан кузи кувониб, кишининг вужудини, рухини яйратадиган май Хавосидан мает булиб, хиргойи килиб боради". Бу пейзаж

Каландаровнинт рухи билан гоятда уйгун - *ахра-монниГ^яб кувончларини, кутаринки рухий каифияти-ни севинчини буртг^рибр^ ифодалашга хизмат кдлди-

рилБадиий асарда табиат манзаралари факат ёрдамчи во-ситашна булиб крлмайди. Чунончи, пейзаж лирикасида бош тасвир объекти табиат хрдисалари булади. Аммо бу хГасарларда хам пейзаж инсон хаёти билан, унинг ^с-ту^улари 1илан уйгун холда берилади. Хамид Олимжон, ЗйбТк, Миртсмир, Уйгун ва боцща шоирларимизнинг пей-заж липикаси ана шундан гувохлик беради.

Шоир Ойбек "Наъматак" шеърида юзакиро^ ^араган-шунчахи бир ёввойи тог гули - наъматакни таъриф-Т^аёт'анга ухвгайди - шеърда фа^^наьматак х^w гапираётгандек туюлади. Аслида эса шй рида рамзий образ - наъматак воситасида лирик мш (шоирнинг узи) нинг жонажон улкамиз бадорига, 4ГГ™а нафосатга булган жушкдн мух^аббатини та-. Шоир фалсафасига кура, нафосат, гузаллик, хаё™иХи завкишу^адаркучлики,у^арк1андаик.або-хатаи корГкучлаТ«и ДОВДа к.олдира олади. Тог к.оясини ёрибдан, «га, беаёв буронларга, жазирамаиссида башош берган ва улар устидан галаба килиб, куешга бир сават ок. г^Падя этган наъматак мана шундан гувохлик беради:

Нафис чайкдяади бир туп наъматак
Юксакда, шамолнинг беланчагида,
Куёшга кутариб бир сават ок, гул,
Вик>ор-ла ушшайган коя лабвда, Нафис
чайкалади бир туп наъматак... Майин
раксига хеч к;оник;мас кунгал, Ва^ший
тошларга хам у берар фусун. Сунмайяи
юзида ёркдн табассум, Янокларни тутиб
олтин буса-чун. Куёшгатутади бир сават
ок гул!

Пойидайирлайди кумуш крр юм-юм...
Нафис чайкалади бир туп наъматак.
Шамол инжуларни сепар чашмадак
;
Бошида бир сават ок. юлдуз - чечак,
Нозик саломлари накадар маъсум!

Тоигар х;авосининг фирузасидан
Майин товланади бутун нихрли.
Вахший кояларнинг ажиб ижоди:
Юксавда раке этар бир туп наъматак, ,
Куёшга бир сават гул тутиб хурсанд!

Шеърдаги дар бир суз ва ибора шу кадар жозибалики, гуё улар мисраларга тизилган жаводирларга ухшайди: "шамолнинг беланчаги", "викрр-ла ушшайган коя", "куёшга кутариб бир сават ок. гул"... Накадар оригинал образли иборалар! Шоир тасвирида, наъматак, датто, "вадший тошларга дам... фусун" беради, унинг пойида "йиг^лайди кумуш крр юм-юм" ... Натижада китобхон куз унгида TOF табиати манзараси — гузал бадор жонланади. Бу манзара шу кадар жозибалики, у дар кандай киши калбини ларзага солади, табиат муьжизасига; "тоглар давосининг фирузаси" — наъма-такка — гузаллик рамзига иштиёкини, давасини, мудабба-тини уйготади. Хуллас бу шеърда инсон образи йукдек куринган булса-да, унда инсоннинг табиатга муносабати, лирик к.адрамоннинг даётга иштиёки, нафосатдан завкла-ниши, даёт фалсафаси жуш уриб турибди. Шеърдаги наъматак эса уз улкасини жон-дилидан севувчи инсоннинг бой маънавий дунёсини очишга хизмат киддирилган. Бундай асарлар китобхонни ^лкага мудаббат, эл-юртга садокат ру-дида тарбиялайди — уни порлок. истик,болга етаклайди...

Бадиий асарда дайвонот дунёси тасвирига дам алодида эътибор берилади. Хайвонот образи дам, худди пейзаждек, инсон характерининг у ёки бу кирраларини очишга хизмат килдирилади. Бу уринда, "Алпомиш" достонидаги Бойчибар, Ч.Айтматовнинг "Алвидо, Гулсари" повестидаги Гулсари, А.Кдддорнинг "Синчалак" киссасидаги икки от тасвирини эслаш кифоя.

"Синчалак"да К,аландаров билан Саиданинг отда пахта далаларини айланиб чикиш эпизоди бор. Шу эпизод оркали, биринчидан, К,аландаровнинг колхоз даётини яхши билишлиги, дедк.онлар калбига йул топа олиши, тажрибакорлиги курсатилган булса, иккинчидан, Саиданинг ундан куп нарсаларни урганганлиги далилланган. Аммолпу эпизодда муаллиф бир рамзий гояни дам олга сурган. Бу
от воситасида очилган.

Кдландаров аслида Савдани колхоздан бездириш мак.-садида ана шу "саёхат"ни уюштиради. Шунинг учун хам унинг узи ювош саманни олиб, отда юриб урганмаган Савдага бошини куйиб юборса суриб кетадиган, тортса уинок,-лайдиган ута асов тойни беради. От Саидани хядттян ташкдри толиктиради, кийнайди:

Дала йулига чикилганда Сайда бир тажрибасизлик килди, той хадеб суришга интила берганидан "бир чопшрай, зораки чарчаб, бир оз босилса" деган хаёдда бошини куйиб берди. Шунга махтал булган той бирдан кутариб кетди: Сайда харчанд бошини тортмокчи булса хам худай тушила уринаётгандай, тортолмас эди. У эгарнинг кришн икки куллаб махкам ушлаганича энтикиб, дод дегани нафасини ростлолмай борар эди; назарида минг километр куринган бир неча юз метр масофани босганидан кейин нима булиб хушини унглади-ю, жиловни силтаб тортди. Той бирдан йулга кундаланг булиб уйнокдади, пишк;ириб оддинги оёкларини кутарди, чопганидан кейин чарчаб босилиш ^рнига, баттар булди. Саиданинг белига OFPHK. кирди, такими шилингандай булиб ачишди...

Аввало, бу уринда тойнинг асовликлари замирида бир поэтик БОЯ бор, шу оркали Каландаров Саидага "Сиз болалик кдлиб, бунак,а хом хаёлларга бориб юрманг. Мен узим аравадан бопща ишга ярамайдиган пачок; отдай куринсам дам унча-мунча чавандоз минолмайдиган улокли отман. Унча-мунча одамни ергачалпак кушаман, чалпак. Буни билиб, тушуниб куйинг..." деяётгандек туюлади кишига. Бирок; куп утмай Сайда сал тажриба орттириб, асов тойни жиловлаб, бутунлай уз измига солиб олади. Бу билан муаллиф гуё В^аландаровга "бузокнинг югургани сомонхонагача", бундай ужарликларинг билан узокда боролмайсан, барибир Сайда сени жиловлаб олади, чунки у фак.ат акд-идрок ва кучли мантик. асосида иш кдяади, ундаги тажрибасизлик$_1$ Бурлик уткинчидир" деяётгандек.

Бадиий асарда буюмлар, жисмлар, нарсалар, предмет-лар тасвири хам, мух.ит, бино, уй жих,озлари кабилар х.ам узига хос урин эгаллайди. Бундай образлар, одатда, асарда миллий социал-тарихий колоритни ифодалашга, к.ахрамон-ларни конкретлаштиришга, уларга табиий туе беришга, даректер к;ирраларини очишга хизмат килади. Бу уринда, / лоак.ал, "Синчалак" повестида берилган буюмлар, жисм-

лар, иредметлар тасвирининг асар кахрамонлари характерларини очишга нечокли хизмат килишига бир назар тащлайлик.

Мана, Кдландаров хрвлисининг тасвири:

Кдландаровнинг хрвлиси катгагина экан. Бир томонда унча дид билан солинмаган булса х,ам, каттагина иморат, сиркор айвон; унинг рупарасида довуз, чогрок. шийпон, сим тортиб кугарилган ток, богча-полиз... Лекин буларнинг хаммаси ховли эгасининг х^васи зуру, хдфсала ва диди йуклигини курсатиб турар эди: токнинг бир неча новдаси симга уз холича тирмашибди-ю, крлгани ерда ётибди; мева дарахтларининг остини, полизни шура ва гумай босиб кетибди; ховузнинг уртасида aTiaisaHaisa кргоз яшик ярмигача сувга ботиб кийшайиб ётибди ва шапканинг гардиши, фанер парчаси сузиб юрибди; шийпон кдчондир бир буялган экан, хозир буекдан асар к;олибди, холос; айвоннинг зинаси олдида си-ник, хум аранаб, каттакон к.адок. тош занг босиб ётибди.

Бу тасвирни автор бир неча мацсадта хизмат килдирган: биринчидан, каттагина моддий имкониятга эга булган раис К,аландаровнинг рузгор-оиласи ва унинг узи истик;омат киладиган шароитни куз олдимизга келтиради ва шу орк,али кдхрамоннинг х.аётийлигини курсатади, уни далиллайди ва конкретлаштиради. Иккинчидан, К,аландаровнинг ички дунёсига ишора кшгади. К,аландаровнинг рух,ий дунёси хам худди шу х.овлидек к,аровсиз, уз х.олига ташлаб куйилган. Унинг сиймосида, табиатида кенг феъллилик хам, одамийлик х.ам, донолик х,ам бор. Бирок, улар ни каровсизлик натижасида усиб чикдан сассик, пупанаклар ураб олган — соф марваридлар чанг-тузон остида кумилиб долган.

Биз куриб утган манзара характерга тула мое. Аммо бадиий асарда антитеза усулида чизиладиган ташки мухит (обстановка) манзаралари хам учраб туради. Чунончи, "Синчалак"да "Бустон" колхози фирка кумитаси котибининг хонасини куз олдимизга келтириб курайлик.

Сайда "Бустон" колхози партия ташкилотининг секретари" деб кизил ойнага ок. хал билан ёзилган к.ора клеёнка крпланган эшикни очиб кираркан, "кабинетни куриб... OFЗН очилиб к.олди. Кдмматбадо мебеллар кузни к.амаштиради. Столларга ёйилган кизил мовут, курси ва креслоларга крпланган кизил бахмал чугдай яшнайди. Деворларда рах.бар-

ларнинг зархал рамкаларга солиб осилган портретлари, областнинг харитаси, колхоз территориясининг плани, турли-туман диаграммалар, фотохужжатлар..."

Четдан келган киши кабинет жихрзларини куриб, "Бустон"да партия ташкилоти ва унинг секретари катта мавкега эга экан. Раис бунга алохида хурмат ва эътибор билан карарканда" деган хулосага келиши табиий. Кдландаровга эса худди шунинг узи керак: назарида бу гуё унинг обрусига обру кушади. Сохта обру, сохта шухрат, ортикча дабдаба кетидан кувиш — К,аландаров характерида чукур из крлдирган иллатлардан биридирки, бу уринда санъаткор мана шунга ишора килган.

Демак, адабий асарнинг тасвир объекти умуман хаёт — табиат ва жамият хрдисалари. Бирок, тасвир марказида инсон, унинг хаёти, хатти-харакатлари, хис-туйкулари, кураши, севгиси, нафрати, рашки, кувончи ва дард-аламлари туради. Шунга кура, санъат асарининг бош предмети инсондир деган хулосага келамиз.

**Бадиий адабиёт — инсоншунослик**

Болгар академиги Тодор Павлов-нинг ук.тиришича, табиат ва жами-ятда соф физик, соф кимёвий ёки соф эстетик кийматга эга булган нарса булмайди. Уларда шундай хислатлар борки, у фи-зикнинг х.ам, кимёгарнинг х.ам, санъаткорнинг х.ам дикда-тини узига тортади. Шунинг учун уша предметни биров физик, иккинчи бир шахе кимёвий ва учинчиси эстетик нуктаи назардан урганади, тахлил к.илади, хулоса чикара-ди. Чунончи, **куёш** ва **юракни** астроном, физиолог ва санъаткор узича урганади: куёш — астроном назарида шарсимон булиб, энергия манбаи, эллипс буйлаб х.аракат килувчи фазовий жисм; санъаткор нукдаи назарида эса куёш х,аёт ва нур манбаи, эрк ва бахт рамзи. Юрак — физиолог нуктаи назарвдажонли организмнинг бир хужайраси, организмни кон билан таъминловчи узига хос "насос" булса, санъаткор наздида эса юрак — инсонийлик рамзи, калбдир. Бу уринда бизни кизиктирадиган нарса — инсон ва уни тушуниш масаласидир.

Аввало шуни айтиш-керакки, инсон санъат ва адабиётништина предмети эмас. Инсонни физиология, анатомия, стоматология, хирургия, урология, травматология каби

фанлар; тарих, этнография, антропология, педагогика, психология, мантик. каби ижтимоий фанлар хам урганади. Шунга кура, инсонни фан кандай текширади ва санъат кандай урганади, деган савол табиий равишда келиб чикади.

Фан инсонни яхлит додда олиб текширмайди, аксинча у уз объектини алодида ажратиб олиб урганади. Санъат эса уз предметини чинакам яхлитликда олиб текширади. Олим конкрет додисадан шу додисанинг мудим хусусиятларини уз ичига камраб оладиган абстракция томон боради, бунда предметнинг бир бутунлиги сакланмайди.

Инсон адабиётда бутун мураккаблиги, яхлитлиги билан акс этади. Адабиетнинг марказида инсон — хис килувчи, фикрловчи, даракат килувчи, уз атрофини куршаб олган ташки дунё билан богланган киши туради, холос. Шунга кура, адабиётни инсоншунослик деб тушуниш лозим.

Шундай кшшб, ёзувчи уз асарида бутун вокелик ва мураккаб даётий муносабатларни конкрет инсон даёти манзаралари оркали бадиий ифодалайди. Адабиетнинг тасвир объекта — вокелик, даёт; тасвир предмети — инсон ва унинг вазифаси — кишиларга маърифат ва эстетик тарбия беришдан иборат.

Яна шуни дам таъкидлаш керакки, бадиий асар кадрамони китобхон калбини х.аяжонга солмаса, даётий масалаларни ифодаламаган булса кузатилган максадга тула эришиб булмайди. Асар китобхонларга маънавий озик. бериши, ёзувчи уларни к,изик.тирадиган муаммоларни тасвирлаши лозим. Чунончи, М.Л. Леоновнинг "Рус урмони" романида асосан урмончи-олимлар хаёти тасвирланган. Асарда шу соха мутахассисларини кизик.тирадиган катор масалалар билан бирга, хамма кишилар учун хам зарур булган мех.натга, жамоага, Ватанга, инсонга муносабат каби масалалар хам акс этган. Шунга кура, бу асарни турли касб ва ёшдаги китобхонлар севиб укишади. Зотан, ишчи хакидаги асар дех,к.он учун хам, дехдон х.акдцаги асар ишчи учун дам кизик.арли булиши, уларни маънавий жидатдан бойитиши, тарбиялаши керак. Санъат китобхонни завклантириши, унга бедад кувонч, иштиек., илдом бахш этиши лозим. Санъат гузаллик крнунияти асосида иш тутади. Бундан, санъатда фак.ат гузал — ижобий нарсалар

акс этар экан, деган янглиш хулосага келмаслик керак. Чунки, санъат асарида хунук нарсалар хам акс зтади. Аммо уша ярамас хрдисалар, шахслар, киликлар гузал тасвирланади. Бу мутлакр табиий: китобхон хаётни тутри тушуниши ва унда уз урнини аникдаб олиши учун хаётдаги гузалликни хам, хунукликни хам чукур билиб олиши даркор. Бу масалада китобхонга санъат асари жуда кул келади. Санъат — тарбия куроли. У инсоннинг онг-шуурига кучли таъсир этиб, уни гузаллик рухда тарбиялайди.

Абдулхамид Сулаймон угли Чулпон "Адабиёт надир?" номли макрласида адабиётнинг ах.амияти хакида тухталиб шундай деб ёзган: "Хеч тухтамасдан хдракат килиб гурFOН вужудимизга, танимизга сув-хаво не кадар зарур булса, маишат йулида хар хил кора кирлар ила кирланган рух.имиз учун х,ам шул к.адар адабиёт керакдир. **Адабиёт яшаса — миллат яшар.** Адабиёти улмагон ва адабиётининг тарак,-кдйсига чалишмаган ва адиблар етиштирмагон миллат охи-ри бир кун хиссиётдан, уйдан, фикрдан махрум к.олуб, се-кин-секин инкироз булур...

Адабиёт чин маъноси ила улган, сунган каралган, учган, ярадор кунгилга рух. бермак учун, факат вужудимизга эмас, крнларимизга к;адар сингишган к;ора балчикларни тозалайдиргон, уткур юрак кирларини ювадургон **тоза маърифат суви,** хиралашган ойналаримизни ёрут ва равшан киладирFOН, чанг ва тулроклар тулган кузларимизни артур тозалайдиргон **булок, суви** булгонликдан бизга гоятда керакдир.

Энди, эй, кардошлар! Адабиёт укуйлик. Адиблар етишдирайлук, "адабиёт кечалари" ясайлук. **Рух, х,ис, туйгу, фикр, онг ва уй олайлук,** билайлук. Агарда... бемаъни бирикки дона китоблар ила к.олсак, мах,ву инкирозий булурмиз. Юрагимиз кундан кун тошдан хам катют булур. Юракни эритайлук, рух. берайлук, инкдроз булмайлук... *Хозир*да бизга бирдан бир лозим булгон нарса — адабиёт, адабиёт, адабиёт..."[1]

Санъат ва адабиётнинг вазифаси мана шундан иборат.

---

[1] *Чулпон.* Адабиёт надир. Т. "Чулпон" нашриёти, 1994, 36—37 бетлар.

## Иккинчи боб

# БАДИИЙ ОБРАЗ '

**Образлилик-^ образ-бадиийлик**

Образлилик — санъатнинг асоси^ хусусияти, хаётни узлаштиришнинг узига хос шакли ва усули, унинг "тили" ва шу билан бирга хаёт хрдисалари устидан чикарган "хукми". Бадиий образ — образлилик тушунчасининг узаги. Образлилик — адабий ижоднинг мохияти-ни, умумий хусусиятларини: адабий кахрамон, бадиий тил, табиат, буюмлар, жисмлар, нарсалар, хайвонот дунёси тасвири ва хрказоларни уз ичига камраб олади. Образ — санъат асаридаги инсон тасвири. Демак, образлилик — кенг маънода, бадиий образ — тор маънода кулланилар экан. Бирок, шуни хам эсда тутиш керакки, образ атамасининг узи хам кенг ва тор маъноларда кулланилиши мумкин. Кенг маънода кулланилганда образ тушунчаси доирасига инсон тасвиридан ташкари, пейзаж, деталлар, буюмлар, жисмлар, дайвонот дунёси, бадиий тасвир воситалари ва дока-золар тушунилади. Тор маънода кулланилганда эса фак.ат инсон хдётининг бадиий манзаралари англашилади, хо-лос. Образлилик, айни чокда, бадиийлик хам демакдир.

Образ атамаси х.акидаги илк фикрларни машхур юнон файласуфи Аристотелнинг эстетик карашларидаёк. учратиш мумкин. Бирок; Аристотель "Поэзия санъати хдкида" номли асарида "образ" атамаси урнида "мимесис" иборасини ишлатган. "Мимесис" — таклид демакдир. Бинобарин, олим мимесис (образ) турдиушга таклидан яратилади деб х,исоблаган. "Образ" атамаси биринчи марта машхур немис файласуфи Гегелнинг эстетикага оид асарларида ишлатилган. Бу х.акдаги жиддий таълимот хам ана шу олим каламига мансуб. Гегель уз эстетик к.арашларида санъат хакида фикр юритар экан, "санъат — образлар оркали фикрлаш" демакдир деб таъкидлаган. Рус атамашунослигига "образ" атамасини, асосан, В.Г.Белинский олиб кирган, бу таълимотни такомиллаштирган. Узбек адабиётида "образ" атамаси урнига XX аср бошларигача "тимсол", "тасвир", "нусха" каби иборалар ишлатилган. Асримизнинг 20-30 йилларида узбек атамашунослигига "образ" атамаси кириб келган.

## Бадиий образ ва унинг асосий хусусиятлари

Маълумки, санъат ва адабиётда хаёт образлар воситасида акс этти-рилади. Санъаткор хаётни кузата-ди, кузатган вок,еаларини тафакку-ридан утказади, уларни кайта ишлаб яна жонли даёт шак-лида яратади. Хаёт вокеа-хрдисаларини кайта тиклашда инсон образи гоятда мух.им ахамиятга эга.

Шуни хам айтиш керакки, бадиий образ дейилганда, асосан, инсон образи тушунилади ва у адабиётда хал килувчи роль уинайди. Роявий-бадиий етук асарлардаги кишилар образи оркали биз муайян бир давр хаёти хакида кенг ва конкрет маълумот оламиз.

Проф. Л.И.Тимофеевнинг таърифича, "образ — туки-ма ёрдами билан яратилган ва эстетик киймат касб этган инсон хаётининг умумлашма ва, айни чокда, конкрет манзарасидир"[1].

Бу таърифлардан англашадики, образ деганда инсон хаётининг бадиий манзаралари тушунилар экан. Инсон хаётининг бадиий манзаралари деганда эса биз адабий асарда инсон хдёти манзараларини тасвирлаш жараёнида намоён буладиган куйидаги турт хусусиятни англаймиз: а) умумлашмалик, б) конкретлилик, индивидуаллик, в) бадиий туклмадан фойдаланиш, г) тасвирда таъсирчанликка эришиш. Булар — бадиий образнинг асосий хусусиятлари булиб, уларни, шартли равишда, алох.ида-алох.ида куздан кечириш бадиий образ тузилидшни, табиати ва функциясини англашга ёрдам беради.

**1. *Бадиий образнинг умумлашмалиги.*** Л.Н.Толстойнинг фикрича, адабиётда маълум бир тип яратиш учун шу тои-фадаги жуда куп кишиларга хос хусусиятларни танлаб олиб, бадиий бир бутунликка жамлаш керак. Ёзувчи бир дукон-дор, амалдор ёки ишчи образини яратиш учун жуда куп дукондор, амалдор ва ишчи хаётини урганиши, уларнинг социал-синфий киёфасини белгиловчи характерли хусусиятларни, одатларни ва бошкаларни бир образда бера оли-ши керак. Демак, адабий асар к.ах.рамони хаётдаги кишиларга жуда ухшаб кетса-да, уларнинг айнан узи була ол-

[1] *Л.И.Тимофеев.* Основы теории литературы. М. Просвещение, 1971, 62—63-бетлар.

майди. Образ умумлашма натижаси булади. Асарда тасвирланган биргина образ заминида юзлаб-минглаб кишиларга хос хислат ва белгилар умумлаштирилиб, жамлаб берилади. Ойбекнинг "КугауF кон" романидаги Мирзакаримбой образи — XX аср бошларида тугалиб келаётган узбек миллий буржуазиясининг умумлашма образи — типи эканлигини пайкаш кийин эмас. Мана шунга кура, бадиий асарни ук.иганда сезиб турамизки, асарда тасвирланган кишилар хаётдаги жонли одамларнинг айнан узи эмас, аксинча жонли одамларнинг энг мухим, типик хислатларини узида жамлаган, бадиий бир бутунликка йикдан, синтезланган шаклидир Н.В.Гоголнинг "Ревизор" комедиясидаги Хлестаковнинг мухим хислати — алдокчилик, ёлгон-чилик, фирибгарлик; Садриддин Айнийнинг "Судхурнинг улими" повестидаги Крри Ишкамба образининг бош ху-сусияти — хасислик, очкузлик, судхурлик; Рафур FупоМ-нинг "Тирилган мурда" киссасидаги Мамажоннинг етак-чи хислати — ялк.овлик: Х-Х-Ниёзийнинг "Майсаранинг иши" комедиясидаги Майсаранинг хислати — тадбиркор-лик, Б.Рахмоновнинг "Юрак сирлари" комедиясидаги Сур-махоннинг асосий хусусияти — таннозлюс, сатанглик, меш-чанлик ва х.оказо. Биз х,аётда учрайдиган алдок.чиларни — хлестаковлар; ута хасис ва судхур кишиларни — кори иш-камбалар; ялк.овларни — мулла мамажонлар; тадбиркор ва уддабурон аёлларни — майсаралар; мешчан, танноз ва са-тангларни — сурмахонлар деб атаймиз. Чунки, етук реа-листик бадиий асарлардаги образларда х,аётдаги жонли одамларнинг типик хусусиятлари умумлаштирилиб курсатилади. А.М.Горькийнинг куйидаги фикри алохдца эътиборга лойик.: "Бадиий адабиёт айрим фактларга буйсунмайди, чунки у ундан юк.оридир. Унинг фактлари х.акик,атдан ажралмагандир...".

Демак, умумлаштириш — бадиий образнинг мухим хусусияти экан. Шусиз образ яратиш мумкин эмас.

**2.** ***Бадиий образнинг конкретлиги ва индивидуаллиги.*** Адабий асарда тасвирланган бадиий образ умумлашма натижасигина булмай, айни чокда, конкретлаштириш, индивидуаллаштириш мадсули хамдиа Зотан, адабий кахрамон том маънода индивидуаллаштирилган булиши зарур. Чунки ёзувчи бадиий образни индивидуал хусусиятлари

билан курсатиш оркали конкретлаштиради, образга жонлилик, даётийлик, табиийлик бахш этади, эмоционалликка эришади — укувчи диссиётига таъсир килади, уни ишонтиради. М.Горький ёзади: "Ёзувчи уз кадрамонларига айнан жонли кишиларга карагандек караши керак, уларнинг жонли булишлари учун эса ёзувчи дар бир кадрамоннинг нуткида, даракатида, жуссасида, юзида, жилмайишида, куз уйинида ва хрказоларда характерли, узига хос оригинал хусусиятларни кидириб топиб, таъкидлаб курсатиши, кайд килиши зарур. Буларнинг даммасини кайд этиш билан ёзувчи тасвирлаган нарсаларни китобхоннинг тузукрок, куриши ва эшитишига ёрдам беради. Мутлакр бир хил одамлар булмайди, х.ар бир кишининг ички киёфасида х.ам, ташки куринишида дам к.андайдир узига хослик булади"[1]. Индивидуаллаштиришнинг асоси — реал даёт. Хдётда зса, М.Горький айтганидек, одамлар дар хил булади. Ана шу дар хил характерли одамлар адабиетда индивидуаллаштириш орк,али уз ифодасини топади. Индивидуаллаштириш бир хил маслак ва гоядаги кишиларнинг ранг-баранг образларини яратиш имконини беради. Чунончи, Декад Мухторнинг "Тугалиш" романидаги Нафиса, Лукмонча, Жуман, Поччаев, Самадий, Бек, Адолат образлари маслак ва гоя жидатидан асосан бир гурудга мансуб булса-да, бирбиридан кескин ажралиб турадиган ранг-баранг киёфадаги кадрамонлар сифатида намоён булган. Ойбекнинг "К^злар" достонида Назмихон, Олтиной, Дилбар, Ойжамол ва Гулшан образларини яратганки, буларнинг дар бирининг уз киёфаси — уз ёши, завки, к,илиги, биографияси, портрети бор. Масалан:

Беш к;из тикар, — дар бирининг дам
Уз ёши бор, завк,, килоти бор. Энг
етуги **Назмихон** куркам — Ингичка
к;ош, бута к^з, буйдор... Масладатгуй,
FaМхур ва туйгун Мудом хафа: кузда
никод-туй Чала к,олган! **Олтиной**
сулгун, Нотобдай у, яна соддагуй.

---

[1] *М.Горький.* Адабиёт *\axfiaa.* Т., Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1962, 108-бег.

Тумор такар, туш хам таъбирлар .
"Кадим кизи" дерди кампирлар. :
Шух, хазилкаш баридан **Дилбар,**
Ун саккизга тулар бахррда. ^
К,изда хусн ва куч тирсиллар.
У кушикчи, чалар дуторда.
Пекин дилга гуё хеч бири
Сигмагандек: унда хам хижрон!
Сирин билар бир Назми биби.
Дилбар-чевар, сузамол, чакдон...
"Артист" — дейди уни Олтиной,
К,из дили хам шу умидга бой...
**Ойжамол-чи,** Дилбардан сал ёш,
Япаскирок,, ftyFOH гавдали,
Ишда олов, уятчанг, ювош.
"Полвон к.из"дир унинг лакаби.
Энг кичиги жажжи киз **Гулшан.**
Ажаб уйчан ун турт ёшида,
Опа кизлар севар кунгилдан.
Хам пахтада, х.ам сув бошида,
Хамда хирмонда жиддий, чайир у.
Болаларча самимий шух, кув...

Машхур рус классик ёзувчиси М.Е.Салтиков-Шчедрин реалистик адабиётнинг мух.им хусусиятларидан бири — инсонни хаётда булганидек мураккаб, куп киррали, ранг-баранг хислатлар эгаси килиб курсатишдан иборатдир, деб таъкидлайди. Унинг ук.тиришича, "инсон мураккаб организм"дир. Шунга кура, адиб инсоннинг ички дунёсини "олдиндан уйлаб куйилган" деталлар орк.али ифодаламок.-чи булган, аслида эса "тамомила бир крлипдаги" образлар яратаётган ёзувчиларга к.арши кураш олиб борган: образларнинг ранг-баранглиги хакидаги талабни халк. х.аётини жунлаштириб курсатишга карши кураш билан боглаган[1].

Образларнинг ранг-баранглиги, эстетик бойлиги, куп кирралиги — х.аётнинг мураккаблиги такрзосидир. Образларнинг ранг-баранглиги — конкрет тарихий вазиятдаги инсон х.аракатларини хаккрний тасвирлаш натижаси. Бу — типик шароитни кахрамоннинг бевосита интеллектуал ола-

[1] К,аранг: *Н.Щедрин* (М.Е.Салтыков). Полн. собр. соч., т. 5. М. Гослитиздат, 1937, 164-бет.

ми, хатти-харакатлари, кялик.-одатлари, муомала-муносабатлари оркдли бадиий ифодалаш демакдир. Ёзувчи ранг-баранг образлар яратишда, хар бир образни куп киррали, такрорланмас хислатлар сохиби сифатида курсатишда, албатта, хаёт хакикдтига асосланади. Акс хрлда, турмуш диалектикасини, хаёт эволюциясини бузиб курсатувчи схематик образлар яратиладики, бундай образлар китобхон калбига йул топа олмайди. Бадиий етук образлар яратилган асарлар эса хакикатан хам хаёт ва харакатларни уз ичига олади. Шундай асарлар ва уларнинг кахрамонлари китобхоннинг к.алб кузгусида накшланиб крлади, уни эстетик жихатдан бойитади. Чунончи, "Синчалак" повестида Абдулла Кдхдор калами билан яратилган ранг-баранг к.ахрамонларнинг х.ар бири характер жих.атидан мураккаб, куп киррали, аммо яхлит, куйма, индивидуал образлар. Сайда, Ьцаландаров, Эшон, Козимбек, Умида, Тожихон, Исмоилжон, Ойниса, Зулфикрров, Мехрихон, Кифоятхон ва бошка образлар, биринчвдан, бир-бирига сира ухшамайдиган гоятда ориганал образлар булса, иккинчидан, уларнинг хар бири куп киррали, ранг-баранг хислатли одамлар типи сифатида куз унгимизда жонланади — жонлилик, х.аётийлик, табиийлик бу образларнинг "к;он-жони"га чукур сингиб кетган. Хусусан, Арслонбек Каландаров образини яратиш (умумлаштириш ва индивидуаллаштириш)да адиб узининг улкан истеъдод ва санъат сохиби эканлигини тула намойиш кила олган.

Арслонбек К,аландаров — бених,оя мураккаб образ. Унинг сиймосида инсоний хислатлар ва кусурлар пайвандлашиб кетган. Каландаров коллективлаштириш даврида фаоллик курсатган, колок, хужаликларни илгорлар даражасига кутаришда катта хизмат килган, дехдончилик илмини сув килиб ичиб юборган, одамлар калбига йул топа оладиган тажрибали ва тадбиркор рах.бар. У колхоз мулкини куз кррадищдай асрайдиган одам. Шунинг учун хам уни колхозчилар хдамат килишади. Аммо Каландаров сиймосида катта кусурлар хам бор — у шахсга СИБИНИШ авж олган бир даврда уз ютукдаридан магрурланиб кетади — шухратпарастликка, бекликка берилади: иззат-обру келтирадиган план ва даролйддан бошка хдмма нарсага панжа орасидан к.арайдиган булиб к.олади. Шу туфайли у уз

фаолиятида кузбуямачиликка, сохталикка йул куяди. Арслонбек Кдландаров образининг конкретлиги ва индивидуаллиги х.акида гаn кетганда шуни айтиш керакки, ёзувчи А. Кдхдор К,аландаров образининг ташки портретидан тор-тиб ички кечинмаларигача, хатти-харакатларию килик.-одатларигача, нуткидан тортиб юриш-туришларигача индивидуаллаштирган. Бу уринда Кдландаровнинг баъзи килик.-одатларини эслайдиган булсак, бу одатлар хам бошкаларда сира-сира учрамайдиган, факат унинг узигагина хос одатлар эканлиги билан кишини хайратда крлдиради. Масалан, унинг мехмон кутиш одати хам узгача: "Каландаров мундайрок. мехмон келса югурдагига "Эшон!" дер экан. Бу "иккита нон билан бир чойнак чой олиб кел" дегани, "Хой, Эшон!" деса — ош буюргани, "Эшон хрй" дегани эса "хрвлига бориб хотинимга айт, нозик мехмон олиб бораман" дегани булар экан". Раис уз кабинетини ё мехмон кетганда, ё жахли чикданда очтиради. У овк.атлардан факдт паловни, рах.барлардан фак.ат урток. Кодиров (район партия комитетининг собик. биринчи секретари)-ни, дорилардан факат пенициллинни тан олади! Ёки у шахарга тушса, албатта, циркка киради ва бошк.алар. Шу каби хислат ва белгилар жам булиб К^аландаров образини конкретлаштирган, индивидуаллаштирган. Натижада, К,аландаров — эстетик жих.атдан бой, турли-туман хислатли, куп киррали ва тулакрнли характер — давр типи — шиддаткор инсон образи даражасига кутарилган. Мана шундай етук бадиий образларгина китобхон хотирасида жонли кишидек (х.аётда унинг узи айнан бордек) абадий мухрланиб к.олади.

Ижод жараёнида санъаткорнинг дикдат марказида турадиган нарсалардан бири — инсоннинг шахе сифатидаги конкрет хусусиятларини, индивидуал белгиларини курсатищдир. Томчида куёш акс этганидек, бадиий асарда инсон хаётининг конкрет манзаралари, индивидуал белгилари оркали х.аётдан олинган умумлашмалар ифодаланади. Шунга кура, санъат асаридаги хар бир шахе — тип ва, шу билан бирга, тамомила аник, шахедир. Таъкидлаш лозимки, агар образ конкретлаштирилса, индивидуаллаштирилса-ю, етарли даражада умумлаштирилмаса, у типик булмайди — китобхон учун зерикарли бир натура булиб крлади.

Шунингдек, образ умумлаштирилса-ю, конкретлаштирилмаса, индивидуаллаштирилмаса, мавхум, жонсиз, бир зумда эсдан чикиб кетадиган схемага айланиб крлади.

3. **Бадиий образ тузилишида тузима.** Образ хаётий умум-лашм&тарни индивидуал шахе белгилари, инсон хаётининг конкрет манзаралари оркали ифодалашни такрзо килар экан, бундай мураккаб ижодий жараённи бадиий тукима-сиз, ижодий фантазиясиз тасаввур килиш мумкин эмас. Умумлаштириш санъатнинг умумий к.онунияти — умум-лашмасиз хеч кандай бадиий образ яратилмайди. Бадиий адабиёт, хрдиса ва характерларни, типиклашни, "уйлаб топиш"ни, тукимани талаб этади. Адабиётда "...бадиий тукима канча куп булса, шунча яхши, — деган Алексей Толстой. — Лекин бадиий тукимани шундай амалга оши-риш керакки, ундан укувчида чинакам турмуш хакикати деган таассурот крлсин. Ёзувчи бадиий тукимасиз яшай олмайди. Зотан, бутун адабиёт бадиий тукималардан ибо-рат, чунки турмуш х.одисалари замон ва макон ичида со-чилиб ётади. Масалан, бир одамни олайлик: у узининг мохиятини, табиатини очи б берадиган бир сузни бугун айтса, иккинчисини бир хафтадан, учинчисини бир йил-дан кейин айтиши ва балки хеч бир айтмай утиб кетиши хам мумкин. Ёзувчи ана шундай одамни кетма-кет сузла-тади. Унинг мох.ияти ва табиати учун характерли сузлар-нинг х.аммасини айттиради. Бу эса турмушни бадиий тукималар воситасида акс эттириш булади. Аммо бадиий тукимадаги х.аёт оддий турмушдан кура реалрок, ва тулик.-рокдир"[1].

^ Бу уринда машхур ёзувчимиз Абдулла Крдирийнинг "Утган кунлар" ва "Мехробдан чаён" романлари бош к,ахра-монларининг яратилиш жараёнлари х.акида айтган гапла-ри гоятда эътиборли: "Халк, орасида бундай типлар (Ота-бек, Кумуш биби, Анвар, Раъно — Т.Б.) куп... Лекин улар-нинг х.аммасини х.ам асардаги каби айнан деб булмайди. Шахе асардаги кахрамонга к.анчалик ухшаб кетмасин бари бир унда к.андайдир бирон камчилик, нук.сон булади... Ёзувчи куплаб шахсларда курган-кузатган типлардан узи-

---

[1] Русские писатели о литературном труде, т. 4. М., 1956, 489-бет.

га керагини танлаб олади, умумлаштиради, бирон кахрамонда мужассамлаштиради. Бирок, бунинг шарти бор: типлар ясама, сунъий булмаслиги, халк, орасида биров булмаса бировда курилган, табиий, мантикка тугри келадиган, китоб^онни ишонтирадиган булиши шарт"[1].

Бадиий тукима хаётий факт билан кушилган, уйгунлашган пайтдагина чинакам умумлашма — бадиий образ вужудга келади. Бадиий тукима ёзувчининг хаётга фаол муносабати натижасида юзага келади. Ёзувчи бадиий тукима ёрдамида конкрет одамларда мавжуд булган ижобий ва салбий хислатлар ва имкониятларнинг дали руёбга чикмаганларини дам хаёлан руёбга чикариб тасвирлайди, даётий фактни уз ижодий максадига мувофик. равишда ривожлантириб, узгартириб курсатади.

Бадиий тук,имани уйдирмадан, ёлгондан фарклаш керак. Уйдирма китобхонни ишонтирмайди, унга х,аёт хакикати тугрисида сохта маълумотлар беради. Бадиий тукима эса ёзувчининг хдётдан олган х.акдоний таассуротларига асосланади, унинг самимий х.ис-туйгулари ва теран фикрлари билан йугрилади, санъаткорнинг узига хос истеъдоди ва мах,орати туфайли китобхоннинг маънавий дунёсини бойитади.

Конкрет тарихий шахсларга багишланган адабий асарларда бадиий тукима бир кадар камрок; ишлатилади. Масалан, Алишер Навоий х.акидаги асарларда, купинча, Алишер Навоий билан Хусайн Бойкаро уртасидага нозик муносабат каламга олинади. Бу тарихий фактни узгартириб (бошкача килиб) курсатшя мумкин эмас. Аммо шу х.аёт фактининг "Навоий" романида, "Алишер Навоий" драмасида "Навоийнома" шеърий романида ва "Алишер Навоий" бадиий фильмида кандай тасвирлангани киёсан тахдил килинса, уларни яратган ижодкорларнинг дар бири тарихий дакикатга содик, к.олгани долда масалага узига хос тарзда ёндашганини курамиз. Бундай узига хослик бадиий тукимадан асарларнинг жанр так.озосига кура фойдаланиш демакдир.

Бадиий тукима хаётни типиклаштириб тасвирлаш усули сифатида кулланилади. Ёзувчи ижодий фантазияга, ха-

---

[1] Шарк, юлдузи, 1965, 11-сон, 223-бет.

ёлга, бадиий тукимага канча бой булса, у яратган образлар шу кадар хакдоний, хаётий, мукаммал булади. Демак, бадиий тукима кахрамон образини яратишда мухим ахамият касб этар экан.

**4. Бадиий образнинг эстетик таъсирчанлиги.** Бадиий образ китобхонда, албатта, кандайдир эстетик хиссиёт (эмоция) уйготиши керак. Чунончи, хаётдаги хунукликни акс эттирган бадиий образ китобхонда нафрат уйБОТса, гузалликни ифодалаган образ эстетик завк-шавк, беради. Ёзувчи бадиий образ оркали эстетик идеалини тасвирлайди: идеал ижобий образда бевосита, салбий образда билвосита ифодаланади. Ёзувчи хар бир образга эхтирос билан ёндашиши, унга фаол муносабатда булиши лозим. Шунга кура, у ёки бу асарни ук.иганимизда биз хам бадиий образ фаолиятига бефарк. к.арай олмаймиз: улардан ё завкданамиз ёки нафратланамиз. Чунончи, Садриддин Айнийнинг "Судхурнинг улими" к.иссасидаги Крри Ишкамбанинг хатти-х.аракати бизда нафрат уЙБОтса, Ойбекнинг "К,утлур к.он" романидаги Йулчининг хатти-харакатларини маъкуллаймиз.

Француз санъатшуноси Ипполит Тэн (1828—1893)нинг химоя кдлишича, америкалик оддий бир аскар театрга тушиб, "Отелло" спектаклини томоша килади. Сах.нада Отелло рашк угида ёниб, севикли хотини, пок Дездемонани буияб уддирар экан, томошабин аскар ундан гоятда нафратланиб кетади ва Отелло — актёрни отиб ташлайди.

XVII аср поляк солномачиларининг ёзишларича, поляклар билан австрияликлар уртасида жанг кетаётган бир пайтда бир гурух, поляк аскарлари театрга тушишади: сахнада полякларнинг австрияликлар устидан *крзонган Fana6acu*ни акс эттирувчи спектакль намойиш килинади. Вок,еа давомида сах.нага асирлар — австрияликлар олиб кирилади. Шунда аскарлар асирларни (актёрларни) катл этишни талаб килишади, бу талаб бажарилмагач, аскарларнинг узлари асирлар-актёрларни ота бошлайдилар. Худди шунингдек, ""5?тган кунлар"даги "Туй, кизлар мажлиси" эпизодини канчалик кувонч, завк.-шавк, билан укисак, Кумушнинг зах.арланиши ва улими манзараларини чукур к.айгу — кузда ёш билан мутолаа киламйз. Булар — образларнинг таъсирчанлиги самараси, албатта.

Демак, китобхонга эстетик таъсир курсатиш — бадиий образнинг гоятда мухим хусусияти экан. Шусиз образни тасаввур килиб булмайди. Образнинг эстетик-тарбиявий киймати хам ана шунда.

Шу уринда яна бир хислатни таъкидлаш жоиз. Бу шундан иб'оратки, асардаги хар бир образда муайян бир гоя-фикр ифодаланган булиши лозим. Бу гоя хам уткир ва таъсирчан булиши шарт. Роясиз образ — жонсиз тана. Шу важдан, ёзувчи образ яратишнинг бу киррасига хам жиддий эътибор бериши шарт.

Хуллас, минг хил жараёнлар натижасида конвейердан чикадиган машина каби образ хам аник, ва ёркдн, тугалланган фихрлашнинг натижаси сифатида мураккаб жараёнлар асосида юзага келади.

**Образ-персонаж - характер-тип.**

Маълумки, адабиётшунослигимизда кУлланилаётган "образ", "персонаж", "характер" ва "тип" атамалари англатадиган тушунчалар бир-бири билан узвий боюшк. — улар адабий асарда иштирок этувчи одамлар тасвирини англатади, лекин, айни чокда, уларни айнан бир нарса деб тушунмаслик керак. Чунки уларни бир-биридан ажратиб турадиган баъзи фарклар хам бор. "Образ" деганда асарда катнашувчи барча одамлар хаёти тасвири (асар сюжетида хар хил "юк" ташувчи шахслар — бош кахрамон, асосий образ, эпизодик образ англашилади). Асарда ирода йуналиши ва индивидуал рух.ий хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб турувчи, асар сюжетида "катта юк" ташувчи шахсларгина характер булса, ижтимоий гурух. ёхуд синфнинг мух,им хусусиятларини ифодаловчи — даврнинг катта умумлашмаси була оладиган характер адабий тип деб юритилади. Огзаки ва ёзма нуткда "персонаж" ва "образ" атамалари бир-бирнинг синоними сифатида хам кулланилаверади. Масалага шу жихатдан Караганда, "Зайнаб ва Омон" поэмасидаги Зайнабнинг дугоналари — Адол, Асал, Сора, Сурма, Рухсора, Гулнор, Кундуз, Сук.сур, Нури — эпизодик образ (персонаж)лар; Зайнаб, Омон, Анор хола, Собир, Хури — характерлар; Зайнаб ва Анор хола — адабий типдир. Айни чокда, поэмада берилган кишилар тасвири (Адол, Асал, Сора, Сурма, Рухсора, Сарви, Гулнор, Кундуз, Суксур, Нури, Зай-

наб, Омон, Хури, Собир, Анор хола) образлар ёхуд персонажлар деб юритилаверади. Бадиий адабиётда образга нисбатан характер мухим ахамият касб этади. Ёзувчи характерлар тасвири оркали вокеаликни акс эттиради. Бу — хаёт-ни эстетик узлаштиришнинг асосий усулидир.

**Характер** *(юн.* charakter — хусусият, белги) — маълум ижтимоий фаолият типи. Характер, Л.И.Тимофеев айтганидек, образнинг ядроси. Характер, биринчи навбатда, конкрет хаётий шароитда уз индивидуал хатти-харакатлари ва рух.ий кечинмалари билан намоён буладиган инсоннинг аник, тасвири. Умуман айтганда, **к.ах,рамоннинг мухим хусусиятларини аниклайдиган асосий белгилар мажмуи характер деб юритилади** (Г.ААбрамович).

Назарий адабиётларда **характернинг** мохиятини аник,лайдиганикки **асосий хусусият** курсатилади: а) "шахе ирода йуналишини курсатувчи нарса характерни белгилайди"[1].

Н.Погодиннингуктиришича, "агар одам бурнини кашиса ё кашимаса, секин ёки тез юрса шу билан характер була бермайди, характер — шахе иродасининг юзага чикиши, харакатда ифодаланиши"[2]. Демак, характер, энг аввало, шахе иродаси, уша ироданинг йуналиши, унинг юзага чикиши ва ифодаланиши билан белгиланади (М.Кушжонов). Шахснинг ирода йуналиши мухитнинг шахсга фаол муносабати ва, аксинча, шахснинг мух,итга муносабатидан пайдо булади; б) хулк.-атворни белгилайдиган индивидуал рух.ий белгилар: мардлик, курк.оклик, инсофлилик, инсофсизлик, ташаббускорлик, мех.натсеварлик, ишёкмаслик, дангасалик кабилар. Бундай индивидуал рух.ий хусусиятларсиз характерни тасаввур килиб булмайди.

Бадиий асарда характерни белгиловчи рухий хусусиятлар шахснинг индивидуал жихатларини аниклашга хизмат кдлса, шахснинг ирода йуналиши унинг умумлашмалигини аниклашга кумак беради. Характер шу даражада мукаммаллик касб этадики, натижада у "худди х.еч к.андай улоксиз ва кушимчасиз яхлит бир" маъдандан ясалгандай туюлади кишига. "Унинг бутун х.аёти шундай бир яхлит-

---

[1] *Аристотель.* Поэтика. М'., Гослитиздат, 1957, 60-бет.

[2] Журнал "Вопросы литературы", 1960, № 7, 185-бет.

ликдан, бирликдан иборатки, бу яхлитлик ва бирлик санъат оламида бадиий ижоднинг юксак фазилатидир"[1]. Хакикатан хам характерни белгиловчи бу иккала хусусият баайни бир медалнинг икки томонига ухшаб кетади. Адабиётшунос М.Кушжонов уз тадкикртларида характерни белгиловчи бу икки хусусиятни "KymyF кон" романидаги Йулчи образи тахлили мисолида ибратли к.илиб исботлаб берган: хакикатан хам, Йулчидан мехнаткаш халк, вакилларига хос булган умумий хислатлар хам, унинг шахсий хислатларини аниклайдиган конкрет белгилар хам мавжуд. Масалан, у — содда, ювош, уятчан, хушёр, софдил, мехнатсевар, бакувват, халол, жасур йигит. Булар унинг хулк.-атворини белгилайдиган рухий аломатлар. Шунинг узи билангина характер пайдо була крлмайди. Ёзувчи Йулчининг ирода йуналишини очишга х.ам алох.ида ах.амият берган: конкрет ижтимоий мух.ит таъсирида вужудга келган уз-узини англаш хусусияти ва шу хусусият натижасида унинг онгида юз берган олга интилишлар, исёнкорлик Йулчи характерини белгилайди.

Асарда мукаммал тасвирланган образларгина характер даражасига кутарила олади. Характер — бу аник, ирода йуналиши ва узининг индивидуал хусусиятлари билан бошк.алардан кескин ажралиб турадиган образ[2]. Шунингдек, х.ар к.андай характер хам адабий тип була олмаслиги мумкин. Характернинг энг мукаммал шаклигина адабий тип даражасига кутарилган булади.

Тип (юн. typos — из, нусха, тамга; намуна, образ) — аник, ирода йуналиши, индивидуал рухий хусусиятлари билан маълум бир синф ёхуд гурух.нинг мухим хусусиятларини узида акс эттирган шахслар образи (М. Кушжонов). Адабий тип — муайян тарихий шароитдаги жамиятнинг бутун бир синфи ёхуд бутун бир тоифасига мансуб булган кишиларнинг типик хусусиятларини узида мужассамлаштирган мукаммал бадиий образдир. Санъат асаридаги мукаммал образларгина характер булса, чукур ва хар тараф-

---

[1] *В. Г. Белинский.* Танланган асарлар. Т., Уздавнашр, 1955, 441-бет.
[2] К,аранг: *М.Кушжонов.* Х,аёт ва майорат. Т., Узадабийнашр, 1962, 12-16-бетлар.

лама пухта ишланган характерларгина адабий тип була олади. Отабек ва Кумуш ("Утган кунлар"), Анвар ва Раъно ("Мехробдан чаён"), Абулфайзхон ("Абулфайзхон"), Зеби, Акбарали, Мирёкуб ("Кеча ва кундуз"), Алишер Навоий ("Навоий"), Муканна ("Муканна"), Мирзо Улугбек ва Феруза ("Мирзо Улугбек"), Жалолиддин ("Жалолиддин Мангуберди"), Отакузи ("Диёнат"), Йулдош Комилов ("Имон"), Улугбек ва Аликушчи ("Улугбек хазинаси"), Беруний ва Ибн Сино ("Кухна дунё"), Бобур ("Юддузли тунлар"), Акбаршох. ("Авлодлар довони"), Очил бобо ("Чинор"), Ах.маджон ("Давр менинг такдиримда), Назрул Хак, ("Рухдар исёни"), Жура, Саодат, Искандар ("Истамбул фожеаси"), Ибн Сино ("Хаким ваажал"), Темур ("Сохибкирон") каби куплаб мукаммал реалистик образлар адабий типлардир. Адабий тип — давр хрдисаси. А.С.Грибоедовнинг "Акллилик балоси" комедиясидаги "Фамусов, Скалозуб, Молчалин, Репетилев сингари образларда... бутун бир давр тарихий жихатдан аник, акс эттирилган, уларнинг хар бирида даврнинг синфий ва "профессионал" белгилари курсатилган. Улар давр чегарасидан чикиб, бизнинг кунларимизгача яшаб келиб, энди характер эмас, балки, масалан, Шекспирнинг Фальстафи, Мольернинг Мизантроп хамда Тартюфи сингари тип булиб крлганлар"[1]. Адабий типда у мансуб булган синфнинг, ижтимоий гуРУХ.НИНГ, халкнинг, миллатнинг муайян даврдаги характерли хусусиятлари — "синфий белгилар" ифодаланади. Бирок., факат "синфий белгилар"нинг узигина жонли, мукаммал образни, конкрет характерни яратишга етарли имкон бермайди. Адабий тип аник, характерга, такдирга, шахсий хис-туЙБуларга, одат, килик., портрет, дид ва бошк.а индивидуал белгиларга эга булган жонли шахсдир. Масалан, Ойбекнинг "Навоий" романидаги Алишер Навоий, Хусайн Бойкаро, Мажидиддин ва бошка образларнинг х.ар бирида "синфий белгилар" хам, ижтимоий ахлокини белгилайдиган фазилатлар — индивидуал белгилар дам мужассамл ашган.

---

[1] *М.Горький.* **Адабиёт** ^ацида. **Т., Узадабийнашр, 1962, 197-бет.**

Дар бир адабий тип, айни чокда, характер хамдир. ни бадиий тадкик. этиш ва акс эттириш адабиётда характер ва типлар яратиш оркали амалга ошади.

**Образ яратиш иуллари**

Ёзувчи образ яратишда типиклаштиришнинг ранг-баранг усулларидан фойдаланади. Бу уринда реализм адабиётида кенг кулланаётган бадиий образ яратишнинг куйидаги икки усули билан кискдгина танишиб чикиш максадга мувофикдир:

1. Жамлаш йули билан образ **яратиш.** Санъаткор хаётдаги куплаб одамлар турмушини, ички дунёсини, урф-одатини, рухиятини, мехнат фаолиятини пухта урганиш асосида уларнинг энг мухим белгиларини, типик хусусиятларини саралаб, танлаб олади, умумлаштиради, синтезлаштиради, бадиий бир бутунликка йигаб, конкрет шахе образи оркали ифодалайди.

Олимларнинг аникдашича, болари бир килограмм асал йииунча бир миллион етти юз минг гулдан нектар суриши керак зкан. Ёзувчи хам образ яратиш жараёнида худци боларидек машакдатли мехнат килади. Бу — жамлаш йули билан образ яратиш усули.

Санъаткор тукима образларни шу даражада хаётий, х.акдоний, табиий килиб яратадики, натижада китобхон шу образнинг айнан узи х.аётда бор деб уйлайди ва унга ишонч кузи билан карайди. Масалан, Чулпоннинг "Кеча ва кундуз" романидаги Зеби, Акбарали мингбоши, Раззок. суфи, Мирёкуб, Ойбекнинг "Олтин водийдан шабадалар" романидаги Уктам ва Комила, АДахдорнинг "Синчалак" повестидаги Сайда каби бадиий образлар ана шу усулда яратилган.

2. **Прототип** асосида бадиий образ **яратиш.** Прототип (юн. prototypon: protos — илк, дастлабки, бошлангач; typos —нук.та, нишона, образ) адабиётшуносликда бадиий образни юзага келтиришда негиз, асос, узак, бош йуналиш нукта, *пойдевор* сифатида хизмат килувчи реал шахе (даётда булган тарихий шахе) маъносида кулланилади. Бу усулда бадиий образ яратишнинг характерли жихати шундаки, бунда даётда мавжуд булган тарихий шахе бадиий образ нинг асосида туради. Ёзувчи хаётдаги фавкулодца шахслар —прототипларга таяниб бадиий образ яратади. Прототипли

образ яратиш жараёнида хам, худди жамлаш йули билан образ яратилаётганидагидек, х.аёт хрдисалари типиклаштирилиб курсатилади, бадиий тукимадан маълум меъёрда фойдаланилади. Таъкидлаш керакки, бадиий образ хаётий материал — прототип, ёзувчининг ижодий фантазияси — бадиий тукима ва олга суриладиган гоя — эстетик идеал - нинг кушилишидан хосил булади. Прототип билан образ орасида ёзувчининг узи туради. Агар бадиий образни жонли организм деб фараз киладиган булсак — прототип шу организмнинг скелета, бадиий тукима унинг эти, эстетик идеал эса крни-жони. Тирик организмнинг этини скелетидан, скелетини крни-жонидан ажратиб булмаганидек, бадиий образ "организми"дага прототипни бадиий тукимадан, бадиий тук.имани эстетик идеалдан узиб олиб булмайди. Улар бир-бирларига пайвандлашиб, кушилибчатишиб кетади. Ойбекнинг "Навоий" романидаги Алишер Навоий, О.Ёкубовнинг "Улугбек хазинаси" романидаги Улугбек, "Кухна дунё" романидаги Беруний, Абу Али ибн Сино, Махмуд Разнавий, П.ЬчОдировнинг "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони" романларидаги Бобур, Хумоюн, Акбаршох., Б.Бойк,обиловнинг "Навоийнома" шеърий романларидаги Алишер Навоий, Хусайн Бойкаро каби бир к.атор образлар мана шу усулда яратилган.

Бадиий образ яратишдаги бу икки усулнинг[1] бир-биридан асосий фарк,и шундаки, жамлаш йули билан яратилган образларнинг заминида конкрет тарихий шахслар эмас, балки умуман, инсон фаолияти турса, прототипли образларнинг пойдеворини аник, тарихий шахслар эгаллайди. Бу иккала усул уртасидаги муштараклик шундаки, ёзувчи (образ яратишда, умуман к.андай усулдан фойдаланишидан к.атъи назар) хаётни образли ифодалайди. Хакик.ий санъаткор каламига мансуб булган х.ар бир образ узининг хатти-х.аракати, к,илик. ва одати, уй-фикри, орзу-интилиши, бажарган иши билан тамомила типик ва шу билан бирга конкрет, аник, шахе сифатида китобхоннинг ишончини крзонади. Шунга кура, бундай образлар мутлакр х,аётий булиб чик.ади.

[1] Бу х,акда яна царанг: *Лазиз ^аюмов.* Типиклик — бош мезон. Аср ва наср. Т. F.FyпoM номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

**Образлар таснифи** Адабиётшуносликда бадиий образлар куйидаги илмий тамойиллар асосида тасниф килиб урганилади.

1. **Ижодий метод такрзосига кура** образлар куйидаги турларга булинади: мифологик, афсонавий, хаёлий-фантастик, символик, романтик, реалистик образлар.

**Реалистик образ** — хаёт хакикатига монанд образлар булиб, улар жонли одамларга хос булган хусусиятларни узида мужассамлаштиради. (Юкррида бадиий образ ва унинг хусусиятлари хдкида фикр юритилганки,улар бевосита реалистик образлар учун характерлидир.) Узбек мумтоз адабиетида яратилган образларнинг аксарияти романтик образлар булса, XX аср узбек адабиётининг асосий кахрамонлари реалистик образлардир. "Утган кунлар" романидаги Отабек, Кумуш; "Мехробдан чаён"даги Анвар ва Раъно; "Имон"даги Йулдош Комилов, Ойша Азиза, Ориф; "Улугбек хазинаси"даги Мирзо Улугбек, Темур Самаркандий, К,аландар Кдрнокий, Али Кушчи, Абдуллатиф; "Меъмор"даги Нажмиддин Бухорий, Бадиа ва бошка образлар реалистик образлардир.

**Романтик образлар** — хаётда айнан булмаган, аммо були-ши орзу килинган — муъжизакор куч-кувват эгаси булган, кутаринки рух. билан яратилган образлар. Масалан, улут узбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг "Хам-са"сида яратилган катор образлар — Фарх.од, Ширин, Мехинбону, Шопур, Бахром, Дилором, Лайли, Мажнун, Навфал, Искандар Зулк.арнайн ва бошкалар ана шундай муъжизакор романтик образлардир.

**Хаёлий-фантастик образлар** — хаддан ташк.ари буртти-рилган, илох.ийлаштирилган, муъжизавий характерга эга булган образлар. Бундай образлар, хусусан, халк. огзаки ижодида куп учрайди. Чунончи, "Алпомиш" достонидаги Жин, "Минг бир кеча"даги Дев, халк. эртакларидаги Жин, Ажина, Дев каби образлар шулар жумласидан. Хаёлий-фантастик образлар ёзма адабиётда хам учрайди. Масалан, Алишер Навоийнинг "Фархрд ва Ширин" достони ва Фир-давсийнинг "Шох.нома"сидаги Девлар образини эслаш кифоя.

**Афсонавий образлар** — бутунлай хаёлий образлар булиб, улар битмас-туганмас куч-кудратга, юксак фазилатларга эга

булади. Халк. огзаки ижодидаги пахлавонлар мана шундай характерда. "Алпомиш" достонидаги Алпомиш, "Гуругли" туркумидаги достонларда Гуругли образлари хам афсонавий кахрамонлардир.

**Символик образлар** — предметлар, усимликлар, нарса-лар, жониворлар, ранглар оркали ижтимоий хрдисаларни умумлаштириш демакдир. Чунончи, кабутар — тинчлик рамзи, гул ва булбул — маъшука ва ошик. рамзи, кизил ранг — озодлик рамзи ва хрказо. Бадиий асарларда ана шундай символик образлар хдм учраб туради. Масалан, Аск.ад Мухтор "Чинор" романида Чинор символик образи оркали узбек халкига ишора килади. Уйгун узининг "Тинчлик кабутари" шеърида кабутарни тинчлик рамзи, милли-онларнинг канотланган орзуси сифатида талкин этади.

Символик образларнинг яна бир гурухи *аллегории, образлар* деб юритилади. Аллегорик образлар шу билан характерланадики, бунда куш, хайвон, хашарот кабилар инсонларга хос булган хусусиятга эга килиб курсатилади, бошкача килиб айтганда, улар инсонийлаштирилади ва шу оркали хаётдаги айрим одамларнинг нук.сонлари устидан кулинади. Чунончи, масалларнинг к.ахрамонлари, асосан, аллегорик образлар булади. Мухаммадшариф Гулханий "Зарбулмасал" асарида куркуш, бойу>ли, худхуд, туя, буталок., тошбак,а, чаён каби аллегорик образлар яратган. Сами Абдукахдор "Рах,-бар хуроз" масалида Хуроз образи орк.али уз мансабини суиистеъмол килувчи, ошна-огайнигарчиликка берилиб кетган айрим рах.барлар устидан киноявий кулади.

**Мифологик образлар** — мифология (афсона) асосида яратилган асотирий образлар. Мифологик образлар инсон табиатга карши курашда ожиз булиб, ундаги хрдисаларни к.андайдир табиатдан ташк.ари, кишиларга нисбатан эзгу ёки ёвуз ниятда булган рухдар бошк.аради деб уйлаган аждодларимиз томонидан яратилган. Мифологик образларда хам реалистик элементлар булади: улар вокеаликнинг фантастик тасвири ва орзу-умидларнинг бадиий ифодасидир. Масалан, кадимги юнон мифлари — Антей, Икар, Дедал ва Прометей тугрисидаги мифларда яратилган образларда халк. орзу-умидлари афсондвий крбикда ураб берилган. К,адимги Урта Осиё, Эрон ва Арабистонда яратилган Каюмарс, Жамшид, Митра ва бошка мифологик образлар жуда

машхурдир. "Шохнома", "Хамса" хамда узбек халк. анъанавий достонларида яратилган худолар, девлар, яъжуж-маъжужлар, алвасти ва парилар хам асотирий образларга Mteccm була олади.

2. **Адабий турлар ва жанрлар так.озосига кура** бадиий образларнинг куйидаги хиллари мавжуд: лирик, эпик ва драматик образлар. Лирик шеърларнинг кдхрамонлари лирик образ ёки лирик кахрамон деб юритилади. Х.[а]мВД Олимжоннинг "Улка", "Урик гуллаганда", "Узбекистон" шеърларининг бош кахрамони — шоирнинг узи — лирик образдир. Эпик асарлар — романлар, повестлар ва эпопеяларнинг кахрамонлари эпик образлар деб юритилади. Ойбекнинг "Куёш крраймас" романидаги Бектемир, Али тажанг, Сафар чутир, Аскар полвон каби образлар хаётни кенг — эпик планда ифодалаганликлари учун хам эпик образлардир. Драматик сахна асарларининг кахрамонлари драматик образлар дейилади. К.Яшиннинг "Инкилоб тонги" драмасидаги Фозилхужа кескин вазиятларда даракат килади, унинг к.албида драматик коллизиялар тугён килади. Демак, Фозилхужа — драматик образдир. Бундан ташк.ари, фожиавий кисматга эга булган образлар х.ам борки, булар (М.Шолоховнинг "Тинч Дон" эпопеясидаги Григо рий Мелехов, М.Шайхзоданинг "Мирзо Улугбек" трагедиясидаги Улугбек, В.Шекспирнинг "Отелло" трагедиясидаги Отелло образлари) трагик-фожиавий образлар хам деб юритилади.

3. **Асар тукимасида тутган урнига кура** образларнинг хил лари. Йирик х,ажмли асарларда (эпик, драматик) бош ва ёрдамчи образлар булади. Асар вокеаларининг марказида туриб, сюжетни х,аракатга келтирадиган, ёзувчи ифодаламокчи булган асосий гояни узида ташийдиган шахслар бош образ ёки бош ка?фамон деб аталади. А.К,ахдорнинг "Сароб" романида бош к.ахрамон — Саидий. Ёзувчи у орк.али 20-йилларда ^аётда уз йулини топа олмаган, адашган шахс лар фожиасини ифодалаган.

Шуниси хам борки, баъзан асар марказида карийб баробар ах.амиятга эга булган икки ёки ундан ортик, образлар туради. Чунончи, "Синчалак"да етакчи уринда Сайда ва К.аландаров образлари туради. Булар — асосий образлар ёки ёндош образлар деб аталади.

Бадиий асарда маълум бир гояни ифодаловчи, жуда кам иштирок этган образлар — эпизодик персонажлар ёки ёрдамчи образлар дейилади. "Синчалак" повестидаги Козимбек, Мехри, Зулфикрров, Ойниса, Умида каби образлар ана шундай образлар сирасига киради.

**4. Адабиёт х.аётни икки хил йул билан тадкик. килади: бири ~ тасдиклаш, иккинчиси — инкор этиш.** Шунга кура, образлар хам бир-биридан фарк. килади. Хаётнинг ёзувчи идеалига мувофик. томонларини тасдиклаш учун асарга киритилган образлар — ижобий образлар деб юритилади. Хаётнинг бирор томонини инкор килиш учун хизмат кила-диган образлар — салбий образлардир. Масалан, Ойбек-нинг "Куглуг кон" романида ёзувчи идеали Йулчи образи оркали ифодаланса, даётнинг инкор кдлинадиган томони Мирзакаримбой тимсолида акс этган. Шунга кура, Йулчи
— ижобий образ, Мирзакаримбой — салбий образдир. Реалистик асарларда баъзан ута мураккаб, ута зиддиятли об разлар хам учрайди. Масалан, М. Шолоховнинг "Тинч Дон" эпопеясидаги Григорий Мелехов, А.Кдхдорнинг "Синча лак" повестидаги Арслонбек Кдландаров каби образлар мана шундай характердадир. Бу уринда Л.Н.Толстойнинг мухим бир фикри ёдга тушади: ёзувчи "Тирилиш" рома нида хаётдаги одамларнинг турли-туманлиги хакида тухталиб, уларни дарёларга киёслайди: "Одамлар дарёдек ran: х.аммасининг суви бир хил, х.амма жойда уша сув, лекин даре гох. кенг булади, гох. тор, гох. тез окади, гох. секин, суви гох. тиник, булади, гох. лойка, гох. совук., гох. илик. була ди. Одамлар хам шундай". Сиртдан каралганда, бир одам бошка бир одамга ухшаб кетиши х.ам мумкин, аммо зехн солиб к.аралса, сира-сира ухшамайди — х.ар бир одам узига
хос бир дунёдир. Адабиётимиз к.ахрамонлари х.ак.ида х.ам худди шу гапларни такрорлаш мумкин: бадиий образлар шу кадар ранг-барангки, уларни фак.ат шартли равишдагина шу хилда тасниф килиб урганамиз, холос. Образ — бадиий кашфиёт — у бир мартагина кашф этилади. Шу сабабли, адабий к.ахрамонларни тугри келса-келмаса сал бий ва ижобийга зурма-зураки ажратавериш зарарлидир — бундай харакат бадиий образларни бир андозага солиб куйиш хавфини тувдиради.[1] Адабиёт эса хаёт'каби хеч к,андай схема — крлипни тан олмайди.

**5. Хджвий асарларда,** асосан, **сатирик ва комик-юмористик образлар** етакчилик килади. Сатирик образ кисман салбий образга ухшаб кетса-да (дар иккала типдаги образлар воситасида даётдаги салбий кишилар ёхуд даётдаги кусур лар танкид килинади), улар уртасида принципиал фарк.-лар дам бор: салбий образда даётдаги кусурлар инкор килинса-да дажв этилмайди — ёзувчи улар устидан очикдан-очик.
кулмайди. Сатирик образларда эса, аксинча, даётдаги кусур лар устидан задарханда кулиш, сарказм, киноя, масхаралаш усули етакчилик килади. Сатирик образнинг хатти-даракатлари ва килик.-одатларидан киши бедад нафратланади, улардан жирканади. Калвак Мадзум ("Калвак Мадзумнингхотирадафтаридан"), Крзи, Х,идоятхон, Мулларузи ("Бурунги крзилар ёхуд Майсаранинг иши"), Кори Ишкамба ("Судхурнинг улими"), Мулла Дилкаш ("Хийлаи шаърий"), Сурмахон ("Юраксирлари"), Марасул, Заргаров ("Огфик. тишлар"), Сухсуров, Нетайхон, к.ори ("Сунгги нухсалар") каби образлар мукаммал сатирик характерлардир. Комик-юмористик образ — бутун фаолияти кувнок. кулги билан йутрилган характер. Бу хил образ лар воситасида ёзувчи даётдаги айрим нуксонлар устидан кулади, уларни тузатишга даъват этади. Холмат ("Бой ила хизматчи"), Мулладуст ("Бурунги к.озилар ёхуд Майсара нинг иши"), Хдмробуви, Холнисо ("Шоди сузана"), Бустон ("Аяжонларим"), Тошболта ("Тошболта ошик.") каби об разларда ана шундай хусусиятлар якдол кузга ташланиб туради.

6. **Адабий асарда иштирок этувчи дар бир шахе ва** (баъзан) **воцеа ривожида у кадар мудим роль уйнамайдиган эпи зодик образ персонаж** деб юритилади. Бадиий асарда бирбири билан узвий ботик, образлар мажмуи образлар тизими деб аталади. Асардаги маълум бир гурудга мансуб образлар эса образлар галереяси дейилади, Масалан, ижобий образлар галереяси, салбий образлар галереяси каби.

## Учиичи боб БАДИИЙ АДАБИЁТДА ТИПИКЛАШТИРИШ

**Х.аёт-типиклик манбаи**

Санъат асарида даёт бадиий акс эттирилади. Аммо ёзувчи даётда дуч келган дар бир нарса-додисани, ки-шини асарга айнан олиб киравермайди. Хаётдаги крну-ний, мукаррар, мудим, табиий нарса-додисалар, ижтимо-ий адамиятга молик булган додисалар адабий асардан урин олишга дакли. Тасодифий, уткинчи нарсалар эса адабий асарга кириб крлмаслиги лозим. Ддабиётшуносликда санъат асарида тасвирланиши мумкин булган даётдаги мудим нар-салар "типик нарсалар" ва тасвирланмаслиги лозим булган нарсалар эса "нотипик нарсалар" деб юритилади. Хаёт бенидоя мураккаб: унда крнуний нарсалар билан уткинчи нарсалар аралаш-куралаш долда мавжуд булади. Ижодкор яратилажак асари учун зарур булган нарса-додисаларни даётдан танлаб-саралаб ола билиши зарур. Бунинг учун эса ёзувчи даётни калб кузи билан куриши лозим. Ёзувчининг даётда нималарнидир типик деб билиши, уз асарларида кандай хусусиятларни типик хусусият сифатида тасвирла-ши унинг дунёкарашига, халк. даёти билан нечовшк якин-лигига боеник,. Умуман, ижодкор вокеликнинг мудим жи-датларини дам, мудим булмаган томонларини дам тасвир-лаши мумкин. Бу уринда дамма гап ижодкор шахсиятига, унинг эътикрди ва маданий савиясига, ёзувчилик мадани-ятига боглик.. Агар ёзувчи уз даврининг кузи-кулоги, акс-садоси, уз халк.ининг илгор фарзанди булса, у, албатта, даётдаги етакчи тенденцияларни топа олади, мудим даётий додисаларни типик деб билади ва шуларни акс эттиради. Ёзувчининг калби кайнок. булиши — даётдаги янги, ис-тик,боли порлок. кучларни фадм-фаросат ва нозик дид би-лан тез сеза оладиган, уларга мадад бера оладиган булиши керак. Ёзувчи канчалик истеъдодли ва илгор дунёк.араш билан куролланган булса, адабиётнинг к.онун-к.оидалари-ни, узига хос табиатини билса, мадорат сирларини, ижо-дий метод имкониятларини канчалик чукур эгаллаган булса, услуби канчалик равон булса, суз бойлиги ва суз куллаш санъатини канчалик узлаштирган булса — у яратган асар

дам шунчалик мукаммал булади. Бу уринда, лоакал ижод жараёнининг кудратли омилларидан бири — ёзувчи истеъдоди ва унинг хаётни типиклаштирищдаги ролини эслаш жоиздир.

Хуш, **ёзувчи истеъдоди деганда нимани тушунамиз?**

Истеъдод — мураккаб ижтимоий-рухий хрдиса. Истеъдод — ёзувчининг ижодий кучлари комплекси ва унинг ижод килиш иштиёки, шунга, лаёкати, крбилияти. Истеъдод ижод жараёнида гоятда мухим роль уйнайди — факат истеъдод содиби булган шахсларгина чинакам санъат асари яратадилар.

Айрим манбаларда кайд этилганидек, инсонда истеъдод Бунчалари тугма булади. Шу истеъдод гунчаларининг келажакда гуллаб-яшнаши ёхуд руёбга чикдай крлиши, купинча, муайян шахсни тарбиялаб етиштирган ижтимоий ва табиий шарт-шароитларга, тарбияга, вазиятга, шу шахснинг мехнатсеварлигига борликдир. Жамиятимизда истеъдоднинг камол топиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ёзувчи уз истеъдоди ва профессионал махррати билан халкда, тарак.к.иётга хизмат кдпади. Чинакам истеъдод кам учрайдиган ноёб хрдиса. Истеъдод — миллий ифтихор, халк. бойлиги. Уни куз кррачиридай сакдамок. зарур.

Бадиий истеъдод[1], одатда, бир неча хислатлар билан характерланади. Чунончи: а) Истеъдод, даставвал, хаётни уткир куз ва нозик дид билан кузата олиш хамда улардан таъсирланиш к.обилияти билан тавсифланади.

М.Горькийнинг фикрича, "ёзувчи хаётни бутун окими ва унинг кичик ирмокларини, хаётнинт барча к;арама-к.аршиликларини, унинг драма ва комедиясини, кахрамонлиги ва тубанлигини, ёлгони вачинини билиши шарт"[2]. "Вок.еаликни ёзувчи худди узи ясагандай билиши лозим"[3]. Ёзувчи хаётни юзаки, сиртдангина билмаслиги, балки унинг

---

[1] К,аранг: *Т. Махмудов.* Талант художника и общество. Литературы и искусства им. Г. Гуляма, Т. 1971, *П. Шерму^амедов.* Ижод дарди. F.Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти Т. 1973, М. Махмудов. Та лант ва ижод фалсафаси. F.FyjioM номидаги адабиёт ва санъат нашриё ти. Т. 1976.

[2] *М. Горький.* О литературе. М. Гослитиздат, 1937, 289-бет.

[3] *М. Горький.* Адабиёт х.акида. Т. Узадабийнагар, 1962, 147 Сет.

ич-ичига чукур кириб бориши, унинг оддий кишилар кузига тезда ташланмайдиган "яширин" томонларини, "сирлари"ни билиб олиб, ундан бехад таъсирланиши, шу хрдисаларни чукур идрок к,ила олиши, фалсафий хулосалар чинара билиши зарур.

Санъаткор хаётга кднчалик чукур кириб борса, уни кднчалик пухта билса, х,аёт вок.еа-хрдисаларидан кднчалик хаяжонланса — у яратган бадиий асар хам шунчалик хаётий ва таъсирчан булади. Чинакам реалистик асар халк, хаёти билан чамбарчас ботик, булади, халкдинг кайфияти, иде-аллари, рухи ва дардини акс зттиради.

Аммо шуни хам хисобга олиш керакки, хаётни кура билиш, кузатиш, чукур индивидуал ходиса — хар бир ёзувчи турмушни узига хос куз билан куради. Ёзувчининг хаёт хакддаги тасаввурлари ва акддалари, унинг шахсий рухий сифатлари, кайфияти, эстетик идеали, ижод жараёнидаги ижтимоий позицияси, даётий ва ижодий тажрибалари, борликри кура билиши, тушуниши ва ундан уз асарлари учун материал танлашда уз индивидуал хислатларини на-моён этиши мух.имдир.

Х,аёт хрдисаларини синчковлик билан кузатишнинг узигина ижод учун етарли булмайди — ижод этиш учун ёзувчи хаётда кузи билан курган ёхуд хужжатлардан урганган х.одисалардан кучли таъсирлана олиши, уларни чукур хис этиши хам зарур. "Ёзувчи бирон хрдисага укувчида мухаббат ёки нафрат хисси кузготиши учун аввало уша хис узида булиши керак, — дейди Абдулла Кахдор. — Ёзувчи узи хис к^тлмаган нарса тутрисида ёзса, буни ук^иган укувчи хам хеч нарсани хис кдиолмайди. Демак, куйдириш учун куйиш, ардоклаш учун ардокланиш шарт. Хис кдлинмасдан ёзилган нарса к^огоздан к,илинган гулга ухшайди.

Хис, ички дард кишининг кдлбини емириб юборади. Бундай вак;тда киши узини к,аерга куйишни билмайди, узининг дардига бошк;аларни шерик к,илиш, юрагини бушатиш хохиши кишига азоб бериш даражасига етади. Шу вак,тда кул к,аламга боради"[1].

---

[1] *Абдулла Хащор.* Ёшлар билан су^бат. Т., "Ёш гвардия", 1968, 50-бет.

А. Крдирий "Утган кунлар" романида Кумуш бибининг улимини ёзиш жараёнида роса хуноб булиб йигааган экан. Лев Толстой "Анна кэлбимнинг бир парчаси" деган экан. Алишер Навоий "Лайли ва Мажнун" достонини йиклай-йигаай тутатганини айтади. Бу фактлар хам асар к,алб кури билан йутрилишини — ижод дард билан тутилишини курса-тади.

б) Бадиий истеъдоднинг яна бир мух.им кдораси-ёзувчининг хаёлга, хотира кучига, ижодий фантазияга бенихря бойлиги, ижодий тасаввур, ижод жараёнида бадиий тущ-малардан мохирона фойдалана олиш крбилияти. Негаки санъат асарини бадиий тукдмасиз, ижодий фантазиясиз тасаввур килиб булмайди.

в) Санъат ижодкордан фидойилшши талаб кдпади: ёзувчи бутун истеъдодини, куч-кувватини, маънавий к,обилиятини, укувини ижодга сарф кдпади. Ёзувчи уз асари устида тер тукиб мехнат к^илади, унга кдйта-кдйта сайк,ал беради.

г) Ижод жараёнида воке буладиган яна бир ёркин машъала бор. Бу — илхрмдир. Илх.ом ижодий жараённинг шундай бир пайтидирки, унда ёзувчининг истеъдоди ва санъаткорлиги тула намоён булади, ёзувчи катта к,изик,иш ва гоятда кутаринки рух. билан ж^шиб, ижод этади — санъат асарининг нурли сахдфалари ана шундай дамдагина ёзилади. Жахрннинг барча шод асарлари жушк,ин илхрм, улкан истеъдод, зах.матли ижодий мех,нат самарасидир. Илх.омли ёзувчи — кднотли ёзувчи — у истаганча бадиий ижод
чуХкдяари сари парвоз кдлаверади. Аммо х.амма вак? х.ам ижод жараёнида илх,ом жуш уриб туравермайди — чинакам санъаткор ёзувчи илх,ом келишини кутиб-пойлаб кул крвуштириб туравермайди — у доимо изланишда, тинимсиз ижодий мехнат орушида булади. Илх,ом билан мехнатсеварлик кушилган жойдагина чинакам санъат асари тугилади.

К,искдси, **истеъдод — ижод к,илиш к,обилияти демакдир.**

"Ижод к^лиш к,обилияти табиатнинг буюк эх.сонидир, санъаткор рудидаги ижодий жараён буюк сиру асрордир, ижод лахзалари буюк маросимдир, — деб ук^гиради Белин ский, — мана унинг к,онунлари... и,

Санъаткор ижод килишга эхтиёж сезади. Бу эхтиёж — истакунга бирдан, кутилмаганда, бесурок., мутлакр ва унинг иродасидан ташкари келади, зеро унинг узи ижодий фаолият куни, соати, минутини тайинлай олмайди: ижод эркинлиги мана шу, мана унинг ижодкор шахсига дахлсизлиги! Ижод килиш эхтиёжи уз ортидан гояни олиб келади, бу FOH санъаткор рухдга катланиб, уни эгаллаб олади, унинг дардига айланади. Бу гоя азалдан маълум булган умуминсоний гоялардан бири булиши мумкин; аммо санъаткор уни узи танлаб олмайди, балки беихтиёр хлс этади, у гояни мушохадакор акд меваси сифатида эмас, балки узининг х,ис-туйгулари меваси сифатида кабул этади, у юксак хаяжон огушида х,ис-туйгулари билан гоянинг теран, сирли маъносини англай бошлайди... Санъаткор калбига узи идрок этган (гоя) мех,мон булганини сезади, бирок., айтиш мумкинки, бу гояни равшан курмайди х>амда уни узига ва бошкаларга аник; куринадиган даражага етказиш истаги билан ёнади: мана, ижоднинг биринчи куриниши. Фараз килайлик, бу гоя рашк гояси булсин, энди унинг шоир к.албида кандай камолга етишини кузатиб курайлик. Худди она домиласини авайлаб-асрагандай, шоир кунглининг энг пиндоний бурчакларида бу гояни авайлаб вояга етказади; аста-секин унинг кузи оддида бу гоя равшанлашиб, жонли образлар киёфасига кириб, идеалларга айланади, унга худди туман орасида курингандай африкалик оташин Отелло, унинг ажин босган крп-крра манглайи пайдо булади, кулогида унинг мудаббатга, нафратга, афсус-надомат ва к.асосга лиммо-лим оху-фарёдлари эшитилади, итоаткор маъшук.а Дездемонанинг мафтункор, малох.атли чехраси куринади, унинг беаёв тун ярмида чеккан оху нолалари чалинади. Бу образлар, бу идеаллар х.ам шоир кунглида усиб вояга етади, аста-секин равшанлашади; них.оят шоир уларни аник, куради, улар билан сухбатлашади, уларнинг нуткини, харакатларини, узларини к.андай тутишини, юриш-туришини, афтангорини билади, уларни бор буйи билан хар тарафдан куради... шоир... уз кахрамонларини х.али ралами уларга шакл бермай туриб, аник;, равшан унгидагидай, чиндан хам куради. Мана, ижоднинг иккинчи боскичи. Кейин эса шоир уз асарига куринарли, х.аммага тушунарли шакллар беради: бу ижоднинг учинчи ва сунгги боскичи...

Демак, ижоднинг асосий, фаркланиб турувчи аломати сирли башоратдан, поэтик сомнабулизмдан иборат.

Санъаткорнинг асари дали барча учун сир, у хали кулига калам олгани хам йук., аммо у хрзирданок. кахрамонларини равшан куради... шоир уларнинг нима дейишларини, нима килишларини хам билади, уларни ураб олувчи ва бирбири билан бокловчи вокеаларнинг ришталарини кура олади. Шоир бу одамларни каерда курган, бу вокеаларни каерда эшитган ва унинг ижоди нима узи?.. У узи яратган одамларни хеч каерда курмаган, у вокеликдан нусха кучирмаган, ёки тугрироги, у буларнинг хаммасини валиёна, пайгамбарона тушида, порлок. поэтик кашфиёт ладзаларида... уз хиссиётининг борлик.ни сезувчи уткир кузлари билан курган. Шоир яратган характерларнинг хакдонийлиги, тугрилиги, тиникдиги сабаби мана шунда; унинг романи ёки драмаси тугуни, ечими, чигиллари ривожининг них,оятда табиийлиги, х.акдонийлиги, эркинлиги сабаби мана шунда; сиз унинг асарини укиб, гуё тангри таоло оламидай гузал ва баркамол кандайдир бир оламга кириб крлгандай х.ис килишингиз сабаби мана шунда; уни чукур тушунишингиз ва хотирангизда к.аттик. саклашингиз сабаби мана шунда... Бу ерда зиддият йук., к.аллоблик ва тантик.лик йук.; ■•■ чунки бу асар ясалмаган, тук.илмаган, балки санъаткор калбида унинг узида ва ундан ташкарида мавжуд булган к.андайдир олий, сирли бир куч вахийлигида яратилган... Бундай асар кай хилда булмасин, — идеалми, реалми, — бари бир у хамиша х.акикий асар, шоирона хдкдкий асар булади"[1].

Ёзувчи узига, ижодига гоятда талабчан булиши керак: бу х.олни санъаткорнинг замон оддидаги, эл-юрт олдидаги ижтимоии бурчи такрзо к,илади. Ёзувчининг истеъдоди унинг ахлокдш ва ижтимоии позицияси билан хам узвий богликдир. Ёзувчи эстетик диди тинимсиз усиб бораётган замон китобхонларига завк.-шавк. багишлайдиган, уларни маънавий жихатдан бойитадиган, уларга х.аёт жумбокларидан сабок. бера оладиган санъат асарлари яратиши зарурлигини сира-сира унутмаслиги лозим.

---

[1] *В.Г.Белинский.* Адабий орзулар. Т., номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 237—240-бетлар

Шундай килиб, **истеъдод — х;аётни синчковлик билан кузатиш, ^аёт вок,еа-х,одисаларининг ички ок,имини чукур англаш, улардан таъсирланиш, вокеаликдан уз асари учун зарур булган типик нарсаларни ажратиб олиб, бадиий ифодалаш, ижод жараёнида хаёлга, ижодий фантазияга, тасаввурга кенг йул очиш, бадиий тук,имадан санъаткорона фойдалана билиш, жушкин илх,ом билан ижод килиш, асар устида тинимсиз ме^нат цилиш — буюк мех.натсеварлик демакдир.** Кдска килиб айтганда, истеъдод хаётни калб кузи билан кура билиш, улардан таъсирланиш ва хаёт материаллари заминида чинакам санъат асари яратиш демакдир. Истеъдоднинг вокеаликка айланиши деганда биз ана шу жараённи назарда тутамиз.

Типикликни тушуниш ва талкин этиш хакида ran кетганда шуни хам эслаш жоизки, утган аср 50-йилларининг бошларида типикликни талкин этишда хатоликларга йул куйилган. Чунончи, баъзи адабиётчилар типиклик купчиликка тегишли, ^аётда кенг таркалган нарсаларгина типик була олади, деб даъво килганлар. Холбуки, бу кридани типикликнинг абсолют к,онуни деб кабул килиб булмайди. Тугри, шундай санъат асарлари хам борки, уларнинг бош кахрамонлари — х.аётда кенг таркалган типлардир. Реалистик адабиётнинг кахрамонлари — Зайнаб, Бектемир, Уктам, Комила, Дех,к.онбой, Х[а]Физа, Сайда, Ахмаджон, Лукмон-ча, Ориф, Лукаш ботир каби образлар замондошларимиз-нинг мухим хусусиятларини узларида мужассамлаштирган-ки, бу хусусиятлар хдётда кенг тарк.алган. Лекин, шу билан бирга, адабиётда х.али х.аётда унчалик кенг таркалмаган нарса-х.одисалар х.ам типик булиши мумкин. Масалан, Н.Г.Чернишевский "Нима килмок. керак?" романининг ^ахрамони Рахметовга ухшаш кишилардан фак,ат саккиз-тасини х.аётда учратган экан. И.С.Тургенев "Оталар ва бо-лалар" романининг бош к.ахрамони Базаровга ухшаш бир-гина кишини — вилоят врачини х.аётда учратган. Шунга карамай, Рахметов х.ам, Базаров хам типик образлардир. Чунки бу хил образлар оркали авторлар уз даври ижтимо-ий гурух^арининг киёфалар"ини ёркин курсатиб берган. Демак, даётда кенг, урта даражада таркалган ва, х.атто, эн-дигйна пайдо булган х.одисалар хам давр такрзосига кура типик була олиши мумкин.

*ш*

Типикликни талкин этишда яна бошка хатоликлар хам юз берган: реалистик санъатда типиклик *муаммоси* — сиё-сий муаммо, онгли равишда бадиий образни бурттириш унинг типиклигини туларок. очишга хизмат килади деган караш (сохта-схолостик) адабиёт кридаси сифатида талкин этилган. Бундай даъво хам уринсиз эканлиги фош килинган.

Хаётдаги у ёхуд бу нарсанинг типик ёки нотипиклигини конкрет тарихий шароит белгилаб беради. Шу сабабли жамият таракдиёти тарихининг бир даврида типик булган хрдиса унинг бошка бир даврида нотипик булиб крлиши хам мумкин. Чунончи, XV асрда маърифатпарвар ва адо-латли шох, РОЯСИНИ таргаб килиш — даврнинг долзарб ма-саласи эди. Шунинг учун хам бу гоя Алишер Навоий асар-ларида кенг ёритилган. Жамият тараккдётининг кейинги боск.ичларида — XX аср бошларига келиб "адолатли-маъ-рифатпарвар шох. БОЯСИ" уз ах.амиятини йукртди — нотипик х.одиса булиб крлди... Хозирги кунда миллий истик,-лол, мустакил Узбекистонни буюк давлатга айлантириш учун кураш, миллий кадриятларни тиклаш, хусусий мулкчиликни, бозор иктисодини тарБиб килиш, янги инсонкомил инсонни тарбиялаш, ахлок.-одоб, дустлик, чин севги, ватанпарварлик, мехнатсеварлик... — гоятда типикх.оди-саларки, бу масалалар ёзувчиларимиз дикдат марказида турибди. Х[а]ётдаги мана шундай долзарб масалалар, тур-мушнинг мух.им муаммолари типикдир. Ёзувчи ижод жа-раёнида типик нарсаларга асосланар экан, у турмуш к.озо-нида к,айнаши — хаётнинг олдинги сафларида юриши за-рур. Х[а]ёт эса узлуксиз даракатда, тинимсиз узгаришда, усишда. Бинобарин, ижодкор хам тинимсиз изланишда, ижодий усишда булиши табиийдир.

**Типиклаштириш к,онуниятлари**

Типиклаштириш к.онуниятла-рини тушуниш учун дастлаб тип х.акидага тушунчани эслаш керак. Одатда тип икки хил булади — ижтимоий тип ва адабий тип. Ижтимоий тип-хаётда, адабий тип-адабий асарда булади. Маълум ижтимоий-сиёсий табак,анинг мохиятини узи-да ифодалаган шахсларгина ижтимоий типлардир. Демак, ^аётда ижтимоий кийматга эга булган хислатларгина ти-пик булар экан. Одатда ижтимоий типда жамият таракди-

ll

ёти тенденциялари уз ифодасини топади. Шу маънода хаётдаги етакчи кучлар типик булади. Аммо таракдиётга халал бераётган, демакки, ижтимоий кийматга эга булган кучлар хам типик була олади. Умуман айтганда, ижтимоий-сиёсий куч мохиятини умумлаштириб бериш — ижтимоий тип учун хам, адабий тип учун хам муштарак хислатдир. Лекин бундай муштаракликдан ташкари, ижтимоий тип билан бадиий типнинг жиддий фаркдари бор. Масалан, ижтимоий типда факат ижтимоий кучнинг мохияти ифодаланади. Бадиий типда эса шу мох.ият ифодаланувчи индивидуал х,олатларга х,ам катта эътибор килинади.

Бадиий образ оркали хаётдаги мухим, мукаррар, крнуний, табиий хрдисаларни умумлаштириб ифодалаш — типиклаштирищдир. Демак, х.аётдаги умумий, к;онуний, табиий ижтимоий нарсалар — ижтимоий типлар санъатда туда индивидуаллаштирилган ва конкретлаштиршгган характерлар орк.али акс эттирилар экан.

Типиклаштириш к.онунияти, асосан, уч жараёндан иборат: х.аёт, биринчидан, умумлаштирилади иккинчидан, синтезлаштирилади, ва, учинчидан, индивидуаллаштирилади[1].

Умумлаштириш нима? "Бадиий образ" мавзуида бу х.акда тухталиб утганмиз. Куйида ана шу фикрларни бироз давом эттирайлик.

М.Горькийнинг айтишича, барча катта асарлар умумлашма натижасидир. Чунончи, жах.он адабиётининг "Дон-Кихот", "Фауст", "Хамлет" каби шох. асарлари бадиий умумлашманинг ёркин намуналаридир. М.Горький умумлашма деганда адабиётда мазмунни куюкдаштириш, чукурлаштириш ва кийматини ошириш, асрлар давомида кийматини йукотмайдиган кудратга эга к;илиш усулларини хдм назарда тутади. Мана шу маънода типикликни бадиий х,акик,ат билан боглайди: бадиий х.ак.ик.ат типиклаштириш махсулидир. Бадиий х.акик.ат, гарчи ^аёт х.акик,ати асосида яратилса-да, унинг айнан узи эмас — х.аёт х.акдгкати-нинг к.айта ишланган, куюлтирилган, гузаллаштирилган

[1] К,аранг: *Лазиз К,аюмов.* Аср ва наср. Т., F.FyjiOM номидаги адабиёт ва саньат нашриёти 1975, 74-103-бетлар.

шакли. Демак, бу уринда типиклаштиришнинг яна бир мухим хусусияти аникланади: бу хусусият шундан иборатки, бадиий хакикат реал хаёт хрдисасидан юкррирок, туради. Бундан М.Горький санъатнинг асосий вазифаси вок.елик устидан юкрри кутаршшшдир, деган хулосага келади. Санъатнинг вокеликдан юкрри кутарилиши типиклик крнуниятидан келиб чикиши зарур. Шундагина типиклаштириш — вокеликни билиш ва акс эттириш воситаси сифатида намоён булади: "вокеликдан юкрри кутарилиш" усули вок,еликка зарар етказмаслиги, санъатни вок.еликдан ажратиб куймаслиги, аксинча вокеликни бадиий узлаштиришнинг зарурий усулларидан бири булиши керак. Санъат олдига вок.еликдан юк,ори кутарилиш вазифаси куйилар экан, бу хрлда адабий типда бадиий тукима, ижодий фантазиянинг ах,амияти них.оятда катта булиши мутлак.о табиийдир.

Типиклаштириш, М.Горькийнинг ук,тиришича, фак.ат умумлаштиришдангина иборат эмас, айни чокда, вок^елик заминида пайдо булувчи бадиий синтез хамдир.

Типиклаштириш к.онуниятининг яна бир жараёни индивидуаллаштиришдирки, биз бу хакда "Бадиий образ" мавзуида тухталиб утганмиз. Бу уринда юк,оридаги фикрларга кушимча тарзида куиидагиларни таъкидлаш мумкин.

Типиклаштириш — хаётдаги мух.им хрдисаларни умумлаштириш ва синтезлаштиришдан ташкари, уларни тула индивидуаллаштиришни, конкретлаштиришни хам такрзо килади. Индивидуаллаштириш — типиклаштиришнинг мухим шарти. Демак, индивидуалликсиз бадиий образни тасаввур х.ам килиб булмайди. Зеро, жах.он адабиётидаги Хамлет, Отелло, Фауст, Дон-Кихот, К,ори Ишкаба, Хуррият, Нурхон, Зеби, Отабек, Анвар, Азизхон, Низомжон, Сулаймон ота, Кдландаров каби образлар узлари мансуб булган ижтимоий куч — ижтимоий гурухларнинг мох.иятини чукур ифодалаганликлари учунгина эмас, балки индивидуал хислатлари билан х.ам ёрк,ин адабий типлардир.

Шундай килиб, **типиклаштириш — муайян ижтимоий кучнинг энг му\им белгиларини умумлаштириб, синтезлаш-тириб ва индивидуаллаштириб тасвирлаш санъати.** Такрор-ланмас ва индивидуал хислатлардан махрум булган образ — оддий схема ва, аксинча, умумлашмасиз образ — оддий

фотографик суратдир. Х[а]Р иккала хрлда хам "образ" санъат доирасидан чикиб кетади. Зеро, "образ — хаётий хрдисаларни индивидуал шаклда умумлаштириб бериш демакдир"[1]. Типиклаштириш, асосан, бадиий образлар яратиш жараёнида воке булар экан, бу борада хам образ яратиш крнуниятлари уз кучини намойиш этади.

**Типик характер ва типик шароит**

Санъат асарида хаёт факат образлар, характерлар, типлар воситасидагина типиклаштирилиб крлмасдан, айни чокда, муайян адабий кахрамонлар характерлари намоён буладиган шароит оркали хам типиклаштирилиб курсатилади.

Маълумки, реалистик адабиётда типик характерлар типик шароитда хакдоний тасвирланади.

Биз юкррида "бадиий образ" муносабати билан типик характер масаласини куздан кечирган эдик. Энди типик шароит хакида тухталиб утайлик.

"Типик шароит" деганда хар кандай шароитни эмас, аксинча ижтимоии турмуш тенденциялари намоён буладиган шароитни, уша шароитнинг типик булишини назарда тутамиз.

Реалистик адабиётда "типик характер", "типик шароит" ва "деталлар" хаётни бадиий акс эттириш, уни типиклаштириб курсатиш усулидир.

Характерларнинг мохияти фак.ат муайян шароитдагина очилади. Чинакам санъаткор уз к.ахрамонини конкрет вазиятларда ранг-баранг синовлардан утказади: бу эса кахрамоннинг ижтимоии мохияти ва индивидуал хусусиятларини очишга имкон беради. Шароит — инсон харакат киладиган мух.ит, социал шарт-шароит, конкрет хдётий муносабатлардир. Санъат асарида шароит тулалигича типиклаштирилади: тасвир жараёнида купинча шароит кескинлаштирилиб, кучайтирилиб берилади. Мух.им булмаган вок.еа-додисалар чикариб ташланади, характерлилари ажратиб олинади. Ёзувчи х.аётдаги куплаб вок.еа-х.одисалардан к,ахрамонларнинг х.ис-туйгуларини ёркин очишга

---

[1] *Головенченко Ф. М.* Введение в литературоведение. М. Высшая школа, 1964, 28-бет. , . ................

имкон берадиган вазиятларни танлаб олади. Бирок., шароит сунъий, уйдирма булмаслиги керак. У автор ниятигагина эмас, реал хаётнинг объектив крнуниятига хам тула мое булгандагина бадиий жихатдан узини окдайди.

Реалистик асарда типик шароит ва типик характер уртасида диалектик муносабат булиши табиий: характер шароитга ва, айни чокда, шароит характерга узлуксиз таъсир этиб туради, хатто улар купинча бир-бирининг ичига кириб, сингишиб кетади. Шунга кура, реалистик адабиётда типик шароит хам, типик характер хам хакдоний булиши лозим. Бу — реализмнинг асосий шартларвдан бири. Ёзувчи характер оркали хаётни тасвирларкан, у доимо хаёт диа-лектикасини, табиат ва жамиятдаги хамма нарсаларнинг узлуксиз харакатдалигини, уларнинг бирбирларига 6OF-ликдиги ва алокадорлигини, бири иккинчисига, иккинчи-си биринчисига таъсир этиб туришини хисобга олади, ал-батта. Бошкача килиб айттанда, реалистик адабий асарда х.аётнинг мана шу объектив крнунияти уз бадиий ифода-сини топади. Бунга х.ам ёзувчи, асосан, типик характерлар билан типик шароит уртасидаги диалектик муносабатни курсатиш оркали эришади. Типик характер ва типик шароит уртасидаги муносабат бадиий асарларда ранг-баранг куринишларда (худди хдётнинг узидагидек) ифодаланади. Масалан, А.К,ахдорнинг "Синчалак" повестида бош кахрамон Сайда характери типик шароит ("Бустон" колхозида мавжуд булган соглом мудит ва "к.аландаровчилик")да курсатилар экан, ёзувчи характер ва шароит орасидаги мураккаб муносабатни ифодалайди: киссада, биринчидан, шароит характерга ва характер шароитга узлуксиз таъсир этиб туради — колхоздаги мавжуд "каландаровчилик мухити" ва соглом кучлар Саиданинг ички дунёсига кучли реакция беради. Шу реакция заряди билан Сайда узидаги ожизликларни енгиб, тинимсиз олга интилади. Уз навбатида, Сайда "Бустон"даги бикик. мух,итни емириб ташлаш учун тинимсиз кураш олиб боради.

А.К,ахдор "Синчалак" повестида типик шароитнинг типик характерга таъсирига нисбатан типик характер (Саида)нинг типик шароит("каландаровчилик мух.ити")га таъсирини биринчиурингачикарибтасвирлаган. Бирок,, бундан х.амма асарларда хам шароит билан характер уртасидаги

муносабатни худди шу куринишда, яъни характернинг шароитга таъсири биринчи уринда берилиши зарур экан-да, деган хулосага келиш ярамайди. Чунки, ёзувчи шароит-характер муносабатига хамма вакт ижодий ёндашади, шу важдан баъзи асарларда худди "Синчалак"дагидек характернинг шароитга таъсири биринчи уринда булса, бошка бирларида шароитнинг характерга таъсири устуворлик килади, яна бошкаларида эса шароит билан характернинг бир-бирига таъсири параллел хрлда ифодаланади ...Масалан, Ойбекнинг "Куглуг кон", "Навоий", "Олтин водийдан шабадалар", "Куёш крраймас", "Нур кидириб" каби асарларида шароит билан характерларнинг узаро таъсири параллел куйиб тасвирланганлигини пайкасак, унинг "Дилбар — давр кизи" достонида характернинг шароитга ва "Болалик" повестида эса шароитнинг характерга таъсирини курсатиш биринчи уринга чикданлиги сезилади. А.К,ах.-хрр "Шохи сузана" комедиясида Дехдонбой ва Хафизалар-(типик характерлар)нинг уз мух.ити(типик шароит — Хамробуви, Холнисо ва Мавлон акалар мух,ити)га таъсирини биринчи уринга чикариб курсатган булса, "К,ушчинор чироклари" романида шароитнинг характерга таъсирини биринчи уринга чикарган. Демак, бу масала, асосан, муаллиф ниятига, асар мавзуига, материалига, бош к.ахрамон характери мантикига ... ботик, булган ижодий иш экан.

Хдётни типиклаштиришда, уни

**Бадиии-деталь** бадиий ифодалашда, к.ахрамон характери кирраларини очишда, асар гоясини ифодалашда, унинг эмоционал таъсир кучини оширишда бадиий деталлар катта роль уйнайди.

Аввало, шуни айтиш керакки, деталь деганда муайян асар тукимасидаги предмет, белги, чизги кабиларни тушунамиз[1]. Бирок, асардаги дар к.андай предмет, белги, чизгилар х.ам бадиий деталь була олмайди. Деталь, одатда, лунда, аник., ёркин ва образли булиб, асосан, тасъир объектини

---

[1] К,аранг. *У.Норматов.* Хикойда деталь ватафсилот. "Узбек адабиёти масалалари. Т., Узадабийнашр, 1962, 446-458-бетлар; *С.Умиров.* Деталь ва тафсилот. Совет мактаби, 1966, №1, 22-25-бетлар; *Е.Добин.* Сюжет и действительность. Искусство детали. Л., 1981, 300-430-бет-лар.

синтезлаштириб курсатишга хизмат килади. Деталь бадиий асар композициясида уз урнини топгандагина вазифасини утай олади. У ёзувчини куп сузликдан, "адабий лак,-малик"дан саклайди. К^ска-ю сермазмунлиликка эришиш — бадиий деталнинг характерли хусусиятидир.

Бадиий асарда, одатда, ранг-баранг деталлар кулланилади: предмет деталь, рудият деталлари, портретик деталь, нуткий деталь.,. В.Шекспирнинг "Отелло" трагедиясидаги **румолча,** А.Каддорнинг "Анор" дикоясидаги **анор** каби бадиий деталлар — предмет деталлари булиб, улар кадрамонлар такдирида гоятда мудим роль уйнаган. Баъзан ёзувчилар уз кадрамонлари нуткини индивидуаллаштиришда нуткий деталлардан фойдаланадилар. Масалан, М.Шолохов "Очилган курик." романида Семён Давидов нуткдда "факт" сузини урни-урни билан такрорлаш оркали хам кахрамон нуткини узига хос килиб курсатишга интилган. Рухият деталларига мисол сифатида Ойбекнинг "Болалик" киссаси кахрамони Тошмух.аммад аканинг бор бисотидан айрилиб Хумсондан Тошкентга — уз оиласига к.айтиб келган пайтдаги эпизодни эслайлик: **"Бобомнинг фигони палакка чик,иб кетди",** бувимнинг **"фигони тутони бузилган дарёдай купирди", "ояам аста, товушсиз йиглайди"** деб хикоя килади Мусавой.

Бу уриндаги рудият деталлари бенихря табиийлиги ва х.аётни жуда аник, ифодалаганлиги билан китобхон калбини ларзага келтиради. Оилага ризк.-руз урнига хунук хабар олиб келиш кишини не-не куйларга солмайди, дейсиз?! Китобхон Дадакузи бобо **"фигонининг палакка чи^иб кетиши"дан** дам, бувиси **"фигонининг тугони бузилган дарёдай купириши"дан** дам, онаси — Шадодат опанинг **"аста, товушсиз йиглаши"дан** дам гоятдатаъсирланади. Гуё ота-оналар кузларидан окаётган к,онли ёшлар гудак Мусавойлар "юрагидан сиркиб" чик.аётгандай киши калбини тирнаб юборади. Бундай бахтсизликдан чукур гамга ботган Дадакузи бобо **"елкасига FBM ЮКИ чуккандай, гавдасини базур кутариб ва дар кунгидан букчайганрок, долда юриб"** уйдан чикиб кетади. Ёзувчининг санъаткорлиги шундаки, у Да-дакузи бобонинг FaM чеккшини кенг шардлаб утирмайди, балки уйидан чикиш пайтидаги рудиятига дик;к.атимизни тортади — бир-икки портретик деталларни чизиш била-

нок. гоятда чукур мазмунни (кахрамоннинг рухий изтироб чекаётганлигини) лунда ва ёркин килиб чизиб берган. Курук. баён ва узундан узун шархлар эмас, балки худди шун-, дай усталик билан топилган аник, деталлар, лунда ва ёркин образли чизгилар тасвиригина китобхонда чукур таассурот колдиради. Бу деталлар, кщорида айтганимиздек,. кахрамонларнинг ички дунёси — рухий оламини очищдан ташкари давр рухини ифодалашда хам мух,им роль уйнайди.

Ёзувчи Сайд Ахмаднинг "Уфк." романида ишлатилган деталлардан бирини эслайлик: Турсунбойнинг крчоклиги хакидаги шум хабарни эшитар экан, **"бир пастда Икромжоннинг к,адди букилди-к;олди"**, гуё **"бир кечадаёк, к,ариб цолганга ухшарди".** Мана шундай рудий изтироб чекаётган Икромжоннинг уз х.овлисидаги хатти-х.аракатларини муаллиф гоятда табиий к,илиб чизган: "Унинг кузлари х.овли юзини маъносиз кезарди. Бирдан ошхона деворига тикилганича тухтаб крдди.

Унда Турсунбойнинг лой чаплагандаги **беш панжасининг изи** к,олган эди. Жаннат хола кунига неча марта бу **бармок, изларини** табаррук нарсадек куллари билан сийпаб кузларига, юзларига суртарди.

Икромжон шахд урнидан туриб уша ерга борди. **Бармоц изларига узо^ тикилиб турди.** Кейин бурилиб **тандир тагида ётган кетмонни олди-ю, деворни гурсиллатиб чопа бошлади. Жаннат хола укдек отилиб** келиб унинг кулларига ёпищди:

— Нима к^иляпсиз, нима циляпсиз?..

— Тегма менга, тегма менга! Бу уйда унинг изига хам урин йук.. Изларини кириб ташлайман!.."

Бу куринищцаги бадиий деталь — Турсунбойнинг ошхона деворидаги **беш панжасининг изи.** Бу деталь худди шу вазиятда кахрамонларнинг маънавиятларини улчовчи мезонга айланган: Жаннат холанинг укдек отилиб келиб, Турсунбойнинг панжа излари босилган деворни чопаетган эри Икромжоннинг кулларига ёпишишидан биз унинг калбида чексиз оналик мехрй' жуш уриб турганлигини сезамиз. Турсунбойнинг девордаги панжа изларига ота Икромжоннинг муносабати оркали эса муаллиф уз к.ахрамони к.албида икки кудратли куч курашаётганлигини ифодалаган: унинг девордаги "бармок. изларига узок, тики-

либ туриши" — шахсий туйгу — бебахр оталик мехрини курсатса, "деворни гурсиллатиб чопа бошлаши" — ижтимоий *туйгу* — уз углининг крчоклигидан бехад газаблангашини билдиради. Муаллиф худди шу уриндаёк. Икромжон калбидаги ижтимоий бурчни чукур хис килиш туйгуси унинг шахсий хислари устидан голиб чикк,анлигини табиий, ишонарли килиб талк.ин этган. Ана пгунга кура хам уни замон кахрамони, муайян даврнинг етакчи тенденцияларини узида ифодаловчи типик характер десак булади. Куринадики, ёзувчи оддийгина бир деталь оркали уз кахрамонларининг ички дунёсига кириб борган ва уларнинг интеллектуал оламини китобхон куз унгида гавдалантиришга муваффак. булган.

Мана шундай топкирлик — бадиий деталлар асарнинг эмоционал кийматини оширади, китобхоннинг эстетик дидини устиришга ва умуман хдётни типиклаштириб курсатишга ёрдам беради.

Англашиларлики, санъат асари ва умуман адабий жараён х.аётни типиклаштириб курсатишни такрзо этади. Адабий асарнинг х.ар бир унсури (характер, сюжет, пейзаж, буюмлар ва бошк,алар) ёки адабий жараён унсурлари (ок.им, метод, адабий тур ва жанрлар...) типиклаштириш махсулидир. Шунга кура, типиклик ва типиклаштиришни санъат асарининг мазмунидан тортиб шаклигача уз ичига к.амраб оладиган масала деб к.араш керак. Демак, типиклаштириш бадиий ижоднинг универсал крнунияти, асосий шарти — хаётни тасвирлашнинг узига хос усули экан.

**Туртинчи боб**

## ДУНЁКДРАШ, ИЖОД ЭРКИНЛИГИ, МИЛЛИЙЛИК, ХАЛ^ЧИЛЛИК ВА УМУМИНСОНИЙЛИК

**Дунёкараш ва гоявиилик**

Бадиий ижод жараёнида истеъдод к;анчалик х.ал к.илувчи роль уйнаса, дунёк.араш х.ам шу кадар дал кллувчи ахамият касб этади. Истеъдодни ижод денгизида сузиб юрувчи кудратли кема деб фараз килсак, дунёк.араш шу кемани аник, мулжалга бехато олиб борувчи маёк. — ком-

пасдир. Бепоён денгиз узра жавлон урадиган кемани маёк,-сиз тасаввур кдииб булмаганидек, бадиий ижод жараёнида истеъдодни дунёкарашсиз ёхуд дунёкарашни истеъдодсиз тасаввур этиб булмайди. Прогрессив дунёкараш ва буюк истеъдод — бадиий ижоднинг куш канотидир. Типиклаштириш масалаларига багишланган бобда бадиий истеъдод дакида тухгалиб утган эдик. Бу уринда ёзувчи дунёкараши ва унинг ижод жараёнидаги роли дакида фикр юритамиз.

Ёзувчи дунёкараши ижодий жараённинг барча погоналарида, адабий асарнинг деярли дамма унсурларида чукур. из крлдиради.

Умуман айтганда, илмий, фалсафий, сиёсий, дукукий, ахлокий, эстетик, диний кдрашлар жамулжами дунёкдраш деб юритилади. Дунёкараш — ижтимоий борликнинг инъикоси. Академик М.Б.Храпченко "Адабиёт таракдиёти ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги" монографиясида ёзувчининг дунёк,араши масаласини санъатнинг гоявийлиги масалалари билан узвий боигик. долда текширган: дунёк;араш ва гоявийлик, дунёк,араш ва истеъдод, дунёк.араш ва ижодий метод, дунёкдраш ва вокелик дакида муфассал фикр юритган.

Хаёт узининг кудратли окими билан ёзувчининг ижодий фикрлари даракатини жадаллаштирибгина к.олмайди, балки унинг РОЯВИЙ, эстетик к,арашлари таракдиётига дам кучли таъсир курсатади. Санъаткорнинг дунёкараши аллакандай к,отиб к,олган, узгармас бир нарса эмас, у доимо усиш-узгариш жараёнини бошидан кечириб туради. Хатто, айрим санъаткорлар дунёкарашида кескин бурилишлар юз бериб туради. Масалан, Салтиков-Шчедрин, Гоголь, А. Толстой каби рус ёзувчилари босиб утган ижодий йулга назар ташланадиган булса, улар дунёк.ара1Ш1аридаги кескин узгаришларни пайк,аш унчалик кийин эмас. Ёзувчининг дунёкдрапш даёт окдши билан бирга усиб, узгариб, шаклланиб борар экан, айни чокда, у ёзувчининг ижодий эволюциясини дам белгилаб беради — ёзувчи дунёцараши к.анчалик шаклланган булса, унинг бадиий асарлари дам гоявий жидатдан шу к.адар тиник; ва равшан булади. Агар ёзувчининг РОЯВИЙ фикр доираси тор ёхуд заиф . булса, у канчалик истеъдодли булмасин, бу дол унинг ижодига салбий таъсир курсатади. Шу сабабли гоявий-бадиий

жихатдан пишик. асарлар билан бир каторда хом-хатала, хатто, бутунлай заиф асарлар хам учраб туради.

Истеъдод ва дунёкараш, гоявий-фикрий дойра ва истеъдод бир-бири билан узвий боишкдир, аммо улар хеч качон бир-бирининг урнини боса олмайдиган узига хос хрдисалардир. Уларнинг жамулжамисиз санъат асарининг пайдо булишини тасаввур хам килиб булмайди.

М.Б.Храпченко айтганидек, ёзувчи дунёкараши ва ижодий методи муносабатларини тугри тушунмай туриб бадиий ижод "сирлари"ни тула англаб булмайди. Олим бу масалани еритишни метод ва дунёкарашни бир-бирига зид куювчи сохта назарияни танкдд килищдан бошлайди. Бу назария тарафдорлари бадиий ижод жараёнида илгор дунёкарашнинг ролини инкор кгыишга жон-жахдлари билан интилганлар. Уларнинг фикрича, Бальзак, Гоголь, Лев Толстой каби йирик суз санъаткорларининг дунёкарашлари реакцион характерда булса-да, уз карашларига зид хрлда улкан санъат асарлари яратганмиш. Хатто, улар Бальзак, Гоголь, Л.Толстой каби адиблар ижодларинигина эмас, балки утмишнинг деярли барча *улут* санъаткорлари (Вальтер Скотт, Флобер, Мопассан, А.Франц, Р.Роллан, Тургенев, Гончаров, Короленко, Чехов каби)нинг ижодларини хам ана шу сохта назариялари нуктаи назаридан тавсифлашга бехуда уринганлар. Бу назариянинг йирик вакилларидан бири Г.Лукачнинг очикдан-очик. эътироф этишича, реакцион дунёк,араш езувчининг санъат асари яратишига сира халакит бермасмиш, аксинча, ижодга кенг йул очармиш. Сохта назария тарафдорлари утмиш классиклари эришган жиддий ютукларни фак.ат уларнинг ижодий методларигагина богааб изохдаганлар.

Метод ва дунёкарашни бир-бирига зид куювчи назариячиларнинг катта хатоларидан бири шундаки, улар дунёкарашни езувчининг сиёсий карашларига тенглаштирганлар. Аслида эса езувчининг дунёкараиш унинг сиёсий карашлари билангина чекланмайди. Юкррида айтганимиздек, дунёк.араш фалсафий, илмий, ижтимоий, тарихий, эстетик к.арашларни хам уз ичига к.амраб олади. Булардан тацщари, дунёцараш синфий муносабатларни, табиат хрдисаларини тушунишни, жамият ва шахе муносабатлари кабиларни хам узида мужассамлаштиради. Шу жараёнда баъ-

зан ёзувчининг сиёсий карашлари унинг хаёт жараёнларини, ижтимоий муносабатлар, тарихий вокеа-вдцисаларни тушуниши ва бадиий ифодалашига зид келиб крлиши мумкин. Бальзак, Л.Толстой, Ф.Достоевский каби дунёкараши зиддиятли ва мураккаб булган ёзувчиларнинг реалистик методга асосланиб, санъат асарлари ярата олганликларини ана шу билан изохлаш керак. Айни чокда, "Дустлар билан сайланма ёзишмалар" асарида Н.В.Гоголнинг ижодий муваффакдятсизликка учраши сабабларини ёзувчининг ижодий методи (бу асарида хам ёзувчи реализм принципларига содик. крлган)дан эмас, аксинча, гоявий позициясидан кидирмок. лозим[1].

Демак, юкррида кайд этилган назариячиларнинг ёзувчининг дунёкараши реакцион характерда булса-да, у илFОр методга амал ктшса, ижодда улкан ютукларга эриша беради, деган хулосалари асоссиз эканлиги уз-узидан тушунарлидир.

Айни чокда, дунёк.араш билан методни тенглаштириш, уларни айнан бир нарса деб караш хам мутлакр нотугридир. Уз даврида РАПП назариячилари метод билан дунёкарашни айнан бир нарса сифатида талкин килишган. Шунингдек, х.озирги даврда хам баъзан адабиётчилар бадиий метод ва услуб — дунёкарашнинг "реаллашувидир" деган фикрнц олга сурадиларки, бу фикр хам нотуБридир. Чунки бу уринда хам дунёкараш билан метод уртасидаги тафовутлар инкор килинади. Аслида дунёкараш ва метод бутунлай узига хос бошка-бошка нарсалардир: биз дунёкараш деганда турли-туман к.арашлар мажмуини, олам, табиат, жамият х.акидаги тасаввурларни тушунсак, бадиий метод деганда вок.еликни образли умумлаштириш йули, у ёхуд бу ёзувчи ижодига хос булган эстетик тамойилларни назарда тутамиз. Шунга кура, дунёкараш билан метод айнан бир нарса эмас, балки бир-бирига узвий ботик,, аммо бутунлай узига хос хусусиятларга эга бултан нарсалар деб караш зарур[2].

---

[1] *М.Б.Храпченко.* Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. М., Сов. писатель, 197Й, 37-38-бетлар.

[2] Кдеанг. *М.Б.Храпченко.* Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. М.: Сов писатель, 1970. 45-бет.

Дунёкараш ижод жараенида санъат асарининг FOHESHBII йуналишини, унинг ижтимоий-эстетик адамиятини б>дбе; гилаб бериши маълум.

'Тоявийлик" деганда биз адабий асарда ифодалангжга (асар тукимасига чукур сингдирилган) ижодкорнинг і китобхонга айтмокчи булган(яна дам тутрироги — айта J. олган) фикрини тушунамиз. Аммо адабий асарда ифодалкланган фикр ижодкорнинг соф субъектив фикри эмас, умумлашма кийматига эга булган ва ижтимоий касб калган бадиий гоядир. Адабий асар гояси — обрае азл ва эмоцио нал'фикр. Мана шунинг учун дам гоявий-йиш маърифий ва эстетик-тарбиявий кучга эга булади.

Роявийлик — бадиий асар мазмунининг кагор сижфа! белгиларини уз ичига камраб оладиган умумий меъёр. _ Fоявийлик тушунчасига: биринчидан, бадиий асар мавзвзу& нинг ижтимоий, сиёсий, фалсафий ёхуд ахлокий к.ийм;:мат; иккинчидан, бадиий асарнинг ижтимоий йуналиши; уч»~чинчидан, бадиий гоянинг х.акдонийлиги киради. Бундаижг ташк.ари, гоявийлик деганда биз санъаткорнинг ижтимоои! сиёсий карашларининг аниклиги, эътик;оди, ихлосиниы хаи тушунамиз. Баъзан роявийлик деганда асар гоясининг — и» тимоий-сиёсий адамияти, фукаролик рухи, бошк.ача айтганда, асарнинг сермазмунлиги тушунилади.

Ёзувчининг гояси канчалик илгор ва прогрессив у яратган асарда даёт шунчалик кенг, чукур ва дакдсх>ни1 ифодаланади, бадиий асарнинг киммати бенидоя *ouxziajni* Роявий хатолар санъат асарининг бадиий кимматинаи туширади, унинг адамиятини йукда чик,аради. Роясижзлй санъат ва адабиётда суюк. мазмунли асарларни вужудга„ *к*® тиради. Бундай асарлар китобхонда юксак фикр ва тз^ушт ларни тарбиялашга хизмат к.илмайди, даёт дак.ик.атзгини кишиларни тугри била олиш ва бадолашга ургатм^щк, аксинча, бахт, эрк дамда гузаллик учун куращдан четгаи тортади. Шунга кура, дар доим гоявий тутурик.сиз асархларг( к.арши кескин кураш олиб бориш мудим вазифадир*. Демак, гоявийлик санъат ва адабиётнинг мудим сифат б**л» си экан. Шунга кура, гоявийлик ижод жараенида ёз^увчкнинг дикдат марказида туриши лозим. Уткир ва таъср^рча( гоявийлик билан юксак бадиийлик омухта булганд^гий санъат асари пайдо булади.

алк.чиллик

Халкчиллик — санъат ва адабиётнинг бадиийлигини белгиловчи мухим фазилатлардан бири. Дцабиётнинг халкчиллик характери мехнаткаш халк. оммасининг орзу-умидларини, хаёти ва курашини, юксак идеалларини бадиий образлар оркали акс этгиришни такрзо кдшади. Ддабиёт ва санъатнинг халкчиллиги, биринчидан, халк, учун ахамиятли булган хаётий масалаларни уртага куйиш, халк; хаётининг энг мухим томонларини акс эттириш, мехнаткашларнинг порлок, орзу-умидларини ва идеалларини ифодалаш; иккинчидан, тасвир объектига халк, манфаатлари, орзу-умидлари ва идеаллари нуктаи назаридан ёндашиб, илгор дунёкараш ва юксак гоявийлик асосида акс эттириш, тил ва услубдан, ранг-баранг шакл ва жанрлардан фойдаланиш каби мухим тамойиллар билан белгиланади.

Рус адиблари В. Г. Белинский, А. И. Герцен, Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов, М. Е. Салтиков-Шчедринлар эстетикасида халкчиллик масаласи салмок,пи урин тутади. Чунончи, В. Г. Белинский халкчиллик тушунчасини реализм ва гоявийлик масалалари билан боглаб текширган. Улуг танк.идчи халкчиллик, адабиётнинг узига хос миллий хусусиятлари х.ак.идаги карашларини И. А. Крилов, А. С. Пушкин, А. С. Грибоедов, М. Ю. Лермонтов, Н. В. Гоголь, А. В. Кольцов асарлари тахлили асосида исботлайди: бундай ёзувчиларнинг асарларида "рус рух.и" уфуриб тургани учун улуглайди. Белинский купинча "халк,-чиллик" ва "миллийлик" атамаларини синоним сифатида ишлатади. (Маълумки, халкчиллик тушунчаси торрок. — баъзан жуда жун халкчиллик — бир халкдагина мансублик, миллийлик — умумхалк. адамиятига молик). У халкчиллик масаласини адабиетда прогрессив гояларнинг ифодаланиши билан боглаб текширади. Жамиятнинг илгор кишиларини гоятда кизиктираётган замонанинг энг мухим вокеа ва х.одисаларини х.акхоний ва чукур акс эттирган асарларнигина халкчил асарлар деб атайди. "Агар халкчиллик деганда бирор халк., бирор мамлакат одамларинингхулк-атворини, урф-одатларини тушунадиган булсак, — деб таъкидлайди Белинский. — Халкчиллик чинакам бадиий асарнинг зарур шартидир. Хар к.андай халкнинг х.аёти фак.ат унинг узига хос шаклларда намоён булади,

бинобарин, хаёт тасвири хакдоний булса, у халкчил хамдир"[1]. Грибоедовнинг "Акллилик балоси", Пушкиннинг "Евгений Онегин", Лермонтовнинг "Замонамиз кахрамони" асарларини ана шу жихатдан юксак халкчил асарлар деб бахрлаган. В.Г.Белинскийнинг Н. В. Гоголга ёзган хати халкчиллик хакидаги танкидчининг юксак талаблари натижасидир. Шунингдек, Чернишевскийнинг "Санъатнинг вокеликка эстетик муносабатлари", "Рус адабиёти тарак.киётининг Гоголь даври очерки", "Журналлар хакида кайдлар", Н. А. Добролюбовнинг "Рус адабиёти таракдиётида халкчилликнинг иштирок этиш даражаси", "Зулмат ичида нур" каби асарларида санъат ва адабиётда халкчил - лик масаласи назарий ва амалий жихатдан ишлаб чикидди.

Шундай килиб, халкчиллик тушунчасининг доираси кенгайиб борди. Рус революцион демократлари халкчиллик меъёрларини вокеликнинг мухим хрдисаларини тасвирлаш ва уларга халк. нуктаи назаридан бахр бериш масаласи билан чамбарчас богладилар.

Узбек адабиёти — юксак халкчил адабиёт. Адабиётшунослигимизда 30-йиллардан бошлаб "халкчиллик" атамаси кулланила бошланган. Улуг узбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий узининг бир шеърида:

Одами эрсанг демагил одами,
Они-ки йук; халк; гамидан

деб ёзганки, бу байт курук. шиор эмас, балки шоирнинг калб сузи, ижодий кредоси. Бу фикр ижодкорга, бадиий адабиётга туда тааллукли. Агар биз шоир яратган кахрамонлар сиимосида мужассамлашган халкчиллик хислатларига шунчаки бир назар ташласак, юкрридаги фикрнинг тула тасдикини кура оламиз. Чунончи, "Фарх.од ва Ши; рин" достонидаги Фарх,од сиимосида акс эттирилган инсоний фазилатларни эслаб куринг-а: Фарх.од — Хитой хокрни фарзанди, ёлгиз шадзода. У хар канча талтайиб юрса курби етади. Аммо у шу замондаги шахзодалардек айш-

---

[1] *В. Г. Белинский.* Адабий орзулар. Т., F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. 250-бет.

ишрат килиб юрмайди. Фархрд болалик човгариданок. илм-фанни зур иштиёк. *билан* урганади: шоир муболагаси ила айтгавда, жадонда у билмаган илм крлмайди, тош йуниш, раем солиш хунарларини пухта узлаштиради, дарб илмида махррат касб этади, у миелсиз куч-кувватга эга булади... Билимдонлик, миелсиз куч-кувват, хунар кадрамон фаолиятида жуда-жуда аскатади — Юнонистон сафарида каттол дев устидан галаба крзонади, Су1фотдан сабок, олади, денгиз жангида карокчи-боскинчиларга зарба бериб, савдогарларнинг жонига аро киради, Армания диёрида канал казувчиларга мадад беради.

Хунарни асрабон нетгумдур охир,
Олиб туфрак,кдму кетгумдир охир?!

Фардоднинг шиори мана шу! У уз хунарини, билимини, куч-кувватини халк; ишига сарф ^илади — Фардоднинг миелсиз жасорати ила Армания чуллари 6oF-poraap-га айланади. У уз меднати, жасорати ва мадорати ила Шириннинг мудаббатига сазовор булади — Ширин улкасини дам уз улкасидек севади — уни цаттол ёв — Хусравнинг боскинчилик юришларидан к.аттик.туриб димоя килади. Хуллас, Фардод сиймосида мужассамлашган барча фазилатлар халк, оммасининг к^анотланган орзуси — комил инсон дакддаги шоир идеали. Кдск;аси, Фардод — тулак;онли халк,чил образ. Эътибор 1дилинг-а: "Сабъаи сайёр" достони к,адрамони Бадром маърифатпарвар шод сифатида давлат ишларини адолат билан боцщарганда мамлакат дам, эл-юрт дам, узи дам гуллаб яшнайди, аммо, у айшишратга берилиб, мамлакат ишини дам, эл-юртни дам унутганида уни дамродлари билан бирга ер ютади. Мана халк, истаги! Бу халкчилликнинг юксак намунаси! К,иск.аси, "Хамса" — буюк халкчил асар.

Халк.чиллик — адабиётнинг доимий йулдоши, бош фазилати! Адабиётнинг халк.чиллиги унинг инсоншунослик хислатидан келиб чик;ади. Адабиёт халк. рудиятидан усиб чик,ади ва унинг узини тарбиялаш билан шугулланади. Ха, халкнинг орзу-умидларини, дард-дасратини, уй-фикрларини, ташвиши-ю кувончларини ифодаламайдиган адабий асарни тасаввур килиб булмайди. Адабиёт — *халк,* маъна-

вияти, рухияти кузгуси. Адабиёт — халк. тарихининг бадиий ифодаси! Зеро, дунёни тебратадиган энг кудратли куч — халк;, дунёдаги энг биринчи файласуф хам, энг биринчи шоир хам — халк,. Шоир Чулпон хак, гапни айтган:

Халк, денгиздир, халк тулкдндир, халк, кучдир,
Халк, исёндир, халк, оярвдир, халк, учдир...
Бутун кучни халк; ичидан олайлик, Кучок;
очиб халк; ичига борайлик!

**Миллийлик ва умуминсонийлик**

Адабиёт халк, хдётини акс этти-рар экан, у, албатта, ижтимоий тур-мущдаги миллий, умуминсоний жи-хатларни бадиий ифодалаши табиий бир хрлдир. Миллийлик ва умуминсонийлик адабиётнинг рухида чукур из крл-диради. Шу сабабли, миллийлик ва умуминсонийлик ижтимоий хрдисаларгина эмас, айни чокда, эстетик хрдиса хамдир. Миллийлик ваумуминсонийликнинг эстетик категория сифатидаги мохиятини тугри англамай туриб, бадиий адабиётнинг умумий к.онуниятларини, узига хослигини, ижтимоий-эстетик вазифасини — х.аёт билан адабиёт уртасидаги диалектик муносабатни тушуниш мушкул.

Хуш, миллийлик деганда нимани тушунамиз? Умуминсонийлик-чи? Миллийлик билан интернационаллик бир-бирига зид эмасми? Адабиёт — инсоншунослик экан, унда миллийлик ва интернационаллик кандай роль уйнайди?

Немис мумтоз шоири И.Р.Бехер айтганидек, "адабиётнинг миллий мазмуни деганда, шубдасиз, адабиётнинг миллат олдида турган тарихий вазифалар билан, халкнинг миллий манфаатлари билан богаиклиги... тушунилади"[1].

Умуман айтганда, адабиёт халкнинг х.аёти, касб-кори, ижтимоий онгини акс эттириш йули билан унинг миллий характерини ифодалайди. Адабиётнинг миллий хусусиятлари: миллатлар хдмда халкларнинг узига хос аломатлари; ижтимоий-сиёсий, табиий-географик, рух.ий хусусиятлари; кахрамонларнинг тили, ташки куриниши, кийим-кечаги, урф-одати; халкнинг ижтимоий ва сиёсий хаёти, унинг

[1] К,аранп Модернизм враждебен искусству. М., Прогресс, 1964, 351-бет.

ижтимоий-иктисодий тажрибаси, миллий манфаатларини нечоига акс эттирганлиги билан аникланади.

Миллат ёки халкнинг миллий хусусиятлари абстракт хрлдаги хрдиса эмас, балки конкрет тарихий даврнинг, ижтимоий-иктисодий тузумнинг махсули. Бинобарин, санъат асаридаги миллий характер конкрет ижтимоий-иктисодий давр кишилари характерининг бадиий инъикоси булади ва, шунга кура, конкрет ижгимоий-бадиий хрдисадир. У ёки бу бадиий асар кайси халк. ёки миллат хаёти хакида хикоя килса, шу халк. ёки миллатнинг рухини, анъаналарини, миллий белгиларини ифодалаши табиийдир. Аммо санъат асари объектив дунёнинг бадиий инъикоси сифатида у ёки бу халкнинг факат соф миллий хусусиятларинигина эмас, балки шу халк. турмушига, рух.иятига кириб келган бошка халкдарнинг прогрессив миллий хусусиятларини хам акс эттиради. Акс хрлда бадиий асар миллий жихатдан тор доирага кириб крлади. Чунки хаётда муайян халкнинг миллий хусусиятлари ижтимоий тарак,киёт жараёнида тинимсиз ривожланиб, янги хусусиятлар дисобига бойиб боради.

Миллийлик интернационалликка зид эмас, умуминсонийлик эса миллийликни инкор килмайди. Роявий-бадиий етук асарларни укиганимизда уларда ифодаланган миллийликни умуминсонийликдан, шунингдек, интернационалликни миллийликдан ажралган хрдда х.ис эта олмаимиз. Бунинг боиси шундаки, уларда миллийлик ва интернационаллик, хусусийлик ва умумийлик бир-биридан ажралган халда эмас, балки аксинча, кушилиб-чатишиб кетган х.одда — яхлит жараён шаклида ифодаланади. Аммо тор мадаллийчилик крбигига бурканган миллийлик миллий турмушнинг чинакам бадиий ифодаси була олмайди: у умумбашарийлик адамияти касб эта олмайди[1].

Машхур аваР шоири Расул Хамзатов узининг бир мак.оласида бадиий адабиётдаги миллийлик ва интернационаллик тушунчалари х.акида тухталиб, шундай дейди: "Бу

[1] К,аранг: *Г.И. Ломидзе.* Гуманизм и интернациональное единство литературы. Известия Академии Наук СССР, Отделения литературы и языка, том XXI, выпуск 5. М. 1962.

уринда икки тушунча (миллийлик ва интернационаллик — *Т. Б.)* бир-бирини рад этмайди, аксинча тулдйради. Шохлар томирлар билан, жилгалар булоклар билан боглик, булганидек, бу икки тушунча хам бир-биридан ажралмасдир. Негаки, бизнинг гоявий позициямиз миллий маданиятни рад этмайди, аксинча, уни тасдикдайди ва гуллаб-яшнаши учун шароит яратиб беради.[1]

Ёзувчи узи мансуб булган халкнинг миллий мавкеида мустахкам турса, тасвирланаётган вокеа-хрдисаларга уз халкининг илгор фарзанди нуктаи назаридан караса ва келажакка назар сола билса, унинг асарида ифодаланган миллий туйгулар умумбашарийлик тусини олади. Адабиётнинг бундай хислатларини эса китобхон, биринчи галда, кахрамон сиймосида, унинг фаолиятида, хатти-харакатларида, килик.-одатларида, ахлок, ва одобида куради. Бадиий адабиётдаги миллийлик факат шакл хрдисасигина эмас, айни чокда, мазмун масаласи хамдир. Чунки бадиий асарда миллатнинг иктисодий-сиёсий турмуши, халк. дунёк.арашининг ички мураккаб мазмуни хам акс этади[2].

В. Г. Белинский уз мак.олаларида бадиий асарда ифодаланадиган миллий хусусиятларнинг объектив характер касб этишини алохида таъкидлайди. Унинг уктиришича, санъаткор уз асарида инсонни акс эттирар экан, уша инсон куланка эмас, балки жонли одамнинг узи булиши керак; у жисмоний тузилишга, характерга, ахлокда, уз одатига, хуллас уни хаётдаги бошка одамлардан ажратиб турувчи барча индивидуал хоссаларга эга булиши лозим. Шунингдек, у муайян миллатга ва маълум тарихий даврга мансуб булмога даркор. Негаки, бирор миллат ёки халкда тобе булмаган инсон хакикий инсон эмас. Демак, бадиий асарда акс этган миллийлик санъаткорнинг хизматигина булиб к,олмасдан санъатнинг бевосита зарур шарти х.амдир. Шу сабабли, миллийлик канчалик аник, ва чукур акс эттирилган булса, санъат асари бадиий жихатдан шу кадар етук булади[3].

---

[1] "^Узбекистон маданияти" газетаси, 1972 йил 17 ноябрь.

[2] К,аранг: *Н. Фоuuдoe.* Санъат тараккиётининг баъзи масалалари. Т., F.FjmoM номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1970. 108-131 бетлар.

[3] К,аранг: *В. Г. Белинский.* Поли. собр. соч., т. 5. М., АН СССР, 1954. 317-бет.

Агар адабиёт тарихига назар ташласак, ундаги барча тулакрнли бадиий образлар миллий характерлар эканлигини осонликча пайкой оламиз.

М. Авезов асарларидаги ижобий кахрамонлар сиймосида крзок. халкининг миллий белгиларини курсак, Б.Кербобоев асарларидаги кахрамонлар оркали туркман миллий характерный, Ч. Айтматов киссаларида киргазларга хос хислатларни ва Ойбек романларида узбек миллий характерный курамиз. Аммо М. Авезов хам, Б. Кербобоев хам, Ч. Айтматов хам, Ойбек хам узлари мансуб булган халк.-нинг миллий характерный махррат билан бадиий ифодалаш оркали умуминсоний гояларни кутариб чик.канлар. Миллий хусусият халкнинг уфр-одатлари, тарихий анъаналари, узига хос тафаккур тарзлари, тил хусусиятлари, айни халк. яшаётган жойнинг рельеф-топонимик белгилари кабиларда дам якдол куринади. Чинакам санъаткор каламига мансуб булган асарларнинг к,ахрамонлари шунчаки расмият учун эмас, балки крни-жони, бутун борлиБИ билан миллий булади: уларнинг сузлаш манералари, хаттих.аракати, кдлик,-одати, юриш-туриши... хам миллийликдан дарак бериб туради. Кдргиз ёзувчиси Ч. Айтматовнинг "Сомон йули" повестидан бир мисол келтирайлик: к.айнисининг суратини куриб, Алиман: "Бизнинг муаллим йигитга ухшаган сулув йигит бормикан, эна? Чимиддик.-нинг ортидан яхши пайк,амаган эканман, тикилавергани уялгандим. Энди омон-эсон к.айтиб келиб узидай билимли, узидай сулув киз олса, ярашиб тушарди-да, эна!", — дейди.

Повестнинг к.ахрамонларидан бири — Алиман нуткидан келтирилган мазкур парчанинг узиданок. биз кахрамоннинг миллий кдёфасини ва характерига хос хусусиятларни пайк.ай оламиз: унинг чимилдик. ортидан к.айниси Майсалбекка дурустрок. к.арай олмаганлиги — Шарк, келинларига хос миллий анъана — назокат, иффат, одоб, ибодан нишонадир; Алиманнинг кайниси Майсалбек шаънига айтган мехр-мух.аббатг%тула илик. сузлари эса унинг фронтдаги эри Крсимга булган чин инсоний севгиси, ёр хажридан к.албида тугён урган ситам ва изтироб, согинч ва укинч, порлок. орзулар билан пайвандлашиб кетгандай. Дар-

хакикат, шаркча анъана — ёш келин Алиманнинг турмуш урТОҒН Крсимга булган кайнок. ва эхтиросли мухаббатини мана шундай воситалар орк.али ифодаланишини такрзо этади. Шу билан бирга, ёзувчи бу уринда миллий заминда соф инсоний севги, мехр-мухаббат, самимият, поклик, гузал ахлок. ва одоб каби умумбашарий гояларни хам шарафла-япти.

Миллий характер яратишда, хусусан, улар мансуб булган халк. ёки миллатнинг урф-одатларини, миллий белгилари-ни ифодалашда тарихийлик тамойилининг накадар катта ахамиятга эга эканлигини куйидаги мисоллар асосида ту-шуниб олиш мумкин.

Мирзакалон Исмоилийнинг "Фаргона тонг отгунча" ро-манининг биринчи китоби ва Пиримкул Кдцировнинг "К,ора кузлар" романи узбек халкининг икки хил даврдаги хаётини акс эттиради — "Фаргона тонг отгунча"да Октябрь тунтарилиши арафасидаги турмуш курсатилса, "К,ора кузлар "да замондошларимиз — чорвадорларимиз х.ак.ида дикоя к.илинади. Хар иккала асарда х,ам узбек халкининг миллий хусусиятлари бош кахрамонларнинг фаолиятлари орк,али очилади. "Фаргона тонг отгунча" даги Руломжон ва Хаётхон инкилоб арафасининг фарзандлари булсалар, "Крра кузлар"даги Аваз ва Хулкарлар бизга хамнафасдир. Ана шу иккала асарда хам мухаббат ва оила масалалари халкимизнинг миллий урф-одатларига боглаб хал этилади.

Руломжон билан Хаётхонлар бир-бирини калбдан се-вадилар ва шу йулда курашадилар. Бирок. Руломжон "кррача", Хаётхон эса "хужа" булганлиги учун улар бах-тли турмуш куришга муяссар була олмайдилар — к.ахра-монларнинг соф севгилари ва орзу-ниятлари уша даврда дукмронлик мавк,еига эга булган колок, урф-одатларнинг уткир тигига дуч келиб, чил-чил булади. Бу муайян давр учун типик х.одиса. Шу урф-одат, биринчидан, Рулом жон ва Х[ае]тхонларнинг узбек халк.ининг фарзандлари эканлигини билдирса, иккинчидан, кахрамонларнинг инсоний х.ак.-х.укуклар бугилган, соф мух.аббат каби ин соний х.ис-туйгулар поймол этилган бир даврда, бугак. шароитда яшаганликларини курсатишга хизмат килди-рилган. .;,...-.....!-. *.-.-.

Хулкар билан Авазлар бошига хам аслида худди шунга ухшаш "савдо" тушади. Романда тасвирланишича, Хулкар Холбекка фотиха килинган. Бирок; у Холбекни севмайди. Шунга карамай, Хулкар, албатта, Холбекка турмушга чикиши керак. Миллий анъана шуни такрзо этади. Аммо эсхушини таниган, янги замон кизи Хулкар шаркда асрлар оша хукм суриб келган, TOF багрида жойлашган Ойкул кдш-логида хамон катта мавк,ега эга булган бундай тор миллий анъана кишанларини парчалаб (Холбекка килинган фоти-хани бузиб), севгилиси Аваз билан турмуш куради. Тугри, Аваз ва Хулкар осонликча бахтга мушарраф булмайдилар — эскиликка муккасидан кетган кишилар Холбекни улар-га карши ишга солади. Холбек улардан уч олишга ахд кила-ди: хатто у ов милтигидан ук, узиб, Авазни ярадор хам кила-ди. Авазнинг онаси хам уз келинини дастлаб хушламайди, акаси Ортик, булса очикдан-очик. ёмон куради. Севишган-лар турли-туман тазйикларга бардош бериб, уз бахтларини х.имоя киладилар. Аммо уларнинг колок, миллий удумлар-га к,арши олиб борган кураши бу билангина чекланмайди. Хулкар Ойкул аёллари орасида биринчи булиб яйловга к^чиб боради — Аваз билан бирга куй бокади. Бу эса Хул-карнинг чинакам эскирган миллий урф-одатларга к.арши кутарган иккинчи исёни эди. Бу уша мух.итда катта жасо-рат ва к.ахрамонлик эди. Аваз билан Хулкарнинг кураш-чан ва хужумкор характер эгаси, замонамизнинг х.акикий к.ахрамони эканликлари х,ам ана шундай уринларда к^зга якдол ташланиб туради. Бирок, яйловда х.ам улар колок, чупонларнинг хуружларига, эскиликка муккасидан кетган одамларнинг "аъна-дашномларига дуч келадилар. Бик.ик, мух.ит к.ахрамонларимиз ички дунёсига кучли реакция беради, уларни рашк ва иккиланишлар гирдобига ташлайди. Аммо к.ахрамонлар х.аёт жумбокларидан сабок. олиб, уз рак.ибларига к.арши фаол кураш олиб борадилар, шу кураш утида тобланадилар. Шундай килиб, асар к.ахрамонлари уз куллари билан такдирларини яратишга муяссар буладилар — Ёуломжон ва Хаётхонларга кулиб бок.маган бахт Аваз ва Хулкарларнингдоимий йуддоши булиб к.олади. Ёзувчи буни х.аёт окими ва характерлар мантикдцан келтириб чик.аради. Шунинг учун у табиий ва ишонарли булиб чикдан.

Чинакам санъат асарида миллийлик ва умуминсонийлик шу тахлит диалектик бирликда акс эттирилади. Асарда миллий турмушнинг прогрессив жихатлари канчалик истеъдод билан курсатилса, миллий колорит кднчалик ёркин ифодаланса, унда умуминсоний туйгулар, интернационал хислатлар шунчалик баралла янграб туради. Шундай асарларгина миллион-миллион китобхонларни гуманизм, ватанпарварлик, мехнатсеварлик, гузаллик рух.ида тарбиялаш ишига хизмат кила олади.

## II БУЛИМ

## БАДИИЙ АСАР

### Биринчи боб

### МАЗМУН ВА ШАКЛ, МАВЗУ ВА МУТАНОСИБЛИГИ

Бадиий адабиёт ранг-баранг адабий асарлар мажмуидан таркиб топади. Шунга кура, бадиий адабиёт хакидаги таълимот адабий асар хакидаги таълимотни хам уз ичига камраб олади. Адабий асар тузилишини пухта билмай туриб бадиий адабиёт хакидаги назарий к.арашларни чукур урганиб булмайди.

Адабий асар уз тузилишига кура мураккаб механизмни эслатади. Негаки, адабий асар "организми"да унлаб гоявий-бадиий унсурлар мавжуд. Чунончи, асар тукимасида мавзу, масала, гоя, образ, сюжет, конфликт, композиция, тил, махсус лексик катламлар, кучимлар, бадиий санъатлар, поэтик фигуралар, шеър тузилиши, адабий тур ва жанр, метод ва услуб аломатлари булади. Яна хам тугрирог-и, адабий асар мана шу унсурларнинг бирикиб (бир бутун булиб) келишидан пайдо булади. Адабий асар ту^имасида хдмма унсурлар уз жойида булиши шарт: унда бирорта ортик. ёки кам нарса булмаслиги лозим. Асар яхлит, куйма-ёмбига айланиши керак. Асар тузилишини урганиш жараёнидагина биз уларни (ута шартли равишда) икки гурух. — (мазмунга овд унсурлар ва шаклга оид унсурлар)га ажратиб куздан кечирамиз, холос. Аслида эса улар бир бутун, яхлит "организм".

**Мазмун х.ак,ида тушунча**

Бадиий асарда мазмун ва шакл диалектик алокада булади: бири иккинчисига ва иккинчиси бирин-чисига утиб туради. Хатто шундай хам буладики, асарнинг маълум бир унсури х.ам мазмун, х.ам шакл вазифасини ута-ши мумкин. Шунга кура, мазмун ва шакл орасига хитой деворини куйиб, уларни бир-биридан ажратиб булмайди.

Бадиий ижоддаги мазмун ва шаклнинг узаро диалектик муносабати фалсафадаги сабаб ва натижага ухшаб кетади. Бадиий асарда мазмун ва шакл диалектик бирликда ва бир-бирига утувчи хрдиса сифатида урганилади. Дар^аки-кдт мазмун ва шакл бир-бири билан шу кадар узвий 6OF-ликки, уларнинг бири иккинчисисиз яшай олмайди: шакл мазмуннинг ташкд куриниши булиб, унга гузаллик багиш-лайди, айни чокда, мазмун хам бирор шакдда намоён була-ди. Шакл ва мазмун муносабатида мазмун етакчилик килади — у узи узгариши билан шаклнинг узгаришига сабабчи булади. Бадиий ижодда янги мазмун билан эски шакл (кон-сервативрок. булади) уртасида зиддият келиб чикиши мум-кинки, у албатта, шаклни узгартиришга олиб келади. Бу уринда улуг узбек шоири ва мутафаккири Алишер Наво-ийнинг шеъриятда мазмун (маъни) ва шакл (сурат) хдкддаги назарий фикрларини эслаш зарур:

Назмда хам асл анга маъни дурур,
Булсун анинг сурати з^арне дурур.

Назмки маъни анга маргуб эмас,
маоний к,ошида хуб эмас.

Назмки хам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни ДОБИ дилкаш анга.

Алишер Навоий шакл билан мазмунни диалектик бир-ликда олади ва шу бирликда мазмунни сузнинг етакчи асоси деб билади. Шоирнинг фикрича, шеър мазмуни билан х;ам, шакли билан хам бенихря гузал — мукаммал булиши ке-рак. Бу уринда таъкидлаш жоизки, улуг шоирнинг бу фик-ри назмгагина эмас, насрга дам, драматургияга хам, кис-к.аси, барча адабий асарларга тегишлидир. Мазмун ва шакл мутаносиблиги — адабиёт к.онуниятидир.

Алишер Навоий мазмуннинг етакчилигини инкор этиб, курук. шаклбозликка берилиб кетган, сузни суиистеъмол к.илган формалист шоирларга кдрши чикдан. Афсуски формализм куринишлари адабиёт таракдиётининг бошк.а боскичларида х.ам учраб турган. Масалан, XIX асрда Кукрн хони Амир Умархон саройида яшаб-ижод этган шоирла-ридан баъзилари шоир Амирий (амир Умархон) шеърла-

рига таклид килганлар — шаклбозликка берилганлар. Шунингдек, асримизнинг 20—30 йилларида хам шаклбозлик куринишлари пайдо булган. Чунончи, шоир Эминжон Аббоснинг "Трактор марши" шеърини формалистик шеър намунаси десак, муболага булмас:

Тез...з з з з з
Т е з -
Пир... р р р р р
Пок.
Турррр.., ПОК.-ПОК,
Турррр... пок,
Урпок;
Ер.
Без.
Тез.
Куз.

Эътибор килинг-а: юкрридаги шеър бандида каттагина шакл бор, аммо мазмун йук, — шоирнинг нима демокчи эканлиги маълум эмас. Тугри, шеърда трактор товушига такдид бор, аммо тракторчи, яъни одам нафаси сезилмайди. Вахрланки, адабиёт — инсоншунosликдир. Шоир асосий тасвир объектини унутган. Шу важдан бу асар чиндан дам формализм намунаси.

Таъкидлаш керакки, хикоябоп фикрни хикояда, киссабоп фикрни киссада, романбоп фикрни романда ифодалаш керак. Агар ёзувчи хикояга лойик. фикрни киссада, киссабоп фикрни романда ифодалашга интилса ёки аксинча, романбоп фикрни киссада, киссабоп фикрни дикояда беришга уринса, санъат асарида мазмун ва шакл мутаносиблиги бузилади — у, албатта, муваффакиятсизликка учрайди. Масалан, С. Анорбоевнинг чорвадорлар даётидан олиб ёзилган "Оксой шалолалари" киссаси гоявийбадиий жидатдан пухта асар булса, унинг романга айлантирилган нусхаси саёз чикиб к.олди. Худди шундай долат Рах,мат Файзийнинг "Чулгагбахрр келди" асарида дам юз берган — асарнинг кисса нусхаси пухта, аммо роман нус хаси бушрок. — мазмунан камбагалрок.... Демак, ёзувчя туплаган даётий материал факат киссагагина етарли булган экан. щ

Яна шу нарсани хам кайл этиш лозимки/ уйлаб топилган шакл дам поэтик мазмун[т] олмайди: у мазмунга муайян тус-сурват б«^ тади, безайди, куюлтиради, тугаллайди — эс> чанлик бахш этади. Биргина мисолни олиб курк

Сенга бахтдан тахт тиларман,
Толедан бошингга тож,
Хусни мулкингга омонлик,
Тожу тахтингга ривож.

ёки:

Дуст билан обод уйинг,
Гар булса у вайрона хам,
Дуст кддам куймас эса,
Вайронадир кошона хам.

Шоир Эркин Болидов газалларидан олинган юкррида-ги байтлар мазмуни билан хам, шакли билан хам багоят гузал — у китобхонга эстетик тарбия ва завк.-шавк. беради. Агар шу байтларда ифодаланган маъно-мазмунни санъат (газал) шаклига солмасдан жунгина баён килинса ("Сенга бахт ва толе ёр булсин, хуснинг ва бахтинг баркарор булсин" ёки "Хонадонингдан дуст аримасин: дуст келса уйинг обод, келмаса хароб булади"), бу фикрлар укувчида муайян та-ассурот к.олдиради-ю, аммо унга завк.-шавк. багишламай-ди, фикрнинг таъсир кучи хам кутилгандай кучли булмай-ди. Шаклнинг мазмунга таъсири мана шундай уринларда аник, сезилади.

Умуман мазмун деганда биз санъат асарида акс этти-рилган хаёт парчасини тушунамиз. Бошк.ача килиб айт-ганда, вок.елик, ижтимоий турмуш муаммолари санъат аса-рининг мазмунини, мохиятини ташкил к.илади. Чунончи, Абдулла Кдххррнинг "Угри" хикоясининг мазмуни деган-да биз асарда тасвирланган утмишдаги узбек дехк.онининг образи — К,обил бобонинг аччик. кисматини куз унгимиз-га келтирамиз: Крбил бобонинг яккаю ягона ола хукизини утирлаб кетишади, бобо ку"мак сураб элликбоши, амин ва приставга мурожаат кдлади, бор-йутини уларга тортик, эта-ди, кампири эса азайимхонга обдастагардон килдираман

деб толган-тутганини беради. Окибатда, Крбил бобо пахтафуруш Эгамберди бойга карам булиб крлади.

Санъат асарида вокелик ижодкорнинг нуктаи назари, яъни дунёкараши такрзосига кура тасвирланади. Шу сабабли, ижодкор дунёкараши, санъат асарининг мазмунида уз ифодасини топади, унда чукур из крддиради. Бинобарин, "Угри" хикоясида Абдулла Кдхдорнинг Крбил бобони бутунлай хароб килган элликбоши, амин ва приставларга, яъни хак.икий угриларга нафрати, газаби канчалик кучли ифодаланган булса, Крбил бобо такдирига ачиниши хам шу кадар аник, сезилиб туради.

Санъатда ижодкор томонидан англашилган вокелик тасвирланади. Шунга кура, санъат асарининг мазмуни деганда биз муайян асарда ифодаланган гоявий мазмунни тушунамиз. Адабий-бадиий асарнинг гоявий мазмунини тахдил килар эканмиз, биз шу жараёнда муаллифнинг х.аётни к.андай тушунганини ва унга к.андай бах.о берганини аникдаймиз. Муаллифнинг х.аётга муносабати — унга берган бах.оси эса асардаги образлар тизимида уз ифодасини топади: образ — бадиий асарнинг гоявий мазмунини ифодаловчи шакл. Уз навбатида, образ сузлар воситаси билан яратилар экан, уз воситасига нисбатан мазмундир. Л. И. Тимофеевнинг таъкидлашича, тил (суз) образга нисбатан шакл, образ эса асарнинг гоявий мазмунига кура шаклдир. Асардаги нуткий ифодалар, композиция, ритмик-интонацион воситалар образнинг мохиятини очишга хизмат килади, асар мазмунини ифодалайди.

Мазмунни вокеликни бадиий ифодаси деганда, образни, яъни инсон хаётининг конкрет бадиий манзараларини назарда тутамиз. Ёзувчи хаётни образлар воситасида акс эттирар экан, шу образнинг фаолиятига уз карашларини, яъни тенденциясини сингдириб юборади. Х- Х- Ниёзийнинг "Бой ила хизматчи" драмасида Бофур, Ойбекнинг "КугауF к.он" романида Йулчи халкни мавжуд ижтимоий тузумга к.арши куращга даъват килар экан, улар инсоний бахтни кураш оркали кулга киритиш мумкин деб катьий ишонадилар. Эрк ва бахт учун курашга даъват этиш — бу асарларнинг юявий йуналиши — мазмунини ташкил килади.

Мазмуннинг шаклга утиши биринчи навбатда, образлар оркали юз беради. Ёзувчининг гоявий нияти инсон

хаётининг конкрет манзаралари — образлар оркали гавдаланади.

Мазмуннинг образлар оркали шаклга утиши диалектик алока булиб дисобланади. Бу алока — мураккаб ижодий жараёндан иборат. Чунончи, мазмун образлар оркдли шаклга угар экан, шу жараёнда образ мазмунга дам таъсир килиши мумкин. Адабиёт тарихида шундай далиллар дам борки, ёзувчи кадрамонлари характерларини чукурлаштириш устида ишлаши жараёнида узининг дастлабки гоявий ниятини, яъни мазмунни дам узгартириши мумкин. Шундай килиб, асарнинг гоявий мазмуни кенгайиб, чукурлашиб кетади. Шунга ухшаш долат Сайд Ахмад ижодида юз берган: у дастлаб "Уфк;" романида Икромжон, Азизхон, Низомжонларнинг уруш давридаги даётини акс эттирмокчи булган. Ижод жараёнида кадрамонларнинг урушдан аввалги ва кейинги даётини курсатиш нияти тугилган. Шу тарикд, уч романдан иборат булган "Уфк." трилогияси пайдо булган.

Мазмуннинг шаклга утиши сюжет ва композиция орк,-али х.ам юз бериши мумкин. Бундай пайтда, сюжет ва композиция шаклнинг атрибута (характерли белгиси) булиб хизмат килади, мазмунга дам билвосита таъсир курсатади. Чунки улар образларнингжойлашиши, гурухлашиши, узаро алокадордиги билан боглик.. Бундан шаклнинг мазмундорлиги дакидаги таълимотнинг тасдиги келиб чикади. Шунингдек, поэзияда мазмуннинг шаклга утиши ритмик-интонацион воситалар орк.али дам юз беради.

**Шакл х,ак,ида тушунча**

Дастлаб шуни айтиш керакки, шакл мазмун билан узвий боглик. — *ыазМУШ1Я* шакл. Образ эса, мазмунни ифодаловчи шакл. Айни чокда, образ — дам мазмун, дам шакл додисаси. Чунки коявий мазмун образлар орк,али очилади, образлар эса бадиий тасвир воситалари орк.али яратилади.

Тил, бадиий тасвир воситалари, конфликт, композиция, адабий тур, жанр, шеър тузилиши кабилар, биринчи навбатда, шакл додисаларидир. Чунончи, "Угри" дикоясининг шакли деганда биз шу дикоя поэтикасини, хусусан, унинг сюжети, композицияси, конфликта, бадиий тил воситалари ва доказоларни тушунамиз.

Шуни хам айтиш керакки, ёзувчи муносиб шакл топиш буйича тинимсиз изланишлар олиб боради (чунки, гузал шаклсиз санъат асари яратиб булмайди). Ижодкорнинг шакл сохасидаги топкирликлари окибат-натижада мазмунни куюклаштиришга олиб келиши лозим. Зеро, мазмунга хизмат килмайдиган шаю1 санъат доирасидан чикиб кетади.

Шу тарика, шакл сохасидаги изланишлар мазмунни куюклаштиришга, чукурлаштиришга олиб келган такдирдагина чинакам санъат асари — бадиий кашфиёт юз беради.

Хакикий санъат асарида шакл мазмунга, мазмун шаклга тула монанд булади. Мазмун — гоявийлик, шакл — бадиийлик хрдисаси. Роявий-бадиий жихатдан пишик. асаргина китобхонга манзур булади, холос.

**Мазмун ва шакл**

Санъат асарида мукаммал шакл ^agт ^a^^атини узида ифодалайдиган конкрет чукур мазмун билан узвий богааниб кетиши — органик бирликда булиши керак. Бу — бадиийликнинг зарур шарти. Хакикий бадиий асарда мазмун ва шакл бир-бирига киришиб бирикиб кетади, уларни бир-биридан ажратиб булмайди. "Мазмунни ифодаловчи шакл, — деб таъкидлайди В.Г.Белинский, — бир-бири билан шундай боетикки, шаклни мазмундан ажратиш — мазмунни йук. к.илиш, мазмунни шаклдан ажратиш — шаклни барбод килиш демакдир"[1].

RJIFOP санъаткорлар доимо гоявий мазмун жих.атидан тулакрнли асар яратиш учун курашар экан, шаклга х,ам катта эътибор берганлар. Бадиий ижоддаги новаторлик — мазмун сохасидаги изланиш шаклни янгилашга, мукаммаллашга олиб келган такдирдагина чинакам новаторлик булади. Чунончи, В.В.Маяковскийнинг мазмун сохасидаги изланишлари шаклни янгилаш (эркин вазн)га олиб келди. Хамза вок,еликни ифодалашда поэзияда бармок. вазнига мурожаат килди, айрим хрлларда аруз вазнини ислох. этди. Бу уринда шоир Хамид Олимжоннинг куйидаги фикрини эслаш жоиз: "Нафис адабиртда шакл ва мазмун ай-

[1] *В. Г. Белинский.* Собр. соч. в трех томах, т. 3. М., ГИХЛ, 1948, 138-бет.

рим-айрим олиб текширилиши мумкин эмасдир, — деб уктиради Х[ами]Д Олимжон. — Асарнинг киймати, энг аввал, унинг мазмун жихати билан улчангани хрлда ущщ бадиий асар эканлиги мазмунидан эмас, балки шакл ва услубидан маълум булади".

Адабий асарнинг мазмуни билан шакли уртасидаги диалектик бирлик муаммосини тушуниш ва талкин этицщ адабиётчилар хамиша якдил к.арашга эга булаверишмаган Масалан, 30-йилларда айрим адабиётчилар адабий асарнинг шаклинигина эътироф этдилар, мазмунни ахамиятсиз санадилар. Уларнинг фикрича, адабий асар шакл унсурларидан — поэтик усуллар, тил, бадиий тасвир восита-ларидангина иборат эмиш. Бу хил адабиётчилар кейинчайд адабиётшунослигимизда "формалистлар" деган ном олди-лар. Яна бошка гурух, адабиётчилар эса аксинча йул тутди-лар. Улар адабий асарнинг факат мазмунинигина эътибори олдилар-у, аммо шаклнинг ахамиятини менсимадилар. Бу адабий оким кейинчалик "вульгар социологизм" номи билан аталди. Дар иккала оким хам маълум даврларда адабий харакатчилигимизда, адабиётшунослигимизда салбий роль уйнади. Шу сабабли, бу окимлар уз даврида адабий жамоатчиликнинг каттик. к.аршилигига дуч келди. Адабиё-тимиз таракдиёти учун мусаффо атмосфера вужудга кел-тирилди. Бирок., х.озирги даврда дам адабиётда формалис-тик ва вульгар-социологик окимларнинг турли-туман кури-нишлари ахён-адёнда учраб турадики, булардан эх.тиёт булмок, керак.

Демак, санъат асадида мазмун билан шакл диалектик бирликни ташкил килади — асарга жонли бир бутунлилик, яхлитлик багишлайди. Бадиий асар уз тузилишига кура гуё жонли бир организмдирки, унинг хеч бир аъзоси - звеносига тегиб булмаиди. Адабий асарда хамма нарса $у_з$ урнида ва уз меъёрида булиши шарт.

**Мавзу ва Foq** Мавзу *(юн.* thema — асосидату-

рувчи) — бадиий асарда фалсафий, ижтимоий, ахлокий ва бошка муаммоларни куйиш $х.амд_а$ ёритишга хизмат килган, шу асарнинг хаётий асосини тащ-

кил этган вокеа-хрдисалар доираси. Умуман, мавзу биринчидан, ёзувчи томонидан хаётдан танлаб олинган ва тасвирланган вокеа-хрдисалар доирасини, иккинчидан, асарда куйилган ва еритилган хаётий масалаларни ташкил килади.

Мавзу икки маънода кулланилади:

1. Мавзу атамаси — асарда акс эттириш учун санъаткор томонидан хаётдан саралаб олинган вокеа-хрдисалар (вокеликнинг асарда тасвирланган булаги). Узбек мехнаткашларининг чоризм ва махдллий буржуазия зулмига к.арши 1916 йилда исён кутариши — миллий озодлик харакатини ифодаловчи вокеа хрдисалар — "Кутлуг крн" романининг асосий мавзуидир. "Зайнаб ва Омон" поэмасининг асосий мавзуси эса XX асрнинг 30-йилларида качэл топган зайнаблар ва омонларнинг янгича севги-мухаббати билан боглик, булган вок.еалар доираси.

Мавзу — бадиий асар билан хаётни бир-бирига бошовчи восита. Шунга кура, бадиий асарнинг тематик тахлили жараёнида санъатнинг вок.еликка эстетик муносабати хдкида фикр юритилади. ^

2. Мавзу — санъат асарида куйилган ва еритилган асо сий ижтимоий масалалар. Чунончи, "Кутлуг крн" романида узбек мех,наткашларининг конкрет му^им таъсирида уз-узини англаши ва ^ак.-дукук,и, эрки учун зулмга карши бош кутариши масаласи еритилган. Шу масала — романнинг мавзуини ташкил килади. Садридцин Айний "Судхурнинг улими" повестида Бухоро амирлиги шароитида пайдо булган иллатлардан бири — ута хасислик, судхурлик масаласини кутариб чик.ади ва фош этади. Хасислик ва судхурлик — киссанинг мавзуини ташкил этади.

"Мавзу" атамасининг иккинчи маъноси жуда мухимдир. Чунки бу атаманинг биринчи маъносида мавзуни хаётий материал сифатида тушуниш натижасида шу тушунчани тасвир объекта билан тенглаштириб куйиш х.оллари х.ам учраб туради. Мавзуни асарнинг асосий муаммоси маъносида тушунилганда, табиий равишда, мавзу билан гоянинг органик богли^шги масаласи келиб чик.ади.

Айрим асарларнинг номларида мавзунинг муаммолик характери таъкидланади. Чунончи, "Акллилик балоси", "Замонамиз кахрамони", "Ким айбдор?", "Нимакилмок.

керак?", "Жиноят важазо", "Кеча ва кундуз", "Икки эшик ораси", "Диёнат", "Лолазор", "Тушда кечган умрлар", "Тухматчилар жазоси", "КутуF кон", "Сароб", "ТуFН-лиш", "Давр менинг такдиримда", "Иймон" каби асарларнинг номлари фикримизни тасдиклайди. Аммо купгина асарларнинг номлари ("Зайнаб ва Омон", "Навоий", "Навоийнома", "Амир Темур", "Умид", "Мирзо Улугбек" каби)да мавзунинг муаммолик характери у кадар таъкидланмаса-да, барибир уларда хам у ёки бу хаётий муаммонинг куйилиши ва ёритилиши мутлакр табиийдир. Хдр бир санъат асарини х.аётий масаласиз тасаввур кдлиш мумкин эмас.

Мавзу сюжет оркали очилади, сюжет мавзуни чукур ва конкрет очишга хизмат килади. Мавзунинг яна бир ахамияти шундаки, у асар кисмларини яхлит бир бутунликка бирлаштиради.

Мавзу, баъзан, жанрлар характерини белгилашга хам хизмат к.илади. Чунончи, тарихий роман, автобиографию кисса, тарихий-биографик асар, детектив асар, илмий-фантастик асар каби.

Йирикхажмли асарда асосий ва ёрдамчи мавзулар булади. Чунончи, "Зайнаб ва Омон" поэмасида янгича севги — асосий мавзу. Аммо асарда эскилик билан янгилик уртасидаги кураш, гуманизм, юксак онглилик каби масалалар (ёрдамчи мавзулар) х.ам борки, булар хам уз навбатида бош мавзу — янгича севги мавзусини ёритишга хизмат килган. Шу сабабли, асар композиция жихатидан бир бутунлик касб этган.

Адабиётда "абадий" деб ном олган мавзулар хам булади. М. Горькийнинг укторишича, улим ва мухаббат — абадий мавзу, бундан ташк.ари, мавзу рашк, касос, хасислик, дустлик, ватанпарварлик кабилар хам абадий мавзулардан булиб келган.

Адабий асарнинг мавзуси мух,им булиши шарт. Шунга кура, ёзувчи мавзу танлашга бефарк. к.арай олмайди. Мавзу танлашда ёзувчининг дунёк,араши, онглилиги мух.им роль уйнайди. Замонанинг илгор фарзанди булган ёзувчи доимо х.аётнинг долзарб масалаларига эътибор беради, шу хакда асар ёзади. Адабиётимиз мавзу жихдтдан бених.оя бой адабиёт.

**х.ак,ида тушунча** Н. Г. Чернишевскийнинг таъкидлашича, санъат даётнинг у ёки бу жидатини бадиий тарзда ифода этади. Бундан даётнинг модиятини, адамиятини яхшилаб тушунтириб бериш ва шу оркали тасвир объекти устидан уз "дукми"ни чикариш мак.садини кузда тутади. Санъатнинг бу уч вазифаси бир-бири билан узвий боетикдир. Санъатнинг тасвир объекти устидан чикарган "дукми" — унинг гоясидир. Боя — асарда куйилган ва ёритилган масалаларнинг модиятидан, характерлар талкднидан мантикий равиища келиб чикдциган хулоса. Шунга кура, мавзу асар БОЯСИ билан узвий боглик, будда. Бошкача килиб айтганда, ёзувчи даётнинг у ёки бу жидати дакдцаги фикрини укувчига етказмокчи булади. Шу фикрни асардаги образлар фаолиятига, куйилган масалалар замирига сингдириб юборади. Китобхон асарни укиб чикдач, вок,еа-х.одисалар талкинидан, характерлар мантикидан БОЯНИ топиб олади. Боя асар тукимасига к.анчалик чукур сингдириб юборилган булса, унинг бадиий таъсирчанлиги, эмоционаллиги шунчалик кучли булади.

Адабий асарнинг гояси, худди мавзудек, асар мазмунида ифодаланади. Чинакам бадиий асардаги х>р бир эпизод, хар бир йбраз ва, хатто, алох.ида деталлар дам асосий гояни очишга хизмат к.илдирилади. Асар гоясини тула тушуниш учун унда тасвирланган вок,еа-х.одисалар, образлар, деталлар дакида чук.ур мушодада килиб куриш, атрофлича тадлилдан утказиш керак. Санъат асарининг БОЯСИ бадиий гоядир. Бадиий БОЯ — санъат асарининг мазмуни-да ётган умумлашма, змоционал ва образли фикр. Асар FOHCH дакида суз юритилганда унинг мана шу хусусиятини албатта дисобга олиш зарур.

**Мавзу ва *гоя* ранг-баранглиги, яхлитлиги** Ёзувчи асарида даётни синтетик тарзда тасвирлар экан, у, албатта, бир-бири билан боигак. булган к.атор масалаларни каламга олади, уларга уз муносабатини биддиради — бадосини беради. Шунга кура, асарнинг Боявий-тематик тукимаси мураккабдир. Чунончи, "KyrayF к.он" даги Йулчи образи орк,али бир масала ёритилса, Гулнор,Шури, Мирзакаримбой, Тантибойвачча ва Ёрматларнинг дар бири оркали бир-бирига ухшамаган (бутунлай бошк.а-бошк.а) масалалар ёритилади.

Асарда бу масалалар ва улардан келиб чикадиган хулосалар бош мавзу ва бош гоя атрофида уйгунлашади. Акс долда, асарда ягона бир бутунлик эмас, таркрклик юз берадики, бу бадиийликка бутунлай зиддир.

Умуман айтганда, асарда тасвирланган дар бир образ, дар бир даётий вазият (ситуация) узига хос мавзуга ва унга берилган бадога эга булади. Шу маънода адабий асар куп муаммоли, яъни куп мавзули ва куп гоялидир. Купгина танкидчилар муайян бир асарни тадлил килганда, бир-бирларини такрорламайдилар — уларнинг дар бири шу асарда куйилган ва ёритилган масалалардан узи учун кизикарли булганларини ажратиб олиб урганади, бошкаларини эса четлаб утади.

Адабий асардаги гоявий-тематик куп кдрралилик унинг тукимасидаги яхлитликка, бир бутунлиликка зарар етказмаслиги керак. Чунки, х.аётнинг узида дам муайян бир х,одиса бошка бир х.одиса билан узаро алок.ага киришиб, мураккаб, яхлит додисаларни досил киладики, буларга маълум бир нуктаи назардан караб бадо бериш так.озо этилади. Санъат даётнинг мана шу талабига амал к.илади. Шунга кура, асарда тасвирланган вокеа-додисалар, конкрет ситуациялар, масалалар, образлар узаро алокдга киришиб яхлит бир бутунликни — асар тукимасини досил килади. Асарга яхлитлилик багишлашда — асосий мавзу ва асосий гоя дал килувчи роль уйнайди. Масалан, "Синчалак" повестида хотин-кизларга паст назар билан карашга к.арши кураш, "к.аландаровчилик"ка зарба бериш, жамоа даётида ижодий ташаббускорликни кутариш, маданий турмуш учун кураш, эскилик саркитларини фош килиш, янгича севги-мудаббат каби к.атор масалалар куйилган. Бу масалалар тасвир жараёнида биргина марказий муаммо хужаликка янгича радбарлик килиш, дедкрнларнинг ташаббускорлигини ошириш масаласи атрофига уйгунлаштирилган. Повестнинг асосий мавзуи ва гояси марказий масала талкинида бирлашади, унда уз ифодасини топади. Шу билан бирга, асардаги марказий муаммода ёзувчининг шу масалага муносабати, берган бадоси дам акс этади. Асарда илгари сурилган барча масалаларни уз атрофига бирлаштирувчи мана шундай марказий муаммо **асарнинг асосий FOHCH** деб юритилади. Асарнинг асосий гояси ундаги кушимча

гояларни инкор килмайди. Кушимча гоялар, биринчидан, узигахос мустакил фикрни ифодалайди, иккинчидач, улар асосий FОМНН ёркин, таъсирчан, чукур очишгахизмат кила-ди.

— санъат асарида куйилган ва ёритилган масалалардан келиб чикадиган мантикий хулоса. Асар БОЯСИНИ тушуниш хамда талкин этишда баъзи хато ва камчиликлар хам юз берган. Чунончи, айрим адабиётчилар асарнинг асосий гоясини хдр кандай вазиятда хам муаллифнинг ижобий тасдигидан — тугридан-тутри хулосасидан кидирганлар. Туфи, купинча, асарнинг асосий гоясини шу асарда тасвирланган вокеа-хрдисалар окимидан келиб чикадиган муаллифнинг ижобий хулосаси белгилайди ("Алишер Навоий", "Иймон", "Диёнат", "Жимжитлик", "Лолазор", "Жаннатга йул", "Рухлар исёни", "Темир хотин" каби). Аммо хар доим х.ам шундай булавермайди. Айрим асарларда муаллифнинг хулосаси — "хукми" шу асарнинг мохиятидан — марказий масала талкинидан келиб чикадиган хулоса — асосий гояга зид булиши х.ам мумкич. Шунга кура, "бизга муаллиф нима демокчи *булганидан* кура, гарчи атайин булмаса х.амки, турмуш фактларини хакдоний тасвирлаш натижасида унинг *нималар дегани* ахамиятлирокдир"[1]. Чунончи, Л.Н.Толстойнинг "Тирилиш" романидаги асосий FОННН ИНСОННИ маънавий тубанликдан, разолатдан, жахрлатдан кугк.азиш х.акида ёзувчи олга сурган фикр белгилай олмайди, аксинча, муаллифнинг "ижобий" хулосасига бутунлай зид булган — асарда тасвирланган вок.еа-х.одисаларнинг мохиятидан келиб чик.адиган объектив хулоса — инсонни инсон томонидан эксплуатация килишга асосланган ижтимоий муносабатларини шафкатсиз танкид килиш пафоси белгилаб беради.

Демак, образ — ёзувчи гоясидан кенг, яъни образ муаллифнинг тасвирланаетган вокеа-хрдиса х.акидаги хусусий фикридан ташк.ари тасвирланаетган вокеа-хрдисалар окимидан объектив хулосалар чик.аришга имкон беради. Шунга кура, биз асарда тасвирланган вокеа-хрдисаларга муаллиф томонидан берилган гоявий бадони аниклаш би-

---

[1] *Н. А. Добролюбов.* Адабий-таш.идий мацолалар. Т., Узадабийнашр, 1959, 258-бет.

лан бирга, муаллиф гояси тасвирвдан объектив равишда келиб чикддиган хулосани узида к,ай даражада ифодалашини хам текшириб куришимиз керак — шундагина асарни тула тушуниш мумкин. Санъат асарини хдкдоний бахрлаш учун, албатта, ундаги муаллиф гоясини хам, тасвир жараёнидан мантикдн келиб чикадиган хулосани — объектив гояни хам хисобга олиш зарур. Асарнинг асосий гоясини аниклаш жараёнида бадиий гоянинг мана шу хусусияти дикдат марказида туриши керак. Шу сабабдан, асарнинг асосий гоясини муаллиф гоясидангина кддириш етарли эмас.

Санъат асарининг асосий гоясини муаллиф гоясига караб аникдашнинг яна бир хавфли томони бор. Чунончи, баъзи асарларда куйилган масала устидан ёзувчи узил-кесил "хукм" чикдрмайди — муаллиф гояси аник, булмайди. Бу шундай пайтда юз берадики, маълум бир вокра-Ходиса хаётнинг узида хали якунланмай туриб адабий асарга объект булиши мумкин — ёзувчи шу нарсанинг мухимлигини сезади-ю, дархрл адабий асарга олиб киради, аммо бу хрдисага кандай муносабатда булиш керак деган саволга унинг узи х.ам аник жавоб бера олмайди. Бундай пайтда, масала ^ал этилмаган ва бу хакда муаллиф аник, хулосага келмаган булса-да, асарда шу масалани кутариб чикдшнинг узи муаллиф учун мухим ах.амиятга эга булади. Масалан, Гёте "Фауст"да узи ифодаламокчи булган БОЯНИ Х.ИКОЯ килиб беришдан бош тортган. А. П. Чеховнинг уктиришича, санъатда энг мух.ими масалани тугри куя билишдир, уни х.ал этиш шарт эмас. "Анна Каренина" ва "Евгений Онегин"-да куйилган масалалар хал этилмаган, лекин, шунга карамай, улар укувчини тула кдноатлантирди, чунки бу асарларда масалалар тугри куйилган. Суд масалани тугри куйишга бурчли, у ёгини маслахатчиларнинг узлари х.ам х.ал этаверадилар[1]. Масала тугри куйилган такдирдагина у тутри х.ал этилади. Адабиётда х,ам худди шундай: агар ёзувчи уз асарида масалани туфи куя билган булса, ундан китобхон хам тугри хулоса келтириб чикдради. Бундан, бадиий ижодда гоясиз асар хам булиши мумкин экан-да, деган

[1] К,аранг: *А. П. Чехов.* Полн. собр. соч., т. 14, М., Гослитиздат, 1949, 208-бет.

янглиш хулосага келмаслик керак. Биз биламизки, асарда у ёки бу масаланинг куйилишининг узиёк, муаллифнинг шу масалага булган гоявий позициясини белгилайди — ёзувчи хаётдаги нимаики нарсани мухим — типик деб хисобласа, шу нарсани асарида тасвирлайди. Шу сабабли, асарда муаллиф голси аник, баён килиниши ёки килинмаслигидан катъи назар, китобхон вокеалар талкинидан асар БОЯСИНИ аник, тасаввур кила олади.

Асар FOHCH ранг-баранг усуллар билан ифодаланади. Шундай усуллардан бири масаланинг к^йилиши асосида гоянинг ифодаланишидир. Бу хил асар гояси, шартли равишда, *роя-масала* деб хам юритилади ("Эрк" повести каби). Бундай пайтда, асарнинг кийматини шу асарда куйилган масаланинг мухимлиги, салмокдорлиги белгилайди, масаланинг ечилиши замонга ёки китобхоннинг мухркамасига хавола килинади.

Одатда, ёзувчи асарда кутарилган масалаларга тегишли жавоб кайтаришга харакат килади. Бундай пайтда ёзувчи жавобининг нечоглик тугри булиши ёки тугри булмаслиги унинг дунёкдраши ва тарихий шароити каби факторлар так.озосига боглик.. Агар ёзувчининг гояси хато булса, уни адабиётшуносликда, шартли равишда, "сохта гоя" деб аташ кабул кшшнган. Бунга мисол сифатида Н. В. Гоголнинг "Улик жонлар" асарининг иккинчи к,исми "Дустлар билан сайланма ёзишмалар"ни курсатиш мумкин. И. К,аландаровнинг "Шохида эмас, баргида", С.Зуннунованинг "Сукмокдар" каби повестларида дам худди шундай нук.сонларга йул куйилган.

Них.оят, ёзувчи гояси асарда кутарилган масалани тугри ифодалаши, бирдан-бир тугри жавоб бериши мумкин.

Л.И.Тимофеев "Адабиёт назарияси асослари" номли асарида гоянинг бадиий асарда ранг-баранг йуллар билан ифодаланишини курсатар экан, бу усулларни шартли равишдагина номлайди, бинобарин, бадиий асар гоясини конкрет тасниф килишга уриниш схематизмга олиб келишини айтади. Бирок., бадиий,-асарнинг бош гояси тахдил этилганда, албатта, юк,орида к.айд этилган ранг-бaрангликларни — гоялар "типи"ни хисобга олмок. лозим.

Мавзу ва гоянинг органик бирлиги асарнинг ягона гоявий-тематик асосини ташкил килади. Мавзу ва гоя бир-

лиги, асосан, асарда куйилган ва ёритилган марказий муаммода узининг ёркин ифодасини топади. Шу маънода, марказий муаммо асар к.исмларини бир-бирига бокловчи восита — асар тукимасига яхлитлилик, бир бутунлилик багишловчи асосий кучдир. Бундан асарда куйилган масалаларнинг жуда мухим булиши кераклиги аник; сезилиб турибди. Бинобарин, бадиий асарда хаётий, хакдоний ва умуминсоний ахамиятга молик булган масалалар куйилиши ва ёритилиши зарурлиги англашиларликдир. "Утган кунлар", "Мехробданчаён", "Кечавакундуз", "Навоий", "Алишер Навоий", "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони", "Диёнат", "Кухна дунё", "Улутбек хазинаси" каби асарларда мана шундай мухим масалалар ёритилган.

Адабиёт тарихида шундай хрллар хам учраб турадики, бир гурух. асарлар гоявий-тематик жихатдан умумий бир асосга эга булади. Чунончи, Ойбекнинг "Кутлуг к,он", "Улуг йул", "Болалик", М. Исмоилийнинг "Фаргона тонг отгунча", Х-Ру<sup>ло</sup>мнинг "Машъал", Сайд Ах.маднинг "Уфк," каби асарлари гоявий-тематик жихатдан хам, кадрамонларнинг бирлиги жихдтидан х.ам ягона умумий асосга эга. Бундай асарларни, одатда, трилогия (учлик), дилогия (иккилик) деб юритилади.

**Тематика** — бадиий асарнинг асосий ва етакчи мавзуи билан бирга, унга тобе булган бошка кичик мавзуларни х,ам уз ичига к,амраб, асарда гоявий-бадиий бир бутунликни ташкил килади.

Хулоса килиб айтганда, мавзу ва РОЯ — санъат асарининг кисмларини бир-бирига богловчи, асарга яхлитлилик, хаётийлик, бадиийлик багишловчи восита — асарнинг стержени (асоси, узаги)дир. Шунингдек, мавзу ва гоя санъат асарида эмоционалликни таъминловчи восита х.амдир. Бадиий асар тахлилининг, одатда, мавзу ва гоядан бошланиши х.ам бежиз эмас.

**Иккинчи боб**

# БАДИИЙ СЮЖЕТ

**Сюжет х,ак,ида тушунча**

Хаёт материалини бадиий акс эттиришда ёзувчи ранг-баранг тас-вир воситаларидан фойдаланади. Сюжет мана шундай воситалардан биридир. Сюжет (франц. sujet — предмет, мазмун) — адабий асарда тасвирланган харакатнинг мазмунини ифодаловчи хаётий вокеалар мажмуи, кенгрок, маънода, конкрет вокеалар тизмасида намоён буладиган характерлар тарихи, поэтик фикр-туйгулар окими. ХаЬтни акс эттиришда ва поэтик гояни ифодалашда сюжетнинг роли нихрятда каттадир.

Адабий асарни сюжетсиз тасаввур килиб булмайди. Лекин хар бир асарнинг ва, хусусан, лирик шеърнинг сюжети узига хосдир. Адабиётшунос Т.Сильманнинг уктиришича, "лирик шеър сюжети — тематик жихатдан хам ва шунингдек уз тузилишига кура хам биз "куюлтирилган лирик хрлат" деб атайдиган — лирик кахрамоннинг кучайтирилган, кескинлаштирилган х.олатини ифодалайди"[1]. Лирик шеърда муайян поэтик фикр ва туйгула^ окими-лирик манзара акс эттирилади (Чулпоннинг "Узбегим" шеъри каби)ки, шу лирик кечинмалар шеърнинг узига хос сюжетини ташкил килади. Шундай шеърлар хам буладики, уларда фикр-туйгулар окими кузга якдол ташланиб туради — уларда вокеа-вазият яратилади — лирик кахрамондан ташк.ари персонажлар хам катнашади (А.Ориповнинг "Хангома" шеъри каби). Бундай шеърлар илмда "вок.еабанд шеърлар" (баъзан, шартли равишда, "сюжетлар шеърлар") деб юритилади. Аслида (катьий маънода айтганда) барча адабий асарларда, шу жумладан шеърда узига хос сюжет булади. Хусусан, эпик ва драматик турлар (жанрлар)да сюжет узининг мураккаблиги ва мукаммаллиги билан ажралиб туради — бундай асарлар сюжетларини кахрамонлар характери намоён буладиган хаётий вок.еалар ташкил этади. Эпик ва драматик асар сюжетини куйидагича таъриф-тавсиф к.илса булади: асардаги одамларнинг узаро

[1] *Т.Силъман.* Заметки о лирике, Л., 1977, 6-бет.

алокалари, улар уртасидаги карама-каршиликлар, симпатия ва антипатиялар, умуман кишилар уртасидаги муносабатлар — у ёки бу характернинг, типнинг тарихий ривожланиши, ташкил топиб боришидир.

Демак, бу таърифдан кахрамонларнинг узаро мураккаб муносабатлари асар сюжетини ташкил этади деган хулоса келиб чикади. К,ахрамонларнинг узаро муносабатлари эса вокеа-хрдисаларда намоён булади. Шу маънода, вокеа-хрдисалар мажмуи асар сюжетини ташкил килади. Л.И.-Тимофеев "Адабиёт назарияси асослари" укув кулланмасида сюжетни тафсифлайдиган икки хусусият: а) характер кирралари намоён буладиган вокеалар ва б) хаётдаги мухим зиддиятларни умумлаштирувчи вок.еалар мавжудлигини таъкидлайди. Аслини айтганда, бу икки хусусият бир медалнинг икки томони, холос. Бошкача килиб айтганда, даёт зиддиятларини умумлаштирувчи вокеалар жараенида — кишилараро мураккаб (карама-каршиликли) муносабатларда кахрамонлар киёфаси шаклланади, очилади. Масалан, Ойбекнинг "Кутлуг к.он" романидаги купгина вокеа-додисалар (Йулчининг кишлокдан шах.арга иш кидириб келиши, чойхонадаги сух.бат, унинг Мирзакаримбой, ва Лутфинисолар билан учрашуви, тунка ковлаши, ут уриши, Гулнор билан учрашуви, крвун вок,еаси, "катта ер"даги х.аёт, Шок;осим фожиаси, Нурининг туйи, Тантибойвачча билан учрашуви, Мирзакаримбойнинг Гулнорга уйланмокчи булиши, унинг угирланиши, Йулчи томонидан кутк;азилиши, Бойнинг Гулнорга уйланиши, Ёрмат ва Шокир ота-лар билан учрашувлари, Йулчи онасининг вафоти, бой билан тукнашуви, Салимбойваччанинг Унсинга суюклик килиши, Йулчининг Салимбойвачча билан тукнашуви, Йулчининг камокда олиниши... Йулчи исёнкор сифатида 1916 йилги миллий-озодлик харакатида жасорат курсатиб, халк, эрки ва бахти учун куращдах.алок булиши...), биринчидан, шу давр зиддиятларини курсатишга хизмат килдирилган булса, иккинчидан, Йулчи характерини турли томонлардан ёритишга кумак берганлигининг гувохи буламиз.

"Кутлуг к.он" романи сюжети — куп киррали, куп боскичли. "^тган кунлар" романининг сюжети эса мураккаб, куп тармокли, мукаммал. Повестнинг сюжети роман сю-

жетига нисбатан соддарок.; дикоянинг сюжети дам узига хос. Йирик адабиёт назариячиси Л.И.Тимофеев дикоя сюжетининг узига хослиги дакида тухталиб, шундай дейди: "Хикоя биргина вокеа асосига курилади", "дикояда инсон характери биргина вокеа, биргина эпизод оркали тасвир этилади", "шунта мувофик. характерлар тайёр додда берилади", "дикояда характернинг бир хрлатигина курсатилади", "характернинг дикояга киргунгача булган тарак,кдёти ёки ундан кейинги долати тасвирланмайди", "дикояда персонажлар сони чекланган булади..."[1]

Бу фикрлар узбек дикоячилиги поэтикасини урганишимизда жуда кул келади. Негаки, Абдулла Кддирий, Чулпон, Фитрат, Абдулла Кдддор, Сайд Адмад, Шукур Холмирзаев. Уткир Хошимов дикоялари сюжетлари юкрридаги фикрни тасдиклайди.

**Икки аломат (тенденция)**

Энди реалистик эпик ва драматик асарлар сюжетини тавсифловчи (юкррида к.айд этилган) икки аломат (тенденция) хусусида бироз тухталиб утайлик.

1. **Сюжет — характер к,ирралари намоён буладиган во-к.еалар мажмуи.**

Аввало шуни айтиш керакки, реалистик асарда тасвирланган дар бир вокеа-додиса к.адрамон характерининг у ёхуд бу жидатини очишга хизмат киддирилади. Масалан, "Бой ила хизматчи" драмасида тасвирланган вок.еалар — Солидбой оиласидаги зиддиятлар, туй муносабати билан юз берган дисоб-китоб вок,еаси, Солидбойнинг Жамилага куз олайтириши ва уни уз хизматкоридан зурлик билан тортиб олмокчи булиши, Гулбадорнинг боласини кундошлар томонидан улдирилиши ва Гулбадор фожиаси, Рофирнинг шариат пешволари билан тукнашуви, Жамиланинг К,одиркул мингбошига арзга бориши, Рофирнинг камалиши ва доким турадан уз дак. дукукини талаб килиши, Сибирга сургун К.ИЛИНИШИ, Жамиланинг задар ичиб улиши каби вок.еа-додисалар драманинг бош к.адрамони Бофир характерини очишга тула хизмат килдирилган. Биз асар-

---

[1] *Л.И.Тимофеев.* Основы теории литературы. М., Учпедгиз, 1959. 325-326-бетлар. ,

даги вокралар жараёнида Бофир характерининг шаклланиши, унинг содда дил, хужайинга сузсиз буйсунадиган оддий каролдан бойлар, шариат пешволари камбагаллар душмани эканини англаб етган ва уларга карши курашувчи исёнкор кахрамон даражасига кутарилганлигини билиб оламиз. Шу маънода сюжет кахрамон характерини очишга хизмат киладиган асосий восита ёки асар кахрамонлари характерларининг шаклланиш тарихидир.

Таникди адабиётшунослар: Ф.М.Головенченко ва М. Кушжоновлар уктирганидек, бадиий асар сюжетида характерлар мантики ва вокеалар мантики булади. Чинакам санъат асарида вокеалар, албатта, кахрамон характерини очишга буйсундирилади. Бу уринда, ran сюжетда вокеа билан характернинг богланиш даражаси устида кетмокда, холос. Масалага шу нуктаи назаридан к.араганда, академик М.К<ушжоновнинг реалистик асарларда сюжетнинг ранг-баранг куринишлари борлиги х.акидаги фикрлари эътиборлидир. Чунончи, шундай асарлар хам буладики, уларда вок.еалар тартиби кузга як.к,олрок. ташланиб туради. Одатда, саргузашт характеридаги асарлар сюжетида худди шу х.олат сезилади. Жюль Вернниng "Антифер тоганинг ажойиб ва гаройиб саргузаштлари" романи, Александр Беляевнинг "Одам — амфибия" киссаси, Х.Тухтабоевнинг "Сарик.девни миниб..." романи ва бошкаларда сюжетнинг шу турини куриш мумкин.

Шундай асарлар х.ам буладики, уларнинг сюжетида характерлар дам шаклан, х.ам мазмунан биринчи планда туради. Бундай асарларда вок.еалар тизмаси у кадар ташкил килувчилик кучга эга булмайди. Асарда вок.еа-х.одисалар характерлар мантики асосида тартиблаштирилади. Вок.еалар тартиби эса тез-тез узгариб, янгиланиб туради. Баъзан бир бобдаги вокеа кейинги бобда давом этмайди. Вокеадан мантик.ан вок.еа келиб чикмайди. Одатда, автобиографик жанрдаги асарлар сюжет жихатидан мана шундай характерга эга булади. М. Горькийнинг.автобиографик киссалари, Ойбекнинг "Болалик", Н.Сафаровнинг "Навруз" каби автобиографик асарлари, хатто автобиографик булмаган айрим асарлар — А. Твардовскийнинг "Василий Тёркин" поэмаси, А. Мухторнинг "Давр менинг такдиримда" романи сюжети хам мана шундай характердадир.

Шундай асарлар хам буладики, уларда характернинг ёки вокеалар мантикининг устунлигини сезиш кийин. Бундай асарларда характер мантщи ва вокеалар мантики катьий равишда тенглаштирилади. А. Толстойнинг "Улуг- Пётр", Ойбекнинг "Навоий", М. Авезовнинг "Абай" романлари сюжетлари тарихий характерлар билан тарихий вокеаларнинг параллел ривожи заминида таравдш этгарилган.

Бошка бир хил асарларда дастлаб характерлар мантики сюжетни бошкарса, кейинрок. вокеалар мантики хам сюжетга кучли таъсир эта боради. Абдулла Кдхдорнинг "Кушчинор чироклари" романининг сюжети дастлаб (илк бобларда) характер (Сидикжон) мантики асосида ривожланган булса, кейинрок, вокеалар мантики хам кучаяди. "КугауF крн" романида Ойбек хам сюжет яратишда худди шу йулдан борган.

Адабий ижод тажрибасида яна шундай асарлар хам учрайдики, уларнинг марказида битта ёки иккита кахрамон образи турмайди, балки бутун жамоа, халк. туради. Ёзувчининг дик.к.ат маркази уша жамоа, омманинг умумлаштирилган образини яратишга к.аратилган булади. М. Шолоховнинг "Тинч Дон", А. Кдхдорнинг "Ьчушчинор чи роклари, Т.Сидикбековнинг "Замонамиз кишилари" романлари шухилдаги асарлардир. Бухил асарлар сюже ти урганилганда битта бош к;ахрамон характерининг шаклланиш тарихи ёки х.аёт йулини урганиш билан чегараланиб хулоса чикариб булмайди. Масалан, "К,утлуг крн" романининг сюжети, асосан, бош кахрамон Йулчи харак терининг шаклланиш тарихи билан белгиланади. Аммо "Кушчинор чироклари" романининг сюжети факат Си дикжон образининг тарихи билангина чегараланмайди. "К,ушчинор чироклари"нинг илк бобларида Сидикжон бош кахрамон сифатида куринса-да, колхозга киргандан бошлаб оммага сингдириб юборилади. Абдулла К,ахдор уз романида Узбекистонда кишлок. хужалигини коллективлаштириш даврида дехдонлар онгида руй берган сифат узгаришларини курсатишнй уз олдига асосий вазифа килиб куйиб, бу БОЯНИ факат Сидикжон характери орклигина эмас, балки бутун жамоа оркдли очмокчи булган. Шунга кура, бу асар сюжетини жамоанинг ташкил топиш тарихи белгилаб беради. , , , ,;

Таъкидлаш керакки, чинакам реалистик санъат асариіа сюжетнинг кайси тури кулланилишидан катьи назар, у албатта, характерларни очишга, асар гоясини ифодалашга хизмат килиши зарур. Йирик суз усталари уз асарларида вокеалар билан образларнинг бирлигига, хусусан, вокеаларни баён килиш тартибига, образлар характерларининг очилишига алохида эътибор берганлар. "Менинг асаримда, — деб таъкидлайди драматург Н. Погодин, — вокеаларни хам, сузни хам образ бошкаради"[1]. Шу важдан булса керак, жахрн адабиётидаги кайси бир мумтоз асарни эсласангиз дархрл уша асарнинг вокеалари эмас, балки унда иштирок этган кахрамонларнинг характерлари куз олдингизга келади.

Барча асарларда хдм тасвирни характерга буйсундириш, бунинг хамма жанрларда бир меъёрда булишини талаб килиш lyFpn эмас. Очерк жанрида ёзувчи узини эркин хдс килади. Вок.еаларга уз муносабатини ошкора билдириш — бу жанрнинг асосий хусусиятларидан. Эпопеяда вок.еа кенг планда тасвирланиши туфайли баъзан асарнинг кулами так.озосига мувофик. характерларга алок.аси камрок. булган баъзи бир нарса ва хрдисалар тасвири берилиши мумкин. Хусусан, романтик планда ёзилган асарлар тахдилига юк.орида баён килинган сюжет принципларини туда татбик, килиш кийин. Бу талаблар, асосан, соф реалистик пландаги драматик, эпик ва лирик-эпик асарларга тегишлидир.

2. **Сюжет — з^аёт зиддиятларини умумлаштирувчи вок,е-алар мажмуи.** Сюжет образларнинг "узаро алок,алари, улар уртасидаги к.арама-к,аршиликлар, симпатия ва антипатия-лар — умуман кишилар уртасидаги муносабатлар"дан таш-кил топар экан ва, айни чокда, кишилараро мураккаб му-носабатлар вокеаларда ифодаланар экан, сюжет занжири-нинг асосий халк.аларини ташкил этадиган вокеаларда хаётий зиддиятлари бадиий умумлаштирилиши уз-узидан тушунарлидир. Машхур драматург Н.Погодин бундай дейди; "Сюжет оддий, табиий, яъни бош конфликтдан, пьесанинг мохиятидан келиб чик.адиган х.аётий вокеа ва тукнашувларнинг бир-бирига уланишидир...

---

[1] Бадиий ижод ^ак;ида. Т., Узадабийнашр, 1960, 72-бет.

Сюжет фикр, гоядан, асарнинг конкрет мавзуидан ту-r-илади... Сюжет иштирок этувчи шахслар ва уларнинг образли тузилиши билан ягона бир бутундир. Драмада образлар суз вулкрнида эмас, балки хатти-даракатларда ифодаланади.

Сюжетсиз пьеса икки додда: 1) пьесада бирон-бир жиддий конфликт булмаганда; 2) мудим нарсалар максадга ёпишмайдиган бегона, ёт нарсалар билан хиралантириб юборилганда содир булади. Хар иккала додда дам томошабиннинг пьесани куришга булган к.изик1Я11И йуХолади...

Драматургиянинг жони конфликт, асоси туknашувдир. Худди ана шу конфликт драматик асарга жон киргизади, даракатга келтиради ва уни охирига етказади"[1].

Н. Погодиннинг бу фикри юзаки Караганда факат драматургиягагина тегишлига ухшаб куринса-да, аслида реалистик санъат асарининг барча турларига дам алокадордир. Яна шуни дам айтиш лозимки, бадиий сюжет даёт манзараларини доимий даракатда курсатади. "Ёзувчи факат калам билангина эмас, балки сузлар воситаси билан манзара чизишни, чизганда дам рассом сингари одамларни даракатсиз тасвирлашни эмас, балки уларни суз билан муттасил даракатда, узаро тукнашувлардан иборат булган даракатда, синфлар, гурудлар, якка шахслар курашида курсатиши лозимлигини тушуниши керак", — деб таъкидлайди М.Горький[2].

Демак, адабий асар сюжети конфликтсиз яшай олмайди. Бас шундай экан, конфликтнинг узи нима деган савол тукилиши табиийдир.

**Конфликт ва сюжет** Конфликт (ло/n.conflictus — их-тилоф; т^нащув) _ бадиий асарда иштирок этувчи шахслар уртасидаги юзма-юз кураш ёки к.адрамоннинг уз атрофини куршаб олган мудити, уз-узи билан рудий тукнашуви, олишуви. Конфликт — сюжетни : даракатга келтирувчи асосий куч. Агар сюжетни автомобиль деб фараз килсак, конфликт унинг двигателидир; сюжет — ташкд куриниш б^лса, конфликт унинг ички

---

[1] Бадиий ижод х,ак,ида, Т., Узадабийнашр, 1960, 78—79-бетлар.

[2] *М. Горький.* Адабиёт хаждда. Т., Узадабийнашр, 1962, 209-бет.

окимидир. Ёзувчи бадиий сюжет оркали муайян даврнинг ижтимоий конфликтларини ифодалайди, уларга уз муносабатини билдиради, кахрамонлар характерный очади, эс тетик идеалини олга суради. Буюк немис шоири И. Бехер шундай дейди: "бадиий асарда зарур кескинликни юзага келтирадиган нарса нима? — Конфликт. Унга кизикишни уйготадиган нима? — Конфликт. Х&ётда, адабиётда... бизни олдинга харакат килишга ундайдиган нарса нима? — Конфликт! '

Конфликт канчалик теран, канчалик ахдмиятли булса, шоир хам шунчалик таъсирчан, шунчалик ахамиятли булади. Поэзия осмони качон мусаффо булиб, чараклаб туради? Момакалдирокли жаладан, мусбат ва манфий кутблар тукнашувидан, конфликтдан кейин мана шундай хрл юз беради"[1]. Ёзувчи А.Толстой айтганидек, "Сюжет — ижтимоий карама-каршиликларни очиш калитидир"[2].

"Сюжет узининг мохияти эътибори билан харакатдаги коллизиядир, — деб уктиради, — сюжетнинг хар бир эпизоди коллизиянинг усиши ёки х.ал килинишида узига хос боск.ич булиб хизмат килади"[3].

Хар бир ёзувчи уз халк.и ва синфи учун мухдм адамиятга эга булган муайян даврнинг уткир зиддиятлари тасвирига алохида эътибор килади. Масалан, Ойбек "КутуF к.он" романида узбек мехнаткашларининг ижтимоий зулмга к.ар-ши хаёт-мамот курашига отланганлигини курсатган, унга узбек халки манфаатлари нуктаи назаридан ёндашган. Бу асарда к.ахрамонлар характерлари ана шу кураш жараёни-да очилган, тобланган. Бундан ташкари, асар гояси х.ам курашлар заминида жозибали, ёркин, таъсирли, эмоцио-нал тарзда очилган.

Хаёт зиддияти ва бадиий асар конфликтини бир-бирига тенглаштириш ва айнан бир нарса деб караш мумкин эмас. Хаётдаги конфликт — ижтимоий хрдиса, асар сюжетининг конфликти — эстетик х.одисадир. Бадиий конфликт ижтимоий конфликт заминида яратилса-да, улар бирбирларидан ажралиб туради. Бадиий конфликт ёзувчи то-

---

[1] *И. Бехер.* Любовь моя, поэзия, М., "Худ. лит-ра", 1965, 156-бет.
[2] *А. Толстой.* О литературе, М., 1958, 358-бет.
[3] Теория литературы, М., "Наука", 1964, 462-бет.

монидан хаёт зиддиятининг кайта ишланган, эстетик идеал рухи билан сугорилган шаклидир. Бадиий ижодда конфликт санъат крнуниятларига тула буйсундирилган хрлда мавжуд булади. Хаётда карама-каршиликлар ранг-баранг булганидек, санъат асарларида хам конфликтлар турли усулларда, куринишларда воке булади. Машхур ёзувчи А. Н. Толстой бадиий асар конфликтининг узига хослиги хакида тухталиб, шундай деб ёзади: "Санъат хамиша карама-каршиликлар булгандагина майдонга келади, — бу ё курашнинг узгинаси тарзвда ёки курашнинг инъикоси тарзвда булади... Карама-каршилик ва курашлар бошка сохаларга утказилади, лекин карама-каршилик ва курашлар хамиша кол ад и...

Кураш хукм суради, факат унинг максади бошкача булади... Инсоннинг ички олами кураш майдонига айланиб к.олади"[1].

Санъат асарида конфликт булиши шарт, аммо унинг куринишлари турли хил булиши, яъни "курашнинг узгинаси" ёки "курашнинг инъикоси" тарзида воке булиши мумкин. Бадиий конфликт асарнинг жанр хусусиятларига, муаллифнинг мак.сад ва услубига к.араб турли-туман куринишларга зга булади. Чунончи, конфликтнинг ижобий ва салбий образларнинг уз мак,сад ва гоялари йулидаги муттасил туknашувлари, шиддатли олишувлари тарзвда юз берадиган мумтоз ва анъанавий шакли — характерларнинг юзма-юз курашлари ("Бой ила хизматчи" драмасидаги Рофир — Солихбой, "КугЛуг к.он" романидаги Йулчи — Мирзакаримбой)дан ташк.ари ички коллизияларга асосланган рух.ий кураш шакли хдм учраб туради ("Имон", "Кроили сароб", "К,отил", "Куёш к.ораймас", "Даврменинг такдиримда"). Конфликтнинг анъанавий шакли карама-карши характерлар кураши билан боглик. булса, унинг коллизияли куриниши асосвда кахрамонларнинг рух,ий дунёси, онги, сезгилари ва рух.иятидаги зиддият туради. Лекин уларнинг бирини иккинчисисиз тасаввур х,ам к.илиб булмайди. Бу ерда асосий ran салбий ва ижобий характер-

---

[1] *А. Толстой.* О литературе. М., "Советский писатель, 1956, 287—288-бетлар.

лар курашининг изчил ёки изчил эмаслигидадир: конфликтнинг анъанавий шакли карама-карши характерларнинг изчил кураши асосида вужудга келса, ички зиддиятли куринишида характерларнинг юзма-юз тукнашувлари изчиллик касб этмайди. Зимдан шиддатли ва сиртдак сокин окадиган конфликт асосига курилган бадиий асар сюжетида адён-адёнда кузга ташланувчи туцнашувлар рух.ий изтиробнинг сиртга тепиши коллизияли харакатнинг ташки харакат билан вактинча урин алмашишидир. Лекин характерлар уртасидаги бундай тукнашувлар изчил булмагани учун у конфликтни белгилашда хал кдаувчи роль уйнамайди, аксинча бош колизияли харакатнинг баъзи звеноларинигина ташкил этади. Хаётдаги зиддият бенихря мураккаб булганидек бадиий адабиётдаги конфликтлар хам гоятда мураккаб булади. Купинча, адабий асарларда конфликтнинг турли куринишлари аралаш-куралаш х.олда учрайди ("Гамлет", "Отелло", "Мирзо Улугбек", "Опа-сингиллар", "Мук.аддас"). Шунингдек, лирик асарларнинг конфликти эпик асарлар конфликтидан, эпик асарлар конфликта эса драматик асарлар конфликтидан маълум даражада фарк. килади.

Сюжет ички жихатдан тугалланган булсагина мукаммаллик касб этади, сюжетнинг ички мукаммаллиги, асосан, сюжет пойдеворини ташкил этган конфликтнинг хаётийлигига, х,акк,онийлигига ва уткирлигига богликдир. Сюжетнинг х.аётий, эмоционал характерда булиши бадиийликнинг асосий талабларидандир.

**Сюжет унсурлари**

Турмушдаги вокеа-хрдисалардек сюжет х.ам нимадандир бошланади, ривожланади ва нима биландир тамомланади. Шунга кура, сюжетни узвий булакларга ажратиб урганиш мумкин. Йирик х.ажмли мумтоз асарларда сюжетнинг экспозиция, тугун, вокеа ривожи, кульминация ва ечим деб номланган асосий унсурлари булади. Баъзи асарларда эса сюжетнинг кушимча унсурлари — пролог ва эпилоглар учрайди. Сюжетнинг бундай элементлари асар тукимасида узига хос функцияни утайди.

**Экспозиция** *(лат.* expositio — тушунтириш ) — сюжетнинг кириш, бошланма кисми; асар вокеаси булиб утадиган жой, кахрамонларнинг конфликтгача булган пайтдаги

киёфаси, хрлатини намоён этадиган вазият, шарт-шароит тасвири. Экспозиция харакатни аникламайди, аксинча харакат учун фон булиб хизмат килади. Экспозициянинг сюжет тугунидан фарки шундаки, у тугунга ухшаб асардаги вокеанинг кейинги ривожига таъсир этмайди.

Экспозиция асардаги урнига кура турлича булади: а) т у ғ р и экспозиция— асарда вокеанинг бошланиши-дан олдин келади ("Кутлуг кон" романидаги бош кахра-мон Йулчининг к.ишлокдан шахдрга иш кидириб келиш эпизодини эсланг); б)кечиктирилган экспозиция — сюжет тугунидан сунг ёзувчи томонидан кахрамон хакдда берилган маълумот ("Синчалак" повестида тугундан сунг бош кахрамон Саиданинг болалик ва ёшлик даврига оид берилган маълумот); в)тескари экспозиция — асар сюжетининг ечимидан сунг кдхрамон хдкида берилган кушимча маълумот ("Улик жонлар"нинг охирида Чичиков хакидаги маълумот). Баъзи йирик хажмли асарларда экспозицион маълумот сюжетнинг турли уринларида бе-рилиши (сочма тарзда) мумкин. Масалан, Л. Н. Толстой "Уруш ва тинчлик" эпопеясида купчилик к.ахрамонларига оид экспозицион маълумотларни сюжетнинг турли уринларида сочма килиб берган. Бу хил экспозициялар, шарт-ли равишда, с о ч м а экспозициялар деб юритилади.

Турли жанрдаги асарларда экспозиция турли хил булиши мумкин. Чунончи, драматик асарда экспозицион маълумот муаллиф тилидан берилмайди, аксинча у ёки бу кахрамон дакидаги экспозицион маълумот бошк.а образлар нутки орк.али берилади ёки тасаввур килинади. Кичик х.икояларда, одатда, экспозиция бевосита тасвирланмайди-ю, аммо китобхон томонидан тасаввур к.илинади ва хрказо.

**Тугун** — бадиий асар сюжетида конфликт ва х.аракатнинг пайдо булиши, бошланишига сабаб буладиган вокеа. Тугун х.аракатни белгилайди, вок.еалар ривожига туртки булади, унта аник, йуналиш беради. Купгина асарларда асосий вокеа тугундан сунг юз беради. Тугун китобхоннинг асар мавзуини ТуҒрН тушунишига ёрдам беради, укувчини вокеалар ичига етаклайди, кахрамонлар такдирига кизиктиради.

Солих.бой билан Рофиржон уртасида туй муносабати билан юз берган хисоб-китоб вок,еаси — "Бой ила хизмат-

чи" драмаси конфликтининг "тушлиши"дир. Драмадаги асосий вокеалар худди шу нуктадан бошлаб аник, бир йуналишда шиддат билан ривожланади. Тугун бадиий асарнинг турли уринларида келиши мумкин. Чунончи, баъзи асарлар туппа-тугри тугундан бошланади: — "Кдзисан, картасан, ахир, аслингга тортасан! — деди кампир омборни кулф-лаётиб. — Энди жир битди-да! Битта куйлак иккита булди! Увада, ислики тун, чилвир белбогнинг хумориси тутган-дир!.." Абдулла Кдхдорнинг "Кушчинор чироклари" ро-мани Зуннунхужа хотинининг Сидикжонга карата айтган ана шу таъна сузлари билан бошланади. Бу сузлар — Си-дикжон билан Зуннунхужалар оиласи уртасида муроса килиб булмайдиган зиддият борлигидан гувохлик беради. Бу — роман сюжетининг тугуни. Бошк,а бир гурух. асар-ларда эса тугун экспозициядан сунг келади. Ойбекнинг "КугауF к,он" романида худди шу хрлатга дуч келамиз (Йулчининг ёзнинг жазирама иссик; кунида к;ишлокдан шадарга иш кдцириб келиши — экспозиция булса, унинг Мирзакаримбой билан илк учрашуви, бойнинг хизматига кириши ва унинг хонадонидагиларга нисбатан Йулчи к.ал-бида илк шубха пайдо булиши — романнинг тугунидир). Тугун бадиий асарнинг охирида келиши хам мумкин. Н. В. Гоголнинг "Уликжонлар" повестининг охирида Чичиков барча "улик жонлар"ни сотиб олишга ахд килади-ки, бу вокеа асар сюжетининг тугунини ташкил этади.

**Вокеа ривожи** — сюжет тугунидан сунг асарда вок,еанинг зурайиб, кенгайиб, кескинлашиб бориши. Одатда, асарда вокеалар тугундан бошлаб кульминациягача боскичма-боск,ич ривожланиб, усиб боради. Вокеа ривожи жараёнида образларнинг узаро муносабатлари — зиддиятлари, курашлари, симпатия ва антипатиялар курсатилади, кахрамонларнинг характерлари шаклланади, образларнинг энг мухим хусусиятлари очилади. Агар китобхон тугун орк,али асарда куйилган муаммо билан танишса, вокеа ривожи орк.али эса шу муаммонинг кайдаражада ёритилганлигини кузатади. Масалан, "Синчалак" повестининг илк сахифаларидаёк. Сайда билан К,аландаров уртасида бошланган конфликт Сайда "Бустон" колхозига ишга келгач, кадамбак.адам кескинлашиб, зурайиб, кенгайиб бораверади. Сайда колхоз партия ташкилотининг котиби сифатида кол-

хозда адолатни кдйта тиклаш, колхозчилар онгида ижодий ташаббускорлик туйгуларини уйготиш учун курашар экан, табиий равишда, Кдландаровнинг узбошимчаликларига, "беклиги"га чек куймасдан иложи йук. зди. Аммо Каландаров ва унинг гумашталари Саидага дар кадамда зарба беришга харакат килишади. Мана шу тарздаги кураш асарнинг сунгги бобларигача давом этади. Шундай кескин кураш жараёнида асар кадрамонлари, биринчи навбатда, Сайда ва Каландаровларнинг характерлари очилади, сюжет динамик туе олади.

**Кульминация** *(лот.* culmen — чукди) — асардаги вокеа-лар ривожининг юксак чукдиси. Кульминацияда асардаги конфликт — кураш гоятда кескин туе олади, кадрамон ха-рактери epKira очилади. Масалан, Алишер Навоийнинг "Фардод ва Ширин" достонидаги Хусрав билан Фардод-нинг мунозараси асар сюжетининг кульминацион нукта-сини ташкил этади. Бу вокеа икки кутб уртасидаги кураш -нинг энг юк.ори нуктаси булиб, шу уринда Фарх.однинг х.ам, Хусравнинг дам маънавий киёфаси гоятда ёркин очилади:

Деди: к,айдинсен эй мажнуни гумрад?
Деди: мажнун ватандин кдйда огал;.

Деди: недур санга оламда пеша? о
Деди: иищ ичра мажнунлук, дамиша.

Деди: бу ишкдин инкор Деди: бу
суздин истигфор кил!

Деди: ол ганжу куй мехрин надоний,
Деди: туфрокда бермон кимёни!..

Шунингдек, Ойбекнинг "Кутлуг к.он" романида Гулнорнинг захарланиши, Йулчи ва дустларининг 1916 йилги миллий-озодлик даракатида фаол к.атнашишлар — чор амалдорлари билан кескин тп^нашувда курсатган жасорати — мазкур асарлар сюжетларининг кульминацияларидир. Кульминация бадиий асар сюжетининг бошида (Н. Г. Чернишевскийнинг "Нима килмок, керак?" романи), урталарида ("Синчалак", "Утган кунлар") ва охирида ("Май-

саранинг иши") келиши мумкин. Куп режали асарларда кульминация асарнинг биргина жойида булмасдан хар бир сюжет линиясининг уз кульминацияси булиши мумкин. Бирок, улар асарнинг умумсюжет окимига буйсунган хрлда булиши лозим ("Улуг йул"да асарнинг умумсюжет кульминациясидан ташкари Умарали, Зумрад, Унсин характерларига тегишли алохида кульминациялар х,ам бор).

**Ечим** — асарда тасвирланган вокеаларнинг ривожланиши натижасида юзага келган кахрамонларнинг хрлати, улар уртасидаги курашнинг хотимасидир. Масалан, Н. В. Гоголнинг "Ревизор" комедиясидаги хакикий ревизорнинг келиши тугрисидаги хабарни ифодаловчи сахна Хлестаковнинг ревизор эмаслигини, шахар хркими ва бошка амалдорларнинг алданганлигини равшан курсатади. Шу тарика уларнинг порахурлиги, талончилиги фош килинади (сузсиз сахна). Бу вокеа — сюжет ечимидир.

"Зайнаб ва Омон" поэмасида севишган ёшларнинг туйи, "Синчалак" повестида Каландаровнинг Саиданинг хакдигига икрор булиши, "Бой ила хизматчи" драмасида Fофирнинг Сибирга сургун килиниши, Жамиланинг зах.ар ичиб улиши — шу асарлар сюжетларининг ечимларидир. Шундай к.илиб, бадиий сюжетнинг калби булган конфликт тугундан бошланиб, асар кульминациясида узининг юкрри нуктасига етади ва ечимда узил-кесил хал булади.

**Пролог** *(юн.* pro — олд, аввал; logos — суз; суз олди, аввалги суз) — адабий асардаги мук.аддиманинг бир тури булиб, бундай мук.аддима китобхонни муаллиф нияти, асарда тасвирланадиган вок.еалардан аввалги вок.еаларнинг киск.ача мазмуни билан, пьесаларда эса к.атнашувчилар билан таништиради. Масалан, А. С. Пушкиннинг "Мис чавандоз" асаридаги мук.аддима прологдир. Шунингдек, С. Абдулланинг "Тох,ир ва Зухра", К. Яшиннинг "Генерал Рахимов", С. Азимовнинг "Крнли сароб", Ш. Рашидовнинг "Кашмир кушиги" асарлари хам прологдан бошланган. К. Яшиннинг "Равшан ва Зулхумор" драмасида махсус пролог берилган булиб, унда узбек, туркман, озарбойжон, к.оракалпок. бахшилари тупланишиб, завк.-шавк. билан Думбира чертиб, Гуруглининг мардлигини мадх. этадилар — шох. Аббос, Мах,мудбек каби золимларнинг додини бер-ган, ёвларни зиркиратиб кувган, мех.нат ахлининг бошини

силаган эл бахрдири Гуругли Чамбилбелда саксон ёшида юртга катта туй бераётганлиги хабар к,илинади. Шу тарифа, драматург сахнада юз берадиган вокеаларга кизикдш уйготади.

Пролог одатда асарнинг бошланишида берилади. Аммо хамма вакт хдм шундай булавериши шарт эмас.

**Эпилог** *(юн.* ері — сунг, logos — суз; сунгги суз) — бадиий асар охирида кахрамонларнинг кейинги такдирини сузлаб берувчи хотима. И. С. Тургеневнинг "Оталар ва болалар" романи, Абдулла Кдадорнинг "Синчалак" повести ва бошка асарларда эпилог берилган. К. Яшиннинг "Равшан ва Зулхумор" драмаси эпилогида бахшилар тилидан Равшан ва Зулхуморларнинг туйлари хдкида ran кетади.

Бадиий сюжетнинг барча унсурларини дар бир асардан кидиравермаслик керак. Чунки, баъзи асарларда сюжетнинг у ёки бу унсури ишлатилмаслиги мумкин. Бошка бир хил асарларда эса сюжет унсурларини ажратиб хам булмайди. Умуман сюжет унсурларининг бир-бирига бирикиш тартиби турли асарларда турлича булади. Масалан, Ойбекда: экспозиция+тугун вок,еа ривожи...+кульминация+ечим ("Ьцутлуг к,он"); Абдулла К,ахдорда: тугун+кечиктирилган экспозиция+вок,еа ривожи,..+кульминация+ечим+эпилог ("Синчалак"); К.Яшинда: пролог+экспозиция+тугун+-вок.еа ривожи...+кульминация+ечим+эпилог ("Равшан ва Зулхумор") ...Умуман, ёзувчи сюжет унсурларини кай йусинда жойлаштирса — асар кизик,арли ва таъсирчан булади, деб х.исобласа шу тартибда сюжет яратилади.

**Сюжет типлари** Бадиий адабиётда сюжетнинг ранг-баранг куринишлари мавжуд экан, биз уларни вокеа-хрдисаларни х.икоялаш тамойили-га асосланиб, куйидагича типларга ажратиб урганамиз: хроникали сюжет, ретроспектив сюжет, концентирик сюжет, ассоциатив сюжет[1].

Агар бадиий сюжет хроника тартибида пешма-пеш давом эттирилган булса — "хроникали сюжет" деб юритила-

[1] К,аранг: *А. Рахимов.* Роман жанрининг таракдиётига дойр. Узбек тили ва адабиёти журнали, 1986, 6-сон, 8—16-бетлар.

ди. "Утган кунлар" романида асосий вокеа — Отабекнинг Маршлон шахрида савдо иши билан шугулланиб юрган НОрҒуп йигитлик давридан бошланади. Шундан сунг унинг Кумушбибини севиб крлиши ва унга уйланиши, Хомид-бой билан ораларида зиддият пайдо булиши, Хомиднинг HFBOCH билан Отабек ва Мирзакарим кутидорнинг хибсга олиниши, Юсуфбек дожи мактуби туфайли уларнинг хибс-дан озод этилиши, Отабекнинг Тошкентга келиши ва ота-она орзуси ила Зайнабга уйланиши, Кукрн хонлиги ва Тошкент беклиги уртасидаги муносабатларнинг кескин-лашуви, Нурмухаммад кушбеги билан Тошкент беги Азиз-беклар уртасидаги махораба, Отабек — Кумушбиби орала-рига совуклик тушиши, Отабекнинг уста Олим билан дустлашуви, Хомидбой сирининг очилиши ва жазолани-ши, Отабекнинг поклиги ва жасорати, Отабек — Кумуш-биби муносабатларининг к.айта тикланиши, Кумушбиби-нинг уз ота-оналари билан Тошкентга ташриф буюриши, кудалар ва севишганларнинг топишиши, Кумушбиби ва Зайнаб муносабатлари, Кумушбибининг захарланиши ва улими, Зайнабнинг Отабек томонидан талок. килиниши... вокеалари бирин-кетин, пешма-пеш ривоявий усулда кенг тасвир этилиши — роман сюжетини "хроникали сюжет" деб аташни такрзо к.илади. Шунингдек, "Куллар", "До-хунда", "Мехробдан чаён", "Кеча ва кундуз", "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони", "Лолазор", "Тушда кечган умрлар", "Икки эшик ораси", "Одам булиш к,ийин", "Умид", "Мангулик" ва бошка асарларнинг сюжетлари хам шу усулда яратилган. Яна шундай бадиий сюжетлар х.ам мавжудки, уларда асосий вок.еа кульминациядан бошлана-ди, сунг муаллиф чекиниш усули(ретроспекция)ни куллаб кульминациягача булган вок,еа-х.одисаларни к.ахрамонлар фаолиятлари мисолида курсатади... Бу хил сюжет илмда **"ретроспектив сюжет"** деб юритилади. Чунончи, Улмас Умарбековнинг "Ёз ёмгири" повести асосий к.ахрамонлар-дан бири — Мунисхоннинг кучада уддириб кетилишидан бошланади. Сунг ёзувчи чекиниш усулини куллаб, Мунис-хоннинг тарихи билан китобхонни таништиради. Машхур рус ёзувчиси В. Распутиннинг "ЕНҒНН" повести сюжети катта ёнгин тасвири (кульминация)дан бошланади, кейин чекиниш усули (персонажлар кисмати) билан боглик. х.олда

вокеанинг (ёнганнинг) келиб чик.иш сабаблари бадиий тадлил килинади ва яна вокеа келиб ёнЕин(кульминация)-га туташтирилади, сунг ечим берилади. Шундан "ЕнFнн" ва "Ёз ёмгари" киссаларининг сюжетлари **"ретроспектив сюжет"** типида яратилганлигини англаш мумкин. Адабиёт тарихида ана шундай бадиий сюжетлар дам учрайди: улар шу кадар кучли ва кескин драматизм заминига курилган буладики, натижада сюжет унсурлари(экспозиция, тугун, вокеа ривожи, кульминация, ечим)ни бир-биридан ажратиш кийин. Машхур Америкалик адиб Эрнест Миллер Хемингуэйнинг "Чол вадентиз", "Алвидо, курол!" романлари сюжетлари ана шундайдир. Сюжетнинг бундай типи илмда **"концентрик сюжет"** деб юритилади. Яна шундай бадиий сюжетлар дам буладики, булар соф ассоциация заминига курилади — сюжетни вокеа-додисалар силсиласи эмас, балки кадрамонлар калбида кечган рудий пурталалар ташкил этади. Одил Ёкубовнинг "Ул>тбек хазинаси" романининг иккинчи кисми, "Куднадунё", "Диёнат", Мурод Мудаммад Дустнинг "Лолазор" романларининг сюжетлари мана шуусулдаяратилган. Бадиий сюжетнинг бутипи **"ассоциатив сюжет"** деб юритилади. Ддабиётшунос В.Кожанов айтганидек, сюжет — "одамлар ва персонажларнинг ички ва ташки даракати изчиллиги" экан[1], "ички даракат изчиллиги" ассоциатив сюжетни келтириб чикаради. Бунда персонажларнинг ташки фаолиятидан кура, ички дунёсидан, калбида к.олдирган асорат ва губорларидан, рудида кечган жараёнлардан, к.алб диалектикасидан сюжет келиб чикади. Бу — **ассоциатив сюжет** демакдир.

**Х,аёт матери ал и ва бадиии сюжет**

Реалистик адабий асар сюжети ^аётий материаллар асосида яратилади. Биро^ даётий материалдан бадиий сюжет яратиш — адабий асар ёзиш гоятда мураккаб ижодий иш. Ойбек домла айтганларидек, "асар яратиш каби мушкул, OFHp иш дунёда йукдир... Чукур дис этиш, калбнинг зур даяжони, „уткир фикр, фадм, ажойиб илдом... яна куп хислатлар керак"[2].

---

[1] Теория литературы. М., 1964, 421-бет.
[1] Адабиётимиз автобиографияси, Т., F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973, 159-бет.

Аввало шуни айтиш керакки, бадиий сюжет хаётий материал, ижодий фантазия — бадиий тукима ва коя — эстетик вдеалнинг пайвандлашишидан пайдо булади. Агар бадиий сюжет жонли организм деб фараз килинадиган булса, хаётий материал шу организмнинг скелети, бадиий тукима унинг эти, эстетик идеал эса крни-жони. Тирик организмнинг этини скелетидан, скелетини крни-жонидан ажратиб булмаганидек, бадиий сюжет организмидаги хаётий материални бадиий тукдмасидан, бадиий тукимасини эстетик идеалидан ажратиб булмайди. Улар бир-бирларига шу кадар кушшшшиб-чатишиб кетишади, яхлит куйма бир хрлига келади. Машхур драматург Н. Погодин айтганидек, "...сюжетлар кртиб крлган, уйдирма схемалардан эмас, балки вокеликнинг узидан вужудга келади, улар хаётий материални урганиш натижасида келиб чикдди"[1].

Машхур ёзувчимиз Абдулла Крдирий уз романлари ("Утган кунлар" ва "Медробдан чаён") сюжетларини XIX асрда Тошкент, Кукрн ва Маримои шадарларида юз берган тарихии вокеалар ва тарихии шахслар асосига курган. Бирок, бу романларнинг бош кадрамонлари (гарчи уларнинг яратилишига туртки булган тарихии шахслар булсада), асосан, тук.има образлардир, тасвирланган вокеаларнинг дам анча-мунчаси бадиий тукималардир[2].

"Навоий" романи сюжетининг яратилиш жараёни дам эътиборли: "Навоий" — тарихий-биографик асар. Негаки, бу романнинг бош кадрамони — XV асрда яшаб-ижод этган улуг узбек шоири, мутафаккири, жамоат ва давлат арбоби Алишер Навоий. Романнинг асосий кадрамонларидан Хусайн Бойк;аро, Мажидиддин, Абдурадмон Жомий кабилар дам тарихии шахслардир. Тасвирланган вокеаларнинг аксарияти Хуросон мамлакати дудудида, хусусан унинг пойтахти Х.иротда юз берган. Асардаги образлар ва вокеаларда дам XV аср иккинчи ярмининг руди мудрланган. Айни чокда, ёзувчи Алишер Навоий образини дар томонлама тасвирлаш, характерини чукур очиш мак,садида тукима

[1] Бадиий ижод з^а^ида, Т., F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1960, 79-бет.

[2] К,аранг: *](.К,одирий.* Отам з^акдда. Т., 1974, 68-170-бетлар.

образлар (Султонмурод, Зайниддин, Арслонкул, Дилдор, Тугонбек...) ва тузима вокеа-х.одисаларни хам сюжетга киритган. Ойбек "Навоий" романини кандай ездим" макрласида бу борадаги уз тажрибаларини мухтасар хрдда шундай баён к;илган: "Айрим боблардаги вокеалар тарихий, чин реалдир; айрим бобларда эса шу замон характерига мувофик. тузилган хаёлимнинг натижаси, мевасидир... Романда тарихий вокеаларни турри берганман, лекин баъзан хаёлга хам хукук. бериб куйганман; бу нарса истак, орзу, хисларимнинг иши, илхрмбахш нарсалар, албатта...

Олайлик, Навоий ва Жомийни. Романда Навоий ва Жомийни тарихий чин ва хакикий бердим. Навоий ва Жомийнинг учрашувлари, сухбатлари хакдкдй реал вок,еалардир. Лекин бу вокеалар тарихий материаллардан хира куринади. Кдндай к.илайки, тарих ишлари, хаёт шундай мураккаб. Жомийнинг хрвли-жойи, хужраси, китоб устида чукур мутолааси, унинг муомаласи, сузлаши, килик,-лари, одати, хаёли, дунёк.арашлари — жиндай фантазия кушилган хаёлим мевасидир"[1]. Лекин романда Навоий ва Хусайн Бойкаро муносабатлари бироз кескинлаштириб берилганки, бу роман ёзилган давр адабий сиёсати ва соцреализм тамойилларининг адиб ижодида крлдирган изларидир, холос. Албатта, адиб "Навоий" романини осонликча ёзиб ташламаган. Бунинг учун узок, йшшар давомида илмий-адабий изланишлар олиб борган. Бу хакда адиб шундай деган: "Бунинг учун, албатта, Навоийнинг барча асарлари, Навоий яшаган даврнинг тарихи, шудаврнинг социал кдёфаси, у давр фаолиятининг характери, урф-одати, хулк.-атвори билан танишишга тугри келди. Куп тарихий фактлар, материалларни йигдим, уларни тахдил этиб, марзини чак.иш учун чукур х.ис этишга, уйлашга бошладим.

Бу ишга шу к,адар FapK, булган эдимки,... у борлигимни банд этган эди. Юрсам х.ам, турсам х.ам х.амиша Навоийни уйлар эдим. Унинг маънодор, аклли кузлари, хушфеъл, рах.мдил, олижаноб кдёфаси, асл, пок, улуг к.албини х.ис

[1] Адабиётимиз автобиографияси.Т., F.FynoM номидаги адабиёт ва саньат нашриёти. 1973, 159—160-бетлар.

этардим, куз унгимда курардим. Унинг теран, нозик, фалсафий фикрларини тула тушунишга уринардим. Роман персонажлари дакида, уларнинг характерлари, бир-биридан фаркли, бир-бирига муносабатини равшан, якдол бериш уствда хаёл юритиб, образларини тарашлардим"[1].

Мана дакикий ижод дарди! Ха, ижод кучли дард билан дунёга келади. Ижод жараёнини бошидан кечираётган ёзувчининг долатини тудаок. тутаётган аёлнинг долатига к^иёс кдлса булади. Тудаок. тутаётган аёл дам "бир улиб-бир тирилиб" куз ёради — дунёга ёруг юз билан карайди (ёхуд оламдан куз юмади!). Ижоддардини бошидан кечираётган ёзувчи хам худди шундай: минг дард билан, хучли тулгок. билан уз фарзанди — асарини ёзади (шу жараёнда ёзувчи дам "бир улиб — бир тирилгандай" булади). Катта истеъдод, кучли иштиё^, хузурбахш илхрм, машакз^атли мех.нат, хаёл ва, хусусан, дард ва тудаок, ила яратилади асар! Шу тарзда пайдо булган бадиий асар тезда китобхон калбига йул топади, бундай асарнинг умри хдм узок, булади. "Навоий" романи мана шундай асарлар сирасига киради. "Навоий" романи (бинобарин унинг асоси, негизини ташкил этган сюжети) мана шу тарифа дунёга келган[2].

Ёзувчи Абдулла К,ах,х.ор "Хаёт материалидан бадиий тукимага" мак.оласида хикоялари сюжетларини яратиш жараёнида х.аётий материаллардан к.андай фойдаланганлигини — бу борадаги уз тажрибаларини умумлаштирганки, бу тажрибалар дам гоятда ибратли — адабиёт к.оидаларининг даётга татбики — ижод жараёни — адибнинг ижодий лабораторияси — ёш ёзувчиларимиз учун сабок,, талабалар учун таълим-дарс! Адиб лабораториясидан бир шингил олиб курайлик.

"Хаёт додисасидан бадиий тукимага" макрласида к,айд этилганидек, "Бемор" дикояси сюжетига булажак ёзувчининг болалик даври (1913 йил, Яйпан кишлоги)да оилада юз берган вок,еа асос килиб олинган: дикояда тасвирланган бош кадрамон(касал хотинини даволата олмай ночор

---

[1] Адабиётимиз автобиографияси. Т., F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972, 158— 159-бетлар.

[2] К,ар[а]нг: *Б.Файзиев.* "Навоий" романида тарихий вок,елик ва бади ий туцима. Т., F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.

адволга тушиб крлган) Сотиболди-езувчининг отаси уста Абдукахдор ака, огир касал — Абдулла аканинг тулгок, тутаётган онаси, "худое аямди дайдига даво бейгин" деб дуо киладиган турт ёшлардаги кизча — беш ёшларда булган Абдулланинг узи. Бирок, дикоядаги вокеа (бадиий дакгщат) турмушдаги вокеа(даёт дакикати)нинг айнан узи эмас: турмущда TJOIFOK тутаётган аёл булса, дикояда улим тушагида ётган бемор аёл, даётда тулгок. тутаётган она куз ёриб, улим чангалидан омон крлса, хдкояда бемор узилади; "худое аямди дайдига даво бейгин" деб дуо киладиган гудак турмушда утил бола — Абдулла булса, дикояда кичик кизча... Бу уринда турмуш фактларининг айнан узини тасвирлаш кифоя к,илмас эди, "...инсоннинг даёт-мамот х,олатини, унинг нихрятда OFHP турмуш шароитидаги ночор ахволини, улимга мадкум к;илиб куйилганлигини курсатиш талаб кзминар эди. Мен фактларни к,айта бичиб тикканимда хаёт х.акз1к,атига к,арши иш кдпаётибман деб сира уйлаган эмасман. Аксинча, х.икояда х.аётни ушандай курсатиб тугри иш кдлганман: беш ёшлигимда аямдан етим к,олишим уша давр шароитида хеч ran эмас экан. Бу жудолик натижасида юз бериши мумкин булган бутун дахшатларни ва унинг барча ок,ибатларини энди тушуниб етдим", — деб ёзган адиб[1].

Бу фактлар х.ам даёт материаллари асар сюжети учун "хом ашё" сифатида хизмат кзиганлигини курсатади. Хуллас, А. Кдхдор даётий материалларни уз ижодий лабораториясида кдйта-к^айта ишлаб, бадиий сюжет яратишга эришган.

Яна бир мисол. Йигирманчи йилларнинг охирларида ёш адиб АДахдор Кукон шахрида чикддиган "Янги ФарFOHa" газетасида ишлаб юрган кезларида, унинг ижодий тажрибасида к,изик, бир вок,еа юз берган экан. "Ер юзи" журналида адибнинг "Бошсиз одам" хикояси босилади. Хикояда зурлаб эрга берилган к.из ва унинг фожиали окибатлари к.аламга олинган. "Бу хикояни ёзишга туртки б^лган вокеани дозир хотирлай олмайман, бирок., аминманки, дикоядаги вок.еа унда курсатилган жойда ва угла дикояда кандай тасвирланган^улса, шундай содир булма-

[1] *Абдулла Kfiy^ор.* Даёт хщисасидан бадиий тук^шага. Асарлар (олти томлик), Т., F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1971, 6-том, 316-бет.

ган1 гарчи айрим эпизодлар, жумладан, касалхонадаги эпизодни, яъни хикоя кахрамонини унинг эри курмокчи булиб келганида медицина ходимлари хдйдаб юборишганини эслаб колган булсам хам, хакикий фактлар тикиладиган каштага таг булган холос. Хуллас, мен хикоя килган вокеа билан эшитганим уртасида ухшашлик жуда оз даражада эди" — деб ёзган кейинчалик А. Кдхдор "Хаёт х.одисасидан бадиий тукимага" номли макрласида.

Ажабланадиган томони шундаки, К,укрн шах,ар прокуратураси хикоя кахрамони уста Абдурахмон ва унинг укли Фахриддин устидан жиноий иш *у/зрамок,чи булиб текшириш утказади — уста Абдурахмоннинг айнан узи топилмаган, ёш адибни прокуратурага чакдотириб, таъна-дашном бермоцчи булади: "Прокурор мени совук, к;арши олди,— дея хикоясини давом эттиради А. К,ахдор. — Хикоя автори мен эканимга обдан ишонч хрсил килгач, таъна-дашномларни бошимга ёвдириб кетди.

Ёзувчиларнинг хаммаси курток, булади, деди у. Прокуратура мен тасвирлаган фактларни текшириб чикибди. Натижа нима булибди денг! Хикоядаги номларни мен уйдирма килган эканман. Буни к.аранг-а! Бундай одамлар К,ук,ондан топилмабди! Ишни текшириб, жиноятчини жазолаш мумкин булсин учун мен одамларни уз номлари билан аташга журъат килмаган эмишман. Унга, бу ахир х,икоя, бунака нарсаларни жиноят к.онунлари моддаларига рупара килиб булмайди, деб тушунтиришга зур бериб уриндим, лекин бутун х.аракатларим бехуда кетди, у менга барибир ишонмади. Журналда босилиб чикдан нарсани ёзувчи умуман уйдирма килиши мумкинлигини уйлаб тасаввур килолмас эди"[1].

Демак, хикоя кахрамони билан хаётдаги одам айнандир деб тушуниш окибатида мана шундай вок.еа юз берган. Вахрланки, х.икоя к.ахрамони — уста Абдурахмон жам-лаш йули билан яратилган тукима образ. Хикоя вокеалари х.ам тукималардан иборат.

Хитойлик аскар Худойберди Элохунов 1954 йилда Узбе-кистонга Уктам Носиров номига хат йуллаган — Уктам

[1] Адабиётимиз автобиографиясл, 211-212-бетлар.

Носиров эса "Олтин водийдан шабадалар" романининг бош кахрамони — хдётда унинг айнан узи йук.. У Ойбек ижодий лабораторияси мах.сули. Адиб образни хдётий, хакдоний, жонли килиб яратган. Аскар уни хаётда бор одам деб тушунган. Адибнинг муъжизали калами китобхонни ишонтира олган. Санъатнинг кучи мана шунда[1].

Таникди рус адиби Корней Чуковский "Шерлок Холмс хакида" деган макрласида таъкидлаганидек, жахрида Шерлок Холмс номи унинг муаллифи Конан Дойл номидан хам машхур булиб кетганини айтади: Конан Дойл (машхур инглиз ёзувчиси) Лондон шахрининг Бейкер стрит кучасида истикрмат килган ва 1930 йилда оламдан куз юмган. Шунга карамай, Лондоннинг Конан Дойл яшаган уйига — Шерлок Холмс номига хамон хар йили юзлаб-минглаб хатлар келиб турар экан, дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёхлар хам Шерлок Холмс яшаган уйни курсатишларини илтимос килишар экан. Шерлок Холмс образи шу кадар миллионлаб китобхонлар калбини узига ром килган. Аслида Шерлок Холмс номли изкуварнинг айнан узи йук, экан. Лекин купгина хусусиятлари билан унга ухшаб кетадиган изкувар, ишбилармон, тадбиркор, уддабурон, топкир кишилар булган.

Маълум булишича, Артур Конан Дойл "Кирмизи из" киссасига Эдинбург тиббиёт техникуми муаллими (Артурнинг устозларидан бири) — фавкулодда зех.нли, ута сезгир, уткир идрокли Жозеф Беллни бош к.ахрамон килиб олган — Шерлок Холмс деб атаган. Табиийки, кузатилган бошк.а кишилар — ута сезгир ва тадбирли бошк.а кишиларни х.аётдан яна топиб олиб, яратилаетган образга кушган. Шерлок Холмс образи — тарихий шахе — прототип — Жозеф Беллнинг айнан узи эмас — у умумлашма образ. Бу сиймо жахрн адабиётида ута мох.ир изкуварлар тимсоли булиб крлган.

Ёзувчи Саъдулла Кароматов "Табиийлик хусусида" деган мак.оласида "Бир томчи крн" киссасининг бош кахрамони Равшан бобо билан унинг Чорбакирдаги бир прототипи — Равшан бобони киёфтаб, улар уртасида муштарак

---

К^аранг: "Кдзил ^збекистон" газетаси, 1954 йил, 15 декабрь.

ва фаркли жидатлар борлигини айтади ва шундай хулосага келади: "Бир томчи крн"даги Равшан бобо билан Чорбакирда яшаётган Равшан бобонинг уйгун келиши даётда юз берадиган минглаб тасодифларнинг бири, холос. Хаёт ва адабиётда бундай додисалар тез-тез содир булиб туради. Чунки адабиётнинг асоси даётдир"[1].

Бундай мисолларни яна истаганча келтириш мумкин[2]. Демокчимизки, реалистик бадиий сюжет (илмий-фантастик, хаёлий-саргузашт асарларнинг сюжет курилиши узгачарок. булади) даётий материаллар заминида яратилади, аммо сюжет даёт материалининг айнан узи эмас, унинг "кайта бичиб тикилган" нусхаси — ижодий лаборатория мадсули.

Ёзувчи Абдулла Каддор айтганвдек, "агар ёзувчилик турмуяздан нусха кучиришдан иборат булса, бундан осон иш булмас эди. Хаётдан айнан кучириш, китобдан кучиришдай ran. Копия копия булиб крлаверади. Бундай нарсалардан оригиналлик кутиш бехуда. Оригиналлик даёт хак;икатини дилдан утказиш, унга кунгилдаги гапларни сингдириш, тилагингни кушиб ифодалаш билан юзага келади"[3].

Сюжет — истеъдод, илдом, иштиёк., махррат, хаёл, фантазия, ижодий дард махсули. Умуман айтганда, адабиёт билан турмуш, бадиий сюжет билан хаётий материал урта-сидаги эстетик муносабат мана шундан иборат.

**Фабула ва сюжет**

"Фабула" (лот. fabula — масал, матал-дикоя) — бадиий сюжет организмининг скелети, асоси, сюжет учун материал вазифасини утайдиган вок.еа-додисалар доираси, сюжетнинг мантикий дикоя килиб берса буладиган узаги. Адабиётшунослигимизда "сюжет" ва "фабула" атамалари ишлатилади: "сюжет" атамаси адабиётшуносликда тула карор топган,

---

[1] *С.Кароматов.* Табиийлик хусусида. Узбекистон маданияти газеТаси, 1979 йил, 5 январь.

[1] Кдранг: *Е.Добин.* Жизненный материал и художественный сюжет, М., 1958. *Е.Добин.* Сюжет и действительность. Искусство детали. Л., "Сов. пис", 1981, 168-298-бетлар.

[3] *Абдулла Kflx^op.* Хаёт х.одисасидан бадиий туцимага. Асарлар Т., F.FynoM номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1971, 6-том, 323-324-бетлар.

аммо "фабула" атамасини ишлатишда мутахассислар бир хилликка эришганларича йук.. Чунончи, айрим назарий адабиётларда "сюжет билан фабула бир маънода куллани-лади" деган кдраш мавжуд. Л.И.Тимофеев ва Н.Венгровларнинг "Адабиётшунослик терминларининг киск;ача лугати"(М., Учпедгиз, 1957)да "сюжет" ва "фабула" бир-бирига тенг, бир-бирининг эквиваленти сифатида изохданган. Хатто, Л.И.Тимофеев "Адабиёт назарияси асослари" укув кулланмасида "сюжет" билан "фабула"ни бир-бирига тенг деб караш оклбатида "фабула"ни махсус профессионал атама сифатида кулламасликни тавсия килади[1]. Шунингдек, ХДомидий, Ш.Абдуллаева, С.Ибродимоваларнинг "Адабиётшунослик терминлари лугати"да шундай дейилган: "Фабула вокеанинг изчил баёни сифатзда сюжетдан катта фарк, килмайди, шунинг учун бадиий асар тадлилида "сюжет" термини билан кифояланиш маъкулдир"[2]. Иккинчи бир гурух. адабиётчилар хам борки, улар "фабула" атамасига, бизнингча, нисбатан тугри ёндашганлар. Чунончи, М.Горький "очерк фабуласиз эмас, балки у доим фактларга асосланади, факт эса доим фабуладир" деб таъкидлайди[3]. Драматург А.Н.Островскийнинг уктиришича, фабула бадиий асарга жонли мазмунни эмас, балки вокеанинг скелетини беради: "... фабула кандайдир вок.еа-х.одиса х.акидаги, хар кандай буёкдан махрум киск^а хикоядир"[4]. Адабиётшунос А.П.Чудаков фикрича, фабула "вок.еалар маркази"[5]. С.Наровчатовнинг айтишича, **"ёзувчи сюжет доирасида фабулани ^айта ишлайди. У вокеаларнинг тартибини узгартириши ва бузиши ^ам мумкин"[6].** Таникди адабиётшунос олим В.В.Кожинов "Сюжет, фабула, композиция" номли макрласида фабула масаласига анча аниклик киритган: "Биз сюжет деганда асардаги бир бутун х.аракат-

---

[1] *Л.И.Тимофеев.* Основы теории литературы, М., Просвещение 1971, 166-бет.

[2] Адабиётшунослик терминлари лугати, Т., "Уцитувчи", 1970, 233-234-бетлар.

[3] *М.Горький.* Собр. соч. в 30-томах, т. 30, М., ГИХП, 1955, 147-бет.

[4] Русские писатели о литературном труде, т. 3, Л., 1955, 26-бет.

[5] *А.П. Чудаков.* Поэтика Чехова, М., "Наука", 1971, 213-бет.

[6] *С.Наровчатов.* Необычное литературоведение, М., "Молодая гвардия", 1970, 294-бет.

ни, тасвир этилган хатти-харакатлар занжирини; **фабула** деганда эса **к,айта хикоя к,илиб бериш мумкин булган вок,еалар тартибини** тушунамиз"[1]. Узбек олими Д.Тураев фикрича, "...фабула — реал ва хаётий фактлар занжири булиб, бадиий асар сюжети учун асосдир"[2].

Бас шундай экан, "фабула" атамасини саклаб к,олиш ва ишлатиш максадга мувофикдир.

**Макон ва замон** Реалистик адабий асар сюжети занжири халкаларини ташкил этувчи вокеа-х.одисалар муайян бир макон ва замонда юз бериши табиийдир. Бу — хдёт ва адабиёт крнуни. Мана шу крнуниятга амал килиб ёзилган бадиий сюжетлар пухта булади. Хуш, макон ва замон деганда нималарни тушунамиз?

"Макон" — адабий асар вокеа-хрдисалари содир буладиган аник, макон, жой (шахдр, кишлок., водий каби); "замон" — асар вокеалари юз берадиган вакт-давр, тарих-нинг бир булаги. Масалан, "Утган кунлар" вок.еа-х.одиса-лари тарихимизнинг муайян бир манзили ва даврида юз берган: Отабек, Кумушбибилар фаолиятларидан усиб чик,-кан вок.еа-х.одисалар конкрет макон(Маршлон, Тошкент, *Кукрн* ва улар атрофларидаги *кдшло1Ц1ар)да* ва аник, бир давр — XIX аср урталарида юз берган; Отабек ва Кумушбибилар — XIX аср урталаридаги узбекларнинг типик вакиллари. Бу омил — роман сюжетининг кизик.арли, хаётий, хакдоний б^либ чикдшига имкон яратган. "Мехробдан чаён" романи вок.еа-х.одисалари, асосан, Кук.он шахрида, Худоёрхон замонида (XIX асрнинг иккинчи ярми) булиб утган. "Мирзо Улугбек", "Улугбекхазинаси", "Сарбадор-лар"да тасвир этилган вокеа-хрдисалар, к.ахрамонлар фао-лиятлари Самарканд ва унинг атрофидаги жойларда юз берган (XV асрнинг биринчи ярмида). "Куллар", "Дохун-да", "Судхурнинг улими", "Бухоронинг жин кучалари", "Инкдлоб тонги" асарлари вок^еа-х.одисалари Бухоро шах,-ри ва амирлиги худудида XX аср бошларида *юз берган.* "Крра олтин" романи вок.еалари бизнинг замонамизда

[1] Теория литературы, М., "Наука", 1964, 422-бет.

[2] *Д.Тураев.* Хаёт ва сюжет, Т., F.Fyflonï номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1984, 11-бет.

Фаргона водийсида содир булган "Момакалдирок,", "Кд-соскорнинг олтин боши" романлари вокеалари Зарафшон водийсида инкилоб арафасида юз берган. "Навруз" романи вокеалари Жиззах шадрида, "Лолазор", "Минг бир киёфа", "Жимжитлик" романлари сюжети вокеалари Тошкент, Самарканд ва Фаргона водийсида шахсга сиганиш авж олган даврларида булган. "Чул бургути", "Шохи сузана", "Бинафша атри" асарлари вокеалари 50-60 йилларда Мирзачулда булиб утган. "Тошкентликлар", "Хазрати инсон" вокеалари уруш йиллари Тошкент шахрида юз берган. "Кдл куприк", "Сунгги бекат", "Олабужа", "К,ора камар", "Отамдан долган далалар" асарларининг вок;еалари, асосан, Сурхон вох.асида, Бойсунда инк^шобдан олдин ва кейин юз берган. "Машъал", "Мангулик" романлари вокралари Хумсон ва Бустонликда инк,илобдан кейинги дастлабки йилларда кечган. "Фаргона тонг отгунча", "Уфк;", "Мавлоно Мук^мий" романлари вок,еалари Фаргона водийсида турли даврларда вок,е булган. "Навоий", "Алишер Навоий", "Навоий Астрабодда", "Гули ва Навоий", "Навоийнома" асарлари вок;еалари XV асрда Хирот ва унинг атрофида кечган. "Давр менинг такдиримда" романи вок.еалари Узбекистон ва хорижий Шарк, мамлакатида, "Аму" романи вокеалари Афгонистонда, "Тугилиш" романи вокеалари Бекобод металлургия заводи курилишида 50-йилларда кечган. "Нур кидириб..." киссаси вок,еалари урушдан кейинги йилларда Покистонда, "Чодирали аёл" киссаси вокеалари Афгонистонда, "Кашмир кушиги" киссаси вокеалари (рамзий) Хиндистонда турли даврларда юз берган. "Дарёсини йукртган киргок," романи вок,еалари Аму дарёсининг куйи окими — Хоразмда, "Борса келмас", "К,орак.алпок. киссаси" вок.еалари турли йилларда Кррак,алпогистонда булиб утган. " Буронларда бордек х.аловат...", "Олтин кум" вокеалари Зарафшон вохдсида бизнинг за-монамизда юз берган...[1]

Хуллас, х.ар бир реалистик асар вокеа-хрдисалари аник, макон ва замонда содир булиши — бадиий сюжетнинг за-

---

[1] К,аранг: *Н.Шодиев.* Горизонты эпоса. Т., изд. Литературы и искусства, 1986, 7-49, 101-141-бетлар.

рур шартларидандирки, бу крнуниятни сира ёддан чикармаслик керак. Таъкидлаш жоизки, замон ва макон бадиий сюжетнинг таркибий кисми ёки унсурларидан бири эмас, балки унинг омили, хаётийлиги ва хакдонийлиги манбаидир. Макон ва замон сюжетга уз мухрини босади, уни жонлантиради, таъсирчанлигини оширади, сермазмун килади...

Макон ва замон хакдда ran кетганда яна шу нарсани хам эслаш жоизки, к.аламга олинган вокеа-хрдисалар юз берган ёхуд юз бериши мукаррар булган макон(жой) тарихан аник. (Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хива, К^укрн, Маргилон, Андижон, Жиззах...) булиши, баъзан тукима ном (Шахрихон каби) булиши хам мумкин. Агар асарда тасвир этилган вокеа-хрдисалар юз бериши мумкин булган макон номи тукима булса хдм унда барибир конкрет бир макон белгилари сингдириб юборилади...

Яна бир ran. Реалистик асар вокеалари бир маконда юз бериши хам, турли жойларда содир булиши хам мумкин. Чунончи, "Тугилиш" романи вокеалари, асосан, бир жойда — Бекобод шахрида юз берган, "Чинор" романи вокеалари эса Узбекистоннинг турли шахар ва кишлокдарида, Крракалпогистонда юз беради. Умуман, бадиий сюжет вокеаларининг бир маконда ёхуд турли жойларда юз бериши — муаллифнинг эстетик-гоявий нияти ва кахрамон характери мантикига боглик, булган ижодий ишдир. Шунингдек "замон"нинг к.анча вактни узига к.амраб олиши хам муаллифнинг ижодий ниятидан келиб чикади. Адабий асар сюжет вокеалари бир ёки бир неча йиллар ва, хатто, бир кунда содир булиши хам мумкин. Чунончи, Ч.Айтматовнинг "Асрларга татигулик кун" асарида бош к.ахрамон х.аётининг, асосан, бир кунида юз бериши мук.аррар булган вокеа-хрдисалар к.аламга олинган, "Куглуг крн"да 1912—1916 йилларда юз берган хрдисалар курсатилган; "Куллар" романида эса 1825—1933 йилларда (юз йиддан ортик} содир булган вок.еа-х.одисалар тасвирланади. Яна бир ran. Реалистик асар сюжетида бош кахрамон хдётидан олинган бир кун, бир йил ёхуд бир неча йил ва, хатто, икки-уч авлод тасвир этилиши хам мумкин. Масалан, Чингиз Айтматов "Асрларга татигулик кун" романида бош кахрамон хаётидан танлаб олинган бир кунлик вок.еа-х.одисалар тас-

вири билан чекланган булса, "КугауF кон" да Ойбек бош кахрамон — Йулчи хаётида 1912—1916 йилларда юз бериши мукаррар булган вокеаларни каламга олади. Ёзувчи Парда Турсун "Укитувчи" романида бош кадрамон Холмуроднинг тугилган кунидан бошлаб умрининг охиригача, юз берган вокеаларни курсатади. "Навоий" романида ёзувчи бош кахрамоннинг даёт йулини тулик. акс зтгирмайди, балки Алишер Навоий даёт йулининг бир булаги(шоир даётининг драматизмга ва вокеа-додисаларга бой кисми — Алишер Навоийнинг Самарканддан Хдротга — Султон Хусайн Бойкаро дузурига кайтишидан бошлаб, хукмдорлик, вазирлик, бош вазирлик, хркимлик даврларида кечган вокеа-х,одисаларни к.аламга олади. "Куллар" романида ёзувчи Садриддин Айний бош кахрамон — кулларнинг уч авлоди (Неккддам — Радимдод, Гуландом, Фардод — биринчи авлод; Эргаш, Кулмурод, Мудаббат — иккинчи авлод; Хдсан — учинчи авлод) вакиллари образларини яратган — улар даётларида юз берган асосий вокеа-додисаларни сюжетга асос килиб олган. Лирик асарларда макон ва замон (эпик ва драматик асарлардагидек) кенг кулам ва микёсда тасвир этилмайди, балки лирик кадрамоннинг хистуйгуларига чукур сингдириб юборилади. Бундай асарлардаги замон ва маконни факат дис этиш мумкин, холос.

## Учинчи боб АДАБИЙ
## АСАР КОМПОЗИЦИЯСИ

**Композиция хэдида тушунча**

**Композиция** *(лот.* compositio — тузиД чик;иц1) тартибга солиш) — аник, гоявий-бадиий ният такрзосига кура бадиий унсурларнинг асар тукимасидан жой олиши, асар кисмлари, боблари ва эпизодларининг уринлашиш тартиби, образларнинг бир тизимига уюшуви, уларнинг узаро муомала-муносабат^арининг ифодаланиш тарзи, тасвир воситаларининг муайян максадга хизмат килиши, тасвирда мувофиклик ва меъёрдир. Кдск.аси, композиция-ёзувчи нияти асосида асар бадиий тукимасининг тузилиши. Илмий адабиётларда баъзан "архитектоника" атамаси

"композиция" атамасининг эквивалента сифатида х,ам кулланилади.

Маълумки, табиат ва жамиятдаги предметлар хам узига хос тузилишга эга. Чунончи, боғбон муайян максад билан кучат утказиш жараёнида ерга аник, шакл беради ёки бинокор узи кураётган бинонинг ташки куринишини хам диқдат марказида тутади. Шунингдек, маиший, уй-рузгор буюмлари хам маълум шаклда булади. Ана шу шакл буюмларнинг узига хос композициясидир. Бадиий ижод жараёни хам худди шундай: хар кандай санъат асари уз курилмасига, яъни композициясига эга булади. Шусиз санъат асарини тасаввур килиб булмайди. Демак, композиция ижод жараёнида хаётни бадиий ифодалашнинг мухим воситаларидан, санъат асарининг зарур унсурларидан биридир.

Композиция бадиий асарнинг зарур унсури эканлигини, даставвал, унинг сюжет билан узвий бошиклигида курамиз. Юкррида сюжетнинг асосий ва кушимча унсурларини куздан кечирган эдик, бу уринда сюжет унсурларининг узаро богааниш тартиби хусусида киск.агина тухталиб утайлик. Чунки, сюжет унсурларининг муайян максадда бирбири билан бирикуви композиция х.одисасидир.

Бадиий ижод жараёнида шундай асарлар хам буладики, уларнинг сюжети: экспозиция, тугун, вокеа ривожи, кульминация, ечим тартибида тузилади ("Кутлуг к.он"). Бошк.а бир хил асарлар хам борки, уларнинг сюжети: тугун, экспозиция, вокеа ривожи, кульминация, ечим асосида булади ("Кушчинор чироклари"). Баъзан бадиий асар тукимасида сюжетнинг асосий унсурларидан ташкари: пролог ва эпилоглар хам берилади ("Равшан ва Зулхумор"). Айрим асарлар тукимасида сюжет унсурларининг баъзилари туширилиб колдиршшши ёхуд яна бошкачарок. схемада жойлаштирилиши хам мумкин. Шунга кура, ёзувчи бундай композиция схемаларига бефарк. к.арай олмайди. Ижодкор шундай схемаларни танлаши керакки, улар, албатта, асарни чинакам санъат даражасига кутаришга имкон берсин. Шунингдек, асар тукимасида сарлавха, эпиграф, лирик чекиниш, кистирма эпизод, пейзаж, интерьер (уй-жой...) каби сюжетдан ташкари унсурлар (композиция воситалари) х.ам буладики, уларнинг узаро жойланиш тартиби х.ам композиция хрдисасидир.

Композиция бадиий унсур сифатида тасвирланаётган хаёт крнунияти, ёзувчи дунёкараши, бадиий метод ва услуб, роявий-бадиий ният, адабий турлар ва жанрлар табиати билан тавсифланади. Шунга кура, хар бир санъат асарининг узига хос композицияси булади. Чунончи, лирика асар композицияси драматик асар композициясидан, драматик асар композицияси эпик асар композициясидан ажралибтуради. Ф.Энгельснингуктиришича, лирик асар композицияси уч таркибий к.исмдан иборат булади: биринчи кисмда бош РОЯ, асосий фикр ифодаланади (тезис); иккинчи кисмда ёрдамчи роялар, кушимча лавхалар билан бош РОЯ кенгайтирилади, чукурлаштирилади, асосланилади (антитезис) ва, нихрят, учинчи кисмда фикр ва *туйту*лар доираси якунланади, бош РОЯ хулосаланади (синтез). Шоир Бафур Буломнинг "Йигитларга" шеърининг композициясига мана шу нуктаи назардан каралса, куйидаги манзара ойдинлашади: "Йигитларга" шеъри еттита туртлик (мураббаъ) банд(йигирма саккиз мисра)дан иборат. Шеър бандлари уч кием (тезис, антитезис ва синтез)га ажратиб урганилади. Шеърнинг тезис кисми — биринчи банд; антитезис к,исми — 2-6 бандлар ва синтез кисми — еттинчи банд. Шеърнинг тезиси:

Йигитлар халкларнинг мак,тови — курки,
Наслнинг жав^ари, давлат таянчи,
Юртнинг ободлиги, туйлар сабаби,
.
Элнинг гуркираши, файзи, кувончи.

Мана антитезис кисми:

Йигит омон булса, хавфу хатар йук,,
К,алк.он бор: калъа бут, кургон саломат, !
Кдзлар кулгусида авжу даромад, !
Чоллар уйкусида жаннат, фарогат.

Йигитлик умрининг бир кукламига
Бир бутун замонни алишеанг арзир.
Арзир, уз йигитининг кодами учун
Замонлар, куклагмлар булса мунтазир.

---

Шеърнинг еттинчи банди — синтез:

Атомлар куввати пок калбингазда

Жахон, замон, халклар, Ватан ва давлат .<....'■ ■
Сизга таянади, сиздир посбон.

Негаки, биринчи бандда асосий фикр — йигитлар халк,-ларнинг курки, давлат таянчи деган фикр шиор тарзида ифода этилган — хали бу фикр исботланганича йук.. Бундан кейинги бандларда эса шу асосий фикр турли жихатдан изохланади, чукурлаштирилади, асосланилади: иккинчи бандда — йигит омон булса хавфу хатар булмаслиги, учинчи бандда — йигитлик — инсон умрининг куклами эканлиги, туртинчи бандда — йигитнинг расо крмати оталар каддига асо эканлиги, бешинчи бандда — йигит она юрт икболи учун жон тиккан зотлиги, олтинчи бандда — йигитлар Ватан халоскори эканлиги ифодаланган — шу тарзда 2-6 бандларда йигитлар халкларнинг курки деган БОЯ пешма-пеш очила борган, асосланган (антитезис). Нихрят, еттинчи бандда юкрридаги фикр-туйгулар доираси — пок калбида атом куввати булган йигитлар Ватан, эл-юрт таянчи, посбони эканлиги ифода этилган (синтез-хулоса).

Х-Х-Ниёзийнинг "Тухматчилар жазоси" комедиясининг композициясини эслайдиган булсак, шу нарсани таъкидлашимиз жоизки, асар архитектоникаси, даставвал, сахнабоплиги билан ажралиб туради. "Хотин-киз очилса бузилиб кетади" деб уйловчи, очик, аёлларга тух.мат к,илиб турмушини бузувчи ахлок.сиз — турмуш кузгунларини фош килиш — комедиянинг бош гояси. Драматург комедиянинг барча тасвир имкониятларини — конфликт, сюжет, композиция, тил ва тасвир воситаларини, образларни мана шу бош БОЯНИ очишга хизмат килдирган. Шу гоя такрзоси билан парда ва куринишлар бир-бирига богланган. Коме,-дия икки пардадан иборат. Биринчи пардада очилган Фо-. тима ва К,осимжонлар оиласи курсатилади. Косимжон маданий йигит булса-да, кейинги кунларда Фотимага совук,-рок. муомала к.ила бошлайди. Фотима бундан ажабланади, кейинрок, билсаки, махалла кузгунлари — домла имом ва Султон пианиста Фотимани йулдан уриш максадида унинг шаънига булмагур тухмат гаплар тарк,атган экан. Бундай "миш-мишлар" Ьчосимнинг кулогига етган. Натижадаянги оила бузилиш олдига келиб к.олган. Фотима узининг поклигини, "миш-мишлар" асоссизлигини айтса-да, Крсим-

жон ишонмайди. Фотима тудматчиларни жазолашга адд килади. Иккинчи пардада тасвирланишича, Фотима домла имомни дам, Султон пиянистани дам тадбир билан тузокда илинтиради — жамоатчилик олдида шарманда-ю шармисор килади. Тудматчилар жазога мубтало булади. Фотима — К,осимжон оиласи саклаб крлинади.

Драматург комедия композициясини шу кадар пухта ишлаганки, натижада асар кадрамонлари — Фотиманинг поклиги, ор-номус ва оила учун курашувчи маънавий юксак аёллиги, тудматчиларни жазолащдаги тадбиркорлиги, рудий дунёси, ахлоки чукур очилган. Крсимжоннинг уз хотини дакдцаги "миш-мишлар"га ишониб, рудий изтироб чекиши, характерида курслик аломатларининг пайдо булиши, хотинининг даклигини куриб кувониши, турмуш кузгунларини лаънатлаши, уларга карши кураши гоятда табиий ва хакдоний булиб чик,кан. Домла имом, Султон пиянисталарнинг к,ора юраклиги, янги оилага ёмон куз билан карашлари, Фотима дакидаги фиск.-фасодлари,них.оят, уз килмишлари учун тумшугидан тузокда илинишлари — уларнинг аянчли комик долатлари усталик билан курсатилган, х.атто, пьесадаги эпизодик персонаж — Акбарали образи дам комик аспектда дуруст ишланган. Асар кахрамонлари характерларининг комик табиати хаётий, дакдоний ва жонли булиб чикишларида дам, бинобарин, комедиянинг бадиий тукимасига чукур сингдириб юборилган бош гоя — турмуш кузгунларини комик планда фош этиш — тухматчиларни эл олдида шарманда-ю шармисор килишга дам мазкур композиция кулайлик тувдирган.

"Угри" дикоясининг композицияси дам узига хос. Абдулла К^аддор дикояда кичик-кичик бадиий лавдалар (К,обил бобо — элликбоши, К.ОбИЛ бобо — амин, К,обил бобо — пристав-тилмоч...) тузиб, уларни бош кадрамон — К,о-бил бобо фожиаси (бисотида бор-йуги биргина ола дуки-зини дам угирлатиб элликбоши, амин ва приставларга пора бериб, улардан утирланган хукизини топищда кумак сура-ган К,обил бобонинг аччик. та"кдири — унинг Эгамберди пахтафурушга батрак булиб крлиши)ни очадиган даражада усталик билан жойлаштирилган. Хикоядаги манзарачалар дам, реалистик деталлар дам, конфликт дам, сюжет дам, оданг дам, персонажлар дам К,обил бобо фожиасини ифо-

далашга буйсундирилган. Бу ёзувчининг х.икоя композидиясини санъаткорона ишлаганлигидан гувохлик беради. Рафур Буломнинг "Йигитларга" шеъри, Хамзанинг "Тухматчилар жазоси" комедияси ва Абдулла Кахдорнинг "Угри" хикояси композицияси хакидаги фикр-мулохазаларимиздан англашиларлики, композиция, биринчидан, шунчаки ташки куриниш — шакл хрдисасигина булиб крлмасдан, айни чокда, мазмунни ифодаловчи мазмунли шакл хрдисаси булса, иккинчидан, хаётнинг асар учун танланган булагини акс эттирувчи бадиий восита хамдир. Композиция асарни сермазмун, кизикарли, завкди ва укимишли килади. Агар ёзувчи композицияга бор махрратини ишлатган булса, бадиий асар илк сахифалариданок. китобхон диккатини узига тортиб кетади. Натижада у асарни зур кизикиш, ташналик ва х.аяжон билан укиб тугатганини сезмай к,олади. Чунончи, "Утган кунлар" романининг илк сахифаларини укир эканмиз, ундаги Отабек ва Кумуш биби клсмати билан шу кадар кизик.иб кетамизки, ок.ибатда романнинг сунгги бобларигача к.албимиздаги х,аяжон босилмайди, биз асарни цандай к.илиб жуда тез укиб куиганимизни сезмай крламиз. Х,акикий санъат асари мана шундай булади.

**Композиция тамоиллари**

Назарийадабиетлардареалистик а композициясини тавсифловчи г „ _ „ бир неча тамоиллар борлиги курсатилган. Чунончи, таникли адабиётшунос олим М.Кушжонов тадкикртларида бу масалга алох.ида эътибор берилган[1]. Биз бу уринда композиция тамойилларидан баъзи бирлари устидагина киска-киска тухталиб утиш билан чекланамиз, холос.

1. **Композиция маркази — реалистик асар композиция-сининг калби.** Хар бир адабий асар уз композициясига эга булганидек, хар бир композиция х.ам уз марказига эга булади. Хар бир асарнинг гоявий йуналиши — бош гояси — шу асар композициясини уюштирувчи куч — композиция

---

[1] К,аранг: *М.Кушжонов.* Бадиий асар композицияси з^акида мулоХазалар. Маъно ва мезон. Т., F. Рулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 53—101-бетлар. Асар композицияси. Т., Фан, 1978, 264—290-бетлар.

марказидир. Масалан, инкилоб арафасида Туркистонда оддий узбек мехнаткашларининг муайян тарихий шароитда — вазият такрзоси билан уз-узини англаши, эрк ва бахт учун, озодлик учун курашга отланиши — "Кутлуг кон" романининг бош гояси — шу асар композициясининг мар-казини хам ташкил этади. Барча унсурлар, тасвир восита-лари, боблар, деталлар, образлар, манзаралар, тафсилот-лар мана шу композиция маркази такрзоси билан асар туки-масидан жой олган. Натижада романнинг мукаммал композицияси вужудга келган.

2. **Асар булакларининг узаро жойлашиш тартиби.** Одат-да, лирик шеър банд ва кисмлардан ташкил топса, эпик асар манзара, эпизод, вокеа, боб, кием, булим, том (жилд)-лардан тузилади; драматик асар эса сахдабоп пардалар, куринишлар, мажлислардан таркиб топади. Бадиий асар-нинг мана шундай булаклари композиция маркази такрзоси билан олдинма-кетин жойлаштирилади, улар хам ички, хам ташки жихатдан бир-бирига узвий боюгаб бери-лади. Натижада асар тукимасида яхлитлик, бир бутунлик — композиция вужудга келади. Масалан, шоир Абдулла Ориповнинг "Тафаккур монологи" шеъри уч кием (би-ринчи киемда турт байт, иккинчи киемда саккиз байт, учин-чи к.исмда турт байт — жами ун олти байт — уттиз икки мисра)дан иборат. Х^р учала кием (лирик кахрамон воси-тасида) мантик.ан бир-бирига бовганиб, шеър композициясини вужудга келтирган; "Угри" хикоясида бош кахрамон — Крбил бобо хдётидан кичик-кичик уч лавх,а (К,обил бобо — элликбоши, Ь^обил бобо — амин, К,обил бобо — пристав-тилмоч) учрашувлари чизилган. Мана шу уч лав-х.ада кекса дех.к.он — Крбил бобо фожиаси узининг бутун дадшатлари билан очилган. Вцобил бобо воситасида бир-бирига богланган лавхалар х.икоя композициясини таш-кил этган. Повестнинг композицияси бундан бошк.ачарок.. Роман композицияси эса бутунлай бошк.ача: "Машъал", "Кутлугк.он" ва "Улугйул", "Фаргонатонготгунча", "Илдизлар ва япрокдар" каби ррманлар композицияси икки жилд(том)дан таркиб топган булиб, булар **"роман-диология"** деб юритилади. "Уфк." сингари композицияси уч жилддан таркиб топган романлар борки, булар **"роман-трилогия",** "Уруш ва тинчлик" ва "Тинч Дон" сингари турт ва

ундан ортик, жилддан ташкил топган композицияли романлар хам буладики, бундам романлар **"роман-тетралогия"** деб юритилади. Хатто, бир жилдлик романлар композицияси дам ранг-баранг булади: "Куллар" романи композицияси беш булимдан таркиб топган — биринчи булим йигирма кием, иккинчи булим олти к.исм, учинчи булим ун уч кием, туртинчи булим ун икки кием ва бешинчи булим йигирма киемдан таркиб топган. Романнинг беш булим ва олтмиш беш кисми кулларнинг уч авлоди ("Рахимдод, Эргаш, Х$^{ас}$ан) вакиллари образлари воситасида бир-бирига богланиб, яхлит композицияни вужудга келтирган. "Улугбек хазинаси" романи композицияси икки кием (биринчи кием ун олти, иккинчи кием йигирма етти булак)дан таркиб топган. Бундай кием ва булаклар Ул}тбек ва Абдуллатиф образлари воситасида богланган. "Утган кунлар" романи композицияси "Ёзувчидан" (узига хос пролог), уч булим (биринчи булим йигирма уч кием, иккинчи булим ун етти кдем, учинчи булим ун етти кием) ва "Ёзувчидан" (узига хос эпилог)дан таркиб топган. Романдаги булим, кием, пролог ва эпилогларни бир-бирига 6oғловчи куч — Отабек ва Кумуш биби образларидир. "Мех,-робдан чаён" романи композицияси "Романнинг мавзуи тугрисида (узига хос пролог), эллик етти боб (муаллиф боб деб атамаган булса-да) ва "Мирзо Анварнинг кейинги хаёти тугрисида" деб номланган хотима(эпилог)дан таркиб топган. Романнинг барча булаклари Мирзо Анвар ва Раъно образлари воситасида богланган. "Куглуг к,он" романи композицияси ун саккиз боб(х.ар бир боб уч-беш к,исм)дан таркиб топган. Боблар ва кисмлар Йулчи образи орк.али бир-бирига пайвандланган. Демак, Неккадам-Рах,имдод, Эргаш, Хасан, Улугбек, Абдуллатиф, Отабек, Кумуш биби, Анвар, Раъно, Йулчи — бир жилдли романларнинг бош к,а)фамонлари — асар бош гоясини ифодаловчи образлар композиция маркази вазифасини утаган.

Драматик асар композицияси х.ам узига хос. "Ёркиной" афсонавий томошасининг композицияси олти парда (биринчи парда ун мажлисдан, иккинчи парда саккиз мажлисдан, учинчи парда ун мажлисдан, туртинчи парда йигирма икки мажлисдан, бешинчи парда ун уч мажлисдан, олтинчи парда саккиз мажлис)дан иборат булиб, булар-

нинг марказида Ёркиной ва Пулат образлари туради. "Алишер Навоий" драмаси композицияси беш парда, ун куринишдан иборат. Барча парда ва куринишларни бир-бирларига богаовчи кудратли куч — композиция маркази — Алишер Навоий образидир...

3. **Бадиий асар булаклари ва унсурлари, деталлари ва тафсилотлари, тасвир воситаларининг муаллиф ниятига мувофиндоиги.** Санъат асаридаги хар бир деталь, эпизод, вокеа, манзара ва образ, тасвир воситалари ёзувчининг гоявий-бадиий ниятига хизмат килдирилади. Асар организмида муаллифнинг муайян максадига хизмат килмайдиган бирорта хам нарса булмаслиги лрзим. Барча унсурлар асар тукимасида уз урни ва вазифасига эга булади. Уларнинг урнини алмаштириш, олиб ташлаш ёхуд янги нарсани киритиш мумкин эмас. Агар шундай кдлинса, асар композицияси бузилади, бадиийликка зиён етади. Шу сабабли бадиий асар тукимасини нихрятда нозик ва мураккаб механизмга ухшатиш мумкин. Масалан, Бафур Руломнинг "Хийлаи шаръий", Абдулла К,ахдорнинг "Майиз емаган хотин", Аск.ад Мухторнинг "К,орак.алпок.киссаси" каби асарларининг архитектоникасида бирорта хам ортикча ёки кам деталь йук.. "Анор" х.икоясидаги "анор", "Угри" хикоясидаги "олахукиз", "Отелло" трагедиясидаги "румолча", "Бемор" х.икоясидаги беш яшар кдочанинг улим тушагида ётган онасини "худое аямди дайдига даво бейгин..." деб дуо килиши, "Зайнаб ва Омон" поэмасидаги "бешик кетди" деталларига мутлак.о тегиб булмайди. Агар шу деталлар олиб ташланса борми — шу асарлардан ном-нишон крлмайди. Бундай асарлардаги хар бир деталь, унсур, тас вир воситаси муаллифнинг гоявий-бадиий ниятига туда мувофиклиги билан адамиятлидир.

4. **Асар персонажларининг ягона тизимга уюштирилиши.** Чинакам санъат асарида персонажлар ягона тизимга уюштирилади ва бадиий гояни ифодалашдаги вазифаларига к.араб бадиий сюжетдан урин олади. Бу уринда машхур рус ёзувчиси АП.Чеховнинг куйиддги сузларини эслаш жоиздир: "к.ахрамонлар... ичидан факдт биттасини танлайсан — эрми, хотинми — уни маълум бир хрлатга солиб, фак.ат уни тасвирлайсан, таъкидлайсан, бошк.алар эса унта фон вазифасини адо этган х,олда асарнинг барча жойларига

сочилади. Бош кахрамон гуё ой, бошка образлар ой атрофидаги майда юлдузлар..."[1] Чунончи, Абдулла Кдхдорнинг "Бемор" хикояси образлари тизимини Сотиболди, унинг бемор хотини, кизча, Абдуганибой, кушни кампир ташкил этади. Шулардан факат Сотиболди образи х,икоя марказида туради, крлганлари эса унинг фожиасини очишга кумаклашади. Хикоядан кузатилган максад — Сотиболди тоифасидаги камбаралларнинг утмишда фожиавий даёт кечирганлигини курсатиш. Шу ният Сотиболди образида мужассамлаштирилган. Асар композицияси мана шу мак,садга хизмат киддирилган.

5. **Тасвирда меьёр.** Санъаткор тасвир жараёнида нималарни батафсил, нималарни киска курсатишни жуда яхши билади. Бу уринда асар бош кахрамонларигана муфассал тасвирланиши ва эпизодик образлар эса энг зарур пайтдагина кискача акс эттирилиши лозимлигини таъкидлашимиз керак. Масалан, шоир Хамид Олимжон "Зайнаб ва Омон" поэмасида Зайнаб, Омон, Собир, Анор хола, Хури каби образлар тасвирига гоявий-бадиий ниятидан келиб чикиб ёндашганини курамиз. Шунинг окибатида асар архитектоникасида яхлитлилик вужудга келган.

**Композиция воситалари** ., Бадиий асар тукимасида шундай % г унсурлар х.ам борки, уларни баъзи адабиётшунослар **"асарнинг сюжетдан тацщари унсурлари"** деб аташса, бошк^а бирлари "композиция **воситалари"** деб юритишади. Аслида бундай унсурлар "композиция **воситалари"** деб юритилгани маъкул. Негаки, улар асар кдомларини, манзараларини бир-бирига боглашга, яъни композицияга хизмат килади. 1<цуйида шундай воситалардан аиримларини кайд этиш билан чекланамиз.

1. **Асар сарлав^аси** — бадиий асар архитектоникасида ташкил к,илувчилик ролини уйнайди. К^п х.олларда асар сарлавхаси унинг мазмуни билан узвий боишк, булади. "Куёш к.ораймас" — Ойбек романининг рамзий фалсафий номи. Бу но^ща Ватанимиз кишиларининг фашист боскинчиларига к.арши олиб борган кураши — адолатли ку-

[1] *А.П.Чехов.* О литературе. М., ГИХЛ, 1955, 95-бет.

раш — адолат эса дамиша тантана килади: куёш нурларини деч кандай куч туса олмаганидек, халкимизнинг она-Ватаннинг мукаддас тупрогини ёвлардан тозалаш йулидаги даракатини душманнинг дар кандай каршилиги хам туса олмайди, халкимиз, албатта, галаба килади деган фалсафий фикрга ишора борки, бу фикр роман тукимасига чукур сингдириб юборилган.

Шунингдек, "Тирилиш" (Л.Н.Толстой), "КугауF кон" (Ойбек), "Синчалак" (А. Кадхрр), "Чинор"^ (А.Мухтор), "Имон" (И.Султон), "Парвона" (Уйгун) каби асарларнинг номлари бадиий *тоя* билан узвий боишк. булиб, муайян асарлар булакларини бир-бирига боглашда мудим роль уйнаганлигини пай^аш кдгйин эмас.

Баъзи асар номларида к.ахрамонларга ургу берилади, сюжет йуналиши шу образлар билан ботик, эканлигига ишора килинади. Бундай хрлатда х;ам асар номи композиция вазифасини утайди. "Зайнаб ва Омон" (Х- Олимжон), "Навоий" (Ойбек), "Мирзо Улугбек" (М. Шайхзода), "Умид" (Мирмухсин), "Жамила" (Ч.Айтматов), "Хамза" (К.Яшин), "Нурхон", "Гулсара" (К.Яшин), "Жонтемир" (Уйгун), "Лукаш ботир" (Н.Сафаров) каби асарларда мана шундай композиция аломати якдол сезилиб туради.

**2. Эпиграф** *(юн.* epigraphe — ёзув) — адабий асар сарлав-дасидан сунг ёки унинг кисми ёхуд бобининг бошлани-шида ёзиб куйиладиган кучирма, ибора, макрл, матал, халк, кушигидан парча ва бошкалар. Эпиграф, одатда, асарда ёхуд унинг бирор кисмида, бобида ифодаланадиган маз-мунга алокадор булади, унга гоявий йуналиш беради. Эпиграф киска, содда, аммо афористик рухда булади. У асар гоясини ищонарли килиб очишда муаллифга кул келади. Эпиграф уз вазифасига кура асар номи(сарлавхаси)га ухшаб кетади — уларнинг дар иккаласи дам асарга гоявий-эмо-ционал руд бахш этади, асар мавзуи ва гоясини аникдашга кумак беради. Масалан, Абдулла К,аддорнинг "Угри" дико-ясида "Отнинг улими — итнинг байрами" мак.оли эпиграф килиб келтирилган. Бу мак.ол асар гоявий йуналиши-ни аниклайди — камбагал дедк.он К,обил бобо угирланган ола хукизини топишда элликбоши, амин, приставлардан мадад сураганда амалдорлар, биринчидан, чолнинг "тери-сигача шилиб оладилар", иккинчидан, чолнинг соддалиги

устидан мазах килиб куладилар (чолга ёрдам беришни ха-ёлларига хам кетирмайдилар). "Отнинг улими" (Крбил бобонинг фожиаси), "итнинг байрами" (амалдорларнинг чол устидан кулишлари — уни баттар чохга тортишлари) — мана шундан иборат. Шунингдек, "Бемор"да "Осмон йирок,, ер каттик.", "Туида аза"да "Зури бехуда миён ме-шиканад", "Анор"да:

Уйлар туда нон, оч-нахррим болам,
Арикдар туда сув, ташнаи зорим болам",

"Кечава кундуз"да "Хамал кедди, амал келди", "Туй"да "Нахртки киши шундай хушчакчак. оламдан кетса". (Лер-монтов), "Йиллар"да "Утдиумримвох.дариг...", "Кдзлар-"да "Тойчалар кишнашади, от буддим деб, келинлар йот-лашади, ёт буддим деб", "Башорат"да "Ола КарFa KaF эта-ди, уз вактини 4OF этади", "Ёрк;иной"да

Водийи вавдат хдк.ик.атда мак,оми ишкдир,
Ким мушаххас улмас ул водийда султондин гадо (Фузулий).

каби эпиграфлар макзи чакиб курилса, уларда олам-олам маъно борлиги билинади ва улар, биринчи навбатда, асар-лар FOHCH билан узвий богликлиги учун китобхон ёдида мустах.кам *сакданиб крладилар.*

Бундан куринадики, уринли ишлатилган эпиграф асар композициясида мухим ахамият касб этар экан. Аммо бун-дан хар бир асарда эпиграф булишини талаб кдпиш нотуг-ридир. Чунки, эпиграф ишлатиш ёки ишлатмаслик ёзув-чининг ниятига, хо^ишига, услубига боглик, эрщн ижо-дий ишдир.

3. **Лирик кириш, чекиниш ва хотима.** Ддабий асарда биз вок;еаларнинг тасвири ва баёнидан ташк^ри яна ёзувчининг уз мулох.азаларини, кечинмаларини х.ам учратамиз. Бирор вок.еа муносабати билан ёзувчининг узи бирмунча фикр-мулохазаларини айтиб утади. Одатда, бундай пайтда вок,еа ривожини тасвирлаш вак;тинча "тормозланади". Муаллифнинг асарда тасвирланаётган вок,еалар, муаммо-лар ва кишилар х.ак;идаги алохида фикр-мулох.азалари ва кечинмалари лирик усул (кириш, чекиниш, хотима)да баён этилиши мумкин. Бундай лирик усуллар, асосан, эпик ва

лирик-эпик асарда купрок. учрайди. Масалан, Алишер Навоийнинг "Фархрд ва Ширин" достонидаги деярли хар бир бобда **лирик усул** кулланилган. Масалан, Алишер Навоий "Фархрд ва Ширин" достонида Фарх,однинг Ширинни ахтариб, FaM-ташвиш тортиб юрганини тасвирлаб келиб, шундай **лирик чекиниш** килади:

Кетур сок,и, манга ул лаъли рангин!
: •. Ки тушти FaM юки кунглумга сангин.
Анингдек майки чун OF3HMFa еткай,
Ичимда дарду FaM тошин эриткай.

Шоир Хдмид Олимжоннинг "Зайнаб ва Омон" поэмасида лирик усулнинт хар учала куриниши хам учрайди:

Суйлаб берай Зайнаб ва Омон
Севгисидан бир янги достон.

*(лирик кириш)*

Одам зоти дунёдаки бор
Унинг бир мухаббатдир ёр.

*(лирик чекиниш)*

Олам сари сочиб янги онг,
Секин-секин ёришарди тонг.

*(Лирик хотима)*

Одатда, лирик кириш — асар бошида, лирик чекиниш — асар ичида ва лирик хотима — асар охирида келади. Уму-ман лирик усуллар асарда рант-баранг вазифани утайди. Шу восита оркали муаллиф персонажлар билан китобхон-ларни таништиради, уларни тавсифлайди, хатти-харакат-лари ва хрлатини бахрлайди. Баъзан лирик усулда уз аса-ринING характерини, вазифаларини баён килиш мумкин. К,иск.аси бундай лирик усуллар асар мазмунини чукурлаш-тиришга, к.ахрамонларни таъриф-тавсиф к.илишга, уларни тутри тушунишимизга якиндан ёрдам беради.

**4. ^истирма эпизод.** Бадиий асарнинг сюжет йуналиши билан бевосита боглик. булмаган, аммо асар мазмунини кенгайтириш ва чукурлаштиришга ёки зарур гояни таъ-

юодлашга ёрдам берадиган кушимча вокеа **к,истирма эпизод** деб юритилади. Масалан, Ойбекнидг "Куёт крраймас" романида персонаж-уста Мирхолик, тилидан берилган Доро хакидаги афсона ёки бош кахрамон — Бектемир тилидан берилган Афандининг тушида хуроз сотиши хакидаги латифа ва бошкалар кистирма эпизоднинг яхши намуналаридир. Сирасини айтганда, "Утган кунлар" романидаги косиб уста Олим хдкояти хам Отабек — Кумушбиби сюжет чизотига киритилган кистирма эпизоддир. Аммо бу эпизод, биринчидан, Отабек — Кумуш севгисини "машмашалар" билан тулдиришга, муайян давр севги фожиасини очишга хизмат киддирилган — роман мазмунини кенгайтиришга ва чукурлаштиришга кумаги булган, иккинчидан, бизнингча, бу эпизод бироз чузилиб кетган — меъёридан сал булса-да ошгандай — бу хрдиса роман драматизмини, сюжети динамикасини сал булса-да сусайтиришга олиб келгандай — роман композициясида сал паришонхотирлик пайдо булгандай...

5. **Пейзаж.** Купгина асарларда пейзаж гоятда мух.им РОЯВИЙ-КОМПОЗИЦИОН роль уйнайди. Ёзувчи табиат лавх.а-ларини чизиш билан узининг табиатга муносабатини ифо-далайди: табиат гузаллиги, бойлиги ва кудратини таъриф-тавсиф этади, ^аламга олинган жойлар табиатининг узига хос хусусиятларини очади. Навоий, Пушкин, Бобур, Шолохов, Ойбек, Ч.Айтматов каби санъаткорлар ижодидаги пейзаж она-Ватанга мух.аббат рухд билан йуБрилган. Табиат манзараларини ёзувчи уз к.ахрамонларининг такди-рига таъсир этувчи фактор сифатида хам тасвирлаши мум-кин. Масалан, А.С.Пушкиннинг "Бурон" х^икоясидаги бурон, Алишер Навоийнинг "Фархрд ва Ширин" досто-нидаги денгиздаги пуртана к.ахрамонлар такдирида мухим роль уйнайди. Айни замонда, пейзаж асарнинг гоявий мазмунини ва характерларни очищда кушимча бадиий восита булиб хизмат килади. Ёзувчи пейзаж оркали ё бевосита уз фикрларини баён к,илади ёки персонажларнинг ички кечинмаларини курсатади. Х^аР иккала х.олда дам пейзаж маълум гояни ифодалайди.

Табиат лавх.алари, купинча, кахрамонларнинг кайфияти ва долатига уйгун булиб келади. Масалан, Алишер Навоий "Лайли ва Мажнун" достонида Лайли ва Мажнун-

нинг соф ва самимий севгисининг пайдо булишини илк бахрр айёми — навруз байрами фонида курсатса, бу севгининг улкан мухаббатга айланишини ёзнинг жазирама иссик, кунларида ва уларнинг фожиали кисматини эса сулгин куз — хазон фаслида тасвирлаш билан китобхон калбида кучли хаяжон уйготади.

"Кеча ва кундуз" романи бошида Чулпон навбахрр тасвирини экспозиция сифатида китобхонга такдим килади: "Хар йил бир келадиган бахрр севинчи яна кунгилларни китиклай бошлади. Яна табиатнинг дилдираган танларига илик. кон югурди...

Толларнинг кум-кук сочпопуклари кузларнинг майда урилган кокилларидай селкиллаб тушмокда бошлади. Муз тагида лойкаланиб окк,ан сувларнинг гамли юзлари кулди, узлари х.орFНН-х,орFНН оксалар-да, бушалган кул сингари эркинлик нашъасини кемира-кемира илгари босадилар. Симёгочларнинг учларида якка-якка кушлар курина бошлади. Биринчи куринган куклам куши биринчи ёрилган бодрок, нашъасини беради. Бултур экилиб, куп кршларни к,орайтирган усма илдизидан яна бош кутариб чикди... Мулойим кулларда ивиб, сувга айлангандан кейин гузал кузларнинг супасида ёнбошлашни мунча яхши курар экан бу кукат! Эркакларнинг гуллик тупписига тегмай, яланг аёллар билан, уларнинг сочлари, гажаклари ва румол по-пуклари билан хазиллашиб уйнаган салкин шабада... куклам нашъаси билан шухлик кдлади.

Х,аёт нега бу кадар гузал ва ширин булади бах.орда?"

Бу гузал табиат манзараси тасвири китобхонни роман вокеалари гирдобига, Зебилар хонадонида, хусусан, Зеби такдирида юз берадиган "машмашалар" ок,имига, фожиалар к.аърига тортиб кетади. Бу уринда пейзаж бош кахрамон — Зеби х.аётининг бошланиши — унинг увертюраси булиб хизмат кдпган.

Баъзан табиат манзаралари кахрамон рух,иятига зид куйиб тасвирланиши ва унга таъсир этувчи восита вазифасини уташи х.ам мумкин. Бу уринда рух,ий изтироблар гирдобида крлган Отабекнинг кайфиятига таъсир этган гузал табиат манзарасига бир назар ташлайлик ("Утган кунлар"):

"Отнинг бошини уз ихтиёрига куйган, илгаригидек юрак ошикишлари ичида отни тез юришга кистамай, сувга туш-

ган нондек букиб-бушашиб, юз хил совук., ярамас хаёллар кулида эзилиб, узининг дунёда борми-йуклигига хам тушунмай кета берадир.

Хозир куклам кунлари: кирлар, тогаар, сойлар куккизил, крра-ок., сарик., зангор, пушти, гулас ва тарин аллаканча рангли чечаклар билан устларини бежаб, киши билан тунгиб аранг етишган ошикларга янги хаёт, янги умид берадилар. К,иш буйи аллакайси гур остларида жунжиб чикдан куш зотлари: чумчукдар, читтаклар, тургайлар, саъвалар ва бошка аллаканча куш туркумлари уз туплари билан вижир-вижир, 4уҒур-4уҒур сайраб-куладилар, ер юзини тутган чечак гиламлари устини упиб-ялайдилар, ётиб чук,ийдилар, сапчиб учадилар... узок.-узокдан какку куши дам арзи вужуд к.илади: "какку-какку".

Поёнсиз кирларнинг нихрятсиз вижир-вижир куриб туимаслик кук гиламлари ва уларнинг димогларга мажбурий искатган даво ислари, ёкимли хидлари х.ар к.андай ишдан чикаёзган х.аёт эгасини озгина булса хам эпга ола биладилар. Шунингдек, бу чечак кирлари уз багрида сузиб борган бизнинг Отабекни х.ам узига к,аратмай куймайдилар. Унинг фикри анови к.оронгуликлар ичида сузса хам, кузи чечак ва сабзалар томошасида, димоги х.идлар истишомида, кулоги кушлар нагмасида буладир. Нима булса х.ам теварагидаги куклам безакларини куздан кечира борадир...

— Хов ана бир к.аддиргоч тугрига караб укдек отилиб борадир, учган йулида вижир-вижир сайраб х.ам куядир. Кдлдиргочшшг к.айгуси йук., севганининг олдига тезрок. етиш учун шошадигандир, сайроги хам севганининг куриш шодлиги учундир... Бахтли калдиргоч олган совгаси х.ам к.урк.инч эмасдир, ота-онасининг х.ам орзу-х.аваслари йукдир! Уларнинг турмуш к.онунлари жуда енгил, иковиков, севган севганни оладилар-да тогларда, ерларда, кукларда учиб юра берадилар... Мен хам шу калдиргочдек, унинг сари отилиб, вижир-вижир сайраб учар эдим".

Эътибор килинг-а: куклам манзараси бенихря нафис, гуё уста муйкалам сох.иби к.аламидан, буёкларидан жон олган табиатнинг худди узи кахрамонимиз Отабек эса изтироб чангалида... "Ота-она орзуси" деб мана не куйларга тушди у. Отабек Тошкентдан Маршлонга кетмокда: Кумушбибига, унинг ота-онасига нима дейди, не куз билан

уларга боксин... Шундай огир бир дамда х.ам гузал куклам уз хдцлари ва таровати ила унинг калбига йул топишга интилади, Отабек хам секин-аста куклам OFynmra сингиша бораётгандай, у табиат билан рухан сузлашади, дардлашади, кувнок. парвоз килаётган калдиргоч билан узини киёслаб куради. "Уларнинг турмуш крнунлари жуда енгил, иков-иков, севган севганини оладилар-да токларда, ерларда, кукларда учиб юра берадилар... Мен хам шу калдиргочдек... сайраб учар эдим" деб уйлайди кахрамонимиз... Хуллас, куклам тасвири, биринчидан, "Сувга тушган нондек букиб-бушашиб, юз хил совук,, ярамас хаёллар кулида эзилиб" бораётган Отабек рудиятини очишга хизмат к.илдирилган булса, иккинчидан, у композиция вазифасини х,ам бажарган: севги ипининг бир учи Отабек (Тошкент)да, иккинчи учи Кумушбиби(Маргалон)да. Мохир суз устаси А.К,одирий узилай-узилай деб турган севги ипини улащца пейзаж воситасидан мох.ирлик билан фойдаланган — куклам Тошкент — Маргалон муносабатларини тиклашга — севишганларни к.овуштиришга кушимча восита булган — узининг дунёда бор-йукдигини тушуна олмай крлган Отабекка "янги х.аёт, янги умид" бахш этади — кахрамонимизнинг Маргилон сафарини кутлаётгандай туюлади кишига...

6. **Уй-жой, жих;оз, буюмлар тасвири.** Адабий асарда иштирок этувчи шахслар бевосита х.аракат киладиган майдон — уй-жой тасвири хам мухим гоявий-композицион вазифани утайди. Уй-жой тасвири, худди табиат манзараларидек, асарнинг умумий гоявий мазмунини ёки унинг айрим жих.атларини кенгайтиришга ва чукурлаштиришга; к.ахрамонларни конкретлаштиришга, уларга табиийлик, жонлилик, х.ак.к.онийлик бахш этишга кумаклашади. Бу уринда, Абдулла К,ахдорнинг "Синчалак" повестидаги К,аландаров яшаидиган хрвли ва уй жих.озлари тасвирининг шу асарлар кахрамонлари рух.иятини очишда ва композиция воситаси вазифасини утащцаги ролини эслаш жоиздир. Яна бир мисол учун "Утган кунлар" романининг бош к.ахрамони Отабекнинг Маргилон шахридаги карвон саройдаги хужраси тасвирини эслайлик:

"Саройнинг турида бошкаларга к,араганда куркамрок. бир хужра, анави хужраларда кийиз тушалгани х.олда, бу

хужрада кип-кизил гилам, уларда буз курпалар курилган булса, бунда ипак ва адрас курпалар, наригиларда кора чирок, сасиганда, бу хажрада шам ёнадир, узга дужраларда енгил табиатли серчакчок, кишилар булганида, бу хужранинг эгаси дам бошкача яратилишда: OFHP табиатли, улуг гавдали, куркам ва ок. юзли, келишган кора кузли, мутаносиб кора кршли ва эндигина мурти сабз урган бир йигит!"

Тасвирдаги жихрзларнинг узиёк., биринчидан, Отабек хакида анча-мунча маълум беради — у узига тук., бой-бадавлат, обру-эътиборли оила фарзанди эканлигини курсатса, иккинчидан, Отабекнинг тижорат ахли орасида мавкеи борлигидан дам гувохдик беради. Айни чокда, бу эпизод узига хос экспозиция ролини дам утаган — китобхонни келажакда Отабек даётида юз берадиган вок.еаларга кизикишини таъминлаган...

7. **К,олиплаш** — бадиий асарда мустакил вок,еаларни маълум бир вок.еа доирасига солиб тасвирлаш усулидир. К,олиплаш усули билан бир неча мустакил вокеалар — хико-ятлар композиция жидатидан яхлит туе олади. Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонининг бошида подию Бахромнинг х.аёти тасвирланади. Бахром уз севгилиси Ди-лоромдан ажралиб гаму хасратда к.олган х.аёти хавф ости-да, табиблар бу дардга шифо тополмайди... Шунда дониш-мандлар маслахати билан Бахромга карам булган етти иклим шох.и унта атаб (подшо кунглини овлаш ва хаётга кайта-риш мак.садида) етти каср курдириб, унда базм уюштира-ди. Лекин Бахром кундузлари базм-кайф-сафо билан кун кечириб уз гамини, бироз булса-да, унутишга эришган булса-да, кечалари ухлай олмайди, яна севгилисини йукдаб FaM тортиб чик.ади. Энди кечалари хам унга ором бериш учун етти иклим йулидан келтирилган мусофирлардан дикоя эшитиб бироз овунади. Шу муносабат билан шоир еттита таълимий-тарбиявий ах.амиятга эга булган крлип-ловчи хикоят — Бахром кисматига пайвандлайди. Шу х.ико-ятлардан Бахром сабок, олади, ором топади... Бу дикоятлар куйидаги тартибда асар тукимасидан жой олган: **шанба куни** к,ора к,асрда подшох. х,инд гузали базмидан сунг хиндистонлик мусофирдан шадзода Фаррух. ва сахий Ахий хакидаги хикоятни эшитади; **якшанба куни** сарик. каерда рум гуза-

ли базмвдан кейин румлик мусофир унга Зайд Захдобнинг каллоб заргарлиги хакидаги саргузашт хикоятни айтиб беради; **душанба куни** яшил касрда Шахрисабз гузали зиёфатвдан сунг подшо мусофирнинг Саъд хакидаги (Кдтрон дев ва жодугар Зол хусусида) хикоятини эшитади; **сешанба куни** гулгун касрда шафак. ранг кийимли гузал зиёфатидан сунг хиндистонлик мусофирнинг шох. Жуна ва сахий Масъуд хакидаги хикояти тингланади; **чоршанба куни** мовий касрда нилуфар либосли гузал базм беради, тунда бешинчи икдим йулидан келтирилган мусофир Мехр ва Сухайл хакида хикоя килади; **пайшанба кунида** сандал тусли к.асрда Сандал гузали зиёфат беради ва кечкурун олтинчи икдим йулидан келтирилган мусофирнинг Мукбил ва Мудбир хакидаги хикояси тингланади ва, нихрят, **жума куни** ок, касрда ок, либосли гузал базм беради ва кечкурун хоразмлик мусофирнинг Дилором хакидаги хдкояси эшитилади. Шу тарик,а шох. Бахром севгили ёри Дилоромни топади. Достон Бахромнинг етти х.икоятдан кейинги хаётини тасвирлаш билан хотима топади. Шоир кузатган мак,сад — шохга етти ибратли таълимий-тарбиявий хикоятдан сабок. бериш шу тарика уз интих.осига етади. Бахром образи мана шу етти хикоятни бир-бирига богловчи ва бир к,олипга солувчилик вазифасини утаган. Шу тарик.а достонда бир бутунлилик — композиция курилган. Композиция яратишнинг мана шу усули — **крлиплаш усули** деб юритилади. Арабларнинг мапщур "Минг бир кеча"сидаги мингта хикоя бош к.ахрамон — Шахризод образи воситасвда бир-бирига богланган. Шунингдек, Мух.аммадшариф Гулханийнинг "Зарбулмасал"ида эса бир неча мустакил масаллар ("Туя билан Буталок.", "Маймун билан Нажжор", "Тошбак,а билан чаён"...)ни Япалок.куш билан Бойуглининг куда-анда булиши хакидаги крлишювчи х.икоя уз ичига камраб олган. Демак, "Минг бир кеча" ва "Зарбулмасал" каби асарларнинг композицияси х.ам к,олиплаш усулида яратилган экан. Крлиплаш — хикоя ичида хикоя бериш усули бошка асарларда хам учраб туради. *'Крлиплаш" атамасининг яна бир маъноси бор: бадиий сюжет унсурлари (экспозиция, тугун, вокеа ривожи, кульминация, ечим, пролог ва эпилог)ни муайян бир тартибда берилиши, бир бутун килиб богланиши — бир к,олипга жойланиши х.ам к,олиплаш усу-

ли (обрамление) булиб хдсобланади. Шу маънода дар бир эпик ва драматик асарда колиплаш усули мавжуддир. Чунончи, "Дахшат" хикоясининг сюжет унсурлари: Доддо билан Унсиннинг бахслашуви — тугун, Унсиннинг кабрис-тонда чой кайнатиши — кульминация ва куркувдан юраги ёрилган Унсиннинг уйига келиб улиши — ечим. Демак, хикоядаги тугун+кульминация+ечим унсурларининг бир бутун килиб богланиш тартиби — композиция — крлип-лашдир.

**композиция мутаносиблиги**

Чинакам реалистик асарда сюжет билан композиция бир-бирига мутаносиб булади - бир-бирига тула мувофик. булади. Бундан улар айнан бир нарса экан-да деган янглиш хулоса келиб чик,-маслиги керак.

Сюжет, аввало, мазмун билан ботик, булиб, кахрамон характерининг шаклланиши, намоён булишини ифодаловчи вокеа-хрдисалар мажмуи булса, композиция, биринчи навбатда, шакл додисаси булиб, асарга гузал ва жозибали ташки куриниш беради, мазмунни таъсирчан ва куюк. булишига, асарни кизик.арли ва укимишли чикишига хизмат килади.

Композиция, одатда, сюжетдан кенгрок. тушунча булади. Куп режали асар сюжети бир неча сюжет чизикларидан ташкил топади. Шундай пайтда сюжет деганда сюжетнинг у ёхуд бу йуналиши тушунилиши мумкин, композиция деганда эса асардаги сюжетнинг барча йуналишларининг уйгунлиги тушунилади. Шунингдек, асар тукимасидаги айрим унсурлар сюжет таркибига кирмаслиги х.ам мумкин (сарлавх.а, эпиграф, кистирма эпизод...). Композиция тушунчаси эса асар тукимасидаги барча унсурларни уз ичига К.амраб олади. Аммо сюжет ва композиция, асосан, бир максадга — кахрамон характерини очишга, асар гоясини ёркин ва жозибали ифодалашга хизмат к.илади. Шу важдан ёзувчи асар сюжети устида канчалик машак.кат билан мехнат килса, композиция устида х.ам тер тукиб хизмат кдиади — уларнинг хар иккаласи х.ам ижодкордан катта истеъдод ва махррат талаб килади.

## Туртинчи боб БАДИИЙ АСАР ТИЛИ

Адабиётда тил, ритм, оханг, композиция ва бошка воситалар оркали бадиий образ яратилар ва образ яратиш жараёнида, хусусан, бадиий нутк. дал килувчи ахамият касб этар экан, адабий асар тилини алохида эътибор билан урганиш такрзо килинади. Чунки бадиий тил хусусиятларини дурустрок. урганмай туриб, адабий асар табиатини тугри тушуниб булмайди. Бу уринда талабаларнинг эътиборини, хусусан, бадиий тилнинг куйидаги масалаларини урганишга тортиш лозим.

**Тил хакида тушунча**

Тил инсонлар орасида муомала-муносабат, алока куроли. Кишилар узларининг жамият, табиат ва буюмлар хакидаги тушунчаларини тил оркдли, сузлар воситасида ифода киладилар. Хар бир суз бир тушунчани ифодалайди. Б из сузлар орк,али уз фикримиз-тушунчаларимизни бошкаларга баён киламиз. Сузларни узгартириш ва бир-бирларига турли усулларда кушиш йули билан мураккаб фикрларни хам тушунтириб бера оламиз.

Тилда кишиларнинг дунё хакидаги тушунчалари ифодаланади. Тил одамларнинг бир-бири билан алок.а килишига хизмат килади. Тил — муъжиза. Тил ва тафаккурсиз инсон яшай олмайди. Зеро, тил ва тафаккур туфайли инсоният х.айвонот дунёсидан кескин ажралиб туради. Хазрат Навоий дейдилар:

Тангрики, инсонни кдпиб ганжи роз, Суз<br>
била хайвондин анга имтиёз.

Дарх.акик,ат, тангри инсонни сирлар хазинаси килиб яратган экан, тил ато кшшш билан унга хайвонларга нисбатан имтиёз берган дейди, *уяут* дадо! Бу гапларда хикмат куп. Инсоннинг к.анака инсощгаги тилидан билиниб туради. Тил инсонни кукларга кутариши х.ам, ерга уриши х.ам мумкин. Ха, тилга куп нарса боглик.... Хазрат Навоий шу фикрларини давом эттириб, ажойиб бир хикмат келтирадилар:

FуН4а ОРИЗЛИК санами
нушлаб, Суздин агар айласа.,
хамушлаб.

Лаъли майи акдаи мает айласа,
Мает неким, бода параст айласа.

Сурат ила булса махи осмон,
Сурати дивор хамон, ул хамон.

Англашиларлики, агар ёр хдр к,анча гузал булса хам у гапирмасдан лабини ёпиб туриб олса — унинг оддий девордан фаркд йук,; агар жонон у кдцар гузал булмаса-да унда факдт тугри хусн билан ноз булса, тили аччикрок, булса хам, жавоби ширин булса — у кишига ёкдци; агар жонон багоят гузал булса, хуснига ширин сузлиги зеб бериб турса — бундай гузал бутун одамзодни, бутун оламни лол к,олдиради. Бу фикрлар шунчаки жононни таъриф-тавсиф кдлиш учунгина айтилмаган — унинг маъноси кенг — бутун суз мулкига эхтиром, юксак бахрдир. Айни чокда, бу гаплар бадиий адабиётга хам тула тегишли. Зеро, адабиётинсоншунослик ва суз санъати экан, унда тил, суз х.ал кдлувчи ахамият касб этиши табиийдир. Хак^к^атан хам тил-суз бадиий образлар уртасидаги алокдлар, симпатия ва антипатиялар, к,арама к,аршиликлар, мураккаб муомала-муносабатларни ифодаловчи воситадир, адабий асарнинг бутун бадиий тук^маси х,ам, гоявий йуналиши хам сузлар туфайли вок,е булади...

Жамият пайдо булиши билан тил пайдо булган. Ижтимоий х.одиса булган тилнинг характерли хусусиятларидан бири шундаки, у жамиятдаги турли табак,аларга, гурухларга, синфларга баб-баравар хизмат к,илади. Демак тил синфий хрдиса эмас. Шунга карамай бир вак,тлари вульгарсоциологлар тилнинг табиатини бузиб талк,ин кдиганлар: тилни синфий хрдиса сифатида нотугри талк,ин этганлар. Тилга булган ^бундай гайри илмий муносабатлар уз вактида к;аттик; крраланган.

Умуман тил деганда биз куйидаги уч нарсани, яъни: а) умумхалк, (жонли), миллий тилни, б) адабий тилни ва в) бадиий (поэтик) тилни назарда тутамиз.

**Умумхалц (жонли) тили** — одамларнинг турмушда уза-ро муомала-муносабати, алок,а куроли — жонли сузлашув

нуткдцир. Хаётда одамлар узаро муомала-муносабатга киришмасдан яшай олмайди. Кишилар узаро муомала-муносабат жараёнида фикрини аник; ва тутри ифодалашга эътибор беради. Жонли сузлашувда норматив грамматика крида-ларига, сузларнинг талаффуз нормаларига у кдцар эътибор берилавермайди. Шунингдек, жонли сузлашув жараёнида шева элементлари, мадаллий мудит такрзоси билан пайдо булган с^з ва иборалар хам ишлатилади.

**Дцабий тил** — матбуот, фан, адабиёт, китоб, радио, телевидение, театр тили. Адабий нутк, купинча ёзма матн билан бошик,. Хатто маърузалар, радиоэшиттиришлар, театр томошалари огзаки нутк, шаклида куринса-да, уларнинг матнлари ёзма шаклда булади. Адабий нутк, — бу хаммадан аввал аник, ва тугри тузилган нутк,. Аник,, сикдк, ва кдтъий шаклга эгалиги билан адабий тил жонли сузлашув тилидан ажралиб туради. Адабий тил — грамматик крнун-кридаларга солинган, кдтъий талаффуз нормаларига эга булган ва, энг мудими, турли шеваларда сузлашувчи кишиларнинг даммасига тушунарли булган тилдир. Чунки жонли тилдаги дар хиллик адабий тилда грамматика талаблари асосида бир хилликка келтирилган булади.

Адабий тил умумхалк, тили билан узвий алокдца булади. Ундаги янги суз ва ибораларни узига к,абул к;ила боради. Шу сабабли адабий тил тинимсиз усиб-бойиб боради. Айни чокда, адабий тил дам умумхалк, тили ривожига баракали таъсир курсата боради.

**Бадиий (поэтик) тил** — адабий асарлар ёзиладиган тил. Ёзувчи даётни характерлар ва манзаралар воситасида акс эттирар экан, жонли халк, тили бойликларидан дам, адабий тил нормаларидан дам кенг фойдаланади; уз навбати-да дам жонли тилнинг, дам адабий тилнинг усишига дисса кушади. Ёзувчи асарнинг мавзуи, вок,еаларнинг мохияти ва персонажларнинг характерига к,араб суз ва иборалар танлайди, ran курилиши усулларидан, диалектлардан, инверсия, архаизм, неологизм, ж"аргон ва бошк;а лексик ре-сурслардан фойдаланади.

М.Горькийнинг уктиришича, умумхалк, тили ёзувчига уз суз хазинасидаги дамма воситаларни беришдан ташкари, улардан танлаб олиш дукукдни дам берган.

Демак, *бадиий* адабиёт тили, биринчидан, умумхалк тили ва адабий тил хазинасидан танлаб-саралаб олинган сузлар булса, иккинчидан, суз усталари томонидан пардозланган, сайкал берилган поэтик тилдир. Тил — бадиий адабиётнинг миллий шакли.

**Бадиий тил** М. Горький "Ёшлар билан сух,-бат" макрласида бадиий адабиёт ти-ли(бадиий нущ, ритмик-интонацион воситалар, компози-ция)да бадиий суз хал килувчи роль уинашини уктиради. "Адабиётнинг биринчи элементи — тилдир. Тил — адабиётнинг асосий куролидир, хдёт хрдисалари фактлар билан бирга унинг материалидир[1].

Адабий асарда хар бир суз олмосдек товланиши, марваридцек зеболаниши лозим. Хдзрат Навоийга кулок. тутайлик-а: улут шоиримиз шундай дейдилар:

Суз гухарота эрур онча шараф, Ким
була олмас анга гавхар садаф.

Турт садаф гавх,арининг дуржи ул,
Етти фалак ахтарининг буржи ул...

Донау дур сузни афсона бил, Сузни
жадон бахрида дурдона бил...

Борча кунгул дуржи аро жав^ар ул,
Борча ОБИЗ хук,к,асида гавх.ар ул...

Тил бу чамоннинг варакдлоласи, Суз
дурларидин булубон жоласи.

Тил бадиий адабиётда харакгерлар ва манзаралар яратиш куролидир[2]. Щунга кура, адабиёт — суз оркали бадиий тасвирлаш санъатидир.

Бадиий асар тилининг кагор характерли хусусиятлари бор. Шулардан баъзи бирларини эслаб утамиз.

1. **Адабий асар тили** (дикоячи — муаллиф ва персонаж нутки) **типиклаштирилган,** яъни умумлаштирилган ва ин-

---

[1] *М. Горький.* Адабиёт хдкрда, т., Уздавнашр, 1962, 239-240-бетлар.

[2] К,аранг: *М. Горький.* Литературно-критические статьи, М., Гослитиздат, 1937, 584-бет.

дивидуаллаштирштган тилдир. "Гарчи бу тил мехнаткаш омманинг сузлашиш тилидан олинган булса-да, — деб укти-ради М. Горький, — узининг бош манбаидан тамомила фарк. килади. Чунки, тасвирлаш нули билан таърифлар экан, ёзувчи узаро сузлашишда ишлатиладиган барча та-содифий, вактинча кириб келган, мантиксиз, фонетик жихатдан бузук,, турли сабабларга кура асосий "талабга", яъни умумхалк. тили тузилишига тугри келмайдиган сузлар-ни олиб ташлайди. Уз-узидан маълумки, жонли тил ёзувчи яратган одамлар тилида крлади, албатта, лекин шундай булса дам, жуда кам тасвирланаётган одам характерини янада бурттириб, жонли килиб курсатишга лойик. микдор-да крлади"[1].

Демак, ёзувчи уз асари учун умумхалк. тили лугати хазинасидан суз олишда санъатнинг типиклаштириш конуниятига амал килар экан, ана шундагина хдкикий санъат асари пайдо булади. Шуниси х.ам эътиборлики, х.ар бир ёзувчи асарида суз куллаш жараёнида х.ам уз услубини намоён килади — натижада бир ёзувчининг тили иккинчи ёзувчининг тилида озми-купми фаркланиб туради. Масалан, Ойбек романлари тилида эпикликка, лирикликка мойиллик сезилиб турса, АДахдор асарлари тилида эса киноялар, кесатиклар, к.очириклар куп учрайди — унда х,ажвийликка мойиллик бор ва х,йказо.

2. Чинакам **санъат асарлари тили халцчиллик рух.и билан сугорилган булади.** Бошкача килиб айтганда, санъат асарида кулланилган х.ар бир суз, жумла, махсус лексик ресурслар ва тасвир воситалари, поэтик фигуралар, суз уйинлари ва хрказоларда ифодаланган фикрлар китобхонлар оммасига тушунарли булиши — ёзувчи халкнинг дилидаги, тилининг учидагини топиб айтиши, халк.рух.и кайфиятларини, орзу-умидларини ифодалаши керак. Бунинг учун ёзувчи, албатта, китобий тил ва услубдан крчиши, жонли халк. тили ва услубига якинлашиши лозим. Ижодкор халк дилининг даки^ий таржимони булсагина унинг асарлари тилида халкчиллик аник, сезилиб туради. Халк. макрллари, маталлари,дафоризмлари, ибораларидан моди-

---

[1] *М.Горький.* Адабиёт хак,ида, Т., Уздавнашр, 1962, 240-бет.

рона фойдаланиш асар тилининг халкчиллигини оширади. Хамза, Фитрат, Чулпон, А. Крдирий, Х- Олимжон, Ойбек, А. Кдхдор, F. Гулом, М. Шайхзода, Усмон Носир, О. Якубов, П. Крдиров, А. Орипов, Э. Вохидов каби суз усталари асарлари тилида шу хрлат кузга якдол ташланиб туради.

Ёзувчи адабий асар тилининг халкчиллигига купинча "жонли халк. тили окимидан энг уткир, энг мувофик., бамаънисини танлаб олиб" (М. Горький), уз урнида махррат билан ишлатиш оркали эришади. Бу фикрлар, асосан, замонавий асарлар тилининг халкчиллигига тегишлидир. Тарихий ва тарихий-инкилобий мавзудаги асарлар тилида халкчилликка эришишнинг бирмунча кушимча кийинчиликлари бор. Чунки, бу хил асарлар тилида, биринчидан, муайян даврнинг рухи акс этиши ва, иккинчидан, хрзирга замон китобхонларига тушунарли булиши лозим. Ана шундагина асар тилида халкчиллик рух,и уфуриб туради. Бу масалада Ойбекнинг "Навоий" романининг тили устидаги тажрибалари гоятда ибратлидир. "Мен Навоий тили кудратини, гузаллиги ва хуснини тула курсатишга тирищдим,— деб таъкидлайди Ойбек.— Унинг тилидаги айрим уткир, мохир, салмокли ифодаларни, Навоийга хос терминлар ва шаклларни чшлатдим. Навоийнинг ёрк.ин шеърларидан, социал мотивларидан жиндай киритдим. Хонлар, подшох,лар, вазирлар, бекларнинг дабдабали ифодаларини, рухрнийларнинг форсий ва араб сузларига FарК. б^лган, безалган усулларини курсатдим. Халкнинг маъноли, бой, оригинал, жонли, узига хос равшан тилини курсатдим. Бунинг учун, албатта, у давр адабиётини, хаётини, халк; тилини чукур, муфассал урганишга тиришдим. Ёзувчилар тилни халкдан урганишлари лозим. Халк, тили ажойиб учирмалар ва к.очирикларга бой, битмас-туганмас асл манбадир"[1].

"Утган кунлар", "Мехробдан чаён", "Навоий", "Улурбек хазинаси", "Меъмор", "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони", "Кух.на дунё" романлари тилининг .халкчиллигини таъминлашда муаллифлар худди шу усуддан фойдаланишган деб дадил айтиш мумкин.

---

' *Ойбек.* "Навоий" романини к;андай ездим. Адабиётимиз автобиогра-фияси. Т., F. FупоМ номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973, 160-бет.

3. **Бадиии асар тили — образли тил.** Ёзувчи уз асарида бир канча йуллар билан тилнинг образлигига, тасвирийлигига эришади. Шулардан бири махсус бадиии тас вир воситаларини, махсус лексик ресурсларни, поэтик фигураларни, суз уйинларини мох,ирона куллаш йули би лан асар тилининг образлилигига эришиш.

Масалан, Хамид Олимжон: "Узбекистон" шеърида шундай образли ибораларни куллайди:

Чиройлидир г^ё ёш келин,
Икки даре ювар кокилин...

Эътибор килинг-а: шоир "Узбекистон чиройли" деб куя крлмайди, аксинча, унинг чиройлилигини ёш келиннинг гузаллигига ухшатади — шу киёс жараёккда Узбекистоннинг гузал жамолини укувчи куз унгида ёркин гавдалантиради. Иккинчи мисрада эса шоир Узбекистон водийларини ёш келиннинг кокилларига ухшатади. Бу билан улкамиз водийларининг бенихря куркамлигини ифодалайди.

Адабий асар тилининг поэтиклиги, образлилиги, тасвирийлиги асар гоясини, шунингдек, к.ахрамон характерини жозибали килиб очишга хизмат килади. Бирок., бундан факат махсус бадиии тасвир воситаларини куллаш орк.али асар тилининг тасвирийлигига, образлилигига эришилар экан-да, деган бир ёклама хулоса чикариш ярамайди. Чунки, адабий асар тилида уз урнини топиб ишлатилган оддий суз ва иборалар х.ам характер ва манзараларни аник, ифодалай олади: бинобарин, бундай суз ва иборалар хам тасвир воситаси ролини бажаради.

**4. Лаконизм ва афоризм** —адабий асар тилини характерловчи мух.им хусусиятдир. Улуг узбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий "Сабъаи сайёр" достонида шундай дейди:

не бир достота солди садо,
Мунда бир байт бирла топцой адо.

Мужмал ощнг сузин кдлиб такмил,
Уз хадисимга бергамен тафсил.

.-t/I

**Бу уринда** шоир олам-жахрн фикрни бир байтда айтишга, **мужмал** асарни ишлаб, киёмига етказишга, аммо

айтилиши лозим булган барча фикрларни мухтасар ифопалашга даъват зтмокдаки, бу фикрлар хрзирги адабий асарлар тили учун дам тегишлидир.

Мухими, адабий асар тилида "адабий лакмалик"ка, куп сузлиликка берилиб кетмасдан лаконизмга эришишдир. "Бадиий асар суз жихдтидан сикик., фикр жихатдан кенг булиши" керак, деб таъкидлайди М. Горький[1].

Ёзувчи Абдулла Крдирий "Майда хикоялар ёзганда сузни кандай тежаш керак" деган макрласида шундай деган: "Майда хикоялар устаси Чехов суз тугрисига келганда хаддан ташкари хасис, ортикча сузлар сарф килиш у ёкда турсин, babkeракликларидан хам мумкин кадар юлишга харакат килади... Унинг хикоятларида суз исрофгарчилигига сабаб буладиган ортикча деталлар х.ам булмайди. У бутун деталларни узи айтган асосда ишлатади: "Биринчи куринищца милтик. булса, шу милтик, учинчи ёки туртинчи куринишда албатта отилиши керак, йук.са милтик. т)трисида сузлашнинг х.ожати йукдир"...

Унинг сузга хасислиги укувчига малол келмайди. Яъни, айтмокчи булган фккрининг тушунилишини ОЕИрлаштирмайди...

Хикояни "серсув" (куп сузли) к.иладиган нарсалардан бири курсатиш урнига сузлаб беришдир. Агар Очумиловнинг "букаламун" эканини унинг сузлари оркали курсатилмаса, автор томонидан таърифланса, дуне-дунё суз кетар эди. Чехов буни узи айтиб бермасдан, Очумиловнинг уз сузи билан курсатади"[2].

Узбек ёзувчиларидан Абдулла К^ахдор, Иафур Рулом, Сайд Ах.мад х.икоялари, Абдулла Крдирий, Ойбек, Аск,ад Мухтор романлари, Хамид Олимжон, Уйгун, Мак,суд Шайхзода, Миртемир шеърияти тили уз лаконизми билан х.ам гоятда эътиборлидир.

Адабий асар тилини урганиш жараёнида яна шу нарсани хам хисобга олиш лозимки, адабий асар тилида купинча, адабий жанрлар сезиларли из к.оддиради: лирик асар

---

[1] *М. Горький.* Письмо о литературе. М., "Сов. писатель", 1957, 321-бет.

[2] *Абдулла Крдирий.* Кичик асарлар. Т., Бадиий адабиёт нашриёти, 1969, 200-201-бетлар.

тили драматик асар тилидан, драматик асар тили эпик асар тилидан узига хос хусусиятлар билан фаркланиб туради.

5. Адабий асар тили — эмоционал тил. А. А. Фадеев бадиий тилнинг эмоционаллиги дакида тухталиб шундай дейди: "...Санъаткор уз кадрамонларининг кечинмалари гирдобига китобхонни шунчалик тортиб кетадики, китобхон кадрамон диссиётларини биргаликда кечира бошлайди, китобхонда газаб дисси, пафос, кулги, кузларида ёш пайдо булади. Инсонда бирон хил кайфият тувдириш санъатнинг энг седрли хусусиятларидан биридир. Ёзувчи бу хусусиятни эгаллашга дам меднат натижасида эришади. Ёзувчи узида шундай ритм, шундай суз, шундай суз бирикмасини топиш укувини тарбиялаб етиштириши керакки, улар укувчида тегишли дис-туйгу, темнили кайфият тугдира оладиган булсин"-

Адабий асар тилидаги дар бир суз уз "юки"га эга булади. В. Г. Короленко уктирганидек, "суз шамол учириб кетадиган уйинчок. шар эмас. У иш куроли, у маълум мик,-дордаги юкни кутариши керак. Биз бошкаларнинг рух.ини к,амраб олишига, кутаришига к.араб туриб, сузнинг адамияти ва кучига бах,о берамиз"[1].

Ёзувчи дар бир нарсани шундай тасвирлаб бериши керакки, натижада уни куз оддимизга равшан келтира олайлик. Бунинг учун дар бир нарсанинг узига хос хусусиятини, хрлатини пайк.аб олиш ва уни аник., маънодор сузлар орк.али равшан айтиб бера олиш керак.

Дархакикат, хакикий бадиий асарларда дар бир предмет, шахе, вокеа шундай аник,, равшан ва жонли тасвирланадики, китобхон яхши расмларни куриб завкданганидек, уни укиб маънавий озик. олади. Асардаги дар бир предмет, шахе, додиса унга шу кадар якин булиб к.оладики, натижада уни кули билан ушлаб кураётгандек булади, тасвирланаётган шахе эса унга якиндан таниш булиб крлади.

Адабий асар тили уз жозибадорлиги, ширалилиги, сермаънолиги ва буекдорлиги билан китобхоннинг дикдатини узига тортади. "Утган кунлар", "Медробданчаён", "Кеча ва кундуз", "Абдулфайзхон", "Ёрциной", "Кутлуг к.он",

---

Бадиий ижод | > 63-бет.

"Навоий", "Хаким ва ажал", "Истанбул фожиаси", "Диёнат" каби асарларнинг тили мана шундай.

Ёзувчи адабий асар тили устида тинимсиз меднат килади. Бир асарининг тили иккинчисидан фаркланиб туради. Демак, ёзувчининг тил мадорати асардан асарга усиб, бойиб боради. П. Павленко "Хдёт — ёзувчининг мактабидир" макрласида шундай деб ёзади: "Бадиий асар тили ёзувчидан тер тукиб ишлашни талаб килади. Баъзан мен дар бир янги тема узининг янгича ташки безагидан ташкдри, узининг алохдда даёт доирасидан ташкари, яна тилда янгича гармонияни дам талаб кутаса керак, деб уйлаб крламан"[1]. Агар бу уринда "Утган кунлар" билан "Медробдан чаён" ёки "КугауF кон" билан "Навоий" романларининг тили киёслаб куриладиган булса, бу фикрнинг накадар тугри эканлигига тула ишониш мумкин. Адабий асар тилида давр руди уфуриб туради. Шу маънода "Навоий" билан "Олтин водийдан шабадалар"нинг тили киёсланса, уларнинг дар бирида тасвир объекти булган давр, халк. тили хусусиятлари якдол акс этганлигини осонликча пайк.аш мумкин.

Чинакам санъат асарининг тили мана шундай гузал ва сермаъно булади.

**Муаллиф, хикоячи ва персонаж тили**

Муаллиф тили — вок,еани, вок,еа ^б ан ^ин ва шароитни тас- , вирлаш, персонажларни таъриф-тавсифлаш, уларнинг яхши ёки ёмон хислатларини очиб бериш ва бахрлаш (маъкуллаш ёки крралаш) учун бевосита ёзувчининг уз тилидан баён килинган сузлар.

Муаллиф тили эпик, лирик-эпик ва лирик асарларда салмокли урин тутади (ремаркани мустасно килганда,' драматик асарларда, одатда, муаллиф нутки булмайди). Муаллиф тили, биринчидан, асардаги вокеаларни, к.исм ва булакларни бир-биригаулаб, яхлит "организм"ни вужудга келтиради; иккинчидан, асардаги образлар ва вокеаларни талкин этишга, уларга уз муносабатини биЛдиришга хизмат килади, учинчидан, адабий тилнинг шаклланишига ва усишига баракали таъсир курсатади.

Бадиий ижод , 63-бет.

Энг яхши ёзувчилар хал к; тилини чукур урганиш асосида асарлари тилининг сермаъно ва жозибали булишига эришадилар, айни пайтда, узлари хам янги сузлар ижод этиб бадиий тилни бойитадилар.

Муаллиф тили, асосан, адабий тйл нормалари асосига курилади. Ёзувчи муаллиф тилига дар кандай сузларни киргизавермайди.

Адабий асарда муаллиф айтиши керак булган гапни муаллифнинг узи, шунингдек, персонаж айтиши лозим булган гапни персонажнинг узи айтиши шарт. Акс хрдда санъат асарига жиддий путур етади. А. Макаренко "Хдваскор ёзувчилар билан сухбат"ида асар тилининг ана шу жихатига тухталиб, мана бундай деб ёзган: "Бизда куп кишилар муаллиф айтмокчи булган гапни кахрамонлар гапирса кизикрок. буларди, деб уйлашади. Бу хато. Муаллиф айтиши лозим булган гапни кахрамонлардан биронтасига топшириш ярамайди. Шундай килинган такдирда кахрамонлар туссиз булиб крлади, авторнинг жарчисига айланади. Кахрамонлар айтиши керак булган гапларни эса, уз устига олиб, учинчи шахе тилидан гапирмаслиги хам керак"[1].

Асар тукимасида муаллиф нутк,ининг нак.адар катта мавкега эга эканлигини англамок. учун "Утган кунлар" романида "Туй, к.излар мажлиси" бобини эслаш кифоя "К,излар мажлиси — гуллар, лолалар, тутилар, кумрилар мажлиси! Уйда, Кумушбибининг тогасининг уйида, кизлар мажлиси, гуллар мажлиси!...

Ёки "Ойдин кечаларда" х,икоясида Чулпон асар к.ахрамони Зайнаб кампирнинг хатти-хдракатларини, рух.иятини шундай акс эттирган: "Зайнаб кампир бир нарсадан чучиб уйгонди. Оппок. ойдин, ой кампир ёткрн суричанинг кок. уртасидан унда-мунда битта-яримта учраган ок. булутларни ёруб шошуб утуб борар эди.

Кампир у ёк,-бу ёгига яхшилаб к.араб, ойдинда х.еч бир крра-мора учрамагандан кейин яна болишга бошини куйди.

Уйкуси учуб кетганликдан энди кузига уйку келмай уз , уз даврига муносибйулгон хаёллар ичига кумудди.

---

Бадиий ижод з^ида, 49-бет.

Ул пилта сават, курпа кавук. идан тортуб бу йил пилладан чикатургон ипаккача "дунёнинг барча гамини" уйлаб олди".

Ёки яна бир мисол: "Кампир тонг кррнгисида хамир килгани туриб хукизидан хабар олди. О!.. *Хукиз* йук., огил куча томондан тешилган... Дехдоннинг уйи куйса куйсин, яукизи йукрлмасин. Бир коп сомон, ун-ун бештахода, бир арава камиш — уй, хукиз топиш учун неча замонлар крзон-ни сувга ташлаб куйиш керак булади" ("Угри").

Хуллас, дар бир эпик ва лиро-зпик асарни муаллиф нуткисиз тасаввур килиб булмайди — буларда персонаж-лар нущи муаллиф нутки билан пайвандлашиб кетади.

2. **^икоячи нущи.** Ддабиётимиз тарихида яна шундай асарлар хам учраб турадики, уларда вокеа — хрдисалар, кахрамонлар рухияти уларнинг муаллифлари тилидан эмас, балки боища шахе — дйкоя тилидан ривоят к;илкнади. Fa-фур Руломнинг "Ёдгор" повести Жура, "Шум бола" повести Шум бола, Аскдц Мухторнинг "Давр менинг такдиримда" романи бош цахрамон — Ах.маджон тилидан х,икоя кдлин-ган. Чингиз Айтматовнинг аксарият асарлари муаллиф тилидан эмас, персонаж — х,икоячи тилидан олиб борил-ган.

Бундай човда муаллиф тили — узга персонаж — х.икоя-чининг тилига айланади ва бирмунча кушимча хусусият-лар касб этади. Ёзувчи асарни, масалан, бола тилидан хикоя кдлар экан, муаллиф — хикоячи тилида бола рух,иятига ва тилига мослашиш булади. Масалан, Чингиз Айтматовнинг "Жамила" повести Жамиланинг ёш кайниси Сеит тилидан олиб борилар экан, хикрячи — персонаж тилида хам шу бола табиати сезилиб туради. "Бутакуз" х,икояси Чингиз Айтматов тилидан эмас, аксинча персонаж — хикоячи Камол тилидан олиб борилган. Окибатда, биринчидан, муаллиф тили бажарадиган вазифани хикоячи — персонаж тили бажарган булса, иккинчидан, шу х,икоячи — персонаж тилида успириннинг ёшлик хусусиятлари х.ам, тажри-басизлиги дам, уйинк.арокдиги х,ам, хуллас, унинг бутун табиати мана мен деб кузга ташланиб туради.

Биров номидан хикоя килиш усули тез-тез учраб тура-ДИ, Хатто, Уткир Хошимовнинг "Йкки эшик ораси" ро-мани биргина хикоячи — персонаж тилидан эмас, балки саккизта хикоячи — персонаж тилидан олиб борилган. Бу

эса муаллифга кахрамонларни хам, вокеа — х,одисаларни хам турли нуктаи назардан очишга имкон берган.

3. **Персонажлар тили** — бадиий асар кахрамонларининг нутки. Ёзувчи жамиятдаги турли-туман табакдга мансуб кишилар хаётини, ранг-баранг табиатли одамлар характе-рини урганади ва уларнинг типик тил хусусиятларини пер-сонажларнинг нутклари оркали акс эттиради. Одатда, кахрамоннинг индивидуал тили унинг уз даёт тажрибаси, дунёкараши, фахм-идроки, хулк.-атвори, маданий савия-си, психологияси ва касб-корини равшан характерлаб бе-ради. К,ахрамоннинг нущи оркали унинг кандай одам экан-лигини пайк.аб олиш мумкин. Хар бир к.ахрамоннинг тили узига хос хусусиятларга эга булади. Ёзувчи персонаж нут-кини унинг асарда тасвирланган вокеалардаги урнига, индивидуал характер-хусусиятларига караб ишлаб чик.ади. Асар к.ахрамонининг табиатига караб, ёзувчи унинг нутк, тузилиши, суз бойлиги ва бошк.а тил хусусиятларини оча-ди. Кахрамонни типиклаштириш ва индивидуаллаштириш мак.садида ёзувчи зарур булганда бадиий тил лексикаси ресурслари — архаизм, неологизм, профессионализм, ди-алектизм каби элементлардан хам фойдаланади. Бу урин-да, масалан, "Кеча ва кундуз" романида тасвирланган Раз-зок. су^ри билан Курбон биби уртасида булиб утган бир ба^с-мунозара — персонажлар тилининг узига хослигига бир назар ташлайлик. Мана шу эпизод: Раззок. суфи туйдан келиши биланок. хотини Курбонбибидан Зебини сурищ-тиради:

"У эшикдан кирар-кирмас туй тукдизини хотинига уза-тиб:— Ь^изинг кдни? — дея сурайди.

Бу шошилинч савол шурлик онанинг багрига тикондек ботди. Ранги дарров олинди...

— Нимага индамайсан, дай фитна? Нима булди сен-га?— деди суфи. Хотинининг бу ахволига у х.ам кунт кил-ган эди.

Курбонбиби тутилиб, зурга-зурга ran эплади:

— Шу ерда... шу ерда... кизингиз...

Уч булиб айтилган шу икки OFH3 сузда х.ам бесаранжом бир жадаллик бор эди. Эрининг бир нарса дейишини кут-масдан бечора хотин бояги бесаранжомлик билан катора-сига уч савол чизиб ташлади:

— Нимайди? Нимага сурайсиз? Чакириб берайми?

Бирин-кетин ва шошилиб берилган бу уч савол онанинг калбида ёлгиз боласига карши кандай зур мухаббат сакланганини Раззок. суфидай бир одамга хам керагича курсата олган эди. У ясама булса хамки кулимсирагандай булди.

— К.ИЗИМ булади-ю сурамайманми? Кдзик, зкансан...

Курбонбиби энди узига кела бошлади... Лекин онанинг кунгли х,али дам тинчимаган эди:

— Зебини нимага суравдингиз? — деди яна.

Энди бу сафар суфининг аччдаи келди ва бирданига:

— Уз К.ИЗИМНИ сураёлмайманми! — деб ушк^рди.

— Х[а], бупти... бупти... Бак^рмай куя к;олинг! — деди кампир ва шошилганича уйга кириб кетди...

Уйга кириб эшикларни беркитдиргандан кейин Раззок; суфи суз очди:

— Зебо к,ачон келди?

— Сиз кетган куни...

— Икки кунга деб кетган нарса неча кун юрди, биласанми?

— Эшонойим куймабдилар...

— Узингиз, ахир, "майли, эшонойимнинг раъйларига царасин" демабмидингиз?

— Э, раъйлари курсин, раъйлари! Ёш болани бир хдфта — ун кун саклайдими?

Кампир нима дейишни билолмай крлди. Кечагина бутун ихтиёрни эшонойимга бериб куйиб, бугун эшонойимнинг табаррук раъйларини х.ам сукиб утирган бу жох.ил суфига нима деб булади?..."

Бу зпизоддан аник, сезилиб турибдики, бахслашувчи икки персонаж — Раззок. суфи ва Курбонбиби — иккаласи икки дунё: бири ута жо^ил, дагал, тажанг; иккинчиси — хурланган, инсоний х.ак.-х,ук.уклари, оналик туйгулари топталган, забун инсон; она ёлгиз кизи — кузининг оку-к;ораси Зебини х.имоя килмок,чи ва жохдл ота унинг дис-туйгулари била^н х.исоблашишни хаёлига х.ам келтирмай-Ди — жах.олат Зебининг кисматини х;ам олдиндан белгилаб куйгандай...

Худди шунингдек, бу уринда "Бой ила хизматчи"даги Рофирнинг шариат пешволари билан тукнашув эпизоди-

ни эслаш жоиз булса, бу полилогда иштирок этган Рофир, крзи домла, имом, Хасан элликбошиларнинг тиллари шу кадар типиклаштирилган ва индивидуаллаштирилганки, натижада уларнинг дар бири уз сузлари билан узларини характерлашга имкон беради: Рофир — меднаткаш халк, вакили, ор-номусли, далол ва тугри суз инсон. У "пул, мол йулида далок булгандан кура, иищ-мудаббат йулида далок булиш"ни бахт деб билади. Айни чокда, у Солидбой ва унинг гумашталари — шариат пешволарининг мехнаткаш халкда душман эканини англаб етган — золимлар дунёсига карши исён кутарган довюрак ва курашчан инсон. Бу хусусиятлар асосан Рофирнинг айтган сузлари-ю килган ишларида аник, сезилиб туради. Рофирнинг сузлари содда, равшан, мантикли, "дедкрнбоп".

Полилогдаги шариат пешволари дам тула индивидуаллаштирилган: бу шахслар —- шариат пешволари — бир табака вакиллари. Уларнинг нутклари хам юктимоий табиатларигамос: к.ози нутки "сартопо", "рушнолик", "шикастлик", "мусулмон", "амри фармон", "кибриё назар эшон", "шариат", "инод", "хамокат"; имом нутки "пошшолик", "кулли шайъин яржиу ило аслих.и", "уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар дар боб билан", "колу бало" каби арабий-форсий сузлар, мак.оллар, диний иборалар, архаик сузлар билан безалган. Айни чокда, крзи — ута айёр, пихини ёрган туллак, дийла-найрангга устаси фаранг булса, домла — курс, фаросати камрок.; Хасан элликбоши — "чум-чук. пир этса, юраги шир этадиган" шахе.

**Таъриф-тавсиф (характеристика)**

Адабий асар тилида таъриф-тавсиф (характеристика — лот. charak-ter—хосса) хусусият) усули дам мудим 5фин тутади. Негаки, Хазрат Навоий айтганлари-дек, инсон сирлар хазинаси экан, мана шу инсонни курса-тиш, унинг хатти-даракатларини асослаш, маънавий — ру-дий дунёсини ифодалаш, характер кирраларини очиш ёзувчининг асосий вазифаси. Мана шу сиру асрорлар хазинасидан хабардор булщида ёзувчининг таъриф-тавсифлари китобхонга аск.отади. Баъзан ана шундай таъриф-тавсифларсиз кадрамонни тугри тушуниш, унинг хатти-даракатларига тугри бадо бериш гоятда мушкул булиб крлади.

Щу важдан асар матнидаги таъриф-тавсифларга хам ало-
эътибор бермок. зарур.

Таъриф-тавсиф (характеристика) — маълум бир хрдиса, киши ёки предметга хос хусусият ва сифатни аниклашдир. Бадиий асар тилида таъриф-тавсифнинг ахамияти нихрятда каттадир. Таъриф-тавсифда, биринчи навбатда, муаллифнинг уз кахрамонига муносабати — позицияси ифодаланади, иккинчидан, китобхонларда уларга фаол муносабат (симпатия ёки антипатия) хислари уйготилади. Таъриф-тавсиф, одатда, икки хил булади: муаллифнинг таъриф-тавсифлари ва персонажларнинг нуткий таъриф-тавсифлари.

а) **Муаллиф томонидан кдх.рамонга берилган таъриф-тавсифлар.** Агар ёзувчи асар кахрамонининг келиб чикиши, фаолияти, хулк.-атвори, ахлок.-одоби, идроки, крбилияти, интилиши, ташки киёфаси ва бошкалар хакида маълумот — бахр берса, бу **муаллиф таъриф-тавсифи** деб юритилади. Масалан, "КутауF кон" романида муаллиф томонидан кахрамонларга берилган куйидаги таъриф-тавсифларга эътибор килинг-а, улар канчалик сермаъно: "**Мирзакаримбой** илоннинг ёгини ялаган одам эди: хдмма бойлар каби айёр, мугамбир, пухта-пишик.: у юраксиз эмас, балки х.ар ишда эх.тиёткорликни маъкул курар эди. Мана шулар оркасида у, камтарин мах.алла бакдолининг угли **Карим читтак,** — кичкина, лекин характерлари чакдон ва илдам булганидан, ёшликда шундай лакаби бор эди, — х.озир кимсан Мирзакаримбой!.. У Тошкентнинг энг олдинги бойларидан..." Йигирма уч ёшли йигитча — **Йулчи** — асар бош кахрамонига муаллиф Мирзакаримбой дидига кресан шундай бах,о берган: "Унинг арслондай куркам гаЁдаси, кенг пешонаси, чукур самимият ифодаси билан тула йирик, хушёр кузлари, кир яктаги ичида кавариб турган кенг кукраги, бакувват куллари, сузларидаги кишлок.-ча соддалик ва тугрилик (бу хусусиятни камбагал одамлардан катта фазилат деб топар эди бой) унга жуда ёкди. "06-Дан чиникдан йигит, унга берилган овкат бехуда кетмайди", Деб уйлади у. Лекин шу билан баравар, Мирзакаримбой Иулчининг бутун сиймосида катта жасорат ва Fурур сезди. Бу сифат унга жилла маъкул тушмади".

**Мирзакаримбой, Йулчи, Ёрматларга** муаллиф томонидан берилган **таъриф-тавсифлар,** биринчидан, ёзувчининг

шу образларга булган муносабатини курсатган булса, иккинчидан, бу образларни туда маънода индивидуаллаштирган, уларни жонли одамлардек хаётий ва хакдоний чикишига кумаклашган ва, учинчидан, китобхонларда уларга нисбатан муайян муносабат хдсларини уйготган, образлар мохиятини чук.ур тушунишга йул очган.

б) **Персонажларнинг нутк,ий таъриф-тавсифлари** — кахрамон образининг ички дунесини очишнинг мухим воситаси. Кдхрамонларнинг рухий ахволи, психик кайфиятлари, кечинма ва хис-туйгулари бевосита уларнинг гап-сузларида намоён булади. Чунки кахрамонлар нутки уларнинг бе восита психик хаёти, рухий хрлати махсули сифатида пайдо булади. Масалан, "Синчалак" повестида К,аландаров рух,иятидаги узгаришлар ^инг узи томонтздан асарнинг боши ва охирида айтилган "мурт" сузи орк.али яхши ифодаланган ("муртгина нарса экансиз, кийналиб к,олмасмикансиз?"; "Узим мурт булмасам синмас эдим...").

Персонажларнинг нуткий таъриф-тавсифлари хам икки хил усулда берилади:

в) **Персоиажлар уз-узини таъриф-тавсиф этади,** яъни к,ахрамоннинг гап-сузлари унинг кандай одам эканлигини аник, курсатиб туради. Масалан, Абдулла К,одирийнинг "Калвакмах.зумнингхотирадафтаридан" киссасидаги Калвак махзумнинг куйидаги "хасрати" — гап-сузларини ук,иб куринг-а, унинг них.оятда тубан одам эканлигини дархрл пайкаб оласиз: "Эй боши буш донолар, эй ковок, кийган диндошлар, вой мусулмони комиллар!

Замона охир булди: куб бехуда ишлар чикди. Шариат пешаларнинг ишлари авж олиб, бизнингдек факирлар хор будди. Кийимлар киск.ариб, сочлари узайди; эркаклар хотун, хотунлар эркак киёфасига кирдилар. Барчадан акл кетди; х.амма гумрох.; борар йулидан, килар ишидан адашди; уламога хурмат, ёшларга шафкат, углонларга мух.аббат йук.! Бас, буларнинг барчаси охир замон аломати булмай Нима булсун?!

Тунов куни икки чоракли салла бошимда, юз битталик тасбех. кулимда, малла чопон эгнимда куча-бакуча, гузар-багузар кезиб охир замон ишларини бирма-бир томоша килур эрдим. Мишики — тупуги окдан болагиналар ярим белдан лой кечиб, ит уриштириш билан машгуллар, куриб зиёда завким келди...

Бозорга караб борур эрдим. Ёнимдан худци кугарчок,-нинг боласидек урусча кийим есоHFOH, кулида чучканинг терисидан ёсолгон нарса китоблар солгон ун икки ёшор чамолик, бир к^з бола шипиллаб утиб кетди. Уз-узимга, тухтачи, шу мочагар билан бир сузлашай, деб:

— Тухта, киз! — дедим. Тухтади.

— Кдёкда борасан?

— Мактабга.

— Мактабинг к,аерда?

— Шу якинда.

— Отин ойинг борми?

— Бор.

— Отин ойингнинг эри нечта?..

— Уруснинг инжилини ук^япсанми? — деб суроFOH эдим, бунга жавоб бергиси келмади...

К^зи тушкурнинг хал и К.ИТИК, пари улмаган экан: юзини чирт угириб: "Ху, сок,олинг куксингга тукилсун!" деб к,аргади ва йулига югуриб кетди".

К,ахрамоннинг уз-узини очиши, характерлаши деганда биз мана шу усулни назарда тутамиз.

г) **Персонажларнинг бир-бирини таъриф-тавсиф этиши.** Ёзувчилар кдхрамонларнинг бир-бирига берган бах.оси усулиданх.ам фойдаланадилар. Масалан, "Синчалак"да Носиров Кдлацдаровга шундай бадо беради: "Менинг билишимча К,аландаров тошк^н сув: тегирмонни бузиши х.ам мумкин, юргизиши х,ам мумкин". Шу асарда ^аландаров Саидага "синчалак" деб бадо берган булса, Сайда унинг бак,ирок,лигига ишора кдлиб, уни "хуроз"га ухшатади ва хрказо.

Хуллас, бадиий асарда таъриф-тавсифлашнинг ранг-баранг шакллари, турли куринишлари ва усуллари учрайди.

**авсифлаш воситалари**

Дцабий асардаги к;ахрамонларни таъриф-тавсиф этишда ёзувчилар ранг-баранг бадиий тасвир воситаларидан фойдаланадиларки, шулардан айримларини куздан кечирайлик.

**1. Монолог** (юнон. monos + logos = бир суз) — асар к^ахрамонининг судбатдошига, узига, баъзан китобхон-томошабинларга карата айтган гап-сузи, нутк,и. Монолог Кахрамоннинг рухдй кечинмаларини, фикр-мулох.азалари-

ни ифодалайди, образнинг мохдятини очади. Баъзи мисоллар: Х^мид Олимжон "Муканна" драмаси финалида Муканна тилидан шундай монолог беради:

Халк.к.а айтинг, мен асло улганим йук., Ёв кулига таслим хам булганим йук. Мен элимнинг юрагида яшайман, Эрк деганнинг тилагида яшайман...

Бу сузлар араб боск.инчиларига карши VIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро музаффотида юз берган халк. кузголони бошлиш, она-юрт истикдоли, уз элининг эрки-бахти йулида тенгсиз жангда жасорат курсатган — тириклайин ёвга буйин эгишдан улимни афзал курган — эл бахрдирининг кал б нидосидир. Шу сузлар шоирнинг кдбр тошига уйиб ёзилиши х.ам бежиз эмас: халк, маънавияти йулида фидойилик курсатган шиорнинг хам умри боке!

Монологнинг яна бир гузал ва мукаммал намунаси сифатида машхур булиб кетган Алишер Навоий ("Алишер Навоий" драмаси) к.алб садосини тингланг-а, у накадар нафис ва таъсирчан:

Куй!
' Базал!.. О\!.. К,айтадан тирнар ярамни.
ТаFНН эслатди у машъум харамни...
"Фак,ат бир илтимос: куркам чаманда,
Очиб гул рунчалар этганда ханда,
Жувонмарг рунчани эса, ёд эт!.. Унутма,
доимо рух,имни шод эт!.." Унутмайман
сени токим, тирикман, Сени жон урнида
саклар тирик тан. Хамон сен калбимга
илхрм солурсен, Менинг шеърим билан
мангу к,олурсен. Сенга беш беба\о хайкал
курурмен, Гал;и Ширин, га^и Лайли
булиб сен, Яшарсен доимо
достонларимда... Хазонсиз гул булиб
бустонларимда... Мен эрсам, FаМ билан
йиглаб кетарман, Сенинг ишкингтбилан
тан\о утарман...

Бу монолог хеч к,андай таъриф-тавсифга мухтож эмас. У Навоийнинг к.алб кузгуси — бу кузгу эса кахрамон к.албини бус-бутун ифода этган.

Монолог деганда биргина иштирокчиси булган асарлар хам тушунилади.

Монолог, одатда, ички ва сиртки булади.

**Ички монолог** — кахрамоннинг уз-узи билан ичдан (ру-хан) гагшашиши, фикрлаши, хис-туйгуларининг ички ифо-даси. Ички монологда кахрамон узининг сирли, яширин фикрларигача айтади. Шу боисдан ички монолог оркали кахрамон китобхон олдида уз-узини очади. Натижада унинг шахсиятида хеч нарса сирли ёки тушунарсиз булиб крл-майди. Одатда, ички монологларда кахрамон хаётининг энг кескин моментлари ифодаланади. Бу уринда, "Кутаут крн"-даги Йулчининг куйидаги ички монологи магзини чакиб куринг:

"Ажаб дунё экан! Х.[а]Р [с]РДа дехдоннинг иши чаток.. Ери булса, улови йук.. Улови булса, ери йук.. Купида иккиси я,ам йук.. Мана, мен!.. Хозир к.аёкка к.арасанг, менгаухшашлар... Халиги дех.к.он к;овун экибди. К,анча мехнат, к,анча машакдат! Ёлгиз узи эмас, бутун уй-ичи билан ипшаган, албатта, дастлабки сотиш бу хилда булиб чикди. У молини сотмади — сувга окизди. Йук., сувга ок.изганда баттар будди. Лоак,ал ун беш сум турадиган к.овунни турт ярим сумга сотсин, буни х.ам бировнинг аравасини тузатишга тула-син. Фойдани тулки бак.к.ол урди. Вой хароми, ноинсоф! Мен бундай мултонини сира курганим йук. эди... Энди дехдон уз отасининг шах.ардан кайтишини турт куз билан кутган болалари олдига кандай боради. Уларга нима дей-ди? Кдп-ялангоч болалар: кийим кани деса, нима курсата-ди? Туй урнига аза!.."

Монологлар гоявий мазмунига кура: монолог-хотира, монолог-мух.окама, монолог-орзу каби турларга булинади.

Монолог-хотирада к,ахрамон уз утмишини, бошидан кечирган кечинмалар ва психологик хддисаларни эсласа, монолог-мух.окамада ёзувчи персонажнинг мух.им ва зарур масалалар буйича фикрларй"ни умумлаштириб беради, монолог-мулох.азада к.ахрамоннинг индивидуал, эпик ва психологик хусусиятлари акс этса, монолог-орзуда персонажнинг интилиши ва орзу-хаваслари ифодаланади. Масалан, монолог-мух.окамага Сайда ("Синчалак")нинг К,аландаров билан тукнашувидан сунгги уйларини мисол к.илиб келтириш мумкин.

*Хуш,* нима ran Узи, — деди узича, — нимага келаётибман, каравотга узимни ташлаб йигааганими? Куз ёши ё кунгилдаги FaM-FyccaHHHr дамини кесиш, ё берахмнинг рахмини келтирищ учун тукилади, менинг кунглимда канака Fycca бор, йотлаб ким-нинг рахмини келтирмокчиман? Раис мени чертган булса, мен-дан шапалок. егандай булди. Мени енгмокли булиб узи енгилди. Унинг суз тополмай кул кутаргани — кучи шляпага етгани шуни кУрсатмайдими?!

"Синчалак"дан яна мисоллар келтирайлик: Сайда: "Мухбирнинг айтгани рост булса, демак мен "нозик мех,-мон" булсам ^ерак..." (Монолог-хотира).

Сайда: "Нима булди экан, кеча хамма нарсани очик,-ойдин айтган эдим, даммасига тушунган, хурсанд булган эди-ку..." (Монолог-мулодаза).

Сайда "Бустон" колхозига ишга юборилаётганлигини эслар экан, гимнастёрка кийиб колхозни айланишни, кат-та йигилишларда нутк, сузлаб, кишилар диккатини узига тортишни хаёл к^илади. (Монолог-орзу).

2. **Диалог** (лот. dialogos — икки шахе орасидаги суз) — бадиий асарда икки персонаж орасида булган бахс-муно-зара, савол-жавоб, сух,бат. Адабий асарларда, хусусан, сах.-на асарларида диалог кахрамонлар характерини очувчи асо-сий воситалардан биридир. Одамларнинг узаро бах.си, сух.-бати тарзида ёзилган бадиий асарлар дам диалог деб юритилади. Масалан, А.С.Пушкиннинг "Китоб сотувчи-нинг шоир билан сухбати" Эркин Вох.идовнинг "К,алам х,аки ва ойлик" шеърлари диалог усулида ёзилган. Чингиз Айтматовнинг "Сомон йули" повести бош кахрамон Тулга-нойнинг Ер билан диалоги шаклида битилган.

f

Бадиий асарда диалог мух,им роль уйнайди: к.ахрамон-лар характерини очади, даврни ифодалайди, вазиятни акс эттиради... А.С.Макаренко диалог хдкдда шундай дейди: "Диалог — прозанинг энг кийин булакларидан биридир. Хаётдаги диалогни яхши билмок. керак. Кдзик. диалогни уилаб чик.ариб булмайди...

Диалог жушк.ин булиши, кишининг рухий кечинмала-рини курсатибгина крлмай, характерини х.ам очиб бериши лозим"[1].

---

^ Бадиий ижод з^а^ида, 49-бет.

Масалан, Фардод билан Хусрав ("Фардод ва Ширин" достони) диалоги узининг кескин драматизми билан ажралиб туради — шу бадс-мунозарада дар иккала персонаж характери узил-кесил очилади. "Утган кунлар"даги Отабек билан Кумушбибининг туй мажлисидаги учрашуви — диалоги рудият тутёни, чукур лиризм ва романтик диступгулар нишонасидир.

"Улугбек хазинаси" романида машуб Улугбек ва голиб Абдуллатиф — ота-бола — ракиблар диалоги бутунлай бош-кача рухда:

"Мирзо Улугбек кунгли юмшаб, шадзодага юзланди, дилидаги изтироб аралаш гуруни босиб:

— Шадзодаи жувонбахт! — деди секин. — Тахтимнинг валиахди сен эдинг. Олло таолло факирни уз радматига чорласа бу тахтга сен ултирур эдинг. Оллонинг инояти билан кузим тиригида бу бахт сенга насиб булибди, мен бунгарозимен...

Шадзода кулларини олтин тахтнинг суянчикларига тираб, совук, кулимсиради:

— Балли сизга, ^иблагох.! Ва лекин мен бу тахтни сизнинг ихтиёрингиз билан эмас, бирламчи хдк, таолонинг инояти, иккиламчи уз куч-кудратим ила кулга киритдим!

Мирзо Улугбек лабларини каттик. кимтиб:

— "Бургут! — деди ичида. — Крра бургут!. Унинг кунгли-
га ёпирилиб келган мех.р изгирин теккан шамдай суниб, юраги яна музлади".

Мана шундай эпизодларда ота-бола ракиблар — бири буюк инсон, иккинчиси мансабпараст, шухратпараст тубан одам намоён булади.

3. **Полилог** (юнон. poly — куп, logos — суз) — асарда уч ва ундан ортик. персонажларнинг бадс-мунозаралари, тор-тишуви, савол-жавоби. Адабий асар тилида монолог ва диалоглар к.анчалик катта роль уйнаса, полилог х.ам гоятда адамиятлидир. Мана бир мисол. "Утган кунлар" романи бошларида Рах.мат, Отабек ва Х.°мидбой уртасида б^либ утган куйидага бадс-лгунозарага эътибор килинг-а, хдр учала к.ахрамоннинг дам канак.а одам эканлигини осонликча пай-к.айсиз: "— Менимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йукдир, — деди Радмат ва Отабекка юз угирди. — Уйлан-

1

ган хотининг таъбишта мувофик келса, бу жуда яхши, йукса мунчалик OFHp ran дунёда йук,!

Отабек бу сузини самимият билан каршилади:

—Сузингизнинг тугрилигида шубха йук, — деди, — аммо шуни хам кушмок керакки, оладиган хотинингиз сизга мувофик булиши баробаринда, эр хам хотинга мувофакат-табъ (таъбга мое) булсин.

—Хотинга мувофик; булиш ва булмасликнинг унча кераги йук., — деди Хомид эътирозланиб. — Хотинларга "эр"
деган иемнинг узи кифоя... Аммо жиян айтгандек, хотин деган эрга мувофик. булса бас". Демак, мазкур полилог уз вазифасини яхши оклай олган.

Хамзанинг "Мевалар можароси", Уйгуннинг "Куз кушиклари", Абдулла Ориповнинг "Самовий мехмон, беш донишманд ва фаррош кампир киссаси" шеърлари хам полилог усулида ёзилган.

**4. Портрет** (франц. portrait — тасвир) — бадиий асарда кишининг ташки киёфаси, сиймоси, кийим-кечаги ва хрка-золар тасвири. Портрет атамаси, одатда, икки маънода, яъни кахрамоннинг ташки куриниши (тор маънода) ва кахра-моннинг индивидуал-психологик киёфаси (кенг маънода) кулланилади. Санъаткор ёзувчи кахрамоннинг ташки Киёфасини чизиш оркали х.ам унинг рухиятига киришга интилади. Хусусан, портрет унсурларидан куз, юз, кулги, куз ёши ва боцщалар санъаткор учун кахрамон рух.ий дунё-сини очувчи калит булиб хизмат килади.

Умуман, портрет оркали кахрамонни таъриф-тавсиф килиш санъати бадиий ижодда мух.им роль уйнайди. Ку-йида келтириладиган кахрамон портретларини укиб, МаҒ-зини чакишга даракат килинг:

Дастлаб "Утган кунлар"даги портретларга назар таш-лайлик. Мана ижобий образлар: **Отабек портрети:** "...огар табиатли, улуг гавдали, куркам ва ок юзли, келишган к«Р[а] кузли, мутаносиб кора кошли ва эндигина мурти сабз ур-ган бир йигит". **Кумушбиби портрети:** "...уйнинг тур ига солинган атлас курпа, пар еЬтик кучогида, совукдан эри-нибми ё бошка сабаб биланми, уйгок ётган кизни кура-миз. Унинг кора зулфи пар ёстикнинг турли томонига тар-тибсиз суратда тузгиб, куюк жингала киприк остидаги тим кора кузлари бир нуктага тикилган-да, нимадир бир нар-

сани курган каби... коп-кора камон, утиб кетган нафис, кийик. кршлари чимирилган-да, нимадир бир нарсадан чучиган каби... тулган ойдек губорсиз ок, юзи бироз кизил-ликка айланганда, кимдандир уялган каби... Шу вакт курпа-ни кайириб ушлаган ок. куллари билан латиф бурнининг унг томонида, табиатнинг нихрятда уста кули билан кунди-рилган кора холини кашиди ва бошини ёстикдан олиб утир-ди. Сарик. рупох. атлас куйлакнинг устидан унинг уртача кукраги бироз кутарилиб турмокда эди. Туриб утиргач, бошини бир силкитди-да, ижирганиб куйди, силкиниш оркасида унинг юзини тузгиган соч толалари ураб олиб бир суратга киргизди. Бу киз суратида куринган малак кути-дорнинг кизи **Кумушбиби** эди!".

А. К^одирий "Мехробдан чаён" романида Раъно порт-ретини хдм муйк,алам билан чизилгандай гузал килиб тас-вирлайди.

**Отабек, Кумушбиби** ва **Раъно** портретлари шундан гу-вохлик берадики, ёзувчимиз Абдулла Крдирий унча-мун-ча мусаввирга насиб килавермайдиган даражада рассом-лик санъатини хам эгаллаган экан — бу рассомлик суз санъ-ати рассомлигидир. Айни чокда, мазкур портретларда олам-олам мазмун х,ам бор — к.ахрамонлар маънавияти-дан, рух.иятидан нишона бериб турибди...

5. **Мимик-пантомимик х,аракатлар, имо-ишоралар** — кахрамонлар к,алб диалектикасини, рух,ий киёфаларини, индивидуал жих.атларини очишга хизмат килади. Масалан, "Синчалак" повестининг охиррогида Кдпандаров Сайда устидан юк,ори ташкилотларга шикоят килишга борганида уз хатосига тушунади, килган ишидан пушаймон 'ейди, уйига ОFНр кайфиятда к.айтиб келади. У Саидани чакирти-риб, унинг "соишк-омонлик сураб айтган гапларига жа-воб бермай, кули билан "утир" деб ишора килади". Бу ишора — К,аландаровнинг шу сониядаги кайфиятига мое.

Мимик-пантомимик харакатларда, имо-ишораларда к.ахрамоннинг айни дамдаги.рухий ах,воли, оний кайфия-ти, уша еониядаги туйгулари дам ифодаланади. Чунончи, Сайда мажлисда тартиб-интизомни писанда килиш учун, гарчи х,амма Кдландаровнинг мажлисдан кетишига рухсат берган булса х.ам, уни овозга куйишни таклиф килади. Шу жараёнда Кдландаров кдлбида турли кутбдаги х.исларнинг

шиддатли кураши бораётган эди. "Таклиф овозга куйилди. Кдландаров жуда хижолатли бир маросимни утказаётгандай кип-клзариб, илжайиб, кузи кузига тушган одамга "майли, куя бер, ахамияти йук.", деган маънода куз кисиб, тикка турар эди".

6. **Туш** — кахрамонни психологик жихатдан характерловчи поэтик воситалардан хисобланади. Туш оркали ёзувчи, асосан, уз кахрамонлари ички дунёсини, рухнй хрлатини, кечинма ва драмаларини, орзу-хаёлларини очишга интилади. Туш — образларни индивидуаллаштирувчи восита сифатида хам хизмат килади.

Масалан: А.Кдхдор "Сароб" романида куйидаги туш тасвири оркали Саидий характерининг мох,иятини очади. Саидий уйгок,ётгани х.олдатуш куради: "У оламшумул ёзувчи: америкалик мух.аррир сингари х.ар куни бир устунлик нарса ёзиб, йилига ун икки минг олтин маош олади..."

Бу туш-х.авойи. Унда Саидийнинг хдвойи орзу-х,авоси уз ифодасини тоиган.

**Махсус лексик катламлар**

Адабий асар тили(асосан персо-нажлар нущи, к,исман муаллиф нуг-ки)да бир неча гоявий-бадиий мак.-садларда тилнинг махсус лексик ресурслари — эскирган сузлар, неологизмлар, варваризмлар, вульгаризмлар, диалектизмлар, жаргон сузлар, профессионализм (касб-корга оид махсус сузлар)лар, фразеологизмлар, махаллий жой билан боглик. сузлар, макрллар-маталлар, х.икматли сузлар, фольклоризмлар ва бошкалар кулланилади. Асар тилини типиклаштирищда, давр рух.ини акс эттиришда, кахрамонлар тилини индивидуаллаштирищда, персонажларнинг муайян вазиятдаги рухий кечинмаларини ифодалашда, уларнинг касб-кори ва маънавий савиясини курсатишда ёзувчига махсус лексик ресурслар жуда кул келади. Шунингдек, лексик ресурслар адабий асар тилини бойитади, бадиий тилнинг образли ва таъсирчан булишига кумак беради. Куйида тилнинг махсус лексик ресурсларидан баъзи бирлари устидагина ихчам-ихчам тухталиб утмокчимиз. Чунончи:

1. **Эскирган сузлар.** Суз ифодалайдиган тушунча х.аётда йукрлиши ёхуд шу тушунчани ифодалайдиган бошка суз пайдо булиши билан шу хил сузлар аста-секин эскириб, муомала-муносабатдан чика ёради. Бундай сузларнинг ки-

шиларга тушунарли булиши хам борган сари кийинлашиб бораверади, хатто, баъзи эски сузларнинг маънолари бутунлай тушунарли булмай крлиши мумкин. Бундай сузлар китобларда кулланилганда, уларга, албатта, изох. бериладн. Шу хил сузлар илмда эскирган сузлар деб юритилади. Тарихий, тарихий-инкилобий мавзулардаги бадиий асарлар тилида конкрет гоявий-бадиий максадларда ана шундай эскирган сузлар хам муайян меъёрда к^лланилади. Бундай сузлар, биринчидан, давр рухини ифодалашда, иккинчидан, кахрамонлар тилини индивидуаллаштиришда ёзувчига кул келади. Чунончи, "Утган кунлар" романида арабча-форсча ва эскирган сузлар махррат билан ишлатилган — бу сузлар XV аср урталаридаги узбек тили ва шу даврнинг тарихий рухини ифода килган.

Эскирган сузлар икки хил булади: тарихий сузлар ва архаизмлар.

**Тарихий сузлар** — утмишда маълум тушунчаларни ифо-далаган, аммо кейинчалик, шу тушунчаларнинг узи йукр-либ кетиши билан уларнинг ифодаси сифатида истеъмол-дан чикиб кетган сузлар. Масалан, ёргучок., файтун, к.ози, к.аландар, ясовул, чарх, каби сузлар тарихий сузлар. Хозирги адабий тилимизда х.ам, жонли сузлашув нуткида х.ам бу хил сузлар (бундай сузларнинг синоними хам булмайди) кулланилмайди. Тарихий сузлар йук, булиб кетган нарса ёки тушунчалар х.акида гап боргандагина фойдаланилади. Бадиий асарда тарихий сузлар ёзувчининг гоявий-бадиий максадини амалга оширишга ёрдам беради. Масалан, Аб-дулла ^ахдор "Угри" хикоясида элликбоши, амин, пристав каби амалдорлик номларини кулламаганида эди, уига давр рух.ини бу кадар ёркин ифодалай олмас эди. Одил Ёкубов "Улугбек хазинаси" романида подшо, султон, ар-кони давлат, пир, каландар, бек, шах.зода каби тарихий суз ва ибораларни махррат билан куллаш орк.али х.ам XV аср рух.ини ифодалашга муваффак. булган. Шу уринда роман бош кахрамони Мирзо Улугбекнинг бир ички монологини эслайлик: "Ё тавба! Бу **тожу тахтда** не сехр, не сир-асрор бор эканким, унга **ултирган** хар бир кимса дархрл узгаради? Одамийликни, умри **бебах.о** бир **фак^ир-хднир** эканини дарх.ол унутади? Бу **тожу-тахт, бу салтанат** х.еч кимсага вафо к.илмаслигини ёдидан чик,аради? Наинки

шахзода, бутахт хаттоким **амирул муслимун** аталмиш Амир Темурга хам вафо килмаганини тушунмайди? Ана, гуё бобоси Амир Темурдай гердайиб ултирибди! Билмайдиким... йук., тухта, Мухаммад Тарагай! Нечун сен шахзодадан **ранжийсен**? Бу вафосиз тожу-тахт, инсонлар устидан хркимлик килмок. лаззати узингни хам акди хушингдан айирмаган эдиму? Шах.зода яхши **булсун,** ёмон **булсун** — уз фарзандинг, уз **пушти камарингдан** булган **зурриётинг** эмасми?.. От тепкисини от **кутарадур.** Уни каргаб ёмонлик тилагандан яхши сузингни сузлаб, насих.атингни к^лганинг мац**бул** эмасму, эй осий банда?"

Ички монологдаги остига чизилган сузлар ва грамматик шаклларнинг магзини ча^иб курсангиз — куз олдингизга жонли Улугбек шахси ва унинг фожиаси келади. Бу — XV аср садоси!

Архаизм (юнон. archaios — к,адимги суз) — актив сузлар каторида синоними мавжуд булган эски сузлар. Бу уринда сузнинг шакли эскирган, аммо маъноси сакданган — бош-к,а сузга кучган булади. Масалан, ораз — юз, дудок, — лаб, мухр — печать, улус — халк., акча — пул, шуро — совет, фирка — партия, жумхурият — хркимият, махмуа — туплам каби сузларда сузнинг биринчи шакли эскирган, аммо унинг иккинчи шакли хрзирги адабий тилимизда актив адабий сузлар каторида кулланилади. Шундай сузларнинг биринчи шакллари архаик сузлардир.

Бадиий асарлар тилида архаик сузлар ва иборалар айрим вактлардагина конкрет гоявий-бадиий максад билан кулланилади. Чунончи, тарихий ёки тарихий-инкилобий мавзулардаги асарларда тасвирланаетган вокеа руй берган жой ва тарихий шарОитларга мое ифодалар ишлатиш зарур булганда, персонажлар тилини типиклаштириш жараёнида ва бошка услубий мак.садларда архаик суз ва иборалар кулланилади.

Абдулла Крдирий, Садриддин Айний, Ойбек, Собир Абдулла каби суз усталари архаизмлардан махррат билан фойдаланганлар. Мисол: С. Абдулла "Янги йил алёри" шеърида шундай дейди:

То дунё бор шундай яхши замон булсин,
Дустларимиз х,ар доим омон булсин.

Собир айтар, душман сулсин, сомон булсин,
Унга лаънат, дустга *куглур ашъор* айтинг.

Ёки "Навоий" романида:

Хикмат ва гайратни асло кулдан берманг, — деди Навоий суюниб, — *эл-улус* сиздек зотларга FOHT му^тождир.

Бу мисолларимиздаги **"ашъор" (шеър), "эл-улус"** (халк) сузлари архаизмлардир. Шунингдек, М. Шайхзоданинг "Мирзо Улугбек", О. Ёкубовнинг "Улугбек хазинаси", Мирмухсиннинг "Меъмор" каби асарларида хам архаизмлар махррат билан ишлатилган. Шоир А.Орипов "Аён булгай" газалида ёзади:

Агар ёринг хиром этса,
Саболардан аён булгай,
**Такаллуми** чаман берган
Садолардан аён булгай.

Бу байтдаги "сабо", "садо", "такаллум" сузлари мах.орат билан ишлатилган архаик сузлардир.

Архаизмлар асарга тантанаворлик, дабдабали туе бериши ёки кесатик., масхара килиш каби максадларда х.ам ишлатилади.

2. **Неологизм** *{юнон.* neos+logos — янги суз) — хаёт янгиликларини ифодаловчи янги сузлар, халк. ёки ёзувчи томонидан янгидан ясалган сузлар.

Жамият таракдий этган сари янги тушунчалар пайдо булади ва уларни янги сузлар оркали ифода к.илиш эдтиёжи тугилади. Натижада янги сузлар юзага келади. Чунончи, *футбол, волейбол, хоккей, электр, трактор, ракета, сунъ-****ш*** *йулдош* каби жуда куп сузлар узбек тилига кейинчалик кириб келган сузлардир.

Масалан, F. Рул ом шеърининг бир бандини олиб курай-лик:

*Футбол* майдонидир *космос* кенглиги,
Бизнинг *ракеталар* етди нишонга.
Ойнинг орк;а тараф суратин олдик, Бу
шараф муборак улуг инсонга.

Бу банддаги "футбол", "космос", ракета" сузлари неологизмлардир. Чунки, мазкур сузлар хдётимизда пайдо булган янги нарсаларни, техника янгилигини ифодалайди.

Лекин хар кандай ясама суз хам тилга сингиб кетавермайди. Бир янги суз тилга кириб кетиши учун биринчидан, шу сузга жамиятда эхтиёж булиши лозим. Иккинчидан, янги суз ана шу пайдо булган тушунчани тула ифода к,илиши ва, учинчидан, тилдаги крнуниятларга асосланган булиши керак.

Неологизмлар — ёзувчи лугатини бойитадиган манбалардан бири.

3. Диалектизм *(юнон.* dialektos — шева) — маълум бир жойнинг ахрлиси ишлатадиган, бошкдларга у кадар тушунарли булмаган суз ва иборалар. Масалан: адабий тилдаги "хрвли" сузи Фаргона водийсида "эшик" деб юритилади; борибок. (борган хамона) сузи баъзи жойларда борибла шаклида ишлатилади. Шунингдек, *цалампир, ишцлиб, келаётир* сузлари Тошкент шевасида *гармдори, ^айтовур, кевотти* деб ишлатилади. Бу — диалектизмдир.

Диалектизмдан *ТОЯТ* эхтиёткорлик ва усталик билан фойдаланилади. Акс ^олда у асар тилини бузади, огирлаштириб хуяди. Суз санъаткорлари диалектизмдан маълум меъёрда фоидаланиш оркали персонажлар тшшарини индивидуаллаштиради, конкретлаштиради.

А. Мухторнинг "Тугилиш" романидан олинган куйидаги парчага эътибор к.илинг:

Поччаев бу сафар руйхат кутариб кирди...

—Диктат, урТОКJіар! — деди у калам билан фанерни такиллатиб.

—Жуманазаров Матчон борми?

—Бор.

—Касбинг?

—*Куйчивон.*

—Николаев Никита? ,

—Бор. Дурадгор.

—Сариев Жуман? ;.'■'■

—Слесарь.

—Холдор Жо-Жо...

—*Шатта.* Жонсугуров *памилам. Амолайким* касбим к^п. *Учтасинила* айтай. Аввал дукон мудири *угонмап, иниай* искаладда завдиш, экспидитр...

Баъзан диалектизм автор нущида хам учраб туради: ёзувчи кайси мухитни тасвирлаётган булса, автор нуткини хам кисман уша мухитга (ёки маълум касб кишиларининг тилига) мослаштиради.

4. **Варваризм** *(латин.* barbarus — ажнабий) — бошкд тиллардан келиб кирган суз ва иборалар. Масалан, Ойбекнинг "Фанга юриш" шеъридан олинган куйидаги бандга эътибор килайлик:

Эй, эркин кишлокнинг йигит-кизлари!
*Техника* калбида бу *икс-игрик Формула*
ёнади — шу *электрик* Тирмашинг,
фанларнинг юксаги сари!

Бу бандда биз йигирманчи йилларда узбек тили учун бутунлай янги булган **"техника", "икс-игрик", "формула"** ва **"электрик"** сузларини учратамиз. Булар узбек адабий тилига кириб келган ажнабий сузлар — умумбашарий атамалардир. Шу атамаларсиз тасвирланаётган давр рухини ифодалаб булмайди.

Ёзувчилар чет эл маданияти олдида сажда к^лувчи кишилар образининг тилини типиклаштиришда х.ам варваризмлардан фойдаланадилар. Масалан, ХД-Ниёзий "Бурунги крзилар ёхуд Майсаранинг иши" х,ажвий комедиясида, К.ОЗИ нутк.ида "падар", "аьлам", "6OKJI", "тавба", "хароб", "талок,"; Мулларузи нуткида "мардуд", "назр", "тангри", "маътал", "куръони карим", "пинх.он", "лоюкаллифуллоху нафоан илло вус ах.о", "бак.адри токдт", "мушкулот", "шаърий", "иншоолло", "кушойиш", "субх.онолло", "бисмилло", "ёвмул", "ак.ойи мушк", "асрор", "бо х.озор", "малхуз"; Хддоятхон тилида "олло", "азроил", "муаккил", "мурдор", "астагфирулло", "каромат", "турфатул айн", "таом", "рубару", "мах.буб", "жаббори аъзам", "калима" каби арабча-форсча диний с^з ва ибораларни куллайдики, бундай варваризмлар х.ам мазкур образларни шариат пешволари сифатида характерлашга имкон беради. Ёзувчи Аскад Мухтор "Тугилиш" романида Самадий нуткини индивидуаллаштиришда "бонжур", "сил ву гше", "хелло", "адъю", "хау-дую-ду" каби ажнабий сузлардан уринли фойдалана олган. Булар х.ам варваризмлардир.

Бир халкринг бошка халклар билан алокаси ортиши ва таракдий этиши натижасида бу халк, орасига янги тушунчалар ва янги сузлар киради. Вакт утиши билан бу сузлар тамоман узлашиб кетади ва уларнинг варваризм эканлигини пайкаш кийин булиб крлади. Масалан, узбек тилидд *ной, чойнак, самовор, патнис, картошка, калам, адабиёт, образ, сюжет, характер, композиция* каби сузлар аслида варваризмдир, лекин улар тилимизга сингиб уз сузимиз булиб кетган.

Аммо тилга бундай варваризмларни киритишнинг мухим шарти бор: тидда шу варваризм ифода этадиган маънони тула бера оладиган суз топилмаган такдирдагина варваризмни тилга киритиш мумкин. Акс хрлда варваризм тилни огирлаштиради, кенг халк; оммасига тушунарли булмайди.

5. **Вульгаризм** *{латин.* vulgaris — дагал) — адабий тилда ишлатилмайдиган дагал сузлар ва нотутри тузилган жум-лалар.

Ёзувчилар уз асарларидаги айрим к,ахрамонларнинг маданиятсизлиги ва дагаллигини бурттириб курсатиш учун баъзан уларнинг нущида вульгаризмдан фоидаланадилар. Масалан, шоир ХОлимжон "Зайнаб ва Омон" поэмасида Анор хола нуткдца вульгаризмни куллаш орк,али унинг х.акикий киёфасини очади, индивидуаллаштиради:

Разабида олам-олам ут,
Тушунчаси к.оп-к.ора будут Каби
борган сари куюлар; Анор гуё
сочини юлар Каби булиб минар
хajyira. Хамма гапни совуриб елга.
Синдиргудай Зайнаб бошинй, Ота
бошлар таъна тошини:
"Орттирганинг колхозда шуми?
Эй *шарманда, беномус, бебош.*
Бахт деганинг шумиди, ^али?
Ишлайман деб топибсан *уйнаш "*

Шунингдек, АДодирийнинг "Тошпулат тажанг нима дейди?" киссасидаги Тошпулат тажанг тилида: "тумшугингга ел тушкур", "х.ез", "х.езалак", "ит эмган", "итдан тук,-

кан", "хумса", "липпамни кркдй", "итафт", "чунтагингга бурнимни кокай" каби суз ва иборалар, "Калвак махзумнинг хотира дафтаридан" киссасидаги Калвак махзум тилида: "мочагар", "гумрох.", "уйнаш", "эмчак" сингари купол ва уят суз вулгаризмлар ишлатилганки, бу сузлар Тошпулатнинг чапани ва Калвак махзумнинг фиски-фасодчилик табиатини очишга хизмат киддирилган.

Аммо муаллиф тилида вульгаризмларнинг деярли куллаб булмайди. Умуман, адабий асарда дагал, купол сузлар куллаш, нотугри тузилган жумлаларни ишлатиш — тилнинг бадиийлигига зарар етказмайдиган даражадагина булиши мумкин, холос. Акс хрлда вульгаризмлар китобхонни нотугри тарбиялайди, адабий асарнинг эстетик-тарбиявий кийматини туширади.

6. **Жаргон сузлар** (франц. jargon — бузилган тил) муайян ижтимоий табака ёки кишилар гурухи томонидан ишлатиладиган шартли сузлар ва иборалар. Жаргон узбек ти лида **абдал тили** деб хам юритилади. Угрилар, киморбозлар, чайкрвчилар, отарчилар, чапанилар, порахурлар ва бошкд гурухдаги одамларнинг уз жаргонлари булган. Улар узаро сузлашувда (бошкалардан сир саклаш учун) сунъий суз ва шартли иборалар, тилда мавжуд булган сузларни шартли-келишилган маънода ишлатганлар. Масалан, отар чилар "сок.к.а", "якандоз", "лой" каби сузларни жаргон сифатида куллашган.

Жаргон сузлар адабий тилни булгайди. Аммо улар бадиий адабиётда жойини топиб ишлатилса, хусусан, хджвияда персонажлар тилини типиклаштиришда ва индивидуллаштиришда ёзувчига жуда кул келади — характер к.ир-раларини очишга, образларга табиийлик ва хакдонийлик РУХ.ИНИ бахш этишга хизмат килади.

7. **Омоним** (юнон. homos — бир хил ва onymu ном) — талаффузи ва ёзилиши (шакли) бир хил, аммо маънолари хар хил булган сузлар ва иборалар. Масалан, от (хдйвон), от (буйрук. феъли); чак.мок. (табиат хрдисаси), чак.-мок. (чак.имчилик килмок), чакмок. (данакни чакмокЗ; туш (туш курмок.), туш (буйрук. феъли) каби сузларнинг та лаффузи х,ам, ёзилиши хам бир хил булса-да, улар матнда ранг-баранг маъноларни ифодалайди. Булар — омонимлардир.

Бир мисол:

Кулингдан келганча чикар яхши от,
?>, Яхшилик к;ил, болам, ёмонликни от.
Насихатим ёд цилиб ол, фарзандим,
Ёлгаз юрса чанг чщармас яхши от.

*(Фозил Йулдош угли)*

Омонимлар, одатда, икки хил булади: лексик омонимлар ва фразеологик омонимлар. Агар омонимлар ёзилиши ва талаффузи бир хил булиб, ранг-баранг маъноларни ифодалайдиган сузлардан таркиб топган булса — булар **лексик омонимлар** деб юритилади. Чунончи, ут (усимлик), ут (олов), ут (инсон организмидаги бир хужайра) каби. Талаффузи ва ёзилиши бир хил булиб, турли-туман маъноларни англатувчи иборалардан таркиб топган омонимлар **фразеологик омонимлар** деб юритилади. Масалан, бошга кутармок. (гоятда хурмат килмок), бошга кутармок. (шов-кин-сурон кутармок), бошга кутармок. (юкни бошига кутармок} каби[1].

Бадиий асар тилида омонимларнинг ранг-баранг куринишлари кулланилаверади. Омонимлар *полисемантизм* (куп маъноли сузлар)га ухшаб кетади: уларнинг хар иккаласи хам сузларга маъно оттенкалари багишлайди. Аммо, улар айнан бир нарса эмас: омоним сузлар ифодалаган маънолари уртасида ички бовганишлар булмайди, полисемантизмларда эса маънолар уртасида, албатта, ички богланиш мавжуд булади — бири иккинчисидан келиб чикади. Масалан, ёш (одамнинг ёши), ёш (куз ёши) омоним сузларнинг маънолари: бири (куз ёши) иккинчиси (одамнинг ёши)дан келиб чикмайди — улар мустакил маъно ташийдилар, аммо бош (одамнинг боши), бош (иш боши), бош (дарёнинг боши) каби полисемантизмларда ифодаланган маънолар уртасида ички богланиш мавжуд — уларнинг заминида битта бош суз туриб, у икки хил маъно, яъни асл маъно (одамнинг боши) ва кучма маъно (иш боши, дарёнинг боши) ифодалаган. Бошкача кдлиб айтганда, бош

---

[1] К,аранг: *М. Асцарова, К.Крсимова, Х.Жамолхонов.* Узбек тили, Т., "Ук,итувчи", 1976, 43-6ет.

сузининг кучма маъноси унинг асл маъносидан келиб чик,-кан. Шунга кура, ёш сузи — омоним, бош сузи — полисемантизмдир. Ёзувчилар уз асарлари тилида омонимлардан кандай фойдаланишса, полисемантизмлардан дам шундай фойдаланадилар. Полисемантизм ва омоним сузлар адабий асар тилига эмоционал буёкдорлик, сержилолик ва тасвирийлик бахш этади.

Омонимлар, хусусан, суз уйинларида, туюк. ва тажнисларда, халк. кизикчилиги ва аскияларида кенг кулланилади.

Баъзан шеър крфияларида хам омоним сузлар ишлатилади. Бундай крфиялар, одатда, омонимик крфиялар деб юритилади.

8. Синоним *(юнон.* synonymos — бир хил) — талаффузи ва ёзилиши бошка-бошка, лекин бирлаштирувчи умумий маънолари бир хил булган, кушимча маъно оттенкалари, эмоционал буёги ва стилистик жихатдан бир-биридан фарк.-ланувчи сузлар ёхуд иборалар. Масалан, *куп, анча, талай, сонсиз, саноксиз, беуисоб, мул, сероб, беадад, бисер* сузларининг синонимик лутатдаги талкинини эслайлик: "Куп сузи кенг тушунчага эга. У предметга хос микдорнинг катталигини ифодалаш учун х.ам, х.аракатнинг сон жихатдан катталигини ифодалаш учун хам кулланилади. *Анча, талай, мул, сероб* сузлари нарсанинг сон ва микдори жих.атидан куплиги маъносида кулланади. *Анча* сузи англатган микдор куп сузи англатган микдорга нисбатан камрок, булади. *Сонсиз, саноцсиз* факат нарсага нисбатан кулланади ва белгини жуда кучли даражада ифодалайди. *Мул, сероб* сузлари нарса мик,-дорининг куплиги маъносида кулланади, вактга нисбатан кулланмайди. *Мул, сероб* сузларида "тукин"лик оттенкаси бор. *Ададсиз*эскирган, китобий"[1]. Демак, бу сузларнинг бирлаштирувчи умумий маъноси битта — купдир, аммо уларнинг х.ар бирида узига хос маъно оттенкалари, эмоционал буёга, услубий хусусиятлар бор, бу сузлар талаффуз ва ёзилиш жихатидан х.ам бир-биридан фаркланади. Мана шундай сузлар синонимлар деб юритилади.

---

[1] *А.%ожиев.* Узбек тили синонимларининг изо5рш **лугжги.Т-.,** чи, 1974, 130-бет.

Бирлаштирувчи умумий маънони ифодаловчи, ранго-ранг маъно оттенкаларини ташувчи, талаффузи ва ёзилиши хар хил булган икки ёки ундан ортик. сузларнинг кет-ма-кет келиши **синонимик катор** деб аталади. Синонимик каторда нисбатан бетараф (нейтрал) лексик маъно ташувчи суз ёхуд адабий тилда купрок. кулланиладиган суз **доминанта** (бош суз) дейилади. Масалан, *чиройли/гузал, %усндор, хушруй, ку^лик, куркам, парно, сулув, зебо, латофатли, сощбжамол* сузлари синонимик каторни ташкил этади ва ундаги *чиройли* сузи (услубий жихатдан нейтрал) доминанта ёки бош суздир. Синонимик катордаги сузлар нуткнинг бирор услубига хосликни хам курсатади. Чунончи, *сов га, у,адя, тортик, армуюн, тух,фа* синонимик кдторидаги тух.-фа ва армугон сузлари китобий услубга хос; *упич, буса, муччи* синонимик каторидаги *буса* поэтик услубга *ва муччи* фольклор услубига хосдир[1].

Синонимик каторлар фак.ат сузлардангина эмас, балки суз билан ибора ёхуд факат ибораларнинг узидан х.ам тузилиши мумкин. Агар синонимик к.атор фак.ат сузлардан таркиб топган булса (содик., садокатли, вафодор, фидокор каби) **лексик синонимлар,** суз билан иборадан тузилган булса (кдрамок;, нигох. ташламок, каби) **лексик-фразеологик синонимлар** ва фак.ат иборалардан ташкил топган булса (тарвузи култигидан тушди, умиди пучгачикди, хафсаласи пир булди каби) **фразеологик синонимлар** деб юритилади[2].

Тилимиз синонимларга жуда бой. Алишер Навоийнинг "Мух,окаматул-лугатайн" асарида к.адимги узбек тилидаги синоним сузлар кенг ва чукур текширилган. Шу асосда хам туркий тил (кадимги узбек тили)нинг бойлиги исботланган. Шунингдек, тилшунос олим Азим Хожиевнинг "Узбек тили синонимларининг изохли лугати" китобида х.озирги узбек адабий тилида кенг кулланилаётган лексик синонимлар камраб олинган ва улар муфассал шархланганки, бу асарларни, албатта, пухта урганиб чикиш мак,-садга мувофикдир.

---

[1] К,[а]ранг: *А. %ожиев.* Узбек тили синонимларининг изохли лугати. 4-бет.

[2] К,аранг: *М.Асцарова, К.К,осимова, %.Жамолхонов.* Узбек тили, Т., "Укитувчи", 1976, 45—46-бетлар.

Синоним сузлар адабий асар тилида образлилик, эмоционаллик, тасвирда аниклик ва жозибадорликни таъминловчи асосий воситалардан биридир. Ёзувчи халк. тилидаги синонимларни, уларнинг маъно оттенкаларини, эмоционал буёкларини кднчалик чукур билса ва улардан санъаткорона фойдалана олса, унинг асарлари тили шу кадар ширали, жозибадор ва таъсирчан булади. Алишер Навоий, Захдриддин Мухаммад Бобур, Х&мза, Абдулла Кддирий, Чулпон, Ойбек, Абдулла Кдхдор, Хамид Олимжон ва бошка ижодкорларнинг асарлари ана шундан гувохлик беради. Бир мисол:

Эрур бас чу хусну маловат сенга,
*Ясанмоц, безанмок* не х;ожат сенга.

*(Алишер Навоий)*

9. **Антоним** (юнон. anti — к.арши ваonoma — ном) — бир-бирига карама-карши, зид маъноларни ифодаловчи суз ва иборалар. *К,иш-ёз, иссщ-совуц, яхши-ёмон, куп-оз, дуст-душман, кеча-кундуз, доно-ахмоц, квнг-тор, аччщ-чучук, ёш-цари, катта-кичик, паст-баланд, актив-пассив, ёлгончи-ростгуй, олмок-бермок, мард-номард, ме%натсевар-дангаса* каби бир-бирига зид маъноларни ташувчи сузлар антонимлардир. Ан-тонимик муносабатга киришган икки суз **антонимии жуфт суз** деб юритилади. Антонимик жуфт сузлар, одатда, бир суз туркумидан олинади. Масалан, кеча-кундуз (от), иссик.-со-вук, (сифат), куп-оз (равиш), олмок,-бермок. (феъл) каби[1].

Антонимлар таркиб топишларига кура куйидаги турларга булинади: а) **лексик антонимлар** — карама-карши маъноли сузлардан таркиб топади: *доно-нодон, киш-ёз, кеча-кундуз* каби;

б) **лексик-фрйзеологик антонимлар** — к.арама-карши маъноли суз ва иборалардан таркиб топади: *кувнок-дили сиё%, цизганчщ-кули очщ...*

в) **фразеологик антонимлар** — карама-карши маъноли иборалардан тузилади: *боши осмонга етди-фитни фалакка чикди, ок кунгилли-кора кунгилли..?*

---

[1] К,аранг: *Р. Шукуров.* Узбек тилида антонимлар. Т., "Фан", 1977.
[2] *М.Ащарова, К.Крсимова, %.Жамолхонов.* Узбек тили, 47-бет.

Антонимлар бадиий асар тилида мудим функцияни утайди: тасвир объектини ички зиддияти билан очишга, вокеа-додисани бурттириб ва ёркин килиб ифодалашга хизмат килади. Ддабий асар тилидаги образлилик ва эстетик таъсирчашгикни таъминловчи воситалардан/"бири дам антонимлардир. Шунинг учун дам санъаткор ёзувчилар тил бойлигидаги антонимларни чукур билишга ва улардан мадорат билан фойдаланишга дамиша астойдил интйлишади. Антонимлар узбек мумтоз адабиётида образли ифода усули сифатида тазод ва тарсиъ санъатларида кенг кулланилган. Масалан,

Ул пари маджуб булгай деб мени девонадин,
Чуздек чщмон *туну кун* гушаи вайронадин.

*(Алишер Навоий.)*

^озирги замон узбек шоирлари дам антонимлардан мадорат билан фойдаланишмокда. Баъзи мисоллар:

Бир улкаки, тупрокида олтин гуллайди,
Бир улкаки, *кишларида* шивирлар *ба%ор.*

*(Ойбек.)*

*Яхши-ёмон* яшар ахир, яшар TOFу
тош, Яшарлар-ку год *эътироф, эътироз*
этмай.

*(Халима Худойбердиева.)*

# III Б9ЛИМ ШЕЪР ИЛМИ ТАЬЛИМИ

## Биринчи боб
## БАРМОК ТИЗИМИ

**Шеърий нутк хакрда тушунча**

Адабий асарлар, одатда, ё наср, ё назм й^ли билан ёзилади. Роман, повесть, хикоя, очерк кабилар асосан, насрий усулда ёзилса, шеър, баллада, поэма сингарилар, асосан, шеърий йудда яратилади; драма, комедия ва трагедиялар хам насрий, хам назмий йул билан ёзилаверади. Айни чокда, наср мулки хисобланган роман, к.исса, хикояларнинг шеърий нутк. йулида яратилган навлари хам бор. (Улар, одатда, "шеърий роман", "шеърий кисса", "шеърий хикоя" деб юритилади.) Шунингдек, драма ва масал кабилар хдм шеърий, хам насрий йулда ёзилаверади...

Шеърий нутк; — шеърий тузилиши — узига хос дунё: шеър тухимасида, биринчидан, насрий ва садна асарлари-да ^ам буладиган — мавзу, масала, FOH, образ, конфликт, сюжет, композиция, бадиий тил унсури мавжуд булса, иккинчидан, унда фак.ат шеър тузилишига хос булган ун-сурлар — мусикийлик, ох;анг, ритм, бугин, турок., бош турок., туркум, вазн, к.офия, радиф, рефрен, эпифора, нака-рот, банд, кучимлар, фигуралар, бадиий санъатлар ва бош-калар мазжуддир. Шеърий нущнинг мана шундай узига хос жих.атларини — шеър тузилишини кунт билан урган-май туркб, шоирни х.ам, шеърни хам, шеъриятни хам — умуман бадиий адабиётни х.ам урганиш мушкулдир.

Поэзия — мураккаб ва гоятда бой санъат. У инсон к.ал-бининг нс'ик х.ис-туйгуларини, фикр ва хиссиётлар х.ара-катини, эх.тирослар кураши ва ривожини эмоционал тарз-да ифодалайди. Поэзияда (насрий нуткда булганвдек) ранг-баранг мавзуларда к.алам тебратадилар. Унинг тасвир имкониятлари нщоятда кенг. Шеърият марокли фантазия ва жозибалк охангларга бой. Шеърда пайвандлашиб кета-диган поэтик фикр-мулох.аза билан нозик хис-туйгулар шаклан сикик, ва мазмунан куюк. х.олда ифода этилади.

Шеърий нуткда яна бир фазилат борки, буни алодида эътиборга олмок. зарур. Профессор Абдурауф Фитрдт "Шеър ва щоирлик." макрласида "Шеър надур?" дея савол куяди ва бу саволга узи шундай жавоб кайтаради: "шеърда кишиларнинг крнини кайнатгувчи, сингирларини уйгатгувчи, миясини титратгувчи, сезгусини кузгатувчи бир куч, **маънавий бир куч** бор. Шундай бир кучи булмаган суз "вазн" ва "крфия"си булсун, шеър була олмайдур... **Чин шеър юрак сезгувларини курсатмакдир.** Вазн, крфия эса сузнинг безагидир..."[1]

Дардак,икат, шундай шеърлар дам учраб турадики, уларда ритм дам, вазн дам, крфия дам, банд дам жойида булади-ю, аммо улар укувчи калбини жизиллата олмайди — шо-ирнинг к,алб х,арорати сезилмайди. Фитрат домла айтганла-ридек, уларда **маънавий куч** — о^анграбо етишмайди. Бундай шеърлар чинакам санъат асари була олмайди. Пекин бун-дан шеър тузилиши масалаларини урганишнинг ах.амияти йук. экан-да, дегандай янглиш хулоса келиб чикмаслига керак. Шеър илми шоир учун дам, укувчи учун дам нидоят-да зарур. Шеър илми поэзия санъати сирлари **хазинасини** очишга ва ундан бадраманд булишга йул очади...

Бу уринда шеър тузилиши устида фикр юритар эканмиз, шу нарсани таъкидлаш жоизки, шеър тузилиши унсурлари, даставвал, шеър тизимлари к;онуниятлари асосида яратилишини дисобга олиш зарур. Шунга кура, унсурларини шеър тизимлари билан узвий боишк; долда урганиш лозим.

Агар жадон поэзияси тарихига шунчаки бир назар ташлайдиган булсак, унда ранг-баранг шеър тизимлари мавжудлигининг гуводи буламиз. Негаки, шеър тизимлари миллий тилларнинг табиатига боглик; додисадир. Жадон халклари тиллари эса табиатан хилма-хил булиб, улар турли-туман оилаларга мансубдир. Миллий тилларда шу тиллар табиатига мое шеърий нутк. тизими, шеър тузилиши усуллари кулланилиши табиий бир долдир. Хар бир шеър тизимида шеър ёзиш, яънифитм, вазн, крфия ва мусикийликни вужудга келтириш усуллари узига хос булади. Чу-

---

[1] "Узбекистон адабиёти ва санъати", 1995 йил 16 июнь.

нончи, бекарор ургули тилларда вазннинг вужудга келиши учун ургуларнинг бир хилда келиши шарт булса, баркарор ургули тилларда вазн учун уругнинг ахамияти йук.. Сузлар бир-биридан овознинг паст-баландлиги жихатидан фарк. килувчи тилларда мисралардаги овознинг бир хилда були-цш такрзо килинса, бошкаларида бунинг хеч кандай ахамияти йук. ва хрказо.

Шеършунослигимизда кайд этилганидек, шеър тукимасида хам миллий, хам байналминал жихатлар мавжуд. Масалан, крфия миллий тил билан ботик, миллий унсур саналса, банд барча тиллар учун муштарак ходиса — байналмилал унсур хисобланади.

Жахрн халклари поэзиясида **метрик (антик), силлабик, тоник, силлаботоник, гекзаметр, дольник ва бошка шеър тизимлари** мавжуд. Шеър тизимлари, одатда, икки типга, яъни **квантитатив ва квалитатив типларга** ажратилиб урганилади. Квантитатив шеър тузилиши бугинларнинг киска-чузиклигига, микдори ва тартибига асосланади. Бу типга хинд, юнон, араб, форс-тожик ва туркий аруз шеър тизимлари мансуб. Квалитатив шеър тузилиши бугинларнинг микдорига, ургули-ургусиз бугинларнинг сони ва тартибига таянади. Рус, француз, поляк шеър тизимлари, туркий халкларнинг бармок. (силлабик) шеър тизими шу к,онуниятга асосланади.

Таъкидлаш лозимки, х.ар кандай шеър тизимининг заминида **бугин (^ижо)** туради. Бирок, турли шеър тизимлари бугинга турли нуктаи назардан к.арайди. Чунончи, силлабик (бармок.) тизими бугинларнинг микдорига, тоник тизими бугинларнинг ургули-ургусизлигига асосланади...

**Узбек шеър тизимлари** хам узига хос. Узбек шеърияти, асосан, **бармок. ва арузда** битилган.

Роя — хар кандай санъат асарининг "кони ва жони". Шеър хам гоя билан тирик. Аммо турли санъат асарлари гояни турли йусинда ифодалайди. Шеърнинг узига хослиги шундаки, у гояни мусикий к.обикда акс эттиради. **Мусик.ийлик — шеърнинг бош ифода воситаси.** Бас шундай экан, шеърда к.андай унсурлар ёрдами билан мусикийлик-ка эришилади деган масала куйилиши табиийдир.

Аввало шуни айтиш керакки, шеърда мусикийликни вужудга келтирувчи бир к,анча "техник" унсурлар мавжуд.

Бундай унсурлар бажарадиган вазифаларига кура икки гурудга ажралади: а) асосий унсурлар: ритм (зарб), вазн, крфия ва банд; б) ёрдамчи унсурлар: интонация, поэтик синтаксис, шеър санъатлари, кучимлар...

**Ритм**

**Ритм (юн. rhytmos — вазндош, одангдош) — шеър мисраларидаги бир-бирига тенг нущ булакларининг бир текисда изчил ёхуд ноизчил такрорланиб келишидан пайдо буладиган оханг-дошлик.** Бу одангдошликни биз шеър укилаётган пайтда-гина дис кила оламиз. Ритм шеър мусикийлигини ва уму-ман бадиийлигини таъминловчи асосий воситалардан бири. Шу сабабли ритмсиз шеърни сира тасаввур килиб булмай-ди. **Аруз ва бармокда шеър "ритм"ини бадиий зарб ва бир меъёрдаги даракат-маром вужудга келтирса, эркин шеърда, хусусан, сарбаст шеърда ритм нутк. булакларининг нотекис харакати ва бадиий зарбдан пайдо булади.**

Х.аёт — ритм манбаи. Масалан, ер авдаришда, утин ёришда, пиёда юришда муайян меъёрда даракат килинадики, шуни узи ритмдир. Умуман ритм меднат жараёнидан келиб чикдан. Мусика дам ритм (узун ва киска, паст ва баланд товушларнинг муайян меъёрда такрорланиши) -га асосланади. Рак,с х,ам ритмга амал килади. Халк. кушик,-ларининг негизини ритм ташкил килади... Харакат жараёнида ритм пайдо булади, аммо дар кандай даракат дам ритм булавермайди. "Харакатнинг муайян улчовга риоя килиши, изчил такрорланиши ва унинг инсон томонидан дис к.илиш мумкинлиги ритмнинг мудим хусусиятидир"[1]. "Узаро солиштирганда, маълум вак.тда изчил равишда алмашиниб келган ва эшитув сезгимиз оркали дис этилган додисалар тизими ритм дейилади"[2].

Шеър ритми, одатда, унинг купгина унсурлари билан богаик. долда даракат к.илади. Бармок. тизимидаги шеърда ритм мисраларидаги бугинларнинг микдор жидатидан муайян тартибда такрорланиши, турокдарининг микдори ва тартиби, бандларнинг бир хилда такрорланиши, к.офия,

---

[1] *У.Туйчиев.* Узбек совет позициясида бармок; системаси. Т., Фан, 1966, 276-бет.

[2] *Назаренко В.А.* Энергия стиха. Вопросы сов. лит-ры. М., 1957, стр. 384.

радиф, накдротлар билан узвий бирликда уз вазифасини утаса, аруз тизимидаги шеърда эса мисраларда хджоларнинг сифати (кдтекд-чузиклиги), шунингдек, рукнларнинг тузилиши, микдори ва тартиби, вазн, бандтартиби, крфия, радиф, бадиий санъатлар ва бошкд унсурлар *билан* бир бутунликда харакат кдпади. Бу уринда бармок, вазнида ёзилган шеърдан мисол олиб курайлик:

Булутнинг чоклари ! сукидди, = 9
3 3 3
Марварид доналар !тукилди, буннн
3 3 3 !
Сабзанинг крмати букилди, = 9
3 3 3
К^нглимдек ! бахррлар ! чогида, ! =9 6уFНН

Шоир Амир Умарийнинг "Ёмгирда" шеъридан олинган юк^оридаги банднинг х,ар бир мисрасида тухдиз бутин булиб, улар уч турок^а ажралади. Схемаси: 3+3 + 3=9. Мана шу схема шеърнинг долган барча мисраларида хам айнан такрорланади. Чунончи, шу шеърнинг охирги бандини текшириб курайлик-чи:

3 3
Шеърларим ! чечагим, ! =9 буиш.
3 3 3
Шеърларим ! бойликдир,! бисотим, ! =9 бупга !
3 3 3
Ёишфдан ! намланмас ! цанотим, -9 буган
3 3 3
Ошаман ! булутлар ! торидан ! =9

Хуллас, 3+3 + 3=9 схемасининг бир текисда ва изчил такрори мазкур шеър ритмида мудим роль уйнаган.

Аруз ва бармокда яратилган шеърда аник, бир схема асосидаги изчил ва бир текисдаги такрорлар булади (маром) ки, булар шеър ритмида чукур из к,оддиради.

Ритмни вужудга келтирувчи асосий унсурлардан бири — ваздир. Вазн эса бутин (хижо), турок,, бош турок,, туркум каби унсурлардан пайдо булади.

**ВуFНН— бир нафас зарби билан айтиладиган товуш ёхуд товушлар бирикмаси, сузнинг мустацил талаффуз *кдщяи-***

**ши мумкин булган булаги.** Бугин нущ товушларидан таркиб топади. Нущ товушлари (а, я, э, е, и, о, ё, у, ю, у) унли товушлар ва (б, в, г, д, ж, з, й, к, л, м, н, нг, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, к,, ғ, х.) ундош товушлардан таркиб топади. Б>тин тузилиши, асосан, унли товушлар билан богаик, сузда унли товушлар нечта булса шунча бурин булади. Бугинлар тузилишига кура — бир товушли ва куп товушли булади. Агар бугин бир товушли булса, унда, албатта, бир унли товуш булиши шарт; куп товушли бугин таркибида, албатта, бир унли хамда бир, икки ва ундан ортик. ундош товуш булади. Куп товушли бугинларда унли товуш ундош товуш (бугинда бир ундош булса)дан олдин, кейин ёхуд (бугинда икки ёки ундан ортик. ундош товуш булса) ундош товушлар орасида келиши мумкин.

Бугинлар уз тугалланишларига кура икки хил булади: очик. бутам ва ёпик. бур-ин. Агар бугин унли товуш билан тугаган булса — очик. бугин, ундош товуш билан тугаган булса — ёпик. бутин деб юритилади. Агар бугинга урьу туш-ган булса — ургули бугин ва урҒу тушмаган булса — урҒу-сиз бугин деб аталади. Бутан ёхуд бугинлар бирикмасидан с^з таркиб топади. Инсон фикри суз ва сузлар воситасида ифодаланади. Шунга кура, бугин жонли сузлашув нутк.ида хам, адабий асарда х.ам мух.им роль уйнайди. Кичик бир мисол сифатида куйидаги байт мисраларидаги сузлар ва бугинларнинг тузилиши х.амда улар утаган вазифаси хакида уйлаб курайлик:

Дар-я-си куп ! дард- га да-во, ! я-ли-я-ли, ! = 12 буган
4 4 4
Лим-лим о-^ар,! бул-мас а-до, ! я-ли-я-ли. ! = 12 бугин

*(Миртемир)*

Бугин мумтоз шеъриятимизда "хижо" деб юритилган; арузда ёзилган шеърда кискд ва чузик. х.ижолар тартиби хал килувчи роль уйнаган.

Бурин (ва унинг ранг-баранг куринишлари)сиз шеър мисраларини тасаввур х.ам к^диб булмайди. Чунки шеърнинг к.алби булмиш мусикийлик ва ритмнинг вужудга келтиришда энг фаол иштирок этувчи унсур-бугиндир. Шеъриятда бу>ин кичик ритмик булак х.исобланади. , ,

' Шеърнинг бир катори "мисра" ва икки мисраси "байт" деб юритилади. Бир мисол:

3 3 3
Ут-миш-нинг ! жа-фо-ли ! куй-ни-да ! =9 бупга
3 3 3
Жон-те-мир-лар ! жу-да ! куп бул-ган.! = 9 буган

Бу шеърнинг дар бир катори — мисра ва икки катори (мисраси) — байтдир; хар бир мисрада тукдизтадан бутин булиб, улар учтадан гурух. (турок}га ажралган (схемаси: 3 + 3 + 3=9). "Жонтемир" поэмаси мана шу усулда ёзилган.

Бармок. тизимида бугинлар турокларни, турокдар туркумини, туркум вазнни, вазн эса бадиийлик-мусикийликни, мусикийлик поэтик *тояни* вужудга келтиради. Шеър унсурлари бир-бирлари билан узвий богаикликда, бир-бири билан мустахкам алок.ага киришгандагина вазифасини утай олади, холос.

**Турок,.** Бармок. тизимида бугинларнинг муайян гурух.-ларга ажраши окибатида пайдо буладиган ритмик булак "турок." деб юритилади. Уз вазифасига кура бармокдаги турок, (стопа) аруздаги "рукн"га якин туради. Туроклар шеърда туркумни вужудга келтиради. Юзакирок. к.араганда, турок, (стопа) ва туркум бир-бирига ухшаб кетади, аммо улар айнан бир нарса эмас. Агар мисрадаги буБинлар гурухларга ажралиб турокларни вужудга келтирса, мисра ёки байтда турокларнинг микдори ва уюшув тартибидан туркум яратилади. Бир мисол:

6 5
Кдх-ра-мон бу-либ к,айт, ! ку-чок, о-чай мен, ! = 11 бугин
6 5
А-зиз бош-ги-нанг-дан ! гул-лар со-чай мен.! =11 бутн

*(Миртемир)*

Демак, дар бир мисрада ун биттадан б>тин булиб, улар иккитадан гурудга ажралади: биринчи гуруд — 6 бугин ва иккинчи гурух. — 5 бугиндан таркиб топган. Булар — туроклардир. Мисралардаги турокларнинг микдори (икки) ва уюшув тартиби (6+5 = 11) — туркумдир. Шеър ун бирлик туркумда ёзилган экан.

ТуроКј биринчи галда, ритмга хизмат кдлади. Бир мисол:

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3 | 3 | 3 | |
| Ку-пир-ди, | ! кай-на-ди | ! зур тул-к?га, | ! =9 буган |
| 3 | 3 | 3 | |
| Хай-ки-риб | ! FOB-лар-ни | ! су-ра-жак. | ! =9 буган |

Бу байтдаги хар бир мисра тукдиз бугиндан таркиб топ-ган. Бугинлар эса (хар бир мисрада) уч гурухга ажралган. Схемаси: 3+3+3=9. Иккинчи мисра хам шу схема асосида пайдо булган. Шеър мисраларидаги бугинларнинг шу хил-да гурухларга ажралиши — **буганларнинг турок^аниши** деб юритилади. Демак, туроклар бугинлардан таркиб топар экан. Шеър мисраларидаги буринларни турокларга ажра-тишдан мак.сад щуки, шу туроклар куйиладиган жойда пауза(тиниш) булади — шеър укилаётган пайтда эса, ал-батта, паузаларга амал килинади. Юк.оридаги байт мисра-лари учга булиб укилади. Щу тарифа, шеърнинг оданги — ритми пайдо булади, мусик.ийлик юзага чикади.

Шуни х;ам айтиш керакки, йирикрок, поэтик асарда мисралардаги бугинларнинг турокланиш тартиби муайян к,онуният асосида узгариб х.ам туради.

Бармок, вазнидаги шеър туроклари бугинларнинг мик.-дорига, аруздаги шеър рукнлари эса хижоларнинг хам мик.-дорига, х.ам сифати (киска-чузиклиги)га караб характер-ланади. Хозирги узбек шеърияти (бармокЗда бир бугиндан тортиб саккиз ва хатто ундан ортик. бугиндан таркиб топ-ган туроклар учрайди. Мисоллар:

1. Апишерга алла айтиб ухлатган
   Сен-она ! =1+2 бугинли турок;.
   Огушвда Бобур камолга етган
   Сен-она ! =1+2 бугинли турок;.

   *

*(Миртемир)*

2. Сукунат — шоирнинг сузлари.
   Айта... ! *=2 буеишш* турок,
   Олмай... ! =2 буишли турок,
   Кетган... ! =2 бугинли турок
   Сузлари. ! =3 буринли турок,

*(Омон Матчон)*

3. Она менинг хакдим куп:
Куёщцан ! =3 б5т?инли турок,
Гуллардан ! =3 бугинли турок,
Ва сендан ! = 3 бугинли турок,
"

[,

*(Рауф Парфи)* }

*4.* Халк. денгиздир, ! халк; ту\лкиндир, ! халк; кучдир, ! **4+4+3** Халк, исёндир, ! халк, оловдир, ! халк, учдир... ! =4+4+3 Халк, кузролса ! куч йукдирким, ! тухтатсин.! =4+4+3 К^увват йукким, ! халк, истагин ! йуХ этсин. ! =4+4+3 Халк, исёни ! салтанатни ! йук, кдлди, ! =4+4+3 Халк. истади, ! тож ва тахтлар ! йикилди... ! =4+4+3

*(Чулпон)*

5. Крр капалаги ! - =5 бугинли турок,
Паёнсиз гала... ! =5 буташли турок.
Шамол парраги ! =5 буринли турок,
Тинмай айланар ! =5 бугинли турок,
Кррларни хирмон ! =5 бутинли турок,
Каби совурар... ! =5 буринли турок,

*(Ойбек)*

**6.** Бир улкаки, ! тупропвда ! олтин гуллайди, !=4+4+5 б.т
Бир улкаки, ! кишларида шивиллар бахрр. ! =4+4+5 б.т
Бир улкаки, ! сал курмаса, ! куёш еоFHHар... ! 4+4+5 б.т
Бир улкаки, ! гайратидан ! асаби чакнар. ! =4+4+5 б.т
Бахт тошини ! чакдб, бунда ! куч гувиллайди.! =4+4+5 б.т

*(Ойбек)*

7. Х.аддим борми сизга ! бир суз демакка, ! =6+7 б.т
Хатто узр айтмокда ! сигарми хаддим?... ! =6+5 б.т
Сизнинг хуснингизга ! бокдали якка ! =6+5 б.т
Кднча савдоларни ! бощдан утказдим. ! =6+5 б.т

*(Абдулла Орипов)*

8. Дусту кардощдир азалдан ! ^збегим тожик билан ! =8 + 7 б.т
Иккиси бир байт разалдан ! Узбегим тожик билан! =8+7 б.т

*(Абдулла Орипов)*

*9.* Сен менинг севгим эдинг, ! =7 б.т Севгим
хамон сенсан узинг. ! =8 б.т К,албга
ошно булса ким — бу! =8 б.т Бегумон,
сенсан узинг. ! =7 б.т

*(Эркин **Воффв)***



J

ва бошкалар.

Узбек шеъриятининг турокланиш тартиби бенидоя ранг-барангдир. Хатто, бир вазнда турокланиш тартиби дар хил (натижада бир вазнда ранг-баранг ритм-оданг пайдо) булиши мумкин. Мисол:

3 3 3
Чамандек ! зилолдир ! дилларим, ! =9
3 3 3
Ёмгирдан ! кукарди ! йулларим. ! =9

*(Амин Умарий)*

*4* *5*
Сен одамнинг ! тинглаб сузини ! = 9
4 5
Булокдарнинг ! очдинг кузини. ! = 9

*(%амид Олимжон)*

Куриниб турибдики, биринчи мисол: 3 + 3+3=9 ва иккинчи мисол: 4+5=9 схемаси асосида ёзилган. Бинобарин икки шеър дам (гарчи тукдиз бутинли бармок, вазнида ёзилган булса-да) ритм-оданг жидатидан бир-биридан жиддий фарк, килади. Буидан ташкари, бармок, системасидаги шеърларда вазн, асосан, бутнларнинг сонига боглик, булса, ритм шу буг-инларнинг к;ай тартибда гурудланишига, яъни туроклар тартибига дам боглик,.

**Бош турок;.** Мисрадаги буганларнинг турокланиш жараёнида оддий турок, (кичик ритмик пауза)лардан фарк.-лирок. бош турок, (катта ритмик пауза) дам булади. Одатда бош турок, мисра ёхуд байтнинг охирида келади, баъзан мисра ичида келиши дам мумкин. Шоир Амин Умарийдан бир шеърий парча олиб курайлик:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Кандай яхши, | бахт сингиган ! | диёринг булса, | || =13 |
| Кандай яхши, | мактабларинг,! | гулзоринг булса, | || =13 |
| К,андай яхши, | посбонларинг,! | шункрринг булса, | || =13 |
| Кдндай яхши, | дарсда яхши ! | дилдоринг булса. | || =13 |

Оддий турок, бир чизикча (|) ва бошк.а турок, икки чизикча (||) билан белгиланса (шеърни укиш жараёнида оддий турокдан сунг камрок. тиниш-кичик ритмик пауза ва

бош турокдан кейин купрок; тиниш — катта ритмик пауза булади), юкрридаги шеърий парчанинг х,ар бир мисрасида бир бош турок; ва икки оддий турок; бор: биринчи ва иккинчи турок, — оддий турок,, мисра сунггида келган учинчи турок, бош турокдир. Мана шу турокдар шеър ритми — ох,ангини вужудга келтирган.

Шоир Абдулла Ориповнинг "Ният" шеърида турокданиш тартиби куйидагича:

6 6
Хаёт дегани шу, ! калбнинг тубида = 11
!!
6 6 = 11
Крлгуси шодлик ^ам, ! кдйгу ^ам кдтор.
!! = И
6 6
Ва лекин умримни ! аввал-сунггида =
!!
6 6 11
Ватансиз тасаввур ! STMOFHM душвор. !!

Демак, ТуроiуiаННiii тартиби: 6+5. Хар бир мисранинг сунгги туроги бош турок;.

Бош турокринг адамияти шундаки, шеър мисраларидаги оддий турокдар тартиби узгарса (бузилса х,ам), бош турок, узгармаса, шеър вазни, ритми, мусик^йлиги бузилмайди. Яна бир мисол:

2 4 2 3
Кдпбим ! крлган эди, ! бир HOF ! бу ерда, !! = (2+4)+2+3=11
6 2 3
Сизнинг дилингиз-ла ! жунаб ! кетганман !! = (6)+2+3= 11
3 3 3 2
Аждодим, ! авлодим ! к,ибласи ! — элда !! = (3 + 3) + 3+2= 11
6 2 3
Кдлбимни соганиб / шеърлар / битгандим // = (6)+2+3=11
2 4 2 3
Кдни / бунда ташлаб / кетган / у к;албим. // =(2+4) +2+3= 11

Демак, шеърнинг биринчи мисраси -6(2+4) + 5(2+3) = П; иккинчи мисраси -6+5(2+3)=11; учинчи мисраси - 6(3+3)+5(3+2)= 11; туртинчи мисраси -6+5(2+3)= 11; бе-шинчиси - 6(2+4) + 5(2+3)= 11 схемасида ёзилган экан. Хар бир мисрада бош турок, уз урни (мисра сунгги)да сак,-ланган, аммо оддий турокдар микдор ва тартиб жщатидан

узгарган (бузилган). Шунга карамай шеър вазни, ритми, мусикийлиги деярли бузилмаган. '

**Туркум.** Мисраларда муайян крнуният асосида такрорланиб, шеър вазни (бинобарин ритми)ни вужудга келтирувчи бутинлар гурухд (микдори) туркум деб юритилади. Масалан, тукдиз бутанли мисра асос булган шеър "тук.кизлик туркум" деб юритилади. Мисол:

ТоF-лар-да-га / цип-к.и-зил ло-ла // =9 бугин
Бу-либ гу-ё / ё-кут пи-ё-ла. // = 9 буиш

*{Хамид Олимжон)*

Шоир Хамид Олимжоннинг "Узбекистан" шеъридан олинган юкрридаги байтдан маълум буладики, мазкур шеър "тукдизлик туркум"да ёзилган экан.

Шоир Абдулла Ориповнинг "Сурват ва сийрат" шеъридан бир байт олиб курайлик:

Май-ли, сув-ра-тим-га / бок,-к;и-лу ^у-вон, //=11 Ле-кин
сий-ра-тим-га / таш-ла-ма на-зар. // = 11 буган

Бу шеър ун бир буганли мисра асосида ёзилган — буни "ун бирлик туркум" деб х,исоблаймиз ва ^оказо.

Узбек шеъриятида бир неча туркум (3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17 лик)лар мавжуд.

Бармок,тизимидаги туркум бажарадиган вазифасига кура аруз тизимидаги бахрга ухшаб кетади. Арузда ^ар бир бахрдан бир неча вазнлар келиб чикдани каби бармокдаги х,ар бир туркумдан вазнлар (ритмик ранг-барангликлар) келиб чик.ади.

Умуман, юк.орида к;айд этилган туркумлардан, хусусан, еттилик, туккизлик ва ун бирлик туркумлари шеъриятимизда кенг кулланилмокда. Хуллас, туркум шеър вазнини белгилашда ^ал 1дшувчи роль уинайди. Сирасини айтганда, шеър к.айси туркумда ёзилган булса, вазннинг номи дам шу туркумга нисбат берилади. Чунончи, Х^ами^Д Олимжоннинг "Урик гуллагандй" шеъри

Де-ра-зам-нинг ол-ди-да бир туп = 9 буган У-рик
оп-пок; бу-либ гул-ла-ди... = 9 б;уган ^ «•

байти билан бошланади. Демак, бу шеър **тукдизлик** туркумда ёзилган ва шунга кура унинг вазни **"тукдиз бутинли бармсщ вазни"** деб юритилади.

**Вазн** (арабча: OJJ — улчов, тарози; куплиги Oijji — авзон) —
н
шеър улчови, мезони, меъёри. Вазн шеърий нущни насрий нуткдан ажратиб турувчи асосий унсурлардан зудсобланади. Одатда, бир туркумдаги шеър мисралари, байтлари ва бандларида турохдар ва бош турокларнинг муайян крнуният асосида ишлатилишидан келиб чикадиган ритмик хрдиса-охрнг вазн деб юритилади[1]. Шу важдан, юкррида таъкидлаганимиздек, **бугинларнинг мщдори туркумни белгиласа** (чунончи, туккдз бутинли мисра тукдизлик туркум деб аталса), **туркумдагн Туроiуiар ва бош туроцларшшг мивдори вазнни, уларнинг жойлашиш тартиби ритмни ву-жудга келтиради.**

Масалан:

6 5 ' "]'
'■"■"■"'

1. Сенга мафтун булиб / севиб цолганим, // =11
 6 5
 Ишкз1нг оловида / уртанганим рост. // = 11
 6 5
 Сенинг ёдинг билан / нафас олганим, //=11
 6 5
 Исминг такрорлашга / урганганим рост. // = 11

*(Зулфия)*

4 4 3

2. Йилт-йилт этиб / танга-танга / Веди к,ор, //=11 :
 4 4 3
 Оппок булди / мен юрган кенг / таниш йул. // = 11
 4 4 3
 Вактим куп 4OF. / Атрофим кор. / Бе?убор. //=11
 4 4 3
 Осмон гуё / кор крплаган / катга йул. //=11

*Пулат)*

---

[1] К,аранг: *Иззат Султон.* Адабиёт назарияси. Т., "Укитувчи", 1980, 307-6.; У.Туйчиев. ^збек совет поэзиясида бармок; системаси. Т., Фан, 1966, 65-бет.

иккала мисолимиз х;ам бир туркум — **ун бирлик туркумда** ёзилган, аммо уларнинг **ритмлари икки хил: биринчиси: 6+5** ва иккинчиси: **4+4+3** дир. Бу шеърлар вазнларининг тулик. номлари — Зулфиянинг шеъри **6+5=11** лик бармок. вазни ва $X^{аса}$н Пулатнинг шеъри 4+4+3 = 11 лик бармок. вазни. Шунингдек, ун бирлик туркумдаги шоир Шухратнинг куйидаги шеъри:

3 3 5
Эй дустим, / ^ксима, / ёрнинг к,ошига // = 11

Бир куни, / албатга, / етиб борасан. //=11

бошкд ритмда, яъни **3+3 +** 5=11 лик бармок. вазнида ёзилган. Ёки тук.кизлик туркумда ёзилган куйидаги шеърларнинг ритмларига дикк,ат килинг-а:

3 3 3
1. Чашмадек / зилолдир / дилларим, // = 9
3 3 3
Ёмгардан / кукарди / йулларим. // = 9
3 3 3
Атирлар / сепгувчи / гулларим, // = 9
3 3 3
FaM чекмас / булбулнинг догида. // = 9

*(Амин Умарий)*

4 5
2. Хаёт деган ! мунис бир санам !! = 4-5=9
4 5
Шодлик майин ! тутди кулимга !! =4-5=9
4 5
Ёлк;инланган ! лоларанг бу жом !! =4-5 = 9
4 5
Сархушликни ! солди дилимга. !! =4-5=9

*(Барат Бащобилов)*

Англашиларлики, Амин Умарий х;ам, Барот Бойкрбилов J^M тукдизлик туркумида калам тебратган, бирок, ритмлари бошка-бошка: **3+3 + 3=9** ва 4+5=9. Шу каби мисол-ларни яна келтиравериш мумкин.

Хуллас, шеър мусик.ийлиги ва бадиийлигини вужудга келтиришда ритм канчалик х,ал к.илувчи роль уинаса, вазн

хам шунчалик мухим ах.амият касб этади. Вазн, ритм, крфия, банд каби унсурлар билан узвий боигик. хрлда уз вазифасини утайди.

Бармок, тизимида купинча шеър мисрасидаги бутинлар-нинг микдори, турокдарнинг сони ва жойлашиш тартиби бошка мисраларда хам муайян тартибда такрорланиб ке-лишидан вазн хрсил булади. Мисол:

4 5
Хар юракнинг ! бир бахрри бор, ! = 9 бупш
4 5
бир цалбга ! ишк б^лар ме^мон. !! =9 буган
4 5
юракда ! гуллар мухаббат !! =9 бутан
4 5
Бустон этар ! у ни бегумон. !! = 9 буган

*(Хамид Олимжон)*

Бу шеърнинг биринчи мисрасидаги бугинларининг микдори (9 бутин) ва турок,ларининг сони (икки турок;) Х.амда тартиби (4+5) бошкд мисраларда айнан такрорла-ниб, шеър вазни (4+5=9) ни вужудга келтирган. Демак, шеър 4+5 схемали 9 буганли бармок. вазнида ёзилган экан.

Бармок. тизими вазнларга нщоятда бойлиги билан тавсиф-ланади. Бармок, тизимидаги вазнлар тузилишига кура куйида-ги типларга булинади: содда вазн, кушма вазн, эркин вазн.

**Содда вазн.** Содда вазнда ёзилган шеърдаги мисралар бугинларнинг умумий микдори жихатидан бир-бирига тенг булади. Содда вазн, турокданиш тартибидан к,атъи назар, бир туркум доирасидан четга чикмайди. Муайян **бир тур-кумгагина асосланган Туроіуіар тартиби содда вазн деб юри-тилади.** Узбек поззиясида содда вазнлар 2 турокдан 6 ту-рок,к.ача (баъзан бундан ортик. ^ам) булиши мумкин. Содда вазнлар турокдар таркиби жих.атидангина эмас, балки умумий турокдар сони жихатидан хдм бир биридан ажра-либ туради. Вазнлар бир хил ёхуд турокди хил туроклари-дан ташкил топади[1].

---

[1] *У. Туйчиев.* Узбек совет поэзиясида бармок, системаси. Т., Фан, 1966, 69-бет. . .

:
4 5
Завк, уйгонар ! бокдан кишида, !! = 9 б$тин
4 5
Шунча куркам ! булмиш пахтазор. !! = 9

*{Уйтун)*

4 5
Чиройлидир ! гуё ёш келин, !! = 9 бутан
4 5
Икки даре ! ювар кокилин. !! = 9 буган

*{Хамид Олимжон)*

"'■■' u 4 5
Йигитликнинг ! олтин фаслига !! = 9 буган
4 5
Кддам кдпйган ! кутлуг кунданок., !! = 9 б^гин
4 5
Етмок. учун ! бир ёр васлига !! = 9 буган
4 ' 5
Ким утказмас ! тунларни уйток.. !! = 9 бугин

*{Барот Бойцобияов)*

3 3 3
На к^книнг ! фанори ! учмасдан !! = 9 буган
3 3 3
На юлдуз ! сайр этиб ! кучмасдан !! = 9 бу>ин

*(Уйгун)*

Юкррида келтирилган шеърий парчалар тукдиз бугинли бармок.вазнида ёзилган, аммо турокланиш тартиби икки хил: 4+5=9 ва 3 + 3+3=9. Шеърларнинг биринчи мисрасидан тортиб сунгги мисрасигача тукдиз бугинли (тукдизлик туркум) бармок. вазнида ёзилган. Демак, юк,оридаги шеърлар содда вазн типида яратилган экан. Шунингдек, шоир Чулпоннинг "Севги ва салтанат" шеъри саккизлик туркум усулида ёзилган, яъни шеърнинг к.айси бир мисрасини олиб курсангиз ^ам унда саккиз бугин борлигини пайкайсиз. Солиштириб куринг:

Кенг талада,кийик уйнар,
Кийик к^зин йигит уйлар,
Кийик кузи кунгил тортар,
Ошик. курса дарди ортар.

Тангри севги яраткондир,
Яйловларга таркатгондир,
Урдалари бек — хонларнинг
Уясидир ёмонларнинг.

**К^ушма вазн.** Шеър икки ва ундан ортик, туркумда ёзилган булса, унинг биринчи мисрасининг бугинлари сони бир хил ва иккинчи мисрасидаги бугинлар бошка хил... булади; улар муайян крнуният (тартиб) асосида бутун шеър давомида такрорланиб туради. Шеър тузилишининг бу усули к.ушма вазнни вужудга келтиради. Мисоллар:

Боксам ерлик наволарга, =8
Билмам, качон кайтаман. = 7
Мен дардимни ^аволарга, = 8
Шамолларга айтаман. = 7

*(Рауф Парфи)*

Кел, дуст булсанг, куз ёшимга бокма, =
Эриб кет шодлигимда ! Ракиб 9 =
булсанг ёнимда окма Ботасан 7 =
гирдобимда. 9

*(Зулфия)*

Мен жилгаман, ' *' - = 4 =
Даре булиб тулгим келади. 9 =4 =
Она юртим, 9
Сенга углон булгим келади. = 4
Бугун сенга = 9 :s
Фак.атгина шеър багишладим. = 4
Керак булса, - 9 :
Жонни фидо килгим келади.

*(Эркин Болидов)*

Куз унгимда эрир туман
Кояларнинг тушида. Куёш п
— олтин сават, турар Хув = 8 =
ч^к.кининг бошида. 7

*(Омон Матчон)*

р бир уйкувда = 6
Ётарди дунё = 5
Сархуш шоир каби = 6
Инграрди жах.он. = 5

*(Абдулла Орипов)*

і окшом бок,к,а кириб мани сурармиш.
Изларимни тополмай охлар урурмиш.
Гир-гир юрармиш, Хайрон булармиш.

Дейдиларким, шахримда бир гузал бормиш, = 12
= 12
"= 12
= 5
*= 5

*(Миртемир)*

Алишерга алла айтиб ухлатган = 11 =
Сен — она. 3 = 11
Орушида Бобур камолга етган = 3
Сен — она.

*(Миртемир)*

= 10 = 9
Менинг чегарамга кддам босган = 10 = 9
Кимдир узи, тушунтир менга.
Жавоб бердим: куёш, хали бу оз,
Бир кун мехмон буламиз сенга.

Умуман, **15, 16 буганли вазн,** купинча **кушма вазн** деб юритилади. Чунки уларни 7 + 8 бутинли ёхуд 8+8 бугинли мисралар ташкил этади. Шота Руставелининг "Йулбарс терисини ёпинган пахлавон" достони таржимаси мана шундай к,ушма вазнда бажарилган.

Демак, кушма вазннинг узига хослиги шул эканки, шеърда бир хил вазнли мисраларнинг такроридан эмас, балки икки ва ундан ортик. вазнли мисраларнинг муайян крнуният асосидаги такроридан ритм келиб.чикар экан. Кушма вазн шеърнинг ритмик имкониятларини ошира-диган воситалардан биридир.

Шеър уч ва ундан ортик. туркумда ёзилган булиши хдм мумкин, бундан кушма вазннинг мураккаброк, куриниш-лари пайдо булади.

Хд, мураккаброк. вазндаги шеър уч ва ундан ортик. тур-кум заминига таянадиган туроклар тартиби асосида ярати-

лади. Шоир Максуд Шайхзоданинг "Тошкентнома" лирик поэмаси, шоирнинг узи таъкидлаганидек, саккиз вазнда ёзилган. Бу асар — мураккаб вазннинг мумтоз намунаси. Бу уринда шоир Чулпоннинг "Бинафша" шеърини эслай-лик. ТуБри, бу шеърнинг дастлабки икки банди (11 + 9, 11+9 ва 12+9, 12+9 тарзида) кушма вазнда яратилган (бандцаги биринчи мисра билан учинчи ва иккинчи мисра билан туртинчи мисра алсвдда-алащца вазнларда), яъни ун бир-лик ва тукдизлик, ун иккилик ва туккизлик вазнларида ёзилган. Аммо крлган бандлардаги мисралар бир неча ваз-нлар (учлик, олтилик, тукдизлик, саккизлик, ун иккилик вазнлар) да яратилганлиги аник,. Тахлил ва мулохдза килиб куришингиз учун мазкур шеърни тулик. келтирамиз:

Бинафша сенмисан, бинафша сенми — =11 *
Кучада а^чага сотилган ? =9
Бинафша менманми, бинафша менми — =11 :■"
Севгингга, к;айгунгга тутилган? = 9 ?
Бинафша, нимага бирозрок, очилмай, = 12
Бир эркин кулмасдан узилдинг ? =9 ;
Бинафша, нимага вддларинг сочилмай, =12 ,
Ерларга эгилдинг, чузилдинг ? =9
Бинафша, = 3
Айт менга, = 3
Кимлардир уларким, = 6
Игнани баррингга санчарлар? = 9
Бинафша, = 3
Бир суйла, = 3
У кдндай кулларким, = 6
Узалар, хидлайлар, янчалар ? =9
Бинафша, шунчалар чиройли юзинг бор, = 12
К^нглимга исри!у1ик тукмайсан ? =11
Нимага узокрок; кулмайсан ? = 9
Бинафша, шунчалар тортгувчи тусинг бор, =12 т
Бинафша, йиглама, бинафша, кел бери, =11 ■,
Кайрингни к;айгимга кушгил. =8
Бинафша сенинг — чун кукрагим эрк ери, = 12
Бу ердан к^кларга учгил. = 8
Бинафша, гузалим, к,айрилим, келмайсанми, = 12
Кдйишг зур, К^UFHMHH билмайсан, =9
Менга бир кулмайсан ! =6

Демак, "Бинафша" — кушма вазннинг мураккаб куринишида ёзилган. Бундай шеърларни яна келтираверишим мумкин.

**Эркин** вазн-бармок. шеър тизимидан усиб чикдан узига хос вазн типи. Эркин вазннинг узбек шеъриятида пайдо булиши, бир томондан, рус поэзияси ва, иккинчи томондан, усмонлик турк шеърияти таъсири билан боглик..

Бу янги вазннинг номини "Эркин шеър" деб аталишининг боиси шундаки, унда анъанавий шеър кридаларидан бир мунча четга чикилади.

Лекин эркин шеърнинг хам уз крнуниятлари бор. Эркин шеър палапартиш ёзилиб кетилаверадиган вазнсиз, тартибсиз мисралар тизмаси эмас. Эркин шеърнинг асосий шарти — шаклнинг мундарижага тупа мувофик. булишидир. Эркин шеърда сатрлар шундай тартибда булиши керакки, бунинг натижасида шеърдаги интонация шоирнинг фикрларини, рухий хрлатини, хис-туйгуларини, кайфиятини тула ифода этсин.

Эркин вазннинг мухим хусусиятларидан бири — айрим мисралардаги бугин (суз)ларни (маъно ва интонацияни узгартириш мак.садида) бир неча каторга зинапоя тартибида жойлаштириш(градация усули)дир. Эркин шеърда мусик.ийлик узгариб, тобланиб туриши мумкин. Бунинг боиси шундаки, бир шеърда шоир бир неча ритмик улчовлардан фойдаланади, бир турок, тартибидан иккинчи турок, тартибига кучаверади...

Эркин шеър нотекис даракатли ритмга асосланади. Бу ритмда бадиий зарб к.онунияти х.ам уз кучини курсатади.

Эркин шеърда аруз вазнлардагидек мисраларидаги хижоларнинг сони ва сифатига ёхуд бармокнинг бошка вазнларидагидек мисрасидаги бугинларининг микдорига экас, балки интонацияга катта ахамият берилади. Бундай шеърда к.айси суз ёхуд сузлар бирикмасини ажратиб айтиш зарур булса, шу сузларгина алохида-алохида сатрга тизилади. Бу шеърда, одатда, иккилик, учлик, туртлик ва бошка туркумлар (муайян к.онуният асосида) аралаш кулланаверади.

Эркин вазннинг яна бир хусусияти шундаки, унда вазнда, к.офияда, банд курилишида анча эркинлик, к.адимий к.оидалардан бирмунча четга-чикиш юз беради. Мисралар ва зинапоялардаги бугинлар сони х.ам тенг булавермаиди.

Бу эркинликнинг асосида хам маълум бир к.онуният ётади, албатта. Бу крнуният — мантикий босим крнуниятидир, яъни кайси сузни ажратиб, алохида таъкидлаб айтиш зарур булса, шу суз алохида сатрга чизилган, кайси тартиб шоирнинг х.ис-хаяжонини ва поэтик фикрини тула ифода этса, сузлар шу тартибда сатрларга тизилади. Масалан, Иафур Гулом "Сен етим эмассан" шеърида худци шу усулни куллаган:

Чучима жигарим,

■ '
*S3* уйингдасан. S
Бу ерда v
на Fyp6aT,
на офат,
на FaM.
Бунда бор:
дарорат,
мудаббат,
шафкат. ;
Ва мщнат нонини курамиз бах;ам. Сен
етим эмассан Ухла жигарим.

Ёки шоир Мак.суд Шайхзоданинг "Озарбойжонга хат" шеърида хам эркин вазн хусусиятлари якдол кузга ташланиб туради. Шу шеърдан олинган к.уйидаги парчага бир назар солинг-а:

Кучоклайди
Хар бир диёр,
ишк,-ла
бошк,а диёрни,
Куррадаги харитада
Хамрод булса
буёклар...
Салом сенга
Эй орк,адош,
маслакдош,
Озарбойжон!
Сенга кулни
чузаётир
"* пахтакор
Узбекистон.

Бу шеърий парча микдори тенг бугинли мисралардан иборат эмас. Уларни жамлаб бир микдордаги бугинли мисралар чикдриб булмайди. Шунингдек, уларни кушиб укиганда хаяжонли интонация бутунлай йук.олиб кетади. Бу парчаларда мумтоз шеъриятимиздагидек аник, вазн хдм сезилмайди. Крфиялаш хам, туроклар хам эркин. Шундай булса хам уларда ритм ва мусикийлик бор. Мана шу — хаьдикий эркин шеър!

Узбек шоирлари Бафур Гулом, Хамид Олимжон, Уй-FyH, Миртемир, Мак.суд Шайхзодалар эркин шеърнинг яхши намуналарини яратишган. Аслида профессор А. Саъдий фикрича, "Эркли вазнни... туркларга таклид билан Фитрат бошлаб юборгондир... Чулпонда хам эркли вазн курамиз"[1]. Эркин шеър (вазн) заминида пайдо булган — **сарбаст** шеър хдкида бир икки OFH3 суз. Одатда, сарбастда мумтоз шеър тузилиши (турок., кофия, ритм, поэтик фикр йуналиши...) к,оидаларига деярли амал килинмайди. Унда асосан, узига хос поэтик мантикда амал килинади. Сарбастнинг бу хусусияти шоирга хаётнинг мураккаб жих.атлари х.акида, долзарб ва кескин муаммолар хусусида жушкин ва эркин, айни чокда, ошкора, дангал фикр юритишга йул очади[2].

Б **Банд** (строфа) — шеърнинг ало- х.ида к.офияланиш тартибига эга булган йирик ритмик булагидир. У нисбий тугал фикр ёки х.иссиётни ифодалайди. Банд — к.офия ва интонация билан бириккан (уюшган) мисраларнинг муайян тартиб асосида такрорланиши. Банд йирик шеърий асар мазмунини пешма-пеш (бандма-банд, боскичма-боск,ич), изчил очиб беришда восита булади. Негаки, бандда асар мазмунига тааллукли РОЯ ва хиссиёт бутунлай тугалланмасдан, узйдан кейинги ёки олдинги банднинг боши ёки давоми сифатида дам майдонга чик.ади — фикр ва туйгу бир банддан ик-

---

[1] К,аранг *А.Саъдий.* Амалий дам назарий адабиёт дарслари. Т., 1924, 57-бет.

[2] *Н. Шукуров. Н. Хотамов. Ш. Долматов. М. Махмудов.* Адабиётшуносликка кириш. Т., "Уцитувчи", 1979, 154-155-бетлар; *А. Н. Маматова.* Узбек шеъриятида сарбаст. T<f Жаз^он ик,тисодиёти ва дипломатияси университета, 2000.

к бандга кучади. Шу тарика, шеърда мавзу, *тоя* ва рухий долат бирлигидан ташкари, мантилий ва синтактик бирлик дам пайдо булади.

Демак, шеърда ритм, вазн, крфия ва бандлар воситасида фикр юритилади, даёт бадиий ифодаланади. "Шеърда бандсиз мусикийликни ва унинг биринчи элемента булган ритмни тасаввур килиш кийин. Бандни шеър мусикийлиги шаклланадиган ва руёбга чикарадиган асосий майдон деб аташ мумкин, чунки муайян турок, ва вазн оркали шакллана бошлаган шеър ритми банд оркалигина уз такомилига эришади; вазн банд мисраларида такрорланади; мисралар эса маъно ва интонация жидатидан бир бутун долда гуруд-гуруд булиб келади. Мисралар гурух.и мисраларнинг бошк,а гурудлари оркдли вазн ва крфияланиш жщатидан маълум к,онун асосида такрорланади, натижада, маълум бир шеър ритми вужудга келади. Шеър ритми бандларидаги к.офиялар асосида келиб чикадиган одангдошлик билан кушилиб, мусикийликни вужудга келтиради"[1].

Шеър бандлари бир неча белгилар билан тавсифланади. Чунончи, шеър бандлари, биринчидан, дам мазмун, дам поэтик синтаксис, дам композиция, дам ритмик-интонация жидатидан нисбий тугаллик касб этса, иккинчидан, банд мисраларининг микдори бир хил ва крфияланиш тартиби изчил булади. Шунингдек, банд баъзан шеър жанрини белгилаши дам мумкин. Бу уринда банд дак.ида дастлабки тасаввурга эга булиш мак,садида Хамид Олимжоннинг "Даре кечаси" шеъридан куйидаги парчани ук;иб курайлик:

Даре гузал... осмонда юлдуз,
Ой сузмокда адир устидан. Соя
солган кукдан ок, будут
Фазоларга уз уйкусидан.

Бу парчада юк.орида к.айд этилган банднинг аксарият белгилари мавжуд. Масалан, шеърий парчада, биринчидан, яхлит бир манзара ифодаланган, иккинчидан, инто-

[1] *У. Туйчиев.* Узбек совет поэзиясида бармок; системаси. Т., Фан, 1966, 131-132-бетлар.

нацист бир бутунлик бор, учинчидан, а+б+в+б схемаси асосида кофияланган, туртинчидан, парча турт мисра (дар бир мисрада тукдиз бугин) ... мавжуд. Мана шу тартиб шеърнинг барча банд — (шеър ун уч банддан иборат)ларида айнан саланган. Биринчи бандда тасвир этилган даре манзараси кейинги бандларда янада кенгайтирилган ва чут^урлаштирилган... Демак, шеърнинг умумий тукимасида банд хам салмокли урин тутар экан.

Банд тузилиши. Умуман айтганда, узбек шеъри бандида икки мисрадан тортиб йигирма турт мисрагача булиши мумкин. Узбек мумтоз шеъриятида (таркиббанд ва таржибандларни мустасно килганда) икки-саккиз мисралик бандлар куп учрайди. Хозирги узбек поэзиясида эса учлик, еттилик, тукдизлик, унлик, ун бирлик, ун учлик, ун бешлик ва ун олтилик сингари унга якин янги шеърий бандлар пайдо булган[1]. Адабиётшуносликда, шартли равишда, иккиликдан олтиликкача булган бандлар — содда бандлар; еттиликдан ун олтиликкача булган бандлар — мурак-каб бандлар деб юритилади. Шуни дам айтиш керакки, юкррида кайд этилган, 2-24 мисрали шеърий бандлар вазн, туркум, турок., бугин, крфияланиш тартиби жихатидан яна куплаб шеърий шаклларга ажралади. Чунончи, икки мисрали банд (жуфт крфияланувчи мисралар) ритм жихатидан хар хил шаклда булиши мумкин: Адхам Рахматнинг "Алифбе" шеъридаги икки мисралик бандлар етти бушнлик вазнда, Ойбекнинг "Зафар ва Захро" поэмасидаги бандлар зса 4+4+4 вазнда ёзилган...; турт мисрали бандлар, купинча, 5, 4+3, 4+5, 6+5, 4+4+4, 4+4+5, 4+4+4+3 вазнларида ёзилади. Ёхуд, олти мисрали банд 19 хил куринишга эга... Мумтоз шеъриятимизда куп ишлатилган шеърий бандлар махсус номлар билан юритилган: иккилик — маснавий, учлик — мусаллас, туртлик — мураббаъ, бешлик — мухаммас, олтилик — мусаддас, еттилик — мусаб-баъ, саккизлик — мусамман, тукдизлик — мутассаъ ёхуд тасни, унлик — муашшар ёхуд машру... Шу нарсани ёдда тутиш керакки, мумтоз адабиётимизда шеър кайси банд

---

[1] Яна каранг: Адабиёт нззарияси, 2-том. Т., Фан, 1980. 385-388-бетлар.

усулида ёзилган булса, купинча, шу усул муайян шеър жанрига хам нисбатан берилган. Шу маънода маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман каби истилохдар, биринчидан, банд номларини ифодалаган булса, иккинчидан, муайян банд усулида ёзилган шеър жанрини дам белгилаб берган[1]. Чунончи, мухаммас, биринчидан, банд номи, иккинчидан, шеър жанри каби.

Узбек мумтоз адабиётида "таржиъбанд", "таркибанд" ва "сокийнома" каби жанрларда ёзилган шеърларнинг банд тузилиши хам узига хос. Хрзирги узбек шеъриятидаги эркин шеърнинг хам бандлари боящача — улар мумтоз анъаналар крлипига сигмайди. Хозирги шеъриятимизда (эркин шеърни мустасно килганда) шеър, асосан, бир текис банд усули (яъни шеърнинг биринчи банди кандай шаклда булса бошкалари хам шу усулда)да ёзилади. Масалан, Абдулла Ориповнинг "Аёл" шеъри турт мисралик банд усулида ёзилган. Шеърда унта банд булиб, уларнинг х.ар бири турт мисрадан тузилган. Х[ат]т°> банднинг ички к.офия тартиби (а+б+а+б) хам, мисралардаги бугинлар сони хам (11 бутан), турокдар тартиби хам (6+5) бир хил.

Кдёслаб куринг-а:

**Биринчи банд**

| | |
|---|---|
| Йигитлар мактубин битганда кондан, | =а= 6 + 5=11 |
| Келинлар фирокдан чекканда ёду. | =6=6+5=11 |
| Унинг ^ам пан охи кайтмади жангдан, | =а= 6+5 = 11 |
| Ун тук.киз ёшида бева колди у. | =6=6+5=11 |

**Унинчи (сунгги) банд.**

| | |
|---|---|
| Хатто зеб-зийнатни юлк,иб зиёда, | =а=6 + 5=11 |
| Хайкал ^ам куйингиз бамисли хаёл. | =6=6 + 5=11 |
| Шундайлар булмаса агар дунёда, | =а=6+5=11 |
| Бу к,адар мух.тарам б^лмасди аёл. | =6=6+5=11 |

Баъзан ижодий тажрибада бир асарда икки ёки ундан ортик. банд усулидан фойдаланиш х.оллари хам учраб туради. Бу ход, купинча йиршс поэтик асарларда содир була-

[1] К,аранг: У. *Туйчиев.* Узбек совет поэзиясида бармок, системаси, 130-162-бетлар.

ди. Масалан, Максуд Шайхзоданинг "Тошкентнома", Хамид Олимжоннинг "Зайнаб ва Омон" каби поэмаларида шу х,одиса учрайди. Банд турларининг бундай узгарищлари (муайян тартиб асосида) мусикий ранг-барангликни вужудга келтиради.

Энди узбек шеъриятида куп кулланилган баъзи бандларни киска-киска тасвифлаб утайлик:

а) **Маснавий** (ар. *tsy*—^ — иккилик крфияланиш тартиби: а+а, б+б, в+в, г+г...) — икки мисрадан иборат булган шеър банди. Разалларнинг бандлари: а+а, б+а, в+а, г+а, д+а, е+а... ва фард (икки мисралик) шеърлар; а+а (ва х.атто, баъзан а+б, яъни крфиясиз) схемасида крфияланади.

Мумтоз адабиётимизда вокеабанд (кичик) лирик шеърлар хам, йирик хдасмли достонлар хам маснавий деб юритилаверган (агар улар икки мисралик банд усулида ёзилган булса). Алишер Навоийнинг "Хамса"си Мукимийнинг "Танобчилар"и, Фурк.атнинг "Суворов"и маснавий усулида ёзилган.

Бир мисол:

| | |
|---|---|
| Хунарни асрабон **неткувдур** охир?! | = а |
| Олиб туфроккаму **кеткумдур** охир?! | = а |

*{Алишер Навоий)*

Хозирги замон узбек шоирлари хам маснавийга тез-тез мурожаат киладилар. Масалан:

| | |
|---|---|
| Бахт нима? Хаётми ва ёким хаёл? | = а |
| У недур? Мулкми ё умр **безавол?** | = а |
| Менинг назаримда буларнинг **бари** | = б |
| Бахт деган дарахтнинг **шохобчалари.** | = б |
| Бахтга уша **чой** хам дахлдор эрур, | = в |
| Аіуі хам, **чирой** хам дахлдор эрур. | = в |
| Хаётнинг галвали **гулдуросидан,** | = г |
| Кувончи, ташвиши, хуш **садосидан** | = г |
| 1 Йирок;к;а тушмасак, бахтдир мана **шу,** | = д |
| Кдндайдир муаллак, манзил эмас у. | = д |
| Бахт тенгдир шоиру **бастакорга** хам, | = е |
| Абдурайим деган **пахтакорга** хам. | = е |

г *[Абдулла Орипов)*

Шоир Хамид Олимжон "Энг гуллаган ёшлик чогимда" деб бошланадиган шеърини иккилик банд усулида (а+а, б+б, в+в...) ёзган. Бу шеърнинг вазни: 4+5=9. Текшириб куринг-чи:

\ Энг гуллаган ёшлик чогимда, = а
Сен очилдинг кунгил богимда. = а
Шунда курди кузим ба.х,орни, =s б
Шунда к,албим таниди ёрни. = б

Шоир Миртемирнинг "Булмаса" шеъри дам маснавийда битилган (крфияланиш схемаси: а+а, б+б, в-в, г-г...). Темур Фаттох. "Чирокдар" шеърида иккилик бандларни а+а, б+б, в+в... шаклида крфиялаган. Х[ами]Д Олимжоннинг "Узбекистан" шеъри маснавийнинг энг яхши намунаси (вазн схемаси: 4+5=9).

б) **Мусаллас** (ар. ti~b> — учлик) — уч мисрали банд усулида ёзилган шеър. Бу усул узбек мумтоз адабиётида кенг таркалмаган, аммо хрзирги шеъриятимизда сийракрок. булса-да ишлатилиб турибди. Масалан, Шухратнинг "Олма" (к.офияланиши: а+б+б, в+г+г...), Мирмух.синнинг "Хатёзаман" (к.офиялаништартиби: а+б+а, в+г+в...), "ВОF кушнимиз" (к.офияланиши: а+б+а, в+г+в...), Азиз Абду-раззокнинг "Табиат соз" (к.офияланиши: а+а+а, б+б+б...) шеърлари мусаллас усулида ёзилган. Fар6 ва рус адабиётида бу усул кенг кулланилади. Шеър ёзишнинг бу усулини Рарбда **терцина** (италянча: terzina) деб аташади. Терцинада крфия тартиби: биринчи бандда биринчи ми ера учинчи миера билан крфияланади, иккинчи миера эса иккинчи банднинг биринчи мисраси билан крфияланади вахркazo. Терцина охирги банднинг икки мисраси билан крфияла-нувчи алодида миера билан тугалланади. Жадон адабиёти-нинг машхур намояндаларидан бири — Дантенинг "Ило-х.ий комедия"си терцина усулида ёзилган ва бу шох. асар шоир Абдулла Орипов томонидан узбек тилига терцинада махррат билан таржима килинган. Бир мисол:

Мубдам йуллар оша иккимиз **тан^о.** = а
Кетиб борар эдик бесуз, **бекалом** = б
Икки ОFа-ини дарвищдай **гуё.** . = а ■
Утган ходисотни эсласам **тамом** = б

К,урбак;а ва сичкрн — Эзоп = в
масали Хаёлимни к,айта айлар эди = б
**ром.**

Яна мисоллар:

Хавонинг **юзи,** = а
: Задарли **кузи** = а
**Мулойимлашди...** = б

Шаркнинг **малаги,** **= в**
Най **камалаги** **= в**
**Куккаулашди...** **= б**

*(Чулпон)*

Шоир Омон Матчоннинг "Бахрр нафаси" шеъри хдм уч мисралик банд усулида ёзилган. Аммо унинг ички тартиби узигахос. Шеърда туртта учлик банд бор. Барча бандларнинг биринчи мисралари ("Учрашувимизга якин крлди") — рефрен. Шеърнинг крфияланиш тартиби: а+б+в, г+д+в, е+ё+в, ж+з+в. Бошкача килиб айтганда, х;ар бир банднинг учинчи мисраларигина узаро крфияланган, долган икки мисраси к,офиясиз. Аммо бандларнинг биринчи мисралари рефрен булганлиги туфайли шеър ритмида сустлик сезилмайди. Куйидаги икки бандни укиб куринг-а:

**Учрашувимизга як;ин к,олди** - рефрен
Кдшнинг таък,ибида к,очиб Дарахтин
тарк этган **япроцлар** билан.

**Учрашувимизга як,ин к,олди** - рефрен
Тошларини лола ёпиб гизлаб,
Булут тупланаётган **тоглар** билан.

Усмон Носирнинг "Баликчи" шеъридаги учлик бандлар бошкача тартибда:

Ок, булутлар
Тордан нари йул **олди,**
Очилди кум-кук осмон...

Узокда **юлдуз** курдим,
Сох;илда бир" **циз** курдим
билан туймасман.

**в) Мура^баъ** (ар. *ку* — туртлик) — узаро крфияланган турт мисралик банд усулида ёзилган шеър. Мураббаънинг крфияланиш тартиби: биринчи банд мисралари узаро бир текисда крфияланади (а+а+а+а), кейинги бандларнинг дастлабки уч мисраси узаро крфияланади ва туртинчи мисраларигина биринчи банднинг туртинчи мисрасига крфиядош (б+б+б+а) булиб келади.

Мисол:

К$йма жоно, сурма, шах,ло кузларинг, - а
Охуларни килди **шайдо** кузларинг, - а
Мардум ичра солди FSBFO кузларинг, = а
Мардумлари, магар, **тарсо** кузларинг. = а

Эй париваш гулпирахан суманбар, = б
Назокатда каддинг сарву сановбар, = б
Букун бокмай ошикдарга баробар, = б
Кдлмас андишаи фардо кузларинг. = а

*(Мукимий)*

Мураббаъ крфиясининг бу тартиби асосан мумтоз адабиётимизга хос.

Шеър тузилишининг муруббаъ усули хрзирги узбек поэзиясида х,ам кенг ьфшанилмокда. Аммо классикадаги крфияланиш крнунияти узгарган. Натижада туртлик бандларда к.офияланишнинг ранг-баранг к^инишлари пайдо булган. Крфияланиш тартиби хилма-хил булган туртлик банд усулида Рафур Рулом, Ойбек, Хамид Олимжон, Миртемир, Амин Умарий, Усмон Носир, Зулфия, Абдулла Орипоь ва бошка шоирларимиз баракали ижод кдлишган. Мисол:

Богимда **анорим** бор, = а
Чертганда **дуторим** бор, = а
Ширмон юз **нигорим** бор, = а
Йилларим, **фаслим** куркам. = а

*(Амин Умарий)*

*Э%, сиз TOFJiap,* нав;адар куркам ! = а
Сизга берар илк нурин **куёш.** = б
Пар булутлар, марварид к;орлар = в
Юксак чукди узра куйган **бош.** = б

*(Абдулла Орипов)*

Юлдузи йукка бокай, = а
**Юлдузим** талош булур. = б
**Кундузи** йукка бокай, = а
**Кундузим** талош булур... = б

*(Абдулла Орипов)*

**г) Мухаммас** (ар. cr^^--> бешлик) — мумтоз адабиёти-мизда узига хос крфияланиш тартибига эга булган бешлик банд усулида ёзилган шеър. Крфияланиш тартиби: бирин-чи банд мисралари узаро бир хилда крфияланади (схема-си: а+а+а+а+а), кейинги бандлардаги дастлабки турт мисра узаро крфияланиб, сунгги бешинчи мисралар биринчи банднинг бешинчи мисраси билан охангдош (схемаси: б+б+б+б+а) булади. Мисол:

Соядурменки, бокмас **офтобим** ким десун? = а
Бора-бора кетди кадрим, **интихобим** ким десун? = а
Бир укутмайдур битиб берган **китобим** ким десун? = а
Ул тагофул пешага холи **харобим** ким десун? = а
Хажрида мундог мени курган **азобим** ким десун? = а

Ошносидин кечиб, бегоналарга **ёр-ёр,** = б
Бу аламларга чидолмай, куз ёшимдур **шашцатор,** = б
Х^е^ч душман булмасун к^йида мендек **хору зор** = б
Кундузи бир ерда бир дам олмай орому **к,арор,** = б
Лах,зае йук. кечалар кузларда **хобим** ким десун? = а

*(Муцимий)*

Мухаммас, одатда, икки хил булади: а) бир шоирнинг уз мухаммаси ("табъи худ" — уз таъби); б) бошка шоирга эргашиб, ухшатма усулида ёзилган мухаммас ("мухаммаси тахмис"). Мукимийнинг юкррида келтирилган мухаммаси — мухаммаси "табъи худ", яъни шоирнинг уз мухаммаси. Мухаммаси тахмис (бошка шоирдан икки мисра олиб, вазн-да хам, крфияда хам, ритмда х.ам шунга монанд уч мисра-ни узи кушади — шу тарик.а бешлик банд яратилади) усулида хам утмишда бир к.анча асарлар яратилган. Устоз шоирларга мухаммас боглаш анъанага айланиб кетган. Биргина мисол:

Неча муддат, кеча-кундуз курганинг aFep эди, = б
Шу сабабдин х_ар тукум жисмимда гуё **мор** зди. = б
Шом вактидек, Мукимий, рузгорим **тор** эди. = б

Шукр, Фуркат фуркатингда хастаю **бемор** эди, = б
Бир бокишда айлади дардимга дармон кузларинг. = а

Бу бешлик банд — Мукимийнинг мухаммаси тахмис усулида ёзилган "Кузларинг" радифли F-азалининг сунгги банди. Бу банднинг дастлабки уч мисраси Мукимийники, сунгги икки мисраси Фуркатники. Мукимий мисралари фуркат мисраларидаги вазн, ритм, крфияга тула монанд. Шунингдек, х.ар иккала шоир мисралари мавзу ва *тоя* жихатдан бир бутунликка эга.

Хозирги узбек шеъриятида хам бешлик банд усулида шеър ёзиш кенг тар калган. Аммо хрзирги шоирлар мухаммаснинг темир крнуниятларини жиддий ислох. килишган. Бафур Булом, Ойбек, Уйгун, Усмон Носир, Рамз Бобожон, Миртемир, Хамид Булом, Хасан Пулат, Адх.ам Рах,-мат ва бошка шоирлар бешлик банд усулида баракали ижод килишган. Рафур Руломнинг "Бу — сенинг имзонг" шеъ-ри шу усулда яратилган асарларнинг гузал намунасидир:

Балаба умрининг к^омус мазмуни, = а
Безаги, якуни — **^ар битта** хатинг. = б
Озодликка чанк,ок; элларга етгач, = в
Кулбасин ёритур **албатта** хатинг, = б
Азиз ватандошим,
Бу — сенинг имзонг. = г

Яна **бир** мисол:

Енгилма, азизим, енгилма *фщат,* — а
Маглубни куришга йук, менда . а
**тоцат.** Тик тутиб юришга ялралган- = **б**
ку **бош.** Дилимни зимистон урайди = а
**цат-цат,** Агар кузларингда = **б**
курмасам **оташ.** (*Сайд Зуннунова*

д) **Мусаддас** (ар. ^~ а~~» — олтилик)
х.ар бир банди олти мисрадан иборат булган шеър. Мусаддаснинг к.офияланиш тартиби: биринчи банд мисралари узаро бир текисда к.офи-яланади, (схемаси: а+а+а+а+а+а), крлган барча бандлар-нинг беш мисраси алохдца ва олтинчи мисралари биринчи банднинг олтинчи мисраси билан охангдош булади (схемаси: б+б+б+б+б+а, в+в+в+в+в+а...)

б!

уз
эрга
тах*

дах.а;
ниуЗ
лида|
ШОР
Бирп!
Н
Ш.
mi
I

Адабиётимиз тарихида яна шундай мусаддаслар хам учрайдики, уларнинг биринчи бандлари узаро бир хилда крфияланади, долган барча бандларнинг биринчи — туртинчи мисралари алохида бир хилда крфияланиб, сунгги байтлари урнида биринчи байтнинг сунгги байти рефрен сифатида такрорланиб келаверади. Мисол:

Сайдинг куябер, сайёд, сайёра экан мендек, Ол домйни буйнидин, бечора экан мендек, Уз ёрини топмасдин овора экан мендек, Икболи нигун, бахти хам Кора экан мендек, Хижрон укидин жисми куп ёра экан мендек. Куйган жигари-багри садпора экаи мендек. Кес риштани ким: килсун чаппаклар отиб жаста, Хажрида алам тортиб, булди жигари хаста. ToFflapFa чикиб булсун ёри била пайваста, Кел, куйма бало доми бирла они по баста, Хджрон УК.ИДИН жисми куп ёра экан мендек, Куйган жигари-багри садпора экан мендек.

а
а
а
а
а
а
а

Хозирги узбек шоирлари хам олтилик банд усулида шеър ёзишни кенг куллаб келишмокда. Рафур Булом, Ойбек, Уйьун, Рамз Бобожон, Хасан Пулат ва бошк,алар олтилик банд усулида куплаб шеърлар ёзишган. Бирок, хрзирги шоирларимизнинг олтилик банд усуллари утмишдаги му-саддас крнуниятларидан фарк. к,илади. Чунончи, шоир Чулпоннинг "Шарафли хизмат" шеъридан олинган куйи-даги олти мисралик бандни куздан кечиринг-а:

узоек кизи уз огзи-ла айтолмаган сузини Сенинг уткир тилинг билан эшиттирди элига. Узбек к,изи сил окартган, султан, рамгин юзини Курсатди-да сен оркали, кутултириш йулига Букун юртнинг хар ерида узни тиккан йигитлар, У крпк.ора пардаларга: "Йиртил, энди бас!" дейлар!

= а
= б
= а
= б
= в
= в

Ёки яна бир мисол:

Йиллар утди, бироз улгайдик, бу кун = а
Ватан хизматига бир кддар дастёр. О = б
лам ташвишидан юракда тулкии, = а



Ватан кудратидан калбда гурур бор. = б ,
Энди сен чорласанг, токи танда жон, = в
Лаббай деяжакман, Ватан — онажон. = в

*(Абдулла Орипов)*

е) **Мусамман** (ар. $_{1}y$±* — саккизлик) — саккиз мисра-ли банд усулида ёзилган шеър. Мусамманнинг биринчи мисралари узаро бир хилда крфияланади (схемаси: а+а+а+а+а+а+а+а), крлган барча бандлардаги дастлабки хар етти мисра алохида бир хилда крфияланиб, саккизинчи мисраларигина биринчи банднинг саккизинчи мисра-сига охангдош булади (схемаси: б+б+б+б+б+б+б+а, в+в+в+в+в+в+в+а каби).

Адабиётимиз тарихида яна шундай мусамманлар хам учрайдики, уларнинг хар бир бандининг биринчи — ол-
тинчи мисралари алохида крфияланиб, сунгги икки мисра рефрен булиб к.олади. Мисол: :

Эй ноз каламравини шох,и, = а
Иклими карашма каж куло^и, = а
Жаврингда мани гадойи рох,и, = а
Ахволинг айладинг табох;и, = а
Чикти фалак узра дуди ох;и, = а
Сансан бу жахрнда додхохи, = а
Ор этма асиру мубталодин, = б
Дардинг била тун кун ошнодин. = б
Эй зулфи бинафша хатти райхон, = в
Жавру ситамингда багримиз цон. = в
Хор илгида чокдур гирибон, = в
FaM шохида булбулам хуш илхон, = в
Чун тутийи рози шаккаристон, = в
Мушток. лабингда дерман, эй жон, = в
Ор этма асиру мубталодин, = б
Дардинг била тун-кун ошнодин. = б

*(Хувайдо)*

Шеърнинг крлган бандлари хам шу хилда давом этган.

Саккиз мисралик банд усули хрзирги узбек шеърияти-да ислох. килинган хрдда кенг кулланилмокда. Бафур Fy-лом, Мак.суд Шайхзода, Уйгун, Рамз Бобожон, Аск,ад Мух.-тор, Миртемир ва бошка шоирлар ижодида мах.орат билан

ишлатилган. Бу уринда севимли шоиримиз Эркин Вохидовнинг "Фирокдакида" шеърида кулланилган бир саккизлик бандга эътиборингизни тортиш кифоядир. Мана шу саккиз мисралик банд тузилишини текшириб курингчи?

| | |
|---|---|
| Севганингни ёки **билмайди,** | = а |
| Ё билса хам кузга **илмайди.** | = а |
| Айриликда ёнасан **бирок,** — | = б |
| Сен буни хам атама фи **рок,.** | = б |
| Чунки севганг булса **чин** | = в |
| Хижронларни к,илар **чилпарчин.** | = в |
| Ишон факат, х^ч толмай **ишон,** | = г |
| Ишонч булса чекинар **ижрон...** | **= г** |

Умуман айтганда, у^бек шеъриятида 2-24 мисралик банд усуллари кулланилмокда.

**Узга шеър йуллари**

**1. Сарбаст.** Сарбаст шеърда, одатда, анъанавий шеър тузилиши (турок,, крфия, ритм, оханг, фикр йуналиши...) кридаларига деярли амал килинмайди. Унда, асосан, узига хос поэтик мантикда амал килинади. Сарбастнинг бу хусусияти шоирга хаётнинг мураккаб жщатлари хакида, долзарб ва кескин муаммолари хусусида жушкин ва эркин, айни чокда, ошкора, дангал фикр юритишга йул очади.[1]

Сарбаст Fар6 ва Шарк. халкдари адабиётларида кенг таркалган. Чунончи, усмонли турк шоири Нозим Х,икмат ва чили шоири Пабло Неруда ва бошкалар сарбастда юксак мах.орат курсатишган. Узбек шоирлари Миразиз Аъзам, Рауф Парфи, Омон Матчон, Халима Худойбердиева, Шавкат Рахмон, Абдували Кутбиддин, Азиз Сайд, Яхё ТоFа, Чори Аваз, Аъзам Уктам, Зебо Мирзаева, Хамрокул Аскар, Тилак Жура, Бахром Ройиб, Равшан Файз, Рауф Субхрн, Тура Мирза, Беди Рахмат, Жамол Сабриддинов ва бошк.алар сарбастда баракали к.алам тебратишган. Баъзи мисоллар келтирайлик:

---

К,аранг: Адабиётшуносликка кириш (Н.Шукуров ва б.) Т., 1979. 154-155-бетлар. *А. Манатов.* Узбек шеъриятида сар баст. Т., 2000.

Ё фалак! Бу не х;ол жаллод !
Фирибгар, жодугар, мени алдаб,
Кдритиб куйибсан кунимдан бурун!

*{Оман Матн9[н])*

Етим килмок, булдилар озодликни
Фак,ат
Яна узларини етим килдилар.

*(Пабло*

Етар бас марсия
Эй сиз гафлат супрасида биксиб туйганлаР
Эй сиз курбонликка
Куёшни суйганлар.

*(Рауф Парф")*

Мен биринчи ёютир булиб ёггим келади
Узбекистан ерларига. Мен кекса
чинорларнинг салобати булиб КайраБочнинг
метинлиги булиб, Яшагим келади
Узбекистонда.

*(Миразиз Ab3d[M])*

**2. Оц (^арора) шеър.** Шеършуносликда вазни ^ аник,, лекин крфиясиз шеър шакли ок. (дарор[а]) %Р[ше1)]Р деб юритилади. Вазн, мисралардаги ранг-баранг тВД курилиш ок. шеърнинг одангдорлигини, таъминлайди. Рус шеъриятида ма!щур булган киннинг "Борис Годунов", "Сув парией"; товнинг "Калашников дакида кушик.", НЛ- "Русияда ким яхши яшайди" каби асарлар ок. шеърД[а] ган. Шоир Хамид Олимжон А.С.Пушкиннинг " си" поэмасини узбек тилига ок, шеърда таржима

Ок. шеър ^озирги узбек шеъриятига асосан рус ятидан утган, деган фикр дам бор. Бирок., Шай£ Тарозий "Фунун ул балоБа" асарида таъкидлаганид[ек]> асарлар узбек мумтоз адабиётида х,ам "дарора" д^[е]б олган крфиясиз шеър нави булган. Масалан, айри^ алар, баъзи фардлар ва, датто (жуда кам булса-да) аи j газаллар дам дарора усулида ёзилган. Бу уринда Увайсийнинг "кунгул ДОБ улди, дог улди" радифли

да тизимли ва изчил крфия ишлатилмаганини эслаш кифоядир. Мана шу газаддан байтлар, текшириб куринг:

> Замона кулфатидин бу кунгул *дот* улди, *дот* улди, Бу чархи бемурувватдин кунгул AOF улди, дот улди...
>
> Бу гулзори фано ичра махалли бе халал йуктур, Хамиша хорадин захму, кунгул дог улди, *дот* улди...
>
> Сузимни хотиринг узра гумони узга еткурма, Ки изх.ор айламай найлай, кунгул HOF улди, дог улди... Ажаб ашъори мавзун богаади Вайсий хасаддин ким, Умархон зуфунуниким, кунгул npF улди, дог улди.

Демак, бу газал харора шеър экан. Шу важдан айта оламизки, хрзирги шеъриятимизда ок, шеърнинг бир илдизи рус классикасига ботанса, яна бир илдизи мумтоз шеъриятимиздаги "х,арора"га бориб так,алади.

Хуллас, ^озирги узбек шеъриятида ок; шеър — харора анча кулоч ёзган. Файласуф шоир Максуд Шайхзоданинг "Мирзо Улутбек" фожиаси ок, шеърда ёзилганлиш бежиз эмас. Шоир Усмон Носирнинг "Лутатимда сузим анча куп", Шухратнинг "Ок, шеър", М. Шайхзоданинг "Урук. сочарлар" каби асарлари ок. шеърнинг яхши намуналарвдир. Шунингдек, хрзирги ёш шоирларимиздан Абдували Кутбиддин, Ядё ТоҒа, Хамрокул Аск,ар, Тура Мирзо, Жамол Сирожиддин ва бошкдлар х,ам ок, шеърда самарали изланишлар олиб бормокдалар.

Биргина мисол:

Севсанг мени ёшлигимда х.ам,
Оптгок, сочли чогимда х;ам сев.
Севсанг мени бойлигимда хам,
К.ашшок, юрган чогимда х.ам сев.
Севсанг мени кийим ярашган,
Ярашмаган чогимда хам сев.
: Гар бахтимдан умидвор булсанг,
Бахтсиз юрган чогимда хам сев.
Сенинг севгинг ракета булиб
Юксакларга учирса шояд.
Учиришга крдир булмаса, Нега
керак буидай мухаббат?!

*(Шцрагп)*

Демак, шеърда ритмни, мусикийликни 4+5=9 вазнли (тукдизлик туркуми вужудга келтирган). Шоир Абдулла Ориповнинг "Мен сени куйламок, истайман" ок. шеърининг туркуми, туроклар тартиби бошкдча; вазни дам, мусикийлиги хам бошкача. Мана шу шеърни ук.инг ва "техника"сини аникланг:

Мен сени куйламок, истайман,
Сенинг юзларингни куйламок, истайман.
Сенинг кузларингни куйламок, истайман,
Юзларким, малагу афсонада йук.,
Кузларким, жаннату ризвонада йук;.
Мен сени куйламок, истайман,
Аммо шундай куйласамки,
Йиртилиб кетса овоз пардаларим...
Мен сендан бусалар олмок истайман,
Аммо шундай бусаларким, —
Тиркдраб крн окса лабларимиздан.
Зотан, одамлар севгисини хам %
Агами, нафрати, кувончи каби
Хащириб, ^айкириб очиб ташласин.
Истайманки, наъра тортсин чак,алоклар х,ам,
Уликлар *щм* тинч ётмасин кдбрларида.
Мен ^амма нарсани буюклигича курмок, истайман
XX аср одамларида
Зотан, бу аср
Хар к,андай чекланиш, ^ар к,андай кулликни
Итк,итиб ташламокда уз елкасидан...
Бу асрнинг талаби оддий ва содда:
Юрагинг буюрган х,ар к,андай гапни,
Тилагинг буюрган х,ар кандай гапни,
Хеч кимдан тортинмай уртага ташла,
Бугзингда к;олмасин овозинг асло!
Мен шу асрнинг бир митги фарзандиман,
Мен унинг бутун куполлигини,
Бутун нозиклигини,
Бутун совукдигини,
Бутун хароратини
Сенинг шу гунчадай нозик лабларингга
Жо кдимок, истайман, севгрглим...

*(Абдулла Орипов)*

Бу шеърдан сезилиб турибдики, к,офиясиз шеър х,ам инсон к;албини, унинг шуурини, эдтирослар туБёнини таъ-

сирли ифодалай олар зкан. Бу уринда шоирнинг истеъдоди ва махррати хал килувчи роль уйнаган.

3. **Сочма (насрий) шеър.** Лирик кечинмалар сочма (нас-рий) нутк. шаклида хам ифодаланиши мумкин. Бундай нутк; таъсирчанлиги ва жушкин ритми билан шеърга монанд булади. Сочма бадиий нуткнинг шундай тури насрий шеър ёки сочма шеър деб юритилади[1]. Сочма шеърларни проф. Абдурауф Фитрат "мансур шеърлар" деб атаган. Аллома-нинг уктиришича, "сочма шеърлар" (мансур шеърлар) учун "вазн" ва "крфия"нинг тегишлиги булмас, хам сузларнинг хунарлича (санъаткорона) булиши табиийдир" ("Узбекис-тон адабиёти ва санъати" газетаси, 1995 йил 16 июнь). Шоир Миртемир сочма шеърнинг хусусиятларини куйидагича таърифлайди: "Сочма аник, ва кдтъий вазндан холи, кора сузда ёзиладиган, лекин таъсир кучи баланд булган (наср) шеър. Сочманинг уз кридалари, уз "вазнлари", хеч ким томонидан ёзилмаган крнунлари бор. Ундаги образлар, катта вазифалар юклатилган поэтик крчирикдар шоирдан катта мехнат талаб к.илади. Хуллас, крфиядош шеърларга хос булган талабларнинг деярли хаммаси унда бор. Булма-са картина, мавж, манзара булмас эди. Сочма шундай вак,-тда ёзиладики, туйгу ва фикрлар тулкинланиб тошиб кета-ди. Уни бирон тусик. билан тухтатиб булмай к.олади. У вазн, ритмнинг биз тушунган маънодаги крлипига сигмай к.олади х.ам. Шундай пайтларда фикрлар сочма тарзда кргозга тушади...

Сочманинг крфиядош шакли хам бор. Унинг узида ички ритм, ички мусика, жаранг бор. Хозир шундай хулосага келдимки, фикрлару образлар, туйгуларнинг жуда тикилиб келганида сочма тугилар экан. Унинг таъсирчанлиги хам шу билан изохланса керак"[2].

М. Горькийнинг "Бурон куши хакида кушик.", Сарвар Азимовнинг "Оппок. тонг к.ушиги", Ш. Рашидовнинг "Кашмир кушиги", Ойбекнинг "Мансур шеърлар", "Юлдуз киз х.акида эртак" каби асарлари сочма шеърнинг яхши

---

[1] К,арант: *Хамраев М.* Плам^ жизни. Т., изд-во Литературы и ис кусства им. Г.Гуляма, 1988, 85—101-бетлар.

[2] "^збекистон маданиэти" газетаси, 1974 йил 4 январь.

намуналаридир. Масалан, Ойбекнинг "Мансур шеърлар"-дан олинган куйидаги парчага диктат килинг:

"Хой, чечакларнинг ошига, гузал капалак! Эрталаб куёш билан баробар уйгонасан. Нозик канотларинг-ла чечакларни сийлайсан. Дудокларинг-ла гунчаларни очасан.

Мен сени ёшлигимда накадар севар эдим, биласанми? Соатларча кувлардим, ипак канотларинг кулларимга илинмасди...

Хой чечакдан-чечакка кунган капалак! Кундузлари чаманларда тентирайсан, кечалари кайси чечак куйнида юлдузларга тикиласан? [

Хаётнинг буюк тулкинлари бор — тоглар чидолмас! Хаётнинг буронида, чечак тахтларинг ила борасан, шундайми, кичик капалак?"

Шоир Миртемирнинг "Тингла, ^аёт" сочмасини укиб курайлик:

"Тингла, даёт!

Тингла, киргоксиз денгиздай чексиз коинот...

Соз куйлайди...

Талвасаларгатулиб куйлайди соз; тошиб куйлайди соз... сунгсиз бир достон бошлангану тугатолмайди, сирли бир тарихнинг садифасини очгану тамом этолмайди...

Од, шу чогда унинг кррамтир юзига бок.сангиз, дасрат чизикдарини курар эдингиз. Жингалак к.ора сочлар очик. юзини ва яна елкасини босгану, гам чизикларини беркитмокчи булади.

Шу пайт унинг кузларидаги маънони укимаслик мумкинми?..

Тингла, к.иргок;сиз денгиздай коинот ... тингла, даёт! Ранжиган юракнинг мунгини, утган умрнинг ёник. достонини тингланг! Куйлаяпти у, бахт кутган даётни эслаб суйлаяпти. Конларда к.олиб кетган йигитларни согинади, чоFн... балки унинг суйгани бор эди, шулар орасида...

Тухта, дей!

Бир тухтаб, тингла унинг бахт кушиБИни...

Тухта, дей!

Тухта, куёш! *

Эшит, сунгра тонг чогидаги шеъриятингга кушиб сочарсан унинг кушигини...

Тухта, даёт!

Тингла... кузлардаги сунгсиз мунглар канотсиз учгандай... Юракдаги тугунни сунгги куй ечгандай... у, шу дакд-гкада, шу онда суюнчларда кулоч отаяпти, соз инграмасдан, уйноки куй сочаяпти...

Чал, киз!.."

К,аранг-а! К,анчалар эдтирос ва жуцщин фикр-туйгу! Хакдкатан дам у, сира-сира калб к,иргогига сигмайди — тулиб-тошиб окдци, гуё жупщин бир даре! Хакикий сочма шу-да! Бу — турён! Бу — вулкрн! Бу — мавж! Бу — шеър! Сочма шеър!

Шеършунослигимизда аникланишича, кадим замонлар мадсули булган халк, макрллари, кушик«лари, термалари, достонлари бармок; шеър тизимидаги вазнларда яратилган экан. Бугина эмас. Араб истилосигача булган ёзма шеъриятимизда дам асосан бармок; вазнлари ишлатилган. Мадмуд К,ошгарийнинг "Девону луготит турк" асарида берилган к^адимий ёзма шеърий парчалар бармок, тизимининг бешлик, еттилик, саккизлик, унлик ва ун учлик вазнларида яратилганлиги аникланган. Бирок, тарихий шароит так,озосига к^ра, у мумтоз адабиётимизнинг етакчи шеър тизими даражасига кутарила олмай к,олган. XX асрнинг бошлариданок, шоирларимиз аруз билан бирга бармокда дам мурожаат ьдила бошлаган. Чулпон, Фитрат, Хамза, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний каби шоирлар ана шу анъанани бошлаб берган. Рафур Булом, Хамид Олимжон, Ойбек, Уйгун, Райратий, М.Шайхзода, Миртемир, Усмон Носир, Амин Умарий, Хасан Пулат, Боту, Элбек сингари унлаб шоирларимиз бармок, тизимини уз ижодларида мадорат билан куллаб, дозирги узбек шеъриятининг етакчи шеър тизимига айлантирган. Хозирги узбек шоирларидан бир кднчаси дам бармокда, дам арузда баракали ижод килмокдалар. Масалан, Эркин Водидов, Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Жамол Камол каби шоирларимиз арузда дам, бармокда дам мадорат курсатмокдалар. Рофур Fулом, Хамид Одшмжон, Уйгун, М.Шайхзода, Миртемир каби шоирлар эса, асосан, бармокда ижод килган булсалар-да вакт-вакд-и билан арузда хам нафис шеърлар битганлар. Суфизода, Собир Абдулла, Хабибий, Чархий, Хуршид,

Восит Саъдуллалар, асосан, арузда калам тебратган булсалар, Зулфия, Хамид Булом, Рамз Бобожон, Мирмухсин ва бошкалар, асосан, бармокда ижод килишган. Умуман айтганда, бармок. шеър тизими хрзирги узбек шеъриятининг асосини ташкил этади.

Узбек шеъриятидаги шеър тизимлари вазнларга бой ва улар нихрятдаранг-барангдир. Ва, хатто, бармок, шеър тизимининг узи дам бир дунё. Бунинг устига аруз тизимини кушсак, шериятимизнинг накадар ранг-баранглигини, сержило ва серкирралигини якдол хис эта оламиз. *Х&,* шеъриятимиз ранг-баранг, юксак санъат, жахрншумул адабиёт. Шу адабиёт билан дар к,анча фахрланса арзигулик! Бундай адабиётдан бадраманд булиш учун, даставвал, шеър тузилиши к,онуниятини эгалламок, зарур.

К,айд этиш жоизки, аруз тизими узбек шеъриятига **VIII** асрлардан (Туркистонни араблар истило килгандан кейин) кириб келиб, мумтоз шеъриятимизнинг асосий тизимига айланган булса, бармок. тизимининг адабиётимиздаги илдизлари жуда кадим замонларга бориб так.алади[1].

## Иккинчи боб

## АРУЗ ТИЗИМИ

**Аруз х,ак>1да тушунча**

Аруз (ар. *о^J-f* ~ к;илмок.). Шарк.халкдари адабиётида, жумла-дан узбек адабиётида кенг кулла-нилган узига хос вазнлар тизими. Аруз вазни хижоларнинг талаффузидаги узун-кискалигига асосланган булиб, мусика билан чамбарчас бовшкдир.

Аруз вазни — аслида араб назмининг к,адимий шеърий тизими. Аруз хакидаги илм — арузшунослик **VIII** асрда вужудга келган. Бу илмнинг асосчиси машхур араб адиби

[1] "Аруз... узбек адабиётида XI асрдан кулланила бошланган". УзСЭ, 13-т, Т., УзСЭ Бош рец-яси, 1979, 44-бет. .-..;. : ,-:,,;1./

ва олими Хдлил ибн Адмад(719—791)дир. Халил ибн Адмад араб назмини чукур тадкик. этиб, ундаги бир неча вазнларни кашф этган ва уларни 15 бадрли бир тизимга солиб, уни "аруз" деб номлаган. Бу шеърий тизимнинг "аруз" деб аталиш сабабини арузчилар турли изодлашади. Баъзи-лар "аруз" сузининг лугавий маъноси "кийин йул", бу илм кийин булганлиги учун уни "аруз" деб атаганлар дейдилар. Бошка арузчилар бу суз "арз килинадиган" деган маънога эга, шеър вазнини аниклаш учун бу илмга арз килинади, шу сабабдан унга "аруз" деб ном берганлар, деган фикрни олга сурадилар. Алишер Навоий "Мезон ул авзон"-ида "аруз" атамасини куйидагича изодлайди: "Ва буким, бу илмни нечун "аруз" дейдилар, мухталиф адвол бор. Ул жумладин, бири била иктифо килилур. Ва ул будурким, . Халил ибн Адмад радматуллодки, бу фаннинг возиъидур, чун араб эрмиш ва анинг якинида бир води эрмишки, ани "аруз" дерлар эрмиш ва ул водида аъроб уйларини тикиб, жилва бериб, бадога киюрурлар эрмиш. Ва уйни араб "байт" дер. Чун байтларни бу фан била мезон килиб, мавзуини номавзундин аюрурлар, гуёки климат ва бадоси маълум булур, бу муносабат била "аруз" деб турлар"[1].

Бу фикр — гоятда эътиборли, муътабар ва дак,ик;атга як^н.

Бундан ташк,ари, наматдан ишланган утовнинг уртасидаги тиргак ёБОчни дам "аруз" деб юритганлар. Бинобарин, кучма маънода байт-шеър уйининг биринчи мисрасининг охиридаги рукунни дам "аруз" деб юритганлар. Бинобарин, кучма маънода байт — шеър уйининг биринчи мисрасининг охиридаги рукунни дам "аруз" деганлар.

Маълумки, араблар VIII асрда бир канча Шарк. мамлакатларини, шунингдек Турон улкасини дам истило к.илиб, шу мамлакатларда уз ёзувини, маданиятини жорий этган. Ана шу жараёнда катор Шарк. мамлакатлари шеъриятида аруз вазнлари пайдо була бошлаган. Аруз вазни таъсири араб шеъриятидан дастлаб форс адабиётига ва ундан узбек шеъриятига утган. Таъкидлаш керакки, узбек адабиётида аруз араб-форс шеърияти таъсирида пайдо булган булса-

[1] *Ааишер Навоий.* Асарлар (ун беш томлик), 14-тсгм (нашрга тайёрлов-чи Иззат Султон). Т., Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1965, 137-бет.

да, у узбек тили табиатига зид эмас. Аксинча, узбек тилида кадимдан арузга мойиллик булган. Махмуд Кршгарийнинг "Девону луготи турк" асарида аруз вазнига ухшаш вазнда яратилган (араблар истилосигача булган даврга нисбатан берилувчи) шеърий парчалар бор. Бу дол, биринчидан, туркий тидда яратилган шеър вазнини аникдашда мисрадаги сузларнинг букин микдорини хисобга олиш билан алокдцор булса, иккинчидан аруз ва бармок. тизимлари бирбирига табиатан якин шеър тузилиши. Арузнинг узбек шеъриятида яшаб крлиши ва ривож топишининг боиси мана шундадир.

Шу тарифа, аруз узбек мумтоз шеъриятининг асосини ташкил килди, хрзирги узбек шеъриятида бармок. вазнлари тизими билан тенг хукукли шеър йули булиб крлган.

Узбек арузи — мураккаб, айни чокда, нозик шеър тузилиши. Куйида шу шеър тизимининг узаги — аруз вазнлари, уларнинг пайдо булиши, илдизлари, тавсифи ва таснифи хусусидагина мухтасар маълумот бериш билан чекланамиз, холос.

**Аруз поэтикаси**

Аруз поэтикасини урганишга киришиш учун, одатда, кайси аруз хакдда фикр юритишни билмок. керак. Демокчиманки, жа-хрн арузшунослиги ута мураккаб ва жуда катта фан. Араб арузи, форс-тожик арузи, туркий аруз... Ва, хатто, туркий аруз тизими хам узбек арузи, озарбойжон арузи, турк арузи, татар арузи кабилар хдм борки, буларнинг хар бирида узига хос хусусиятлар бор. Негаки, аруз аслида арабларнинг т>тма вазнлар тизими булса-да, у, аввало, эрон-тожик халкдари адабиётида пайдо булган ва шу халкларнинг тили ва адабиётига боглик. долда бир кагор узгаришларга учраб ривожланган. Кейинрок. туркий халклар адабиётларида куринган ва шу халкларнинг тили ва адабиётига боишк. х,олда ривожланган. Шу сабабли, турли халклар арузи уз табиатига (бошка халклар арузлари билан муштарак жщатлари х.ам, факат узига хос хусусиятлари хам мавжудки) уларни урганишнинг х;ам назарий, хам амалий жидатлари них.оятда катта эканлигини хисобга олмок. керак. Таникли узбек арузшунос олими, проф. АДожиахмедов узбек арузининг узигагина хос аломатлари х.акида тухталиб, шундай деб ёзган: "Узбек арузига махсус жихатлар куйидагилар:

1. Узбек арузида 19 бахрдан 11 тасигана кулланади. Улар
хазаж, ражаз, рамал, мунсарих., музориъ, тужтасс, хафиф, сариъ, мутакрриб, мутадорик, комил бахрларидир. Араб шеъриятига махсус булган вофир, тавил, мадид, басит, кариб, мушокил, гариб, муктазаб бахрлари узбек арузида кулл анилмайди.

2. Узбек арузида кулланадиган бахрларнинг узбек тили хусусиятлари билан белгиланадиган вазнлар доираси мав-жуд...

3. Шунинг учун... араб ва форс-тожик арузига хос жами 44 хил узгаришнинг 23 туригина шеъриятимизда кулла-нади"[1].

Аруз вазнларининг негизи — ук. илдизлари — аруз фо-нетикасидир. Аруз фонетикасини билмай туриб, унинг вазнларини англаш гоятда мушкул. Аруз фонетикасини урганиш жараёнида, даставвал, шеър матни к.айси ёзувда яратилганига хам эътибор бермок. лозим (аруз аввало араб графикаси асосидаги узбек алфавити кридалари асосида яратилган булади, бошка ёзувларнинг хам матнга таъсири булади, албатта).

Мутах;аррик ва сукун х.арфлар. Арузшунослар ундош товушларни ва чузик. унлиларни х.арф хисоблашади ва киска унлиларни эса "харакат" деб юритишади. Чузик. унлилар арабча, форсча-тожикча сузларда (масалан: шер сузидаги "э" товуши, "ёр" сузидаги "о" товуши, "зур" сузидаги "у" товуши каби) учрайди. Узбек мумтоз адабиётида барча тур-кий сузлардаги унлилар к.иск.а унли х.исобланади. Араб алфавитидаги 28 харфнинг даммаси ундош булиб, улардан факат учтаси унлилар вазифасини утайди: Чунончи: "f" алиф — "а" ва "о" унлилари; "j" — вов — "у" ва "у" унли-лари х.амда *"ts"* — "ё" унлиси урнида ишлатилган. Бундай белгилар "даракат" деб юритилган. "Харакат" уч хил була-ди: агар харакат белгиси харфнинг устига куйилган булса — "фатха", дарфнинг остига куйилган булса — "касра" ва харфнинг устига куйилиб, " ' " шаклида ишлатилган булса — "замма" деб юритилган. Харакат белгисига эга булган ундош харфлар "^аракатли д^арфлар" деб юритилган.

[1] *А. Хожиа%медов.* Узбек арузи лугати. Т., Шарк,, 1998^ 187-бет.

катли харфлар каршисида харакат белгиси куйилмаган ва чузик. талаффуз килинмайдиган ундош хдрфлар, шунингдек, ундош харфларни чузган унли харфлар **"сукун ^арфлар"** дейилади. Чунончи: >_^> — сузлардаги "м" ва "т" харфлари харакатли мутахаррик ва "к", "б" харфлари — харакатсиз, яъни сукун харфлардир.

Аруз илми талабига кура, сузда унли товушларнинг канча булиши, сузнинг арабча, форс-тожикча ёки узбекчалиги эмас, балки харакатли унлиларнинг чузик;-киск.алиги хисобга олинади. Шу сабабдан мумтоз шоирларнинг сузларини ёзганда чузиб талаффуз килиниши лозим булган уринларда у, о, э, е ёки ю, ё, я дарфлари устига бир ётик. чизик. куйилади. Мисол: у, у, я каби.

Узбек тили хусусиятига кура, очик. бугинлар охирида *чузик унли товуш* келиши сийрак учрайдиган додиса булсада, вазн талабига кура, хар к.андай очик. бугин охиридаги унлини чузик. талаффуз килиш мумкин. Масалан: jl — у, _*у.* — бу каби.

Сузда буринни бошловчи х.арф бир **^аракатли х,арфдир.** (Мутахаррик) масалан: *&** — мен, *у-* — сув, *уЬ* — шу — сузларидаги "м", "у", "ш" х.арфлари х,аракатли харфлардир. Улар бирор унли товуш ёрдами билан ёхуд уз табиатига кура х.аракатланади.

**Сукун хдрфлар** — ёпик, бугинни тамомловчи ундош х.арфлар ва очик. бугинни чузиб тамомловчи унли харфлардир. Масалан ^ — мен, ***у*** — сув, *^j* — ки, Jj! — ул хижоларидаги "н", "у", "и", "л" харфлари — сукун харфлардир "Ота" сузидаги иккинчи х.ижо охирида чузиброк. талаффуз килинадиган "а" х.арфи — сукун харфдир.

Араб графикаси кулланилмайдиган тилларда, чунончи, х.озирги узбек ёзувида х.аракатли ва сукун харфларни ифодалаш кийинрок. булганлиги сабабли арузшунослигимизда, шартли равишда, улардан кура енгилрок. булган "здиска ^ижо", "чузик. х.ижо" ва "ута чузик.х.ижо" атамалари к.абул килинган.

Хижо нима?

"Хижо (ар. U«JS — букин) аруз вазнида ёзилган шеърий асар мисраларини ташкил килувчи ва бир овоз билан талаффуз этилувчи энг кичик ритмик булак булиб, бир ун-

лидан ёхуд унли билан бир ёки бир неча ундош харф бирикмасидан ташкил топади...

Х,ижолар унлиларнинг турлича талаффуз этилиши, шунингдек, турлича ажратилиши билан бутинлардан фарк,ланади. Агар бугинлар ёзилишига кура ажратилса, хджолар вазнга мувофик. булишига кура ажратилади"[1].

Аруз вазнида хджоларнинг куйидаги турлари ишлатилади:

**Кискд** х.ижо — к,иска унли билан тугайдиган хар бир очик, бугин. Кдска хижо "v" ишораси билан белгиланади. Мисол: ^ — У, J[1] — билан.

,: Ло-ла кел-ма-ди.

-у- -V-

**Чузик.** хижо — чузик, унли билан тугалланган дар бир очик; бушн. Чузик, хижолар икки хил булади: а) табиатига кура ва б) хрлатига кура чузик,.

**Табиатига кура чузик.:** чузик, унли билан тугаган хар бир очик, бугин чузик, хижо хисобланади. Мисол: \ — бо, ᵧ — бу, / JT — окду, борди-ю сузларидаги "о", "у", "ку" ва "ю" х.арфлари чузилувчи очик, бугинлардир. Хрлатига **кура чузик.:** кдск,а унли, сукун билан туговчи х.ар бир ёпик, бугин чузик, х.ижо хисобланади. Мисол: о_ц — бут, ᵧ. ^ь — куп, ^ — мен каби. Доно, Зебо, Гулшан, Дилбар номларидаги сунгги хджо — чузик, хижодир. Умуман, ёпик. бутин, суз охиридаги ур- очик, бугин ва суз ичида келувчи "о" ургусиз очик, чузик, хижо булади.

Чузик. х.ижо "-" ишораси билан белгиланади.

Мисол:

| | | | |
|---|---|---|---|
| о-ра-зинг еп | кдч ку-зум дин<br>. V - - | со-чи-лур х,ар<br>V - - | лад-за еш,<br>v -фо |
| фои ло туи | фо и ло тун | фо и ло тун | и лун |
| уй-ла-ким, пай<br>v фо и ло | до бу-лур юл<br>- у - - | дуз, ни-^он бул<br>V - - | FОМ-КУ-ёШ.<br>V - |
| тун | фо и ло тун | фо и ло тун | фо и лун |

[1] *А. Хожиа$медов.* ^збек арузи лугати. Т., Шарц, 1998. 214-бет.

**Ута чузщ эушо:** таркибида чузик. унли кедган (шод, бОF, ёр, жон, гох., зор, каби) ёки куш ундош товуш билан туталланувчи (илм, жисм, хал*;, завк., бахс, мехр каби) ёпик. хижолар.

Ута чузик. хижолар: а) мисра ичида келса: "-v" ва б) мисра охирида келса: " " ишораси билан белгила-нади. Мисол:

1. Ёз фас-ли, ёр вас-ли, дуст-лар-нинг сух.-ба-ти,
   -v- - - у - - -v- - -v~
   Шеър бахси, ишк. дар-ди, бо-да-нинг кай-фи-я-ти.
   -v - - -у - - -v - - v ~

2. Жа-хрн-да крл-ма-ди ул -ет-ма-ган илм,
   v . . . у - - -v - ~
   Би-либ тах.-ки-ни касб эт- ма - ган илм.
   v -- у - - V - ~

Баъзан очик. — чузик. бугин кетидан яна бир ундош харф келиб, уни ёпик. бу>инга айлантиради. Мисол: fU- - жом, jb - ёр, с—*ji* - дуст каби. Бу — ута чузик. хижодир.

Щунингдек "о", "у", "и" билан ясалган ёпик. хджолар икки хижо ( - v) га х.ам утади. Суз ёпик. х.ижо билан тугаган-(ол-мас)да, бундай хижо охиридаги ундош товуш узидан кейин келувчи унли товушга кушилиб кетади ва шеър вазнини бел-гилащда очщ (киска) хижога х.ам утади (ол-ма-сэ-ди).

Арузда, вазн талабига кура, баъзан икки суз бир-бири-га кушилиб укилади. Масалан: **маркам айлаб** сузлари шеъ-риятда икки хил ишлатилади. Агар шу сузлар бир-бири-дан ажратиб укилса, х.ижоларнинг тузилиши: --------- шак-лида булади. Улар кушиб укдмса, х.ижоларнинг сифати: - v - - (мах.-ка-май-лаб) тарзида булади. Чунончи: Алишер Навоий "Фарх.од ва Ширин" достонида шу сузларни кушиб ишлатган:

| | | |
|---|---|---|
| У-зин ул тах | та уз-ра мах | кам май -лаб, |
| V - - - | v - - | V - - |
| ма фо ий лун | ма фо ий лун | фа у лун |
| Ви-доъ узжис | му жо-ни-дин | ха-май-лаб |
| v ... | V - - - | V - |
| ма фо ий лун | ма фо ий лун | фа у лун |

Ёпик, 6уFНН, суз охиридаги уртули очик. бурин ва суз ичидаги "о" билан тугаган уррусиз очик, бурин — чузик, хижодир. Уррусиз боцща буринлар — киска хижодир. Ур_ рули бутан уррусиз буринга нисбатан чузикрокдир. Суз охиридаги уррули очик, бурин билан уррусиз ёпик, буринни талаффуз этишга кетадиган вакт миедорида кисман сезиларли хар хиллилик шеър ритмида деярли сезилмайди. Аруз вакт микдорига асосланадиган шеър тузилиши деб юритилишининг боиси хам ана шунда.

Арузда, вазн такрзоси билан, биргина ундош товуш хам к^ск,а хджо хрсил кдлаверади. Шунингдек, суз негизининг икки рукнга ажралавериши х,ам мумкин. Масалан: Мукдмийнинг "Навбах.ор" деб бошланадиган разалининг матлаидаёк, "о-чил-ди", "айлайлик", "ур-ТОF-лар" сузлари икки рукнга ажратилган; "бор-р-лар", "ур-То-F-лар" сузларидаги "F" ундош товуши бир х.ижони ташкил этган. Яна шу шоирнинг "Саёхатнома"сидан бир мисра("бул-ди тааж-: жуб ки-зик. "х.ан-го-ма-лар") олиб курадиган булсак, унда "та-аж-жуб" ва "х.ан-го-ма-лар", суз негизлари икки рукнга булиниб кетганлигининг гувох.и буламиз. Арузда бундай к,оидалар куп учрайди. Бундай хрдисалар бармокда учрамайди.

Арузшунос, проф. А. Х,°жиахмедов "Аруз вазнидаги асарларни ифодали укдпц" номли кулланмасида шеър вазнини аникдашда ва, хусусан, шеърий сузларни х.ижоларга ажратишда, уларнинг сифатини белгилашда ифодали укиш усуллари х.ам таъсир курсатиши мумкинлигини исботлаганки, буларни хам пухта билиб олиш лозим. Олим, хусусан, ифодали укиш усуллари **("таслим"** — айрим сузларнинг баъзи х.арфлари туширилиб крлдирилиши; **"тазниб"** — айрим сузларда бир хдрфнинг орттирилиши; **"тагйир"** — айрим сузларнинг биринчи ёки иккинчи хижоларидаги то-вушларнинг урин алмашинуви ва бошкалар), албатта, шеър х.ижоси сифатига таъсир этади.

Шунингдек, баъзан Атоий, Навоий тахаллусларини вазнга мувофиклаштириш учун шу су^злар охиридаги икки харф урин алмаштириб, Атойи, Навойи; "аро" сузи вазн так.озосига кура баъзан "ара" тарзида келиши мумкин. Албатта, бундай узгаришлар х.а.м х,ижо сифатида уз изини диради.

**К,офия** — катта, мураккаб илм. Бу уринда мумтоз к.офия назариясининг баъзи масалалари хусусидагина мухтасар тухтаб утамиз, холос. ВС,офия илмини урганиш, бизнингча, мумтоз к,офия унсурларини узлаштиришдан бошланиши керак. Дарх.акик.ат, "... хар одаме ким, инсоният як.осидан бош чикррур, анга назм ва насрнинг к.оидасин билмактин гурез йуктур" деб уктирган улут адиб ва аллома Шайх Ах,мад ибн Худойдод Тарозий "Фунун улбалога" номли асарида XVаср тонгидаёк,[1]. Аллома назм илмини урганишда к.офия сабокларининг ах.амияти х.акдца тухталиб, шундай деган: "Билгилким, мажмуи уламо ва фузало мазх.абинда ахли

---

[1] *Шайх А%мад ибн Худойдод Тарозий.* Фунун ул-балога (нашрга тайёрловчи, суз боши ва изобар муаллифи профессор АДайитметов) Т., Хазина, 1996, 3-бет.

табъга крфия илмин билмак мухимдир. Зероки табънинг натижаси шеърдур. Ва шеърнинг асли крфия. Ва крфиясиз шеър мумкин эрмас... Ва зурафо байтни хайма (чодир)га нисбат килибтурлар ва крфияни стужа. Яъни хайма стун бирла барпойдир."[1]

Демак, урта асрлардаёк. назм ва наср илмини билиш, шеърият к.алби саналмиш крфия илмини урганиш — инсоний фазилат, хусусан, "уламо ва фузало мазхабинда ахди табъра" крфия илмин билмак шарт булган экан, бу фикр хамон уз кучини саклаб турибди. Хозирги замон зиёлилари, укитувчилар, хусусан, адабиёт муаллимлари учун бу фикр фавкулодда ахамият касб этади.

**К.офия унсурлари...** Унсурлар — крфиянинг "жонитани,, JQ^м унсурларини к.анчалик пухта билсак, крфия оламига киришимиз шунчалик осонлашади. Унсурлар — крфия хазинасининг калити. Крфия нук^гадонларининг ук^гиришларича, "арзуз вазнида ёзилган шеърларда крфия х.арфлари х.ар вак^ х.аракатли ё даракатсиз ундош ёхуд узун (чузик.) унли булади; хеч вакдк.иск.а унли булмайди. Бармок, вазнида ёзилган шеърларда бу шарт эмас, яъни крфия х.арфлари кдскд унли х.ам булиб келади"[2].

Араб уламолари фикрича, мумтоз крфия таркибида олти дарф бор: таъсис, дахил, ридф, равий, васл, хуруж. Ажам сохирининг айтилишича, мумтоз к,офия таркибида тукдиз х,арф бор (равий, кайд, дахил, ридф, таъсис, васл, хуруж, мазид, нойира). Мазкур унсур (товуш)лар равий атрофида уйгунлашадилар: туртта узак товуш (васл, хуруж, мазид, нойира) равийдан сунг келади. Равий-к.офиянинг ук. томири. Араблар к.офия деганда равийни тушунар эканларки, бу бежиз змас-да. Крфия таркибидаги унсурлар уз табиатига кура икки гурухга ажратилади; мукаййад-узак к.офия унсурлари ва мутлак.-кушимчали к.офия унсурлари. К,офия мана шу унсурларнинг бирикишидан таркиб топади.

---

[1] *Шайх Ах,мад ибн Худойдод Тарозий.* Фунун ул-балога (нашрга тайёрловчи, суз боши ва изсщгар муаллифи профессор АДайитметов) Т., Хазина, 1996, 3-бет.

[2] С.Мирзаев. Узбек адаби^гида 1;офия. "Узбек тили ва адабиёти", 1972, 5-сон, 87-бет. v

**Мукдййад цофия унсурлари:** равий, кайд, дахил, ридф ватаъсис. Мукаййад крфия унсурлари, биринчидан, крфиядош сузлар узаги (негизи)дан жой олиши ва, иккинчидан, равийдан олдин келиши билан тавсифланади.

1. **Равий** — крфиянинг композицион маркази. "Равий" атамаси этимология жидатидан арабча "риво" сузидан олинган, лугавий жидатдан туяга юк ортишда *ишлятиладиган* аркрн деган маънони ифодалайди: гуё байтда крфияни шу товуш билан боЕлайдилар. Арузийларнинг айтишларича, биринчи навбатда, даракатсиз ундошлар вачузик.унлилар ("О", "У", "У") ва баъзи лолларда, кискд унлилар дам равий булиб келади. Равий, асосан, бир товушнинг «;офиядош сузларда айнан такроридан, баъзан эшитилиши бир-бирига як,ин булган товушларнинг алмашиши (чунончи, "Бобурнома"да айтилишича, "т" — "д", "F" — "к;" — "к"га утар экан)да пайдо булади. Равий узак билан узак крфияланганда дар бир узак охирида, кушимчали узак билан кушимчасиз узак к.офияланганда узак билан кушимча чегарасида, кушимчали узак билан кушимча жуфтланган дар иккаласининг охирида ва, нидоят, кушимча билан кушимча одангдош булганда шу кушимчалар охири (такрорланувчи)да келади.

Баъзи мисоллар:

Топиб, фшщол цилдилар хабар **фош,**
Ки оривда буруниадек казар **тош.**

*{"Хамса")*

Байтдаги "фош" ва "тош" сузлари к,офия ва шу сузлар**нинг охиридаги** "ш" товуши равийдир.

Севги шундай навба^орки, Ул
тикандан **гул** килур. Тошга
жону тил баишшаб, ЗОFНН х;ам
булбул к;илур.

*(Эркин Болидов)*

**Байтдаги** "гул" билан "булбуд" узак сузлари крфияланган: "гул" ва "булбул"даги сунгги "л" товуши — равий.

Бу ЯНГЛИР ерда мещат **ортар** эди, .,,
Ясаб утгунча захмат **тортар** эди.

*("Хамса")*

"Ортар" ва "тортар" крфиядош узак сузларнинг сунгги ИР" товуши — равийдир.

Бирор ерким туганса эрди хоро, Ёрида
туфрок, улса ошкоро.

*("Хамса")*

Байтдаги "хоро" ва "ошкоро" крфиядош сузларидаги сунгги чузик. унли товуш "О" — равийдир.

Замоне тинмопш килди бах,она, Ки
етгайму ул ошубу завона.

*("Хамса")*

Бу байтдаги "барона" ва "замона" крфиядош сузларидаги сунгги товуш "а"-киска унли — равийдир.

Бармок. вазнида ёзилган шеърларнинг крфиялари хам равийли булиши мумкин.

Бир мисол:

Розимисан бир ёш томса кузимдан,
Розимисан сал ранг кетса юзимдан.
Йул юрсаму, сал яшащдан адашсам,
Розимисан унда тамом узимдан.

*{"Хламид Олимжон")*

Банддаги "кузимдан", "юзимдан" ва "узимдан" охангдош сузлар — к.офия. Кофиядош сузлардаги "з" узак товуш-равий. Хамид Олимжоннинг "Зайнаб ва Омон" достонида к.офиянинг йигирмадан ортик. хили кулланган булиб, уларнинг хар бири равийлик[1].

Водид Табризий "Жами мухтасар" асарида айтишича, "к.офия узакдаги битта х.арфдир, х.ам араблар бу харфни равий деб атайдилар... ва шеър равий харфсиз тугри булмайди. Бу х.арфни шундай такрорлаш керакки, хар бир байтда муайян бир уринга куйилган булсин. Равий килинган харф

К»аранг: *Х.Мир%айдаров.* Яна к,офия ва шеър системаси тили ва адабиёти"л 1976, 2-сон, 64-66 бетлар.

сузнинг узагига тегишли булади, агар бу харф у суздан олиб ташланса, суз уз маъносини йукртади"[1].

Биз юкрридаги (крфиядаги) бир товушнинг айнан такроридан иборат булган равийларни кайд килдик, холос. Амалда равий икки хил товушдан пайдо булиши мумкин. Масалан, п-б: куп-суруб (Махмур, Таърифи вилояти *Курта);* ч-ж каринч-ганж (Кутб. "Хусрав ва Ширин") ва бошкалар[2].

2. **Таъсис** — асосламок., мустахкамламок.. Масалан, "зой-ил" билан "крйил", "крбил" билан "котил" сузлари к,офи-яланганда: "л" — равий, "и" киска унли товуш, "и" ва "б" — "т" товушлари — харакатли ундошлар, "о" товуши — таъсис булади.

Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий дейди: "Таъсис ул харфни айтурларким, крфия харфининг аввалида келур, бу тукдиз хуруфнинг OF3H андиндур. Ва бу алифтин узга харф булмас доим, нетокким: олим ва х.оким булгай" (76 бет). Масалан, олам-одам: "т" (алиф)-таъсис, "л" (лом)-"дол — дахил," (мим)-равийдир. Ва таъсис икки навъ булур. Они муттасил дерлар, нетокким окил булБай. Ва бир навъ ул-ким, икки лафзда вокеъ булур, нетокким: даре дил булБай. Ва мунинг к.оидаси уддурким, матлаъда риоят килса, бар-ча байти охирига, ривоят вожибдур" (76 бет).

Ки эй биздин етган малолат,
Етмай бизга сандин хижолат.

*("Хамса")*

Байтдаги крфиядош "малолат" билан "хижолат" сузларида: "т" — равий, "а" — киска унли, "л"— харакатли ундош ва, них.оят, "о"— чузик. унли таъсисдир.

Мисолдан англашиларлики, **равийдан олдинги** (киск.а унли мустасно к.илинганда) **харакатли ундош ёнидаги "о"-чузик; унлиси таъсис булар экан.** Араб шеъриятида к.офиядош сузларнинг бирида **таъсис кулланилса, бошк.аларида х.ам таъсис булиши талаб к,илинади.** Форс ва узбек крфияларида бу конунга амал килинавермайди. Масалан, бир

---

1 *Ва%ид Табризи.* Джами мухтасар. М., 1956, 77—78-бетлар.
2 К,аранг: Адабиёт назарияси, 2-том, Т., "Фан", 1979, 371—372 бетлар.

разалнинг айрим крфияларида таъсис кулланилса, бошкд-ларида таъсис булиши шарт эмас. Чунончи, Алишер Навоийнинг:

Икки куз манзилинг, эй мох;и ма?у1ил,
Кунглунга азм кдл манзил ва манзил.

Байти билан бошланувчи Базалнинг "котил", "зойил", "окил", "хойил" (дангдош сузларида "о" таъсис ишлатил-ган булса, крлган крфиялари ("махлил", "бисмил", "ман-зил")да таъсис йук,.

3. **Ридф** — отга мингашиш. Крфиядош сузларда (ёпик, бугинда) ундош равиидан оддин келган чузик, унли товуш ридф деб юритилади.

Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарози дейди: "Ридф хам равийдин бурун келур. Ва бу доим хуруфи маддин келур. Яъни **алиф** (1) ва вов (j) ва ё ( ^ ) ва уч харфдин узга х.еч х.арф ридф булмас, нечукким: кор ва бор, хур ва нур, чин ва ойин, булгай" (75-бет). Ридфнинг куйидаги турлари мавжуд: а) **Ритфи-аслий.** Крфиядаги ундош равий олдида келган "о" чузик. унлиси ва вазн таказосига кура чузик. унлига айланган "у", "у", "и", "э" товушлар ридфи аслий деб юритилади. Масалан, "боғ" билан "чирог" цофияси-даги "о" товуши; "нобуд" билан "вужуд" крфиясидаги "у" товуши; "зур" билан "кур" крфиясидаги "у" товуши; "азиз" билан "лазиз" к,офиясидаги "и" товуши; "дарвеш" билан "беш" к.офиясидаги "е" товуши ридфи аслийдир. Масалан,

**"о" ридфи:**

Эй Мажнунунг хираддин озод,
Охири берибон хирадни **барбод.**

*("Хамса")*

**ридфи:**

Кимга фойда бехуда **жунун,** Ва
дунёга FaBFo солишдан.
Айриликдан куркмасман бу **кун.**
Мен куркаман цевиб к;олишдан.

*("А.Орипов")*

Биринчи ва учинчи мисралардаги "жунун" билан "кун" крфия булиб келган. Крфиядаги "у" ридфидир.

**"у" ридфи:**

Базмида бу нав душ-бар душ ':■-
Шахлар бори ёндошиб кладах, **нуш.**

*("Хамса')*

"е" **ридфи:**

Тулуъ этти чу ул рахшанда хуршид, * •
Адам шомига будци шамъи жовид.

*("Хамса")*

б) **Ридф-и зойид-и муфрад.**

Равийга олд томондан унлиси кушилган ундош булиб товуш ("к.айд"ни мустасно килганда) **ридф-и зойид-и муфрад** деб юритилади. Масалан, "акд" билан ридф-и зойид-и муфраддир.

Мисол:

Гахдсим илм дарёси топиб мавж,
Ети к;от ер туби крлиб тукуз авж.

*("Хамса")*

в) **Ридф-и** зойид-и мураккаб.

Равий билан аслий ридф орасида келадиган ундош товуш ("х", "р", "с", "ш", "ф", "н") мураккаб ридфли мукаййад крфия булади. Масалан, "рост" билан "ост", "дуст" билан "пуст" крфияларидаги "с" товуш, "гушт" билан "пушт" к.офиясидаги "ш" товуши ридф-и зойид-и мураккабдир.

Мисол:

Битилган суз эрур боштин оёь; рост,
Бу навь эрмиш азадда тангрига хост.

*("Хамса")*

4. К,айд — боглаш. Равийдан олдин келган "б", "н", "з", "р", "с", "ф", "х", "ш", "ғ", "х." ундош товушлари к.айд деб юритилади. Кайд олдида х.амма вакт к,иск.а товуш булиб, у хам крфиядош сузларда такрорланиб келади. Ма-

салан, "бахт" билан "тахт", "жазм" билан "азм", "барк." билан "гарк." крфияларидаги "х", "з", "р" ундош товущлари кайддир.

Мисол:

Орзинг муштокидур бу кузки булмиш дардманд,
Гарчи бордур дардлго кузга ёруишкдин газанд.

*(Навоий)*

"Дардманд" билан "газанд" крфиясидаги "д" товуши-равий, ундан олдинги "н" товуши-кайд ва "а"-киск.аунли товушдир.

Чун чекти бу ерга навхаи дард,
Булди яна аклу хущдин фард.

*("Хамса")*

Букрфиядаги "д"-равий, "р"-кдйд, "а"-кдскд унлидир.

Эмдики бу икки тошбон рахт,
Анда урбон жунун шахи тахт.

*{"Хамса")* Бу

крфиядаги "т" равий, "х" кайд, "а" краска унли.

Навфал сузиким кдлиб эдинг забт,
Мендин эмас эди вакиъ ул хабт.

*("Хамса")*

Юкрридаги "забт" ва "хабт" к.офияларида: "т"-равий, "б"-к.айд ва "а"-кд!ск.а унли товушлар кулланилган.

Ешти расани жихозидан чует,
Уз буйнига боглади ани руст.

*("Хамса")*

Юкрридаги "чует" билан "руст" сузлари крфиядош. К,офиядаги "т"-равий, "с"-кдйд, "у"-к.иск.а унли.

Ким келгусидир бутун пари чехр,
Андокки хамал фазосига мехр.

,,. *("Хамса'У*

"Чехр" ва "мехр" крфиясидаги "р"-равий, "х."-к.айд, "е"-кискд унли товущцир.

5. **Дахил** — орага кирувчи, сукулувчи. **К,офияда равий билан таъсис уртасига сукулиб кирувчи х,аракатли ундош товуш дахил деб юритилади.**

Масалан, "золим"-"олим" крфиясида "м" равий, "о" чузик, унли ва "л"- дахилдир.

Бас сени аввал ул кдлиб зохир,
Сенга хам аввал улди хам охир.

*("Хамса")*

Юкрридаги байтда "зохир" ва "охир" сузлари — крфия. Крфиядаги "р" товуши — равий, "о" чузик; унлиси таъсис, "х.", "х" харакатли ундош дахилдир.

Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий ёзади: "Дахил ул харфни айтурларким, равий бирла таъсиснинг орасида келур. Вале анинг такрори лозим эрмас, яъни хар бир байтда узгахарф келур. Ваяна биттаузга, нетокким: тох.ир-к,осир булгай. (Мисол: олам-одам: "м"-равий, "дол" ва "лом"-дахил). Ва бу алифтин узга х.ар х.арфдин булур" (76-бет).

Кофияда дахилнинг дамиша бирдек мое келавериши шарт эмас. Масалан, "крдир"-"сабир" к,офия булиши мумкин. Бунда "р"-равий, "с"-таъсис, "д"-"б" дахилдир. Демак, дахилда характерли ундош товуш айнан такрорланмаслиги (охангдош товуш билан алмашиши) х.ам мумкин экан. Масалан:

Хам сенинг мулкинга эрур доз^ил,
Моли х.ар йил хизонга **восил.**

*("Хамса")*

К,офиядаги "х" билан "с" дахиллари бир ундош товушнинг айнан такрори эмас, балки охангдошлиги як.инрок. булган характерли ундошлар такроридир. Бирок,, таъсисли крфиянинг дахили айнан такрорланса, к.офиянинг жарангдорлиги янада ортиши шубхасиздир[1].

---

[1] *А. Рустамов.* Крфия нима. Т., "Фан", 1978 йил, 14-бет.

t •, • Булмаса, рухсат, улрунча **огах.,**
Кетгудекмен бошим олиб **ногах.**

*("Хамса")*

Байтдаги "огах," ва ногах," сузлари таъсисли крфия ("х." — равий, "о"— таъсис, "г"— дахил). Бууринда "г" дахили айнан такрорланиб крфиянинг жарангдорлигини оширишга хизмат килган.

Ул зиёфат таршдида **мохир,** Онча
мардумлщ айлади **зохир.**

Бу байтдаги крфия янада жаранглирокдир. Хатто, таъсисли крфиядош сузларнинг бирида дахил булиб, бошкдсида тушиб к,олиши хам мумкин. Мисол:

Ки Хисравдин не ишким булди **холос,**
Кишиким деса Фархрд эрди **боне.**

*("Хамса")*

Мутлак. крфия унсур (товуш)ларнинг характерли жихдти шундаки, улар, албатта, к;офия узаги (ёхуд негизи)ни хотималовчи равийдан сунг келади (купинча узакка кушимча сифатида бириктирилади ёхуд алохида келиши х.ам мумкин). Шу важдан мазкур товушлар **мутлац (цушимчали) к,офия унсурлари х,исобланади.**

**Мутлак, кофия унсурлари**

Мутлак к.офия унсурлари арузшунос Содик. Мирзаевнинг укдиришича, равийдан сунг келадиган товушлар (мутлак. крфия унсурлари)ни куйидаги хрлатлардан ахтариш керак:

а) "Исмларнинг охирига кушиладиган — и (калами), — им (каламим), -инг (унинг) каби эгалик к^шимчаларидан;

б) — дан, — да каби келишик кушимчаларидан;

в) куплик кушимчаси — лар дан;

г) нисбат кушимчаси — лир дан;

д) — иб (бориб), — он(борибон), — миш(келмиш), — ди(келди) каби феъл кушимчаларидан"[1].

---

[1] *С.Мирзаев* Узбек адабиётида" к;офия. "Узбек тили ва адабиёти", 1972, 5-сон, 87-бет.

Мутлак, крфия унсурлари (васл, хуруж, мазид, нойира) куйидагича тавсифланади:

1. **Васл** — улаш. Равийдан кейин келиб, унга воситасиз ёки васитали бовтанадиган товушлар васллардир.

Булар куйидагича булади:

а) **воситасиз богланадиган васл** — унли равий билан ундош васл ёки унли васл билан ундош равий тугридан-тугри (воситасиз-бошовчисиз) уланади:

Ул Ганжада ганждек **ни.хони,**
Беш ганж куюб, вале **нишони.**

*{"Хамса")*

Байтдаги "нидони"-"нишони" крфиясида "н" ундош — равий, сунгги "и" унлиси воситасиз васлдир;

б) **Воситали богланган васл** — ёпик. узак крфия равий (ундош)си билан васл (ундош)ни киска унли товуш боғлайди:

Ул пари пайкар хажридин **жах.оним** булдим талх,
Шарбати лаълидин аиру коми **жоним** булдим талх.

*(Нодира)*

Байтдаги "жах;оним"-"жоним" к,офия. Ундаги "я" товуши— равий, — "им" эгалик кушимчасидаги "м" воситали васл, "и" киска унлиси воситадир.

2. **Хуруж** — чикиш. Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий дейди: "Хуруж ул васлдин сунгра келур, нетокким: хаёлот-камолот (никрб-ни-офтоб-ни: "н"— васл, "и"— хуруж). **К,офияда васлдан сунг келган ^аракатсиз ундош ёки чузи^ унли товуш хуруж деб юритилади.** Хуруж билан васл ундош товушлардан ифодаланган булса, уларнинг уртасида (вазн талаби билан) киск.а унли товуш келиши мумкин. Мисоллар:

Х,ам олма юзунгни ул **макондин,**
Бошингни дари ул **осмондин.**

*("Хамса")*

Ю^оридаги байтда "макондин"-"осмондин" к,офияси кулланилган ("макон"-"осмон" сузлари — узак^ "дин" —

кушимча; узакдаги "н" товуши — равий, кушимчадаги "д" воситасиз васл, "и" кискд унли товуш — хуруж).

Иккимиз отосиннг **ризоси,**
Солмиш санга бу **иш ибтилоси.**

*("Хамса")*

Байтдаги "ризоси"—"ибтилоси" крфиясидаги "о" товуши — равий, "с" товуши — васл, "и" унлиси — хуруждир.

3. **Мазид** — орттирилган. Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий дейди: "Мазид ул харфни айтурларким, хуруждан сунгра келса. Ва бу ажам ихтироидир. Ва араб кдвминда крфиянинг охири харфи хуруждир. Ва мазид х.ар харфдин булур, нетокким: баримиш-даримиш булгай" (72-бет). **К>офияда хуруждан кейин келган ундош ва вазнда чузик. булган унли товуш мазид деб юритилади.** Масалан, "топмадим"— "ёпмадим" крфиясидаги "м", "билмасдан" — "келмасдан" крфиясидаги "н", "карогинда" — "сурогинда" крфиясидаги "а" товуши мазид хисобланади. Мисоллар:

Яъни: бу жунун **фасонасидин,**
Расволик, ути **забонасидин.**

*("Хамса")*

Бу байтдаги "фасонасидин" — "забонасидин" сузлари крфия ("фасона" — "забона" — узак, "сидин" — кушимча; узакдаги сунгги "а" — равий, кушимчадаги "с" — воситасиз васл, "д" хуруж, "н" — мазиддир).

Эй Аторид, уп **остонимнн,**
**жузвдонимни.**

*("Хамса")*

Бу байтдаги "остонимни" — "жузвдонимни" сузлари крфия: "остон" — "жузвдон" — узак, "имни" — кушимча; ^закдаги сунгги "о" — ридф, "н" — равий, кушимчадаги "м" воситали васл, "н" (сунггиси) — хуруж, "и" — мазиддир.

**4. Нойира** — узини четга олувчи. **Мазиддан кейин келган ундош ва вазнда чузик. хисобланган унли товушлар (улар канча булишидан к.атъи назар) нойира деб юритилади.** Ма-салан, "комиронлиглар" — "нотавонлиглар" крфиясида:

"н" — равий, ундан олдинги "о" — ридф, равийдан сунгги "л" — воситасиз васл, "ғ" — хуруж, "л" — (сунгги) — мазид ва "р" — нойира булади. . *

Куруб ул ранг резлик **ишларини,**
ТароF кулмакка очиб тишларини. / ,

*("Хамса")*

Байтдаги "ишларини"- "тишларини" сузлари — крфия ("иш" ва "тиш" узак, "ларини" — кушимча; узакдаги "ш" — равий, кушимчадаги "л" — воситасиз васл, "р" — хуруж, "н" — мазид, "и" — нойира).

*Улут* шеършунос ва адиб Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий айтганидек, бу тукдиз унсурнинг бир крфияда келиши камдан кам учрайдиган хрдисадир. Мукаййад ва мутлак; крфия унсурларининг крфияда иштирокига кура куринишлари хам ранг-барангдир...

## *Иккинчи сабок, МУМТОЗ*
## *ЩОФИЯ ТИПЛАРИ В А ТУРЛАРИ*

Узбек шеъриятида крфиянинг ранг-баранг куринишлари мавжуд. Уларни тасниф килмасдан туриб урганиш мушкул. Шунга кура, гапни крфия таснифидан бошлай к,олайлик.

Маълумки, крфия сузлардан таркиб топади. Суз эса соф узак (негиз)ли ёхуд кушимчали булади. Узак ва кушимча иштирокига кура крфиялар икки типга булинади. Крфия соф узаклардан таркиб топтан булса, **муцаййад — узак крфиялар** ва кушимчали сузлардан иборат булса, **мутлак кофия-лар** деб юритилади. Мук.аййад к.офия ва мутлак; крфия, асо-сан, классик крфия типларидир. (Бармокдаги шеър к.офия-си хам бундан бутунлай мустасно эмас). Айни чокда, х.ар бир крфия типи уларда иштирок этган унсур (товуш)лар такрзосига кура бир канча гурухларга ажраладики, буларни илмда крфия турлари деб аташ жоиздир. Шу тарика, му-кдййад крфия ва мутлак. крфия типларининг хар бирида анчагина к.офия турлари борлиги аник, булиб к,олади.

**Мукаййад кофия типи ва унинг турлари**

Мукаййад крфиянинг узига хослиги шундаки, унда, биринчидан, факат мукаййад (узак) крфия унсур (товуш)лари ва, иккинчидан, соф узак-негиз иштирок этади. Шеъриятимизда крфия - нинг бу типи (мутлак; крфия типига нисбатан) кенг тарк,-алган.

Мукаййад крфия типининг бир неча хил — куринишлари борки, улар куйидагича тавсифланади:

**1. Мук,аййэди мужаррад к,офия.**

Мужаррад крфия, биринчидан, якка узакдан ва, иккинчидан, киска унли товушга таянадиган ёпик. бугиндан тарким топади. Масалан, "тан" — "Ватан" крфиясининг сунгги бугини ("тан" — "тан") ёпик. ва "а" киска унли товушга таянган. Крфиянинг бу хилида, купинча, равий харакатсиз ундош товушдан ифодаланади ("тан" — "Ватан" крфиясида "н" товуши — равий — харакатсиз ундош). Бундай к.офиялар, **"мужаррад",** яъни **ялангоч цофия** деб юритилади.

Мисоллар:

Ул деб не укуб варакда мутлац, Бу
деб неки кунглига солиб

*{"Хамса")*

Нопармон булутлардан крлмади **асар,**
% Секин ёйилиб тушди салкдн кузги **кеч...**
Куёшнинг сунгги THFH сувларда **юзар,**
Байрам башоратидан берилган **севинч...**

*(Амин Умарий)*

*2.* **Дофия-и мукаййад-н муассаси** — таъсисли (мустах.-кам) узак к.офия. Бу хил крфияда равийдан олдин бир хара-катли ундош булиб, ундан илгари бир чузик. унли ("о") келади:

Эрур Fop ичра Сукроти **ягона,**
Дема Сукрот, .Букроти **замона.**

*("Хамса")*

Дустим содда, жуда тупори, ;:
Буйи-басти куйиб куйгандай. ,
Саъва булиб сайрар дутори,
Тутининг хам багрин уйгандай.

*(Амин Умарий)*

3. Таъсисли ва дахилли мукаййад **кофия.**

Бу к.офия таъсисли ва дахилли узак товушлардан таркиб топади. Масалан, "крйил" — "зойил" крфиясида: "л" — равий, "о" — чузик, унлиси — таъсис, "и" — дахил. Мисол:

*\- Бори бир ёну бу ёнки **ногох,**
Шах улса бу ажиб холимдин огох.

*("Хамса")*

"Ногох." — "огох." к,офиясида: "х." — равий, "г" — дахил, "о" — чузик; унлиси — таъсис.

Жажжи угилчасин етаклаб **олиб,** Ота
шошар эди к,айгадир тонгда. Кимдир
каршисидан чикди жар солиб: —
Хурозк,анд сотаман, к,олма
армонда.

*(Абдулла Орипов)*

Бу банднинг биринчи ("олиб") ва учинчи ("солиб") мисралари таъсисли ва дахилли ("б" — равий, "л" — дахил, "о" — таъсис) к;офияли булса, иккинчи ("тонгда") ва туртинчи ("армонда") мисралари мутлак, к,офиялидир.

4. **Ридф-и аслийли мук,аййад к,офия.** Бу крфия ридф-и аслий унсурлари иштирокида пайдо булади. Мисол:

Ки аждар кдиди жисмин оташ олуд,
Замона деви солди бошига дуд. «

*("Хамса")*

*"ОЙ* куёшга *сочмаган* игна,
Куёш ойга пуркамаган **кул".**
Бу кун хар иккиси калин дуст
Ип ешолмас булбул ва на гул.

*(Амин Умарий)*

5. **Ридф-и муфрадли мукаййад крфия.** Бу крфиянинг таркибида ридф-и муфрад унсури мавжуд булади. Мисол:

Чу дарёйи рахматк;а солганда **мавж,**
Куруп крлмамиш не хазизу не
**авж.**

*("Хамса")*

6. **Ридф-и мураккабли мук,аййад к,офия.** Бу хил крфия таркибида ридф-и мураккаб унсурлари булади. Мисол:

Кемаларни киргокда богааб руст,
Халку амволини чикррди дуруст.

*("Хамса")*

7'. **Кайдли мук,аййад к,офия.** Бундай к.офиялар таркибида кайд унсури мавжуд булади. Мисол:

Тур уза ламъа кургузуб **барк,.**
Андок; ёрубонки, мехрдин **шарк;.**

*("Хамса")*

Ки мактаб аро хужаста **фарзанд,**
Булгай бори илмдин **баруманд.**

*("Хамса")*

Лек асру хай ичра эрди **побаст,** Даре
ичра топиб каломи **пайваст.**

*('Хамса")*

**Мутлак, кофия типи ва унинг турлари**

Мутлак; крфия таркибида узак (негиз)дан ташк,ари кушимча (васл, хуруж, мазид, нойира)лардан бири ёхуд бир нечаси булади. Мутлак. крфия таркибини кайси кушимча ташкил к.илган булса, к.офия х.ам шу кушимча — унсур номи билан юритилади. Мутлак. к.офия типига ман-суб булган к.офия турлари куйидагича тавсифланади:

1. **Мутлак;-и мужаррад кофия** — кушимчали (мутлак.) якка крфия. Бу хил крфиянинг тузилиши: крфиянинг уза-гига унли билан бошланувчи бир ёпик. буган ("рагбат-им" — "нисбат-им") ёки узакка "а", "и", "о", "э" унлилари-дан бири тиркалади ("кун-и" — "тун-и" каби). Мисол:

Кимники, айлай дер **эеаЯГ мархам-инг,**
Кул синамай **айламагнл г(амдам-инг.**

*("Хамса")*

Зулмат аро ботиниму зохир-им,
Турфа буким, уйла тилаб хотир-им.

*("Хамса")*

Махзи латофатдин улиб хшщат-и,
Халвд жа^он ахлира хак, рах.мат-и.

*("Хамса")* ■ .:■

Ки ишк, ахдидин улгай достон-е,
Мухаббат хайлидин ^олгай нишон-е.

*("Хамса")*

Хаданггинг марг тайридин нишон-а,
Адув жисмини айлаб ошиён-а.

*("Хамса")*

**2. Таъсисли мутлац к,офия.** Бу к,офия узагида таъсис унсури мавжуд булиб, кушимчалардан бири билан бирикиб келади. Мисол:

Ки чун Фарх.од ул **КурFOHFa** борди,
Нигох.бонлар била **зиндонга** борди.

*("Хамса")*

3. **Таъсис ва дахилли мутлац к;офия.** Бу хил к;офия уза гида таъсис билан дахил унсурлари булиб, бирор 1^ушимча билан бирикиб келади. Мисол:

куйни аро *багри* Анга деб
6aFpH куйган **можарони.**

*("Хамса')*

**4. Рвдф-н аслийли мутлак; к;офия.** Бундай к,офия узагида аслий ридф булади ва кушимча билан бирикади. Мисол:

Танимдек куймаса жисми **низоринг.**
Туну анжум недур дуду **шароринг.**

*("Хамса")*

5. **Ридф-и** муфрадли мутлак, ^офия. Бу хил крфия узагида ридф-и муфрад унсури булиб, кушимчалардан бири билан бирикиб келади:

Сипехр уртаб жахрни бенавони.
Кули бирла к,аро айлаб х,авони.

*("Хамса")*

6. **Ридф-и** мураккабли мутлак, к,офия. Бу крфия узагида ридф-и мураккаб унсури булади ва у кушимчаларнинг бири билан бирикади:

К,илди адам манзили кошонаси,
бирисин биргина куш донаси.

*("Хамса')*

7. К^йд мутлац **цофия.** Бундай к.офия узагида албатга кайд унсури иштирок этади ва унда кушимча булади. Мисол:

Бориб сургач фусунлик, можаро-ни,
АхоFа к;изни, yFyjiFa ано-ни.

*("Хамса")*

8. Хуружлн мутлак; **кофия.** Бу хил крфия кушимчаси таркибида хуруж унсури мавжуд булади. Мисол:

Кечинг хар неки к;илмишмен жафо-дин,
Куюнг жонимга миннатлар вафо-дин.

*("Хамса")*

9. Таъсис ва хуружли мутлак, к,офия. Бу хил крфиянинг узагида таъсис ва кушимчасида хуруж унсури булади. Мисол:

Куруб ул зору бекас мотам-идин, Ки
^айвон бех вафосиз одам-идин.

*("Хамса')*

нотавонлиг булди рузи,
Раника комронли? булди рузи.

*("Хамса")*

**10. Таъснс, дахнл ва хуружли мутлак. крфия.** Бу хил крфия узагида таъсис, дахил ва кушимчасида хуруж унсури булиши шарт. Мисол:

Магар шах лутфи ук; ёвар-лщ этгай,
Менинг журмумга узр овар-лщ этгай.

*("Хамса ")*

**11. Ридф-и аслий ва хуружли мутлак. крфия.** Бу хил крфия узагида ридф-и аслий ва кушимчасида хуруж унсури були ши керак. Мисол:

Олиб эгаига махдин нозанин-лар,
Юруб олдида гирён мах жабин-лар.

*("Хамса")*

12. **Ридф-и мураккаб ва хуружли мутлак. крфия.** Бу хил крфия узагида ридф-и мураккаб ва кушимчасида хуруж унсури булиши лозим. Мисол;

Кабутар йук, **кабутархонадир** ул, ;
Дема анжуманки, сочк,он **донадур** ул.

*("Хамса")*

13. **Кдйд ва хуружли мутлак. к,офи».** Бу хил крфия узаги да кайд ва кушимчасида хуруж унсури булади. Мисол:

Чун вок>иф улуб бу можаро-ра,
Мушкин хутаба кириб аро-Fa. ;

*("Хамса")*

**14. Мазидли мутлак. к.офия,** Бухил к.офия кушимчасида албатта манзид унсури булиши керак. Мисол:

Булок; она-Ер сийна-сидан, Шеър
сингари к,айнаб оцади. , Сувнинг
кумуш оина-сидан, Мехрим б^либ
куёш бовдци.

*(Эркин Во%идов)*

Ул суз демайин малолат-идин,
Бокмай отага хижолат-идин.

*{"Хамса")*

Охи елимга чарх соврулубон,
Узи х.ижрон утига к,оврулубон.

*("Хамса")*

Байтдаги "соврулубон" — "крврулубон" сузлари крфия ("соврул" — "коврул" узак, "убон" — кушимча; узакдаги "о" товуши-таъсис, "в" товуши — дахил, "л" товуши — равий, кушимчадаги "у" — товуши воситасиз васл, "б" товуши хуруж, "и" товуши — мазид.)

17. Ридф-и аслий ва мазидли мутлац кофия. Бу хил крфи-янинг узагида ридф-и аслий ва тфиимчасида мазид унсури булиши лозим. Мисол:

Шох.ид анга жилвада паррон-лиги.
ч Илиг-оёрнинг доги нн^он-jhifh.

*("Хамса")*

Байтдаги "парронлиги" — "пинхонлига" сузлари — к,офия ("паррон" — "них.он" — узак, "лиги" — кушимча; узакдаги "н" товуши — равий, "о" товуши — ридф-и аслий ва кушимчадаги сунгги "и" товуши — мазиддир).

18. Кдйд ва мазидли крфия. Бу хил к,офия узагида кдйд ва кушимчасида мазид унсури булиши лозим. Мисол: Ки крйил эрур сунгги фарзандимиз, Билик марзандин барумаидимиз.

*("Хамса')*

Бу байтдаги "фарзандимиз" — "барумандимиз" сузлари к,офия: "фарзанд" — "баруманд" — узак; "-имиз" —

кушимча; узакдаги "д" товуши — равий, ундан олдинги "н" товуши- — кайд, кайддан олдинги "а" товуши киска унли; кушимчадаги "и" товуши — воситасиз васл, "м" товуши — хуруж ва "э" товуши — мазид.

19. **Ридф-и мураккаб ва мазидли мутлак. кофия.** Бу хил крфия узагида ридф-и мураккаб ва кушимчасида мазид унсурлари булиши' лозим. Мисол:

Анинг ройиким буйла **софийдурур,** Бу
сузлар хирадка **мунофийдурур,**

*("Хамса")*

Бу байтдаги "софийдурур" — "мунофийдурур" сузлари — крфия; "софий", "мунофий" — узак, "дурур" — кушимча: узакдаги "й" товуши — равий; "ф" товуши — ридф-и мураккаб; "о" товуши — аслий ридф; кушимчадаги "д" товуши — воситасиз васл, уртадаги "р" товуши — хуруж, сунгги "р" товуши — мазид.

20. **Нойирали мутлак. кофия.** К,офиянинг бу хили кушимчасида, албатта, нойира товуши (ёхуд товушлари) булиши шарт. Мисол:

табу тобики ул шамъи **шабистон-имдадур,**
ТобЛар дурким дамо-дам рштаи **жон-имдадур.**

*(Нодира)*

Байтдаги "шабистонимдадур" — "жонимдадур" сузлари — крфия; "шабистон" — "жон" — узак, "имдадур" — кушимча; кушимчадаги воситали васл — "м" товуши, "д" товуши (уртадаги) — хуруж, сунгги "д" товуши — мазид, р" товуши — нойира.

21. **Таъсисли ва нойирали мутлак. к.офия.** Бундай к.офия узагида таъсис ва кушимчасида нойира булиши керак. Мисол:

Шуълаи шамъи рух;инг мохи муноввардаккина,
Крматингни нахли шамшоду санобардаккина.

*(Фуцат)*

Юкрридаги "муновардаккина" — "санобардаккина" — крфиясининг узаги ("мунаввар" — "санобар")даги "о" то-

вуши — таъсис, "р" товуши — равий, кушимчаси — "даккина"даги "д" товуши — воситасиз васл, биринчи "к" товуши — хуруж, иккинчи "к" товуши — мазид, "на" — нойира.

22. **Таъсис, дахил ва нойирали мутла^ крфия.** Бу хил крфиянинг узагида таъсис, дахил ва кушимчасида нойира унсурлари булади. Мисол:

*Дуи&та* келиб лойига билмай **бота^олдим,**
Дармон йукддин неча OFH3 суз **цотаколдим.**

*(Машраб)*

Байтдаги "ботакрлдим" — "кртакрлдим" сузлари крфия: "бота" — "хота" — узак, "крлдим" — кушимча; узакдаги "а" — равий; "т" — дахил; "о" — таъсис; кушимчадаги "к," — воситасиз васл, "л" — хуруж; "д" — мазид; "м" — ной ира.

23. **К,айд ва нойирали мутлак, цофия.** Бундай к,офиянинг узагида к,айд ва кушимчасида нойира унсури булиши керак. Мисол:

Аларни чу мундок, **севундурдилар,** Шах
олинда тук;куз **юкундурдилар.**

*{"Хамса")*

Бу байтда "севундурдилар" — "юкундурдилар" — сузлари крфия: "севун"-"юкун" — узак; "дурдилар" — кушимча; узакдаги "н" — равий, "в" ("к") — кайд; кушимчадаги биринчи "д" — воситасиз васл, "р" — хуруж, иккинчи "д"
— мазид, "лар" — нойира.

Х,ажр эди ишк, ичра мен курган **балолардин** бири,
Ишк. ойинида дерлар **бе^аёлардин** бири.

*(Нодира)*

Бу к,офия узаги ("бало" — "бех.аё")даги "о" — равий, "х." ("л") к,айд, кушимчасидаги ("лардин") "л" — воситасиз васл, "р" — хуруд, "д" — мазид, "н" — нойира.

24. **Ридф-и аслий ва нойирали мутлак, к,офия.** Бу хил к;офиянинг узагида ридф% аслий ва кушимчасида нойира унсурлари булади. Мисол:

**Шеваи мехру вафо дилдорлардиндур** галат, „
**Зулфи сунбул орази гулнордардиндур** FanaT.

***(Фуркат)***

Байтдаги "дилдорлардиндур" — "гулнорлардиндур" сузлари — крфия; "дилдор"-"гулнор" — узак, "лардин-дур" кушимча; узакдаги "о" — ридф-и аслий ва кушимча-даги ("р" — равийдан кейин келган) "л" — воситасиз васл, "р" —- хуруж, "д" — мазид, "ндур"' — нойира.

25. **Ридф-и мураккаб ва нойирали мутлак. крфия.** Бун-дай крфия узагида ридф-и мураккаб ва кушимчасида нойира булади. Мисол:

Курсат жамолинг **мастоналарга,**
Ипщида куйган парвокаларга.

*(Машраб)*

Бу байтдаги "мастоналарга"-"парвоналарга" сузлари крфия; "мастона"- "парвона" сузлари узак, "ларга" — кушимча; узакдаги сунгги "а" равий, "н" — мураккаб ридф, "о" ридф-и аслий, кушимчадаги "л" — воситасиз васл, "р" — хуруж, "г" — мазид ва "а" — нойира.

Юкорида узбек классик крфиясининг мукаййад ва мут-лак. тидлари ва уларнинг турлари билан танишиб чикдик, холос. Шеъриятимизда к.офиянинг бошка куринишлари хам йук. эмас. Чунончи, кушимчали узак билан кушимча, кушимча билан кушимча крфияланиши х.оллари х,ам уч-раб турадики, булар ^акида тухталмадик.

К^офия санъатида бугин (х.ижо)лар хам алохида ах.ами-ят касб этади. Негаки, х.ар к.андай к,офия хам бутин — хижо-лардан, бугин-хижолар эса товушлардан таркиб топади. Агар биз юкррида к.офия табиатини белгилашда мук.ай-йад-узак ва мултак,-кушимчали крфия унсурларининг х.ал килувчи адамият касб этганлигини куриб уп˜ан булсак, энди, гарчи йул-йулакай булса-да, бутинларнинг к.офияда тутган урни х.акида бир-икки OFH3 ran айтайлик.

Бармокдаги шеър крфиясида бугинларнинг микдори ва тартибига эътибор килинса, аруз к,офиясида х.ижоларнинг хам микдорига, х.ам сифатига, х.ам тартибига ахамият бе-рилади. Бугин (хджо)лар микдори — бармок. ва аруз учун

муштарак аломат. Масалага шу нуктаи назардан Караганда узбек шеъриятида крфиянинг бир катор хиллари борлиги кузга ташланиб туради. Масалан:

а) **Бир бутили крфия:**

Ёрдин х,ижрон чекар ушокд **зор,** эй дустлар, Неча
тортай хажр чун йук. менда ёр, эй дустлар.

*(Алишер Навоий)*

**б) Икки буринли**

Дилбаро, бошинг уза чун тожи **султон** кокулунг,
Ганжи хуснингни килур оламга **эх,сон** кокулунг.

(*Фурцат)*

**в) Уч буганли к.офия.**

Кимга килдим бир вафоким, юз **жафосин** курмадим,
Кургузуб юз мехрким дарду **балосин** курмадим.

*(Алишер Навоий)*

г) **Куп бугинли кофия:**

эди ишк ичра ман курган **балолардин** бири,
Дард водийсида мен чеккан **жафолардин** бири.

*(Нодира)*

д) **Бугинлар микдори тенг булмаган к;офия:**

FaЗa6 бирланки ул **жонон** келур мастона-мастона,
Хаёлимда танимга **жон** келур мастона-мастона.

*(Муцимий)*

Тулкднлар кутурсин, майли беомон,
Менинг кисматимни кумолмаган у.
Бари бир, ёнингга кайтаман омон,
Мовий кузларингга чумгали **мангу.**
г

*(Абдума Орипов)*

*Учинчи сабок;*

:

<;*

## *КОФИЯ САНЪАТЛАРИ*

Крфия санъатлари крфиядош сузларнинг хушохангли-ги ва жарангдорлиги, умуман, образлилигини таъминлов-чи воситалардан биридир. Шеъриятимизда крфияда иш-латиладиган ранг-баранг санъатлар мавжуд. Уларни, шартли равищда, куйидагича тасниф ва тавсиф килиш йули би-лан урганиш мумкин:

**Кофия безаклари**

1. Зулцофиятайн — зийнатли ^ ^^ АтоулЛ(Д хусайний "Бадойиъу-с-санойиъ" асарида ёзишича, "зулк,офиятайн деб ул шеърни айтурларким, анда икки к,офияни лозим кургайлар ва охирги к^офиядан олдинби к,офияда тухтал-ганда назмнинг дуруст ва маънонинг тугри чикдшин шарт кдямагайлар..."[1]. Мисол:

Кунгилга булди ажойиб бало к,аро очинг,
Шикаста кунглума эрмиш царо бало сочинг.

*(Бобур)*

Олмазорлар гулин тукади,
Мева богааб шохин букади...

Ботирлари канал к.азади,
Шоирлари газал ёзади.
Куйчилари ук,ийди ялла,
Жувонлари айтади алла.
Пазандаси ёпади ширмон,
Карилари кутади мез^мон.

*(Хамид Олимжон)*

Юк^орида келтирилган байтлардаги ажратиб курсатил-ган сузларга эътибор килинг-а: Зах.ириддин Мудаммад Бо-бур байтининг биринчи мисрасидаги "бало" ва "каро" сузлари (икки суз иккинчи мисрадаги "к.аро" ва "бало" сузлари билан к,офияланган, ("к.аро" билан "бало"). Айни

---

[1] *Атоулло% Хусайний.* Бадойиъу-с-санойиъ. Т., F.FyflOM номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981., 83-бет.

чокда, биринчи мисрасидаги "бало" билан "каро" ва иккинчи мксрадаги "каро" билан "бало" сузлари хдм узаро охангдошдир. Демак, байтда биргина эмас, икки крфия ишлатилган. Шоир Хамид Олимжондан келтирилган байтларда хам худди шу хрдиса юз берган: биринчи байтда "гулин" билан "шохин", "тукади" билан "букади"; иккинчи байтда "канал" билан "газал", "казади" билан "ёзади"; учинчи байтда "укийди" билан "айтади", "ялла" билан "алла" ва, нихрят, туртинчи байтда "ёпади" билан "кутади", "ширмон" билан "мехмон" сузлари крфияланиб келган — х.ар бир байтда бир суз эмас, икки суз крфиядош, яъни куш к.офия булган. К,уііі к;офия дар иккала шеър маъ-носини какчалик бурттирганига, хуш — оханглик ва муси-кийлякни оширганига эътибор беринг-а! Мана шу санъат к.офия илмида "зулк.офиятайн", яъни безалган, зийнатлан-ган куш к,офия деб юритилади.

Шеъриятимизда зз?лк.офиятайн сан?-атининг бир неча куринишлари мавжуд. Чунончи:

а) Байтда икки суз узаро (бир мисра ичида) ва айни пайтда, миспалараро (биринчи мисрадаги икки суз иккинчи мисрадаги "уз шериги" билан) крфиядош булиши мумкин. Мисол:

Кузунг не бало ^аро булубтур,
Ким хоНҒа і^аро бало
булубтур.

*(Алишер Навоий)*

Англашяларлики, биринчи мисрада "бало" билан "каро", кккинчи мисрада "каро" билан "бало" охангдош ва, айни чокда, биринчи мисрадаги "бало" билан иккинчи мисрадаги "каро", биринчи мисрадаги "кдро" билан иккинчи мясрадаги "бало" сузлари крфияланган. Шу — чинакам мумтоз крфия!

б) Жуфт сузлардан таркиб топган зулк.офиятайн:

Куздин аён нури айнил-яцин,
Сочила нщон тоби хаблил-матин.

*("Хамса')*

Бу байтдаги "айнил-як.мн" жуфт сузи "хаблил-матин" жуфт сузи билан крфиядош, Демак, жуфт сузлар асосида

зулкрфиятайн санъати вужудга келган. Шуни дам айтиш лозимки, бу хил зулкрфиятайнда жуфт сузларнинг хдр иккала кдсми тенг булиши шарт эмас. Мисол:

Кулокда чалинар **гохи-гохида**
Шундай бир ривоят, шундай бир угит:
Ночору ноилож долган чогада Узини
тошларга урармиш бургут.

*(Абдулла Орипов)*

"Хамса"дан олинган куиидаги баитларда хам нотулик, жуфт сузли зулкрфиятайнлар кулланилганлигини пайкдш кийин эмас:

Булиб вайрона кунглум FaM **цушидин,**
Маломат тоши ёшб **туш-тушидин.** Куп
кургач анинг танида **ёра,** Уз кунглагин
этти **пора-пора.**

в) Мисрада к,офиядош икки суз ёнма-ён эмас, алох;идаалодида келиб, кушни мисрадаги "уз шериги" билан жипслаштирилади:

зулфинг **фироцида** паришон **рузгорим** бор,
Юзунгнинг **иштиёкдца** не сабру не **царорим** бор.

*{Бобур)*

Бу байтда "фирокдца", "рузгорим" ва "иштиёкдца", "к;арорим" сузлари мисрада ёнма-ён эмас, алодида-алодида жойлашган булиб, мисралараро (яъни "фирокдца" билан "иштиёкдца", "рузгорим" билан "к,арорим") к,офиядошликни вужудга келтирганки, бу додиса, мумтоз зулк,офиятайн намунасидир.

г) Шеъриятда радифли зулкрфиятайнлар х;ам учраб туради:

Позахр дема, **царо** бало ул, Жон
бирла кунгил **аро** бало ул.

*("Хамса')*

Бу байтдаги "к,аро" билан "бало", "аро" билан "бало сузлари муносабатида охднгдошлик додисаси бор. Айни

чокда, байтда, асосан, "каро" билан "аро" сузлари крфиядош; "бало ул" суз бирикмаси шаклан радифдир. Аммо мазкур байтда "бало" сузи узидан олдинги суз ("кдро", "аро")ларга семантик жидатдан бирикиб, якка крфияни Куш крфияга айлантирган. Шу тарифа, "бало ул" радифининг бир булаги ("бало") зулкрфиятайн санъатининг таркибий кдомига айланиб долган.

д) Шеъриятда уч крфиялик байтлар дам учраб туради. Атоуллод Мадмуд Хусайнийнинг уктиришича, "ул шеърниким, анда иккидин ортик. крфияни лозим кдлсалар, ани зулкдвофий дерлар..."[1] Мисол:

Эй бегим, ушбу юз дегил, шамс била кдмармудур, Эй бегим, ушбу суз дегил, шавд била шакармудур.

*{Атоий)*

Ку^риниб турибдики, биринчи мисрада "юз", "шамс", "к;амармудур"; иккинчи мисрада "суз", "шахд", "шакармудур" сузлари ёнма-ён эмас, алодида-алодида келиб, мисралараро крфиядошлик ("юз" билан "суз", "шамс" билан "шавд", "к,амармудур" билан "шакармудур") вужудгакелган. Атоуллод Махмуд Хусайнийнинг айтишича, "агар икки цофия орасида дожиб келтирилса, ул шеърни зулк.офиятайн маяркуб дерлар"[2]. Юк.орщаги байтда "била" ва "эй бегим, ушбу" сузлари дожибдирким, мазкур крфияни зулкрфиятайц-и маджуб дейиш мумкин. Бу санъат шеърга, шунингдек к;офияга алодида образлилик бахш этади.

е) Мумтоз крфия санъатида (дозирги замон к;офияларида *щм)* рак,ам крфиялар дам учраб туради. Биргина мисол:

Аларнинг келиб сони
Яна бир ривоятда уттуз-туц^з.

*("Хамса")*

ё) Зулк;офиятайн санъати фак.ат байтлардагина эмас, умуман бандларда кулланилади. Мисол:

---

[1] *А. Хусайний.* Бадойиъу-с-санойиъ (форсчадан А.Рустамов таржимаси). Т., F. Рулом номидаги ада!биёт ва саиъат нашриёти, 1981, 84-бет.
[2] *А. Хусайний.* Бадойиъу-с-санойиъ, 84-бет.

Бошимизда **нур сочаётир,**
**Шон асрнинг шараф** байрога.
Кулимизда гул **очаётир,**
Мамлакатнинг семиз **тупроги.** :

*(Амин Умарий)*

Бубавдцаги "нур" билан "гул", "сочаётир" билан "очаётир" жуфтланиб, зулкрфиятайн санъати вужудга келтирилган. Айни чокда, бандда "байроги" билан "тупроги" крфиядошлигида якка крфия вужудга келган. Демак, шоир Амин Умарий бир бандда дам зулкрфиятайнни, дам якка крфияни модирлик билан куллай олган.

2. **Тарсиъ — кофия.** Аслида тарсиъ шеър санъатларидан бири. Айни чокда, тарсиъ крфия санъати дамдир. Одатда, тарсиъ усулида яратилган крфиялар **"тарсиъ-цофия"** деб юритилади. Тарсиъ-крфиянинг узига хослиги шундаки, бунда банднинг биринчи мисрасидаги дар бир суз иккин-ч:: мисрадаги "уз шериги" билан крфияланади. Мисол:

Нишони бенишонликдин йирокрок,,
Макони бемаконликдин ^ирокрок;.

*("Хамса")*

Эътибор к?ишнг-а: байтнинг биринчи мисрасидаги барча сузлар (суз уйини дам бор) иккинчи мисрадаги "уз шериги" билан крфиядош ("нишони" — "макони", "бенишонликдин" — "бемаконликдин", "йирокрок." — "кирокрок,"). Айни чокда, "нишон" — "бенишонлик,"к.а, "макон" — "бемаконлик."ка зид куйилиб, маъно кучайтирилмокда — суз уйини шунга имкон бермокда.

Шеъриятда радифли тарсиъ-крфиялар дам учраб туради.

Майли нуткум тарабхез айла, ёраб,
Найли кдлким шакаррез айла, ёраб.

*("Хамса")*

Кетур илгимга дс»и жоми тавфик;,
Етур кунглумга доги ро^и таджик;.

*("Хамса")*

Гадога нотавонлиг булди рузи,
комронлиг булди рузи.

*("Хамса")*

Юкрридаги байтлар ва уларда кулланилган крфия зийнатларини тадлил кдлиб аниклаб олинг.

Шоир Машрабнинг "Ишкингда улдим" радифли газалининг матлаи тарсиъ-крфияга ёркдн мисол була олади. Мана бу байт:

Шох,и жахрним, ишкднгда улдим,
Ороми жоним, ишкингда улдим.

Крфияда суз куллаш санъати

Суз — крфиянинг курилиш материали. Шеъриятда сузлар тасвир воситалари булганидек, к.офияда дам суз, биринчи навбатда, даётни ифодалайдиган курол-дир. Айни чокда, суз к;офия вазифасига тула буйсундирил-ган булади. ^офиянинг образлилиги ва таъсирчанлиги дам суз куллаш санъатига боюгак,. Шоир миллий тил бойлиги-ни к,анчалик чук^'р билса, тил бойлигидан к,офия яратиш-да шунчалик модирона фойдалана олади.

Энди крфияда суз куллаш санъатининг баъзи масалалари билан танишиб чикдйлик. Негаки, бизнингча, к,офияда сузнинг кднчалик жозиба касб этишини англамай туриб, умуман, к,офия илмини урганиб булмайди.

**1. Цофияда суз маънолари.**

Крфия таркибидаги сузлар, одатда, ё асил маъносида, ё кучма маънода ишлатилади. Шу сабабли крфиялар дам икки гурудга ажратиб урганилади:

а) **Содда к^офия.** Шеърда асил маънода кулланилган сузлар одангдошлиги **"содда к;офия"** деб юритилади. Мисол:

Бу жадондин кетарди чун зулумот,
Ул жадон ajyiHFa етурди **даёт.**

*{"Хамса")*

Бу байтдаги "зулумот" ва "даёт" сузлари, биринчидан, асил маъно(зулумот — зулм, даёт — осойишта яшаш)ларда келаяпти ва, иккинчидан, тула одангдошликни вужудга келтирган.

Ботирлари канал **кдзади,**
Шоирлари гйзал **ёзадн.**

*(Хамид Олимжон)*

Юкрридаги байтда шоир "казади" деганда йигитлар канал казади ва "ёзади" деганда шеър ёзишни кузда тутган —крфиядош сузлар кучма маънода эмас, асил маъносида ишлатилган. Айни чокда, "казади" ва "ёзади" феълларини бир-бирига жипслаштириб тула охангдошликка эришган.

Шоир Уйгуннинг "Теримчи кизга" шеъридан бир банд-ни олиб курайлик:

Тер чевар киз, утмасин дам, **тер!**
Бармокларинг асти толмасин.
Барчасини фронт учун **бер!** Бир
тола хам ерда к;олмасин!

Шоирнинг уруш йилларида ёзилган шеъридан олинган юкрридаги бандда биринчи мисрадаги "тер" сузи учинчи мисрадаги "бер" сузи билан, иккинчи мисрадаги "толма-син" сузи туртинчи мисрадаги "крлмасин" сузи билан крфияланиб келганки, бу сузларнинг хар бири узининг асил маъносида кулланилган: "тер" — пахтани териб олиш, "бер"
—терилган пахтани фронтда галабага эришиш учун бе-риш, "толмасин" — пахта тераётган куллар чарчамасин ва, нихрят, "крлмасин" — пахта хрсили чанокда ва ерда крлиб кетмасин деган маънони ифода этади. Мана х,акик.ий сод-да крфия намунаси!

б) **Тасвирий кофия.** Агар крфиядош сузлар уз маънола-рида эмас, кучма маъноларда ишлатилган булса, буларни, шартли равиища, тасвирий крфиялар деб юритамиз. Тугри, юцорида айтганимиздек, шеър к.офиясидаги дар бир суз тасвир воситаси булади. Бирок., тасвирий крфиядаги сузлар махсус бадиий тасвир воситалари сифатида келадики, бу хрлатни алох,ида эътиборга олмок. лозим. Бир мисол:

Жануб далалари — жимжима **баркуг,**
Унда емишларнинг туслари гул **ранг.** ; -
Тонг отган дамларда уфкдар ёкуг, ,- ,
•■ ^ Кечаси кенг осмон, булут-ла кул ранг.

*(Миртемир)*

Шоирнинг "К,НрFOK." шеъридан олинган бу банддаги биринчи мисра ("баркут") билан учинчи мисра ("ёкут"), иккинчи мисра ("гул ранг") билан туртинчи мисра ("кул

ранг") крфияланиб келган. Бу крфияни ташкил этган сузлар ("баркуг" — "ёкут", "гул" — "кул") эса асил маъноларида эмас, кучма маъноларда ("баркут" — денгиз кдргокдари бенихря куркам, кум-куклигини; "ёкут" — эрта тонгда Крра денгиз уфкларининг ёкутсимон туе олишини; "гул ранг" — киргокдаги ут-уланларнинг гулсимон товланишини, гузаллигини; "кул ранг" — тунда сохилнинг кукимтир туе олишини англатади) кулланилган. Демак, крфиядош сузлар, биринчидан, тасвир воситаси вазифасини утаган булса, иккинчидан, узаро охангдошлиги билан крфияни юзага келтирган. Шу тарифа шоир Ялтанинг бенихоя куркам манзарасини китобхон куз унгида якдол гавдалантиришга эришган. Тасвирий ёхуд бадиий крфия деганда мана шу додисани назарда тутамиз. "Тасвирий к;офия" шеърга чинакамига образлилик, мусикийлик ва эмоционаллик бахш этадики, шу важдан крфиянинг бу тури адабиётда кенг кулланилади.

**Кофияда семантик аломатлар**

К^офияда к.улланилган сузлар семантик (маъно) жих.атидан ранг-баранг куринишларга эга. Шулардан баъзи бирларини куздан кечирайлик:

а) **Киноявий к.офия.** К,офияда суз (ёхуд сузлар) киноявий маънода ишлатилган булса, булар киноявий крфия деб юритилади. Мисол:

Менга уша **Омонимии** куй,
Менга уша **ёмонимни** куй.

': *(Хамид Олимжон)*

б) **Контраст кофия.** К,офиядош сузлар бир-бирига зид маънони ифода этган булса, бундай к,офиялар контраст к.офия деб юритилади. Мисол:

TOF ортига утиб кетди **кун,** Секин
чукди тоза, салкин **тун.**

*(Зулфия)*

в) **Метафорик к.офия.** К,офиядош сузлар **истиоравий** характер касб этган булса, бундай крфия метафорик крфия деб юритилади. Мисол:

Агар бири ёйса кулочин, ,
Парвоз к,илар кукларда **лочин.**

*Олимжон)*

г) **Тажнис-к.офия.** Шеъриятда тажнис (шакли бир хил, маънолари хар хил сузлар — омонимлар) сузлардан таркиб топган охангдошлик "тажнис-крфия" деб юритилади. Мисол:

Бодасиз бетобман бу **кеча ман,**
Лаълинг истаб эмди жондин **кечаман.**
Сохдли макрадга етмайманму деб, Куз
ёшим дарёсвда сув **кечаман.**

*(Муцимий)*

Бу шеърда биринчи, иккинчи ва туртинчи мисралардаги "кечаман" сузлари шакл жихатидан айнан такрорланган, аммо уларнинг хар бири бошка-бошкд маъноларни англатган: "кечаман" сузи биринчи мисрада "кечкурун-кечаси", иккинчи мисрада "жонимдан воз кечаман" ва туртинчи мисрада "сувдан кечиб утаман" маъносида ишлатилган. Демак, "кечаман" сузи эпифора (мисра охирида келган к;офиясиз суз такрори) эмас, чинакам к;офиянинг узидир. Янах.ам аниги: "кечаман" сузлари — тажнис. Крфия тажнис сузлардан таркиб топган. Шу хил крфиялар илмда тажнис-к.офия х.исобланади.

Бир парча ут булиб бунда **кун,**
Пахтасига ишлайди *тиц*> **кун.**

*Олимжон)*

Бу байтда "кун" сузи такрори крфиядошликни вужудга келтирган. Суз семантикаси шуни так.озо к,илади. Негаки, "кун" сузи биринчи мисрада "куёш" маъносини ифодаласа, иккинчи мисрада "хар куни" маъносини билдиради. Тажнис-к.офия — мана шу!

Киноявий, контраст, метафорик, тажнис... крфиялар шеърни ранг-баранг килади, унга образлилик ва жозиба бахш этади.

Одангдош сузлар уз фонетика- ^ Р^аранг бу^ади. Щv нуктаи назардан х,ам крфия бир неча куринишларга эгадир. Масалан:

а) **Очик, к,офия.** Крфиядош сузларнинг охирги бугинлари унли билан тугаши (очик, бугин) натижасида вужудга келадиган крфия илмда **очик, к,офия** деб юритилади. Мисол:

Не сен ухшаб жадовда бир **кишига.**
Не КИЛБОН ишинг ухшар эл **ишига.**

*{"Хамса")*

Ой ва йиллар асримиз — **жангномаси,** Бизда
гуллар ^ар фасл **хангомаси.** [1] Тожихоннинг
устида **коржомаси**
Икки куллаб теради, иш **мардонаси.**

*(Амир Умарий)*

б) **Ёпик, к,офия.** К,офиядош сузларнинг охирги б}тинлари ёпик,, яъни ундош товуш билан тугаши окибатида пайдо буладиган к.офия илмда **ёпи^ кофия** деб юритилади. Мисол:

Бу янглипсим санга мен **^амдам** улдум,
Бори махфий ишингга **мархум** улдум.

*{"Хамса")*

К5рак, сенсан менинг **созим,** ф^.. ^ • ■ г
Тилимни найга жур **этдинг.** Кузимга ойни
**беркитдинг** ;; Юрак, сенсан **ишкибозим.**

*{Усмон Носир)*

в) **Тулик; (туда** ёхуд **тук) к,офия.** К,офиядош суз (бугин)ларнинг фонетик жих;атдан туликлиги (купинча, одангдош сузларда дастлабки товушлардан боищалари айнан такрорланиши) окибатида вужудга келадиган крфия илмда **тулик, к,офия** деб юритилади.

Фалак курмади мен киби **нодире,**
' Низомий киби назм аро **кдцире.**

*{Алишер Навоий)*

й- Куз тутади далада бахрр, ' '■ -"■■'
г Булокдар к,айнасин **цуйнингда.** -^
Кутмокдадир эл туриб **нах.ор,** '
Кдрзи бордир сенинг **буйнингда.** ; , ^

*(Хамид Олимжон)*

Алишер Навоий ва Хамид Олимжонлардан келтирилган шеърий парчалардаги тулик. крфиялар ("нодире" — "крдире", "бадор" — "нахрр", "куйнингда" — "буйнингда") сдангдош сузларнинг биринчи товушлари ("н" — "к;", "б" — "н", "к," — "б")дан бошкд барча унли ва ундош товушларнинг айнан такроридан пайдо булганлигини пайкдш кдйин эмас, Бундан барча тулик, крфиялар шу тарзда яратилар экан-да, деган хулоса келиб чик^маслиги лозим **(тулик цофия учун охангдош сузларнинг сунгги бугинидаги биринчи товушдан кейингилари айнан такрорланса бас.)** Энди шоир Абдулла Ориповнинг "Теранлик" шеъридан бир парча олиб курайлик:

Теранлик кидирмадим **уммонлардан,**
Инсонлардан топдим уни, **инсонлардан.**
Теранлик бу — нур ёгилган **юзлардадир.**
Теранлик бу — уйчан бокдан **кузлардадир.**
Теранлик бу — айтилмаган **сузлардадир.** !

Эътибор килинг-а: дастлабки икки мисрада "уммонлардан" — "инсбнлардан" сузлари к.офияланган: одангдош сузлардаги дастлабки товушлар ("умм" — "инс")ни мустасно килганда крлган барча унли ва ундош товушлар ("онлардан") айнан такрорланиб тулик. крфиядошлик вужудга келган. Кейинги уч мисрадаги к.офиядош сузларда эса сал бошк,ачарок.: "юзлардадир" — "кузлардадир" — "сузлардадир" сузларидаги биринчи товуш ("й" — "к" — "с") гина узгаргану, к.олган товушлар ("узлардадир") айнан такрорланиб тулик. крфия пайдо булган.

К,илмагил зищор **изхор** э^тиёж,
Ким азиз элни кдлур **хор** эхтиёж.

*(Нодира)*

Бу байтдаги крфия ("изхрр" — "хор") хам тулик. х,исоб-ланади. Негаки, сунгги бутан ("хор" — "хор") даги "-ор" айнан такрорланган.

Таникди назариячи олим Иззат Султоннинг уктиришича, "узбек шеъриятида сузлар эмас, буганлар крфияланадилар... Икхи бугин крфиядош булсин учун уларда **"тиргак унли"** бир жойда келиши керак. "Тиргак унли" деб крфиялашхан мулжалланган бугинларда бир хил талаффуз буладиган унлиларга айтилади. "Мехрибон" ва "жонажон" сузларидаги крфиядошликка сабаб — крфияга мулжалланган буганлар ("бон" — "жон")да "о" товушининг такрорланишидир. Шу билан бирга, тиргак унлидан илгариги товушлар узгарадилар; "бон" бугинидаги "б" урнини крфияланувчи бугинда "ж" олади...

Бу шеърий бандда куклам ипак куйлакли гузал киз сифатида гавдаланади, куклам худди одамдек кора ернинг бошларини силаб-сийпалайди, силаб-сийпалашлардан куч

олган к;ора-ер куксидаги олтинларни одамларга хадя кдлади. Демак, шоир "куклам"ни, "к;ора ерни" инсонийлащтираяпти. Жонлантириш — ташхис мана шу!

**Апострофа** (юнон. apostrophe — огаш) — жонлантирищ-нинг бир куриниши булиб, жонсиз нарса ёхуд хрдисаларга худди жонли нарса-хрдисалардек мурожаат к,илинади ёки узи йук, шахсга худди бордек к,аралади. Дархак^тедт, бу урин-да апострофа булиб келган предмет мурожаат кдпинаётган шахсга нисбатан пассив хрлатда булади. Масалан, шоир Хамид Олимжон "Шинель" шеърида шинелни апострофа кдлиб ишлатган:

Рангинг тупрок;к;а ухшар,
Сен ухшайсан кигизга.
Бормасдим сени кийиб,
Ёрим булажак к;изга.

Хламид Олимжон бодща бир шеърида ойга мурожаат кдиади:

Гузал ой, сенга бир ran
Демокка куп хайронман.
Бемахал тулганингдан Тоза
х,ам пушаймонман.

Бу шеърий парчада ой апострофа вазифасини утаган.

Шоир Ёафур Рулом "Соганиш" шеърида'урушдан голиб к,айтишини интизорлик билан кутаётган жангчи углига хаёлан шундай мурожаат к^гаади:

Е углим, жонгинанг саломат булсин, Уз
боринг, уз меванг, данагин сакда Шу
мерос богингни уз кулингга ол, Менга
топширилган меросий х,ак,-ла.

Бу парчада жангчи йигит (хдли узи йук,, жангдан к;айтмаган, аммо унга узи бордек мурожаат кдиинмокда) — апострофа...

Шоир Абдулла Орипов ёзади:

Офтобим, майли бир тонг, бирор зум,
Тафтингга чулрама дала тузларни. Уша
зотларга *\a$i кртшя* тараххум, Эрит
диллардаги к,отган музларни.

Апострофа шеъриятда кенг кулланиладиган поэтик кучирим сирасига киради.

**Рамз** (араб, *уj* — имо-ишорат) — тасвир объектининг мохиятини маълум бир нуктаи назардан шартли ифодаловчи суз ёхуд предмет. Рамзлар халкаро атамашуносликда символ (юнон. symbolon — шартли белги) деб юритилади. Рамзлар уз табиатига кура турли хил булади.

Предметлар, хайвонлар, кушлар, паррандалар, машхур вокеалар, харакат ва предметларнинг белгилари ва бошкалар символистикада катта урин тутади. Масалан, байрок. ва герб — давлат рамзи, нон-туз — мехмоннавозлик рамзи, дустлик белгиси, тун — бахтсизлик аломати, тонг — ёшлик ва кувноклик рамзи, кабутар — тинчлик рамзи...

Символлар заминида хамиша яширин ухшатиш ётади. Улар турмуш вокеа-хрдисалари билан чамбарчас боглик.. Символлар хар доим санъатда катта ахамият касб этиб келган. Чунончи, символлар санъатнинг негизи булган бадиий образлар табиати билан узвий боглик., хар к.андай образда шартлилик ва символика булади. Чунки образ табиатан х.аётий х.одисаларни индивидуал шакл орк.али умумлаштирар экан, бу жараён шартлилик ва символикасиз булмайди. Бадиий адабиётда ташбих., истиора, сифатлаш, параллеллик маълум даражада символик хислатга эгадир. Масаллардаги жонлантиришлар, эртаклардаги аллегорик хислатлар ва, умуман, аллегория — бадиий символиканинг куринишл аридир.

Символлар реалистик адабиётда, шу жумладан хрзирги адабиётимизда кенг к.улланилмокда. Масалан, шоир Чулпоннинг "Бинафша" шеъридаги бинафша, Абдулла Ориповнинг "Тилла баликча" шеъридаги тилла баликча, Омон Матчоннинг "Ёнаётган дарахт" шеъридаги ёнаётган дарахт кабил ар соф символик образлардир. Шунингдек, Х,аккуш — "Хакдуш кичк.ириги" (Омон Матчон) асарининг бош к.ахрамони — символик образ. Мумтоз адабиётимизда кенг кулланилган гул, булбул, тун, кун, офтоб каби жуда куплаб поэтик образлар хам символика самарасидир.

"Кашмир кушиги"да Кашмир халкининг чет эллик боскинчи — мустамлакачиларга, ёвузларга к.арши озодлик, эрк ва бахт учун олиб борган курашини соф символик образлар оркали акс эттирилган. Кдссада тасвирланишича, эз-

гулик символлари "гулларнинг" "севги ва ёшлик уйинлари авжига чикдан бир пайтда" ёвузлик тимсоли — Бурон уларга хужум килади — "гуллар богада энг олдин очилган ва уз чиройи билан оламга шухрат ёйган гузал Наргиз" ва унинг дугоналари (гуллар, кукатлар)ни таслим килмокчи булади. Лекин севги ва вафодорлик рамзи Наргис билан унинг садокатли дугоналари — гуллар Буронга таслим булмайдилар. Бундан газабланган Бурон табиат вабоси — Хорудни ёрдамга чакиради. Ёвуз Хоруд гулларга кутуриб хужум кдлади — гулларни сулитади, баргларини куритади. Шунга кдрамай, Наргис ва унинг дугоналарини тамомила таслим килолмайди. Гузал Наргис севгилиси — асаларилар сардори Бамбурдан ёрдам кутади. Нихрят Бамбур ва унинг дустлари (асаларилар) гулларга ёрдамга етиб келадилар. Бурон ва Хорудга зарба берадилар: Наргис ва унинг дугоналари — чечаклар ва кукатлар яна очила бошлайдилар. К,иссадаги Наргис ва унинг дугоналари хамда асаларилар сиймосида мазлум, мехнаткаш Кашмир халкининг эрксеварлик хдс-туйгулари шарафланган булса, Бурон ва Хоруд образлари орк.али мустамлакачилар ва мадаллий зулмкорларнинг к.абох.ати ва ёвузлиги фош кдпинган. Наргис билан Бамбур уртасидаги чин севги-мухаббат, вафодорлик ва садок^ат тимсолида халк, оммасининг олижаноб фазилатлари улукланган. Шу тарифа, ёзувчй крссада соф рамзий образлар воситасида "дунёда хаёт билан севгини сундира оладиган куч йук." деган FOHНН олга сурган.

Шунингдек, "Жаннатга йул" драматик достони хам рамзлардан иборат. Достондаги Йигит, Она, Ота, Тарозибон, Югурдак, Чол, ХУР Киз, Фаришта, Дуст ва бошкалар соф символик образлардир. Достонда зикр этилган Жаннат, Дузах, Аросат х.ам рамзий маънода ишлатилган. Достонда тасвир этилган вокеалар х.ам ша'ртли: вокеалар нариги дунёда юз беради, бош кдхрамон — шоир Йигит Махшар сахросида Тарозибон билан учрашади. Тарозибон мархумларнинг савоб-гунохдарини х.исобга олиб, бирини жаннатга, бирини дузахга, бирини аросатга йулламокда. Хатто етти бор хаж *щилтж* муйсафидни (отасини сансираганлиги учун — гунох.и учун) дузахга йуллайди. Тарозибон шоир Йигитнинг хам гуноа;и-савобларини хисоблайди — жаннатга киришга икки пайсагина етмайди — уни аросат-

га йуллайди. Шоир хаётни буяб-бежаб тасвирлаганлшде айбланади. Тарозибон шундай дейди:

Илохий дил берган эди сенга худойим,
Кулок; сол деб шурликларнинг охи-зорига.
Сен-чи, само шуъласини куйладинг доим,
Шеърлар битдинг юддузларга, гулгу, охуга.

Йигит Аросат яланглигида ёлгиз кезар экан, у дастлаб гурков чолга, сал кейинрок. мархум отасининг арвохига дуч келади — отаси билан дийдор куришади, жаннати отаушига етишмаган икки пайса савобни бермокчи булади, аммо угил уни рад келади. Достоннинг учинчи куринишида Йигит жаннат касрида онаси дийдорига мушарраф булади; туртин-чи куринишида вокеалар Дузах дарвозаси олдида юз бера-ди: шоир Йигит успирин билан к,ария жанжалига дуч келади, игвогар кимса билан туокнашади ва, них;оят, дуст билан учрашади. Бешинчи куринишда дузах к,опк,аси олдида Дуст билан Йигит бахси берилади. Маълум булишича, Йигит одамларга ишонувчанлик килиб хатога йул куйган булса ("Хаёл билан безаб булмас асло дунёни"), Дуст ак-синча одамларга ишонмаслик окибатида ("Ишончсизлик булди менинг бошимга етган") гунох.га к.олади. Ни^оят, Йигит шундай хулосага келади:

Янглишибмиз иккимиз хам нозик нарсада,
Чунки инсон уз номи-ла Хазрати Инсон.

Дуст "Мен ёвузлик курбониман, к.албимда алам" деб хисобласа, Йигит:

Не-не зотлар гар узлари топса х,ам тузим
Одамзодга курмаганлар ёмонлик раво.
Эзгуликнинг йули OFHP, серралва гарчанд,
Юксакларга кутаради сох,ибни бирок-

Символ насрда хам, сахна асарларида х.ам, айник.са, болалар адабиётида, фольклор асарларида тез-тез учраб туради. Аммо у шеъриятда фавкулодда ах.амият касб этади.

**Аллегрия** (юнон. allos — бошк.ача, agoreo — гапираман) — символиканинг бир куриниши — вок;еа-х.одиса ёки пред-

метнинг мавхум тушунчаси урнида кулланиладиган конкрет тасвирни ифодаловчи рамзий суз (образ).

Халк. огзаки ижодида, купинча, тулки — алдокчи кишиларга, бури — очкузларга, чаён зараркунандаларга, илон — маккор, тути — гадцон ва ашулачи одамларга нисбатан киноя килинади. Аллегрия — мана шу.

Аллегорик асарларда хаётий образларнинг кошсрет белгилари ва хусусиятлари ёзувчи ифодаламокчи булган кучма маънодаги тушунча ва хрдисанинг асосий хусусиятларига мувофик. булади. Образларнинг киноявий характерда булиши, асосан, масал жанрига хос хусусиятдир. Мухдммадшариф Гулханийнинг "Зарбулмасал" асарида Япалоккуш, Бойугли, Гунашбону, Кулонкирсултон, Куркуш, ХУДХУД, Туя, Буталок., Куйкунак, Тошбака, Чаён, Маймун, Кордон, Турумтой, Бозанда, Навозанда, Тулки, куш ва шунга ухшаш жониворлар образлари берилганки, булар тула маънодаги аллегорик образлардир. Хайвон, куш, парранда кабиларгина эмас, хатто буюмлар, пердметлар, х.одисалар х.ам аллегория кдииниши мумкин. Мисол сифатида масалчишоир Сами Абдук.ахдорнинг "Даре билан жилья" масалани укиб куринг-а:

Бирдан шаррос куйди бах,ор жаласи,
ВуFохга беркинди чумчук; галаси. Дам
угмай к;ирдан купириб, тошиб, Шиддати
зур, керилиб, ошиб, Тушиб келди кичик
бир жилга Узи анча саёз, серкупик,
лойца... Водийдан утарди Дарёи — азим.
Вазмин ок,ишвда салобат, викор.
К)фдики, ёнидан кичик бир сув окар.
Деди:
— Бизга бирлашмок. лозим!
Бирлашиб водийга х;аёт элтамиз,
Нур булур шу элга хар бир цатрамиз...
Нахот якка к;олсанг?!
К,ара буйимга!
— Кушилмокни келтирмайман уйимга!
Нима килдим сенга кушилиб,
Яхши эмасми узим оксам жуш уриб?
Истасам хар томен суза оламан, Истасам
говларни х.ам буза оламан.

Кдаратимга узинг хам тан бер-да андак;
(Сув юзида фак.ат сузарди пукак...)
Узбошимча кета берди...
Туну кун юрди.
Дуч келиб эртаси Жилга кулмакка,
Сингиб кетди буткул тупрокда...

Англашиларлики, бу масалда Жилга ва Дарёи азимлар аллегорик образлардир. Негаки, Жилга ва Дарёи азим инсонийлаштирилган — улар одамлардек узаро бадслашадилар, талашиб-тортишадилар... Жилга — манманликка берилган, узбошимча, мактанчок. одамлар тимсоли булса, Дарёи азим салобатли, босик., куч бирликда деб билувчи кишилар рамзи. Умуман, масалда "Бирлашган узар, бирлашмаган тузар" макрлининг руди уфуриб туради. Масалда, юзаки Караганда, табиат додисаси — даре ва жилга дакдда фикр юритилаётганга ухшайди-ю, аслида жуда му-я;им ижтимоий ^одиса — одамларни бирлашишга даъват этиш масаласи кутариб чик.илган. Аллегорик образлар шрирнинг ниятини ифодалашга кул келган.

**Кдоишщ (контигуаль) кучимлар.** Ноухшаш кучимларда тасвир объекта ташки куриниш жих,атидан унчалик ухшаш булмаган, аммо тушунчада якинлиги булган объектга яширин киёсланади. Бу гурувдаги кучимлар мураккаброк., ранг-барангрок. — к.оришикрок. булади. Крришик. кучимларга куйидагилар мансуб:

**Метонимия** (юн. metonymiaa — к.айта номлаш) — мажоз-киноя — икки тушунчауртасидаги як.инликка асосланадиган кучимлардан. Бир предмет ёки ^одиса номини ички боЕланиш (тушунчадаги якинлик асосида) нули ила бошка суз ёки ибора билан урин алмаштириш орк.али метонимия пайдо булади. Масалан, пул урнига чунтак, муаллиф урнига асар номи ёки аксинча асар номи урнида муаллиф номини куллаш — метонимия. Мисол:

ФУЗУЛИЙНИ олдим кулимга,
Мажнун булиб йигааб кичк.ирди.
Ва Навоий тушиб йулимга, Фарёд
билан урнидан турди.
Лермонтовни ташламадим х^ч,
Ахир куйиб олдим Хофизни.

Пушкин менга курсатди здр кеч,
Йиэдаб турган бир черкас кдзни,
Шекспирдан сурадим савол,
Жавобини келтирди Хайём...

*{Х,амид Олимжон)*

Бу парчада Фузулий, Навоий, Х,офиз, Х[а]йём — Шарк, адабиёти намояндалари ва Лермонтов, Пушкин — рус адабиёта намояндалари, Шекспир — инглиз адабиёти классигининг номлари тилга олинар экан, шу муаллифларнинг асарларини укиганлигини таъкиддаяпти шоир. Бу уринда метонимия шоирга уз фикрини лунда, ихчам, образли ва таъсирчан ифодалаш имконини берган.

Метонимиянинг ранг-баранг куринишлари мавжуд.

Муболага (араб. <^Ь> — лоф уриш, бурттириш), гипербола — тасвирланаётган шахе, пердмет ва вокеа-хрдисанинг муайян жихатларини бурттириб, кучайтириб тасвирлаш усули. Шоир таассуротни кучайтириш, хаяжонни ошириш, образни бурттириш макрадида муболага ишлатади. Муболагали тасвир, асосан, икки тамойилга (х.аракат ва хрлатни бурттиришга к^аратилган) асосланган булади. Бундай белги ва хусусиятларни кучайтиришга хизмат киладиган муболага замирида ташбихий богланиш булади. Муболага табиатан адабий жанрларга бопгикдир. Муболага OFЗа-ки нуткда хам, фольклор асарларида хам, ёзма адабиётда хам куп учрайди. Масалан, "СеМурF ёки Паризод ва Бу-нёд" достонида шоир х.амид Олимжон фольклорга хос му-болагаларни куллайди. Чинорнинг катталигини — "чинор шохи булутлар орасида куринди" муболагаси билан, Се-мургнинг кучлилигини — "чангалида зур арелон, тумшу-гида ботмон дон" муболагаси билан, дахгяатли девни — "девнинг боши-оёги урмонни тутиб кетди, сишай четга х.ам утди" муболагаси билан ифодалайди. Шу уринда, чи-норни купориш эпизодини эслайлик:

Бунёд Байратга кирди,
Юрагига дард кирди.
Юриб бахрдирона, Отга
минди"мардона. Кдттик,
бир к,амчи солди,

От яшиндай кузголди.
Ут сингари йул олди.
Булутлар орасида, Ёзиб
буриб кулочин, Гуё бир
буюк лочин У чинорга
утирди, Гуёки укдай
урди. Чинор томири
билан, Кукарган ери
билан Купорилди
гувиллаб, Шамол каби
увиллаб. Зур шохлар ер
га кетди, Томир *осмонга*
етди. Ер узра тушиб
Бунёд Булиб дунё-дунё
шод. Гузал дулдул отига,
Отнинг к^анотида
Кузларида зур
Кулиб турар эди у.

Остига чизилган мисра ва сузларга эътибор к,илинг-а: шоир Бунеднинг бадодирлигини гоятда жозибали акс эттирган. Бунга шоир, х,еч шубдасиз, халк. огзаки ижодида ишлатиладиган романтик *рукди муболагаларни* ишлатиш оркали дам эришган.

Шоир Fасрур Булом "Халк, отланди" шеърида узбек жангчиларининг бадодирлиги х,ак,ида тухталиб:

"Юрганда ер титрар, Укирса осмон, Бу
сафда арслонлар керади умров"

каби муболагали мисралар яратган.

Бадиий адабиётда муболагаларнинг куйидаги турлари кулланилади: а) таблиг — тасаввур килиш мумкину, амалга ошириш кийин булган бурттирилган тасвир усули:

Эй сабо, х,олим бориб сарви хиромонимга айт,
Йигларимнинг тциддатин гулбарги хандонимга айт.

*(Алишер Навоий)*>

Ухлаган изини трамвай хар, Тонг
4OFH гуддураб. янчиб утади.

*(Ойбек)*

б) игрок — тасаввур кдпиш к^шинрогу, аммо мутлакр амалга ошириб булмайдиган бурттирилган тасвир усули:

Оразингни боғ аро чун курди, х,айрон булди гул,
Баргсиз К.ОЛДИ нединким, бас паришон булди гул.

*(Алишер Навоий)*

Отлар кишнар, к,излар куйлар, тинмай ипшар дехконлар,
Куёш олтин булокдир. кайнар. тошар...
Кук тишщ.

*(Ойбек)*

в) гулувв — тасаввур хам кдпиш к^шин, амалга ошириш эса мумкин булмаган бурттирилган тасвир усули:

Оразин ёпкрч кузумдин сочилур хар ла^за ёш,
^йлаким, пайдо булур юлдуз, нщон булроч куёш.

*(Алишер Навоий)*

■ ..
·;

Севги шундай навбахорки,
У тикандин гул кдлур,
Тошга жону тил багишлаб,
Зоғнн дам булбул к;илур.

*{Эркин Болидов)*

Муболага, хусусан, романтик асарларда,' шунингдек сатирада куп кулланилади. Болалар адабиётида х;ам бу усул асосий тасвир воситаларидан ^исобланади. Бирок; проф. Абдурауф Фитрат айтганидек, муболага чин (самимий) булса, жудаям ошириб юборилмаса, зураки булмаса, ясамаликдан узок, булса, туйгулардаги кучлилик — уткирликни англашга катта ёрдам беради[1].

Халк, огзаки ижоди ва мумтоз адабиётимизда баъзан орттирмали муболагалар дам учраб турадики, булар адабиётшуносликда "Будут" ёки "Ифрат" деб юритилади. Мисол:

---

1 К,аранг. *Фитрат.* Адабиёт ^оидалари. Т., "Уцитувчи", 1995, 78-бет.

Ох урарман, ох урарман,
Охларим тутсин сени. Куз
ёшим даре булиб,
Баликдари ютсин сени.

Тикилсам 10фийди дарёнинг гуми, Наъра
тортсам кулар кургоннинг тими...

*("Алпомиш")*

Бу узбакни алп Кррижон билади,
Чангалласа тогаи талк>он кдиади.

*("Алпомиш")*

**Тафрнт** (араб, -Цу£ — муътадилдан кичик). Тафрит халк.-аро атамашуносликда литота (юнон. litotes — содда, кичик, эвида) — тасвир объектини кичрайтириб, заифлаштириб курсатиш усули. Тафрит муболага (тасвир объектини атайлаб ошириб, бурттириб курсатиш) нинг бутунлай тескариси. Ёзувчи уз гоявий-бадиий ниятига мое келадиган нарсаларнинг ах.амиятини таъкидлаб, бурттириброк. курсатиш ниятида унинг антиподи (ёки унга параллель турган нарса)нинг кудратини, дажмини атайлаб кичрайтириб тасвирлаиди ва шу усул оркали китобхоннинг эътиборини тасвир объектига к.аратади — объектни ёркин ва равшан ифода этади. Масалан:

Ул санамким, сув ёкреинда паритек ^лтурур,
Рояти нозуклугидин сув билан ютса булур.

*(Атойи)*

Байтдаги шоир санам (киз)нинг паридек гузаллигини таъкидлаш мак.садида унинг жуссасини сув билан ютса буладиган даражада кичрайтириб — гоятда нозик килиб курсатади. Демак, тасвир объекти — санам багоят гузал ва нафис х.амда нозик экан.

Буйунг сарву санубартек, белинг *кдл,*
Вафо КДЛБОН кишиларга вафо кди.

,.... \ .... *(Хоразмий)*

Бу уринда шоир ёрнинг кадди-крмати санубар дарахтидек тиклиги (буйчанлиги)ни таъкидлаш максадида унинг белини килга киёслаяпти, яъни кизнинг бели ингичка демокчи (зеро, бели йут-он, семиз кишининг буйи санубар дарахтидек тик хам булмайди). Хоразмий тафрит санъатини куллаб, ёрнинг кадди-крматини куз олдимизга якдол килиб келтиради. Тафрит усули хрзирги замон шеъриятида хам кенг кулланилган. Мисоллар:

Ер юзи одамзод тутлган уйдир.

*(Fa<pyp FynoM)*

Еримиз ёндош китоб, бунда билим жобажо.

*(Fсирур рулом)*

Шоир биринчи мисолимизда "ер юзи"ни "уй"га, иккинчи мисолимизда "ер"ни "китобга" киёслаяпти. Тасвир объекта (ер) атайлаб кичрайтирилиб курсатилаяпти. Бу билан укувчининг диккдти "ер юзи", "ер"га тортилади, ёрнинг муътабарлиги, мукаддаслиги (тугилган уй каби) ва конлар — билимлар хазинаси (китоб) эканлиги бадиий ифодаланаяпти.

Шоир Хамид Олимжон "Узбекистон" шеърида:

Чиройлидир гуё ёш келин.
Икки даре ювар кокилин.

деса, шоир Ч^лпон "Яна куклам" шеърида:

Кечанинг сирли куйнига бекиниб,
Кечага тотли бусаларни бериб,
Юзидан пардаларни иргитиб, Дунёга
бир келин каби чикдан.

деб ёзган. Агар Хамид Олимжон Узбекистонни "ёш келин" деган булса, Чулпон кукламни "бир келин" тимсолида кураяптики, булар хам, албатта, тасвирнинг литота усули булади. Шоир Ойбек "Фанга юриш" шеърида:

Эй эркин кишлокнинг йигит-к,излари!
Техника калбида бу икс-игрик Формула
ёнади -£- шу электрик, Тирмашинг,
фанларнинг юксаги сари!

деб ёзганки, "икс-игрик" ва "формула" литоталарини махррат билан куллаган. Мумтоз шеъриятимизда юксак махррат билан ишлатилган куйидаги тафритларни талкин килиб куринг:

Ош есалар уртада сарсон илик,
Хужа — ННРОF еFН. Хакимжон — пилик.

*(Муцимий)*

**Синекдоха** (юнон. synekdoche — бирга англамок., кушиб фахмламок.) — менимиянинг бир тури (мажоз) — микдор жщатидан бир предмет белгиларини бошкасига кучириш усули. Синекдоха — типиклаштиришнинг мухим ифода воситаларидан бири. Бадиий адабиёт тилида синекдоха-ларнинг куйидаги турлари куп кулланилмокда:

а) Булак, кием оркали яхлит, бутун нарсани ёхуд умум оркали булакни ифодаловчи синекдохалар. Мисол:

Бир KVHFH3 МУЙЛОВЛИ.
Барок соч малъун. Жигар ранг
бир мундир, Истаги учун,
Намотки еримиз Чаппа
айланиб, Намотки яарёлар
Ок>ар тескари,

*(Fсирур ¥улом)*

Бу шеърий парчада шоир "кунгиз муйловли", "барок, соч", "жигарранг" "мундир" — портретик белгилар орк.али бутун бир ижтимоий иллат — фашизм, "еримиз", "дар-ёлар" — табиат унсурлари оркали кудратли мамлакатимизни назарда тутаяпти, булак оркали бутунни, кием оркали умум-ни ифодалаяптики, булар синекдохалардир.

Кукрак СУТИ ва мехнат билан Биз
жадонга берганмиз турмуш, Она
калби оёкда турса, У, сира
булмайди уруш!

„ *(Зулфия)*

Шоира Зулфия "кукрак сути".... "она кдлби..." лексик бирикмалари (булаклар) оркдли жуда катта умумийликни — дунёдаги оналарни, барча аёлларни назарда тутган. Демак, шоира шеърида жахрндаги аёллар оёкда турса, хар кднддай урупщокларни жиловлай олади — сира урущ булмайди деган *тоя* олга сурилган. Синекдоха шунга имкон берган.

б) Куплик урнида бирлик ёхуд бирлик урнида куплик шаклларини куллаш йули билан хдм синекдохалар яратиш мумкин. Мисол:

Шунда саодатим, шарафим, Ик,болимни
сенда кургандим Сендан кураш, енгиш,
куриш, яшаш — Хаёт фалсафасин
ургандим.

Шоир бу банддаги "сен" кишилик олмошини катга ижтимоий маънода ишлатган — бирлик орк,али куплик шакли ифодаланган.

Алишернинг кузларидай,
Ёнади кукда юлдуз.

*{Зулфия)*

Бу байтдаги "юлдуз" — бирлик шаклида берилган, аммо у куплик шакли ("юлдузлар") маъносини англатади. Шу сабабли у синекдоха булиб, шеър к,ахрамони Алишернинг кэлбидаги севинч-кувонч хиссини образли ифодалаган.

Сувларнинг куёшга чузилган
Минг харир кулими? ЮЛДУЗНИНГ
тупрокда интилган У нурли
йулими?

*{Зулфия)*

Банддаги "сувлар" (куплик шакли) "сув" (бирлик шакли) ва "юлдуз" (бирлик шакли) "Юлдузлар" (куплик шакли) маъносини англатади. Шундай кдлиб, бу банддаги "сув" ва "юлдуз" сузларининг куплик шакли оркдли бирлик ва

бирлик шакли оркали куплик шакли ифода этилган — булар синекдохалардир.

в) Ноаник; сон урнида аник, сон ёки аник, сон урнида ноаник. сон келиши — синекдохадир. Мисол:

Укдцим, Ук,ийман, умрим борича, У айтган
сузларда маъно жуда кенг, , . , Унинг хар
сузида порлаган мазмун Миллион
асарларнинг мазмунига тенг.

*(Уйгун)*

**Перифраз** (юнон. peri — атроф. phrasis — сузлайман) — мажозларнинг бир тури — нуткнинг ифодавийлигини оши-риш максадида предмет, одам, вок.еа-хрдисалар номини уларнинг маъноларини, хусусиятларини ифодаловчи суз ёки иборалар билан алмаштириш усули. Масалан, "бур-гут" сузи урнига — "кушларнинг подшоси", "Узбекистан" сузи урнига — "ок. олтин кони" ва б.

Перифраз нарса ва хрдисаларнинг асил номи билан ёнма-ён ишлатилади.

Мисол:

Куё'шдай мехрибон Ватанинг —
онанг. Заминдай вазмину,
Мехнаткаш, мушфик Истаган
нарсангни тайёрлагувчи Халк бор
— отанг бор.

*(Fаipур Гулом)*

Бу шеърий парчада "ватан" ва "халк." сузлари асил маъноларида, "отанг" ва "онанг" сузлари эса кучма маъноларда кулланилган. Сузларнинг ана шу кучма маънолари ("отанг", "онанг") — перифразлардир. Улар юкррида таъкидлаганимиздек, сузнинг асил маънолари (уз маъноларида ишлатилган сузлар) билан ёнма-ён келаетир. Шоир бу уринда перифраз усулидан фойдаланиб, уруш йилларида ота-онасидан жудо булган гудакларни — х.акикий етим змасликларини — уларга ота-оналик килувчи халк. ва Ватан борлигини образли ифода этаяпти.

Шоир Хдмид Олимжон "Бахорни согинганда" шеърида:

Сув — булок буйларида чарчай-да
Сунгра куйнингда эркалаб ухлай.

каби перифразлар тузган ва шу оркали шеър гоясини жозибали ифодалашга эришган.

Перифразлар баъзан ёйик. метонимиялар шаклида хам тузилиши мумкин.

**Зидлов (контраст) кучимлар.** Кучимларнинг бу гурухига икки карама-карши тушунчали сузларни ёнма-ён келтириш ёхуд "кизим сенга айтаман, келиним сен эшит" кабилида, билиб билмасликка олиш тамойилларига амал килиб яратилган крчириклар, кесатишлар, пичинглар киради. Киноя, антифраз, сарказм, оксиморон зидлов кучимларининг куп ишлатиладиган турларидандир.

**Киноя** (юнон. eironeio — билиб билмасликка олиш) — инкорнинг бир куриниши булиб, тасвир объекта устидан кесатиш, кочирик; йули билан *яширин* кулиш, пичинг. "Сузларни ва ибораларни... кесатик. ва пичинг билан уз маъносига к.арама-к.арши маънода ишлатилишига ирония (таъриз) приёми дейилади"[1].

Киноя булиб келган суз ёхуд сузлар бирикмасининг асил маъносига эмас, кучма — яширин маъносига эътибор берилади. Масалан, "Синчалак"да Арслонбек Каландаров Сайда Алиевани "синчалакка", Сайда Алиева эса Арслонбек Кдландаровни зимдан "хуроз"га ухшатади: "Синчалак" дейилганда Саиданинг нозик-них.оллигига, нимжонлигига ишора килинса, "хуроз" дейилганда Арслонбек Каландаровнинг манманлигига, бакироклигига ишора килинмок.-да ва дар иккаласида дам истехзо, пичинг, яширин кулги мавжуд. Демак, "синчалак" ва "хуроз" — киноя — аллегория.

Киноя икки хил (фош килувчи ва шунчаки крчирик., енгил кулги) булади. Хажвиётда фош к.илувчи сарказм киноя булса, юмористик асарларда (кувнок. кулги, пичинг, шунчаки енгил крчириклар булади. Образларнинг кинoявий тарзда булиши, асосан, масалларга хос хусусиятдир.

---

[1] *Р.Кунтуров.* Узбек тилининг тасвирий воситалари. Т., Фан, 1977, 80-бет.

Шоир Хамид Олимжоннинг "Зайнаб ва Омон" поэмасидан бир парча олиб курайлик:

К,анча яхши, барно булса хам,
Кднча олим, доно булса х;ам,
Собир учун мени кийнама, ■ '
Мени утга ташлама яна.
Менга ёлгаз Омонимии КУЙ
Менга уша ёмонимни КУЙ.
У кам эмас хеч бир одамдан,
Мен ул билан узокман рамдан.

Бу шеърий парчада "яхши", "барно", "олим", "доно" сифатлашлари оркали Собирга енгил крчирик. килинаётган булса, "Омоним" — "ёмоним" крфиядош сузлар оркали кучли — уткир киноя усули ишлатилган. *X,SL,* Анорхола назарида Омон — ёмон, "пасткаш" булиб туюлса-да, Зайнаб учун — у дунёда ягона "у кам эмас хеч бир одамдан", хатто Анорхола таъбирлаган "барно", "олим" Собирданх,ам кам эмас. Мана — киноя!

Киноя, кесатик., крчирик,, дам яширин ва дам ошкора кулги поэманинг таъсир кучини оширган, Зайнаб ва Анорхола характерларининг уткир к.ирраларини очишга кул келган.

"СеМурF ёки Паризод ва Бунёд" поэмасида тасвирлани-шича, улкан чинорни кутюрган, ёвуз девни улдирган Бун-ёдга хон кдзи — такаббур Паризод шундай жавоб беради:

Чупонни Хеч кунгил
куёлмадим... Канча ботир
булсанг ^ам, Зур баходир
булсанг ^ам *Тушагнинг* хае деб
билдим Аслингни паст деб
билдим Севолмадим сени
мен, Чунки мен дам хон
кизиман.

Бу парчадаги истех.зо, кесатик. — киноя Паризоднинг бутун борлигини ёркин ифода эта олган.

**Антифраз** — *киноя* — иронияниг бир тури булиб, бир шахе ёки предметга хос булган у ёки бу хусусиятни кулги интонацияси билан инкор килишдир.

Агар матндаги суз ёхуд суз бирикмасида асил маъно эмас, аксинча тескари маъно назарда тутилса антифраз пайдо булади. Масалан, "Жангчи Турсун" балладасида Хамид Олимжон куйидаги антифразни куллаган:

Эркаланиб ётади У
Ватан тупрогада.
Ёш бола ётганидай
Онанинг кучошда.

"Эркаланиб ётади", "Ёш бола ётганидай" "онанинг кучошда" иборалари антифраздир. Негаки, "эркаланиб ётади", "ёш бола ётганидай" суз бирикмалари аслида ижобий маъноларни ифодалайди, бу уринда эса салбий маънода, яъни Турсуннинг халок булганлигини ифодаламокда.

**Сарказм** (юнон. sarkasmos — кдйнаш, озор бериш) — аччик. захдрханда, истехзоли таъна, пичинг. Аччик. кулги ва таъна — сарказмнинг асосини ташкил кдпади. Лирик, эпик ва драматик асарларда, хусусан, дажвиётда кенг кулланиладиган тасвир усули. Сарказм сузнинг асл маъносига зид булган кучма маъносидан келиб чикади. Сарказмда интонация ва муаллифнинг тасъвир объектига муносабати мухим роль уйнайди. Одатда, сарказмда шахе, нарса ёхуд вок,еа-х.одисанинг салбий томонлари фош килинади. Мисол:

Айланаман нозигим, ургиламан нозигим, Гаода
таманно, таранг, "мен уламан" нозигим. Куз
сузилиб к.ошгача, олифталик бошк,ача Уйда эри
ош к,илиб, ухлади у тушгача. Айланаман нозигим,
ургиламан нозигим, Уй ишдан с^з очманг, мен
уламан нозигим. Биттаси битмай хали,
янгисининг жанжали^ Езда кунгил крр тилаб, киш
куни мирсанжали,

Дуппи кулида, кайфи таралла такасалтанг,
Доим кучада, сафсата, ялло такасалтанг.
Улфатлари ишга кетиб, кундуз курсам, Ухлаб
утир^) урнида ros;о такасалтанг.

*(Собир Абдума)*

**Оксиморон** (юнон. oxymoron — закий, нодон) — икки кдрама-карши тушунчаларни ифодаловчи сузларни ёнма-ён келтириш нули билан тасвир объектини бурттириб курсатиш усули. "Тирилган мурда", "Уликжонлар", "Хаётбахш улим", "Бархдёт уликлар", "Бахтиёр гадолар" кабилар оксиморонлардир. Негаки, тирилиш билан улиш, улим билан жон, хдётбахшлик билан улим, бархаётлик билан улим, бахтиёрлик билан гадолик сузлари карама-карши тушунчаларни ифодалайдики, бутушунчалар ёнма-ён келтирилиб, кутилмаган маъно ва фавкулодда образлилик вужудга келади. Баъзи мисоллар:

Унинг бундай кизганчшли Хар кимдан
куп крн йиюгаган сен эдинг. Уни 33FOH
йиртсдач кулли маъзинга Сен улто ёв. сен
мужассам кин эдинг.

(*Чулпон)*

У ерга йикилади Укдай
учиб бораркан. Тордай OFHP
кулайди КУШ сингари енгил
тан.

*{Хамид Олимжон)*

Юз йил яшаса хам бечора бир зот
Туймадим х£ч, дебди, бу нечук хикмат.
Ох кандок ширрщдир шу тахир хаёт.
Ох кандок гузалдир ШУ жуддур кисмат.

*(Абдулла Орипов)*

Эътибор килинг-а: "улуг ёв" суз бирикмасида улут — ижобий тушунча, ёв — салбий тушунча: ижобий ва салбий тушунча ёнма-ён келтирилиши фавкулодда х,одиса — оксиморон воситаси-ла ёвнинг канакдлиги аник, ифодаланган. Иккинчи мисолимизда "кушдай енгил тана" суз бирикмаси англатадиган тушунча билан "товдай OFHP кулаш" лексик бирикмаси англатадиган тушунча бир-бирига зид —уларни бир-бирига киёслаш йули билан оксиморон досил килинган. Еки юз йил яшаса х,ам х,аётдан туймаслик, та хир хаётнинг ширинлиги, жулдур кисматнинг гузаллиги —фавкулодда хрдиса — оксиморон.

**Шоир** Рауф Парфидан бир мисол:

, эй малагим, тур урнингдан, **тур,**
Оташин музларда исинайлик юр. Ёнганли
дарёда кулоч отайлик, Бу ердан кетайлик,
факат кетайлик.

"Оташин музлар" ва "ёдаин дарёлар" — образли лексик бирикмалар ажойиб — кутилмаган оксиморонлардир.

Бир карашда оксиморон антитезага якин тургандай туюлади. Аслида бундай эмас: антитезада бир-бирига карама-карши тушунчали суз бир-бирини инкор килади, оксиморонда эса икки карама-карши тушунчали суз бир-бирига бирлаштирилади, бири иккинчисига аникловчи булиб хизмат килади. (Чунончи: улуг — аникловчи, ёв — аник,-ланмиш — от, яъни улур сузи ёвнинг бахайбатлигини ифодалашга хизмат калган).

## *Бешинчи боб* БАДИИЙ САНЪАТЛАР

Бадиий санъатлар...

Бадиий (шеърий) санъатлар шарк, мумтоз адабиётининг, шу жумладан узбек адабиётининг узига хослиги, миллийлиги, латофати, назокати, ранго-ранглиги, жозибадорлиги ва таъсирчанлигини ифодаловчи тасвир воситасидир. Мумтоз адабиётимиз бадиий санъатларга бой — улар нихрятда хилма-хил ва нидоятда нафис.

Маълумки, арабларнинг фасо^ату балоБат ахли шеърий нутк. гузаллиги (санъатлари)ни зотий (табиий) ва оризии (безакли) гурухларга ажратиб урганишган (бу илм билан шурулланувчи фанни "Балогат илми" деб юритишган). Форстожик ва турк-узбек шуаролари эса зотий ва оризии гузаллик (санъатлар)ни кушиб, "санойиъ бадеъ" ва бу дакдаги илмни "Илми санойиъ" ("Санъат илми") деб юритишган. Тарихий анъанага кура, бадиий санъатлар куйидаги навларга ажратиб урганилади: а) дафзий (сузнинг товуш жихати билан боглик) санъатлар; б) маънавий (сузнинг маъноси билан боишк) санъатлар; в) лафзию-маънавий (сузнинг хам

товуш, хам маъно жихатлари билан *ботик)* санъатлар. Бадиий санъатларининг биринчи гурухи шеърий нуткд безак-зийнат бахш этса, иккинчиси шеър маъносини оширишга таъсир курсатади ва, нихрят, учинчи гурух. санъатлар эса шеърнинг дам шаклига, дам мазмунига таъсир килади. Шеършунос аллома Атоуллох. Махмуд Хусайний "Бадойиъу-с-санойиъ" асарида бадиий санъатларнинг умумий хислатлари хакида тухталиб, шундай деб ёзади: "...умуман барча гузалликларнинг асоси улдурким, нущ ул тарзда адо этилгайким, маънони англашга, анинг латофати, таркиби ва сошамлигага хеч бир халал етмагай"[1].

„ Лафзий санъатлар, юкррида айт-

**Лафзии санъатлар** ганимиздек, шеърий нуткдаги сузнинг товуши билан бонгак., купрок; шакл хрдисаси сифатида куринади. Аммо уларнинг х.ам уз шартлари бор. "Билгилки, — деб таъкидлайди Атоуллох, Хусайний, — лафзий гузалликларнинг асоси улдирким, алфозни маънога тобеъ кдлгайлар"[2].

Лафзий санъатлар гоятда ранг-баранг булади. Куйида шуларнинг айримларини куздан кечирайлик:

**Тарсиъ** (араб. ^J — зийнатлаш, безаш) — шеър (байт)-да биринчи мисра сузлари билан иккинчи мисра сузларининг бир-бирига охангдош, вазндош, к;офиядош булиб келиш усули. Шеършунос Атоуллох. Хусайний "Бадойиъу-с-санойиъ" асарвда "тарсиъ" истилохининг лугавий маъноси хусусида тухталиб, "Бу санъатк;а "тарсиъ" деб ном берурда ани шода тарсиндин олиптурлар. Ул андог дурурким, шоданинг бир ёнидаш жаводир иккинчи ёнидаги жавох.ир сингаридир"[3]. Шеършунос аллома ва шоир Ахмад ибн Худойдод Тарозийнинг "Фунуну-л-балора" асарида таъкидланишича, "...тарсиъ ул будурким, х.ар калимаким, аввалги мисраъда келур, сунгги мисраънинг дар калимасин ул калималарнинг мук,обаласинда келтируб, вазн бирла мувофик, ва лафз бирла муттафик. ва охир харф (равий) бирла муттадид килурлар"[4].

---

[1] *Атоуллох; Хусайнш.* Бадойиъу-с-санойиъ, 35-бет

[2] Шу асар, 35-бет.

[3] Шу асар, 37-бет.

[4] *Шайх Х\мад Тарозий.* Фунуну-л-балога, Т., Хазинй^ 1996, 84-85-бетлар.

Айрим шеъріііунослар фикрича, тарсиъ санъатида шеър (байт) мисраларидаги сузларнинг хижолари микдори ва сифати хдм хисобга олинар экан. Бир мисол:

Лайли ишкин танимда жон кил,
Лайли шавкин рангимда кон кил.

*(Алишер Навоий)*

Эътибор килинса: биринчи мисрада беш суз, тукдиз хджо бор, шу тартиб иккинчи мисрада дам мавжуд. Худди шундай тартиб хджолар микдори ва сифати, рукнлар тузилиши, микдори ва тартиби; нихрят вазнлар-бахрлар тузилиши хам шундай.

Яна баъзи мисолларни олиб курайлик:

Куруб дардим тараххум к;илмадинг
Тукуб ашким табассум кдчмадинг

*(Алишер Навоий)*

Бу байтдаги "куруб"- "тукуб", "дардим"- "ашким", "тараххум"- "табассум" сузлари охднгда *щи,* крфиядах,ам, вазнда хдм бир-бирига тенг, "килмадинг х,еч" суз бирикмаси иккала мисрада хдм айнан такрорланиб келганки, бу радифдир.

Куз бирла к,ошинг яхши, кабоганг яхши,
Юз бирла сузунг яхши, дупотинг яхши. ,

*(Алишер Навоий)* \.

Байтдаги "куз"- "юз" сузлари бир-бирига монанд, "к.ошинг"- "сузунг" ва "кабоганг"- "дудогинг" сузлари — зулкрфиятайн, такрорланувчи "яхши"- "яхши" сузлари — радиф, "бирла"- "бирла" сузлари — хржиб.

Демак, Алишер Навоий рубоий жанрида тарсиъ санъатини мохирона куллаган.

Ёд этмас эмиш, кишини Бурбатда киши, Шод
этмас эмиш, кунгулни мехнатда киши.

*(Бобур)*

Байтдаги "ёд"- "шод", "кишини"- "кунгулни", "Ғурбатда"- "мех.натда" сузлари бир-бирига тенг, охангдош,

вазндош, кофиядош; "киши"- "киши", "этмас эмиш"- "этмас эмиш" сузлар такрори — радиф. Куринадики, байтдаги хар бир суз уз хамрохига тенг. Бу — тарсиъ санъатининг ажойиб намунаси!

Атоуллох. Мадмуд Хусайнийнинг айтишича, байт охирида келадиган крфиядан максад равийга эришишдир. Мисол:

Сабр билан баста эшикдур кушод,
Сабр билан топти эронлар мурод.

*(Гулханий)*

Байтдаги "баста"- "топти", "эшикдур"- "эронлар" сузлари вазндош, "сабр билан"- "сабр билан" — дожиб ва, нихрят, "кушод"- "мурод" крфиядош сузлар (крфиядош сузлардаги "д" харфи — равий). Демак, Гулханий хам равийга, хам тарсиъ санъатига хула эриша олган.

Тарсиъ санъати учун лафздаги харакат (ундош) ва сукун (унли) товушлар бир-бирига канчалик мувофик. булса, шунча яхши. Тарсиъ латофатли булади. Мисол:

Ашкима гар канора йук,, булмаса булмасин, нетай,
Охима хеч шумора йук,, булмаса булмасин, нетай.

*(Огсций)*

Яна бир мисол:

Жондин сени куп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени куп севармен, эй умри азиз, Хар
неники севмак андин орти^ булмас, Андин
сени куп севармен, эй умри азиз.

*(Алишер Навоий)*

Эътибор килинг-а: биринчи мисрадаги "хондин", иккинчи мисрадаги "сондин", туртинчи мисрадаги "андин". сузлари узаро к.офияланган булса, биринчи, иккинчи ва туртинчи мисралардаги к.олган барча сузлар ("сени куп севармен, эй умри азиз") айнан такрорланиб радиф хрсил кдпган. Бу — мумтоз тарсиъ!

"Тарсиъга асосланган мисраларнинг дикдатга сазоворлиги шундаки, — деб таъкидлайди адабиётшунос В.Рахмо-

нов, — мукаммал тарсиъ яратувчи сузлар каторида нечта компонент булса, шунча крфиядош ва радифдош (ё хржибдош) сузлар катнашади. Одатдаги шеърларда хар бир мисра охиридаги бир суз крфиядош булса, бунда хар иккала мисрадаги барча сузлар крфиядош булади. Хуллас, бутун мисралар охангдошлиги юзага чикади. Тарсиъсиз мисраларда крфия мисранинг охиридагина келиб, мисралараро охангдошликни яратса, тарсиъда зийнатланган байт уз таркибвдаги купчилик сузларнинг крфиядошлиги билан узгача товланади. Баъзан тарсиъ усулидаги мисраларда катнашган барча сузлар крфиядош булмаслиги хам мумкин. Нук,сонли тарсиъларда крфиядош булмайдиган сузлар аралашиб крлган булиши мумкин"[1]. "Тарсиъ оддий суз уйини эмас, — деб ёзади адабиётшунос Ё.Исхркрв, — балки фикр билан ифоданинг муайян пайтда мувозанат хрсил килиши натижасида юзага келадиган поэтик усул булиб, шеърнинг, умуман, тасвирнинг мусикийлиги ва таъсирчанлигини оширишга ёрдам беради"[2].

Куйидаги байтнинг магзини чакиб куринг-а:

Эй бегам, ушбу юз дегул, шамс била камармудур, Эй бегам, ушбу суз дегул, шахд била шакармудур.

*(Атойи)*

**Сажъ** (араб. ^*~. — хамоханг) — бадиий матнда ишлатилган айрим гап булакларининг ё вазнда, ё к.офияда ёхуд хар иккаласи (вазн ва к.офия)да мослашуви[3].

Сажъ санъати дастлаб халк. огзаки ижодида пайдо булган. Узбек халк. эртаклари, достонларидаги анъанавий уринлар (бошланма, персонажлар тавсифи, рудий долатлар, пейзаж, афсонавий касрлар)да сажъ к^лланилган. Сажъ тасвирнинг таъсирчанлигини оширади — укувчининг дикдатини тортади. У халк. огзаки ижодидан ёзма адабиётга утган. Мумтоз адабиётимизда сажъ санъатида Алишер Навоий, Задириддин Мухаммад Бобур, Мух.аммадшариф Гулханий

---

[1] *В.Рахмонов.* Шеър санъатлари. Л., 1972, 106—107-бетлар.
[1] *Ё. Исурцов.* Тарсиъ. Узбек'тили ва адабиёти, 1971, 4-сон, 75-бет.
[3] *В.Саримсоцов.* Сажъ. ^збек тили ва адабиёти, 1971, 2-сон, 74-бет.

ва бошка адиблар юксак майорат курсатган булсалар, Х^м-за Хакимзода Ниёзий, Абдулла Крдирий, Ёафур Булом, Собир Абдулла, Сайд Ахмад сингари ёзувчилар дам сажъ саньатида катта хизмат килганлар.

Сажъ таснифи ва тавсифида мутахассислар бир хилликка эриша олганлари йук,. Аммо купчилик тадкдкртчилар фикрича, сажъ санъатининг куйидаги уч тури машхур:

1. **Сажъи мутовозий** (тулик, сажъ) — насрий парчадаги айрим сузларнинг вазнда хам, равий харфида дам мое булиши. Мисол:

"Де^крики тузлук била доно сочар. х;ак. барига юз эшигин очар. сочкрн лонаси кукаргунча. уриб хирмон к,илиб махсулин кутаргунчд: курту куш андин бахраманд. дашт вухуши анинг бирлахурсанд. Мурлар уйи андин ogoiL. гурлар хотира аннинг билашуд,. Кабутарларга андин мастлик. ТурFafciapFa андин ношод хамдастлик..."

*(Алишер Навоий)*

*2.* Сажъи мутарраф (к,офияли, вазнсиз) — насрий пар чадаги сузлар вазцда эмас, дарфий равийдашна мое булиши. Мисоллар:

"Бири юз булурдин бошида савдо. бузи катон булурдин кунглида таманно" (Алишер Навоий).

"Бирга арзирни юзга сотмокдин аларга минг мубохат. мингга тегарни юзга олмогдин йук, бир зарра уёт" (Алишер Навоий).

3. Сажъи мутавозин (вазнли, *крфиясиз)* — насрий ёхуд назмий парчадаги ran булакларининг к,офиясиз вазндошлиги. Мисоллар:

Луратимда сузим анча куп,
Кдйси бири билан бошлайин?
Шундай шодман, шодлигим бедад...
Кунглим шодлигимдан усади!..

*(Усмон Носир)*

Таъкидлаш жоизки, "...сажъ икки унсур (вазн ва харфи равий)нинг хдр иккаласи ёки улардан бири кдтнашеагана юзага келади. Крфияда эса равийнинг булиши шарт (мумтоз к,офия назарда тутилади — Т.Б.), аммо вазн хеч кдндай роль уйнамайди: крфияланувчилар вазнда тент ёки тент булмасликлари

хам мумкин. Хдрфий равийда мое кепиши жихатидан сажънинг икки тури (мутавозий ва мутарраф) крфияга якин келади. Аммо вазвда мое келиш-келмаслик жихатидан сажъи мутавозий мутавозин крфиядан узок; турса, вазвда мосликнинг шарт эмаслиги ва равийдаги мосликнинг шарт эканлиги жихатидан сажъи мутарраф крфияга ухшаб кетади"[1].

**Муламмаъ** (араб. **!• — турли тидда ёзилган шеър) — шеърнинг бир кисмини бир тилда, бошкд кремини иккинчи тилда ёзиш санъати. Рашид-и Ватвот фикрича, муламмаънинг ун байти арабча, ун байти форсча булмоги раводур. Шайх Ахмад Тарозий айтур: "Бу санъат анингдек булурким, шеъре айтурларким, бир миераи бир тил бирла булур, бир миераи яна бир тил бирла:

> Ба худоки, хасталарга юзунгиз камидин улмак, Ду
> хазор бора хуштар зи хаёти жовидони"[2].

Бу санъат баъзан "талмиъ" деб хам юритилган. Муламмаъ шеър икки тилда ёзилган булса, "ширу шакар", уч тилда ёзилган булса, "шахду шакар" деб юритилган. Агар мумтоз шеъриятимизда, асосан, арабча, форсча, узбекча муламмаълар ёзилган булса, XX аср шеъриятимизда узбекча-русча муламмаълар яратила бошланган. Атоуллуо^ Махмуд ХУ[са]йний дептур: "муламмаъ андинибораттурким, шеърнинг бир кисми бир тилда, бош^а бир кисми узга тилда булур. Бу санъатнинг машхури улдурким, бир миераи арабча ва иккинчи миераи форсча ёки бир байти арабча ва бир байти форсча булур"[3].

---

[1] *Б. Саримсоцов.* Сажъ ва крфия. Узбек тили ва адабиёти, 1972, 1-сон, 78-бет.

Эслатма: Бадиий нут*; икки хил: сочма (прозаик) ва тизма (шеърий) булади. Бирок, бадиий нуткнинг крфиясиз вазнли ва вазнсиз цофияли турлари з^ам мавжуд. Бадиий нутк. вазнли булса-ю, аммо унда кофия булмаса — "муражжаз" (^арора- "ок; шеър") деб юритилган. Бадиий нутк. крфияли булса-ю, аммо вазнсиз булса — "мусажжаъ" ("сажъ") деб номланган. Агар бадиий нуткда вазн з^ам, крфия з^ам булмаса — "орий" дейилган.

[2] *Шайх Аiуиаd ибн Худойдод Тарозий.* Фунуну-л-балога, Т.: Хазина, 1996, 114-бет.

[3] *А. Хусайний.* Бадойиъу-с-санойиъ. Т.: Адабиёт ва санъат, 1981, 92-бет.

Умуман айтганда муламмаълар турли хил булади. Масалан: а) Шеърнинг бир кисми (мисраси) бир тилда, иккинчи мисраси бошка тилда ёзилади:

Сохибу-р-рох. мина-р-рахмати кдц нодоний
Ки, биё жониб-и майхона, чи саргардоний?

Беруний бобомиз шу, исми хам Абу Райхрн,
Ба форси гуфтаам гар аз замони пур Сино.

*(А. Орипов)*

б) Мисранинг биринчи ярми бир тилда, иккинчи ярми бошка тилда ёзилади:

Дилбари хуш адои ман мунча чучук булурмусан?
Омад дар канори ман бир даме ултурурмусан?

*(Машраб)*

в) Шеърнинг боши ва охири бир тилда, уртадаги сузлар бошка тилда:

Аз дурий ту намонда сабрам,
Эмди кетарман тахти Сулаймон.
Бечора Машраб куйди гамингдин,
Монанди зулфат холим паришон.

*{Машраб)*

г) Шеърнинг бир байти бир тилда, иккинчи байти бопща тилда булади:

,(, Ба нодоний гунох. кардам, илохий, Вале
донам, ки гаффори гулохий. Ражаъту
илайка фа-гфирлий зунубий, Фа-инний
тубту мин кулли-л-манох.ий.

Муламмаълар халклар уртасидаги иктисодий-маданий ва дустлик-х.амкорлик муносабатлари самарасидир.

v - Каитариш санъати тарихии по-
**Каитариш санъати** ^ г н "и

этикага дойр анча-мунча манбаларда "радд ул-ажуз ил-ас-садр", баъзиларида эса "мутобика", айримларида "тасдир" деб юритилган. Демак, мазкур санъат "радд ул-ажуз ил-ас-садр" деб юритиладиган булса, байтда "ажуз"нинг "садр" урнида к.айтарилиши деган маъно келиб чикадики, бу, Ё. Истоков айтганидек, кайтариш санъатининг факат бир тури булиб колади, холос. Вахрланки, бу санъатнинг турлари куп — адабиётшуносликда, уларнинг тури элликдан ошади. Шу важдан мазкур санъатни "радд ул-ажуз ила-ас-садр" деб эмас, балки жамловчи ном — "кайтариш санъати" деб аташ уринлидир[1].

Арузда ёзилган шеър байтининг биринчи мисрасидаги биринчи рукни "садр", сунгги рукни "аруз", орадаги рукнлар "дашв" ва иккинчи мисранинг биринчи рукни "ибтидо", сунгги рукни "зарб" ёхуд "ажуз", орадаги рукн(лар) "х.ашв" деб юритилади. З.М.Бобур.

Кдйтариш санъатининг номланиши борасидагина эмас, унинг таърифи, тавсифи, таснифи хакдца х.ам бир хилликка эришилган эмас. Биз таълимий мак.садда к.айтариш санъатининг куйидаги куринишларини урганиш лозим деб товдик:

1. **Радд ул-садр ил-ал хашв** (байт бошидаги сузнинг мисра ичида келиши). Бу турнинг узи х,ам икки хил булади:

а) байтнинг биринчи мисрасида "садр"нинг "х.ашв" урнида келиши:

Жоним чикадур дард ила жононима айтинг,
Мен хаста гадо хрлимни султонима айтинг.

*(Лутфий)*

б) байт "садр"ининг иккинчи мисрада — "х,ашв" урни да келиши:

Рарибларнинг иши доим сулукдур,
Тирик эрмас гариб. мисли улукдур.

***(А.Яссавий)***

---

сон. *Ё. Исходов.* Кайтариш санъати. Узбех *ТИЛИ* ва адабиётн, 1972, 2-

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулру келмади,
Кузларимга кеча тонг откунча уйку келмади.

*(Алишер Навоий)*

Кунгулга булди ажойиб бало каро сочинг,
Шикаста кунглума эрмас каро бало сочинг.

*(Бобур)*

2. Радд ул-садр ил-ал-ибтидо (байт бошидаги сузнинг иккинчи мисра бошида келиши):

Мен жах,ондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл,
Мен илик жондин юлдум, кечмас илик крнимдин эл.

*(Алишер Навоий)*

Кайси бир озорин айтай жонима агёрнинг,
Кайси бир огриткрнин кунглумни дей дилдорнинг.

*(Бобур)*

3. **Радд ул-садр ил-ал чаше ва ил-ал-ажуз** ("садр"нинг "х,ашв" ва "ажуз" урнида келиши):

Ут агар итса жадондин, *ащм* ул, FaM эмас,
Еткурай бир дамда юз аввалга £г микдори SL

*(Алишер Навоий)*

**4. Радд ул-садр ил-ал-ажуз** ("садр"нинг "ажуз" урнида келиши):

Ёз булдию булди яна жаннат киби ёзи. Хуш
ул кишиким айш ила утгай к.ишу ёзи.

*(Бобур)*

Балойи ишкки вд>дам манга жафойидур,
Бу ишкдин кеча олмон ажаб балойи ДУР.

*(Бобур)*

5. **Радд ул-^ашв ил-ал-ибтидо** (биринчи мисра " ининг иккинчи мисрада "ибтидо" урнида келиши):

Ёгаиишгким жон била мен хастадурмен зор анга,
Хаста жонляр риштасидиндур магар бир тор анга.

*{Бобур)*

6. **Радд ул-^ашв ил-ал-х.ашв** (биринчи мисра "дашв"и-нинг иккинчи мисра "хашв"и урнида келиши):

Очмагай эрдинг жамоли олам оро кошки, , г
, Солмагай эрдинг бори оламда FaBFO кошки.

*{Алишер Навоии)*

Курмагай эрдим жамоли олам оро кошки,
Булмагай эрдим бори onaMFa расво кошки.

■>; *{Алишер Навоий)*

7. **Радд ул-^ашв ил-ал-ажуз** (мисра ичида "х.ашв"нинг байт охирида келиши):

Ёрдин озор кунглум ичра бех.ад бордур, Эй
хуш ул кунгул, анга не ёру не озордур.

*(Бобур)*

8. Радд ул аруз ил-ал-ибтидо (биринчи мисра охиридаги сузнинг иккинчи мисра бошида келиши):

Не раво булгай бу ким, мехроб ичинда ултуруб.
Ултурадур мен дуочини кузунг бокиб туриб.

*(Атойи)*

К,аеНFа борсанг итингмен узумни еткурайин.
Етитттмядам санга бокич дуо к.илиб турайин.

*(Бобур)*

9. Радд ул-аруз ил-ал-х.ашв (биринчи мисра охиридаги сузнинг иккинчи мисра "хашв"и урнида келиши):

Янги ой ёр юзи бирла куруб эл шоду байрамлао.
Манга юзу к.ошиндин аиру байрам ойида

*(Бобур)*

10. **Радд ул-аруз ил-ал-ажуз** (биринчи мисра сунг сузи-нинг байт охирида такрорланиши):

Юзунгни эй маловат хони, бир OJ Туя
курсун сени бу мустахдщ оч.

*(Атойи)*

**11. Радд ул-ажуз ил-ас-садр** (биринчи байт охирвдаги сузнинг кейинги байт бошида келиши):

Хубларда сенингдек бир махбуб нозук? Боштин
аёк;и зебо, белу бадани нозик. Нозуклук ила
олдинг кунглумни бокиб угрин, Нозик
кишиларнингки, хар не кдлани нозук. •

*{Лутфий)*

Юкорида биз бир байт доирасида юз берган кайтариш саньатининг бир типи ва унинг ранг-баранг куринишлари хусуеида *тухталиб* утган булсак, адабиётшунос Ё. Исхркрв унинг мураккаб типли куринишлари хакидахдм фикр юрит-ган. Чунончи, радд ус-садр ил-ал-ажуз ва радд ул-хашв ил-ал-ибтидо; радд ус-садр ил-ал-х.ашв ва радд ул-хашв ил-ал-ибтидо; радд ус-садр ил-ал-ибтидо ва радд ул-х.ашв ил-ал-ажуз... турлари к^йд килинган. Шунингдек, мазкур кайтариш санъатини вужудга келтиришда иштирок этган сузларнинг маъно жихатидан гурухлари, к;айтариш санъатининг иш-тикрк,, ийх.ои каби санъатлар билан коришик, х.олда ишла-тилиши борасида хдм мущм фикрлар билдирган[1].

**Радд ул-акс** (араб. ^-^1 ^j — акс санъати усулида к;ай-тариш). Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий радд ул-акс санъатини "Ал-радд в-ал-акс" деб номлаган. Радд.^л-акс — байтнинг сунгги мисраси кривда унинг илк мисраси (икки ним ним мисрасининг акс санъати усулида) кайта-рилиши. "Ул будурким, — деб таъкидлайди Шайх Ахмад Тарозий, — аввалги мисрани сунгга мисраъда бо сукуна килурлар"[2]. Мисол:

---

[1] К,аранг: *Ё. Ис%оцов.* К,айтариш санъати. "Узбек тили ва адабиёти, 1972, 2-сон, 83—87-бетлар.

[2] *Шайх Л%мад Тарозий.* Фунуну-л-балога, 134-бет.

Жону кунгул мархами //лаъли лабинг ёдидур.
Лаъли лабинг ёдидур // жону кунгул мархами.

*(Тарозий)*

Демак, радд ул-акс санъатининг мохияти шундан иборатки, байтнинг иккинчи мисраси урнида биринчи мисра (икки ним мисраси) урин алмашиб келади. Масалан, Алишер Навоийнинг "Фархрд ва Ширин" достонидан олинган куйидаги байт тузилишига эътибор беринг-а:

Эрурсен шох // — агар огохсен сен. Агар
огохсен. сен // — шохсен сен.

Англашиларлики, байтнинг биринчи мисрасининг илк ним мисраси (эрурсен шох.) иккинчи мисранинг сунгги ним мисраси (шохсен, сен) урнида ва биринчи мисранинг сунгги ним мисраси (агар огохсен, сен) иккинчи мисранинг илк ним мисраси (агар огохсен, сен) урнида такрорланиб, байт мисралари пайвандланган. Бу уринда радд ул-акс санъати бир байт доирасида амалга оширилган. Бу — радд ул-акс санъатининг бир куриниши, холос. Радд ул акснинг бу тури, асосан, йирик хджмли асарларда учрайди.

Радд ул-акс санъатининг яна бир куриниши борки, бу, асосан, кичик лирик жанрлар (газал каби) юз беради, яъни бир асар (газал) бутунлай шу санъат асосига курилади. Масалан, шоир Хабибийнинг "Девон"идан "Жоним узинг" газалини олиб курайлик. Бу газал етти байтдан таркиб топган, дар байтнинг иккинчи мисраси урнида биринчи мисранинг икки ним мисраси урин алмашиб келади:

| | |
|---|---|
| Жону жахрним узинг, // номи нишоним узинг, i<br>Ному нишоним узинг, // жону жахрним узинг. ' | матлаъ |
| К,оши камоним узинг, // зийнати хусну жамол,<br>Зийнати хусни жамол // крши камоним узинг... | |
| Мадху баёним узинг, // харна, Хабибий, десам, ,<br>Харна, Хабибий, десам, // мадху баёним узинг. ' | ма1?гаъ |

Хозирги шеъриятимиздаг х.ам ах.ён-ах.ёнда радд ул-акс санъати учраб туради. Масалан:

Устоз, тавдирингга // таъзим кил бу кун, Бу
кун эхтиром кил // толе кошида.

*(А. Орипов)*

**Радд ул-матлаъ** (араб. ^JLkJi *ij* — матланинг кайтари-лиши) — газал матлаъдаги (кдсида бошидаги) бош мисра-нинг газал мактаънинг (касиданинг) сунгги мисраси урнида муайян мак.сад билан такрорланиши. Шеършунос Дойи Жаводнинг фикрича, радд ул-матлаъ санъатида газал (кдсида) бошидаги мисранинг унинг мактаъда такрорланишидир. Шеършунос ва шоир Шайх Ахмад Тарозийнинг айтишича, "Бу санъат анингтек булурким, шеър матлаънинг аввалги мисрасини тамом мактаъда радд кдлурлар"[1]. Адабиётшунос Ё.Исхркрвнинг айтишича, мазкур санъатнинг номида шартлилик бор — у асосан, матлаънинг кдйтарилиши, такрорланиши" деб юритилса-да, аслида матлаънинг бир мисрасигина такрорланади[2].

Мисоллар:

1. <u>Коши ёсинму дейин. КУЗИ каросинму дейин.</u> ■, } матлаъ;
Кунглума хар бирининг дарду балосинму дейин. '
Эй Навоий, дема кошу кузининг васфини эп, , } мак^аъ.
<u>Коши ёсинму дейин. КУЗИ каросинму дейин.</u> '

*(Алишер Навоий)*

2. <u>Эй мУБанний. ЧУН нихон розим билурсен — соз ТУЗ.</u> } матлаъ;
Тартибон мунглур наво созинг била, овоз туз. Базм
аро уртар Навоийни нщон мунглуг суруд, i .,,,,_._
rfj o ^- {МаКТаЪ
<u>Эй мураннии. ЧУН нихон розим билурсен — соз ТУЗ.</u> '

*{Алишер Навоий)*

**Радд ул-цофия** (араб. «JliJl Jj — к,офиянинг кдйтиши, такрор келиши) Радд ул-к,офия санъатининг мох^яти шундан иборатки, к,асида ёхуд газаддаги биринчи мисранинг ох,ангдош сузи иккинчи байтнинг охирида такрорланди.

---

[1] *Шайх Ацмад* Тарозий. Фунуу-л-балога. Т., Хазина, 1996, 128-бет.

[2] *Ё. Исхоцов.* Радд ул-матлаъ. Узбек тили ва адабиёти, 1973, 1-сон,
77-бет.

Узбек шеъриятида радц ул-крфия санъатининг ранг-баранг куринишлари мавжуд. Масалан:

1. Шеър (газал, кдсида)нинг биринчи мисрасидаги крфиядош суз иккинчи байтда айнан такрорланиши:

> Кургали хуснингни зору мубтало булдум санго, Не балолиг кун эдиким, ошно булдум санго. Хар не дедимки, кун-кундин узай сендин кунгил, Вахки, кун-кундин баттарок. мубтало булдум санго.

*(Алишер Навоий)*

2. Шеър (газал, кдсида)нинг биринчи мисрасининг охангдош сузи иккинчи байтдан кейинги (мактаъдан олдинги) байт(лардан бири)да такрорланиши:

| | |
|---|---|
| Бизга ул махваш тилию кунгли бирла ёр эмас, і Кунгли ичра хар неким онинг тилида бор эмас.' | матлаъ: |
| Ёр улдурким тилию кунгли онинг булса бир, і Ким тили узгаю кунгли узга, ул ёд эмас. | 7-байт |

*(Алишер Навоий)*

3. Разал матлаидаги (биринчи ёхуд иккинчи мисрадаги) к.офиядош сузлардан бири мактаъда такрорланиши:

Эй сабо, шарх; айла аввал дилистонимдин хабар, \
„„ ^ .. \ матлаъ.
Сунгра дегил кунгул отлиг нотавонимдин хабар.

Арз КДЛ тадриж илаким шодлигидин улмайин, , мактаъ Эй Навоий, келса ногох. дилистонимдин хабар. '

*(Алишер Навоий)*

Адабиётшунос Ё.Исх,ок,ов таъкидлаганидек, радц ул-к.офия санъати деганда биз шеърдаги ^ар кандай крфиянинг шунчаки жун такрорини эмас, балки газал ёхуд кдсида матлаъидаги крфиядош сузлардан бири ёхуд иккаласининг булак байтларда (шунингдек мактаъида хам) муайян поэтик мак.садларда омонимик крфия сифатидаги такрорини тушунамиз[1].

---

[1] *Ё. Ис^оцов*. Радд ул-к,офи)?. "!^збек тили ва адабиёти, 1973, 1-сон, 79-6.

Радд ул-крфия санъати факат мумтоз шеъриятимиздагина эмас, хрзирги шеъриятимизда хам кенг кулланилмокда.

**Хат (китобот) санъати** — араб алифбоси харфлари шак-лидан лирик (эпик) манзаралар чизишда, поэтик образ яратишда фойдаланиш усули. Хат санъати оркали тик (тугри) крматни "алиф" ("1") га, эгиккрматни "дол" ("i")га, эгриликни "лом алиф" ("<_)")гакиёсланади, шу тарифа поэтик образ яратилади — муайян гоя олга сурилади.

Хат санъати кичик лирик жанрлар (газал, китъамаснавий, фард...)да учрайди. Баъзан эпикасарлар (хикоятлар)-да киссадан хисса тарзида, панд-насихат, дидактик хулосани ифодалаб келиши мумкин. Масалан, Абдувахрбхужа угли Пошохужа (XVI аср)нинг "Гулзор" ва "Мифтохул — адл" тупламларидаги хикоятлар ичида берилган назмий парчалар (назм, маснавий, газал, матлаъи)да мэхиронафойдаланилган хат санъатлари учраб туради.

Хикоятлардан бирида ривоят килинишича, султон Санжари Мозий Марвда бир шохрна айвон курдирмокчи булибди. Айвон учун ситунбоп бир огач топиш кийин булибди. Них.оят бир кекса аёлнинг хрвлисида тик усган бир огач борлигидан хабар топишади. Аммо аёл хар ^анча килса х.ам огачни сотишга унамайди. Султон заркаш туну тилло-тангалар эвазига огачни сотиб олади. Хуллас олтинпуш ситунли зарнигор айвон битибди. Айвоннинг томошасига халк. йигилибди. Султон берган заркаш тунни кийиб олган кампир хам томошага келибди. ВСампир олтинга бурканган огачини куриб хурсанд булибди ва узогачининг ёнига келиб дебди: эй огач ростликингдин (тугрилигингдан) узингни х.ам пиллопуш килдинг, мани х.ам тиллапуш киддинг...

Шундан сунг муаллиф киссадан х.исса тарзда дейди:

### К,итъа

<u>Алифдек</u> агар рост булсан. мудом,
Сенга олам ичра топилмас назир.

### Матлаъ

Гар <u>алифдек</u> рост булсанг, бол ичинда тут мак;ом,
<u>Лом алифпек</u> булсанг эгри бул бало ичра мудом.

Шеърий парчада берилган: "алиф" (" I ") ва "лом алиф" ("J") харфларининг шаклларини эслайдиган булсак, "алифдек туфи булсанг, бол (асал) ичида маком тутасан, лом алифдек эгри булсанг, бало ичра бул мудом" деган панд-насихат келиб чикади. Демак, муаллифнинг хикоятда олга сурмокди булган фикри хат санъати оркали чиройли ифода этилган.

Алишер Навоий, Зах,ириддин Бобур, Огахий, Фуркдт лирикасида хам мохирона ишлатилган хат санъатлари бор. Биргина мисол:

Жонимдаги "жим" икки "дол"ишта фидо,
Андин сунг "алиФ" тоза нихолингта фидо,
"Нун"даги анбарин хилолишта фидо,
икки нукта икки холингиа фидо.

*{Алишер Навоий)*

**Маънавий санъатлар**

Бадиий санъатларнинг бу гуру-х.ига шеър гояси билан боглик, булган санъатлар киради. Маънавий санъатлар хам ранг-баранг куринишларга эга. Чунончи:

**Ташбих.** (-4^' — ухшатиш) — назмий ва насрий асар тилида куп кулланиладиган маънавий санъатлардан бири. Ташбих. хрзирги узбек тилида асосан "ухшатиш" деб юритилади. Ташбих. икки ёки ундан ортик. нарса, хрдиса, хусусиятларни улар уртасидаги ухшашлик, умумийлик (сифат, белги ёки функция) нуктаи назардан киёслаш. Ташбих. тасвир объекти (предмет ёки хрдисанинг ёхуд уларнинг хусусиятларини) ёрк.инрок. ифодалашга хизмат к.илади. Хакикий шоирлар ташбихдан фак.ат суз уйини сифатида эмас, балки асар гоясини жозибали ифодалаш максадида фойдаланганлар. Ташбих. санъатининг илдизлари жуда узок.-узок. замонларга бориб такалади.

Ташбих. турт к.исмдан таркиб топади: 1) мушаббих (ухшатилган нарса); 2) мущаббихунбих (ухшаётган нарса); 3) одати ташбих (ухшатиш воситалари); 4) важхи ташбих (ухшатиш сабаби). Шеъриятда ташбих. купинча: -дек, -симон, -дай, -она, -нома, -омуз, -на кушимчаси; каби, ухшаш, сингари, ЯНГЛИБ, худди, гуё, бамисоли, мислсиз, туе, андок.ки, чу, сифат, нусха, ранг, тахлит лексик воситалари ёрдамида яратилади.

Лола каби ёкут кдцах., йук тубига дурд, у;
Бир шиша май андокки акщи яман эрди. ;

*{Алишер Навоий)*

Мазкур байтда: биринчи мисрадаги кадах. — ухшатилган, лола — ухшаган, каби — ухшатиш воситаси, ёкут (кизиллик) — ухшаш сифат; икхинчи мисрадаги ташбих,-нинг бошка унсурлари мавжуд булгани хрлда ухшаш сифати (тиниклик, софлик) берилмаган (бирок, мазмунан англашилиб туради).

"Сутдай ошток. бог-бустоннинг сийнаси!" (Рафур FупоМ) мисрасини олиб курайлик. Мисрадаги "сийна" — ухшатила-ётган предмет, "сут" — ухшаётган нарса ва "оппок," — ухшаш белги (сифат) ва, нихрят, "-дай"-ухшатиш кушимчаси. Шоир бок-бустоннинг сийнасини оппок, сутга ухшатиш нули би-лан поэтик образ яратган: укувчи к;албида тасвир объекта (бог-бустоннинг сийнаси)га кизикиш, хавас уйготаяпти, тас-вирда образлиликка ва таъсирчанликка эришаяпти.

Ташбихлар х,амиша тулик. булавермайди. Чунончи, ташбихда ухшаш белги тушиб к.олиши мумкин:

Бу кун бошкачадир пахтазор, дала,
Ойнадай булоклао. кумуш соч TOFJiatt.

Бу байтдаги "ойнадай булоклар" лексик бирикмаси — ухшатиш, аммо у тулик. эмас: булок, (ухшатилаётган нарса), ойна (ухшаётган нарса) дай (ухшатиш кушимчаси), тиник. — ухшаш сифат белгиси тушиб крлган. Шунга карамай ухшатма белги (тиниклик)нинг маъноси ухшаётган нарсадан англашилиб турибди. "Кумуш соч тогаар" бирикмаси эса сифатлаш: "тошар"— тасвир объекти, "кумуш" соч тог" — тогнинг сифат белгиси (бирикмали сифатлаш). Демак, шоир шу биргина байтда булоклар ва тогларни ухшатиш ва сифатлаш воситасида образли тасвир этмокда.

Баъзан ухшатищда сифат белгиси хам, ухшатиш кушимчаси хам тушиб крлиши мумкин. Мисол:

Кук — ювилган, артилган шиша,
Сувлар-тиник, япрок^ар-олтин.

*(Уйрун)*

Биринчи мисрада "кук" (осмон) "шиша"га ухшатиляпти, ухшаш сифат- "ювилган", "артилган", аммо ухшатищ кушимчаси йук.- Июсинчи мисрадаги "япрокдар олтин" лексик бирикмаси хам ухшатиш: бунда факат икки унсур бор — ухшатилаётган нарса (япрок) ва ухшаётган нарса (олтин); ухшаш сифат белгиси хам, ухшатиш кушимчаси хам йук.. Аммо, шунга карамай, шу лексик бирикманинг узиданок япрокнинг олтиндаи сап-сарик. ва нихрятда нафислиги англашилиб турибди. Бундай пайтда ухшаш сифат белгиси ва ухшатиш кушимчаси тасаввур килинади, холос. Бу — гоятда сикик., киска ухшатиш. "Сувлар тиник." лексик бирикмаси хам худди шундай: сувнинг тиниклиги, унинг тозалиги, мусаффолиги аломати ("тиник." аслида сифат, лекин бу уринда у отлашган. Шу сабабли у ухшаётган нарса вазифасини утаган)...

Агар ташбих. тулик (турт ЖУЕЛИ) булса — "ташбихи му-фассал". ташбихдан "важх.и ташбихи" туширилиб к.одци-рилган булса — "ташбихи мужмал". агар ташбихдан "важ-хи шабих." ва "воситаи ташбих." туширилиб колдирилган булса — (ташбихда фак.ат "мушаббих." ва "мушаббихун"-гина булса) — "ташбихи муяккад" деб юритилган.

Ташбихларнинг турлари куп. Улар юзага келишига кура: инкор, киноя, сатирик, чогиштирма; унсурларига кура: тулик, туликсиз, воситасиз, содда, мураккаб, таркибли, узилган, кетма-кет ухшатишларга булинади.

Мумтоз шеъриятимизда ташбихларнинг, асосан, куйидаги турлари куп кулланилган:

1. **Ташбихи мутлак** (очик; ухшатиш) — бир нарсани ик-
кинчи бир нарсага ташбих. воситасида турридан-турри ухша
тиш:

Чун лола курсам дог эрди кат-кат,
Хамдам тополмай айтурга хасрат.
Богларда сенсиз, эй *сарвкрмат,*
Кумридек этдим оху надомат.

*(Мукимий)*

*2.* **Ташбщ-и киноят** (киноя йули билан ухшатиш). "Бу ташбих.нинг мох.ияти шундая иборатки, шоир ухшатиш воситаларини ишлатмаган х.олда, ухшаган нарсаларнинг

номини аташ нули билан нимага ухшатилганлигига имо-ишора кдлади" дейди Радиддин Ватвот[1]. Бу — ёпик, ташбих.. Мисол:

Сен лабинг сурFОН сойи мен кон ютармен. эй хабиб,
Сен май ичгилким, манга ХУНИ жигар булмиш насиб.

*(Алишер Навоий)*

3. **Ташбщ-и машрут** (шартли ухшатиш) — бир нарса
ёки хрдисани бошкд бирига маълум шарт билан ухшатиш. Буташбихда: -са, -агар, -гар, -агарда кушимчалари иштирок этади:

Фалакнинг ойи юзунгга мушобих. улгай агар
OF3H Сухову Зухалдин юзинда хол утаи.

*(Алишер Навоий)*

**4. Ташбщ-и тасвийят** (баробар ухшатиш). Рашидиддин Ватвотнинг айтишича: ташбихнинг бу турида "шоир узидан бир белги ва тасвирланаётган нарсадан бир белгини олиб, уларни бошка бирор нарса билан к^ёслайди"[2].

Баски КУНГУЛ OF3H хаёлидадур,
рунчадек утмишдурур андом аро.
Тишинг шавк,ида галтонлик аро юз гушада к;олгай,
Агар инжу узин солса дури ашким каторинда.

*(Алишер Навоий)*

Биринчи байтда шоирнинг кунгли ва маъшуканинг OF3H гунчага ухшатилган булса, иккинчисида шоирнинг куз ёши ва маъшуканинг тишлари инжуга ташбих. этилган.

5. **Ташбщ-и акс** (тескари ухшатиш) — бир нарсани иккинчи бир нарсага ухшатиш жараёнида хрсил булган ташбих. билан кифояланмай, энди кейингисини аввалгисига киёслаши (сочни тунга, тунни сочга каби):

---

[12] Иштибох- *Ё. Ис^оцовнинг* "Ташбех" мак,оласидан олинди. тили ва адабиёти, 1970, 4-сон, 83—84-бетлар.

Сув КУЗГУСИНИ боғ аро айларди шитоб,
Сиймоб кшгур эрди та^аррук била тоб.
ДаЙ килди бу сиймобни андок. кузгу, Ким
КУЗГУ анинг кршида булгай сиймоб.

*(Алишер Навоий)*

**6. Ташбих-и музмор** (яширин ухшатиш). Рашидиддин Ватвот айтишича, "шоир бир нарсани иккинчи нарсага ташбих. килади. Аммо зохиран шундай иш тутадики, гуё унинг мак,сади ухшатиш эмас, балки бошка нарса. Хакикатда эса фикрнинг замирида уЬсшатиш ётади"[1]. Мисол:

Юзида терни куриб улсам, эй рафик,, мени, Гулоб
била ювгилу, гул баргидин кафан KJUTODI.

*(Алишер Навоий)*

Байтда маъшуканинг юзи гул япрогига, ундаги тер гулобга ташбщ к^шинган.

7. **Ташбщ-и тафзил** (чекиниш йули билан ухшатиш) — бир нарсани бошк.асига ухшата туриб, уз фикридан к;айтиб, ухшатилган нарсани (мушаббихни) ухшалгандан (мушаббихунбехдан) устун куяди. Мисол:

Оразингаи ой десам, эрмас муважжа^, негаким
Ойнинг офатлиг кузу рухсораи гулфоми йук..
Рунчани ОРЗИНГ десам, найлай, анинг гуфтори йук,,
Сарвни к;аддинг десам, нетай, анинг рафтори йук,.

*{Хусайний)*

8. **Ташбщ-и мусалсал** (кетма-кет ухшатиш). Шоир бирор нарсани бурттириб тасвирлаш максадида уни биринкетин бир неча нарсаларга киёс килади. Бу ташбихда машаббих. битта, мушаббихунбех, бир неча булади:

гулки очибдур май ул орази дилжуда,
Гулларму экин суда, гул аксиму кузгуда. Кузгуда
юзунг акси, гар яхши назар кдлсанг, Ёр уйла
биайних,ким, кун акси тушар суда.

*{Алишер **Навоий)***

[1] Узбек тили ва адабиёти, 1970, 1-сондан олинди.

9. **Ташбщ-и муъкад** (таъкид йули билан ухшатиш). Бувда ухшатиш воситалари (ёрдамчи сузлар: -дек, -дай... кушим-чалари) булмайди, балки ухшатилган ва ухшаган нарсаги-на булади. Мисол:

<u>Хати — бинафша. хади — лола. зулфи — райхондур.</u>
Бахрр хуснда <u>юзи</u> — ажаб <u>гулистонд</u>ир.

*(Бобур)*

Эндиликда, бадиий тилда ташбихдарнинг икки хили — анъанавий ухшатишлар ва янги-оригинал ухшатишлар ишлатилмокда. Анъанавий ухшатишлар (тишни дурга, лаб-ни лаълга, гунчага, юзни ойга, кузни юлдузга, зулфни зу-лукка, крматни сарвга, маъшукани гулга, ошикни булбул-га, айёрни тулкига, юввашни куйга, ёвузни бурига киёс-лаш) — кадимий ташбихдар булиб, булардан суз усталари урни-урни билан фойдаланмокдалар. Бирок, тилда инди-видуал — оригинал, янги ухшатишлар устувор мавкега эга. Масалан, шоир Рафур Рулом бир шеърида булик, гузалар-ни инжулар уйилган кумуш баркашга ухшатганки, бу ори-гинал ухшатиш шеър тили ва гоясининг жозибали чики-шига кумак берган.

**Ийх;ом** (араб. ^ЦЛ — шубх.ага солиш, чалБитиш) — му-раккаброк. маънавий санъатлардан бири. Тарихий поэти-кага оид манбаларда уни "таврия", "их.ом", "тахйил" хам деб юритишган. Ий\омга куйидагича таъриф берилган: Шамсидцин Мухаммад бинни Кдйси Розий: "Ихом — "шуб-хага солиш" — санъатининг мохияти шундан иборатки, бунда икки маъноли суз ишлатилади: биринчи маъноси якин, юзаки, иккинчиси эса узок,. Бу суз шундай ишлати-ладики, эшитувчи даставвал биринчи маънони к.абул кила-ди, *ва\оланш, сузловчининг асосий* ма^сади сузнинг узок., ички маъносидадир" ("Ал-муъжам")[1]. Вохид Табризий: "Икки ёки ундан ортик. маънога эга б^лган хар кандай суз ихом дейилади. Ихом шубхага туширишдир. Яъни бир маънони топгандан сунг яна бошка маъноси хам борми-кин, деган гумон киладилар" ("Джами мухтасар")[2]. Атоул-

---

'■[2] Икгибослар. *Ё. Исз(О)(овнинг* "И^ом" маколаси. Узбек тили ва адабиёти, 1970, 1-сон, 88—89-бетлар.

лох. Махмуд Хусайний: "Ул андин иборатким, каломда бир лафз келтирурким, андин икки маъно англашилур, бир маъносининг англами якин, иккинчисининг англами йи-
рок. булур ва мурод англами узок, маъно булиб, анинг яши- 1
рин маънодошира, хох, ушул каломда булсун, хох андин 1
ташкарида булсун, таянилур"[1].

Адабиётшунос Ё. Исхокрв "Ихрм" макрласида назарий карашларини Алишер Навоий ва Захириддин Мухаммад Бобур газалларида кулланилган ийх.омлар мисолида асослаб берган. Чунончи, Бобурнинг.

Лабинг барримни кон килди, кузумдин кон равон цилди,
Нега холим ямон килди — мен ондин бир сурсшим бор.

байтидаги "сурорим" сузи ийхом санъати эканлигини таъкидлайди. Негаки, бу уринда "сурорим" сузининг икки маъноси бор: а) багрим "кон" булди, "кузумдин кон равон" булдики, мен бунинг сабабини ондин (ёрдин) сурашим бор; б) унинг лаблари тотидин ахволим жуда калати булиб кетдики, мен у лаблардан яна бир бор "сурорим" бор. Шоирнинг муддаоси "сурорим" сузининг худди шу маъносида. Демак, шоир лирик кахрамоннинг чукур интим хис-туйгуларини ялангоч холда эмас, нозик туйгуни пардали (нафис ифода воситаси — ийхом санъати оркали нихоятда жозибали ва хаёли) килиб акс эттирган.

Адабиётшунос С.Рафиддинов ("Маъжоз ва хакикат") фикрича, шоир махорати ва истеъдодини белгилашда ийхом санъати катта роль уйнаган. Шу нуктаи назардан узбек мумтоз шеъриятининг йирик вакилларидан бири булган Атойи махоратини унинг бадиий санъатларига, шу жумладан ийхом санъатига алохида эътиборидан кидириши хам эътиборли. Тадкик.отчининг таъкидлашича, Атойи газалиётида уттиз етти марта ийхом санъати истифода кдлинган экан. Чунончи, куйидаги байтлардаги остига чизилган сузларнинг кулланилиши борасидаги шоирнинг санъаткор-' лигига эътибор килинг-а:

а) Не ширин урридур огзинг олиб кунглунгни туйгунча,
Ёшунди хар неча сурсам. топилмас инфи олиндин.

[1] *А. Хусайний.* Бадойиъиу-с-санойи, 123-бег.

б) Журъае лаълинг майидин одамилар жон топар,
Айб эмас сурмок магар ул оби хайвондин, бегим.
в) Тукти крнимни лабинг, мен сурмадим андин даме,
Чун сурулмас цозийи ишк; онлида крн кдосасин.
г) Атойи сиррини хд> не ёшурур элдин,
Кдзорта к;он ёши щз ерда ошкор к^лур.

Юкрридаги байтларда остига чизилган сузлар: "сурсам", "сурмок;", "сурмадим" ва "юз"ларнинг гшнхрний маънолари — шоирнинг асл муддаоси-ийдом!

Алишер Навоий бир газалида:

Зулм ила юз чок KJLIFOH таша гар маркам ёкиб, Буткорур биз десалар ул захмларни бутмангиз.

дейди: байтдаги "юз чок", "буткорурбиз", "бутмангиз" сузларининг ботиний маъноларига урҒу беради — ищом санъати ор^али уз замонасидаги ижтимоий адолатсизликка, субутсизлика ишора килади.

**Иштик.ок,** (араб. JLiuiol — суздан суз чик,ариш) — бир узакдан ^осил булган маънодош сузларни муайян гоявий-бадиий мак,садда ишлатиш санъати. Иштщок, санъати мумтоз шеъриятимизда дам, дозирги замон шеъриятида дам ишлатилган. Иштик;ок, куллаш шартлари куйидагича: иштик;окз1и вужудга келтирувчи сузлар, биринчидан, бир узакдан ясалган булиши, иккинчидан, бир муайян доира(газал, к^сида, маснавий...)да юз бериши лозим. "Иштик,ок; оддий суз уйини эмас, — деб таъкидлайди адабиётшунос Ё. Исдок;ов, — балки у бу сузнинг шаклий узгариши маз-мун так.озоси билан юзага келади, янги шаклнинг досил булиши дастлабки маъно билан бОЕЛИК. булган янги тушун-чани дам пайдо килади"[1]. Мисоллар:

Эл янги ой курди-ю. мен курмадим к,оши хамин,
Элга байрам булди, аммо бизга байрам булмади.

*(Алишер Навоий)*

Байтдаги "эл"-"элга" — иштик.ок,; "байрам"-"байрам" — такрир; "курди-ю"-"курмадим" — иштикрк..

---

[1] *Ё. Ис^оцов.* Иштицок,- Узбек тили ва адабиёти, 1972, 4-сон, 73-бет.

Очмагай этаинг жамолинг олам аро кошки,
Солмагай эрдинг бори оламда FaBFo кошки.

*(Алишер Навоий)*

Байтдаги "олам"-"оламда" — иштикрк/, "эрдинг"-"эрдинг" — такрир.

Кук бинафша орани анжум чу наргис зор этар, *:А*
Наргисинг бирла бинафшанг хажри кунглум зор этар.

*{Алишер Навоий)*

Байтдаги "бинафша"- "бинафшанг", "наргис"- "наргисинг" — иштикрк.; "зор этар"- "зор этар" — бадиий такрир.

Ёр юзимни куруб дарду гамим билса керак, Юз
куруб дарду FaMHM чорасини килса керак.

*(Бобур)*

Байтдаги "Юз"- "юзимни" сузлари — иштикрк,; "куруб дарду гамим"- "куруб дарду гамим" — бадиий такрир; "билса"- "килса" — крфия.

Жонимдек узга жони дилафкор курмадим,
КУНГЛУМ киби КУНГУЛНИ гирифтор
топмадим.

*(Бобур)*

Байтдаги "жони"- "жонимдек", "кунглум"- "кунглумни" — ИШТИК.ОК..

Мен булгай жондин фидо
Булгунча жонондин жудо,
Не керак жон. эзса жоним
Бир умр армон юки.

*(Эркин Вощдов)*

Байтдаги "жондин"- "жонондин", "жон"- "жоним" сузлари — иштикрк..

Бор экан инсон к^лида
Орзу ёккан чирок. к
Бу чирокни. уйла, бир кун
Офтоб айлар хаёл.

*(Эркин Болидов)*

Байтдаги "чирок,"- "чирокни" — иштикрк, санъати.

Поэтикага дойр асарларда кайд этилишича, бир узакдан хрсил булмаган, лекин шаклан иштикркга ухшаш булган сузлар хам учраб турадики, буни "шибхи иштикрк." (иштикркда ухшаш) деб юритилади. Масалан:

Му^аббатни ТуҒар минг турли асрор.
Кунгил асрорини жон бирла асрор.

*(Хоразмий)*[1].

Байтнинг "арузи"да келган "асрор" сузи билан "зарби"да келган "асрор" — "шибх.и иштикрк.". Негаки, бу уринда "асрор"- "асрор" сузлари узакдош хам маънодош хам эмас. Аммо биринчи мисранинг "арузи"да келган "асрор" сузи билан иккинчи мисранинг "хашви"да келган "асрорини" сузи — иштикрк..

**Лутф** (араб. е-і-W — яхшилик, мархамат) — шеър мисраларида муайян бир сузни ёхуд суз бирикмасини икки ёки ундан ортик. маъноларда куллаш усули. Лутфда суз уйини булади — укувчи мутолаа килиш жараёнида уни осонлик билан сезиб олади. Юзаки к.араганда, лутф ийх.омга ухшаб кетади, аммо улар бир нарса эмас. Масалан, лутф булиб келган суз ёхуд суз бирикмасининг барча маънолари "мана мен" деб аник, сезилиб туради, ийхрм булиб келган сузнинг яширин маъносини узок, уйлаб топишга тугри келади. Лутф аслида халк. огзаки ижоди, хусусан, аския жанрида кенг кулланилади. Аммо мумтоз шеъриятимизда мах.орат билан ишлатилган лутфлар куп.

Лутфий девонидан бир лутф:

Кун тушда кургали сени тушти заволга, Ой
тонгта колди кеча бокиб ул жамолга.

Бу байтдаги "тушда" ва "тонгга" — суз уйини — лутф булиб келаётир. "Тушда" сузининг биринчи маъноси — "туш пайти", иккинчи маъноси "тушида". "Тонгга" сузи нинг биринчи маъноси — "тонг" (тонг отгунча), иккинчи маъноси — "тонг крлди" (хайратда к.олди). /'

---

[1] К,аранг: Узбек тили ва адабиёти, 1972, 4-сон, 73-бет. .„.

**Тазод** (араб. *лИс* — каршилантириш) — бир-бирига зид тушунчаларни ифода этувчи сузларни маълум бир эстетик максадда бир-бирига бокиаб ишлатиш усули. Аллома ва шоир Шайх Адмад ибн Худойдод Тарозий "тазод"ни "Ал-мутазод" деб номлаган.

"Утлук кузунгда сув ажаб эрмасму, даким:
Хьч ерда булмас, албатта, бодоми гарму тар.

Бу санъат ул будурким, икки нарса келтурурларким, бири-бирининг зидди булгай: сув ва *fr*. Мисоли дигар. Мавлоно Лутфий айтур:

Ракиб келгай дедим, ёр келди ё Ямон
соринмагунча яхши келмай"[1].

Атоуллод Махмуд ХУ[са]йнийнинг уктиришича, тазодни "мутобака", "тибок.", "татбик. ва "такофу" деб дам юритишган. Шамс Кдйс Розий эса "тазод"ни "мутобика" деб номлаган. "...каломда маънолари орасинда такрбулу танофий (бир-бирини инкор кдниш) булгон икки лафзни жамъ килмоктин ибораттур... Дептурларким, так.обул андок. икки нима орасинда булурким, бирининг борлига ва тасаввури иккинчисисиз мумкин булур. Агар алар орасидаги карама-каршилик, к.ора билан ок. сингари гоят даражада булса, ул такрбули тазоддир, агар к.аршилик, кора билан кизил орасиндагидек гоят даражада булмаса, ул так,обули таонуддур..."[2].

Аллома к.арама-к.аршилик даражасига к.араб тазоднинг бир неча турларга бупинишини айтган. Хуллас, тазодда бир-бирига зид нарса ва тушунчалар тукнаштирилади, айни чокда, уларнинг замини — асоси бир-бирига зид тушунчаларни узида мужассамлаштирган объект бирлиги ва шу объектни таъсирли к.илиб очиш ва унга нисбатан укувчи калбида фаол муносабат уйготишдан иборат. Тазод юзакирок. Караганда антитеза усулига дам ухшайди — уларнинг дар иккаласида дам бир-бирига зид тушунчалар юзлаштирилади, айни чокда, уларнинг бир-биридан фаркли жи-

---

[1] *Шайх Ах^лад Тарозий.* Фунунну-л-балога, 112-бет.
[2] *А. Хусайши.* Бадойиъу-с-санойиъ, 225-бет.

хатлари хам бор. Антитезада тук^ашувчи бир-бирига зид нарсалар икки мустакил манбадан келиб чикса, тазоддаги тукнашувчи бир-бирига зид нарсаларнинг келиб чикиш манбаи ягона: бир нарса хам яхшиликнинг, хам ёмонликнинг келиб чикишини уз ичига камраб олади. Чунончи, маъшука мужгонларидан ук. отиб ошикни халок килса, лаъл лаблари билан унга хаёт бахш этади, дейлик. Демак, ёмонлик (улдириш) ва яхшилик (хаёт бахш этиш) бир-бирига зид тушунчалар — шулар тукдашади, аммо, айни пайтда, хар иккала хислатнинг хдм манбаи бир — маъшука. Тазод — мана шу! Яна бир ran. Тазоднинг параллелизм ва оксиморон билан муштарак жихатлари хам йук. эмас: параллелизмда бир-бирига тенг ва мое нарса киёсланса, оксиморонда икки бир-бирини инкор кдладиган икки нарса ёнма-ён куйилиб образ яратилади, тазодда эса бир манбадан келиб чикдан (бир-бирига зид нарсалар) тушунчалар киёсланади. Демокчимизки, параллелизм хам, оксиморон хам, антитеза хам, тазод дам бир-биридан ажралиб турадиган алохида-алохида санъатлардир.

Тазод шеъриятда х.ам, наерда хам, драматургияда х.ам кулланилаверади. Бу санъат фа^ат утмиш адабиётидагина эмас, хрзирги адабиётимиздах.ам кенг ишлатилмокда. Баъзи мисоллар келтирайлик:

Охким ушшокларини рашк угHFa куйдириб,
Базм этиш Faitp ила то вакти азон токайгача.

*(Муцимий)*

Бу байтнинг магзини чакдб курайлик: аввало, "ушшок.-ларини рашк утига куйдириш" ва гайр (бегона) ила "базм этиш" — бир-бирига зид хрлат, аммо айни, дамда, бу иккала хислат хам ёр (маъшука)дан келиб чикдан. Бу уринда шоир маъшук.анинг бевафолиги, ситамкорлиги, дилозорлигига бизнинг эътиборимизни тортаяпти — шу вазиятга нисбатан киши калбида эмоция кузгаяпти.

Гах,е топтим фалакдин нотавонлиг.
Гах;е курдим замондин комронлиг. Басе нсснf-совvк курдум замонда, Басе аччиг-чучук тоттим жадовда.

s, *(Алишер Навоий)*

Бу шеърдаги "комронлот"- "нотавонлиг", "иссик,-совук,", "аччик,-чучук" сузлари бир-бирига зид тушунчаларни ифодалайди ва, айни чокда, уларнинг манбаи бир — замона. Алишер Навоий бу уринда тазод санъати ёрдамида ута зиддиятли, бенщоя мураккаб, машакдатли х.аёт манзарасини чизган.

Тадриж (араб, J>j^ -аста-секин, пешма-пеш) — вокеа, маъно ёхуд вазиятнинг аста-секинлик билан даражама-даража ривожланиш жараёнида курсатиш санъати. Тадриж, асосан, вок.еабанд шеърларда кулланилади. Тадриж, одатда, поэтик маъно ёхуд образни ухшатишлар воситаси билан пешма-пеш усиш жараёнида курсатишга хизмат килади. Масалан, Алишер Навоийнинг "Ёрсиз" матлаъли газалида худди шу хрлатни кузатиш мумкин:

Навбахрр айёми булмиш, мен диёру ёрсиз,
Булбул улгондек хазон фасли гулу гулзорсиз.
Гак сарв узра, гахи гул узра булбул нагмасоз,
Вахки, мен, мен гунгу лол ул сарви рухсорсиз.
Тонг эмастур гар диёру ёрсиз озурдамен,
Ким эмас булбул гулу гулзорсиз озорсиз.
к Равза ашжори утундур, гуллари жонимга ут,
' Мумкин улса анда булмоглиг даме дилдорсиз...

Разалнинг барча мисраларида лирик к.ахрамон — ошик,-нинг маъшук.асидан айрилиб калган пайтидаги рухий дола-ти, кечинмалари, дижрон изтироблари даражама-даража оширилиб, чукуррок, очила борган: биринчи байтда — нав-бадор фасли булса-да лирик кахрамон диёру ерсизлик из-тиробини чекиши, к.ахрамоннинг х.олати булбулнинг гулзорсиз булиб к.олган пайтдаги хрлатига киёсланади, булбул гулсиз яшай олмаслиги табиий — хазон фасли булбул учун улимдек гап; иккинчи байтда гох. сарв узра, гох. гул узра учиб юрган нашасоз булбулнинг бек.арорлиги лирик к.ахрамоннинг "1ул рухсорсиз" — ёрсиз "гунгу лол" булиб крлган долати такдосланади — кахрамоннинг х.ижрон изтироблари яна бир карра чукуррок. очилади. Худди шу тах-литда газал охиригача лирик кахрамоннинг ерсизлик, ди-ёрсизлик изтиробларини чекаётгани, унинг дард-хасрат-лари байтма-байт, мисрама-мисра, пешма-пеш очила боради. Лирик кахрамон маънавий дунёсини, рух.иятини

бадиий ифодалашда ранг-баранг киёслар, ухшатишлар шоирга кул келади.

Бу уринда Алишер Навоийнинг яна бир Базалини укиб курайлик-а, кани унда дам тадриж санъати кулланилганмикан:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулру келмади,
Кузларимга кеча тонг откунча ущу келмади.
Лахза-лахза чикд-иму чектим йулида интизор,
Келди жон oF3HMFaro ул шухи бадху
келмади... Ул париваш хджридинким йикладим
девонавор, Кимса бормуким, анга курганда кулгу
келмади.

---

Толиб содик, топилмас, йуксаким куйди к,адам,
Йулгаким, аввал кадам маъшука утру келмади. Эй
Навоий, бода бирла хуррам эт кунглунг уйин, Не
учунким бода келган уйга кдйгу келмади.

Агар газални синчиклаб ущб, лирик к,а?фамоннинг рудий х;олатини кузатган булсангиз тадриж санъатининг ёркин намунасини сезасиз. Негаки, шеърда оши^щинг маъшук;анинг субутсизлигидан чекаётган изтироблари noFO-нама-погона (байтдан-байтга утган сари) ривожланиб борган — ёрнинг ваъдасига вафосизлигидан пайдо булган норозилик даражама-даража усиб фиконга айланган ва, х,атто, замонанинг нобоплигидан норозилик даражасига кутарилган. Бизнингча, бу шеърда шоир тадриж санъатини мадорат билан куллаган.

**Ирсолу-л-масал** (араб. J^-i! Jbjl — мак.ол куллаш) — шеърда макрл, матал, дикматли сузларни муайян мак.садда тамсил йули билан ишлатиш. Ирсол-л-масал назмда дам, насрда хдм кулланилаверади.

Поэтикага оид асарлар таъкидланганидек, адабий асарларда макрл, матал ва хдкматли сузлар, асосан, куйидаги уч йул билан ишлатилган: а) кулланилган мак;ол, матал ва хикматли сузлар шоирнинг аник.ишораси билан ("дерлар", "айтурлар", "масалдур", "масаддурким"...) берилади:

Боболарда бир ran бор,
Эшит огажон: "Босган
изидан к.айтмас Улса хам
арслон"

,•:.: *(Хамза)*

б) макрл, матал ёхуд ^икматли суз ^еч кдндай яшорасиз ва узгаришсиз ишлатилади:

Сабр килсанг гурадин ^алво битар,
Бесабрлар уз оёгидан йитар.

*(Гулканий)*

в) макрл, матал ёхуд х;икматли сузнинг маъноси сак,ланган ^олда шакли турли узгаришларга учраиди:

Умрини ошик хамиша
Утказур орзу билан:
Ойнинг ун беши кр Ун
беши ёгду билан

*(Эркин Болидов)*

**Калом-и жомиъ** (араб. ^U- *f*^ — ^икматли) — утит, зщкмат ва шикоят билан зеб берилган шеър. Мисоллар: а) шикоят рувдда ёзилган шеър:

Юз мезснату FaM кунглума еткурди
фирок;, Жонимга балою дард j^igm урди
фирок,. Жисмимни фано *утта* куйдурди
фирок;, Чун куйди, кулини кукка совурди
фирок,.

*(Алишер Навоий)*

б) эдакмат-ла йутрилган шеър:

Рурбатда Fapn6 шодмон булмас эмиш, Эл
анга шафику мифибон б)?лмас эмиш.
Олтин цафас ичра rap кизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён булмас эмиш.

*(Алишер Навоий)*

в) утит билан зийнатланган шеър:

Эй кунгил, кимсаким сени севмас,
К,оч, онинг THrpacHFa айланма. Ки
насш;ат килурди утганлар, Дедилар:
"севмаганга суйканма".

*(Ога%ий)*

Тарозий, килма дунёдин шикоят,
Канаф бирла урушмок сирфа кшшас.

*(Тарозий)*

**Ружуь** (араб. J__p-j — кайтиш) — поэтик нуткда куп ' кулланиладиган бадиий санъатлардан бири. Бу санъат мумтоз адабиётимизда баъзан "истидрок" х,ам деб юритилган. Ружуь санъатининг модияти шувдан иборатки, шоир уз фикр ва кечинмаларини баён этиш максадида турли образ ёки иборалардан фойдаланар экан, тасвир жараёнида узининг олдинги фикридан воз кечиб, унинг урнига янги фикр (образ, ибора...) келтиради. Гуё уз максадини тулик. ифодалаш учун ожизлик килган ибора ва образлар урнига янги мукаммалрокларини куйиб, фикр ва кечинмаларни янада кучлирок. шаклда баён килади"[1]. Масалан:

Азм айла, сабо, ул гули хандонимга,
Не гулки, куёшдек мо^и тобонимга.

*(Бобур)*

Ружуь санъати уз тузилишига кура ранг-баранг куринишларга эга булади. Чунончи:

1. Бир мисрада шаклланадиган ружуъ:

Йиглаб турдим, йиглаб турдим эмас, унда тирик ^лдим.

*(Элбек)*

Шоир кахрамон ру^иятини дастлаб "йиглаб турдим" ибораси билан тавсифлайди, сунг бу тавсифдан муаллифнинг узи крникмайди — уни инкор к.илади ва "йиглаб турдим эмас", унда "тирик улдим" деган хулосага келади — "тирик улдим" — ружуъ. Негаки, "тирик уддим" суз бирикмаси "йиглаб турдим" суз бирикмаси ташиган маъного нисбатан х,ам кучли, дам таъсирчан — янги образ. Демак, "тирик улдим" образи кахрамон рухдй ^олатини ёркдн ва таъсирчан ифодалай олган.

---

[1] *Ё. Ис^оцов.* Ружуъ. Узбек тили ва адабиёти, 1971, **1-сон,** 71-бет.

Ружуъ бир мисра ичида шаклланган — мисранинг биринчи ярми ("йиглаб турдим"), иккинчи ярми ("тирик улдим") — ружуъ.

2. Байт доирасида шаклланувчи ружуъ:

Мени ишкдин манъ этар сода шайх,
Дема сода шайх, айтким лода шайх.

*(Алишер Навоий)*

Шоир биринчи мисрада лирик кахрамонни "ишкдин манъ" этмокчи булган шайхни сал юмшокрок, килиб "сода шайх" деб тавсифлавдию, сал утмай шайхнинг риёкорлигини ("ишкдин манъ этиш"га бехуда уриниши) "сода шайх" образини тула ифодалай олмаслигини англаб, шу тавсифни рад этади ва шайхнинг килмишига муносиброк. тавсиф — "лода шайх" образини топиб куллайди — бу тавсиф муаллиф муддаосини туликрок. ва таъсирчанрок. ифода этади — "лода шайх" — ружуъ.

Сенинг ишкингда, эй номехрибон, бехонумон булдум,
Демон бехонумон, овораи икки жахрн булдум.

*(Бобур)*

3. Ружуъ санъатининг кандай воке булиши, купинча поэтик жанрлар табиатига боглик.: газалда ружуъ мисралараро алок.а ила изохланади (биринчи мисрада тасвир объектининг илк ифодаси берилса, иккинчи мисрада тасвир объектининг мукаммалрок.тавсифи — ружуъ ифодаланади):

Ул пари пайкарки х.айрон булмиш инсу жон анго,
Кимки х.айрони эмас, мен телбамен хайрон анго

*{Алишер Навоий)*

Рубоийда ружуъ бошк.а усулда юз беради: биринчи мисрага нисбатан иккинчи мисра, иккинчи мисрага нисбатан учинчи мисра ва учинчи мисрага нисбатан туртинчи мисра ружуъ вазифасини утайди:

Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши, Шод
этмас эмиш кунгилни мех.натда киши,
Кунглум бу щзбатликда шод улмади, ох.,
Бурбатда севинмас эмиш албатта киши.

*{Бобур)*

Ружуъ санъати бир-икки байтдагина эмас, бир **неча** байтда шаклланиши хам мумкин:

Фирокинг ТИРИДИН юз пора жоним, Не
жоним, балки жисми нотавоним. Куюб
хажр утидин жону кунгул хам, Не
куймакким, булиб юз катла кул **хам.**
Ичимга шуълаи ишкднг тутошиб,
Тутошиб демаким, бошимдин ошиб.

*(Алишер Навоий)*

Ружуъ санъати бир неча поэтик санъатлар (ташбих., муболага каби) билан боклик. хрлда амалга оширилади.

Ружуъ санъати насрда хам, драматургияда хам кенг кулланилаверади.

**Тажохулу-л-ъориф** (араб. <_>jUJ! J-»Uj — билиб-билмас-ликка олиш) — купинча мумтоз шеъриятимизда, к.исман хрзирги назмда х,ам кулланилган бадиий санъат. Атоуллох, Хусайнийнинг таъкидлашича, "тажохулу-л-ъориф андинибораттурким, сузлагувчи бир нимани билур, бир нук,та била узни билмагандек курсатур"[1].

Алломанинг айтишича, тажодул хдйрат, мадх,, таъна, х,азил, таажжуб каби маъноларни ифодалаши мумкин. Тажохудда шоир ухшатишлар воситасида тасвир объектини бурттириб курсатадию, узини билиб билмасликка олади — бу хддисадан ажабланишини, хайратини билдиради. Мисол:

Кузунг к;ораси фитна, вале ок;и балодур, Жон
оладур, ва^ не бало кузи к.орадур? Куз
устида жон олгувчи холи-ю к>оши, Бир-бирга
бари фитна кртиган не балодур?

*(Лутфий)*

Шоир газалидан олинган байтларда таъкидланишича, куз (к.ораси ва оки), хол, кош ва уларнинг мутаносиблиги кдзга шу к.адар гузаллик-жозиба ато этган (куз крраси — фитна, оки, — бало; холи-ю крши — жон олгувчи, х.ар

---

[1] *А. Хусайни.* Бадойиъу-с-санойиъ, 132-бет.

бири — фитна, бало) ки, бу нафосатдан шоир к.аттик, хайратланади, таажжубга тушади, бу жозибани илгари билган булса-да узини билмасликка солади. Шу тарика, тасвир объекти — кизнинг нихрятда гузал ва жозибали киёфаси куз унгимизда жонли гавдаланади. Тажохулу-л-ъориф санъатининг шарофати мана шу!

Алишер Навоий "Хамса"да сузни таъриф-тавсиф килар экан, шундай дейди:

Оллах., оллах, не суздурур бу суз,
Мундин ортик. яна булурму суз.

Шоир с^знинг муъжизакорлигини яхши билади, шунга К^рамай, суз кудрати олдида таажжубга тушади. Бу — билиб-билмасликка олиш санъати!

Куйидаги байтларнинг магзини чакиб куринг:

Сочинг ранги анбармудур, мушки чинму?!
Лабинг таъми шакармудур, ангабинму?!

; *(Алишер Навоий)*

Малаксан ё башар, ё хури гилмонсан билиб булмас,
Бу лутфу, бу назокат бирла сендин айрилиб булмас.

.; *(Машраб)*

Гулмусан, райхонмусан ё дурмусан, дурдонасан?
Лаълму, ёкугмусан, маржонмусан?

*(Машраб)*

**Тансик; ас-сифат** (араб. *сЛк^Л ¡jr~^* — сифатлар тизмаси) — узбек шеъриятида, насрида, халк. огзаки ижодида кенг кулланилган бадиий санъатлардан бири. "Тансик. — лугатта сузнинг улашиб кетмагидур, — деб таъкидлайди А.Хусай-ний. Бу санъатни ул жих.аттин тансоку-а-сифот атаптурлар-ким, сузлагувчи каломда бир неча сифатни бирбирига улаб кетар"[1]. Адабиётшунос Ё. Исх.ок.ов ёзади: "Шоир ёки адиб бир байтда ёки жумлада, шунингдек, кетма-кет бир неча байт ёхуд жумлада тасвир объекти булган битта предмет ёки шахсга

[1] *А. Хусайний.* Бадойиъу-с-санойиъ, 240-бет.

хос булган бир неча хусусиятни, унга нисба?га номли аса„ фатларни пайдар-пай санаб курсатади. санъатл р

Тасвир килинаётган шахе ёки предметнинг а хатларини чукуррок. очишга к.аратилган бундай тасв, жалб этилган сифат, хусусиятлар хамжинс булиб, та. объектининг муайян томонини кенгрок. изохлаш, ук бурттириб курсатишга хизмат килади"[1]. Мисоллар:

Хилъатин то айламиш жонон кизил. сорт, яшил.
Шуълаи охим чикдр хар ён кизил. сорHF. яшил...

Эй Навоий, олтину, шингарфу зангор истама,
Булди назминг рангидин девон кизил. сорHF. яшил.

*(Алишер Навоий)*

Жамолинг ухшар осмонда ойга.
^зингни менгзайман бу
зингн менгзайман бу крчиройга.
К^ошингни ухшатдим эгилган ёйга.
Узингни менгзайман минг куйли бойга.
Бойвачча сифатлим кимнинг урлисан?

*("Алпомиш ")*

Хати бинафша. хади лола. зулфи райхондур.
Бах.ори хуенда юзи ажиб гулистондур. Энги
менги ою. доги юзи сузи гули мул. Кдци
равону тани жону эрни маржони...

*(Бобур)*

Хусни таълил (араб. JJ*J" ^~~*■ — чиройли асослаш) мураккаб маънавий санъатлардан бири. Адабиётшунос Ё. Исх.ок.овнинг ёзишича, "...шоир узининг бирорта фикри ёхуд максадини асослаш учун муносиб далил келтиради. Бу далил шоир баён к,илган фикр учун реал буломайди, балки уни кувватлаш учун келтирилган поэтик далил хдеобланади ва шу сабаб шоирнинг муддаоси билан туБридан тугри эмас, балки ташбих.ий ёки истиоравий йусинда богланиб, унинг фикрини кувватлайди"[2].

---

[1] *Ис^оцов Ё.* Тансик, ус-сифот. Узбек тили ва адабиёти, 1973, 1-сон, 80-бет.
[2] *Ё. Исх,<щов.* Хусни таълил. Узбек тили ва адабиёти, 1971, 1-сон, 72-бет.

Хусни таълилнинг турт тури мавжуд:

1. " Авваят тури улдурким, ул сифат ул нимада хакикатта булур, аммо анинг курунуб турган сабаби булмас, ушанга бир сабаб кургузурлар..."[1] Мисол:

Сенга бахтдан тахт тиларман,
Толедан бошингга тож, Мулки
хуснингга омонлик, Тожу
тахтингга ривож. Тожу тахт
ташбихидан сен, Кухна деб
кулсанг нетай Сен ахир шохи
жахрним, Мен кулингман не
илож,

■ *(Эркин Болидов)*

*2.* "Иккинчи тури улдурким, вокиий сифатнинг зикр этилган кургузма сабабидин узга курунуб турган сабаби булур..."[2]

Кимки бир кунгли бузугнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон булса, обод айлагай.

*(Алишер Навоий)*

3. "Учинчи тури улдурким, ул нимани сифати дакикатта бор булмас, аммо одатан булмога мумкин булур..."[3]

Оразингни 6OF аро чун курди, х.арон булди гул,
Баргсиз крлди нединким, бас паришон булди гул.

*(Алишер Навоий)*

4. "Туртинчи тури улдурким, ул нима сифати х.акикаттахам бор булмас, одатан булмоги мумкин х,ам булмас..."[4]

Оразин ёпкдч кузумдин сочилур х.ар лахза ёш,
Уйлаким пайдо булур юлдуз, нихрн булгоч куёш.

*(Алишер Навоий)*

\

1.2.з,4. ^ *Хусайний.* Бадойиъу-санойиъ, 138-б«т.

Шайх Ахмад Тарозозий "Фунуну-л-балога" номли асарида "хусну-л матлаъ", "хусну-л мактаъ" санъатларини куйидагича ихчам-ихчам тавсиф этган:

**"Ал-^усн ул-матлаъ":**

Эй сабо, ул ой юзидин олса бир соат никрб, Тоб
олиб туфонидин булгай пушаймон офтоб.

Бу анингтек булурким, саъй килурларким, шеърнинг матлаи хуб тарик, битилса. Ал-хусн-ул-тахаллус:

Савдойидур магар сари зулфунгки, зулм этар,
Бандсен доду адл бирла, хисрави жах.он.
Маъмурдур бошдин аёк, ер юзи тамом, Султони
бору бахр Улугбек Курагон.

**Ал-хусн-ул-ма^таъ:**

Оламда ногох, ёзу кузу к,ишу ёйнинг Даврони
эътидол уза булса жовидон. Етсун камола
умрунг, эй шох,, етмасун — Умрунг бахрри
доманиБа даст х.ар хазон"[1].

**Илтифот** (араб. oliiaLl — бурилиш) — фикрда бурили-ши ясаш санъати. Проф. А. Фитрат илтифот х,а!дида шун-дай деб ёзади: "Бир нарсага ундаб ё уни тасвир к^либ, уз туЙБуларини ёзиб тургон шоир бирдан сузнинг бошини бошк,а томонга буриб куйса, мунга бурилиш (илтифот) дейилади"[3]. Масалан Алишер Навоий "Лайли ва Мажнун" достонвда К,айснинг лайли ишк,ига мубтало булиб, мажнунлик кучасига кадам куйгани х,ак,ида х,икоя щыа туриб, сузни замонанинг нобоплиги — фалакнинг зулмига буриб, шундай фаёд к^шади:

Эй *золи замона доду* фарёд!
Атфолинга неча зулму бедод! Бу
хайлниким, х.алок этарсен, Уз
барринг эрурки чок этарсен.

---

[1] *Шайх Ацмад Тарозий.* Фунуну-л-балога, 133-бет.

[2] *А. Фитрат.* Адабиёт цоидалари. С. Т., Уздавнашр, 1926, 84-бет.

Ёхуд шоир достоннинг охиррогада Лайли ва Кдйсни туфрокда куйилганидан сунгги мотамсаролик хакдда фикр юрита туриб, фалакка хитоб кдоади:

Эй навхагар, айла навха бунёд,
Ким умр биноси келди барбод!

: Бу тасвир усули — илтифот!

Илтифот санъати хрзирги шоирларимиз шеъриятида хам тез-тез учраб туради. Масалан, шоир Абдулла Орипов "Муножот"ни тинглаб" шеърида "Муножот" куйи — оханг-ги хакида фикр юрита туриб, фикр бошини шартта бура-ди-да дастлаб созандага ва сунг табиатга мурожаат килиб, уз хис-туй1уларини, кдлб изтиробларини, фарёдини ифо-далайди, тугрироги, х,айк.иради:

Бас, етар, чолгувчи, бас к,ил созингни,
Бас, етар, куксимга урмагил ханжар...
Агар алдамаса шу совук симлар, Гар шул
эшитганим булмаса руе. Сен бешик
эмассан, жаллодсан, дунё!

Демак, илтифот лирик кахрамоннинг рухий кечинма-ларини ёркин ифодаловчи тасвир усули экан!

Шоир ва аллома Шайх Адмад ибн Худойдод Тарозий "Фунуну-л балога" асарида илтифот санъатининг мох.ияти ва турлари х,акида тухталиб, шундай деб ёзган:

"Тушти ишим бир янгрок,и ол била,
БоБлади кунглумни зулфи ол била. Кубла
бериб жон олурга. эй санам. Булмасанг
рози. КУНГУЛНИ ОЛ била.

Бу санъат икки кием булур. Бириси улким, мухотаба-дин мугойибга бормок. ё гайбдин хитобк.а келмок....

Ва иккинчи к.исм ул булурким, сузни тамом к.илгондин сунгра масал тарики ё дуо ё бир латифа бирла илтифот килурлар. Мисол буким:

Сабр айладим нёчаки куйди фирокингиз, и
Эй сабр, ме^нат уіНҒа яхши пано^сен.

Хар дам кшгур ул FaM3a Тарозий юракин кон. Эй рамза. магар багрима ништар битилибсен"[1].

**Саволу жавоб** (кайтармо^ — шеърни ёхуд йирик асарнинг муайян парчасини саволу-жавоб усулида ёзиш санъати. Шайх Ащад ибн Худойдод Тарозий "Фунуну-л балога" асарида бу санъатни "Ас-савол-ул-жавоб" деб атаган ва шундай деб ёзган:

Дедиким: — "Хусн элидин не учун вафо келмас?" Аюрки: — "Хусну вафо бирла муттафщ булмас".

Бу анингтек булурким, бир мисраъни савол тарики бирла айтурлар, бир мисрани жавоб тарикаси бирла келтирурлар"[1]. Атоуллох; Махмуд Хусайний айтишича, бу саъатнинг икки навъи бор: Биринчи навъи уддурким, саволу жавоб бир кишининг каломинда булур, масалан, бир шеърда бир мисра савол, иккинчиси жавоб булур:

Деди: кдйдин сен, эй мажнуни гумрох?
Деди: мажнун ватандин кдйда ого^.

-
Деди: недур санга оламда пеша? Деди:
ишк, ичра мажнунлук, хамиша.

*(Алишер Навоий)*

Англашиларлики, Хусрав савол беради, Фарх;од жавоб кайтаради — савол-жавобларнинг узиёк, (х,еч кандай шарх,-сиз дам) уларнинг кдёфасини, маънавиятини, бир-бирига терс кишилар эканлигини курсатиб турибди.

—Дада, — дейди. — Гитлер качон улади?
—Мен дейманки: — Энг катта байрам
—Байрам узи к;ачон? — дейди, сурайди.
—Байрам фашизмнинг улган куни-да!

*(Вафур Рулом)*

Сезилиб турибдики, биринчи мисол — Алишер Навоий нуткида Хусрав билан Фар^од бадслари, иккинчи ми-

---

[1] *Шайх А$мад Тарозий.* Фунуну-л балога, 105—106-беглар.
[2] Шу асар, 136-бет.

сол — шоир Иафур Рулом нуткида шоир билан невара савол-жавоблари берилган. Бошкача кдлиб айтганда бир киши нущида икки кишининг савол-жавоблари: бир мисраи савол ва бошка мисраи — жавоб. Бир киши нутки оркали бериладиган савол — бир байт, жавоб — иккинчи байт булиб келиши хам мумкин. Мисол:

— Нега к,аддинг эгик, нега бошинг хам, Нега нигохингни тортади тупрок? • .... _ Менинг ер устида танишларим кам, Менинг ер остида дустларим купрок..

*(А. Орипов)*

Савол-жавоб санъатининг иккинчи навъи улдурким, саволу жавоб икки кишининг каломинда вокиъ булур. *Мисол:*

Мирзо:

—Агар Фархрднинг Ширин, булса Мажнунларнинг Лайлоси,
Насиб улмиш менга гулшан аро гулларнинг Раъноси.

Раъно:

—Агар ор этса Лайли хакдидир Кдйснинг жунунидан,
Не бахт, Раъно, харидоринг талаб ахдининг мирзоси.

*(Абдулла Ходирий)*

Ажам шуароси орасида саволу жавоб санъатининг биринчи навъи кенг таркалган. Масалан, Мукимийнинг "Сарви крмат к.айдадур?", "Дилбаро, келсанг нетар?", "Шабнаммидур?", "Майлигаму?", "Инсон булдиму?", Бир менму?" каби шеърларида шу усул кулланилган. Аммо саволу жавоб санъатини истифода килишда купрок. "Савол" силсил аси ифодасига амал килади. Саволу жавоб санъати я;озирги шеъриятда дам муваффак;иятли ишлатилмокда. Масалан, А. Ориповнинг "Мен нечун севаман Узбекистонни?", "Сен бадорни согинмадингми?", "Нечун тим к.орадур арман кузлари", "Нега мени севмадинг" каби шеърлари саволу жавоб санъати усулида ёзилган.

— Нега мени севмадинг?
— Кузгинанг юлдуз учун.
— Нега мени севмадинг?
— Кршгинанг кундуз учун. ( ■

Юлдузи йувда бок;ай,
Юлдузим талаш булур.
Кундузи йук;к,а бок,ай,
Кундузим талаш булур..*

*(А.Орипов)*

**Лаффу нашр** (араб, уи уJ — йотиб таркатиш; лафф — турмок., нашр — ёймок} — шеъриятда нозик дид билан ишлатиладиган бадиий санъат. Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий шундай деб ёзади: "Бу санъат анинггек булуркким, шеър ичинда норасолар зикр килурлар, яна анинг мукрбаласинда норасолар келтирурларким, улар норасоларга мушобих. ва муносиб булгай"[1]. Проф. Абдурауф Фитратнинг таъкидлашича, "бир гапда, бир пайтда икки-уч нарсаларнинг номларини катор тизиб ондин кейин уларга боглик, долларни шу тартиб билан кдторламокка лаффу нашр (йиFH6 тарк,атиш) дерлар"[2].

Шоир ва олим А.Фитрат уз фикрининг исботи сифатида Фазлийдан ^уйидаги байтни келтиради:

Оразинг била зулфинг 6OF аро намоён к,ил,
Лола бирла сумбулни ДОБ этиб паришон к;ил.

Бу байт, олим айтганидек, лаффу нашр санъатининг яхши намунаси: шоир бошлаб ораз *(юз)* билан ЗУЛФНИ к,аторлаб тизган, сунгра оразга лолани. зулфга сумбулни боглаган. ундан кейин "дог этиб паришон кил"ни сумбулга боЕдаган-да "лолани дог эт" гапини оразга. "сумбулни паришон кил" гапини зулфга пайвандлаган...

Лаффу нашр икки хил булади:

а) лаффу нашри мураттаб — тартибли (ёнма-ён ёхуд ост-устли) келадиган сузлар. Мисол:

Билмонки юзунг паридек, эй жон.
Нечун яна щдаин улди пинхон.

[1] *Шайх Л%мад Тарозий.* Фунуну-л балога, 133-бет.
[2] *А. Фитрат.* Адабиёт к,оидалари. С. Т., Уздавнашр, 1^26, 87-бет.

Байтдаги "юз", "жон" сузлари билан "юз"- "куз" ва "жон"- "пищон" уртасидаги тартибга эътибор килинг:

ЗулФу юзунг фирокида тому сахар эрур — Бу
ох. бодпой фалак бирла хамэнон.

*(Тарозий)*

"Бу анингтек булурким, тартиб бирла келтирурлар, неток-ким зулф бирла юзни зикр килди, зулфнинг мукрбаласинда шом келтирди, юзнинг мукрбаласинда сахар келтирди"[1].

б) лаффу нашри мушавваш — номураттаб (яъни тартиб сакланмаган сузлар). Мисол:

зулфи. кади булмаса, Райхону
сарв, Бунча курардин малолдир.

*(Бобур)*

Бу байтдаги "OFЗн"- "гунча", "зулфи"- "райхон", "к.ади"- "сарв" сузлари лаффу нашр, аммо улар номураттаб жойлашган.

"Муравваш" улким, тартиби риоят килмасалар, неток-ким куйидаги байтда "наргис", "кузунг" мушобидидир, к;оматнинг мук,обаласида келибтур ва "сарв зулф мук.оба-ласинда келибтур. Ва "бинафша" куз мукрлаласинда. Агар-чи бу тарифа санъатгур, фааммо мураттабнинг пояси мун-дин балантур.

Комату. зулфу кузунгдин муттасил, -
Наргису сарв, бинафша мунфаил. :

*(Тарозий)*[2]

Лаффу нашр санъати мумтоз адабиётимиздагина эмас, х,озирги шеъриятда дам кулланилмокда. Биргина мисол:

Атрофимда м эмас, гуллаонинг исин,
Ипак цанотида елпитар каптар.

*(Шукрулло)*

[1] *Шайх Ах,мад Тарозий.* Фущму-л балога", 133-бет. [2]Уша асар, уша бет.

Бу байтда "ел" ва "гул" сузлари катор келган. Айни чокда, "ел"- "канот" ва "гул"- "каптар" сузлари бир-бирига боглик.. Демак, шоир лаффу нашр санъатини муваффакиятли куллай олган.

Куйида лаффу нашр санъатининг мукаммал бир намунасини келтирайлик (тахдил килиб куринг):

Ёз Фасли. ёр васли. дустларнинг сухбати.
ТТТе.ър бяхси. ишк дарди. боданинг кайфияти.
Ёз фаслшта чогир ичмакнинг уз га холи бор,
Кимга бу нашъа муяссар булса бордур давлати.
Ишк лапдини чекиб хар кимки топса васли ёр,
Ул замон булгай, унут юз ЙИЛРИ х.ижрон шиддати.
Дустларнинг сухбатида не хуш улгай бахси шеър,
То билингай х,ар кишининг табъи бирла х;олати.
Гар бу уч ишни мувофик; топсанг ул УЧ вакт ила '" '■
Мундин ортук, булмарай, Бобур, жах,оннинг ишрати.

*(Бобур)*

**Талми^** (араб. ^-Jj — назар солмсщ, ишора KJUIMOK.) — шеърда мацдур кисса, машхур байт ёхуд машхур мацолга ишора кдииш усули. Бу санъат мумтоз шеъриятимизда ^ам, хрзирги шеъриятда дам кенг кулланилган. Баъзи мисоллар келтирайлик:

а) машхур кисса ёки достонга ишора к.илиш:

Куп Укурдум ВОМИКУ Фарходу Мажнун киссасин, Уз
ишимдин бул ажаброк. достоне топмадим.

*(Алишер Навоий)*

Бу байтда Вомик,, Фарх.од, Мажнун дакидаги киссаларга ишора килинмокда.

Фикрати мизони булиб хамсасанаж, ,
"Хамса" дема, балки дегил панж ганж.

*(Алишер Навоий)*

Бу байтда машхур "Хамса" (бешлик) достонларига ишора килинмокда.

Бунчалик шон-шухрат учмас тайин "Минг
бир кеча"ларнинг афсонасида.

Юртим, сени яна кутлаб куяйин
КугауF Янги йилнинг остонасида.

*(Абдулла Орипов)*

Бу бандда араб хал!дининг машхур афсонаси — "Минг бир кеча" тилга олинмокда.

б) Маддур макрлга ишора:

Навоий, тилингни асрагал зинхрр,
Десангким, емай дахр ишидин фусус.

*(Алишер Навоий)*

Бу байтда "тилини тийган бошини куткарар" ёхуд "Тилингни тий — тишинг синмасин" макрлига ишора килинган.

в) Машхур байтга ишора:

Умрдан йил утса, яширмок. нечун, Юрак
симоб янглии титрагай хар гал. Устоз
лутф этгандай, хар фурсат учун Кудратли
кул билан куяйлик Байкал.

*(Абдулла Орипов)*

Бу бандда академик шоир Бафур Буломнинг "Вакт" шеъридаги:

"Умрдан утажак х,ар ла^за учун Кудратли
кул билан куяйлик ^айкал".

деган шох; байти кузда тутилган.

**Муаммо** (араб. U*» — яширинган, беркитилган) — мум-тоз шеъриятимизда кенг кулланилган санъат (айни чокда, поэтик жанр)лардан бири. Муаммо хажм жщатидан бир байтдан, баъзан икки байтдан тизилади. К,офияланиш тар-тиби: а-а ёхуд а-а-б-а. Мазкур мисралар замирида купин-ча бирор ном ёки бир суз яширинган булади. Шеърда шунга маълум ишоралар килинади. Шеърдаги ишора ва муайян кридалар (маънодош ёки Шаклдош сузлар эквивалентини куллаш, муайян суз(лар)нинг арабча ёхуд форсча таржи-

маларини ишлатиш, суздаги айрим харфларни саралаб олиб суз ясаш, абжад хнсоби асосида суз хрсил килиш) ёрдамида яширинган нарса топилади — муаммо ечилади. Албатта бунинг учун араб графикаси асосидаги зеки узбек ёзуви кридаларини ва абжад х,исобини билиш, араб-форс тилларидан хабардор булиш лозим.

Энди шеърият мулкининг султони Алишер Навоий муаммоларидан баъзи бирларини ечиш йуллари билан танишиб чикайлик.

Бу гуяшзн ичраки йуктур бак;о гулига сабот,
Ажаб саддат эрур чикса яхшилик. била от\ '"''

*(Саъд)* ';

Бу байтнинг иккинчи миерасидаги "саодат" (oil*^.) сузидан "от", яъни "алиф" ва "те" х,арфлари чик,арилса (миерада шунта ишора бор), "Саъд" (-*-»-) сузи х,осил булади. Демак, мазкур муаммода "Саъд" сузи яширинган экан.

Кунглум <u>халок</u> будди, чу ишкднгни бошлади,
*Охир* бошинда дар неки бор эрди, ташлади.

*(Хилол)*

Байтдаги "далок" сузига дивдат килинади. Муаммодаги ишора та^озоси билан "далок" (i3M») сузининг сунгги буишидаги коф (J^*)нннI тепасида турган эгри чизик; олиб ташланади (шунда "коф" "лом"га ухшаб к;олади). Шу тарика "х,алок" (iJ^») сузи "^илол" (J%»)га айланади. Демак, байтда "х;илол" сузи яширинган экан.

не тппсанг <u>давр</u> аро, сок;ий, аёккд сол они,

'■

-.:
Куз курардян утти <u>иш.</u> тут эмди моломол они.

*(Дарвеш)*

Биринчи миерадаги "давр" ва иккинчи миерадаги "иш" сузларигаэътибор килинади: давр Oj^) сузидаги "вов" О)ни суз охирига кучирсак (JJJ) "ДОЛ", "ре", "вов" х,осил булади, иккинчи миерадаги "иш" *{J^})* сузининг "юз"идан, яъни биринчи х,арф (алиф —I) нинг х,ам бахридан утилса,

"ей" ва "шин" харфлари крлади. Олдинги уч харф ("дол", "ре", "вов") ёнига "ей" ва "шин" харфларини куйиб увдсак, "дарвеш" (J~>jj->) сухи хрсил булади.

а Ох. ук,ин жондинки чексам ул паривош ёдидин, ..'
_ Крлмас ул ёдимда хам фарёд анинг бедодидин.

*(Жунайд)*

Бу байтдаги "жон" ва "ёд" сузларига диктат килинади: "жон" (0U-) сузидан ох уки — I алиф олинса, "жун", "нун" харфлари крлади; "ёд" (^Ь) с^зидан хам алиф олиб ташланса, "ё" ва "дол" харфлари к,олади. Шу крлган харфларни ёнма-ён куйилса, "Жунайд". (-Ц^) сузи пайдо булади. .|

Нечаким ёр ситам эткан ила узди вафо,
Един этгунча оти вирди забон булди манго.

*(Рустам)*

Биринчи мисрадаги "ёр" ва "ситам" сузларига эътибор кдиинг: "ёр" (jb) сузидаги "ё" (Ь) узилади, яъни олиб ташланади, крлган "ре" (j) харфи "ситам" (^) сузига кушил-са, "Рустам" (^j) номи хосил булади.

Юзингким, к;атра хай сероб к;илмиш,
Гщиурким, сув ичкандин очилмиш.

*{Камол)*

Байтнинг иккинчи мисрасидаги "гул" ва "сув" сузларига эътибор к,илинг: "гул" (Jj^) сузи "коф" ва "лом" харфларидан иборат; "гул" сув ичса ("сув"нинг арабчаси "мо" (Ь.), яъни мо (Ь.) сузи "коф" ва "лом" харфлари орасига жойлаштирилса, "Камол" (JUi') номи келибчик^ади.

Бобом белида дудук
Биз х.aisj муаммо
дедук.

*(Жунайд)*

Байтдаги биринчи мисранинг "бобо" ва "дудук" сузлари ажратиб олинса: даставвал "бобо" ва "дудук" сузларининг арабча ва форсча маънолари хисобга олинади. Масалан, "бобо" сузи араб тилида "жад" (лл-)дир, туркий "дудук" сузининг форсчаси "най"дир. "Жад" сузи белига, яъни уртасига "най" куйилса, "Жунайд" (-4^-) сузи келиб чикади.

<u>Кабо бар калли</u> ту медузал айём,
Барор аз к,оф то крф, эй писар, ном.

*(Бобур)*

Бу форсий муаммода биринчи мисранинг "Кдбо бар кад" сузларига эътибор килинг: шоир икки "крф" харфлари оралищцан уз номингни топиб ол, демокчи. "К,або бар кад".(-^ *у\$)* сузларидаги икки "крф" орасидаги харфларни ажратиб олсак, "Бобур" номи келиб чикади.

Чок <u>багрим</u> тарафин айладинг икки парканд,
Бирини ташлабон охир, бирин эттинг пайванд.

*(Fари6)*

Бу байтдаги "багрим" сузига эътибор килинг: дастлаб "багрим" сузи иккига булинади (баг-рим), сунг иккинчи бугиндаги "м" товуши туширилиб к.олдирилади ва унинг урнига биринчи бугиндаги "б" товуши кучирилиб утказилади. Шу тарика, 'Тариб" сузи пайдо булади. Шоирнинг муддаоси "гариб" сузини айтишдан иборат. Демак, шоир гарибман демок,чи.

Муаммо санъати укувчидан ало^ида укув, уткир зех,н ва билимдонлик талаб килади.

Муаммо, хусусан, XV асрда мустакил жанр ва бадиий санъат сифатида шухрат к.озонган. Муаммо айтиш ва ечиш шоирларнинг узига хос мусабокасига айланиб кетган. Шоирнинг мах.орати ва билимдонлиги купинча шунга караб хам белгиланган. Шунинг окибатида мумтоз адабиётимиз тарихида куплаб муаммо — шеър яратилган. Улуг узбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий беш юзга якин муаммо ижод килган. Абдурахмон Жомий, Восифий каби

шоирлар дам муаммода шудрат крзонганлар. Шарафиддин Али Яздий, Абдурадмон Жомий, Алишер Навоий, Бадиий Табризийлар муаммо санъати дакдда махсус рисолалар битишган.

Алишер Навоий узининг йирик эпик асарларида дам муаммо санъатини махррат билан куллаган. Масалан, "Фархдц ва Ширин" достонида Фардод исмининг маъносини муаммо усулида чиройли ифодалаган:

Жамолидин курунгач фарри шохи.
Бу фардин ёруди мах, то бамохи.
Куюб юз хикмату икболу давлат.
Хдмул фар соясидин топти зийнат.
Бу жавдарларга чун иснод топти,
Мураккаб айлагач Фархрд топти.
Бу фарни х,одийи бахт этгач иршод,
Равон шахзода отин куйди Фархрд.
Хариру хулла ичра боютбон чует,
Мурассаъ махд ичинда тонгдилар руст.
Бу навъ эрмас ато 1^уймади отин,
Ки кургач иш^ анинг покиза зотин.
Анга фарзона Фарх.од исм куйди,
Хуруфи маъхазин беш к,исм куйди.
Фироку рашку хажру ох ила дард.
Бирор хдрф ибтидодин айлабон фард.
Борин устоди ишк, этгач мураккаб,
Тараккубдин бу исм улди мураттаб.

Достондан олинган бу парчада "Фардод" исми ва унинг маъноси икки йул билан келиб чикади: а) "Фардод" сузи "фирок,", "рашк", "дажр", "од" ва "дард" сузларининг биринчи дарфлари йикиндисидан келиб чикдди; б) "Фардод" сузи "фарри шоди" сузидан "фар" ва "дикмат" сузидан "д", "ик,бол" сузидан "и" ("о"), "давлат" сузидан "д" дарфлари олиниб бир-бирига кушилса юкрридаги ном ("Фардод") келиб чик.ади. Шу муаммо санъати билан достон бош кадрамонининг шунчаки номинигина эмас, унинг маъносини дам чукур очиб бераяпти: "Фардод" узок, йиллар фарзандсизлик догини чеккан Хок.оннинг "фироку рашку дажру од ила дард"ларини узида ифодалайди. Бундан ташкари, шоирнинг адЪлатли шод дакддаги орзу-умидлари — идеали билан бошик. долда "фарри шоди" — шод-

лик нури, "дикмат", "ик,бол" ва "давлат" тугрисидаги карашлари дам уз ифодасини топган. Хакикатан дам достонда Фардод образи улуБ мутафаккирнинг орзу-умидларининг ажойиб тимсоли сифатида яратилган[1].

**Мувашшах.** (араб, ^у — зийнатланган, безалган) — маънавий санъатлардан бири (айни чокда, поэтик жанр). Адабиетшунослигимизда мувашшад тавшид санъатининг бир кисми булса керак, деган караш борки, бу фикр бадслидир. Негаки, XV аср бошларида яшаб-ижод килган шоир ва аллома Шайх Адмад ибн Худойдод Тарозий "Фунуну-л-балога" асаридаёк. "мувашшад"ни махсус санъат сифатида тилга олади ва унга шундай таъриф-тавсиф беради: Бу санъат "будурким, шеърнинг аввалги дарфларини териб олсалар ё уртадаги дарфларини олиб жам кдлсалар... (исм пайдо) булур. Шеърнинг бир мисраси дарфларида дам исм музайян булиши мумкин"[2]. Мувашшадларнинг узига хос хусусиятлари куйидагича: а) шеър, асосан, газал шаклида ёзилади, кисман мусаммат ва, датто, рубоий шаклида дам ёзилиши мумкин; б) шеър мисралари замирида киши ёхуд предмет номи музайян (яширин) килинади. Замирида бирор нарса номининг яшириниши жидатидан мувашшад чистой ва муаммо, датто тарихга ухшаб кетади. Аммо, айни чокда, уларни бир-биридан ажратиб турадиган фарк,-лари дам йук. эмас: тарихда бирор вок,еа юз берган мудим сана ифодаланса, чистонда бирор предмет ёхуд вокеа топишмок. усулида берилади; мувашшадда эса, асосан, шахслар ёхуд предметлар номи яширинади; в) шеър мисраларидан муайян.коидалар асосида киши исми ёки нарса номи келиб чик.ади; байтдаги ток. мисралар, баъзан жуфт мисралар ёки байтнинг ва, датто, дар бир мисранинг биринчи дарфларни териб олиб бир-бирига кушилса, шеърда яширинган исм ёки ном келиб чикдци; г) мувашшахда яширинган исм шеър кимга багишланганини курсатади; агар шеърда музайян кдиинган кишига шеър алок.адор булмаса, илмда у интизом деб юритилади; д) мувашшадлар,

[1] *Р. Орзибеков.* Лирикада кичик жанрлар. Т., F. FупоМ номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

[2] *Шайх А%мад Тарозий.* Фунуну-л-балога, 127-бет.

купинча, араб графикаси асосидаги эски узбек ёзуви крида-ларига таянган булади; е) шеърда, асосан, бир кишининг номи яширинганлиги ва уни кандай топиш мумкинлиги хакида муайян ишоралар булади, аммо бундай ишоралар берилмаган мувашшахлар хам учраб туради; ё) мувашшах.-лар, одатда, арузнинг муайян вазнларида ёзилади, бирок, хрзирги замонда ёзилаётган мувашшахларнинг бир кисми арузда ёзилган булса, бошкалари бармок. вазнларида була-веради; ж) мувашшахлар факат шакл хдцисасигина эмас, балки муаллифнинг ижтимоий хаётга к,арашларини ифо-даловчи мухим санъат хрдисасидир; з) олимларимизнинг таъкидлашларича, мувашшах. аслида муаммо заминида пай-до булган.

Мувашшах адабиётимиз тарихининг кейинги даврла-рида урфга айланган. "Мувашшах. жанри узбек адабиёти-да, айникса, XIX асрнинг иккинчи ярмида авж олиб ке-тиб, адабиёт ахли уртасида раем булиб к.олган эди, — деб таъкидлайди шоир ва олим Мак,суд Шайхзода, — хатто шоирлик ва назмчилик хунари мувашшах.чиликдаги майо-рат билан х,ам улчанадиган булиб к.олган эди"[1].

Узбек мумтоз шоирларидан Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Огахий, Увайсий, Шавкий, Мук.имий, Завкий, Фуркатлар мувашшах. санъати ва жанрида шухрат к.озо-нишган. Чунончи, Мах.суд Шайхзода "Фурк.ат хакида к.айд-лар" мак,оласида Фурк,атнинг мувашшах. санъати бораси-даги катта хизматларини юксак даражада бах,олаган. Фурк.атшуносликда биринчи булиб М.Шайхзода шоир му-вашшахларини зукколик билан аниклаган: "Наргиси шах.-лосидин" Базалида "Мак.саджон", "Оразинг качон курди" газалида "Абдук.одирхон", "Кузунг" газалида "Исломхон", "Шахло кузларинг" разалида "Мукаддамхон", "Кокулинг" Базалида "Рашидхон", "Ишк, оташи" газалида "Одилхон", "Хаёла душти" газалида "Одилхон", "Шакар тукилди" FаЗа-лида "Тошкандхон", "Ахду паймон айлагин" газалида "Мухаммадхон", "Сайри чаман" газалида "Рашидхон", "Кечалар" газалида "Мух.иддинхон" исмлари музайян килинган экан. Бундай шеърлар, одатда, разал-мувашшах.-

---

[1] Фурк,ат ва Мукимий \ак;ида мак,олалар. Т., 1958, 70-бет.

лар деб юритилади. *"Аникдик* учун шуни ^айд кдлиш керакки, — деб таъкиддайди М.Шайхзода, — мувашшах. ким-нинг номига багишланган булса, уша газалда таъриф этил-ган образ хам айнан мазкур кишининг узидир деб уйлаш хатодир. Мувашшахдаги исм бу газалнинг кимга багаш-ланганига далолат килади, холос. Асарда тасвирланган ёр эса бус-бутун бошка бир киши булиши мумкин. Масалан, "Макрудхон" исмига багишланган газалда... севгили ёр об-разида тасвирланган киши "Мак.судхон" эмас, балки гузал бир аёдцир"[1].

Бу уринда Фуркдтнинг "Кокулинг" газалини куздан кечирайлик:

Рухи мажруха ватандур хамлари хар кокулинг, Рахм килгал, ёзма, эй шухи суманбар, кокулинг. Шохи х.инд шайдойидурким мулки хуснинг фатх.ига, Хар сарвдин даста-даста йивди лашкар кокулинг. Ё маловат мулки шохисан, шарофат нуридин Бир хумо эрди бошингга езди шахпар кокулинг. Дафтари хуснинг азал котиблари ёзмок. учун Сафхаи рухсоринг узра килди мистар кокулинг. Хотирим айлаб паришон к.илди бахтимни к.аро, Бошима хар дам солиб савдойи машх.ар кокулинг. Эй, назокат гулшанида к.оматинг сарви равон, Наргиси шахло к^зунгдур, сунбули тар кокилинг. Нега топсун Фуркатий нозик белингким, топгуси. Гар кутарган *чотда.* бори бор гавхар кокулинг.

Мазкур газал етти байтдан иборат. Хар бир байтнинг ток, мисраларидаги биринчи сузнинг бош харфи ("рухи"-дан "р", "шох.и"дан "ш", "ё"дан "и", "дафтар"дан "д", "хотирим"дан "х", "эй"дан "о", "нега"дан "н") териб олиниб бир жойга йирилса, "р-ш-и-д-х-о-н" исми келиб чикдди. Бу уринда газалнинг араб графикаси асосидаги эски узбек ёзувида яратилганлиги х,исобга олинса (бу ёзувда кдокд унлилар, шужумладан кдск.а "-а" унлиси дам ёзувда ифодаланмаса-да матн ва вазн так.озоси билан бор деб хдсобланади) — "р"дан сунг "а" кушилади. Шу тарифа, "Рашидхон" исми келиб чикдди. Демак, газал "Рашидхон"

[1] Фурк,ат ва Мук,имий хак,ида мацолалар, 70-бет.

исмли кишига багишланган экан. Шеърнинг кдхрамони эса Рашидхон эмас, балки "малохат мулкининг шол,и" "назокат гулшанида крмати... сарви равон", "наргиси шахдо куз"ли жононадир. Мана мувашшахнинг гузал намунаси! XX аср узбек шоирлари шеъриятида хам мувашшах санъатининг ажойиб намуналари мавжуд. М.Шайхзода, Уйгун, Эркин Вохидов, ЕнFнн Мирзо ва бошка шоирлар замонавий мувашшахлар яратишган. Бу уринда Уйгуннинг "Жафо к,ил-ма" радифли разал-мувашшахига эътиборингизни тортайлик:

Тарк этма назокатни, хулк;ингга жафо ^илма,
Иззатни бериб елга, бехуда сафо кшша. Умрингни
хароб этма, уткунчи хавас билан, Ишк бош^а, хавас
бошк,а — бу йулда хато килма. Рухсори гузалларга
одобу илм лозим, Инсоний камолотни хуснингга
бино кдлма, Сен сози мухаббатсан, гулшанда гули
раъно, Иш^ингни куча-куйда юргувчи гадо кдима.
Уйгонди чаманларда, чок этди як,о булбул,
Куйдирма у шайдони, бас энди наво килма. Ноз
этма, садокатли ошик,к,а тарахдум к;ил, Кунглига
FараЗ тулган номардга имо к,илма. Одоби
гузалларнинг санъатда топар равнак„ Санъатга
хилоф ишни рух,ингга FНЗО к,илма. Ёд аила гахи
Уйгун исмингни баён этди, Шеърига к;илиб
маржон, сен унга жафо кдпма.

Бу разал саккиз байтдан иборат. Х.ар бир байтдаги ток. мисра (биринчи суз)нинг бош х,арфи ("тарк"дан "Т", "умрингни"дан "у", "рухсори"дан "р", "сен"дан "с", "уUFОН-ди"дан "у", "ноз"дан "н", "одоби"дан "о", "ёди"дан "й") териб олиниб, бир жойга йигилса: "Турсуной" номи келиб чик,ади. Демак, Базалда "Турсуной" номи музайян килинган экан, бинобарин, шеър шу гузал ва санъаткор кизга багишланган. Айни чокда, газалда шоир Турсунойни таъриф-тавсифгина килиб к.олмаган, аксинча инсоний одоб-ахлок. ва камолот хакида фикр юритган. Шеър кахрамонини ва шу оркали ёшларни одобли, ахлокли ва баркамол инсон булишга чорлайди. Мана замонавий мувашшах!

**Таърих** (араб. ^Ь- — таъриф — мухим вок,еа-ходиса юз берган санани санъат усулида ифодалаш) — мумтоз адабиётимизда кулланилган бадиий санъатлардан бири (ва по-

этик жанр). Таърихнинг бадиий санъат сифатидаги поэтик белгилари тула катъийлаштирилмаган. Таърихлар, асосан, газал, маснавий, рубоий, китъа шаклларида ёзилган. Таърих санъатининг мухим жихати шундаки, унда машхур тарихий шахсларнинг тугилган ёки вафот этган санаси, мухташам бинонинг курилган йили, ноёб китобнинг ёзилган санаси (ёхуд девон тартиб берилган пайт), катта вокеа содир булган давр кабилар очикдан очик. айтилмасдан араб алифбосининг махсус харфлари, суз ёхуд суз бирикмаси воситасида ифодаланади. Бундай санани билдирувчи хдрф, суз ёхуд суз бирикмаси "таърих моддаси" деб юритилади. Керакли санани мисрадаги "таърих моддаси"да яшириб берилиши жихатидан уз жинсдоши — муаммо ва мувашшахларга якин туради. Мутахассисларнинг аниклашларича, таърих санъати муаммо заминида пайдо булган ёхуд муаммонинг бир куринишидир. Таърих санъатини тушуниш — ундаги жумбогни тугри ечиш учун, албатта, араб графикаси асосидаги эски узбек ёзувини (унинг имло кридаларини) ва абжад хисобини билиш лозим. Негаки, даставвал, таърих санъатининг "таърих моддаси"ни араб графикаси асосидаги эски узбек ёзувида бехато ёзиш ва укиш шарт; шунингдек "таърих моддаси"да уни ечишга алокадор булган ишоралар борлиги ёки йуклигига хам эътибор килинади. Таърих, юкррида айтганимиздек, биринчи навбатда шу масалалар билан чамбарчас богликдир.

Бу уринда, араб графикасидаги х.арфлар замирида музайян к.илинган рак,амларни эсда тутиш зарурки, булар куйидагича: Т-(алиф)-1; ч-> -(бе)-2; ^ -(жим)-3; J -(ДОЛ-4; о-(хе)-(х,ойи х.аввоз)-5; j -(вов)-б; j -(зе)-7; ^ -х.е(х.ойи хугти)-8; J* -(итки)-9; cs -(йо)-Ю; *й* -(коф)-20; J -(лом)-30; с -(мим)-40; *д* -(нун)-50; <*j*> -(син)-60; f -(айн)-70; и> -(фе)-80; ^ -(сад)-90; J -(цоф)-ЮО; j -(ре)-200; *J*. -(шин)-3ОО; о -(те)-400; ±> -(се)-500; *£* -(хе)-600; i -(зол)-700; *J** -(зод)-800; *b* -(шш)-900; ^ -(гайн)-ЮОО.

Бу дисобга форс ва турк халклари томонидан куйидаги турт харф кушилган: ^ -(пе)-п; '"-(же)-ж; ^ (чим)-ч; *£* -(коф)-г. Бу харфлар асилда ч-> -б; *г* -ж; j -з; *£* -к х.арф-ларидан олинганлиги сабабли улар куйидаги ифодалайди: п — 2; ч — 3; ж — 7; г — 20.

"Таърих моддаси"ни ташкил калган харф, суз, суз бирикмаси урнига абжад хисоби буйича тегишли ракамлар куйиб чикилиши ва улар жамланиб, хижрий йил санаси аникланиши лозим. Шу тарифа, "таърих моддаси" жумбоFн ечилади. Лекин "таърих моддаси" хамиша бир суздан (суздаги бир неча харфдан) иборат булавермайди. Баъзи хрлларда "таърих моддаси "даги харф(лар) ёки айрим суз (сузлар)ни чикариб ташлаш ёки кушиш, бир тилдаги сузнинг иккинчи тилдаги эквивалентини олиш йули билан хам "таърих моддаси" хрсил булиши мумкин. Бу нарса таърих санъати турлари табиатига боюшк.-

Таъкидламок.лозимки, "таърих моддаси"дан келиб чикадиган сана — хижрий йил (ой календари) хисобида булади. Галдаги вазифа — "таърих моддаси"даги хижрий йил санасини милодий йил (куёш календари) санасига утказишдан иборат. Бунинг учун, албатта, "ой календари" ва "куёш календари" хисобларидан хабардор булиш лозим.

"Ой календари"нинг узига хослиги шундаки, у Мух.аммад пайгамбарнинг Маккадан Мадинага х,ижрат куни (Юлий календарида 622 йил 16 июль куни (жума)дан бошланган. "Ой календари" хижрий к,амарий йил х.исобланади. Бу календарда бир йил 12 ой булиб, хар ой 30 ёки 29 кунга тенг. Бундай йил куёш (милодий) йилига нисбатан 10,5 кунга киска, яъни ой йилининг х.ар 34 йили куёш йилининг 33 йилига туБри келади. Милод йили — куёш йилида 365 кун бор, хижрий йилда эса 354 кун булади. Демак, хар милод йили хижрий йилга Караганда 11 кун ортик.. Хижрий йил фаслларда силжиб юради ва х,ар 33 йилда бир айланиб чик.ади. Хижрий йилни милодий йилга ва аксинча милодий йилни хижрий йилга айлантирищца мана шу фаркни албатта хисобга олиш шарт[1]. Масалан, Алишер Навоий милод хисоби билан 1441 йилда тугилган. Милод йилини дижрий йилга айлантириш учун куйидаги тартибга амал килинади: а) 1441 дан 622 ни олиш лозим — 819 крлади; б) 819 ни 33 га таксим киламиз — 25 (аник,-PoFн, 25 га сал етмайди. Шундай пайтда 0,5 паст булса — "0"га туширилади ва 0,5 дан баланд булса 1 га кутарилади)

---

Каранг: Календарь. ^зСЭ, 5-т. Т., ^зСЭ, 1974, 249-250-бетлар.

келиб чикади; в) 819 га 25 ни кушамиз — 819+25 — 844 санаси келиб чикдци. Демак, Алишер Навоий дижрийнинг 844 йилида таваллуд топган экан. Кдтскаси: 1441-622 — 819; 819:33 - 25; 819+25=844.

Абулгози Бадодирхон 1014 дижрий йилда таваллуд топтан. Шу санани милодий йилга айлантириб курайлик: а) 1014 ни 33 гатаксим киламиз =31 дан тегади; б) 1014 дан 31 ни оламиз — 983 крлади; в) 983 га 622 ни кушамиз = 1605 разами келиб чикади. Кдскаси: 1014: 33 = 31; 1014-31=983; 983+622=1605. Демак, Абулг-озий Бадодирхон 1605 милодий йилда тугилган экан[1].

Адабиётимиз тарихида мустакил асар сифатида дам, йирик хажмли асарнинг узвий кисми сифатида хам битилган таърихлар мавжуд. Бунинг устига, ранг-баранг куринишли таърихлар бор — тарихий поэтика нуктадонлариdан бири — Ибродим Халил таърих санъатининг ун икки тури борлигини аникдаган.

Таърих санъатининг илдизлари кадим замонларга бориб такалади. Аммо олимларшмиз кдйд этганларидек, у XV-XVI асрларда кенг кулоч ёйган — таърих айтиш санъати урф булиб крлган. Адабиётимиз тарихида Алишер Наво-ийнинг устози ва дусти Абдурадмон Жомий вафотига ба-гишлаб айтган таърихи, шунингдек, Алишер Навоийнинг амирликка кутарилиши, вафоти мусибати-ла ёзилган таърихлар жуда машхур. Шунингдек, Хумулий, Рожий, Мир-зо Содик. каби шоирларнинг таърихлари дам уз даврида кенг таркалган. Булардан ташк.ари, Самарканд, Бухоро, Хива, Кук.он, Андижон, Тошкент каби шадарларда к,ад кутарган меъморчилик обидалари (мадрасалар, карвонса-ройлар, мак.баралар...) пештокдарига мудрланган таърихлар ва Андижон зилзиласига багишланган таърихлар дам гоятда эътиборли.

Олимларимиздан С.Асадуллаев ва М.Окиловлар "Таърих айтиш санъати" макрласида таърих санъати турлари хусусида х.ам бахс юритар эканлар, даставвал, уларни уч гуруд (лафзий, маънавий ва лафзаю — маънавий)га ажра-

[1] Кдранг: *Т. Шермухамедов, Ф. Абдуллаев, Л. Халилов, А. Халилов.* китоби. Т., ^к,итувчи, 1994, 38—39-бетлар.

тадилар, сунг дар бир гурухга мансуб булган таърихларнинг ички куринишларига тухталиб утадилар. Бу уринда муаллифларнинг маънавий таърих санъати гурухининг куйидаги уч куринишини кайд этадиларки, шулар жуда эътиборли: а) комил уд-аъдод (томм — тулик.): "таърих моддаси" мукаммал булган санъат. Масалан, Захириддин Мухаммад Бобур вафотига битилган таърих шундай:

Таърихи вафоти шох, Бобур,
"Дар нухсаду сию хафт буда".

"Дар нухсаду сию хафт буда" таърих моддаси булиб, сузлар абжад хисобида ракамларга айлантирилса, 937 сана келиб чикади. Демак, Бобур шод 937 хижрий (1530 милодий) йилда вафот этган.

"Мах.бубул кулуб"га Алишер Навоийнинг дастхати билан битилган таърихни эслайлик:

Бу номаки, лисоним улди к,оил, KJDIKHM
тили хар навъ эл шпига мойил. Таърихи "ХУШ"
лафзидин улди ^осил, ким укуса илохи
булгай хуш дил.

Бу шеърда таърих моддаси: "хуш" *(J-j*-)* сузи. "Хуш" сузидан дастлаб х.ижрий йил х.исобини аник,паймиз. Бунинг учун: а) таърих моддасидаги сузни абжад х.исобидаги рак;амларга айлантирамиз: ^ (хе) - 600; j (ВОВ) - 6; *J*- (шин) - 300; б) харфлар замирига яширинган рак,амлар (600+6+300)-и жамлаб, х.ижрий санани аник,лаймиз (600+6+300=906); в) Демак, "Мах.бубул кулуб" асарини ёзиш 906 хижрий йилда уз интих.осига етган экан. Энди 906 хижрий йилни милодий йилга айлантириб курайлик: а) 906 ни 33 га таксимлаймиз = 906 : 33=3; б) 906 дан 3 ни айирамиз; 906-3=900 (903); в) 900 (903) га 600 (622) ни кушамиз - 900+600=1500 санаси келиб чикар экан. Демак, "Махбубул кулуб" асари 1500 милод йилида якунланган экан; б) зоид ул-аъдод (зиёда): "таърих моддаси"да ортик,-ча харф(ракам)и булган санъат. Бу хил таърих санъатини ечишда ундаги ортикча х.арф(рак.ам)ни чик.ариб ташлаш шарт (бу хакда муайян илюра булади). Масалан, Андижон зилзиласи муносабати билан шоир Мук,имий "Таърихи

зилзилаи аз мавлоно Мукимий Хукрндий" таърих-шеърини ёзган. Шу шеърдан парча:

Сирри хакик;ат бу, Мук;имий хамуш,
Санга на даркор демак ину он. Жон
бошини зилзила к,асд айлагач, Таърихи
ак»л айди: *"парит* Андижон".

Бу шеърнинг таърих моддаси "дариг Андижон" (DWaJ^jj) ракамларга айлантирилса — 1323 санаси келиб чикади; "Жон бошини зилзила касд айлагач" суз бирикмасидаги "жон" (оЬг)нинг бош Qr) жим харфи назарда тутилган, шу харф абжад хисобида ракамга айлантирилса — "3" сони келиб чикади: 1323-3=1320; 1320 хижрий йил : 33 = 40; 1320-40=1280; 1280 х.ижрий йил + 622 = 1902. Демак, Андижон зилзиласи хижрий 1280 (милодий 1902) йидда воке булган экан; в) нокис ул-аъдод (кам, тула булмаган): "таърих моддаси"даги суз (ракам) тулик. булмаган санъат (фал он харф ёки суз "таърих моддаси "га кушилса (будакда муайян ишора булади), керакли рак.ам пайдо булади. Масалан, хаттот Сулаймонкул Рожий Алишер Навоийнинг "Мажолис ун нафоис" асаридан нусха кучириб, унга шундай таърих битган:

Юз шукурки, тахрир топиб ушбу китоб,
Суз ахлининг ах;волида келмиш неча боб.
Битмакчи эдим мен ракамы таърихин,
Дафтар юзини "тазкира" олди к,амраб.

Бу парчада "таърих моддаси" — *ej'j* — ташкира сузи булиб, харфлар абжад х.исобида рак.амларга айлантирилса, 1325 санаси келиб чикади. "Дафтар юзини "тазкира" олди камраб" ишорасига эътибор килсак, дафтар юзи"дан "дол" (>)нинг адоди 4 ни "тазкира" адоди — 1325 рак.амига кушилса, 1329 санаси пайдо булади. Демак, "Мажолис ун нафоис" тазкираси 1329 йилда кучирилган экан[1].

---

[1] К,аранг: *С. Асадуллаев, М. Оцилов.* Таърих айтиш санъати. тили ва адабиёти, 1972, 3-сон, 68—69-бетлар.

Энди таърих санъати намуналарини куздан кечирайлик.

Алишер Навоий "Фархрд ва Ширин" достонининг ёзиш тарихини санъат усулида куйидагича ифодалаган:

Чу таърихи йилин айлай дедим туз,
Секиз юз сексон эрди, доги тукдиз.

Англашиларлики, "Фархрд ва Ширин" достони хижрий 889 йилда (Милодий 1484 йилда) ёзилган экан.

Алишер Навоий вафоти мусибати билан замондошлари томонидан ёзилган таърих куйидагича:

Беш харф дедию булди таслим,
"Алиф", "бе", "то", "со", "жим".

Бу шеърнинг "таърих моддаси"да музайян кдлинган ракдмлар куйидагича: ^ (алиф) - 1; ч-> (бе) - 2; о (то) -400; ^ (со) - 500; ^ (жим) - 3. К,иск,аси: 1+2+400 + 500+ +3=906 хижрий йил пайдо булади. 906 дижрий йилни милодий йилга айлантирилса, 1501 сана келиб чикдци. Де-мак, Алишер Навоий 1501 милодий йилда вафот этган.

Алишер Навоий устози Абдурахмон Жомий вафоти санасини куйидаги таърих санъати билан ифода этган:

Гавхари кони х.ак.ик.ат, дурри ба^ри маърифат, К-
у ба хак, восил шуду дар дил наудаш мосаво.
Кошифи сирри илох.и буд бешак, 3-он сабаб,
Гашт таърихи вафоташ "кашфи асрори илах".

Бу туртликдаги "кашфи асрори илах" суз бирикмаси "таърих моддаси" булиб, абжад х.исобида 898 (милодий 1492) йил келиб чикдди. Демак, Абдурадмон Жомий хижрий 898 (милодий 1492) йилда вафот этган.

Шоир Хабибий девон тартиб берган йилини куйидагича таърих санъати усулида баён этган:

Разалхон, ёру дустим, жонажоним,
Булур сизларга девоним — нишоним.
;, Ажабки, арзимас ^евонга таъриф,
Будубдур. "6v шарафли армугоним". 4

"Бу шарафли армугоним" *(^^•J J^j Jj)* — таърих моддаси. Бундан гчаълум булишича, Хдбибий девони ми-лодий 1970 йилда тузилган экан.

**Чистон** (форс. оЬл — у нима?) — мумтоз адабиёти-мизда кулланилган бадиий санъатлардан бири. Чистонлар аслида халк. огзаки ижодидаги топишмоклар заминида пай-до булган. Чистонлар тарихий поэтика манбаларида "лугз", "лугаз", "логаз", "чистон" деб юритилган. Чистонларнинг асосий хусусияти шундаки, шеър мисралари замирига яширинган нарсанинг хислатлари, белгилари тулик, айти-лади. Укувчи шу белгиларга караб чистоннинг магзини чакади — шеърда музайян килинган предмет номини уйлаб топади. Чистонларда, купинча, абжад хисобидан ва халк. орзаки ижодидаги топишмок. усулларидан фойдаланилган. У табиатан муаммо санъатига як,ин туради. Айни чокда, муаммо билан чистон уртасида фарк;хам борки, буни унут-маслик керак; муаммода, асосан, киши номлари яширин-са, чистонларда, купрок., буюм номлари музайян этилади.

Мумтоз адабиётимизда Алишер Навоий, Увайсий, Му-нис, Огахий ва бошк.а суз усталари куплаб чистон-шеър-лар яратишган. Умуман узбек адабиёти тарихида чистон-нинг пайдо булиши ва ривожи, биринчи навбатда, Али-шер Навоийнинг муборак номи билан богликдир. Шоирнинг "Бадойиул васат" девонида берилган чистон-лар беназирдир. Чунончи Алишер Навоий "Парвона" хакдда шундай гузал чистон тукиган:

Ул кушки, таашшукдурур андиша анга,
Бир нахлдаким шомдадур беша анга. ;
Шохи учидин аён булиб реша анга,
Гул очмок; ушул решасидин пеша анга. '

Энди эл-юрт огзига тушган Увайсийнинг "Анор" чис-тони магзини чакиб курайлик:

Бу не гумбаздир эшиги, туйнугвдин йук, нишон,
Неча гулгун пок к;излар манзил айла^дур макон.
Туйнугин очиб уларнинг холидин олсам хабар,
Юзларида парда тортиклик турарлар, багри крн.

Шоира Увайсий чистон-шеърида, биринчидан, бир пред-метнинг номини яшираяпти. Бу яширинган нарсанинг ха-

рактерли белгиларини курсатмокда: а) эшиги дам, туйнуги дам булмаган гумбазсимон нарса (анорнинг ташки куринишига ишора); б) бу гумбазни гулгун кизлар узларига макон килиб олган (анор доналарининг жойлашишига ишора); в) гумбаздан туйнук очиб ичига каралса (анор ёриб курилса); г) багри крнга тулиб кетган (анор доналарининг кип-кизиллигига ишора) кизлар юзларига парда тортикдик (анор доналарининг майин пардасига ишора) долда турибди демок,-чи. Шу белгиларга караб биз шеър мисралари замирига анор яширинганини паивай оламиз. Бу чистоннинг адамияти шундаки, унда рамзий образлар оркали анорнинг белгиларигина ифодаланаётганлигида эмас, айни чокда, шу рамзий-поэтик образлар воситасида уз замонасининг хотин-кизлари туткунлиги ва багри крнлиги дам ифодаланмокда. Демак, чистой шунчаки суз уйини — санъатпардозлик эмас, аксинча даётни дам акс эттирувчи курол экан.

Узбек болалар адабиётида топишмок.-шеърлар гоятда машдурки, улар дам чистонга ухшаб кетади.

**Маънавий — лафзий санъатлар**

Бадиий санъатларнинг бу тури, юкррида айтганимиздек, шеърнинг дам товуш (шакл), дам маъно (мазмун) томони билан узвий боЕгшк. булади. Маънавий-лафзий санъатлар дам гоятда ранг-баранг куринишларга эга. Шулардан айримларини куздан кечирайлик:

**Таносиб** (араб, v-'^ — бир-бирига муносиб) — маънавий-лафзий санъатлардан булиб, у шеъриятимизда кенг кулланилиб келинган. Таносиб баъзан "мутаносиб", "муроату-и-назир", "таносуб", "тавфик,", "ийтилоф", "талфик," каби атамалар билан дам юритилган. Шарк, поэтикаси нук.-тадонларидан бири Рашидиддин Ватвот "Хадойикус-седр фи дакрйикуш шеър" асарида таносиб санъатига шундай таъриф берган: "Муроату-н-назир — бу шундай бир санъатдурки,.. шоир уз байтида жинсдош нарсаларни, чунончи: ой ва куёш, ук. ва ей, к.ош ва куз, гул ва лола ва шуларга ухшаганларни бирга жамлаб куяди"[1]. Шеършунос Атоуллод Мадмуд Хусайний "Бадойиъу-с-санойиъ"да шундай деб

---

[1] *М.Шайхзоданинг* "Устоднинг ^анъатхонаси" мак,оласидан олинди. Асарлар (олти томлик), 4-т. Т., ¥) Гулом номияаги адабиёг ва санъат нашриёти, 1972, 244-бет. :„■ о * ..

ёзади: "Ул андокдурким, каломда анга муносиб хрдиса ва нималарни жамъ килурлар (аммо тазод йули бирла эрмас...)[1]. Шоир ва аллома Шайх Ахмад Тарозий фикрича, "ул булурким, шеър ичинда наросаларнинг риоятин килурларким, бир-бирининг назари булгай: чанг ва уд ва рубоб. Мисол:

То гаминг чангинда куйди хаста кунтлум удтек, • • '
Нола-у и(н)грамакни мендин урганди рубоб[2].

Юкрридаги байтда "чанг", "уд" ва "рубоб" номли чолFу асбоблари, биринчидан, бир-бирига зид эмас, балки хдмоханг, жинсдош ва, иккинчидан, лирик кахрамон руҳиятини ифодалашта мое.

Алишер Навоий бир рубоийсида: ;

КУЗ бирла к,ошинг яхши, кабогинг яхши, Юз бирла
СУЗУНГ яхши, дудогинг яхши, ■' Энг бирла
менгинг яхши, сакокинг яхши, Бир-бир не дейин
бoштин-оёпшг яхши.

деб ёзади. Эътибор килинг-а: ёрнинг "кузи", "к.оши", "к.абоги", "юзи", "сузи", "дудоги", "энг"и, "менги", "сакрки" НИХ.ОЯТ даражада гузал — бир-бирига мутаносиб. Шоирнинг хулосаси шу: ёрнинг хдмма унсурлари гузал — уларни бирма-бир тавсифлашнинг хржати йук. — ахир ёрнинг "боштин-аёш яхши"!

Багринг толе нурга тулсин,
Она юртим, мунис маконим.
То тирикман, сеники булсин
Шеърим, умрим, жоним.

*{Эркин Болидов)* ■■{■>

Лирик к,ахрамон Ватанни шу к,адар севадики, у, хатто, бутун умрини жонини к.алб хароратини — шеърини Ватанга бахшида этади — Ватансиз узини тасаввур к.ила олмайди — у Ватан билан бир бутун!

---

[1] *А. Хусайний.* Бадойиъу-с-санойиъ, 232-бет.

[1] *Шайх Аи^мад Тарозий.* Фунуну-л балога, 112-бёт.

Бу санъатда бир-бирига мутаносиб сузлар, одатда, киноя, ташбих. ва истиора усулида ишлатилади. Чунончи:

Ой юзунг шавк,инда тунлар то са^аргах ултуриб,
Ёндуруб куз машъалин, ёштин куярмен ёр

*(Атойи)*

Яна бир мисол:

, захмин тан аро ул юз хаёли ёрутур, Уйлаким,
Юсуф жамоли равшан эткай чохни.

*(Алишер Навоий)*

Мазкур байтни Максуд Шайхзода жуда нозик шархдаган:

Унинг уки туфайли баданимда очилган жарох,атни
унинг чехрасининг хаёли ёритади,
Юсуф жамоли чох. (кудукЗни равшан килгани янглиг.

Демак, дуст юзини хотирлаш билан тандаги яранинг ёриши (огрикнинг босилиши) кудукнинг Юсуф жамолидан равшанлашиб кетганига мое — уйгун келади. Бу ажойиб таносиб санъати!

Ёки яна бир мисол:

Куриб <u>яардим тараххум</u> {дммадинг х.еч,
Тукиб <u>ашким табассум</u> килмадинг ^еч.

*(Алишер Навоий)*

с т а ч f- ЈК

Бу байтдаги "дардим" ва "ашким", "тарахдум" ва "табассум" сузлари — таносиб санъати! Айни чокда, бу байтда тарси санъати х.ам ишлатилган.

Ёки:

<u>Жоним бадани</u>нг шифоси булсин,
<u>Бошим кадами</u>нг фидоси булсин.

*(Алишер Навоий)*

AcJ ная

Бу байтдаги "жон" билан "бадан" ва "бош" билан "кадам" сузларида ифодаланган маъноларнинг мутаносиб-

лигидан ташкари, жонинг баданга шифо булиши билан бошнинг кадамга фидо булиши уртасида уйгунлик мавжуд. Бу — таносибнинг яхши намунаси! Ёки:

Хуросон демаким, ТТТеролу Табриз. Ки
кшшишдур найи килким шакаррез.

*(Аiиuiер Навоий)*

Мазкур байтдаги Хуросон, Шероз, Табриз щахар номлари — таносиб. Таносиб санъати хрзирги шоирларимиз шеъриятида дам тез-тез учраб туради. Масалан, шоир Усмон Носир "Юрак" шеърида таносиб санъатини усталик билан куллаган. Мана шеърнинг биргина банди:

Ющ сенсан менинг созим.
Тилимни найга жур этдинг.
Кузимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишкибозим.

Бу парчадаги "юрак" ва "соз", "тил" ва "най", "куз" ва "ой" сузлари англатган маънолари билан бир-бирига боглик,, мутаносиб.

Алишер Навоий газалидан олинган куйидаги байтни тахлил к,илинг:

Эй насими суб^, ахролим дилоромимра айт, Зулфи
сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт.

**Тажнис** (араб. {_г. ^ — ухшаш булмок,) — турли маънoли сузлар шаклдошлиги ва хамоданглиги. Атоуллод Махмуд Хусайнийнинг таъкидлашича, "ани жинос х.ам дерлар. Лугатта бир нарса била ухшаш булмоктур, жинос эса дамжинс маъносиндадур. Истилохта — икки ёки андин ортик. лафзнинг навъу турлари баён этилган куринишлардин бирида бир-бирига ухшамошдин иборатгур"[1].

Адиб ва аллома Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозий фикрича, "тажнис ул булурким, шоир байт ичинда икки

---

[1] *А. Хусайний.* Бадойиъус-санойиъ, 38-бет.

калима келтирурким, бири-бирининг жинси булгай бир важхдин"[1]. Тажнис, одатда, нозик суз уйинлари оркали юз беради. Тажнис заминини жинсдош сузлар — омонимлар ташкил килар экан, бу сузлар, биринчидан, ёзувда хам, талаффузда хам бир хил булиши, иккинчидан албатта, турли маъноларни ифодалаши ва, учинчидан, микдор жихатидан иккитадан кам булмаслиги шарт. Х,атто, адабиётда шундай поэтик жанрлар борки, унинг заминини, асосан, тажнис санъати ташкил этади, Мисол:

> ВОF6ОН КИЗ 6ОF аро курсатди юз,. Элга
> берган ваъдаларни килди юз, Бир
> кулимсиб бокди *хрч* ким билмади, ВОF аро
> бор эди бир-икки <u>юз.</u>
>
> (Дабибии)

Туюкда "юз" сузи уч марта (уч маънода) ишлатилган: а) биринчи мисрадаги "юз" сузи — 6ОF6ОН КИЗ куриниш берди; б) иккинчи мисрада "юз" сузи — киз эл-юртга берган ваъдасини тула-тукис бажарган; в) туртинчи мисрада "юз" сузи — бовда одам куп эди, деган маънони биддиради. Айни чокда, шеърда кулланилган "юз" сузи (омоним) такрори нозик суз уиинини келтириб чицарган — узига хос ох.ангдошлик пайдо булган.

Мумтоз адабиётимиздан бир мисол:

> Мени бехрл айлаган <u>ёр ойдурур.</u> Ким
> анинг васли манга <u>ёройдурур.</u> Гар висол
> булмаса кетар ёрим, Ё Хуросон, ё Хито, <u>ё</u>
> <u>Ройд^фVP■</u>
>
> ?; *(Бобур)*

Эътибор килинг-а: "ё ройдурур" сузи уч марта (шаклий узгаришлар ила — шакддошлик-ла) бошка-бошка маъноларда ишлатилган: а) биринчи мисрадаги "ёр ойдурур" — мени мафтун килган ёр; б) иккинчи мисрадаги "ёройдурур" — менга маъкул булган; в) туртинчи мисрадаги "ё Ройдурур" — Рой улкаси маъносини ифода этган. Бундан

---

*Ш. А. Тарозш.* Фунуну-л балота, 85-бет.

тадщари, "ё ройдурур" сузи (омоним суз сифатида), биринчидан, суз уйинини вужудга келтирган, иккинчвдан, охангдошликни яратган...

Келди санга ш умид била, эй мох;,
Лекин ездим щзингни хурмай *щ. ох,.*

*(Бобур)*

Байтдаги "юз" сузи — тажнис.

Тажнис санъати ранг-баранг куринишларга эта. Адабиётшунос Б.Саримсокрвнинг айтишича тажнис санъатининг йигирма икки хили бор. Аммо тажнис санъати таърифи ва тавсифи масаласида олимлар бир хиллиликка эриша олмаганлар. Масалан, Атоуллох. Махмуд Ху^&йний "Бадойиъу-с-санойиъ" асарида тажнисларни дастлаб икки тип (лафзий тажнислар ва гайрк лафзий тажнислар)га ажратади, *cfHi* хар бирининг ички куринишларини кайд этади. "Лафзий тажнис лафзларнинг ухшашлигадинибораттур. Сон, тур ва шакл жих.аттин х,амма харфларда ёки аксарида, уларнинг тартиби мувофиц булмоги шарт била" (88-бет). Лафзий тажнисларнинг беш тури бор: Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозийнинг "Фунуну-л балога" асарида тажнислар типларга (гурухдарга) ажратилмаган: тажнисотнинг етти навъи мавжудлиги к.айд цилинган, холос. Хуллас, олимларимизнинг дикдаг эътиборини торпан тажнис турлари куйидагалар:

**1. Тажннси томи** (мутлак. тажнис). "Аввалгиси тажнис-и томмдур, -деб таъкидлайди АДусайний, -ани тажниси тас-рих. дам дерлар ва ул турли маънолиг лафзларнинг талаф-фуз жихатидан тулик. мувофикдигидинибораттур. Тулик. мувофикликтин мурод улдурким, дарфларнинг сони, аларнинг тури тартибу шакли, харакату сукуноти, ташдиду тах-фифи ва мадцу ^асри баробар булгай..." ("Бадойиъу-с-са-нойиъ", 39-бет).

Мисоллар:

Ё раб ул шахду шакар ё лабдурур?
Ё магар шахлу шакар ё лабдурур?
Жонима пайвоста новак откали,
FaM3a у^ин ^ошиБа ёлаб дурур?

*(Алишер Навоий)*

Лаълидин жонимра утлар ёкилур.
Крши кдадимни жафодин ё килур.
Мен вафоси ваъдасидин шодмен, Ул
вафо билмонки килмас ё килур.

*(Алишер Навоий)*

Алишер Навоий туюкларидаш остига чизилган сузлар ("ё лаб дурур", "ё кщгур")нинг магзини чак^иб куринг. Бу сузларнинг ёзилиши ва талаффузи бир хил булса-да, улар турли маънoларни англатади. Х^аР иккала мисолимиздаги остига чизилган сузлар ("ё лабдурур" ва "ё кдггур" бир-бирига тула мувофик,, мое; харфлар сони хам, харакоту сукуни хам, хижолар микдори ва сифати хам... бир-бирига мувофикдир.

2. **Тажнис-н некие** (нукронли тажнис). Атоуллох. Хусайнийнинг айтишича, "ул лафзларнинг дарфлар сони, тури ва тартибида мувофик, булуб, х.аракоту сукунот, ташдиду тахфиф... турлича булмогидинибораттур ("Бадойиъу-с-санойиъ" 39-40-бетлар). Мисол:

Эйки, софий сохта айши маро аз дурду дард.
Дур бод аз гард-и ту осиб-и давр-и тезгард.

Тажнис-и нок,ис: дурд-дард, дур-давр. Буларда харф тартиби бир хил, лекин харакати х.ар хил. Таржимаси:

Эй дард дурд (май кущаси)идан менинг айшимни
софий (майнинг ТНННFН)
К,ИЛГИН, Тез айланувчи давр зиёни сенинг
теграngда узоц булсин.
Десангким: "жон сипар килгал, Отойим! Турубмен уш
мундок, улур, от ойим!

*(Атойи)*

Она ер вазни тутиб кифтида.
Одамлар к^албини олиб кафтида.

*(В.Бощобилов)*

3. **Тажнис-и музаййал.** "Ул андин ибораттурким, — деб
таъкидлайди Атоуллох, Хусайний, — х.арфлари сон жих.а-

тидин турлича лафзлар, аларнинг бирвда ортик.ча булган харфтин узга, дар иккисвда мавжуд харфларнинг турида бир-бирига мувофик, булгай. Аларнинг ул алфоздага тартибу шакли андог булгайким, агар харфларнинг сонида ихтилоф булмаса, алар орасинда тажнис-и томм досил булгай. Бу ихтилоф, аксар фусахр наздида, икки шаклдошнинг бирининг ё бошида, ё уртасида, ёки охирида бир харф ортикшщл;адур ("Бадойиъу-с-санойи", 41-бет). Мисол:

КУН курди оноси бу каро
КУН. Чекти бу к>аро КУН
ичра бир ун.

*{"Хамса")*

**4. Тажнис-и мафрук,** (ажратилган тажнис). Тажнисланувчи сузларнинг бири ёзувда ажралиб туради:

Бодасиз бетобман бу кеча ман.
Лаълинг истаб эмди жондин кечаман.

*(Муцимий)*

Бу дунёдин фарах, йук; тур мени махзунга жононсиз.
Жа^овдин ким десун биллох. керакмас манга жон онсиз.

Хуллас, узбек шеърияти бадиий санъатларга шу к^адар бойки, улардан айримларинигина куздан кечирдик, холос. XV аср шоири ва аллома Шайх Ах.мад ибн Худойдод Тарозий "Фунуну-л-балога" ("Балогат сирлари") асарида юзга якин бадиий санъатларни кайд килган ва уларнинг ихчам-ихчам талкинини берган[1]. Атоуллох. Махмуд Хусайнийнинг "Бадойиъ-у-с-санойиъ" асарида эса 143 та бадиий санъат тавсифланган. Бу фактларнинг узиёк. шеъриятимизнинг сермазмунлигини, ранго-ранглигини, латофатию тароватни курсатади.

[1] К,аранг: Ш. А. Тарозий. "Фунуну-л-балога. Т.,Хазина, 1996, 84-бет.

*Олтинчи боб ПОЭТИК*

*СИНТАКСИС*

Синтаксис...

Маълумки, тилшуносликда синтаксис ran курилиши, ганда сузларнинг тартиби хакдда бахс юритса, поэтик (шеърий нуткда) синтаксис эса шеър мисралари, байтлари ва бандларидаги жумла курилиши ва уларда ran булакларининг тартиби хакида фикр юритиш билан шугулланади. Шеърий нуткда, хусусан, шеърий жумла куриш, суз танлаш ва уларни ran курилишида мохирона ишлатиш масаласи мухдм ахамият касб этади. Поэзияда жумла курилиши, энг аввало, гоятда ихчам ва сикиклиги, сермаънолиги билан тавсифланади. Бу эса шеърда сузларнинг грамматик жихатдан богааниши, тилнинг синтактик нормалари каби катор масалалар билан алокадордир.

Шеърий нутк, сиитаксиси асар тилига образлилик, таъсирчанлик, жозибадорлик бахш этади. Л.И.Тимофеев айтганидек, синтаксис, худди лексика сингэри, шоир томонидан нуткди индивидуаллаштириш ва типиклаштириш учун фойдаланилади. Таъкидлаяг керакки, х.ар бир санъаткор асарлари поэтик синтаксисининг узига хос хусусиятлари б^глади. Чунки, шоирнинг ижодий индивидуаллиги унинг асарлари поэтикасида чукур из к.олдиради. Масалага шу нуктаи назардан Караганда Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур, Мукимий, Фурк.ат, Х^мзаХакимзода Ниёзий, Чулпон, Фитрат, Усмон Носир, Бафур Fулом, Хамид Олимжон, Уйрун, Ойбек, Миртемир, М.Шайхзода, Зулфия, Эркин Вох.идов, Абдулла Орипов каби шоирлар асарларининг поэтик синтаксиси узига хослиги билан бир-бирларидан ажралиб туради.

Хуллас, поэтик синтаксиснинг вазифаси бадиий асардаги ранг-баранг нуткий курилишлар ва образли тил воситалари, жумла тузиш усулларини тадкик. этишдан иборатдир.

**Н гонация** Интонация (лот. intonare — баланд товуш билан талаффуз килиш, укиш) — товушнинг баланд ва паст оханги, гапириш услуби, сузларни талаффуз зтиш усулларидир. Интонация поэтик фикрни тингловчига жозибали тарзда етиб боришига хизмат к,илади. Бадиий асарда интонация жуда мухим

ахамият касб этади. Хар бир асарнинг узига хос интонацияси булади. Нуткнинг узига хос синтактик тузилиши, сузларнинг гапдаги урни, улардан айримларини пауза билан, секин ёки тез талаффуз этилиши турли хилдаги интонацияни пайдо килади. Санъат асарининг интонацион бир бутунлиги унда олинган мавзу, Foa ва образлар тизими талабларига бутунлай мое булади. Хар бир суз, интонация, мазмун билан узвий боншк..

Шеърий суз матндаги урнига караб хитоб, киноя, шама, гина, упкалаш, таажжуб, шодланиш, мурожаат, Fурур, ундов, газаб сингари маъноларни англатади. Интонация жонли нуткимизда канчалик ранг-баранг булса, поэтик нуткда хам шунчалик ранг-барангдир.

Шеъриятда интонациянинг характерини, биринчи навбатда, лирик кахрамоннинг хис-туйгулари, рухий кечинмаларини белгилаб беради. Бошк.ача килиб айтганда, интонация лирик кахрамон характерини очувчи энг мудим воситадир.

Шеър интонацияси, одатда, баланд ва байтлардаги мисраларнинг, жумлаларнинг курилиши билан боишк. булади. Шу сабабли, шеърдаги жумла, ran курилиши шунчаки синтактик хрдиса эмас, балки ритмик-синтактик хрдиса дисобланади.

Шеър интонацияси интонацион даврлар (икки нук.та уртасидаги мустакил ва тугал жумла) ва улар таркибига кирувчи интонацион булаклар (интонацион давр ичидаги интонация жихатдан мустакил булмаган ва икки пауза уртасида келган нущ бирлиги) билан изохланади. Масалан:

Хаёлимда булдинг узун кун, Сени
излаб киргокка бордим. Оч
тулкинлар пишкирган тунда,
Топиб бер, деб ойга ёлвордим.

*(Хамид Олимжон)*

Бу бандда икки интонацион давр ва беш интонацион булак бор. Интонацион давр хар бир байтдан ташкил топади. Бирок, хамиша х.ам х.ар бир байт бир интонацион даврни ташкил кила бермайди. Интонацион давр баъзан бир банддан, хатто бир неча банддан хам иборат булиши

мумкин. Чунончи, куйидаги банд бир интонацион даврни ташкил этади:

Розимасман бир ёш томса кузимдан,
Розимасман сал ранг кетса юзимдан,
Йул ошсам-у, сал яшашдан адашсам,
Розимасман унда тамом узимдан.

*{Хамид Олимжон)*

Интонациянинг ранг-баранглиги асар тилига таъсирчанлик бахш этишини англаш учун куйидаги шеърий парчаларни киёслаб укиб курайлик:

Шодлик йулга бошлади мени,
Бахтиёрлик булди одатим. Шоир
булиб шодлик ва бахтни
Куйламаклик зур саодатим.

*Щамид Олимжон)*

Сенга мафтун б^либ, севиб крлганим,
Ишк^инг оловида уртанганим рост.
Сенинг ёдинг билан нафас олганим,
Исминг такрорлашга урганганим рост.

*(Зулфия)*

ладза замонлар умридек узун
Асрлар такдири ла^заларда хал
Умрдан утажак дар лахза учун
Кудратли кул билан куяйлик

*(Fatpyp*

Куримасдан дорга ёйган куйлагим,
Ёзмай шимарилди нозик билагим,
Вафосиз ёр экан к,онимни тукди, Шул
эрдими дустлар, севган тилагим!

*(Хата)*

Бу парчалар турли интонация билан ук,илади: биринчи мисол фахр, ифтихор; иккинчиси нозик лирик хиссиёт; учинчиси кутаринки романтик хис; туртинчиси ало^ида мунг билан укдлиши так,озо этилади. Демак, дар бир по-

этик асар узига хос интонацияга эга булар экан. Шуни хам айтиш керакки, хар бир асар интонациясишшг узи хам вокеа ривожи, вазият узгариши, к.ахрамон хиссиёти такрзосига кура камалакдек тобланиб туриши табиийдир. Масалан, "Зайнаб ва Омон" поэмасидаги айрим бандлар чукур лирик хиссиёт билан укилса, бошка бандлар алох.ида мунг билан, яна боцща бир уринлар газаб хис-туйгулари билан ук,илади. Умуман, интонация мазмуннинг жозибасини очиб беради, унинг ритми ва мусикийлигини равон килади, бадиий тилга таъсирчанлик багишлайди.

Интонация уз-узидан пайдо булмайди, балки уни, асосан, пауза, урFу ва нутк. суръати вужудга келтиради.

**Пауза** (юн. pau sis — тухташ, тиниш) — шеърий нуткда катта роль уйнайди. У аксар мисралар орасидаги турок,ларнинг охирига тушади, айрим суз ёки суз бирикмаларини бурттиради, уларнинг маъно ва ахамиятини таъкидлайди, шеърий нущка х.ис-х.аяжон баришлайди. Айник.са, шеърдаги байт ёки бандлар шеъриятнинг тугалланган бир булаги сифатида доимо пауза билан бир-биридан ажралади.

Шеър ритмини тартибли жойлашган нутк. булакларининг крнуний такрорланишисиз яратиб булмайди, поэтик нутк.даги бу булакларни эса паузасиз тасаввур килиш кийин. Масалан, Зулфиянинг "Хижрон кунларида" шеъридан бир бандни олиб курайлик:

| | |
|---|---|
| На гузал тунларки, севгили тунлар, | -6+5=11 |
| Узун киш тунлари узинг тушимда. | - 6+5=11 |
| Кора кузларингнинг дилбар нигохи | -6+5=11 |
| Кун буйи яшайди аклу хушимда. | -6+5=11 |

Бу туртлик 6+5 вазнида. Бунда фак.ат иккинчи турок, охиридагини эмас, балки биринчи турокдан кейин х.ам пауза пайдо булади. Бу — ритмик пауза.

Ритмик пауза шеър ритмининг бир боскичини билдириб келади, аммо у мисралар охиридаги паузалардан анча кдск.адир. Ми ера охиридаги пауза чузикрокдир. Шу сабабли кичик турокдан сунг келувчи паузани кичик ритмик пауза, миера охирида келувчи паузани катта ритмик пауза деб аташ мумкин. Пауза шеър охирини ташкил этишда мухдм роль уйнайди. Зотан, булинишда жуда оддий

куринган хар бир товуш, хдр бир суз факат интонация билан укилгандагина туда мазмунни ифодалаб уз таъсир кучини намоён килади.

**Ургу** — суздаги бугин ёки гапдаги сузларни овозни кучайтириш, товушни баланд килиш йули билан ажратиб, бурттириб ва таъкидлаб укищдир. УрҒу шеърдаги сузларнинг ахамиятига кура ажратиб ва бурттириб курсатишга, шеърнинг вазни ва охирини курсатишга хизмат килади. Масалан, Зулфиянинг "Уни Фархрд дер эдилар" манзумасидан олинган куйидаги мисраларда урҒу мисрадаги сузлар-нинг маъно ва интонация жихатдан буладиган мустакил-лигини бурттиради:

Дарёлардан, богаардан утдим, я
Са?фолардан, тогаардан утдим.

Бу мисраларнинг х,ар бирида учтадан суз бор. Биринчи мисрадаги хдр бир суз уз урнида, бугин ва сони ва урҒусп-нинг жойи жи^атидан иккинчи мисрадаги "уз шериги"га тенгдир. Бу хрл шеърдаги мусикийликка таъсир курсатади. Шу тарика сузнинг х,ар бирида ургунинг бир уринда келиши сузлардаги ох.ангнинг салмогида муайян бир кучни вужудга келтиради: х.ар бир сузнинг узи алох,ида бир ритмик булак даражасига кутарилади. АММО урҒу суз охирида келмаслиги хам мумкин.

**Поэтик фигуралар** Шеърий нутк. синтаксисининг энг мухим сох.аси — поэтик фигуралар.

Маълумки, бадиий асар тилининг ифодалилиги ва таъсирчанлигига фак.ат суз танлаш билангина эришиб булмайди, танланган сузларни мохирона бириктириш х.ам талаб к.илинади. Умуман айтганда, алох.ида ажратилган суз булмайди, улар х,амиша бир-бири билан бирикиб келади. Сузнинг мох.ияти факат бошк.а суз билан бириккан так.-дирда, жумла конструкциясидагина англашилади. Бадиий нуткда муайян суз бошк.а сузлар билан фак;ат маъно жих.а-тидангина эмас, тасвирийлик жих.атидан х.ам бирикади, узаро богланади. Хатто, жумладаги сузлар урнининг алмашинуви, урҒу ва интонациянинг узгариши, нутк. суръатининг тезлашиши ёки секинлашиши, сурок, ва ундов шакл-

ларининг киритилиши бадиий нутк. рух.ини узгартириб туради. **Бадиий адабиётда сузнинг маъноси ва ифодавийлигини кучайтириш максадида к,илинган шаклий-услубий узгаришлар — нущ обороти илмда фигура (лот. figura — образ, тарз)лар деб юритилади.**

Поэтик фигуралар, худци кучимлардек, бадиий нуткни белгиловчи воситалар эмас, у аслида инсон рухиятининг узига хослиги ва жонли тил табиатидан табиий равишда келиб чикдциган хдцисалардир. Одам хдяжонланган, кувончларга тулган, хафа булган ёки нафратланган пайтларида унинг нущи одатдагидан узгаради: нутк, осойишта эпик рухини йук.отади, ran курилиши бошкача туе олади — жумлалар киска-киска булади, баъзи сузлар тушиб крлади, баъзи сузлар эса такрорланади. Хатто, баъзан алохдда сузларгина эмас, бутун-бутун жумлалар хдм такрорланиб келади. Жонли тилдаги бундай узига хос хусусиятлар бадиий нуткда уз ифодасини топади. Шоир кахрамонларининг рух.ий х.олатини дакдоний ифодалашга интилар экан, даставвал, нутк. окимига, жумла тузилишига, суз танлаш ва уларни гапда жой-жойига куйиб ишлатиш масаласига жиддий эътибор беради.

Фигуралар, биринчи навбатда, персонажларнинг хистуйгуларини, кайфиятини ифодалашга к.аратилган булади. Одатда, кучимлар ёрдамида предметлар ва вокеа-хрдисаларнинг табиати (узига хос хислатлари, сифат белгилари) очилади. Фигуралар алохдда сузларнинг маъносини, ах.амиятини узгартирмайди, аксинча у инсон хиссиётига асосланиб бадиий нущ курилишига таъсир утказади.

Кучим ва фигуралар поэтик тил воситалари сифатида бир-бирига якин, х.атто уларнинг вазифалари дам куп лолларда бир-бирига мое тушади, бирок, кучим ва фигуралар айнан бир нарса эмас: улар тилнинг турли хусусиятларига асосланадилар ва турли йуллар билан нуткда бадиийлик, оригиналлик ва таъсирчанлик бахш этадилар. Кучимлар, даставвал, сузнинг маъно бойлигини очишга хизмат кдлса, фигуралар, биринчи навбатда, сузни ранг-баранг жумла оборотига киритиш йули билан унинг таъсир кучини оширади.

Поэтик фигуралар ранг-баранг куринишларга эга. По этик фигураларни, одатда, куйидагича тасниф килиб урганиш мумкин: ;· ,,, , ,,., :··

а) **Кучайтирувчи фигуралар** — тасвир объекта маъноси-ни, кахрамон хиссиётини кучайтириш, бурттириш, нутрий узгаришларни ифодаловчи тасвир усулларидир. Фигу-раларнинг бу гурухига градация, риторик сурок,, мурожа-ат, хитоб ва бадиий такрорлар мансубдир.

**Градация** (лот. gradatio — зинапоя) — тасвир объекта (маъноси)нинг мисрадан мисрага (суздан сузга) утган сари кучайиб боришини ифодаловчи сузлар (узига хос ran ту-зилиши). Градация эркин шеърда, ок. шеърда, сочма шеърда купрок.учрайди. Градация булиб келган сузлар шеър туки-масидан кутгинча зинапоя тартибда жой олади. Градация икки куринишга эга: а) **климакс** — тасвир объектининг маъноси ёхуд эхтирослар окимининг мисрадан мисрага, суздан сузга утган сари кучайиб, зурайиб бориши. Мисол:

Чучима жигарим,
Уз уйингдасан. Бу
ерда
на FypбaT,
на офат,
на FaM.
Бунда бор:
харорат,
мухаббат,
шафкат
I Ва мехнат нонини к^рамиз
Сен етим эмассан
Ухла жигарим.

*{Faipyp*

Бу шеърий парчада тасвир объекти (вазият, мухит)нинг икки ку1рраси (салбий ва ижобий) мисрадан мисрага (суздан сузга) утган сари чукуррок. очила борган ва интонация жи-хатидан юксакликка кутарилиб борувчи ох.анг вужудга кел-ган (климакс). Учинчи мисрада "гурбат", "офат", "гам" маънодош сузларнинг кетма-кет ишлатилиши ва инкорни ифодаловчи "на" сузининг бу сузлар оддидан такрорлани-ши мух.итнинг бир хислатини (салбийликни инкор этиш оркали) пешма-пеш очган булса, туртинчи мисрада "х.аро-рат", "мухаббат", "шафк.ат" ва "мех.нат нони" сузларининг зинапоя тарзда алодида-алох.ида мисраларда кетма-кет ке-

лиши-мухитнинг иккинчи хислати (ижобийлик)ни пешма-пеш чукуррок. очa борган. Шунга монанд интонация хам погонама-порона кутарилаверади. Шу тарика, шоир, биринчидан, тасвир объектини борган сари чукуррок. очишга, лирик кахрамоннинг х.ис-туйгуларини чукуррок. ифодалашга муваффак. булган. Бу — мумтоз градация!

б) **антиклимакс** — мисрадан мисрага, суздан-сузга утган сари тавсир объекти(маъноси) ёхуд эхтирослар окимининг сусайиб бориши. Мисол: шоир Эркин Вохидов "Асаблар" шеърида кулланган градация санъатининг куринишини антиклимакс деб белгилаш мумкин:

Асаблар,
Асаблар
Асаблар...
Сабабсиз сочилган газаблар.
Гуно^сиз чекилган азоблар.
Куз ёшлар...
Барига сабаблар
Асаблар, асаблар, асаблар.

Шоир Хамид Олимжоннинг "Мадорат" шеърида дай градация усули мохирона кулланилган. Мисол:

Жазо отрядининг товонларидан Бизнинг
пешонанинг к,онлари томган... *Хрч* куёш
курмаган бизнинг оркамиз, Яна биз
факир, кумаксиз,
якка.
Тирикчилик,
бола,
оила, Куни
к;олган факдт кусакка!..

Баъзан бир шеърда климакс ва антиклимакс (бир уринда) кетма-кет келиши х.ам мумкин.

**Риторик сурок., риторик мурожаат ва риторик хитоб —**

синтактик конструкциялари хдйратланиш, завк.-шавк., кувонч, шубх.а, газаб каби хис-туйгуларни ифодалайди. Бундай синтактик конструкциялар, одатда, бадиий нутк.к.а лирик буёк; беради, унинг таъсирчанлигини оширади.

Шоир асарда тавсирланаётган у ёки бу муаммога, у ёки бу вокеага укувчи дик.катини тортиш максадида риторик (юн. phito'r — оратор, нотик} сурокдан фойдаланади. Риторик сурок, оркали тингловчидан жавоб кутилмайди. Риторик сурокнинг куриншылари дар хил: шоирнинг уз кахрамонига ёки китобхонига сурoгa, персонажнинг шоир га ёки китобхонга саволи...

Шоир Абдурауф Фитратнинг "Миррих юддузига" шеъридан олинган куйидаги банд риторик сурокнинг ажойиб намунаси була олади:

Борми сенда бизим каби инсонлар, Икки юзли
ишбузарлар, шайтонлар? ' Урток, конин
конмай ичган зулуклар, ■ К,ардош этин
туймай еган кошгонлар?

Тасвир жараёнида шоир купинча укувчи, персонаж, предмет, вок.еа-х.одиса!арга мурожаат килади. Бундай мурожаат улардан жавоб олишни кузда тутмайди, аксинча, шу объектга эътиборни кучайтиради ва китобхонда бирор муносабат уйготади. Мисол:

Ранггинг тупрокка ухшар,
Сен ухшайсан кигизга,
Бормасдим сени кийиб, Ёрим
булажак к,изга.

*{Хамид Олимжон)*

Бу бандда шоир шинелга мурожаат килиш орк.али укувчининг эътиборини шунга к.аратади.

Риторик хитоб хам поэтик синтаксисда мухим роль уйнайди. Масалан:

Юрса агар томирда крнинг, Азиз
булса бир парча нонинг. Керак булса
номус, виждонинг, Булсанг йигит,
булсанг хамки чол: Кулингга курол
ол!

,.,■ *{Хамид Олимжон)*

**Бадиий такрорлар.** Одаща адабий асар тилида хар бир суз, товуш, суз бирикмалари, ran ва ran булаюгари уз урнвда

ва меъёрида келади. Агар товуш, суз, суз бирикмаси, ran ёхуд ran булаклари адабий асар тилида, хусусан, поэтик нуткда бемаксад такрорланса, бу салбий хрдиса — бадиийликка хилоф иш хисобланади. Поэтикада бунга сира йул куйиб булмайди. Аммо такрор, биринчидан, асар курилмасидан мустахкам жой олган булса, иккинчидан, муайян эстетик-г-оявий мак.садга хизмат килдирилган булса, у бадиий тасвир воситасига айланади — бадиий такрор сифатида урганилади.

Дархакикат, узбек шеър тузилиши (бармок. ва аруз шеър тизимлари) мезонларини белгилашда ва, хусусан, поэтик нуткда бадиий такрорлар катта роль уйнайди. Умуман айтганда, поэтик гояни узида ифодаловчи товуш. СУЗ. СУЗ бирикмаси; мисра. байт, банднинг шеър курилмасидан муайян КОНУНИЯТ асосидаги такроридан тузилган фонетик. лексик. морфологик. синтактик НУТК обороти бадиий такрорлар деб юритилади. Бадиий такрорлар поэтик нуткнинг ифодавийлигини оширади. Бадиий такрорларсиз шеър мусикийлигини, ритмини, вазнини, бандини ва к.офия санъатини тасаввур килиб булмайди. Бадиий такрорлар укувчи к.албига кучли х.иссий таъсир этади. Такрорлар, шубх.асиз, поэтик тилнинг образли тасвир воситалари ва шеър тузилиши унсурлари билан узвий бирликдагина уз вазифасини утай олади.

Бадиий такрорлар ранг-баранг куринишларга эга. Бадиий такрорларни урганишда куйидаги таснифга амал килиш мумкин:

а) Фонетик такрорлар: аллитерация, ассонанс, консо нанс ва боищалар;

б) Лексик такрорлар: асиндетон, полисиндетон, радиф, анофра, х.ожиб;

в) Морфологик такрорлар: суз-узак такрори, аффикс такрори, к.айтариш санъати, суз туркумлари такрори, суз бирикмаси такрори, тарду акс, мусалсал, учма-уч улаш (симплока) ва бошк.алар;

г) Синтактик такрорлар: параллелизм, мисра такрори, байт-банд такрори (халка, нак.арот, мусавият тарафайн, тав тология, плеонизм, ва бошкалар)...

**Такрир** (араб, J^J" — такрор) — муайян мак,садда асар матнида лафз ёхуд маънони такрорлаш санъати. Бу санъат

баъзи манбаларда "такрор", "тардид", "тасдир" деб юриталган. Шеършунос аллома Атоуллох, Махмуд Хусайний "Бадойиъу-с-санойиъ" асарида мазкур санъатни "такрир" деб атаган. Олимнинг фикрича, ул "маънонинг такрори, яъни ани (маънони — Т.Б.) мук,арраpу мухакхак. килмок, ЯНГЛИБ нукта учун лафзни такрорламактин ибораттур.

...маъно такрири шубхани инкор килмок. урнида, ... таъзин, яъни бир нимани улуг-ламок. урнида, тахдидни таъкидламок., истиъзоб, яъни такрорланган ниманинг зикридин рохатланмогу лаззатланмок. янглиг, калом давом этиб тур ганда эслаб турмок. киби маъноларда юз беради"[1].

Маънавий такрирларнинг гоятда мухим аломати шундаки, одатда, шеърнинг илк байтида тезис сифатида берилган поэтик маъно унинг кейинги мисраларида далилланади. Чунончи, шоир Бафур Рулом "Сен етим эмассан" шеърида даставвал:

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим.

байтини беради-да (бу поэтик фикр — тезис), дарх,ол уни далиллашга киришиб кетади. Ахир, шоир урушда ота-онасидан, уй-жойидан ажраб к.олган — том маънодаги етимлар — норасида гудаклар хакдда фикр юритмокда-да! Хуш, нега бу гудакларни етим деб булмайди? Мана шоирнинг дал ил и:

Куёивдай мехрибон
Ватанинг — онанг,
Заминдай вазмину
Мехнаткаш, мушфик;,
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халк, бор — отанг бор.

Демак, она-ота бар^аёт: Ватан — она, халк. — ота! Фавкулодда кучли мантик,! Щу сабабли бу болаларни етим деб булмайди! Бунинг устига, кейинги мисрадаги "уз уйингдасан" жумласи х.ам далиллашни муста^камланган. Сираси-

[1] *А. Хусайний.* Бадойиъу-с-санойиъ, 172-173-бетлар.

ни айтганда, шеърнинг бутун тукимаси тезисда куйилган ("Сен етим эмассан") поэтик гояни далиллаш асосига курилган. Бу уринда шоир Рафур Рулом мумтоз шеъриятимизда кенг кулланилган такрир санъатини эркин шеър табиатига мослаштириб ривожлантирган. Мана замонавий такрир санъати! Бу санъат х,озирги шеъриятимизда муваффакият билан кулланилмокда.

Хозирги узбек шеъриятида эркин ва катъий тизимли такрорлар кенг кулланилмокда. Масалан,

Кум-кук. '
Кум-кук.
; Кум-Кук...
Куклам куёшидан кукарган кирлар,
Пулат ягринларни
кутарган ерлар
кум-кук!..

*(Хамид Олимжон)*

Бу барчада "кум-кук" сузи биринчи мисранинг узида айнан уч марта, учинчи мисрада бир марта такрорланган. Бундан кейинги бандда эса бешинчи мисрада шу суз бир марта к.айтарилган, холос. Демак, "кум-кук" сузи эркин ^одда такрорланган. Бу суз шоирга Фаргона водийсининг гуллаб-яшнаган, кум-кук водий эканлигини бурттириб ифодалаш имконини берган, бадиий таъкид сифатида шеър тилининг образли ва эмоционал туе олишига кумак берган.

Эркин бадиий такрорларнинг гузал намунаси сифатида шоир Абдулла Ориповнинг "Икар" шеърига бир назар ташлайлик.

"Икар" шеъри ун бешта туртликдан таркиб топган. Шеърда "Икар" — бадиий такрор воситаси — у асарда ун олти марта такрорланган. Хуш, "Икар" сузи (номи) кандай тартибда такрорланган? "Икар" сузи биринчи бандда бир марта, иккинчи бандда икки марта, учинчи бандда икки марта, туртинчи бандда *ИККИ* марта, бешинчи бандда бир марта, олтинчи бандда бир марта, еттинчи бандда бир марта, саккизинчи бандда икки марта, тукхизинчи бандда бир марта, унинчи бандда бир марта (ун биринчи, ун иккинчи ва ун учинчи байтда "Икар" сузи йук}, ун туртинчи

ва ун бешинчи бандца бир марта такрорланган. Шунингдек, "Икар" сузининг шеър курилмаси жойлашиш тартибида ^ам бир хиллик йук; 1,4,5,7,14,15-бандларда мисра бошида; 2,3,6,8,9,10 бандларда мисра ичида; 2-банддагина мисра бошида ва ичида келган-у, 11,12,13-бандларда эса "Икар" сузи такрорланган эмас. Демак, шеър тукимасида "Икар" сузи катъий тизим асосида эмас, эркин равишда такрорланган:

Фазога илк бора канот кокдани
Икар деб атамиш хаёлан инсон.
Узини беаёв утда ёкдонни
Унутмай юради абадий жахрн.

Икар битта эмас, йук,, битта эмас,
СаНОFН юлдузлар мисоли катта.
Кимки илк савобга из очдими, бас,
Шу йулнинг Икари булгай, албатта.

Ярошм иук. дея илк бора кулин
.■;.' Саломга чузган х,ам Икар аталгай.
Тарк этиб кордаги асрий манзилин
Илк чайла тузган ^ам Икар аталгай...

Хуллас, Абдулла Орипов шеърда бадиий такрор санъатини куллаб, йулбошловчи, ташаббускор, фидойи инсон образини Икар тимсолида мо^ирона умумлаштира олган. Шу тарика, Икар — инсон орзу-умидлари тимсоли булиб к.олган!

К.Симоновнинг "Мени кутгил" шеърида эса "Мени кутгил ва мен к,айтарман" мисраси кдтъий тизим асосида такрорланиб келади, яъни шу шеър уч кдсмдан иборат булиб, *хщ)* бир кисми ун икки мисрадан таркиб топган ва ^ар бир кжм "Мени кутгил ва мен кайтарман" мисраси билан бошланади (рефрен).

**Анафора** (юн. anaphora — юкррига чикиш) — к.атъий тизимли такрорлардан бири. Шеър ёки банддаги мисра(гап)ларнинг бошидаги суз ёки суз бирикмасининг бошк.а мисраларнинг бошида айнан такрорланиб келиши анафора деб юритилади. Масалан:

На кукнинг фонари учмасдан, г ,! На
юлдуз сайр этиб, кучмасдан,

На уфк, урамай ёкут — зар, .;»
•ч На булут силкитмай олтин пар,
Тонг кулмасдан бурун турарди.

*(Уйтун)*

Шеърий парчадаги тагига чизилган сузлар катьий тизим асосида (мисраларнинг бошида ва айнан) такрорланиб келмокда. Шу сабабли "на" суз такрори анафора вазифасини угамокда.

Шоир Чулпон "Пуртана" шеърида "пуртана" сузини анафора сифатида куллаб, тасвир объектини таъкидлаб курсатади:

i • Пуртана кузгалди, пуртана юрди
Пуртана узини к;иргок;ка урди.
Пуртана олдида бир кема курди:
Ичи зич одам... уйнатди, сурди.

Шунингдек, шоир Хамид Олимжон "Узбекистан" шеърида "бунда" сузини анафора кдииб олар экан, шу восита билан севимли улкамиз Узбекистонга китобхонлар дик^атини к;айта-к,айта тортади (бадиий таъкид) ва х;ар сафар гузал диёримиз хислатларининг у ёхуд бу киррасини кашф этади, интонациянинг ута жушкднлигига эришади:

Бунда булбул китоб ук;ийди,
Бунда куртлар ипак тук,ийди,
Бунда ари келтиради бол, Бунда
кушлар топади щбол. Бунда
кррнинг тагларида к;иш, Бах;ор
учун суйлайди олкдш.

Шеърда "Шунинг учун", "Шундай улка", "Омон булсин" анафоралари хам жуда уринли кулланилган. Умуман, айтганда, шоир Хамид Олимжон анафора санъатида катта мадорат курсата олган устоздир!

Узбек мумтоз шеъриятида хам анафора санъати ишлатилган. Масалан, Зах.ириддин Мух,аммад Бобурнинг куйидаги газалида анафора санъати ишлатилган:

Кайси бир озорин айтай жонима агёрнинг, Кайси бир орриткрнин кунглумни дей дилдорнинг. Кайси бир берахмлигани толии гумрохнинг, Кайси бир кажравлигани чархи кажрафторнинг Кайси хасрат бирла армонин вафосиз васлнинг Кайси мехнат бирла ранжин фуркати хунхорнинг.

Анафора санъати шеърий нуткдагина эмас, насрий нутк.-да хам ишлатилаверади.

**Учма-уч улаш** (стик ёки симплока) — бадиий такрорларнинг бир тури. Бир жумла ёхуд бир мисра охиридаги суз ёки суз бирикмаси бошка жумла ёки мисранинг бош кисмида такрорланиб келиши — учма-уч улаш ёки симплока деб юритилади. Масалан, шоир Рафур Руломнинг "Туй" балладасидан олинган куйидаги мисраларда шу усул муваффакиятли кулланилган:

Урток, к;излар ташвишидан хаттоки, малол —
Малол севги юкларини кутармас сира...

Демак, биринчи мисранинг охирида келган "малол" сузи иккинчи мисранинг бошида айнан такрорланиб, хар иккала мисра бир-бирига боЕпанган.

Шоир Абдулла Орипов "К,оЗоғнстон" шеъридаулаш усу-лини шундай куллайди:

,
Тиник, чашмалар бор хаддан зиёда,
Мавийдир Балхашнинг суви хам бирок;.
Ещок, к,озок; халкин цалби дунёда
Барча чашмалардан кура тиникрок,.

"Бирок." сузи, биринчидан, иккинчи мисра билан учинчи мисрани улаяпти — композиция жих.атидан бир бутунлик х.осил килинаяпти ва, иккинчидан, к.озок. халки хал-бининг бенихря мусаффолигини таъкидлаб-бурттириб курсатишга хизмат килаяпти.

Бадиий нуткда суз ёки суз бирикмасигина эмас, балки от, сифат, сон, олмош каби суз туркумларининг кайтарилишидан х.ам бадиий такрблрлар келиб чикиши мумкин. Масалан:

Гузаллик, ■-■■!■•■■. ,...., .;.
нафосат,
кураш ва санъат
Шеър ила шахматга азалий удум.
Минг йиллик умрвда улар бешафк;ат
Доимо шохларга бошлаган хужум.

*(Эркин Болидов)*

Бу шеърий парчада "гузаллик", "нафосат", "кураш", "санъат", "шеър", "шахмат" сузлари уюшиб келаяпти, яъни отлар такрорланаяпти.

■ ...■•• Шоирларга хайрон булманг, . ч
Шоир халк^г турфарок. Гохи
МаҒрур, гохи дилтанг, Годи х,азин,
гох, тумтарок,.

*(Эркин Болидов)*

Бу шеърий парчада эса "турфарок.", "МаҒрур", "дилтанг", "хазин", "тумтарок." сузлари, яъни сифатлар уюшиб, бадиий такрор санъатини вужудга келтирган.

**Халк,а** — узбек шеъриятида кенг кулланилган бадиий такрорлардан бири. Бу *усулнинг* узига хослиги шундаки, бунда шеърнинг бошида келган мисра, байт ва, хатто, банд шу асарнинг охирида айнан такрорланади. Х^алка, биринчидан, шеър гоясини таъкидлаб курсатса, иккинчидан, шеърнинг бошк.а бандларини уз доирасига к.амраб олади — шеърнинг композицион бир бутунлигини вужудга келтиради. Халк.а купгина шоирлар ижодида учрайди. Аммо бу санъатнинг мохир усталаридан бири шоир Хдмид Олимжонлиги шубх.асиздир. Келинг, яхшиси Хдмид Олимжон ишлатган х.алк;алардан мисоллар келтирайлик. Чунончи, "Узбекистон" шеъри:

Водийларни яёв кезганда, Бир
ажиб хис бор эди менда...

байти билан бошланиб, шеърнинг охирида х.ам худди шу байт айнан такрорланади. Шунингдек, "Урик гуллаганда" шеърида:

Деразамнинг олдида бир туп
Урик опгюк, булиб гуллади...

байти халка сифатида келган; "Энг гуллаган ёшлик чогамда" шеърида:

Энг гуллаган ёшлик
Сен очилдинг кунгил боишда

байти халкадир. Шоир баъзан байтнигина эмас, бандни хам халка килиб ишлатган. "Болалигим хакида" шеърида:

К,анча кунлар оркада крлди,
. ■ • Кетди колди к;анча манзиллар.
Кднча юртлар, элларни олди,
■■.■•■
. ;,
Тинимини тарк этган еллар.

банди халка вазифасини утаган.

Узбек мумтоз шеъриятида хам халка санъати ишлатилган. Чунончи, Алишер Навоийнинг "Крши ёсинму дейин..." деб бошланувчи газали етти байтдан иборат булиб, шулардан матлаънинг илк мисраси ("Крши ёсинму дейин, кузи к,аросинму дейин") билан мактаънинг сунгги мисраси ("К.ОШИ ёсинму дейин, кузи к.аросинму дейин") хдлка булиб келган. Бу додиса мумтоз шеъриятимизда радд ул-матлаъ санъати деб юритилган. "Сочининг савдоси тушти бошима бощдин яна" (Бобур), "Эй гадойингнинг гадойи барча ахли тожу тахт" (Алишер Навоий), "Ким курубдур, эй кунгил, ахли жахрндин яхшилиг" (Бобур), "Кошки бир ерда булсак эрди жонон иккимиз" (Фуркат) мисралари радд-ул матлаъ сифатида кулланилган.

**Тарду акс** (араб. JJ^J? — х;айдаш, <_₂^ — тескари; jj^-k— тескари х^айдаш; *Jk* -ьj — алмаштириш, узгарти-риш) — суз, ибора, суз бирикмаси шу мисранинг узида, байтда терс такрорлаш санъати. Тарду акс тарихий поэти-кага оид манбаларда "акс", "тарду акс", "табдил" деб хам юритилган. Шеършунос аллома Атоуллох. Махмуд Хусайний тарду акс санъатига куйидагича таъриф берган: "Ул андин иборатким, каломнирг бир булагин иккинчи бир булагининг олдига куярлар, сунгра анинг аксин к.илурлар,

биринчи булакнинг урнин иккинчисиники била алмаштирурлар"[1]. Мисоллар:

Кузунг не бало каро булибтур, j
Ким, жонга каро бало булибтур.

*(Апишер Навоий)*

**Каро** кузум. келу мардумлуг эмди фан к.илгал,
Кузум каросида мардум киби ватан килгил.

*(Апишер Навоий)*

Кунгулга булди ажойиб бало каро сочинг,
Шикаста кунглума эрмиш каро бало. сочинг.

*(Бобур)*

Биринчи байтда "бало каро" — "каро бало", иккинчи байтда "каро кузум" — "кузум кароси" ва учинчи байтда "бало кдро сочинг" — "каро бало сочинг" суз бирикмаси хар бир байтнинг иккинчи мисрасида терс такрорланиб, маънони таъкидлашга, маънодошликни вужудга келтиришга, таъсирчанлик ва бадиийликни оширишга хизмат килдирилган. Бу санъат мисрада ёхуд байтда амалга оширилкши мумкин. Агар у мисрада амалга оширилган булса — махраж (тугалланмаган) ёхуд байтда амалга оширилган булса — комил (тугалланган) деб юритилган ва поэтикада "комили тарду акс" — мукаммал х.исобланган. Мисол:

йук кунгулдину // кунглумга йук; жондин хабар,
Менга не уздин хабар, // не кунглум олгондин хабар.

*(Апишер Навоий)*

Мазкур байтнинг биринчи мисраси икки ним мисрага ("Жонимга йук. кунгулдину" // кунглумга йук, жондин хабар") ажратилади, сунг биринчи ним мисра (булак)даги сузлар тартиби (Жонимга йук. кунглумдину) иккинчи ним мисра (булак) урнида тескари келади. ("Кунглумга йук. жондин хабар"). Демак, мисранинг биринчи булаги (би-

[1] "Бадойиъу-с-санойиъ", 76-6ет.

ринчи ним мисра)даги сузлар тартиби унинг иккинчи була-ги (иккинчи ним мисра)да шунчаки жун такрорланмайди — терс такрорланади ва шу йул билан шоир бир мисрада бадиий таъкид усулини ишлатиб поэтик маънони кучай-тирган. Ана шу санъат-махражи тарду акс деб юритилади.

Вах. не бало кародур. эй шух, каро бало кузунг, Гар
худ эмас каро бало. бас, не бало каро кузунг.

*(Алишер Навоий)*

\-

Байтнинг биринчи мисраси (биринчи ним мисраси)да-ги "бало каро" суз бирикмаси шу мисрани иккинчи ним мисрасида, "каро бало" сифатида терс такрорланган (мах-ражи тарду акс) булса, иккинчи мисра (учинчи ним мис-раси)да "каро бало" хамда биринчи мисранинг икки ним мисрасидаги "каро бало" суз бирикмаси иккинчи мисра (туртинчи ним мисра)да "бало каро" тарзида келган — комили тарду акс санъатини вужудга келтирган. Демак, бир байтда хам махражи тарду акс, хам комили тарду акс санъати кулланилган. Энг мукаммал, тула санъат — мана шу!

Илми бадеъда тарду акс санъатини мазмун(мохият)ига кура куйидагича икки гурухга ажратиб урганиш анъанаси бор:

**а) тарду акси мутах.одий.** Тарду акс вазифасини утовчи сузлар (иборалар) суз бирикмаси янги маънони ифодала-маса, факат бадиий таъкид, (бурттириш) учун хизмат кил-дирилган булса, булар "тарду акси мутахрдий" деб юри-тилган. Мисол:

Кунгилга булди ажойиб бало каро сочинг.
Шикаста кунглима эрмиш каро бало сочинг.

*(Бобур)*

Сиз бизни севардингиз. устоз Нозим,
Севарпингиз бизни Сиз, устоз Нозим,

*(Абдулла Орипов)*

**б) тарду акси мужрий.** Тарду акс булиб келган суз, ибо-ра ва суз бирикмаси янги м^ъно ташиса, бундай тарду акс тарду акси мужрий деб юритилади. Мисол:

Не булди дардима, эй бевафо, даво килсанг,
Вафога ваъда кдлиб, ваъдага вафо килсанг.

*(Алишер Навоий)*

Таъкидламок, жоизки, тарду акс санъатининг шаклий куринишлари (комил ва махраж) бир маънавий куринишлари (мутахдпий ва мужрий) бир-бирини истисно этмайди, аксинча улар кушилиб кетган хрлда намоён булади[1].

**Мусалсал** (араб. J-J—-* — занжирсимон, яъни халкд-халкд к,илиб улаш) - шеър банд (байт)ларини бадиий такрорлар воситасида бир-бирига халкд-халкд кдгаиб боглаш усули. Бу усул хрзирги шеършуносликда учма-уч улаш (стик ёхуд симплока) деб юритилади. Мусалсал санъатининг узига хослиги шундаки, шеър банди (байти)нинг сунгги сузи галдаги банд(байт)нинг илк сузи урнида айнан такрорланиб келаверади. Шу тарифа, шеър композициясида бадиий яхлитлик вужудга келади. Бу усул кичик лирик жанрдаги асарларда хам, йирик хажли эпик асарларда ишлатилаверади. Мумтоз шеъриятимизда, кдсман х.озирги шеъриятда х.ам мусалсал санъатининг куйидаги икки куриниши учраб туради:

а) Асарнинг айрим банд(байт)лари ва мисраларини улашда ишлатиладиган мусалсаллар. Мисол:

Жадонда зодар айлаб куп заройиф,
Жадон адлин доги килди тавойиф.
Тавойиф чунки булди мухталифваш, Бу
ердек паст, ул утдек тунду саркаш.

*{"Хамса")*

Тиник; чашмалар бор ^аддан зиёда,
Мовийдир Балхашнинг суви хам бирок.
Бирок, крзок. халкин к.алби дунёда Барча
чашмалардан кура тиникрок..

*{Абдулла Орипов)*

б) Асарнинг барча байт(банд)ларини бир-бирига зан жирсимон ьдялиб пайвандловчи изчил мусалсаллар. Бади-

[1] К,аранг: *Ё. Исх,оцов.* Тарди акс. Узбек тили ва адабиёти, 1971, 6-сон, 82—83-бетлар.

ий такрорлашнинг бу куриниши, асосан, кичик лирик жанрларда учрайди. Чунончи, шоир Ферузнинг "Нечук офат эдинг" деб бошланувчи газали мусалсал усулида ёзилган. Мана шу газалнинг икки байти:

Нечук офат эдинг, эй сарвикомат,
:: Бошимга солди ишкинг юз киёмат.
Киёмат шурашин жахрнга солдинг,
Жахондин мунъадам булди фарогат...

**Мусавият тарафайн** (араб. ^^ ^ jL~. — икки тараф тенглиги) — шеъриятда ran курилиши усулларидан бири. Бу усулнинг узига хослиги шундаки, унда шеърда ишлатилган сузларни одатдагидай энига караб укилганида кандай мисра — ran тузилиши келиб чикса, буйига караб укилганида хдм айнан шу мисра-ran пайдо булади. Масалан, шоир Огахий 4 (туртлик) "Девон "ида куйидаги туртлик борки, у мусавият тарафайннинг гузал намунасидир:

Ул шухки, очилди хатту рухсори,
Очилди раёхилда юзи гулнори, Хатту
юзи бесабри-карори ман-ман
Рухсори гулнори ман-ман зори.

Шу туртликдаги мисра-гап тузилишига эътибор килинг-а: биринчи мисрадаги турт суз ("Ул шухки, очилди хатту рухсори") хар туртала мисранинг биринчи рукни (буйига караб укинг) айнан такрорланган ("Ул шухки, очилди хатту рухсори"); туртликнинг сунгги рукни (буйига к,араб ук.инг)даги мисра-гап тузилиши ("Рухсори гулнори ман-ман зори") сунгги мисрада (энига караб укинг) айнан такрорланган ("Русхори гулнори ман-ман зори"). Шу усулда ёзилган шеър турт мисра булса мураббаъ(туртлик) деб юритилади. Мана мусавияти тарафайн санъати! Санъатнинг бу тури шеъриятда камрок. учрайди. Адабиётшунос Нодира Афокрва "Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар" номли китобида: "...Октябрь тунтарилишидан кейинги давр узбек адабиётида биз мураббаънинг ягона намунасини шоир йсроил Субх.он ижодида учратдик:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Юзинг<br>Гсдо<br>Ой<br>Мисоли | го^о<br>мутлак.<br>киеси,<br>йук. | ой<br>кдеси<br>кун<br>ад оси | ми сол,<br>йук,.<br>адоси,<br>йук. |

...Бундай бадиий санъатларни куллаш уз даврида хам кенгтарк,алмаган ва айни санъат намойиш учунгина... асарлар ёзилган"[1].

Мувавият тарафайн санъати ижод жараёнини сунъий равишда кдйинлаштириши ва, хусусан, шаклбозликка берилиб кетиш хавфини тувдириши мумкин.

**б) Пасайтирув фигуралар**

тасвир объектини ёхуд эхтирослар ок,имини ва интонацияни пасайтириш (сусайтириш)ни ифодаловчи тасвир усуллари пасайтирувчи фигуралар деб юритилади. Фигураларнинг бу гурух.ига эллипсис, сукут (жим крлиш), сузларни булиб-булиб айтиш кабилар мансуб.

**Эллипсис** (юнон. elleipsis — тушириб крлдириш, суз те-жаш) — асар тилида сузларни тежаб ишлатиш усули. У ёхуд бу фикрни ифодалаш учун энг зарур сузларнигина ишлатиш, иккинчи даражали сузларни онгли равишда тушириб крддириш йули билан шоирлар локанизмга эришади. Эл-липсис-шу! Масалан: шоир Чулпоннинг "Халк," шеъри:

Халк. денгиздир, халк. тулк.индир, халк. кучдир,
Хал*; исёндир, халк, олов, халк, учдир...

байти билан бошланадики, бу байт эллипсиснинг ажойиб намунасидир.

Эллипсислар купинча диалогик нуткда, ма^ол, хикматли суз ва фразеологияда учрайди, Шеъриятда х.ам, насрда хам эллипсислар ишлатилаверади. Мисол:

Ба^ор улкасида кездик кечгача, Унинг
томошаси севинчларга бой. Какку куши сайрар
х;ар о^вдин кеча, г Лолалар — апрелдир. атир
гуллар — май...

*(Амин Умарий)*

[1] *Н. Афоцова.* Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. Бухоро, 1994, 12—13-бетлар. . ; „ ., , „ „

Йуллар — уткир,
Одамлар нур,
армон — **хур.**
Томирларда
тебранган
жон
айтар:
— юр.
Карашлар — тук... Бу
— зур ок.ин,
Бу — бир ердан учган ук..

*(Хамид Олимжон)*

Ойдин кеча.
Ёнар кукда зар.
Уйга чумиб дединг, гул юзим:
"Осмон тула сонсиз юлдузлар,
Кайси экан менинг юлдузим".

*(Эркин Болидов)*

Сени севдим, севаман хаёт!
Сен — куёшсан. мен унда ёлкин.
Сен — ме^натсан, сенсан садокат,
Сен — дарёсан. мен сенда тулкин.

*(Барот Бощобилов)*

Остига чизилтан мисраларга эътибор килинг-а: канчадан кднча тафсилотларни ифодаловчи сузлар атайлаб к,иск,артирилиб юборилганлигини, аммо бундай к,иск;артириш маънога мутлак;о халал бермаганини — шу тарифа локанизмга эришилганлигини осонликча пайк,ай оласиз. Бу — эллипсис! Эллипсисларсиз шеърий нущ синтаксисини тасаввур к,илиб булмайди. Бу усул мумтоз адабиётимизда "ийжоз" деб юритилган.

**Сукут** (жим к;олиш) — бадиий нуткда суз ёхуд суз бирикмасининг тушиб крлиши. Одатда шоирлар нимадандир кдттик, даяжонланган инсон нутк^ни ифодалаш зарурати тугилган такдирда сукут усулидан фойдаланадилар. Чунки, каттик, ^аяжонланган киши уз фикрини осойишта о^анг билан тула ва мантией изчиллик билан баён кила олмайди — бундай дамларДагина сукут усули жуда кул келади. Сукут тасвирланаётган вокеа-хрдисаларнинг гоятда

мураккаблигини, суз билан баён килиш нихрятда мушкуллигини ифодалайди. Шу усул билан шоир тасвир объектига укувчининг эътиборини каратади.

Сукут, одатда, тур ли маъноларни ифодалайди. Чунончи, у кахрамоннинг ортик. даражада хаяжонланганлигини курсатади. Масалан, "Зайнаб ва Омон" поэмасидаги Зайнаб ва Анорхола тукнашувини эслаб курайлик. Колок; урф-одатларга каттик. берилган Анорхола Зайнабнинг Омонни севишини эшитиши биланок. тутакиб кетади. Унинг шу пайтдаги Базаб ва хаяжонини шоир сукут усули оркали жуда аник, ифодалаган. Мана шу эпизод:

Беномус к;из, айт тукрисини,
Бахти к;ора! Эл номусини
Орсизларча паймол этгавда,
Заррача эс бормиди санда?

,

;
К,айси шайтон йулга бошлади?
К,ай х;ароми утга ташлади?
Йулдан урди к,айси бир маккор?
Очигини суйлагил, беор.'
Сенга буни кимлар Ургатди,
*Кучотнгда* к;ай *иблис* ётди?

Бу парчадаги нукталар (сукутлар) Анорхоланинг Болтда газабланганлигини курсатиб турибди. Шоир к,ахрамоннинг суз билан ифодалаши мумкин булмаган х,ис-туйгуларини сукут усули билан гоятда ихчам ва бенихря таъсирчан килиб ифодалай олган.

Умуман айтганда, сукут орк.али кахрамоннинг газабини х.ам, саросимасини *щи* ифодалаш мумкин. Бундан ташкари, сукут фикр ёки вок,еа тасвирининг тугалланмай к.олганлигини, давоми борлигини ёки булиши мумкинлигини х.ам англатади. Масалан:

Даре тинмай солади шовк,ин, Киз
кузидай к;ора эди тун. К,из
калбидай пок эди хаво, К,из
к;албидай севгига даво.
Борликдаги шу нафис хрлда л
Япроклар хам енгил шамолда '
Шитирлашиб уйин солдилар,

Бир-биридан буса олдилар. Бутун
борлик, жон кулогани К^уйиб
тинглар Омоннинг сасин, Икки
дустнинг бахтли чопши, Икки
ёрнинг оташ бусасин...

*(Хамид Олимжон)*

Сукут муаллиф тилида дам, персонаж нуткида дам кулланилавериши мумкин.

**К^тиъ** (араб. ^JaJ — кесиш) — бадиий нуткни кесиш усули. Проф. А.Фитрат таъкидлаганидек, инсонда шундай дис-туйгулар, фикр-мулодазалар дам буладики, уларни ифодалащда ортикча сузлаш "фойдасиз булганини сезган шоир бирдан сузини кесадир, узининг суйлашдан ожкз крлганини англатмок; йули билан туйгуларининг кучини курсатмок; истайдир. Бунга адабиёт тилида "кесиш" ("к.атъ") дейилади"[1]. Масалан, шоир Хамид Олимжон "Кдш кечасидан" шеърида лирик кадрамоннинг к.иш манзарасидан олган завк.-шавкларини катиъ усулида ута таъсирчан ва жозибали ифодалай олган:

Йуллардан
завк,
билан
келамаи,
Хар ён — жим...
СевИНЧИМ
ёнаркан — кунглимда...
еламан...
...жилман....

Шоир Абдулла Орипов "Узбекистон" шеърида:

Бир улка бор дунёда бирок,:
Битилмаган достондир бори:
Фак;ат ожиз к;аламим маним,
Узбекистон, Ватаним маним.

деб ёзганида дам к.атиъ усулини мадорат билан куллаб (датто "Факат ожиз к.аламим маним" деб) лирик кадрамоннинг

[1] *А. Фитрат,* Адабиёт цоидалари. С. Т., Уздавнашр, 1926, 84-бет.

жонажон улкага булган мехр-мухаббати чексиз эканлигига китобхоннинг эътиборини тортган. Яна шу шоирнинг "Инсон калби" шеърида хам катиъ усули Боятда санъаткорона ишлатилган:

Инсон калби билан хазиллашманг сиз,
Унда она яшар, яшайди Ватан. Уни жун
нарса деб уйламанг харгиз. Хайдот!
К^зралмасин бу К,алб дафъатан!..

**в) О^ангдош фигуралар.** Охангдош фигуралар — шеър-да охангдошлик, мусикийликни вужудга келтиришга ёр-дам берадиган тасвир усулларидандир. Бу турга параллелизм, анноминация, антанаклассис, суз уйини каби фигуралар киради.

**Параллелизм** (юнон. parallelos — ёнма-ён турувчи) — халк. ОБзаки поэтик ижодида, мумтоз ва хрзирги шеърия-тимизда фаол кулланилган бадиий санъат — поэтик тасвир усулларидан бири. Бу усулда бир-бирига тенг булган икки ва ундан ортик. нарса-хрдиса ёхуд хусусият ёнма-ён куйилиб, киёсий тахлил йули билан поэтик мазмун очилади. Параллелизм асарда ягона поэтик образ яратишга хизмат киддирилади.

Параллелизм кадимда халк, кушикларида кенг кулла н сунг ёзма адабиётга утган. Параллелизм ва сажъ I илк туркий к.офиянинг пайдо булишига замин яратган.

Шеъриятимизда параллелизмларнинг ранг-баранг тур-| лари ишлатилган. Чунончи:

1. **Мантщий-рухдш параллелизмлар** — маънавий жих.ат-! дан бир-бирига якин булган икки ва ундан ортик. булган нарса-хрдиса хамда хусусиятларни тасвир жараёнида бир-бирига киёслаш (ухшатиш) оркали поэтик максадни ифо-далаш усули. Масалан:

Навбахор очилди гуллар. сабза булди
Сух.бат айлайлик келинглар, журалар. уртокдар.

*(Муцимий)*

---

Каранг: Узбек тили ва адабиёти, 1972, **2-сон, 81**—84-бетлар.

і солгал сарвини. ул капли мавзун булмаса,
Ерга бергил гудни, ул рvхсор гулгун булмаса.

*(Агишер Навоий)*

Бахрр булдию майли гул кдамади кунглум.
Очилди рунчау лекин очилмади кунглум.

*(Алишер Навоий)*

Бирор жойда топилса ногох гавхар донаси
Чунтаги тешик хар ким даъво килган хамиша.
Мен хам орзу этардим, яхши ном бахонаси,
Мени хам ёдга олса гайри эл шухрат пеша.

*(Абдулла Орипов)*

2. Ритмик-синтактик параллелизм — икки ёки ундан ортик. (тенг ва ухшаш) синтактик бирликларни параллель куйиб (киёсий) тасвирлаш усули.

Сори кдмиш тагига
л Сиргам тушди ёр-ёр.
Сирим билмас ёт элга
Болам тушди ёр-ёр.

*(Халк кушитдан)*

Ойдинда денгиз сулув.
Сувда ой тенгсиз сулув,
,,.,., ,..-,' Денгиздан хам, ойдан хам
Ой юзли шу щз сулув.

*(Миртемир)*

Сен билан кузимиз
куёшдай порлар, Сен
билан ёрурдир
Юзимиз бизнинг.

*(Уйгун)*

Чангиб ётган ун бозори,
Кукиб ётган жун бозори,
Пичок, бозор, кин бозори,
Калпок, бозори кайсиди?

*("Равшан" достощфрн)*



**Суз уйини** — бадиий нуткда бир сузни турли маънолар-[да куллаш усули. Суз уйини халк, ОБзаки ижодида (хусусан, аския жанрида) ва ёзма адабиётимизда кенг кулланилган. Мумтоз шеъриятимиздаги туюк, ва тажнисларни суз уйинларисиз тасаввур к^иив булмайди. Мисоллар:

Сурд ичинда ултурубдур ёбулар.
Ёбуларнинг минган оти ёбулар.
Ёбуларнинг илгидин эл тинмади.

•,
Ё булар турсун бу ерда, ё будар.

*(Убайдий)*

Бу туюкда "ёбулар" сузи турли маъноларда кулланилган: "Ёбулар" — уруF номи, "Ёбулар" — от номи, "ё булар" — ё буниси, ёуниси! Демак, "Ёбулар" суз уйини экан!

Куп садо бергай чолинса катта занг. . - .
Мул узум килмасму булса катта занг. Лекин
инсон зийнати — камтарлиги, . Элга
ёк.майдур кералган катта занг.

*{Хабибий)*

Бу туюкда "катта занг" сузи уч маънода кулланилган: "катта занг" — занг чалиш, "катта занг" — токнинг узум тугадиган нардлари, "катта занг" — калондимовтик, керилиб (узини бошк.алардан юкрри тутиб) утириш. Шу сабабли шеърдаги "катта занг" сузи — суз уйини хдсобланади. Яна мисоллар:

Лаълидин жонимра утлар ёкилур. Крши
к.аддимни жафодин ё килур. Мен
вафоси ваъдасидин шодмен, Ул вафо
билманки, килмас ё килур.

*(Алишер Навоий)*

Жота солди дахр Fур6аТ ноирни, Куз
ёшим булди мугулнинг норини. Бу
арода мен дегандек булмаса, Кузлай
Иссик. кулу, ундан Норини

***(Бобур)***

29— *Бобоев Т.*

Суз уйини туюклардагина эмас, газалларда хам учраб туради. Чунончи, Алишер Навоий узининг бир газалида шундай суз уйинини ишлатган:

Эй Навоий, бевафодур ёр, бас не фойда,
Нечаким десанг: агар ёхуд магар. ё кошки.

Шунингдек, Захириддин Мухаммад Бобур:

Ёз булдию булди яна жаннат киби ёзи. Хуш
ул кишиким айш ила утгай к,ишу ёзи.

**г) Зидлов фигуралари. Антитеза** (юнон. antithesis — кара-ма-карши куйиш) — асосий поэтик фигуралардан булиб, у турли вокеа-хрдисалар ёхуд алохида бир вокеа-хрдиса ичи-даги зидциятни очишга каратилган суз бирикмасидан таш-кил топади. Антонимлар, контраст картиналар, карама-к,арши образлар ва вазиятлар антитезанинг асосини таш-кил килади. Чунки антитезада ходисалар бир-бирига кдрама-карши куйилади, киёсланади; к,арама-к,арши куйиб тасвирлаш эса объектнинг мохиятини тушунишга кулай-лик тугдиради: киёслаш жараёнида тасвир объектининг мо-Х.ИЯТИНИ конкрет ва чукур очиш мумкин. Шу сабабли ба-диий адабиётда, хусусан, шеъриятда антитеза усули кенг кулланилади. Масалан, Бафур Рулом "Сен етим эмассан" шеърида уруш даврида ота-онасидан ажралиб крлган гудак-лар х.аёти (етимлик)ни узокрок. утмишдаги етимликка к.ара-ма-карши куяди ва шу икки хил етимликни киёслаш жа-раёнида инсонпарварлик хислатини аник, килиб очади. Шоир уруш даврида ота-онасидан бевакт ажралиб крлган болаларга мехрибонлик к.иладиган — Ватан ва халк. борли-гини таъкид билан к.айд этади, уларни кайгурмасликка чакиради:

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим.
Куёшдай мехрибон
Ватанинг — онанг.
Заминдай вазмину
Ме^наткаш, мущфик.
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халк; бор — отанг бор...

Уз уйингдасан,
Бу ерда на рурбат на офат, на
Бунда бор: х,арорат, мухаббат, шавкат.
Ва мех.нат нонини курамиз бахам.
Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.

Шоир утмишдаги етимлик хор-зорлик ва азоб-укубатлардан иборат булганлигини шундай тасвирлаиди:

Етимлик нимадир —
Бизлардан сура,
Унинчи йилларнинг
Саргардонлиги;
Иситма аралаш
Куркинч туш каби
Хаёл кузгусидан
Учмайди сира.
Мен етим утганман.
Ох;, у етимлик...
Вой бечора жоним,
Десам арзийди.
Бошимни силашга
Бир мехрибон кул,
Бир огаз ширин суз
Нондек арзанда.
Мен одам эдим-ку,
Инсон фарзанди...
Сен етим эмассан,
Ухла, жигарим.

Узбек халк, огзаки ижодида х.ам, мумтоз шеъриятимизда х.ам антитеза усули кенг кулланилади. Масалан, куйидаги шеърий парчани дик.кат билан укиб чикинг-а, антитеза усули ишлатилганмикан-а:

Сурма куймай мунча х,ам каролур кузларинг, Хар
бири жон касдига бок.к,ан балодур кузларинг. Ошно
бегоналарга, бир умр хуш-хуш нигох;, Ошноларга
FараЗ ноошнодур кузларинг.

*(Муцимий)*

Антитеза Шарк, мумтоз шеъриятвда кенг кулланилган тазод санъатига жуда як,ин туради.

**д) Узгартирув фигу рал ари. Инверсия** (лот. inversio — урнини алмаштириш усули).

Маълумки, узбек тилида, одатда, эга гапнинг бошида, кесим эса гапнинг охирида ва иккинчи даражали булаклар гапнинг ичида келади. Масалан: Пулат Мумин болаларнинг севимли шоиридир, деган гапни олиб курайлик. Бу гапда: Пулат Мумин — эга, шоиридир — кесим ва болаларнинг севимли — иккинчи даражали булак. Шеъриятда эса rап тузилишидаги бу тартибни аксарият хрлларда сак,лаб булмайди. Чунончи:

Ухла, кузим, дундиБим,
Ухла, мана чикди ой. Сени
севиб-эркалаб Жур булади
менга сой.

*(Зафар Диёр)*

Бу шеърий парчада бош булак (эга-кесим)ларда урин алмашиниш додисаси юз берган. Гапда сузларнинг жойлашиш тартибининг бузилиш ходисаси инверсия деб юритилади. Инверсия шеър тилининг ифодалилигини таъминлайди, таъсир кучини оширади. Инверсия шеър тилидаги тасодифий усул эмас, балки шоирнинг уз гоясини биринчи планга куйиш нияти билан богаанган крнуний усулдир.

Таъкидлаш керакки, поэзияда факат кием ёки эгагина инверсияга учраб крлмасдан, гапнинг иккинчи даражали булакларида дам инверсия додисасига тез-тез учраб туради. Инверсия хрдисаси жонли тилда куп учрайди. Шеърият эса ана шу даёт додисасини ифода этади, к.адрамоннинг рухий долатини очади, тилни индивидуаллаштиради.

**Кучув.** Поэтик синтаксиснинг мудим аломатларидан яна бири кучувдир. Одатда, шеърда миералар (нисбатан) мазмунан тугал ва мустакил булади. Мазмунан мустакиллик ва тугаллик баъзи шеърларда бир байтда шаклланади. Баъзан эса муайян бир суз миера охирида к.олиб, унинг давоми дисобланган бошка бир неча суз навбатдаги миерага утади. Мисол:

К Р.1'•;:![;•! .(V Офтоб олган дурра, чанг этик ч
Дала, куёш саховати бу! .......

Кузи ута бок;к;ан 1^алб етук Замон
узи! Ташвиш хам сулув.

*(Зулфия)*

Бу бандда учинчи мисрадаги "етук" сузи аслида туртинчи мисрага карашли, чунки у "замон" сузининг аникловчисидир, аммо у учинчи мисрада турса хам крфия булиб келганлиги ("этик"- "етук") учун фикрий паришонлик сезилмайди, балки, аксинча, шоирнинг максади (замонанинг етукligani таъкиддаш, шунга китобхоннинг эътиборини тортиш)ни ифодалашга хизмат киддирилган. Шеър тилида учраб турадиган бу усул илмда "кучув" ("перенос") деб юритилади.

Кучув бир банд ичидаги мисралардагина эмас, балки бандлараро х.ам юз бериши мумкин. Мисол:

Анормиди, олмамиди тушида Куз-куз
кдлиб олиб юрган нарсаси? Утган дафта,
янги ойнинг бошида Совгамиди менга
берган нарсаси? Билолмадим.
Билолмасдан догдаман, Билолмасдан
кдйтиб кетдим юртимга, Изо?у1ашга
ваъда берсанг кайтаман, К,ор еFса х;ам,
дул еFса хам ортимга!

*(Шухрат)*

Машхур рус шоири Контемирнинг таъкидлашича, шеър ритми кучувсиз бир хил — монотонли булиб к.олади. Ритм-даги монотонлиликни тугатиш учун кучув усулидан фой-даланиш жоиздир. Кучув шеърни жонли тилга як.инлаш-тиради, унга шижоатли интонация багишлайди. Умуман, инверсия ва кучув шеърият тилини ранг-баранг ва сер-ох,анг килади, поэтик тилнинг халкчиллигини, ритмининг жушкднлигини оширишга хизмат килади.

**Анаколуф** (юнон. anacolouthos — ноизчил, нотутри) — бадиий нуткда гапдаги сузларнинг грамматик жихатдан ноизчиллигидир. Масалан, шоир Мух.аммад Солихнинг "Шайбонийнома" достонидаги куйидаги байтни олиб курайлик:

Давлати ол Темур кетгусидур,
Навбат узга кишига етгусидур.

Бу байтдаги "Давлати ол Темур" ибораси грамматика талабига мое эмас. Бу ибора адабий тилда "темурийлар сулоласи давлат тепасидан кетади"дир. Бирок, шеърда бундай жумлани куллаш билан таъсирчанликха эришиш мушкул. Шу сабабли шоир Мухаммад Солих. юкрридаги шоирона жумлани тузиб, лаконикликка ва таъсирчанликха эришган.

Анаколуф шоирона ran тузишнинг кенг куяланиладиган усулларидан биридир. Одатда, жонли тилда анаколуфларга куп йул куиилади. Бадиий адабиётда шоир жонли тилга хос булган мана шу хусусиятни ифодалаш максадида анаколуф усулидан фойдаланади. Анаколуфлар, одатда, у ёхуд бу персонаж нуткини индивидуаллаштиришга, унга услубий тавсиф беришга хизмат килдирилади. Масалан:

Хамза.
Кдердан топгансан шунча ер-мулкни?
Хуррамбой.
Мехнатдан топганман, акча тукканман!
Оллокул.
'-.■ • Мозордан келган даромадлардан...
Турдивой.
Кетмон шамолини еганмисиз хеч,
Совук, сув курганми ок., момик. куллар?
Мана бу Оллокул сизга ким эди?
Хуррамбой.
Беватан, оч, юпун, гариб эди бу,
Нону намак бердим, ун уч йил бокдим. Х а м з а..
Ун уч йил йигитни куртдек шимдим, денг!
Хуррамбой.
Энди бу зуравон еримни олиб,
Мени )(ам узидай гадо к.илмокчи!
Капиратиф, ширкатга аъзо булсаму
Давлатга зиёним тегмаса сира,
Нега тинч куймайсиз, нега ковлайсиз?!

*("Хамза " драмасидан)*

Бу полилогдан сезилиб турибдики, "Хамза" драмаси кдхрамонларининг тили жонли тилга як^ин (анаколуфларга сероб). Шу сабабли улар куткддаги жумлаларнинг купи у кдцар грамматик жих.атдан изчил эмас. Демак, анако-

луфлар драма персонажларини тилига жонлилик ва х,аётийлик багишлаган дейиш мумкин.

**Поэтик фонетика.** Шеър китобхонда эстетик хис уйготиши учун, у даставвал, э^тирос билан ёзилган булиши лозим. Шундагина шеърнинг таъсирчанлиги кучли булади. Шеърнинг эмоционаллиги эса вазн, ритм, крфия, поэтик фигуралар, бадиий санъатлар билан бирга поэтик фонетикага хам боглик, булади. Шеърни фонетик жихдтдан пухта ишлаш, хусусан, арузда катта ахамият касб этади. Чунки аруздахижоларнинг сифати (хижолардаги нутк. товушларининг х.амо^англиги, киска-чузиклиги), шеър ритми ва мусикийлигини вужудга келтиришда гоятда кучли таъсир курсатади. "Фонетик жихатдан яхши ишланган шеърда, — деб таъкидлайди йирик шеършунос олим Уммат Туичиев, — киши сезгисига таъсир этувчи оханг ва мусикийлик кучли булади, аммо бу оханг х,амда мусикийлик шеър ритми ва нутк. товушлари комплексидан, маълум сузлар бирикмаси ва нутк. булаклари алокасидан келиб чикади"[1]. Аммо, шуни ^ам айтиш керакки, алох.ида нутк. товушлари ёки хар хил фонетик усуллар *уз* долича конкрет бир мазмунни ифодалайди. Улар бадиий нуткнинг бошка унсурлари (х.ижо, турок., рукн, туркум, мисра, байт, поэтик фигуралар...) билан бир бутунликни ташкил этгандагина конкрет маъно касб этади, шеърга эмоционаллик багишлайди. Товушлар такрори, фонетик усуллар укувчи дикдатини тортади ва уни мух.им бир нарсага кдратади, поэтик нуткни ифодали килади. Шу сабабли шоир шеърнинг товуш томонига алохдца эътибор беради, шеър ох.анги тингловчида эмоционал х.истуйгу уйготиши учун махсус фонетик усуллар куллайди, шеърни "пардозлайди". Демак, шеърни фонетик жихатдан ишлаш эхтиёжи мазмунни жозибали ифодалаш заруротидан келиб чик.ади.

**Фонетик усуллар**

Шеър санъатида, купинча, куйидаги фонетик усуллар ишлатилади:

**Аллитерация** (лот. al -гада; littera — х.арф) — шеърда, жумладан, бандда ва к,исман насрий асарларда хам бир хил

[1] У. *Туичиев,* 'Узбек совет поэзиясида бармок, системаси. Т., Фан, 1966, 173-бет. . „„ , ,. ....... .. . .... .

ундош товушларнинг такрорланиши. Аллитерация фонетик-стилистик усул сифатида бадиий нутк,нинг интонацион ифодавийлигини ва охангдорлигини кучайтиради. Масалан:

Эй ФарБона!
Мушкул кунлар боласини тишида тишлаб,
Ювиб,
тараб,
упиб,
кучиб,
опичлаб. Эй,
бахтларни балс№атга еткизган она!

*(Хамид Олимжон)*

Бу шеърий парчада "б" ундоши бир неча марта такрорланиб, шеърга узига хос интонация ва охднг багашлаган. Аммо, шуни хам айтиш керакки, х.ар бир сузнинг сунгги бугини бир хил ундош товуш билан тугашидангина аллитерация хрдисаси булмайди. Аллитерация хар бир суздаги биринчи бугиннинг бир хил ундош билан бошланишидан хам пайдо булади.

Узбекистон халк, шоири Эркин Вох.идов шеъриятидан олинган куйидаги шеърда "к," аллитерацияси к,анчалик мах,орат билан ишлатилганлигига эътибор кдиинг-а:

кошинг, калам кошинг,
Кдйик, кайрилма ^ошинг, £из.
Килур £атлимга дасд кайраб —
Кдлич котил карошинг, киз.
^афасда калб кушин кийнаб,
Канот кокмоеда куймайсан.
^араб куйгил кие, Калбимни
киздирсин куёшинг,

Узбекистон к,ах.рамони, шоир Абдулла Орипов бир туртлигини олиб курайлик:

Офтоб ботиб кетди эгилди бошим, Юлдузлар сочилдц^кузимда ёшим. Хажрингда багримни ерга берурман. ; Тун бир лахат булса, ой-к>абр тоши. -*А* ■ .

Шеърдаги учинчи мисрага эътибор килинг-а: унда "р" ундоши беш марта (турт сузда) ишлатилиб, алодида оданг-ни вужудга келтирган. Бу мисрада аллитерация санъати кулланилган. *\амид* Олимжон, Эркин Водидов, Абдулла Орипов ишлатган (юкррида кайд этилган) аллитерацияларга ухшаш алодида дарфлар такрорига асосланган санъатни мумтоз шеъриятимизда **"тавзиъ санъати"** деб юритилган.

Кунгул жонидину жон крлди жонони жахондин хам,
•-■ Кунгулдин жона еттим, гам тунида балки жондин хам.

*(Hodipa)*

Аллитерация халк. огзаки ижодида дам кенг кулланилган.

**Ассонанс** (лот. assonare — жавоб к;айтараман) — фонетик-стилистик усул булиб, у куйидагича икки маънода кулланилади:

1. Мисрада, бандда, жумлада бир хил унли товушларнинг такрорланиши ассонанс деб юритилади. Мисол:

Кдторлар-ла Бригадалар-ла,
Шеренгалар-ла илгари
Зарбдор щламлар-ла К^на
кишлок,ларни бузган Харьков
трактори сингари.

*(Facpyp Гулом)*

Бу бандда "а" унлиси йигирма икки марта такрорланиб, шеърга кутаринки рух., марш ох.анги бахш этган.

Узбекшеъриятида"а", "е", "и", "у" ассонансларижуда куп ишлатилган.

2. Фак,ат унлилар х.амох.анг булиб келган тулик, булмаган к,офия дам ассонанс деб юритилади. Мисол:

Водийларни яёв кезганда. Бир
ажиб хис бор эди менда.

*{Хамид Олимжон)*

Сен унутолмас юрагим асло!
Эй, Урта Осиё, Урта Осиё!

*(ВераКпбер)*

;

Аслида, дунёда танхр нима бор,
Пахта усмайдими узга элда ё?
Ёки куёшими севгимга сабаб?
Ахир куёшли-ку бутун Осиё.

*(Абдулла Орипов)*

Англашиларлики, шеъриятда, кисман насрда унли ва ундош товушлар такрори, фонетик-стиликтик усуллар ифодавийлик х,амда таъсирчанликни кучайтиришда мух,им ахамият касб этади.

## IV БУЛИМ
# АДАБИЙ ЖАРАЁН

### Биринчи боб АБАДИЙ
### ТУРЛАР ВА ЖАНРЛАР

**Адабий турлар ва жанрлар х,ак,ида тушунча**

Адабий асарлар шакл жидатдан бенидоя ранг-баранг булади. Шу-нинг учун уларни алодида-алодида гурудларга ажратиб урганиш лозим. Адабий асарлар шаклан куйидагича тасниф килиниб урга-нилиши максадга мувофик.: адабий асарларнинг йирик гу-рудлари адабий тур, адабий турнинг ички гурудлари ада-бий тур шакллари, адабий шаклнинг ички гурудлари ада-бий жанрлар *(фрунц.* genre) ва, нидоят, адабий жанрларнинг ички булиниши жанр хиллари. Масалан, роман — адабий жанр. У эпик турнинг катта шаклига мансуб, айни чокда, романнинг узи дам дар хил булади: тарихий роман, тари-хий-инкилобий роман, дарбий роман каби. Булар роман жанри хиллари. Адабий ижодни бу хидда тасниф килиш, албатта, шартли анъана. Аммо бу анъана дам абадий, жа-раённинг муайян боскичидаги адабий эстетик эдтиёжлар так.озоси булиб, у шу давр адабий жараёнини, ундаги уз-луксиз узгаришларни узида мужассамлаштира олади. Чун-ки адабий турлар ва адабий жанрлар тарихий категория сифатида доимий даракат, ривожланиш ва узгариш жараёнини бошидан кечириб туради: адабий даётда кандайдир шакл сифат узгаришларига учрайди ёки уз умрини тугата-ди, к.андайдир янги шакл тугилади ва доказо. Абадий турлар ва адабий жанрларнинг дар бири тарихан таркиб топ-ган узига хос к.онуниятлар, нормалар ва хусусиятларга эга булади.

Адабиёт тарихида дастлаб даётни тасвирлашнинг эпик ва лирик усуллари пайдо булган. Кейинрок. шу икки усул-нинг кушилиши натижасида драматик усул келиб чикдан. Эпик усулнинг узига хослиги шундаки, бунда даёт вокеа-

додисалари, одамлар бевосита курсатилади. Лирик асарда эса, асосан, даётнинг бевосита узи эмас, балки шоирнинг даётдан олган таассуротлари ифодаланади. Драматик усулда хам даёт вокеа-додисалари, дам ички дис-туйгулар тасвирланади. Хдётни тасвирлашнинг шу усуллари — адабий турлар (эпос, лирика, драма) адабий жараённинг асосини таш-кил этади.

Сунгги давр адабиёт назариячилари адабий жараённи характерловчи асосий адабий турлар(эпос, лирика, драма)-дан ташкари, лирик-эпик асарлар, дажвий (сатирик ва юмористик), бадиий публицистик асарлар дам адабиётда салмокли урин тутишини таъкидлашмокда. Чунончи, поэма, баллада, масал жанрларида яратилган асарлар лирик-эпик асарлардир. Бу хил асарлар уз табиатига кура махсус адабий турни ташкил эта олмайди. Чунки улар, икки адабий тур(эпос ва лирик)нинг бирлашишидан пайдо булган досила додисадир. Адабиётшуносликда сатира ва юмор (дажвиёт) дамда бадиий публицистикани дам крришик. додиса сифатида урганиш мумкин. Чунки дажвиёт дам, бадиий публицистика дам даётни акс эттириш, образ яратиш, композиция ва услубда катор узига хос хусусиятлар билан характерланади. Масалан, сатира ва юмор вок.еликдаги салбий жидат ва додисаларни кулги уйготадиган к.илиб акс эттиради. Бадиий публицистика бадиий адабиётнинг оператив ва жанговар содаси. Бадиий публицистиканинг фельетон, памфлет, макрла каби жанрлари мавжуд. Айни пайтда, бадиий турларнинг деярли купчилигида публицистик унсурлар учраб туради. Демак, адабий жараёнда эпик, лирик, драматик турлар асосий турлар сифатида кулланилса, сатира ва юмор дамда бадиий публицистика к,ушимча адабий додиса тарзида ишлатилади. Адабиётшуносликда, асосан, эпос, лирика, драма турлари, лирик-эпик асарлар табиати, шуларга мансуб адабий жанрларнинг хислат ва крнуниятлари, узига хослигини урганилиши кузда тутилади, холос.

**Эпик тур ва унинг**га асосланган адабий асарлар гуру-**жанрлари**

Вокеаларни кенг дикоя килиш^иг^ эпик ^ур ва эпос (*юнонча* epos Г ^ — ривоя, дикоя, суз, нущГдеб аталади. А.С.Пушкиннинг "Дубровский", "Капитан кизи", Чулпоннинг "Кеча ва кун-

дуз", Ойбекнинг "KynryF кон" каби асарлари эпосга киради. Чунки, уларда маълум вокеалар тизмаси (кишилар ва уларнинг бошидан утган вокеалар) хикоя килинади.

Эпос одамларни, уларнинг турли шароитдаги хулк,-атвори ва кечинмаларини, иштирок этган вокеаларни, турли хрдиса ва кишиларга булган муносабатини тасвирлайди. Демак, эпос вокеликнинг узини акс эттирар экан.

Адабиёт характерлар ва типлар яратиш санъати булгани учун адабий турлар хам характер яратиш жихатидан бир-биридан фарк. килади. Эпоснинг характер яратиш жих.атидан хусусияти шундаки, у вокеликни ривожланиш жараёнида курсатиш оркали характерларни тасвирлаб беради.

Эпик тур кичик, урта ва катта шаклларга булинади. Кичик эпик шакл — хикоя ва очерк жанрларидан иборат. Урта эпик шакл — повесть ва катта эпик шакл — эпопея ва роман жанрларини уз ичига олади.

**Эпопея** *(юнон.* eporoiia — ривоятлар, кушиклар мажмуи) — миллат ёхуд халк. такдири хал буладиган вокеах.одисаларни акс эттирувчи чукур мазмунли ва йирик х.ажмли эпик асар. Эпопеядахалк.хаёти, унинг кураши ва кахрамонликлари кенг тасвирланади.

Эпопея хали жамият гармоник х.олда булган пайтда (жамият бир-бирига душман синфларга кескин ажралиб кетмаган даврда) ёзувчилар умумхалк. манфаатини (кайсидир бир синф манфаатини эмас) кузлаб ижод этаётган даврлардаёк. дастлаб кадимги Юнонистонда пайдо булган. Миллий тарихнинг одатда афсоналар к.обигига уралган к.ахрамонлик вок,еалари эпопея учун материал булган. Масалан, Троя уруши хакидаги афсона бир неча эпопея учун тасвир объекти булган. Гомер мумтоз юнон эпопеясига асос солган. "Эпопеянинг мазмунини, — деб таъкидлайди В.Г.Белинский, — уз хаётининг индивидуал манбалардан х.али айрилмаган халкнинг х,аёт мох.ияти, субстанция кучлари, вазияти, турмуши ташкил килиши керак. Шунинг учун эпик достоннинг асосий шартларидан бири унинг халкчиллигидир: шоирнинг узи х.ам вок.еага уз халкднинг кузи билан карайди, вок.еадан уз шахсини айирмайди. Лекин эпопея юк.ори даражада миллий булиши билан баравар, у, айни вактда, бадиий асар булиши учун, индивидуал халк, хаётининг формаси уз ичига умуминсо-

ний, жахрн ахамиятига эга булган мазмунни олиши керак...

Эпопея учун мазмун беришга халк. хаётининг вокеада ифодаланиши керак. Халкнинг гудаклик замонларида унинг хаёти купрок. ботирликда, кахрамонликда ифодаланади... Эпопеяда иштирок к.илувчи шахслар тула равишда миллий рух. намояндалари булиши керак; лекин кахрамон уз шахси билан халк. кучларини, унинг мохиятининг, рухининг бутун поэзиясини тула-тукис курсатиши керак"[1].

Гомер эпопеяларининг асосини Троя уруши вокеалари ташкил этади. В.Г.Белинскийнинг фикрича, Гомернинг харбий мавзуга, уруш конфликтларига мурожаат килиши тамомила табиий бир хрлдир. Чунки бу даврда харбий туknашувларгина "гудак халк."нинг бутун "ички кучларини кузгатиб, ташкарига чик.ариб, унинг х.али мификтарихида бир давр очиш"и ва "унинг келажак хаётига таъсир килиш"и мумкин эди, холос. Бирок., харбий конфликт, Белинскийнинг уктиришича, фак.ат антик дунё эпопеялари учун шарт булган. Янги замон эпопеялари учун эса бошка мавзулар х.ам мух.им ах.амият касб этиши мумкин. Эпопея учун энг мухими миллий характер ва жамиятнинг мухим хусусиятларини акс эттиришдир. Шу сабабли асрлар утгани сари жамият таракдиёти так.озоси билан эпопеянинг хам мазмуни узгариб, янгиланиб, бойиб борган. Эпопея жанри куп асрлик мураккаб тарихий таракдиёт йулини босиб утган. Асрлар давомида не-не суз усталари эпопея жанрида к,алам тебратганлар. Бирок, уларнинг куплари Гомерга оддий таклиддан юк.ори кутарила олмаганлар. В.Г. Белинскийнинг таъкидлашича, Европада XIV—XVI асрларда Гомер анъаналарини муваффакиятли давом эттирган суз усталари Данте ("Илохий комедия") ва Гёте ("Фауст") булган. Х.акик.атан х,ам, "Илох.ий комедия" ва "Фауст"да муаллифлар уз замонасининг мухим хусусиятларини чукур акс эттира олдилар, сермазмун эпопеялар яратдилар. Рабле ва Сервантеслар хам к.адимги юнон эпопеяларидан жиддий фарк. к.иладиган эпопеялар яратди. Жамиятда ижтимоий карама-к.аршиликларнинг кескинлашуви

[1] *В.Г. Белинский.* Танланган асарЛар. Т., Уздавнашр, 1955, 172—174-бетлар.

ва цивилизация (маданият) эришган ютуклар янги типдаги эпопеялар яратишни такрзо кила борди. Кургошин ва порох асри учун Ахиллес типидаги кахрамонларга зарурат йук, эди. Тарак^ий этган феодал ва буржуа жамияти шароитида янги эпопеянинг пайдо булиши учун, биринчидан, миллий озодлик урушлари ва, иккинчидан, халк, оммасининг ижтимоий озодлик .учун курашга отланиши мустах.-кам замин яратди. "Уруш ва тинчлик"нинг эпиклигини вокеликни кенг куламда тасвирлашгина эмас, биринчи галда, наполеончи боскинчиларга карши умумхалк. кураши тасвири таъминлаган. "Русияда ким яхши яшайди?" поэмасида эса етти дех.крн умумхалк. бахти учун курашади — улар халк; рухининг ифодачиси сифатида майдонга чикади.

Узбек адабиёти тарихида хам эпопея элементлари мавжуд. Хайдар Хоразмийнинг "Гул ва Навруз", Алишер Навоийнинг "Фархрд ва Ширин", "Садди Искандарий", Захириддин Бобурнинг "Бобурнома", Мухаммад Солих.нинг "Шайбонийнома" каби асарларида эпик тасвир салмокди урин тутади, уларда узбек халки х.аётидаги мух.им вокеалар (афсонавий ёхуд ярим афсонавий тарзда булса-да) ёритилган, оммавий кураш манзаралари чизилган. Бирок., узбек адабиёти тарихида чинакам реалистик эпопея XX асрда яратилди. Садриддин Айнийнинг "Куллар", Ойбекнинг "Навоий", Мирзакалон Исмоилийнинг "Фаргонатонг отгунча", Хамид Буломнинг "Машъал", Сайд Ах.маднинг "Уфк.", У. Х°шимовнинг "Икки эшик ораси", Б.Бойк.обиловнинг "Навоийнома" каби романлари роман-эпопеялардир.

Эпопея фак.ат мутафаккир ёзувчиларгагина насиб киладиган к.ийин ва мураккаб эпик жанр булиб, унинг истик,-боли порлок..

**Роман** *(фран.* roman — дастлаб роман тилларида яратилган адабий асар) — инсон хусусий хдётини жамият билан боЕгсаб, кенг тасвирловчи йирик эпик жанр. Муайян шахе такдири, унинг уз-узини англаб етиши: онгининг уйгониши, характерининг ташкил топиши ва шаклланиши роман марказида туради, шахслар такдири воситасида ижтимоий хаётнинг у ёхуд бу жих.атлари ифодаланади. Повесть ва х.икоядан фаркли уларок., романда к,аламга олинган вокеа-хрдисаларда куп персонажлар к.атнашади, улар-

нинг хаёти ва курашлари бир-бири билан бонханади, тукнашади.

"Замонамизнинг эпопеяси романдир, — деб ёзади В.Г.Белинский. — Эпоснинг хамма асоси, мухим хусусиятлари романда бордир, факат айирмаси шундаки, романда бошка элементлар, бошка манзара хукм суради. Бунда кахрамонлик хаётининг афсонавий улчовлари, кахрамонларнинг азамат сиймолари йук., бунда худолар иштирок килмайди, романда одатдаги, прозаик хаётнинг хрдисалари идеаллаштирилади, умумий тип остига олинади. Роман уз мазмуни учун ё тарихий вокеани олиб, унинг сохасида, эпосдаги каби, кандай булмасин бир хусусий вокеани кенгайтириши мумкин: фарк. бу вокеаларнинг характерида: демак, вокеани устириш ва курсатиш характеридадир; ёки роман хаётни мавжуд вокеликда унинг хакикий долатида олиши мумкин...

Бадиий асар сифатида романнинг вазифаси кундалик хаётдан ва тарихий вокеалардан барча тасодифий нарсаларни олиб ташлаш, уларнинг яширин к.албига, жонли идеясига кириш, ташки, таркрк, вок.еаларни рух. ва акл маскани килишдир. Роман бадиийлиганинг даражаси асосий идеянинг чукзрлигига ва айрим хусусиятларда у идеяни ташкил зтган кучга богликдир...

Романнинг сохаси, эпик достон сохасига к.араганда, бекиёс даражада кенгдир... Бундан ташк.ари, романда яна бир катта афзаллик борки, хусусий хаёт х.ам унга мавзу була олади, грек эпопеяси учун бу мавзу хеч вак.т мазмун була олмасди: к.адим замонда жамият, давлат, халк, булган, лекин индивидуал шахсият сифатида одам мавжуд эмас эди, шунинг учун грекларнинг эпопеясида ва шунинг каби драмасида, фак.ат халк. намояндалари — ярим худолар, кахрамонлар, подшохлар урин ола билганлар. Роман учун хаёт одамдадир, инсон к.албининг, инсон рухининг мистикаси, инсон такдири, халк. хаётига унинг х.амма муносабатлари роман учун бой материалдир"[1].

Агар утмишдаги эпосда давлат, жамият, халк. вакиллари (дох.ийлар, саркардалар, бадодирлар) образлари ёхуд

---

[1] *В.Г.Белинский.* Танланган асарлйр, Т., Уздавнашр. 1955, 175—177-бетлар.

бутун бир жамоанинг донолиги ва куч-кудратини узида мужассамлаштирувчи кахрамон образи диктат марказида турган булса, романда шахснинг индивидуал такдири ва интилишларини ифодалайдиган к.ахрамон образлари биринчи планга чикдан. Эпоснинг асосий кахрамонлари иштирок этадиган ёки уларнинг узлари вужудга келтирадиган улкан тарихий вокеаларга (афсонавий тарзда булсада) асосланса, роман (тарихий романлар ва роман-эпопеяларни мустасно килганда) шахсий х.аёт вокеаларига ва, купинча, муаллифнинг узи тукдган хаётий вокеаларга асосланади. Шунингдек, эпосда одатда, жуда кадим замонларда булиб утган вокеалар тасвирланган булса, романларда (тарихий романни мустасно килганда), купинча, замон вокеа-хрдисалари ёхуд якин утмиш вокеалари акс эттирилади. Эпос, биринчи навбатда, кахрамонлик характери касб этган ва юксак поэтик пафос билан йуБрилган булса, роман насрий жанр сифатида одатдаги кундалик жун хаётни (унинг куп киррали жих.атларини) курсатиш билан машгул булади. Роман эпик прозада тула ва мукаммал шаклланган булиб, антик ва урта асрлар адабиётидаги эпосдан жиддий фарк, кдлса-да, у барибир, уша эпоснинг к.онуний меросхуридир.

Юк,орида к.айд этганимиздек, роман марказида шахсий такдир ва уй-кечинмаларга эга булган инсон турар экан, демак, романда характер яратиш масаласи гоятда мух.им ахамият касб этади: роман к,ахрамони тамомила индивидуал шахе ва у, айни чокда, жамият билан узвий боклик. булади. Шу сабабли романда индивидуал такдир призмалари оркали ижтимоии хаётнинг, халк. турмушининг у ёхуд бу жихатлари бадиий тадкик, к.илинади. Хаётни эстетик узлаштириш эса гоятда мураккаб ижодий жараён булиб, турли-туман йуллар билан, купинча, билвосита амалга оширилади. Чинакам етук **роман халк; хдётининг маънавий** кузгусих.исобланади. **Роман кенг к,амровли (романбоп), улкан фикр махсули** булади.

Роман жанрининг баъзи хусусиятлари антик дунёнинг сунгги даврлари ва урта аерларда яратилган айрим асарларда кузга ташланган булса-да, х.ак.икий роман Уйгониш даврининг охирларида (феодализмнинг емирилиши ва капиталистик тузумнинг к.арор топиши жараёнида) яратил-

ди. В.Г.Белинскийнинг айтишича, роман жанр сифатида Вальтер Скотт асарлари билан юксак бадиий таракдиётга эришган. Испаниялик Мигель де Сервантеснинг "Дон Кихот", немис ёзувчиси Гётенинг "Вертер", америка ёзувчиси Купер романлари жахон адабиёти тарихида романчиликнинг илк мумтоз намуналаридир. Янги типдаги роман реалистик тасвирнинг кучайиши билан характерланади.

Роман жанри XIX асрда узининг гуллаб-яшнаш палласига кадам куйди. Стендаль, Бальзак, Дикхенс, Гончаров, Тургенев, Достоевский, Л.Толстой каби танкидий реализм санъатининг улкан намояндалари роман жанри таракдиётида катта роль уйнадилар. Бу санъаткорлар ижодининг хусусиятлари крепостной ва буржуа тузумининг гуманизмга зид булган мохиятининг фош килиниши ва муайян ижтимоий муносабатларнинг чукур тахдилида кузга як.крл ташланади. Ёзувчиларнинг дик,кат марказида ижтимоий мухит исканжасида бушиган инсоннинг драматик, купинча, фожиавий такдири туради. Шу сабабли уларнинг романларида драматизм ва психологизм биринчи планга чиркан. Шахе ва жамият уртасидаги муносабатлар бу давр романлари мазмунидан катта урин ола бошлаган. Романда мураккаб турмуш шароити кенг к.амраб олинадиган, х.аётнинг кенг панорамаси чизиладиган будди.

М.Горькийнинг "Клим Самгиннинг хаёти", М.Шолоховнинг "Тинч Дон", К.Фединнинг "Ажойиб ёз", А.Фадеевнинг "Тор-мор", "Ёш гвардия", АТолстойнинг "Сарсонлик-саргардонликда", Б. Полевойнинг "Чин инсон хдкида Кjісса", К.Симоновнинг "Уликлар ва тириклар", Г.Марковнинг "Сибирь", "Ер магзи", С.Бородиннинг "Димитрий Донской", М.Авезовнинг "Абай", С.Мукрновнинг "Бутакуз", Б.Кербобоевнинг "Дадил к.адам", "Небитдог", М.Иброх.имовнинг "Шундай кун келади" каби куплаб мумтоз романлар янги замон романчилиги намуналаридир.

Роман — узбек адабиёти тарихида янги жанр. Адабиётшунос С.Мирвалиевнинг "Узбек романи" монографиясида узбек романининг туталиш манбалари, узига хос хусусиятлари тарихий тарак.киёт йули ёритилганки, бу асарни укдб чикиш фойдалидир.

Узбек адиблари асримиз бошларида роман жанрига кул уришган. Хамзанинг "Ким айбдор?", "Янги саодат ёхуд

миллий роман", "Учрашув" ва Мирмухсин Шермухамедовнинг "Бефарзанд Очилдибой" асарлари "роман" деб аталган. Аммо бу асарлар том маънодаги реалистик роман тушунчасига т>три келмайди. Улар роман яратиш йулидаги илк изланишлардир. Узбек адабиётида чинакам реалистик роман жанри 1920 йилларда пайдо булди. Абдулла Крдирийнинг "Утган кунлар" (1922—1926) ва "Мехробдан чаён", САйний "Дохунда", "Куллар", Чулпон "Кеча ва кундуз", Ойбек "КугауF кон", "Навоий", "Олтин водий-дан шабадалар", "Куёш крраймас", "УлуБ йул", А. Кахдор "Сароб", "Кушчинор чироклари", Х- Шамс "Душман", "Хукук.", А. Мухтор "Опа-сингиллар", "Тугилиш", "Давр менинг такдиримда", "Чинор", "Аму", Х^улом "Машъал", "Тошкентликлар", "Бинафша атри", "Мангулик", Мирмух,син "Умид", "Меъмор", "Чотк.ол йулбарси", О. Ёкубов "Эр бошига иш тушса...", "Улугбек хазинаси", "Кухна дунё", "Диёнат", ПДодиров "Уч илдиз", "К^ора кузлар", "Олмос камар", "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони", Шухрат "Шинелли йиллар", "Олтин зангламас", "Жаннаткидирганлар", И. Рахим "Ихлос", "Такдир" Сайд Ах.мад "Уфк,", "Жимжитлик", УДошимов "Нур борки, соя бор", "Икки эшикораси", Ш.Холмирзаев "Сунгги бекат", "Кил куприк", "Ола бужи", М.М.Дуст "Лолазор", Ж.Абдуллахонов "Борса келмас", О. Мухтор "Эгилган бош" каби романлар яратищцики, бу асарлар узбек адабиётини бойитди.

Романнинг хилма-хил турлари мавжуд: тарихий роман ("Утган кунлар"), тарихий-инкилобий роман ("КуглуБ к.он"), х.арбий роман ("Куёш крраймас"), замонавий роман ("Олмос камар") саргузашт ва фантастик роман ("Сарик. девни миниб")... Бундан ташкари адабиёт тарихида ижтимоий-фалсафий роман ("Давр менинг такдиримда"), оилавий-маиший роман ("Анна Каренина"), социал-психологик роман("Сароб")лар хам бор. Шунингдек, роман-эпопея ("Куллар", "Навоий", "Уфк."), роман-дилогия ("Фаррона тонг отгунча", "Машъал"), роман-трилогия ("Уфк."), роман-тетралогия (В.Катаевнинг "К,ора денгиз тулкинлари")лар яратилди. Жах.он адабиёти классикларидан О.Бальзак яратган "Инсон комедияси" асари эса романлар туркумини ташкил этади.

**Повесть** (рус. повествовать — ривоявий хикоя килиш) — бош кахрамон такдири воситасида хаётнинг у ёхуд бу кирраларини урта эпик шаклда ривоявий усул билан акс эттирувчи асар.

В.Г. Белинский "Поэзиянинг хил ва турларга булиниши" макрласида повесть жанри хакида тухталиб, шундай дейди: "Повесть хам айни романнинг узгинасидир, факат кичик хажмдадир, асарнинг хажми мазмуннинг хажми ва мохиятига караб белгиланади"[1].

Повестга берилган бу таъриф хамон уз илмий кийматини саклаб келмокда. Фак.ат кейинги йилларда айрим олимлар буюк танкидчининг бу фикрича сал аниклик киритишга, ТуҒрпроҒН, уни бир оз тулдиришга интилдилар. Чунончи, Л.И.Тимофеевнинг уктиришича, повесть урта эпик шакл сифатида асосий кахрамоннинг хаётида юз берган бир канча вокеаларни тасвирлаши билан хикоядан фаркланади. Повестнинг хажми катта булганлиги сабабли унда бир эмас, бир неча персонажлар фаол иштирок этади. Персонажларнинг узаро мураккаб муносабатлари кенг тасвирланади. Л.В.Чернец хам роман билан повестнинг фарки хакида тухталиб, шундай деб ёзади: романга нисбатан повесть сюжетининг масштаби торрок. ва курилиши жунрок, булади; сюжетнинг, купинча, хроникал характерда булиши ва х.икоячи муаллиф овозининг бутун асар давомида эшитилиб туриши — повестнинг узига хос хусусиятидир. Бадиий асарнинг жанр хусусиятини аниклашда унинг ички мазмуни, асарнинг тузилиши, баён усули ва бадиий тафаккур тарзи асосий мезондир. Н. Берковский, В.Кожинов, А.Нинов, НАТуляев ва бошк,а адабиётшунослар хам повестнинг жанр хусусиятларини белгилашда бадиий мазмунни ва хикоя килиш охангини асос килиб оладилар. Уларнинг фикрича, повесть узига хос хусусиятлари билан янги замон эпосларига нисбатан антик дунё эпопеяларига якин туради. Повестнинг предмета — хаётнинг сокин ва эпик окими. Бу х.акда асарда босикдик билан, шошмасдан х.икоя килиш мумкин. Повестда, одатда, уткир

[1] К,аранг: Введение в литейатуроведение. М., 'Высшая школа", 1976, 387-бет.

драматик ва фожиавий вазият чеклаб утилади: хаётнинг бундай вазиятлари роман учун мухим деб х.исобланарди. Повестнинг бундай хусусиятларини, айникса биографик асарлар мисолида аник, сезиш мумкин. Л.Н. Толстой, М. Горький, С. Аскаков, С. Мукрнов, С. Айний, Ойбек, А. Кдххрр, ва бошка суз усталарининг автобиографик повестларида хаётнинг сокин ва зпик тасвирини, осойишта охангни пайкаш кийин эмас. Бирок, ривояда сокин ва босик. охднг хамма повестларга хам хос булган хусусият эмас. Чунки адабиётимиз тарихида шундай повестлар хам борки, улар уткир драматизм, кескин конфликт заминига курилган. Бу хил повестларда баён оханги хам вазиятга караб тез-тез узгариб туради: бундай асарларни шошмасдан, хаяжонланмасдан укий олмайсан киши. Бу хил повестлар табиатан роман жанрига якинлашиб боради. Масалан, машхур киргиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг "Жамила", "Сарвкрмат дилбарим", "Сомон йули", "Алвидо, Гулсари", "Ок. кема" повестлари кескин драматизм заминига курилган. Абдулла К.ах.х.орнинг "Синчалак", Аскад Мухторнинг "К,орак.алпок. киссаси", Пиримкул К,одировнинг "К,адрим", "Эрк" каби киссалари х.акида х.ам шу гапларни айтиш мумкин.

Баъзан адабий асарнинг повесть жанрига кириш-кирмаслигини аниклащда унинг х.ажми дал килувчи роль уйнамайди. Чунки адабиётимиз тарихида шундай повестлар хам борки, х.ажм жихатидан романдан к,олишмайди ("Обид кетмон")- Аксинча, шундай повестларни х.ам учратиш мумкинки, улар каттарок, хажмдаги х,икоядан ошиб кетмайди ("Эски мактаб"). Бундай пайтларда, адабий асарнинг жанр хусусиятларини ёзувчининг бадиий тафаккур тарзи ва баён усули белгилаб беради.

XX аср адабиётида повесть жанри салмокли урин тутади. Жах.он прогрессив ёзувчилари, шунингдек, узбек к.аламкашлари х.ам куплаб повестлар ёзишган. Хусусан, К. Паустовский, В.Тендряков, Ч. Айтматов ва бошка кардош ёзувчилар яратган повестлар жах.онга машхур. Узбек адабиётида повесть жанри узига хос тарихга эгаки, бу хакда ААбров "Узбек повести"ида тухталиб утган.

Утмиш ёзма адабиётимизда, хусусан, халк. огзаки ижодида киссачилик ва киссагуйлик мавжуд булган. Масалан,

Насриддин Рабгузийнинг "Киссаи Рабгузий", Юсуф Амирийнинг "4OFHP ва Бонг", Якинийнинг "Ук. ва ей", Абдулвахрбхужа угли Пошшохужанинг "Мифтохул-адл" ва "Гулзор", Сиддикнинг "Чор дарвеш", Мажлисийнинг "Кдссаи Сайфулмулук" каби асарлари утмиш киссачилигининг намуналаридир. Бирок, бу асарлар том маънодаги повестлар эмас, уларда хаёт вокеа-хддисалари афсонавий тарзда акс эттирилган. Шу сабабли бу асарларнинг жанр хусусиятлари хам узига хосдир. Узбек адабиётида реалистик повесть жанри 20-йилларда пайдо булди. Бу жанрнинг ил к намуналари С. Айнийнинг "Бухоро жаллодлари", "Одина", А.Крдирийнинг "Калвак махзумнинг хотира дафтаридан" каби асарларидир. 30-йилларда узбек реалистик повести жанр сифатида шаклланди, адабиётимиз тарихидан мустахкам урин олди. Бу даврда Иафур Рулом ("Нетай", "Ёдгор", "Шум бола"), С. Айний, ("Эски мактаб", "Судхурнинг улими"), АДодирий ("Обид кетмон"), Faftратий ("Окин хукми"), Ш.Ризо ("К,ор ёгди, излар босилди"), М. Усмон ("Дип") ва бошка суз усталари повесть жанрида ижод к,илишди. Узбек адабиёти таракк^ётининг кейинги даврларида узбек повести кенг куламда ривож топди. Ой бек, А. Кдхдор, А. Мухтор, Р. Файзий, Мирмух.-син, О. Ёкубов, И. Рахдм, С. Зуннунова, П. Кддиров, У. Умарбеков, У. Хошимов, У. Назаров, Ш. Холмирзаев ва бошка адиблар гоявий-бадиий етук повестлар яратиб, узбек адабиёти таракдиётига муносиб хисса кушдилар.

**^икоя, новелла** *(итал.* novella — янгилик) — инсон хаётидаги у ёхуд бу ёркин хрдисани, ижтимоий ёхуд психологик конфликтни характер билан узвий боишк. хрлда ривоявий усулда тасвирловчи кичик эпик асар. Хикоя ёки новелла-эпик турнингкичик жанри. Буасар, одатда, киши хаётидаги гоятда мухим вок,еа тасвирига багишланади ва унда шу вок.еага к.адар ва ундан сунг руй берадиган вок,еалар батафсил баён килинмайди. Хикоя муайян вазиятдаги киши хаётининг бир парчаси. В.Г. Белинский хикоянинг хусусияти хакдца тухталиб, шундай дейди: "К,ачондир ва каердадир "повесть (х.икоя — *Т. Б.)* бу кишилик такдирининг поёнсиз поэмасидан бир эпизод" деб жуда яхши айтилган эди. Бу жуда тугри физср; ха, повесть **(х,икоя)** кисмларга, минглаб булакларга булинган романдир; **романдан**

**олинган боблардир... Шундай вокзал ар, шундай х.одисалар борки,** улар драма учун кифоя килмайди, улардан роман чикмайди, дейиш мумкин; бирок,, **улар нщоятда чукур, асрлар давомида унутиш мумкин булмаган х,аёт х,ак,икатини шундай узида мужассамлаштирган булади;** повесть **(х.икоя) ана шундай вок.еа ва ходисани танлаб олади ва узининг тор рамкасида ифода этади"[1]. "Х^икоя,** — деб таъкидлайди Жек Лондон, — бу **^аётнинг якунланган эпизоди: кайфият, вазият, харакат бирлиги"[2]. ")^икоя,** сузсиз, к.андайдир **мух.им фактнинг тасвиридан иборат,** — дейди доминикан ёзувчи-си Хуан Бош. — Агар хикоя асосида ётган хддиса арзимас бир нарса булса, унинг ифодаси хикоя эмас, шунчаки бир лавха булиб, утган вокеанинг баёни булиб крлаверади"[3].

Назарий адабиётларда хикояга хос бир к.атор хусусиятлар курсатилган. Чунончи, Л.И.Тимофеевнинг фикрича, **хикоя инсон хаётидаги ало^ида бир вок,еа асосига к^рилади,** унда характер анча шаклланган булади, асар кахрамонлари куп булавермайди, улар биргина вок.еада иштирок этадилар. Шу сабабли хикоянинг х.ажми катта булмайди. **Сюжет асосида ётган вок.еа, одатда, узига хос тугун, кульминация ва ечимга эга булади** — буларнинг бари **инсон х.аётидаги бир эпизод рамкасида юз беради[4].**

Хикояга хос мазкур хусусиятларнинг хаммасини х.ар бир х.икоядан кидириб булмайди. Зеро, бунинг х.ожати х.ам йук,- Чунки олим баён килган назарий фикрлар хар бир хикоянинг хусусиятларини эмас, балки реалистик хикоячиликка хос булган етакчи хусусиятларнигина умумлаштиради, холос. А. П. Чехов, М. Горький, А. Кдхдор, С. Антонов ва бошка хикоянависларнинг асарлари юкрридаги назарий фикрларни тасдиклайди. Аммо, адабиётимизда шундай х.икоялар х.ам учрайдики (масалан, М. Шолоховнинг **"Инсон такдири"** х.икояси), улар юк.оридаги назарий фикрлар рамкасига сигмайди: бу хил хикояларда **характернинг бир**

---

[1] *В.Г.Белинский.* Собр. соч. в трёх томах, т. 1., М., ГИХЛ, 1948, 112—
113-бетлар.

[2] "Литературная газета", 11 января 1966 года.

[3] Иностранная литература, 1963, 8-сон, 233-бет.

[4] К,аранг: *Л.И.Тимофеев.* Основы теории литературы. М., Просве щение, 1971, 359-бет.

**зумдаги х.олати эмас, балки улкан инсоний такдир-характернинг тобланиши курсатилади ва улар табиатан повестга як,инлашиб к.олади.** Умуман, реалистик х.икоячилик шу кадар ранг-барангки, уларнинг хар бирига хос хусусиятларни умумлаштирадиган мукаммал таърифни яратиш бенихря кдйин.

Хикояда ижтимоий ва маънавий хаётнинг турли-туман масалалари кутариб чикилиши мумкин, аммо улар, худди роман ёки повестдагидек, кенг куламда тасвир этилмайди. **Хикоя ривоянинг интенсивлиги ва к.иск.алиги билан характерланади. Лаконизм — хикояда тасвир мезони.** Хикояда романдагидек кдстирма эпизод хам, чекинишлар хам булмайди, унинг рамкаси буларни кутармайди. **Характернинг муайян вазиятдаги х.олати вокеанинг кескин бурилиш нуктасида, динамик сюжет, кучли драматизм, кутилмаган ечим асосида курсатиш — х.икоя (новелла) учун энг характерли хусусиятдир.** Деталь хикояда хаётни типиклаштиришнинг асосий воситалардан бири булади. Хатто, бугун бошли х.икоя бир деталь заминига курилиши х.ам мумкин (А. К,ахдорнинг "Анор" х.икояси).

Хикоя жахрн адабиётида узининг бир неча асрлик тарихига эга. Жахон адабиёти классиклари: О. Бальзак, Мериме, Г. Мопассан, Ж. Лондон, А. С. Пушкин, А. П. Чехов, Э. Хемингуэй, Л. Тик, Г. Фон Клейст, Короленко, Салтиков-Шчедрин, М. Горький ва бошка суз усталари яратган хикоялар гоятда машхурдир. Вс. Иванов, Н. Тихонов, М. Шолохов, Вс. Вишневский, С. Антонов каби адиблар яратган хикоялар хам янги замон хикоячилигининг яхши намуналаридир.

Узбек адабиёти тарихида х.ам х.икоя жанрининг узига хос таракк,иёт йули бор. Алишер Навоийнинг "Хамса"сидаги х.икоятлар ёхуд Пошшохужанинг "Мифтохул-адл" ва "Гулзор"ида келтирилган хикоялар, узбек халк.огзаки ижодидаги эртаклар узбек хикоячилигининг утмищцаги намуналаридир. Октябрь узгаришидан сунг узбек адабиёти тарихида янги типдаги хикоя — реализм хикояси пайдо булди. А. К,одирий, Чулпон, Райратий, Х- Шамс, Х^ Олимжон, F.Гулом, А. Кахдор, Ойбек, Ойдин, А. Мухтор, Мирмух.-син, С. Ах.мад, С. Зуннунова^Х. Рулом, У. Умарбеков, Ш. Холмирзаев, О. Отахонов, У. Хошимов сингари адиблар

узбек хикоячилигини бойитишда катта хизмат килдилар. Ёзувчи Абдулла Кдхдор узбек хикоячилигида узига хос мактаб яратган санъаткордир. Узбек реалистик хикоячилигининг туғалиши, манбалари, таракдиёт йули, тенденциялари Н.В.Владимирова ва У. Норматовларнинг илмий-танкидий асарларида ёритилганки, булар хам эътибордан четда крлмаслиги л озим.

**Очерк** *(рус.* очеркать — тасвирлаш, чизиш) — ижтимоий хаёт вокеаларини, реал кишилар фаолиятидаги мухим хрдисаларни, зарур муаммоларни ривоявий усулда акс эттирувчи кичик эпик асар.

Очерк уз табиатига кура хикояга якин туради. Шунга кура, хикоя билан очеркни киёслаб курсангиз хар иккала жанр уртасидаги муштаракликни хам, фаркларни хам осонлик билан пайк.ай оласиз.

"Хикоя килган ишни очерк дам к.ила олади. Бирок. унинг воситалари, имкониятлари хикояга к.араганда бошк.ачадир. Хикоянавис куп х.одисаларни умумлаштирувчи вок,еа яратса, очеркист бир вокеанинг характерли чизик,-ларини танлаб олиш йули билан уни типиклаштиради.

Очеркист узи бевосита курган, мушохада килган кишилар, хрдисалар тугрисида ёзгани учун фантазиядан... фойдаланган такдирда х.ам маълум чегарадан нари утолмайди. Хикоянавис, масалан, узининг кекса к,ахрамонида ёшлик туЙБуси уйгонганини айтмокчи булса, унда шу х.ис уйгонганлигини курсатадиган бир иш килдиради, сузлатади. Очеркист уз к.ахрамонида шундай туйгу уйгонганлигини айтмокчи булса, унга х,еч к.андай иш килдиролмайди, суз х.ам айттиролмайди, чунки бу к.ахрамон конкрет одам... Сохта вокеа дикояни бир пул килганидай, эркин фантазия очеркни бир пул килади. Очеркист х,икоянависда булган бу имкониятлардан махрум булса, унинг бошка имкониятлари бор. У хикояда узига урин тополмайдиган **мухокама килиш, хулоса чик,ариш, уз фикрини баён к,илишдек** имкониятларга эга...

Хикоянавис кулига калам олмасдан бурун уз олдига аник, бир максадни куйиб, ихтиёрида булган материалдан шунга к,араб фойдаланади... Очеркист хам уз объектига якинлашган вактида аник, бир мак.сад кузлаши керак...

Турмушни чукур англаш, унинг хрдисаларини тахлил кила билиш, баъзан кундалик икир-чикирлар губори босиб, юзи хиралашган хаёт хдкикдтнинг жилосини кура олиш дикоянависдан канча талаб килинса, очеркистдан дам шунча талаб килинади.

Мана шу... хусусиятлар бу икки жанрни бир-биридан фарк, килдиради, лекин икковининг орасига катъий суратда бир чизик, тортиш мумкин эмас, негаки, яхши ва ширали тил билан ёзилган, яхши умумлаштирилган, образ яратилган очерк хикоядир... "Вокеий" деб атаганимиз хикоя — очерк, типик вокеа тасвир этилган очерк — вокеий хикоя эмасми?

Бизнинг кунларда очерк адабий харакатнинг оддинги сафида туриши керак"[1].

Хикоянавис ва очеркист Абдулла Кдхдорнинг "Бадиий очерк тугрисида" деган макрласидан келтирилган юкрридаги парча, бизнингча, хикоя ва очерк жанрларига хос етакчи хусусиятларни тушуниб олишга ёрдам беради.

Очеркист хаётда бор булган одамларни ва реал вокеаларни тасвирлар экан, ижод жараёнида у х.аётда уз кузи билан курган фактларни курук. баён килиш йулидан бормайди, аксинча типик характерларни типик шароитда хакдоний намоён этадиган чинакам реализм йулидан боради. Демак, очеркда х.ам х.аёт типиклаштирилиб тасвирланар экан. Бирок, очеркда типиклаштириш тамойили узига хос хусусият касб этади. Очеркда тутридан-тугри фантазия, хаёл воситасида эмас, балки муаллиф уз кузи билан курган (х.акик.атан хам хдётда юз берган) вок,еа ва фактлар асосида типик образ яратилади. **Конкретлилик ва ани^лик очеркнинг характерли хусусиятларидандир.** Купинча **очерк *ужжатли асар*** деб юритилади. Бу гапда жон бор — реалистик адабиёт тарихидаги очеркларнинг аксарияти "хужжатли" ва "адресли", яъни очеркист уз кузи билан курган ^одисаларни, реал кишилар х,аётида юз берган мухим вок;еаларни "худди узидай" аник.тасвирлайди. Тугри, буурин-да х.ам очеркка объект булган "х.аёт парчаси"ни тасвирлаш жараёнида очеркист айрим фактлар урнини алмаштиради,

---

[1] *Абдума К,аwор.* Асарлар, 6-т.[1] Т., F.F>raoM номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971, 249—252-бетлар. ,>• ■ .

деталлар, штрихларни бир-бирига боклашда фантазиядан фойдаланади. Бирок,, очеркда бадиий тукима, фантазия гоятда чекланган булади. Мана шу маънодагина очерк "хужжатли адабиёт" була олади. Бинобарин, "очерк — хужжатли адабиёт" дейилганда "очерк хаёт материалининг фотосурати, айнан нусхаси" экан, деб тушунмаслик керак, айни чокда, адабиёт тарихида соф тукима нули билан яратилган очерклар (ахён-ахёнда булса-да) учраб турадики, бу хил очеркларнинг хусусиятларини эътибордан четда крддириб булмайди. Чунончи, М. Горькийнинг "Россия буйлаб", Г. Успенскийнинг "Ер амри" каби очеркларининг кахрамонлари хам, сюжет линиялари хам хаёлдан тукиб чикарилган. Шундай булса х,ам, бу очерклар муаллифларга хаёт хакикатини очеркнамо килиб курсатишга тула имкон берган. Б. Бойкрбилов ва М. Халилларнинг "Корёвдининг мактублари" очерки хам фантазия мадсулидир. Бу хил очерклар табиатан х.икояга ухшаб кетади, аммо х.икоянинг айни узи эмас. Бундай асарларнинг жанрларини белгилашда "хужжатлилик", "адреслилик" эмас, аксинча адибнинг тафаккур тарзи ва баён усули, тасвир объектига муносабати асос булиб хизмат килади.

Очеркнинг х,ажми х,ам катьий чегараланган эмас: очерклар, одатда, гоятда кичик х,ажмли, лаконик шаклда булади (Хамид Олимжоннинг "Зайнаб" очерки); аммо шундай очерклар хам буладики, уларнинг хджми повесть ёхуд романнинг х.ажми билан бемалол ракрбат кила олади. (Карамзовнинг "Рус сайёхининг мактуби", Радишчевнинг "Петербургдан Москвага саёхат" каби очерклари хажм жщатидан х.еч к.андай повестдан крлишмайди. Хатто, француз очеркисти Мерсьенинг "Париж манзаралари" очерки бир неча томни ташкил этган. Ойбекнинг "Покистон таассуротлари" туркумли очерки хажм жихатидан повестга тенглаша олади). Шу сабабли очеркнинг жанр хусусиятларини белгилашда унинг хажми мухим ах.амият касб эта олмайди.

М. Горькийнинг уктиришича, очерк х.икоя билан илмий тадкикрт чегарасида туради. Очеркда, биринчидан, хаётдаги х.ак.икий фактлар берилади, улар тахдил этилади, магзи чакилади. Шу жихатдан очерк илмий тадкик.отга жуда якинлашади; иккинчидан, тасвир жараёнида бадиий тасвир воситалари кулланилади ва бу хусусияти билан хикоя-

га якин туради. Мазкур хусусиятлар у кадар сезилмайдиган очерклар хам йук. эмас. Бундай очеркларда эпиклик биринчи планга чикади. Натижада, очеркнинг эпосга якинлиги билинади: худди эпосдагидек очеркда хам хикоячи — муаллиф образи булади, хар иккала жанрда хам хаётни объективлаштириб тасвирлашга интилиш кучли сезилиб туради. Хикоя(эпос)да мазмун характерлараро муомала-муносабатда, улар уртасидаги конфликтда очилса, очеркда субъект — муаллиф образи мухим роль уйнайди. Очеркист-нинг узи бутун асар давомида вокеани бошкариб боради, тасвир объектига актив муносабатини очик.-ойдин баён этади. Проф. Н.А. Гуляев "Адабиёт назарияси" дарслиги-да уктиришича, очеркни характерловчи умумий етакчи хусусиятлардан бири тасвир предметининг очеркбоплиги-дир. Очерк уз кизик.иш доирасининг универсаллиги билан эпик турнинг бошкд жанрларидан ажралиб туради. Очерк хаётдаги хамма нарсага кизикади, уларни уз тасвир объектига тортишга интилади. Масалан, эпопеяда энг мухими вокеа, романист ва х.икоянавис учун энг зарур нарса ин-сон такдири булса, очеркист учун х,амма нарса мухим. Очеркист хаётнинг, албатта, инсониятучун, таракдиёт учун зарур булган турли-туман к.ирраларини акс эттиради. Очерклар турли-туман хаёт х.одисаларини к,амраб олиши билангина эмас, айни чокда, тасвир объектига узига хос муносабатда булиши билан хам характерланади. Очеркист романист ва хикоянависдан фаркли уларок., инсон такдирини курсатишга у к.адар кизик.иб кетмайди, уни, асосан, ижтимоий х.аёт муаммолари кизиктиради. Очеркда ижтимоий даёт окими ва х.олати тадкик. этилади, турмушнинг жушкин х.одисаларига фаол аралашилади, унга очик. муносабат билдирилади. Шу туфайли очеркда тасвир объектига жушкин публицистик муносабат ва хаяжонли баён келиб чик.ади.

Очеркист хаётнинг объектив ок.ими, табиат хрдисалари, ижтимоий муносабатлар билангина эмас, реал одамлар билан х.ам кизик.ади. Бирок, очеркда инсон барибир тарихий жараённинг, ижтимоий таракдиётнинг бир булаги сифатида намоён булади. Очерк кахрамони, х.аммадан бурун, ижтимоий онгнинг бир жих.атини, тарихий тарак.-киёт тенденциясининг бир томонини узида мужассамлаш-

тириши билан характерланади. Шу сабабдан, аналитик тахлил очеркда роятда мухим ахамият касб этади. Жанговарлик ва хрзиржавоблик очеркнинг характерли хислатидир.

Очерк куйидаги турларга булинади: **портрет очерк, йул очерки, муаммо-очерк, х.арбий очерк, илмий очерк** ва бошкалар.

Жахрн адабиёти тарихида очерк Уйгониш даврида пайдо булган. У бизнинг кунларимизгача жуда мураккаб тарихий тараккиёт йулини босиб утган. Реализм очерк жанрини чинакам камолотга кутарган асосий ижодий омиллардандир.

Узбек адабиёти тарихида хам очеркнинг илдизлари узок, даврларга бориб такалади: мумтоз адабиётимиздаги тарихий-мемуар асарлар, саёхатномалар, хусусан, Захдриддин Му^аммад Бобурнинг "Бобурнома" каби асарларида очеркка хос катор хусусиятлар сезилиб туради. Очерк мустакил жанр сифатида узбек адабиётида Октябрь узгаришидан сунг шаклланди ва камол топди. А. Кдцирий, Ойбек, F. Гулом, А. К,ахдор, И. Рахим, Н. Сафаров, О. Ёкубов, С. Анорбоев, Х- Нуьмон, Й. Шамшаров, Й. Мукимов, X> Назир ва бошк.а адибларимиз гоявий-бадиий баркамол очерклар яратиб адабиетимиз тарак.киётига муносиб х.исса кушдилар. Очерк жанрида, хусусан, Назар Сафаров шухрат к.озонди. "Карвонбоши Меликузи", "Султон бузчининг неваралари", "Зулайхо", "Чул лочини" каби очерклари китобхонларда кизикиш уйготди.

**Лирик тур ва унинг жанрлари**

**Лирика** *(юнон.* lyricos — лира журлигида куйлаш) — бадиий адабиётнинг асосий турларидан бири булиб, бирор ^аётий вок.еа-х;одиса таъсирида инсон калбида тугилган рух.ий кечинма, фикр ва туйгулар орк.али воК.еликни акс эттиради. В. Г. Белинский шундай дейди: "Эпосда субъект мавзу билан кумилган булади; лирикада эса субъект мавзуни уз ичига олиш, сингдириш, уни чукур узлаштириш билан чекланмайди, балки мавзуга тукнашув унинг ичида к.андай туйгулар уйготган булса, барчасини ички чукурлигидан олиб чикади. Лирика тилсиз сезгиларга суз ва образ беради, уларга алохдца ^аёт багишлайди. Демак, лирик асарнинг мазмуни объектив вок.еанинг тарак,киёти эмас, унинг мазмуни — субъектнинг узи ва у

оркали утган хдмма нарсадир... Дунёни ва хаётни харакат килдирувчи кучлар булган хамма умумий нарса, хамма субстанцияга оид нарса, хар кандай идея, хар кандай фикр — лирик асарнинг мазмуни була олади, лекин бу умумий нарса субъектнинг энг якин, энг ички нарсасига айланиши, унинг сезгисигакириши, унинг бирон томони билан эмас, балки бутун мавжудияти билан бокланган булиши шарт. Кишини машгул этган, тулкинлатган, шодлантирган, кайгуга солган, завклантирган, тинчитган, хдяжонлантирган нима булса, кискаси, субъектнинг маънавий хаётини ташкил килган хамма нарса, субъект ичига нима кирса, унда нима пайдо булса, шуларнинг барчасини лирика, узининг к.онуний бойлиги каби к.абул килади. Мавзу бу ерда уз-узича кимматга эга эмас, х.аммаси субъектнинг унга берган ах.амиятига боглик., х.амма нарса хаёл ва сезги билан мавзуга кирган рухга боглик."[1]. Лирик турнинг узига хос хусусиятлари, асосан, ана шундан иборат. Шунингдек, лириканинг модиятини туфи англашимизда Ойбекнинг куйидаги фикрлари х.ам кул келади: "Куп кишилар лирикани факат туйку, х.исдан иборат, деб уйлайдилар. Бу тамоман нотугри... Чунки улар фикр ила туйгуни механик айириб куядилар. Хакик.атда, фикрий мазмун ила бокианмаган "мустак.ил" туйгу, х.ис йукдир. Шоир лирикага фикр ва туЙБуларни шундай бириктирадики, натижада лирик юксаклик вужудга келади. Лирик юксаклик асарнинг хаяжон кучини оширар...

Ддабий асарларнинг драма ва ривоя турларида кисмлар хронологик ва сабаб богланиши ила бирикадилар... Лирикада... к.исмлар купинча эмоционал ухшашлик ёки тазод принципига мувофик. бирикадилар. Лирикада вок.еа, хрдисалар тасвир килинса, улар ситуация ва фабула кескинликлари ясамайди. Мавзунинг очилиши, инкишофи, х.аракати асосий мотивларга янги, ёрдамчи мотивлар юклатиш ила вужудга келади. Лирикада шоир солиштирув, контраст, туйгу параллелизми, аллегориялар, бир-бирига к.арши, ёки якиндош картиналар, тескари алиштирув ва бошкалардан фойдаланади...

---

[1] *В.Г,Белинский.* Танланган асарлар. Т., Уздавнашр, 1955, 184-бет. >

Лирик асарларда сузга парвосиз каралмайди. Лирикада суз ритмли, охангдош каторлар ташкил этади. Суз ёлгиз мазмунни ифода килиш воситаси эмас, балки, маълум товуш, оханг комплекси каби бадиий элемент булиб хизмат килади. Шеър лирика тилининг мусикийлиги, сузларнинг куйилиши, турли сифатга молик товуш типларининг тартибланиши, уларнинг махсус бирикиши, умуман, товуш крнунига буйсундириш ила вужудга келади"[1].

Лирикада очиб берилган инсоннинг ички дунёси унинг узини хам, ундаги кайфиятни хам тувдирган хаёт шароитларини тасаввур килишга имкон беради. Лириканинг хам кахрамони — инсон: купинча шоирнинг узи (умумлашма образ) булиб, лирик кахрамон сифатида намоён булади. Вокеликни лирик кдхрамон кечинмалари орк.али акс эттириш лириканинг бош хусусиятидир. Адабиёт тарихида вок,еабанд шеърлар хам буладики, уларда иштирок этувчи шахслар образи кузга ташланиб туради. Шоир шу образлар воситасида хаётнинг у ёхуд бу жих.атларини бадиий ифодалайди.

Лирик асар х.ажм жихатидан кичик булишига к.арамай, х.аётни бадиий акс эттира олади. Лирик асарда конкрет индивидуал кечинмалар оркали типик кечинмалар ифодаланади, бу хрлат лирик асарда бадиий умумлаштиришни, типиклаштиришни вужудга келтиради. Лирикада х.ам бадиий фантазия мухим роль уйнайди; шоир вок.еликни илҒор ижтимоии идеаллар нури билан еритадиган кечинмалар, фикр ва туйгуларни тараннум этади.

Лирик шеърият адабиётимиз тарихида салмокли урин тутади: утмиш мумтоз шоирларимиз х.ам, х.озирги замон шоирлари хдм лирик асарлари билан шухрат к.озонган. Лирик шеъриятимиз сермаънолилиги, фикран теранлиги, хистуйру ва эхтиросларнинг самимийлиги, бойлиги, шаклан ранг-баранглиги, сербуёклиги, жозибадорлиги, гоятда мусикийлиги билан китобхонларга манзур булган.

Лирик шеъриятимиз куйидагича тасниф килинади: газал, к.асида, кушик,, китьа, рубоий, туюк., фард, мунозара, муК.аддимот, мустазод, таржиъбанд, таркиббанд, сокийнома,

[1] *В.Г.Белинский.* Танланган асарлар. Т., Уздавнашр, 1955, 184-бет.

марсия, манзума, сонет, мусаммат, мадхия ва бошкалар. Урни келганда шуни хам айтиш керакки, утмишда шеърларга хрзиргидек мазмунга мое сарлавхалар куйиш одат булмаган, шу шеър ёзилган жанрнинг номи (газал, касида, рубоий, туюк., таржиъбанд каби) ёхуд шу шеър кандай банд усулида ёзилган булса, бу банд номи (маснавий, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусамман каби) билан юритилган. Хар бир шеърга унинг мазмунига мое сарлавха куйиш одати сунгги даврлар махсулидир. Энди лириканинг айрим жанрлари ва жанр шаклларини куздан кечирайлик.

**Разал** *{араб. Sp* — газал, куплиги OUJP — г-азалиёт, аёллар билан уйнаб-кулиш) — иищ-мукаббат хдкида бахс юритувчи лирик шеър. Базал Шарк. халкдари лирикасида кенг тарк;алган жанр булиб, у уз таракдиётининг дастлабки даврларида фак.ат ишк,-мух.аббат мавзуларида яратилган. Аммо кейинги даврларда газалнинг мавзу доираси кенгайиб борган. Шу тарика, газал тематикаси инсоннинг соф интим туйгулари билан бирга ижтимоий х.аёт муаммоларини хам камраб оладиган булган. «Разалнинг мазмуни, гоявий мундарижаси, образлар системаси, тематикаси дар бир даврда узгариб борган булса, унинг формал хусусиятлари: вазни, крфияланиш усули, матлаъ, мактаъ тахаллус куйиш одати ва бошкаларда катта узгаришлар руй бермади. Бирок., г-азал формаси к.отиб хам к.олмади, унинг шакллари купайди»[1]. Шу тарик,а «газалда ёр киёфаси, киликларини баён к.илиш, согинишу фирок., ракибдан ва такдирдан зорланишнигина ифодаланмайди, шунингдек, газал доираси табиат манзараларини тасвирлаш, май, к.адах. хакида баён килиш билангина чекланмайди... газал тематикаси шахенинг интим кечинмалари доирасида к.олмасдан, унда ижтимоий хаёт масалалари х,ам ифодаланади»[2]. Лекин, барибир, газал табиатан, биринчи навбатда, ишк.-мух.аббат масалаларини ёритиб келган ва бундан кейин хам шундай булиб крлаверади[3].

---

[1] *Р. Орзибеков.* Узбек лирик поэзиясида газап ва мусаммат. Т., «Фан», 1976, 14-бет.

[2] *А. М. Мирзаев.* Рудаки и развитие газели в X—XV вв. Сталинабад, 1958, 25-бет.

[3] К,аранг: *А. Хайитметов.* Навоий лирикаси. Т., УзФАН, 1961, 56-бет.

Разал формал-поэтик жихатдан куйидаги хусусиятлар билан характерланади: а) икки мисрали байт усулида ёзилади; б) шеърдаги хар бир байт нисбий мустакилликка 9га; в) крфияланиш тартиби: биринчи байт узаро крфияланади: крлган барча байтларнинг ток, мисралари очик. крлиб, жуфт мисралари биринчи байт билан крфиядош булиб, кедади, схемаси: а-а, б-а, в-а, г-а, д-а...; г) крфиядан су"нг, купинча радиф келади (радифсиз газаллар хам учраб туради); д) разалнинг биринчи байта «матлаъ» (бошланма) ва сунгги байта «мактаъ» (тугалланма, хотима) деб юритилади; е) шеър мактаъсида муаллифнинг тахаллуси ёхуд ибми курсатилади; ё) шеър мусикабоп вазнларда ёзилади; ж) анъанага кура газаллар ун байтдан ошмаслиги лозим булсада, амалда ун байтдан ортик. газаллар х,ам яратилган. Узбек адабиётида купинча 7—9 байтли газаллар яратилган. Масалан, Алишер Навоийнинг «Хазойинул-маоний» сидяги 2600 газалнинг 1747 таси 7 байтли, 695 таси 9, 2 тасй 5, крлганлари 12—13 байтлидир. Разалшуносларимизн^нг аниклашича, узбек газалчилиги тарихида 4 мисрадан 46 мисрагача булган газаллар учрайди.

Узбек адабиёти тарихининг олтин фондини ташкил этган юзлаб, минглаб газалларни к.офияланиш тартибига кура куйидагича тасниф килиб урганиш одат тусига кирган^

а) узбек адабиётида знг куп таркалган *тазал-оддий* ***дир.*** Бу хил газал а-а, б-а, в-а, г-а, д-а... тартибида ланиши билан характерланади;

б) **газал-хусни матлаъ.** Бу газалнинг бошка газаллардан фарки шундаки, унда матлаъдан кейинги байт мисралари #ам узаро крфияланади. Схемаси: а-а, а-а, б-а, в-а, г-а, д-а...;

в) **разал кдгьа.** Бу газалнинг крфияланиш тартиби китьанинг к.офияланиш тартиби билан бир хиддир. Схема^си: б-а, в-а, г-а, д-а...;

г) **газал-мусажжаъ.** Бу газалда одатдаги к,офиялардан ташк,ари ички к.офиялар х.ам булади;

д) **газал-мувашшах..** Бу газалнинг тузилиши мувашшМнинг айни узини эслатади;

е) **газал-мушоира.** Бу газал икки ёки ундан ортик, ирнинг диалоги — мунозараси тарзида тузилади;

ё) **казал-зулкрфиятайн.** Бу кам учрайдиган х,одиса у унда х.ар бир байт узаро крфияланади. Схемаси: а-а, б -б, в-в, г-г...; ...... .. ;, ·;,,,·,, ,,:

**ж) газал-зебкофия.** Бу хам кам учрайдиган хрдиса булиб, унинг крфияланиш тартиби: а-а, а-а, а-а, а-а, а-а...;

з) **газал-чистон.** Бу газал-чистон — топишмокгшнг узи;

и) **газал-назира** (татаббуъ, тазмин). Бу шоирнинг бошка бир шоир газалига эргашиб газал ёзиши. Чунончи, Алишер Навоий ва Мухаммад Фузулий газалларига жуда куплаб шоирлар назиралар боглашган. Разал-назира ёзиш узига хос анъанага айланиб кетган[1].

Узбек адабиётида газал форс-тожик газалчилиги заминида пайдо булиб, XIV аср урталаридаёк. алохдда лирик жанр сифатида шаклланган. Алишер Навоий газални узбек адабиетининг етакчи жанрига айлантирди ва «газал мулкининг султони» булиб крлди. Бобур, Фузулий каби санъаткорлар газал шухратига шу>фат кушишди. Мумтоз шоирларимизнинг деярли барчаси газал жанрида калам тебратишган. Шу сабабли, газал узбек мумтоз адабиетининг бош жанри булиб крлган.

Узбек мумтоз газалчилигининг намунаси сифатида Алишер Навоийнинг «Бадойи-ул-васат» девонидаги «Келмади» радифли газалини келтирайлик:

Кеча келгумдур дебон ул сарви *гулру* келмади,
Кузларимга кеча тонг откунча *уйцу* келмади.

Лахза-лахза чиктиму чектим йулида интизор,
Кедди жон OF3HMFaro ул шухи *бадху*
келмади.

Оразидек ойдин эрконда гар этти эх,тиёт,
Рузгоримдек хам улБонда bqopoHFy,
келмади.

Ул париваш хажридинким йигладим девонавор,
Кимса бормуким, анга курганда *кулгу* келмади.

Кузларингдин неча сув келгай деб ултурманг мени,
Ким бори к.он эрди келган, бу кеча *су(в)* келмади.

Толиби содик. топилмас, иук.са ким куйди к.адам,
Йулраким, аввал кадам маъшук.а *утру* келмади.

Эй *Навоий,* бода бирла хуррам эт кунглунг уйин, Не
учунким, бода келган уйга *цигу* келмади.

---

[1] К,аранг: *Н. Шукуров, Ш. Долматов.* Адабиётшуносликка кириш. Самарканд, 1974. 150—151-бетлар. *Р. Орзибеков.* Узбек лирик поэзиясида FaЗa^i ва мусаммат. Т., Фан. 1976, *12*—44-бетлар.

Хозирги узбек шоирлари хам, газал жанрида баракали ижод килишган. Хамза Хакимзода Ниёзий, Мухаммадшариф Суфизода, Чулпон, Рафур FупoM, Хамид Олимжон, Райратий, Максуд Шайхзода, Собир Абдулла, Миртемир, Уйгун, Хабибий, Чархий, Чустий, Эркин Вохидов, А. Орипов, Ж. Камол, Туроб Тула ва бошка шоирлар янги вок.елик мавзуида сермазмун газаллар яратишган. Агар утмиш газалчилиги асосан романтик характерда булса, эндиликда реалистик газаллар яратилмокда.

К,асида *{араб,* оо^ ; куплиги -bU^i — кдсойид) — машхур тарихий шахслар ва буюк вокеаларни мадх. этувчи тантанавор услубдаги лирик жанр. Кдсида худди газалдек крфияланади (схемаси: а-а, б-а, в-а, г-а, д-а...). Одатда, кдсида кириш (насиб ёки ташбиб) билан бошланади, кейин тасвир объектига утилади, охирида дуо хдмда матлабининг баёни берилади. Агар касидада кириш булмаса, *маудуддрЬ* юритилган. Кдсиданинг ум^^мий х,ажми 15—20 байтдан кам булмайди. Утмишда подшолар ва хукмдорлар, улуг тарихий шахслар, буюк тарихий вокеалар, табиат манзаралари, май, ишк.-мух.аббат, шоирнинг узи яшаган мух,итдан ши-коят ёки уз фазилатлари х.ак,ида к.асидалар яратилган. Шунингдек, фалсафий к.асидалар, х.ажвий касидалар ёзил-ган. Прогрессив шоирлар уз к.асидаларида адолатли шох.-лар ва ул>т кишиларнинг фазилатларини мадд этишган, узларининг х,аёт х.ак,идаги к.арашларини ифодалашга ин-тилганлар. Аммо айрим шоирлар хукмдорларни кукларга кутариб MaKja6, уларга хушомадгуйлик килишган. Узбек адабиётида уз касидалари билан шухрат к.озонган шоир Сак-кокий (XV аср) феодал хукмдорлардан Халил Султон но-мига битта ва Мирзо Улугбек номига туртта к.асида, ну-фузли рухрнийлар, амалдорлардан Хожа Мух.аммад Пор-сога бир касида, Арслон Хожа Тархонга турт к.асида багишлаган. Алишер Навоийнинг Хусайн Бойк.арога ба-гишлаб ёзган «Хилолия» номли к.асидаси ва, шунингдек, «Тудфатул афкор» («Фикрлар совгаси») номли фалсафий касидаси машхур.

Саккокий «Улугбек мадхи» к.асидасида шундай байтларни тузади: ,

Жахрндин кетти ташвишу мабодийи *амон* келди,
Халойик. айш этинг бу кун, сурури *жовидон* келди.
Тан эрди бу улус барча анинггек жони бор ё йук,
Бщамдиллах, уFОН фазли била ул танга *жон* келди.

Хозирги узбек шоирлари касидани халкимизни мадх. этувчи, Ватанни улутловчи, улут айём кунларини таран-нум килувчи жанрга айлантирдилар. Максуд Шайхзода-нинг «Тошкентнома», Султон Акбарийнинг «Менинг ма-халлам», Эркин Вохидовнинг «Узбегим», А. Ориповнинг «Мен нечун севаман Узбекистонни» каби асарлари янги замон касидачилигининг яхши намуналаридир. Янги каси-даларда анъанавий касидаларнинг бир кдтор «темир крнун-лари» бузилиб, замонга мослапггирилди, тасвир имкони-ятлари кенгайтирилди. Шоир Абдулла Ориповнинг «Момо офтоб» шеър-касидасидан бир парча:

Офтобим, шу мунис заминни зинхрр
Мехру шафкатингдан этма мосуво.
Дустлар сафида шод тарона айтиб,
Мен хам дилдан сенга к.илурман хитоб,
' *Х&р* утган зум учун шукрона айтиб,
Сенга топинурман, эй мом офтоб.

1^ушщ — к,адимий лирик жанр булиб, куйга солиб ай-тишга мулжаллаб ёзилади. Кушик., одатда, икки хил була-ди: халк. кушиклари ва ёзма адабиёт намунаси булган кушиклар.

Халк. кушиклари жуда кадимий тарихга эга. У огзаки тарзда мусика билан бирга яратилган. Кушик., дастлаб, мех.-нат жараёнида пайдо булган. Уларда халкнинг орзу-умид-лари, завк,-шавки, кувонч ва изтироблари мужассамлаш-ган. Халк, кушиклари мех,нат кушиклари, мавсум кушик,-лари, маросим кушиклари, алла, ёр-ёр, ишкий кушиклар, кахрамонлик кушиклари каби турларга булинади.

Кушик. ёзма адабиёт жанри сифатида х.ам машхур. Али-шер Навоий, Задириддин Мухаммад Бобур, Машраб, Ога-х.ий, Мукдмий, Фурк.ат ва бошк,а шоирларнинг анчагина шеърлари кушикда айланиб кетган. XX аср узбек шоирла-ри хам кушик. жанрида баракали ижод килишган. Хамза, Fy/iOM, Хамид Олимжон, Уйгун, Миртемир, Аск.ад

Мухтор, Туроб Тула, Уткир Рашид, П. Мумин, Э. Вохидов, А. Орипов каби шоирлар бир катор серзавк. кушиклар яратищди. Бир мисол:

Гул диёрим, бор менинг,
Гулшан диёрим бор менинг.
Мехнату бахтимни курки,
Пахтазорим бор менинг.

*(Уткир Рашид)*

**К,итъа** *{араб.* — ^Ja-S — парча) — кадимий лирик жанр. Кдтъа шундай бир лирик жанрки, у ихчам булади, унда фикр лунда ва конкрет баён килинади, мураккаб усуллар, крчирик.-киноялар деярли учрамайди, тасвир объекта бе-восита курсатилади, бахрланади; вокеа-хрдисалар аслига монанд ифодаланади[1]. Кдгьанинг шаклий-поэтик белги-лари: а) шеър хажм жихатидан кичикрок. (2 байтдан 19 байтгача) булади. Узбек адабиётида бир байтдан ун бир байтгача булган китъалар бор, бирок, икки байтли китъа-лар кенг тарк;алган; б) шеърнинг матлаъи булмайди; в) к,офияланишида к.атъий схема йук.; амалда купгина китьа-ларнинг жуфт мисралари к.офияланиб, ток. мисралари очик. к.олдирилади (схемаси: б-а, в-а, г-а, д-а...); г) умуман айт-ганда, китьа бадих.абоп жанр булгани учун унинг х.ажми, вазни, мавзуи, гоявий мундарижаси к.атъий чегараланма-ган. Унда шартли тамойиллар, мажбурий шаклий-поэтик крлиплар «темир к.онун» тусини олган эмас[2].

Узбек адабиётида деярли жуда куп шоирлар китьа яратишган. Бирок. Алишер Навоийгина бу жанрни х.ар томонлама юксакликка, тула хукукли жанр даражасига кутарган. Шоирнинг «Хазойинул-маоний»сида 210 та, «Девони фоний»да 72 та китъа берилган. Булардан ташкари, «Муншаот», «Холоти Пахлавон Мух.аммад», «Хамсатул-мутахаййирин» ва бошк,а асарларида бир канча китъалар бор. Али-

---

[1] К,аранг: *А. Абдутафуров.* Шоир щпъалари. Узбекистан маданияти, 1968 йил, 20 август.

[1] К,аранг *Р. Орзибеков.* Лирикада кичик жанрлар. Т., F. FупоМ номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 14—15-бетлар.

шер Навоий китъалари икки байтдан тортиб ун бир байт-гачадир. Уларнинг аксарияти икки байтлидир.

Бу уринда узбек мумтоз китъачилигидан намуна сифатида 2 китьани келтирайлик:

Ул менинг жони *жа%онимра* салом,
Жондин ортик, *ме%рибонимга* салом,
Бир замон холи эмасман ёдвдин,
Мунису жону *равонимт* салом.

*(Лутфий)*

Жахрн ганжота шох. эрур аждахр, Ки
утлар сочар к,ахри *уангомида.* Анинг
коми бирла тирилмак эрур, Маош
айламак аждахр *комида.*

*(Алишер Навоий)*

XX аср узбек шоирлари хдм китъалар яратишган. Чунончи, шоир Максуд Шайхзоданинг «Узбек пойтахтидан...», «Исмингаингмаъноси», «Самолётдан...» каби шеърлари янгича китъа намуналаридир. Х.абибий, Собир Абдулла, Чархий ва бошк.а шоирлар дам куплаб китъалар яратишган.

**Рубоий** *(араб,* ^bj — туртлик; куплиги о^рbj — рубоиёт) — турт мисрадан иборат мустакил лирик жанр. «Араб тилидаги «арбаатун», «рубоий ятун» (туртлик, турт) сузларидан олинган рубоий термини Ажам (араб халклари ва мамлакатларидан бошк.а эллар) шоирлари орасида турт мисрадан иборат ва крфия тартиби а+а+б+а шаклидаги, мустак.ил бир мазмунни ифодалайдиган лирик асарни англатган. Одатда рубоийнингбиринчи **мисраси тезис,** яъни шоир кейин исбот этиши лозим булган фикрнинг даъво шаклида уртага ташланишидир. **Иккинчи мисра антитеза,** яъни аввалгисига зид, унинг аксидек жаранглайди, бирок, дастлаб куйилган тезиснинг исботига хизмат кдлади. **Учинчи мисра** крфиясиз булиб, **моддаи рубоийя** деб аталади. Шоир хулоса чикаришга тайёрланар экан, бу гуё асосий максадга, хулосага олиб келувчи куприк бурчини утайди. Них.оят **сунгги мисра,** мак.саднинг очик,, равшан айтиб тугатилиши **синтездир...** Рубоий турт мисрага сигдирилган бутун бир

шеърият дунёси, инсоннинг FOHT хилма-хил ва жуда бой фикр-х.ислари, «калб диалектикаси»нинг ажойиб таржимонидир»[1]. «Рубоий жанрининг бош хусусияти шундаки, у куп вакт инсон хаётида, ички кечинмаларида юз берган энг теран ва кескин моментлардаги мулохаза ва фикрларни куйма сатрларда гавдалантиради. Бунда мундарижанинг етакчилиги якдол сезилиб туради. Бунда ёзувчининг асосий максади, бир фикрни хам тасвирий образлар воситаси билан, дам мантикий далиллар билан очик.-равшан тасдиклаш ёки рад этиш, бирон мухим масалани жамоатчилик онгига етказиш... бирон вокеа ёки х.одисанинг охирига етган нуктасини курсатиш ва унта у"з муносабатини, фикрини билдиришдир. Бунда хдмма суз ва тасвир шу максадни мумкин кадар эффектли очиб беришга хизмат килади...»[2]

Рубоийнинг шаклий поэтик хусусиятлари: а) шеър хажм жщатидан, албатта, турт мисралик булади; б) композицияси тезис, антитезис, моддаи рубоийя ва синтездан ташкил топади; в) **х^азаж** ба^рининг **ахрам ва ахбар вазнлари(24** вазн)да ёзилади; г) фалсафий, ижтимоий, ахлокий ва интим-ишкий мавзуларда ёзилади; д) крфияланиш тартиби 2 хил: **а+а+б+а** хамда **а+а+а+а;** е) крфиялари купинча радифли булади.

Олимларимизнинг аникдашича, рубоийнинг узбек адабиётида пайдо булиши араб истилосидан аввалги даврларга бориб так.алади. Рубоий жанри ва унинг тарихий тарак,киёти адабиётшунос Радмонкул Орзибековнинг «Лирикада кичик жанрлар» китобида муфассал ёритилганки, буни, албатта, ук.иб чикиш керак.

Рубоий Шарк. адабиётида кенг таркалган. Форс-тожик адабиёти мумтозлари Рудакий, Саъдий, Х,офиз, Умар Хайём каби файласуф шоирлар рубоий жанрида жах,онга шух.рат таратганлар. Узбек классиклари х.ам рубоий жанрида катта маданий мерос к,оддиришган. Булар орасида, айник.са, Алишер Навоий ва Захириддин Мух.аммад Бобур рубо-

---

[1] *М. Юнусов.* Уммондан к,атралар. Гулистон, 1975, 2-сон, 16—17-бетлар.

[2] *А. Хайитметов.* Навоий лирикаси. Т., УзФАН, 1961, 59—60-бетлар. •-

ийлари гоявий-бадиий етуклиги, х,икматомузлиги билан алохида ажралиб туради. Масалан:

Куз бирла кршинг яхши, *к,або¥инг* яхши,
Юз бирла сузунг яхши, *дудотнг* яхши. Энг
бирла менгинг яхши, *сак,оцинг* яхши, Бир-
бир не дейин боштин-дёл/нг яхши.

*(Алишер Навоий)*

Ёд этмас эмиш, кишини *Fурбатdа* киши, Шод
этмас эмиш, кунгулни *меу;натда* киши.
Кунглум бу гарибликда шод улмади, ох.,
Бурбатда севунмас эмиш, *албатта,* киши.

*(Бобур)*

Бу икки рубоийнинг крфияланиш тартиби куздан кечириладиган булса, уларнинг икки хил тартибда крфияланганлигини пайкаймиз: биринчи рубоийнинг туртала мисраси хам узаро крфияланган (схемаси: а+а+а+а), иккинчи рубоийнинг уч мисраси к.офияланиб, бир мисраси очик. к.олган (схемаси: а+а+б+а). Рубоийнинг а+а+а+а тартибида к.офияланувчи тури, одатда, **таронаи рубоий** деб юритилади. Адабиётимиз тарихида рубоийнинг а+а+а+а шаклида крфияланувчи тури камрок. учрайди, а+а+б+а шаклида к,офияланувчи тури кенг тарк.алган.

Узбек шоирларидан Сайфи Саройи, Лутфий, Мунис Хоразмий, Огадий каби суз усталари рубоий жанрида баракали ижод этишган. Шунингдек, рубоий жанри дозирги узбек шоирларига х.ам кул келган. Максуд Шайхзода, Собир Абдулла, Хабибий, Мамарасул Бобоев, Рамз Бобожон, Мирмухсин, Шукрулло ва бошка шоирлар турли мавзуларда ажойиб рубойилар ёзишган. Масалан:

Элга сарвар булай десанг *хизмат* кил,
Дастурхоннинг холис булсин *%иммат* к;ил,
Адаб к.онунидан чик,ма; камтар бул. Одам
ахли шарафли деб *х,урмат* кил.

*(Хабибий.)*

Булардан ташк.ари, лирик шеъриятимиз тарихида, ахёна^ёнда булса-да, туюк.-рубоий, муаммо-рубоий, чистон-

рубоий, мустазод-рубоийлар учраб туради. Адабиётшунос Р. Орзибековнинг аниклашича, Бобур ва Лутфий туюк,-рубоийлар, Навоий, Розий, Мукимийлар таърих-рубоийлар, Увайсий чистой-рубоийлар, Адо мустазод-рубоийлар ёзган. Бундай асарларда туюк,, таърих, муаммо, чистой ва мустазодга оид хусусиятлар рубоий хусусиятлари билан кушилишиб, икки жанрга хос хусусиятлар намоён булади. Масалан, туюк,-рубоийларда тугокда ва рубоийга хос хусусият булади: бундай шеър х,ажми, а+а+б+а, баъзан а+а+а+а шаклида крфияланиши (рубоий) ва крфияларда омонимлар ишлатилганлиги жихатидан туюкдир. Лекин шеър рубоий вазнида эмас, балки туюк, вазнида (рамали мусаддаси мак,сурда) ёзилганлиги учун хам туюкдир.

**Туюк,** *(араб. бу,у* — туслаш, туймок) — узбек поэзиясида кенг кулланилган кичик лирик жанр. Туюкнинг шаклий-поэтик хусусиятлари: а) хажм жихатидан турт мисрали булади; б) арузнинг **рамали мусаддаси мак;сур (фоилотун, фоилутун, фоилун),** баъзан махзуф бахри вазнида ёзилади; в) омонимли крфия ёхуд суз уйини ку^тланилади; г) баъзан тажниссиз (омонимлар ишлатилмаган) туюк/іар х.ам учраб туради; д) мазмунан, купинча, ишкий характерга эга булади; е) куйга солиб айтишга мулжаллаб ёзилади. Лирик жанрлар тадк,ик,отчиси Р. Орзибековнинг таъкидлашича, «туюкнинг кенг таркалган турлари турт мисрадан иборат мустакил ва тулик, маънога эга бир бутун асар эканлиги, купрок, а+а+б+а, баъзан а+а+а+а шаклида крфияланиши, мурабба шеърлардан фарк;1И уларок,, сунгги мисраларда шоир тахаллусининг курсатилмаслиги каби хусусиятлари билан рубоийларгаухшайди. Аммо узига хос ягона вазн — **рамали мусаддаси мак,сурда ёзилиши,** аксар лолларда крфияларининг **тажнисли** сузлардан иборат булиши билан фарк, к,илади. Рубоийнинг туюк.к,а нисбатан имко-нияти анча кенг булиб, у турли мавзуларда, **арузнинг х.азаж бах,рининг йигирма турт тармотда ёзилиши мумкин.** Туюк,-да мавзу эркинлиги х.ам анча чегараланган, ундан купрок, тажнис сузлар ишлатилиши талаб кдпинганлиги учун унинг мазмунини очишга мослаштириш анча кийин.

Узбек адабиётида яратилган туюкларнинг аксари севги, садокат, висол умиди, х,аёт завки гояларини ифода-

лашга багишланган. Уларни ишкий миниатюралар олами дейиш мумкин»[1].

Узбек адабиёти тарихида Юсуф Амирий, Гадоий, Лутфий каби шоирлар туюк, жанрида самарали ижод кдшишган. Алишер Навоий ва Захириддин Мухаммад Бобур туюк; жанрини юксак боскдчга кутаришган. Кейинги даврда Увайсий, Рожий Маргиноний, Мукдтаий, Мунис, Огахий каби шоирлар яхши туюклар ёзишган. Алишер Навоий туюкларидан бир намуна:

Лаълвдин жонимБа утлар *ёцлур,* Крши
к;аддимни жафодин *ё цилур.* Мен
вафоси ваъдасидин шодмен, Ул вафо
билмонки, килмас *ё цилур.*

Бу туюкдаги «ё кдлур» сузига эътибор килинг: у биринчи мисрада севгилининг кут-кдоил лабларидан жонимга утлар ёкдиар маъносида, иккинчи мисрада севгилининг жафоси кдцди-крматимни ёйдай эгар ва туртинчи мисрада севгилим ё вафо к^илади, ё вафо кдпмас маъносида ишлатилган. Демак, ё кдлур — суз уйини. Шоир суз уйини воситасида туюк, яратган.

Туюк, жанри хрзирги узбек поэзиясида хам кулланилаяпти. Х^бибий, Собир Абдулла, Чархий, Хайриддин Салох. ва бошк,а шоирларимиз сермазмун туюклар яратишган.

Фард *{араб, zj* — якка, ёлгиз) — бир байтли лирик жанр. Фард узида афористик тугал бир мазмунни ифодалайди. Фардларда икки мисранинг узаро крфияланиши шарт. Аммо ижодда узаро крфияланмаган фардлар х.ам учраб ту-ради[2].

Фард адабиётимизнинг к.адимий жанрларидан бири. Хоразмий, Сайфи Саройи, Юсуф Амирий, Алишер Навоий, Бобур, Пошшохужа, Турди, Рокдм, Увайсий, Мунис, Огах.ий, Рожий, Анбар отин каби суз усталари яратган фардлар дикдатга сазовордир. Масалан:

---

[1] *Р. Орзибеков.* Лирикада кичик жанрлар. Т., F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 92-бет.

[2] К,аранг: *Р. Орзибеков.* Лирикала кичик жанрлар. Т., F.FупоМ но мидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1976, 119—120-бетлар.

Киши айбинг деса, дам урмагилким, ул эрур кузгу, • Чу кузгу тийра булди, узга айбинг зохир айларму.

*(Алишер Навоий)*

, йулида ким сенга бир харф укугаиш *ранж* ила,
Айламак булмас адо онинг хакин юз *ганж* ила...

*{Алишер Навоий)*

Ёр кадрин билмадим то ёрдин *айрилмадим,* Ёр кадри мснга хам душвор экандур, *билмадим.*

*(Бобур)*

Фардлар, купинча, насрий асарлар, саргузашт кисса-лар, тарих китоблари, мемуарлар таркибида муаллифнинг хулосаси, киссадан хисса кабилида берилган. Масалан, Аб-дулвахрбхужа угли Пошшохужанинг «Гулзор» номли хико-ятлар китобидаги бир х.икоят охирида адиб матлаъ деб куй-идаги фардни берган:

Гар алифдск рост булсанг, бол ичинда тут *мацом,*
Лом алифдек булсанг эгри бул бало ичра *мудом.*

Мустазод *(араб. у\у~~** — орттирршган, орттирма) — мум-тоз поэзиямизда кенг кулланилган лирик жанр. Мустазод, асосан, газалга ухшаш йудда ёзилади. Мустазоднинг илк шаклий-поэтик белгиси шундаки, шеърнинт х.ар бир мис-раси охирига аруз к;оидаси асосида бир неча суз орттири-лади. Бу орттирилган сузларни, шартлк равишда, ним мисра деб атаймиз. Щу тарифа, шеър байтида икки туда ва икки ним мисра булади. Шеъриятимизда етти байтли мустазод-лар кенг таркалган. Аммо тук.киз байтли мустазодлар хам учраб туради. Алишер Навоий «Мезон ул авзон» асарида дейди: «Ва яна халк, орасида бир суруд бор экандурким, х.азажи мусамман вазнидан анга байт боглаб х.ар мисраи-дан сунгра х.амул бахрнинг икки рукни била адо к,илиб, суруд нароматига рост келтирурлар ва ани "мустазод» дер-лар зрмиш"[1].

[1] *Алишер Навоий.* (ун беш томлик). 14-том. Т., Бадиий адабиёт наш-риёти, 1967.

Мустазод, одатда, куйидаги тартибда к.офияланади: а) биринчи байтнинг тула мисраси шу байтнинг иккинчи тула мисраси билан, биринчи тула мисранинг ним мисраси иккинчи тула мисранинг ним мисраси билан узаро крфияланади. Кдлган барча байтларнинг ток. — тула мисраси ва ток; — ним мисраси очик. крлади; жуфт мисралари — тула мисраси биринчи байтнинг тула мисраси билан, ним мисраси биринчи байтнинг ним мисраси билан крфияланади. Схемаси:

—д ▪

•1-байт; ■ 2-байт; — — а 3 байт...

Алишер Навоийнинг «Наводируш-шабоб», «Бадойиулвасат» девонларида, Хувайдо, Розий ва бошкд шоирларнинг девонларида берилган мустазодлар ана шу тартибда крфияланган. Масалан:

Курдум туно кун кучада бир
***%айрон*** була крлдим,
Хуснидин ани кунглум уйи топти *зиёни,*
■*■ ***рахшон*** була к.олдим.
Айдим: «Эй пари, к,айда борурсан жадал айлоб?»
Ачирланиб айтур:
«Шухим, на сурарсан, на ишинг бор бу *замони?»*
***фазмон*** *була цолдим.*

*(Хувайдо)*

Узбек шеъриятида мустазоднинг юкрридагидан фарк.-ли крфияланиш тартиби хам учраб туради. Масалан, шоир Бобарахим Машраб девонидаги мустазоднинг барча байтларидаги тула мисралар ва биринчи ним мисраларининг крфияланишида к,атьий тамойилга амал килинмагани *хрща* дар бир байтнинг иккинчи ним мисралари катъий тартибда охангдош булиб келган — шу восита шеърнинг барча байтларини бир-бирига улайди, унга яхлитлик тусини беради. Бу мустазод беш байтдан тузилган булиб, крфияланиш схемаси куйидагича:

— — — — а — а
д- — б 2- байт; — а
—е ■ 1 - Збайт;
байт; — — а — г
— —ё — а
—а-
— — ж
— з 5- байт;
► 4- — — а
байт; — а

**Г** Айтай сенга дарду аламим, олими лоно. - - а
1-байт I фикр айла удунгго. - а
1 *Охдм сари* менга *эшилиб* бир бок;а кургил; - - а
(^ эй дилбари якто. >■ - - а

Г Оламда менингдек сенга хайрон булан йуктур, - - а
2-байт 1 англанг муни, дустлар, - б
] Девоналигимни кура-кура бути раъно. - - а
1 мен мажнуни шайдо. - а

**Таржиъбанд** *(араб, ^j* — такрор -Ц £>*> — банд так-рори) — мумтоз поэзияда кулланилган иирикрок; лирик жанр. Таржиъбанднинг шаклий-поэтик хусусияти: а) шеър бир вазнда ёзилган бир неча нисбий мустак,ил бандлардан таркиб топади; б) шеърнинг х^ар бир банди бир неча байт-лардан тузилади; в) jQap бир банднинг биринчи ва сунгги байтлари маснавий усулида к,офияланади (схемаси: а+а, б+б); г) хар бир банднинг к,олган барча баитларининг ток, мисралари очик, к,олиб, жуфт мисралари биринчи байт мис-ралари билан крфиядош булиб келади (схемаси: б+а, в+а, г+а, д+а); д) биринчи банднинг сунгги байти к,олган барча бандлар охирида айнан такрорланади: шу восита орк,али мустакдл бандлар бир-бирига уланади, композицион ях-литликка эришилади (шунингдек, тема, гоя, лирик к,ахра-мон, вазн воситаси х.ам шеър бандларини бир-бирига улай-ди); е) таржиъбандларнинг х.ажми одатда 7—8 банддан ва х.ар бир банд 8— 11 байтдан ташкил топади. Масалан, Али-шер Навоийнинг «Наводируш-шабоб» девонидаги таржиъ-бандда 8 банд ва х.ар бир бандда 11 байт бор. Демак, бу таржиъбанд 176 мисрани уз ичига олади. Мана шу тар-

жиъбанднинг биринчи бандидаги биринчи, иккинчи ва сунгги байти:

Жахон кдсригадур сув узра *бунёд* Чу йук.
бунёди андин булмогал *шод.* Не шод
улгай киши бир касридинким, Они
тенгри яратмуш мех,нат *обод.*

---

Бакрсиздур жахрн раъноси *валло%,*
Жахрн раъноси йукким *мосиваллоу,.*

Демак, биринчи банднинг биринчи байти маснавий усулида (бунёд — шод) кофияланган. Иккинчи байтнинг биринчи мисраси кофиясиз, иккинчи мисраси (обод) биринчи байт мисралари билан крфиядош (бунёд шод, обод). Учинчи, туртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи, тук,кизинчи ва унинчи байтнинг ток. мисралари крфиясиз ва жуфт мисралари (бедод, сайёд, жаллод, одамизод, пулод, бунёд, барбод, касамёд) биринчи байт мисралари билан кофиядош булиб келади (бунёд, шод обод, бедод, сайёд, жаллод, одамизод, пулод, бунёд, барбод, касамёд). Сунгги ун биринчи байт мисралари эса аввалги байтлар мисраларидаги охангдош сузлардан бутунлай фарк. киладиган (мустакдл равишда) маснавий усулида к.офияланган (валлох. — мосиваллох.). Демак, биринчи банд крфиясининг схемаси: а+а, б+а, в+а, г+а, д+а, е+а... Иккинчи, учинчи, туртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи банд к.офиялари хам шу схема асосида тузилган, Аммо шеър бандларининг х.ар бирида бошк.а-бошк,а о^ангдошлик топилган.

Бундан ташкари бандларнинг х.ар бирида охирги байт сифатида биринчи банднинг сунгги байти:

Бак,осиздур жа>;он раъноси *валло%,*
Жахрн раъноси йукким *мосиваллох,*

айнан такрорланиб келаверади. Бу байт, биринчидан, шеър гоясини таъкидласа, бурттирса, ики^нчидан, таржиъбанддаги саккиз бандни бир-бирига богловчи композицион восита ролини бажаради. Шу йул билан х.ам нисбий муста-^ушликка эга булган саккиз^ банд бирикиб, яхлит шеър — таржиъбанд пайдо булган.

Алишер Навоийнинг «Бадойиул-васат» девонидаги таржиъбанд, Юсуф Амирий, Огадий, Нодира, Табибий ва бошка суз усталари яратган таржиъбандларда дам ана шу шаклий-поэтик хусусиятлар якдол кузга ташланиб туради. Таржиъбанд катта поэтик асар сифатида даётнинг мураккаб масалаларини кутариб чикиш ва ёритишга имкон бера олган.

XX аср узбек шоирлари дам таржиъбанд жанридан фойдаланишмокда. Чунончи, шоир Хдбибий девонида:

Дилбарим бир дилбарким дилраболар дилбари
Дилраболар дилбари дилдори, яъни сарвари

байти билан бошланувчи таржиъбанд бор. Бу таржиъбанд беш банддан тузилган, дар бир бандда етти байт берилган.

**Таркиб банд** *{араб С~£ j* — бириктириш, бирикма; •ь> *^rfj* таркиб банд) — мумтоз шеъриятимиз жанрла-ридан бири. Шаклий-поэтик жидатдан таркиб банднинг таржиъбандга ухшаш ва фаркли томонлари бор. Ухшаш томони: а) бир вазндаги бир неча нисбий мустакил бандлардан ташкил топади; б) дар бир банд бир неча байтни уз ичига олади; в) дар бир банднинг биринчи ва сунгги байтлари маснавий усулида, аммо алодида-алодида крфияланади; долган байтларнинг ток, мисралари очик; к.олиб, жуфт мисралари биринчи байт билан одангдош булади (схемаси: а+а, б+а, в+а, г+а...)

Таржиъбандда биринчи банднинг сунгги байти бошка барча бандларнинг охирги байти урнида айнан такрорланиб келса, таркиб банднинг дар бир бандининг охирги байти бутунлай янги ва мустакил крфиядош мисралардан тузилади. Таркиб бандда мавзу, гоя, вазн ва лирик кадрамон воситасида мустакил бандлар бир-бирига бирикиб, яхлит асар пайдо булади.

Бу уринда Алишер Навоийнинг «Наводируш шабоб» девонида берилган бир таркиб бандни олиб курайлик. Бу таркиб банд нисбий мустакил булган етти банддан ташкил топган. Х[а]Р бир бандда саккизтадан байт бор. Таркиб банднинг крфияланиш тизимини аниклаш учун дастлаб биринчи бандни текшириб курайлик. Биринчи банднинг биринчи, иккинчи ва сунгги байти:

Да5ф ботки жафо шориъдур хар *чамани,* Жуз
вафо ахлота сончилмади анинг *шикани.*
Кимдаким доги вафо курса шахид, айламаса
Лоласининг не учун К,ОНFа буялмиш *кафани.*

---

Бахри урфондури Сайид Х$^{асан}$ улким *афлок,*
Етти дуржи аро бир курмади андок, дури *пок.*

Демак, биринчи ва сунгти байт мисралари узаро алохида-алохдца крфияланган (чамани — тикани, афлок — пок). Крлган олти байтнинг ток, мисралари крфиясиз ва жуфт мисралари биринчи байт мисраларидаги охангдош сузлар билан кофияланган. Шу тарика биринчи банднинг крфия тизими (чамани — тикани, кафани, дамани, самани, фани, расани, ватани, афлок — пок) келиб чикади (схемаси: а+а, б+а, в+а, г+а, д+а, е+а, ё+а, ж+ж). Шеърнинг крлган олти банди хам шу схема асосида крфияланган, бирок, крфиядош сузлар гурухи хар бир бандда хар хил (чунончи 2-банд; вафо — жафо, к.аро, анго, фано, бало, хато, дак. — мутлак,; 3-банд: рафтор — душвор, тор, намудор, изх,ор, падидор, нигунсор, ийсор, кам — мотам). Шеърдаги бандларни к,иёслаганда ундаги байт ёки мисраларнинг такрор ишлатилмаганини куриш мумкин.

**Сок;ийнома** — мумтоз шеъриятимизда кулланилган йирикро^ л;ажмли ижтимоий-фалсафий лирик жанр. *Сокдй*номанинг шаклий-поэтик белгилари: а) шеър бир неча банддан таркиб топади; б) хар бир байти маснавий усули (схемаси: а+а, б+б, в+в, г+г, д+д...)дакрфияланадиган бир ,/^ неча байтдан тузилади; в) шеър бандлари бир вазнда — арузнинг м>так.ориб бахридаги вазнларнинг бирида ёзила-ди; г) муаллиф шеърнинг х.ар бир бандида сокийга муро-жаат килади, х.аётнинг у ёки бу жумбоги х,акддаги фикр-мулох.азаларини у билан уртоклашади.

Алишер Навоийнинг "Фавоид>$^{г}$л кибор" девонида берилган бир сокийномани олиб курайлик. Бу шеър олти бандцан тузилган, аммо бандлардаги байтлар микдор жи-Х.атидан бир хил эмас: биринчи бандда 23 байт, иккинчи бандда 13 байт, учинчи бандда 17 байт, туртинчи бандда 19 байт, бешинчи бандда 19 байт, олтинчи бандда 19 башу;/ бор. Сокийноманинг умумшгхажми ПО мисрадир. Биринчи банд:

Сокдё, жомга куй майдин сайл.
Майи хуршеду анинг жоми Сvхаf
Йук, Сухайлики, буяр ХОРОНИ Улки
гулранг к,илур сиймони.

Демак, банддаги хар бир байт маснавий усулида (сайл-Сухайл, хорони-сиймони...; схемаси; а+а, б+б...)да крфиланаяпти. Шу тартиб сунгги байтда хам такрорланади. Хуллас биринчи банддаги 23 байт маснавий йулида (икки мисранинг узаро охангдошлиги) крфияланади. Иккинчи, учинчи, туртинчи, бешинчи ва олтинчи бандларнинг худди шу тартибда крфиянганлиги якдол кузга ташланиб туради. Шеърдаги яна бир характерли белги шундаки, шеърнинг дар бир бандининг биринчи мисраси сокийга мурожаатнома тарзида жаранглайди:

Сокиё, жомра куй майдин сайл (1-банд).
Сокиё, тут кддах. рух. осо (2-банд). Сок;иё,
тут к,ада^и ойина ранг (3-банд). Сок;иё,
тут куюбон жоми фано (4-банд). Сок;иё,
Пахлавий ойин май тут (5-банд). Сок;иё,
аила туда паймона (6-банд).

Хар бир бандда шу тарифа шоир сок,ийга мурожаат кдчар экан, бу уринда сок^й рахмзий маъно касб этиши, узига хос усул кулланилаёттанлиги сезилиб туради. Шу усулда шоир уз ижтимоий-фалсафий ва ахлок^ий к,арашларини бадиий ифодалайди.

**Марсия** *(араб. *4у*) — к,албга жуда як,ин булган машхур кишининг вафотига баришланиб, унинг яхши сифатлари баён кдоинган ва улимига афсус билдирилувчи FаМ-алам ва х.асратли лирик шеър. Чунончи, Алишер Навоийнинг Абдурадмон Жомий, Хондамир ва Мавлоно Сох.иб Доро-нинг Алишер Навоий вафотига багашлаб ёзилган шеърла-ри мумтоз марсия намуналаридир. Баъзи шоирлар подшо-лар вафотига атаб ёзган марсияларида маддох/гик кдлган-лар ва пессимистик гояларни таргиб этганлар. Прогрессив шоирлар эса уз марсияларида даётга умид билан к;арашла-рини ифодалаган.

Марсия рус адабиётида х.ам мавжуд. Бу уринда М.Ю.-Лермонтовнинг А.С.Пушкин вафотига баБишланган "Шоирнинг улими" марсиясини эслаш кифоя.

Марсия жанри XX аср узбек адабиётида хам давом эт-мокда. Бу даврда яратилган марсияларнинг характерли ху-сусияти шундаки, у кишиларни пессимизмга етакламайди, аксинча мархумларнинг ишини давом эттиришга чорлай-ди. Хамза Хакимзода Ниёзийнинг "Турсуной марсияси", Хабибий ва Максуд Шайхзоданинг Facpyp Рулом вафотига багишлаган марсиялари, Миртемирнинг "Мухтор OFa мота-мида", Чархийнинг "Дусти олижаноб кани?", Барот Бой-кобиловнинг "Марсия", Абдулла Ориповнинг "Алвидо, ус-тоз", "Онажон" каби марсиялари мана шундай характерда-дир. Бу уринда академик — шоир Рафур Рулом вафоти муносабати билан файласуф-шоир М.Шайхзодатомонидан ёзилган 'Тафурга мактуб" марсиясини эслаш жоиздир:

Ох, уфклар куйчиси, сен ётган мозор, КрроНFу
бир маскандир, эшиксиз ва тор! Билмам, к.андай
чидайсан совукда, урток? Бош остида ёстигинг
зил — каттик. тупрок.. Йук,, УРТОК.ЖОН, йук,
дустим, шоири аъзам, "Чигатой"да кумилиб
кетмадинг хеч хам. Дцресингни англадим,
адресинг маълум: Ддресинг юракларнинг айнан
турида, Шеърга щул тегизма, йук,ол, эй улим!
Шоирнинг соясидир ётган гурида. Бафур,
байтнинг зарб булиб миллион дилига, Сузинг
кучар масалдек тиллардан тилга.

**Манзума** *{араб.* <UJ_LLL« — тизилган, тизма) — йирикрок. вок,еабанд шеър, кичикрок,достон. Манзуманинг шаклий-поэтик белгилари к.атьийлаштирилмаган. Баъзан хджми у к.адар катта булмаган вокеабанд шеърни х.ам, достон деб атаса булаверадиган шеърий асарни хам манзума деб юри-тилаверган. Шу маънода Алишер Навоийнинг бир к.атор вокеабанд шеърлари, хусусан, Мукдмийнинг "Танобчилар" сатираси, Фуркатнинг "Суворов х.ак.ида" каби асарлари манзумалардир. Бухил манзумалар, одатда, маснавий йули-да ёзилади. Масалан:

Суворовким эмиш бир катта одам,
Бахрдирлик била маш^ри олам. :
Эмиш Русияга сардори лашкар, Юруб
амри била бисер аскар.

***(Фущат.)***

**Мусаммат** *{араб.* с_~^ — тасмит — марварид доналарини ипга тизмок., тасмитламокЗ — Шарк, мумтоз шеърия-тида кенг кулланилган шеърий шакллар туркумининг уму-мий номи. Мусаммат шеър тузилишининг ясама шакли булиб, унда бир неча банд булади, шеърнинг хар бир бан-ди узаро крфиялашган мисралардан ташкил топади. Му-самматларнинг дар бир бандида уч мисрадан тортиб ун мисрагача булади. К,офияланиш тартиби куйидагича: а+а+а+а+а, б+б+б + б+а, в+в + в+в+а...; баъзан — а+а+а+а+х, б+б+б+б+х, в+в+в+в+х... "Мусаммат банд-лардаги мисралар сони, — деб ёзади таникли олим Р. Ор-зибеков, формал-поэтикхусусиятларига кура мусаллас (уч-лик), мураббаъ (туртлик), мухаммас (бешлик), мусаддас (олтилик), мусаббаъ (еттилик), мусамман (саккизлик), мутассаъ ёки тасниъ (тук,кизлик) муашшар ёки машруъ (унлик) каби хилларга, тузилишига кура эса мустакил хамда газал асосида яратилган мусамматларга булинади"[1].

Илмий адабиётларда мусаммат шеърдаги барча мисралар факат бир шоирнинг каламига мансуб булса — **мусаммати "табъи** худ" (уз табъи) ва бошка бирор шоирнинг газали асосида яратилган мусамматлар эса **"тазмин" мусаммат** (бошк.а шоир шеъридаги айрим мисраларни уз шеъри ичига киритиш) деб юритилади. Узбек адабиёти тарихида мусамматнинг мураббаъ, мухаммас, мусаддас каби формалари кенг таркдлган. Айник.са, мумтоз шеъриятимизда газалдан сунг фаол кулланилган лирик жанр **мустацил ва тазмин** мухаммаслардир. Мухаммасчиликда Алишер Навоий, Турди Фарогай, Машраб, Рок,им, Равнак,, Нишотий, Андалиб, Мужрим Обид, Мунис Хоразмий, Махмур, Хозик., Хиромий, Мирий, Огахий, Нодира, Мукимий, Фурк.ат каби шоирлар баракали ижод килган булса, мураббачиликда Бобо-рахим Машраб, Огахий, Аваз Угар угли, Мукимий ва бошк.а шоирлар калам тебратишган. Хусусан, Алишер Навоий узбек мумтоз шеърияти тарихида мусамматчиликни юксак боскичга кутарган. Шоирнинг "Субхидам махмурликдир тортибон дарди сари", "Неча, эй ой, мендин аиру айлагай даврон сени", "Ишк. утидин жисми зори нотавоним уртадинг", "Ох.ким тарки мухаббат к,илди жонон ок.ибат",

---

[1] *Р. Орзибеков.* Узбек лирик поэзиясида газал ва мусаммат. Т., Фан, 1976, 74-бет.

"Охким, вола мен ул сарви хиромондин жудо" мисралари билан бошланувчи уз ва Лутфий разаллари замонида яратилган тазмин мусамматлари машхурдир.

Алишер Навоий яратган **"табъи худ" мусаммат-мухаммаснинг** биринчи банди:

О\ким, вола мен ул сарви *хиромондин* жудо,
Кузларим гирёндур ул гулбарги *хандондин* жудо.
Бенаводур жондат ул *хурп ризвондин* жудо, Не
наво соз айлагай булбул *гулистондин* жудо,
Айламас тути такаллум *шаккаристондин* жудо.

Бу мусаммат-мухаммаснинг поэтик-шаклий белгилари: шеър турт банддан иборат булиб, хдр бир бандца беш мисра бор; 1-банддаги хар бир мисра узаро крфияланган (а+а+а+а+а), крлган барча бандларнинг хар биридаги дастлабки турт мисра узаро кофияланиб, бешинчи мисралари 1-банднинг сунгги мисраси билан охангдош булади (б+б+б+б+а, в+в+в+в+а...).

Алишер Навоийнинг Лутфий газали асосида яратган бир мусаммат-мухаммасининг сунгги банди:

Эйки, йук^ур хусн иклимида сендек *подишо,*
■'
*>
Оши^ингнинг неча тут^айсен мунунгдек *бенаво,* »
Нечаким булди эшикингда Навоийдек *гадо,*
■
■■■„:..
К,авма Лутфини эшиктин, бер закоти хусн *анго,*
Кайда этсун сен гани боринда *шайаллохни.*

Бу банддаги дастлабки уч мисра Алишер Навоий, сунгги икки мисра Лутфий к,аламига мансубдир. Демак, икки шоирнинг шеърий мисралари вазн, к,офия ва ритмда бирикиб, мусаммати тазмин вужудга келган.

Адабиётшунос Р. Орзибеков "Узбек лирик поэзиясида газал ва мусаммат" номли монографиясида узбек адабиёти тарихидаги мусамматларни муфассал тахлил килиш жараёнида мустакил ва тазмин мусамматлар доирасида уни яратишда бир неча бадиий усуллар — таржиъбандли мусаммат, такрор к.офияли мусаммат, назира, татаббуъ шаклидаги мусаммат, тазминли мусаммат кабилар вужудга келганлигини аникдаган, уларнинг х.ар бирини алохдца-алох.ида куздан кечирган.

**Сонет** *(италъян.* sonare —.чянграмок} — жах.он поэзиясида кенг ёйилган лирик жанр. У дастлаб Италияда пайдо

булган ва сунг жадонга таркалган Италияда **XIII**—XIV аср-ларда Данте, Петрарка, кейинчалик Мекеланжелло; Анг-лияда В.Шекспир (XVI аср), Полыыада Мицкевич, Россия-да А.С.Пушкин сонетлари жахрнда шухрат тутган. Рус ада-биёти таъсирида узбек поэзиясига хдм сонет жанри кириб келди. Усмон Носир ва Барот Бойкрбилов сонетлари ада-биётимиз хазинасига кушилган муносиб х,иссадир.

Сонетнинг анъанавий-поэтик белгилари: сонет шаклига кура 14 мисрадан ташкил топади; шеър композиция жихд-тидан икки кисмдан иборат: биринчи кием икки туртлик банд булиб, у **"катрен"** ва иккинчи кием икки учлик банд булиб, у **"терцет"** деб юритилади. Катрен ва терцетлар бир-бирига богаик. булади. Сонетнинг крфияланиш тартиби: а) мумтоз сонетларнинг туртлик бандлари а+б+б+а, а+б+ +б+а; учлик бандлар в+в+г, д+г+д тарзида крфияланиши кутгрок,учрайди; б) узбек шоирлари яраттан сонетларнинг крфияланиш тартиби ранг-баранг. Чунончи, М. Шайхзо-да Вильям Шекспирнинг сонетларини а+б-а+б, в+г+в+г; д+е+д, е+ё+е схемасида узбек тилига таржима к.илган; шоир Усмон Носир "Яна шеъримга" сонетида катрен банд-ларни а+б+а+б, в+г+г+в; терцет бандларни д+е+е, д+ё+ё тарзида крфиялаган.

Шоир Барот Бойк;обиловнинг бир сонетани олиб курай-лик:

Одамзод келганда еруF оламга. - а
Табассум армурон этганмиш куёш. - б
Хаётни безаган азиз одамга - а
Табассум гулини тутганмиш куёш. - б

катрен

Юзингда чакнаса кувнок, табассум. - в
Табассум завкидан сстаяр бемор. - г
Инсонда табассум булмаса, ҳўстим - в
Сунган ой сингари куринар рухсор. - г

Табассум — юракка ёрк;ин ойина. - д
Табассумсиз юрак юракмас, ошна. - д
Инсонлик зийнати экан табассум. - е

терцет

Улкан ^аёт сари куяркан капам. - ё
Куёшдан табассум олмаган одам. - ё
Одам куёшга хам берган табассум. - е

Сонетнинг к.офияланиш схемаси: катрен — а-б-а-б, в-г-в-г; терцет: д-д-е, ё-ё-е.

Узбек лирикаси жанр ва жанр шаклларига жуда-жуда бой. Улардан айримларинигина куздан кечирдик, холос. Биз тухталиб утган поэтик жанрларнинг купчилиги аруз заминида пайдо булган ва шаклланган. Улар мумтоз шеъриятимизда кенг кулланилган, баъзи бирлари (газал, рубоий, туюк., кушик., мувашшах., марсия, касида ва бошкалар) хрзирги замон лирикасида хдм анъанавий жанрлар сифатида ишлатилмокда, бирок, янги замон, янги ижодий метод такрзоси билан анъанавий поэтик жанрлар ва шаклларнинг ички тузилишида, образларида, тили ва услубида жиддий узгаришлар юз берди. Айни чокда, уларнинг шартли поэтик аломатлари асосан сакланиб крлди.

Лирикамиз тарихидаги бир канча поэтик жанрлар ва уларнинг шаклларида ухшашлик, муштараклик, синкретик хрлатлар мавжуд. Масалан, газал ва унинг заминида пайдо булган китъа, таржиъбанд, таркиб банд, мусаммат кабилар ва, шунингдек, туртлик, рубоий, туюк., мураббаъ каби хажм жих.атидан бир хил (турт мисрали) булган шеър шакллари уртасида умумийлик, муштараклик якдол кузга ташланиб туради. Яна шундай шеърлар х.ам борки, улар ё тузилиши, ё к.офияланиш тартиби жих.атидан бир-бирига бених.оя якин туради. Разал билан касида уртасида шу хрлат жуда аник, сезилади. Мумтоз лирика жанрлари, асосан, байт ва банд тузилиши, хажми, крфияланиш тартиби, баъзилари вазнлари билан бир-бирларидан ажралиб туради. Одатда, мисралар х.аракати, к.офия ва вазн шеърнинг поэтик шакллари учун асос булиб хизмат килади. Мумтоз поэтик жанрларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар доимо бир-бирига таъсир угказиб турган. Мумтоз поэзиянинг муайян бир жанрида яратилган асар х.амиша х.ам соф бир жанр доирасида чегараланиб к.олавермаган. Чунки бир жанр ичида купинча бошк.а жанр ва шаклларнинг унсурлари мавжуд булган. Разал, кдтъа, рубоий, туюк., мустазод, мувашшах., чистон каби шеърларнйнг бир к.анча шакл ва усулларда яратилиши шу х.одиса (поэтик жанрларнинг бир-

бирига пайвандлашиб кетиши)нинг самарасидир. Бу хил асарларнинг жанрларини белгилашда уларда кайси жанрга хос аломатлар устунлик килиши хисобга олинади ёхуд уларда мужассамлашган турли шаклларга хос синкретик хусусиятлардан келиб чикиб кушалок. ном (газал-мувашшах., рубоий-чистон) берилади. Шунга карамай, мумтоз шеъриятимиздаги (арузда яратилган) лирик шеърларнинг жанр хусусиятларини аниклаш хрзирги замон поэзиясида (бармокда ёзилган) лирик шеърларнинг жанр хусусиятларини аниклашга нисбатан анча осон ва кулайрокдир. Чунки поэтик жанрлар классикада катьий норма ва андозага эга булган. Аммо хрзирги лирик шеъриятимизда, хусусан, бармок.тизимида ёзилган шеърларда бундай поэтик к,олип у кадар сезилмайди. Шунга кура, бармокда яратилган лирик шеърларнинг жанр хусусиятларини аниклаш муракказброк. масаладир. Х°зирги замон лирик поэзиясининг жанр хусусиятларини мукаммал урганиш — арузнинг анъанавий жанрларининг ички тузилишида юз берган узгаришларни аниклаш ва бармокда яратилаётган лирик асарларнинг жанр хусусиятларини чукур тадкик. килиш — адабиётшунослигимизнинг долзарб вазифаларидан биридир. ТуFрН, сунгги йилларда бу борада олимларимиз жиддий илмий изланишлар олиб бормокдалар. Масалан, проф. Н. Шукуров "Услублар ва жанрлар" китобида х.озирги лирик поэзиямизни услубий хусусиятлари ва образли тузилишига караб тасниф к.илиш, поэтик жанрлар чегараларини аниклашга интилган булса, адабиётшунос Р. Орзибеков "Лирикада кичик жанрлар", "Узбек лирик поэзиясида газал ва мусаммат" номли асарларида лирик шеъриятнинг жанр хусусиятларини, улардаги лирик кечинмалар, мавзу, тасвир объектига шоир муносабати, уни ифодалашда кулланилган поэтик усуллардан келиб чикиб аниклашга харакат кдлади. Шоир ва адабиётшунос Жамол Камол "Лирикада жанрлар масаласи" макрласида дозирги узбек адабиётида (бармок. вазнларида) яратилган лирик шеърларнинг жанр хусусиятлари хакида тухталиб, анча эътиборли фикр-мулох,азаларни баён к.илади: х.озирги узбек лирикасида газал, рубоий, к.асида, мувашшах., марсия, кушик, каби анъанавий жанрлар хам кулланилаётган булса-да, лирикамизнинг бугунги жанрлар киёфасини ёлгиз шуларнинг узларигина

белгилай олмайди. "Лирикамизнинг бугунги жанр киёфасини кутгрок. кандайдир крришик., "соф жанр" талабларидан холи, "универсал", синтетик шеърий шакл белгиламокда, — деб ту>ри таъкидлайди Жамол Камол. — Бу шакл 32
шеъриятимизда инсон ички дунёсини янада кенгрок, узлаштиришга каратилган реалистик методнинг карор топиши билан боишк.равишдаруёбгачикаётир. Мазкур "крришик. жанр"нинг асосий белгилари нималардан иборат? Булар: а) лирик ифоданинг эркин парвози; б) кечинмалар доирасига тушган энг увок. майда-чуйдаларнинг хам шу ондаёк. кайд этилиши; в) бевосита нутк. — монолог билан чукур сурат — тасвирларнинг алмашиниб туриши; г) вазн ва турокларнинг эркин кулланилиши каби хусусиятлардир. Лирик шеъриятнинг ижтимоий хаётга актив аралашуви, социал тараккиётга янада кучлирок. таъсир утказишга интилуви ана шундай универсал бир жанрнинг юзага келишига сабаб булди. В.Г.Белинскийнинт "давр гоялари булганидек, давр шакллари х.ам булади" деган чукур мазмунли фикрини хотирга олсак, манзара *татип* х.ам ойдинлашади. Шу маънода лирикамиздаги х.озирги хукмрон к.оришик. жанрни даврнинг шеърий шакли деб тавсиф кдлиш мумкин"[1]. Адабиётшуносларимиз Нуъмон Рахимжонов, Б. Акрамов, И. Тулаков, И. Рафуров ва бошк.аларнинг лирик шеърият поэтикаси борасидаги тадкик.отлари х.ам гоятда эътиборлидир.

н

Баъзи шеърий асарлар борки, уларда шоир дам вок.еаларни тасвир этади, х,ам шу вок,еалардан олган таассуротларини, кечинмаларини ифодалайди. Бундай асарларда эпизм билан лиризм бир-бирига пайвандлашиб кетади. Булар лирик-эпик асарлардир.

Лирик-эпик асарларни алох.ида-алох,ида гурухдарга, яъни катга шаклга, урта шаклга ва кичик шаклларга ажратиб урганиш мумкин. Лирик-эпик асарларнинг катта шаклига шеърий романлар (А.С.Пушкиннинг "Евгений Онегин", Мирмух.иннинг "Зиёд ва Адиба", Х- Шариповнинг

---

[1] *Жамол Камол.* Лирикала жанрлар масаласи. ^збек тили ва адабиё-ти журнали, 1976, 6-сон, 10~11-бетлар.

"Бир савол" каби); урта шаклига поэма (достон), баллада ва кичик шаклига масал, символика жанрлари киради. К,уйида мана шу жанрлардан айримларинигина куздан кечирамиз.

**Поэма** *(юнон.* poiema — ижод) — инсон калб призмалари оша хаётнинг поэтик моментларини ва долзарб муаммоларини акс эттирувчи эпик, лирик, лирик-эпик ва драматик характердаги йирик хажмли шеърий асардир. "Энг янги поэзияда, — деб таъкидлайди В.Г.Белинский, — эпоснинг махсус бир хили мавжуд булиб, бу хаёт прозасидан мутлакр бегона ва вокеликнинг факат поэтик, идеал моментларини олиб тасвир этади, мазмуни хам хрзирги инсониятнинг FOHT чукур дунёкараши ва маънавий масалаларидан иборатдир. Эпоснинг бу биргина хили "поэма" номини туда оклайди"[1]. Буюк танкидчи поэма хакидаги бундай назарий фикрларини Ж. Байрон, А. С. Пушкин ва М.Ю.Лермонтов поэмалари мисолида исботлайди. Уларни поэма жанрининг гузал намуналари сифатида талкин килади.

Хаётнинг поэтик моментларини, идеал жих.атларини асос килиб олиб, гузалликни, к.ахрамонликни, жасоратни куйлаш поэмачилигининг лейтмотиви булиб крлган. Хамид Олимжон "Зайнаб ва Омон" поэмасида Зайнаб, Омон, Собир, Хури каби янги замон ёшларининг ахлок^й гузаллиги хамда севги-мух,аббат бобида собиткдцам булишларини шарафлайди. Тарихий ва тарихий-инкилобий мавзуларда яратилган поэмаларда дам утмишдаги тарихий шахслар мисолида ота-боболаримизнинг жасорати, жанговарлиги, донолиги куйланади.

Ддабиёт тарихида х.аётнинг идеал жих.атларини шарафловчи поэмалар билан бир каторда, турмушнинг хунук жих.атларини к.ораловчи сатирик поэмалар хам учраб туради. А.С.Пушкиннинг "Граф Нулин", М.Ю.Лермонтовнинг "Тамбовлик газначи", Н.А.Некрасовнинг "Замондошлар" каби асарлари сатирик поэмаларнинг яхши намуналаридир. Мукимийнинг "Танобчилар" сатираси хам ана шундай асарлар жумласига киради.

---

[1] *В.Г.Белинский.* Поли. собр. сочинений, т. 6. М., АН СССР, 1955, 415-бет.

Поэмалар уз табиатига кура: лирик поэма, эпик поэма, лирик-эпик поэма ва драматик поэмага ажратиб урганилади. Поэманинг бундай хиллари уртасида муштаракликлар хам, узига хос фарклар х,ам мавжуд. Масалан, эпик поэма (Ойбекнинг "Темирчи Жура" достони каби)да, биринчи навбатда, вокеабандлик, ривоявий усул кузга ташланиб турса, лирик поэма (Эркин Вохидовнинг "Нидо" достони каби)да вокеабандлик у кадар сезилмайди, бунда асарнинг лирик кахрамони (шоирнинг "мен"и) х.аёт вокеахрдисаларидан олган таассуротларини, кучли хис-туйкуларини, кайнок. калб хароратини ифода этади. Лирик-эпик поэмалар (Ойбекнинг "Хамза" достони каби)да вокеабандлик билан кайнок. лиризм пайвандлашиб кетади, драматик достон (Ойбекнинг "Махмуд Торобий", Омон Матчоннинг "Пахлавон Махмуд" асари каби)да хает зиддиятларини диалог усулида ифодалаш биринчи планга чикади. Поэмаларнинг барча турлари учун муштарак булган хусусият уларда, албатта, кайнок, лирик хис-туйкулар ва эпик асоснинг мавжудлигидир. Поэма хароратли туЙБулар меваси. Шу жихатдан, ундаги вокеабандлик чукур лиризм билан йуБрилиб кетади, кахрамон рухияти к,алб драмасининг мулкига угади. Эпик асарлардан фаркди уларок. поэмада вок.еа, драматик асос кдхрамоннинг к.алб призмаларидан утади. Поэмада шоирни вок.еаларнинг изчил тасвири эмас, балки шу вок.еалар туфайли лирик к.ахрамон калбида турилган рухий кечинмалар — драмалар, уйлар, туйкулар тасвири кизиктиради[1]. Хаетни акс эттириш имкониятлари жихатидан эпик турда роман жанри канчалик етакчилик ролини уйнаса, шеъриятда поэма хам мана шундай мавк.ега эга. Чунки, поэма хам инсоният тарихидаги улугвор вок.еа-ходисаларни, тарихий бурилишларни, долзарб муаммоларни кутариб чикади, мураккаб характерлар, гузал инсоний хислатларни ифодалайди, к.ахрамоннинг к.алб диалектикасини чукур очади. Поэманинг материали Хаётнинг поэтик нукталари булса, унинг к.ахрамони инсондир. Шоир купинча одамлар хаётидаги фавкулодда ходисалар, ута характерли хусусиятлар билан кизикади. Аммо,

' К,аранк *Умарали Норматив.* Жанр имкониятлари. Т., F.FупоМ номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970, 13—17-бетлар.

айни чокда, фавкулодда шахслар хам, оддий одамлар хаётидаги поэтик моментлар дам поэманинг тасвир объекти эканини сира ёддан чикармаслик керак. Поэмада мураккаб инсоний такдирлар курсатилар экан, шу оркали хаёт хакикати, замон муаммолари тахлил этилади, гузаллик, кахрамонлик, олижаноблик каби хислатлар шарафланади ва хунуклик, пасткашлик, тубанлик каби маразлар каттик, крраланади[1].

Поэма, одатда, шеърий йул билан ёзилади, аммо насрий поэмалар хам учраб туради. Масалан, Н.В.Гоголнинг "Улик жонлар", Максим Горькийнинг "Буронкуш хакида кушик.", "Лочин куши™", Шароф Рашидовнинг "Кашмир куплсти" ва Омон Матчоннинг "Тугой" асарлари хам насрий достояларнинг гузал намуналари була олади.

Узбек поэмачилиги узок, тарихга эга. Узбек халк. огзаки поэтик ижодидаги анъанавий эпик достонлар ("Алпомиш", "Ширин ва Шакар", "Кунтугмиш", "Орзигул" каби) ва, хусусан, мумтоз адабиётимиздаги достончилик ("Мухаббатнома", "Гул ва Навруз", "Фархрд ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Шайбонийнома" каби)лар хрзирги замон узбек поэмачилигининг аждодларидир. Хозирги узбек поэмаси х.аётдаги к,ахрамонликни куйлаш, кадрамонларнинг фазилатларини шарафлаш, турмушни кенг куламда к,амраб олишга интилиш, юксак бадиийлик ва тасвирда кутаринки рух. каби анъаналарни утмишдаги достончиликдан мерос килиб олган. Шу билан бирга, хрзирги вок.еликнинг илх.омбахш рухддан ва жадон адабиёти, биринчи гадда, рус поэмачилиги орттирган бой тажрибалардан олинган сабок. узбек поэмачилиги тарихида каттароль уйнади. Узбекдостончилигида сифат узгариши юз берди: унинг кахрамони, мавзуи, гоявий йуналиши, услуби, тил ва бадиий тасвир воситалари янгиланди, сюжети ихчамлашди. Поэма замон кушиги булиб к.олди. Узбек адабиёти тарихида янги типдаги достон — поэма 30-йилларда тугилди. "Кукан" (Fафур Рулом), "Жонтемир" (Уйгун), "Зайнаб ва Омон" (Х,амид Олимжон), "Тупрок. ва дак." (Мак.суд Шайхзода), "Донгдор пахтакор", "К.обил" (Хасан Пулат), "Номус"

---

[1] К,аранг: *Н. Ра^имжонов.* Узбек совет адабиётида поэма. Т., Фан, 1986.

(Миртемир), "Дилбар — давр кизи" (Ойбек), "Норбута", "Нахшон" (Усмон Носир), "Онамгахат" (Райратий) каби поэтик асарлар илк узбек поэмачилиги намуналаридир. Урушдан кейинги йилларда узбек поэмачилиги гуркираб усиш палласига кадам куйди. "Кизлар", "Зафар ва Захро", "Даврим жарохати", "Гули ва Навоий", (Ойбек), "Катта йулда", "Пулат куювчи", (Декад Мухтор), "Уста Fnec" (Мирмухсин), "Тошкентнома" (Максуд Шайхзода), "Обихаёт" (Рамз Бобожон), "Лола кул" (Хамид Рулом), "Куёшли калам" (Зулфия), "Сурат билан сухбат" (Сайда Зуннунова), "Нидо", "Буюкх,аёт тонга" (Э. Вохидов), "Куёш фарзанди" (Б. Бойкрбилов), "Куёшга ошик.ман" (Х- Шарипов) "Хаким ва ажал", "Жаннатга йул", "Ранжком" (А.Орипов), "Истанбул фожиаси", "Рухлар исёни" (Э.Вох,идов) каби гоявий-бадиий жих.атдан баркамол поэмалар яратилди.

**Баллада** *(франц.* ballade — *латин.* ballo — рак.сга туша-ман) — инсон хаётининг драматик моментлари ва поэтик нукталарини кутаринки рухда ифодаловчи ривоявий (их-чам) шеърий асар, калб тугёни. Баллада услубида романтика ёркин уфуриб туради. Баллада, одатда, уткир драма-тик вокеа заминига курилади, унда хаёт драмаси к,ахра-моннинг к.алб призмаларидан утказилиб тахдил этилади, турмушдаги гоятда мудим муаммолар ёритилади, кескин вазиятда лирик к.ахрамон к.албида тутилган хис-туйгулар, к.айнок. к.алб х.арорати лирик-романтик буёкдарда ифода-ланади.

Балладаларнинг тематик доираси них.оятда кенг. Балладачилигимиз тарихида к.ахрамонлик характеридаги бирор вокеани ифодаловчи (Хамид Олимжоннинг "Жангчи Турсун", Мак.суд Шайхзоданинг "Капитан Гастелло", Уйгуннинг "К,асос"), афсонавий вок.еалар заминига курилган (Уйгуннинг "Чилдухтарон", Максуд Шайхзоданинг "Хоразмда к.иш булмас экан", Шухратнинг "Уч киз афсонаси", Хайриддин Салох.нинг "Наъматак"), ишк,-мух.аббат муаммоларига багишланган (Уйгуннинг "Гуласал", Хайриддин Салохнинг "Вафо"), халкаро мавзуда (Хамид Fуломнинг "Эвакуация куприги", "Хиросима", "Ватаннинг такдири"), юмористик (Аск.ад Мухторнинг "Чолукампирлар", Миртемирнинг "Ук.имишли"), фожиавий (Жумани-

ёз Жабборовнинг "Шоир", Максуд Шайхзоданинг "Кур куйчи балладаси"), кишиларнинг х.ис-туйгулари, гуманизми, олижаноблигини курсатувчи (Хамид Олимжоннинг "Роксананинг куз ёшлари", Ойбекнинг "Раиса"), тарихий шахслар тутрисидаги балладалар мавжуд.

Балладалар уз табиатига кура эпик (М. Шайхзоданинг "Урток. Навоий"), лирик (Хамид Руломнинг "Эвакуация куприги") ва лирик-эпик (Хамид Олимжоннинг "Жангчи Турсун") хилларга булинади.

Баллада — жахрн адабиётининг кухна жанрларидан.

Узбек балладаси 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларида тугилди. Янги вокелик, узбек халк, поэтик ижоди ва мумтоз поэзиямиз анъаналари, жахрн адабиёти, хусусан, рус адабиётининг баллада жанри сохасида туплаган бой тажрибалари — узбек балладачилигининг бош манбалари - булди.

Урушдан кейинги тинч курилиш йилларида, хусусан, адабиётимиз таракдиётининг хрзирги боскдчида баллада жанри кенг микёсда ривож топди. Ойбек, М. Шайхзода, Р.Рулом, М. Бобоев, Р.Бобожон, Миртемир, Т.Фаттох., Шухрат, Мирмух.син, Э. Вох.идов, X. Салох., Усмон Азим ва бошк.а шоирлар баллада жанрида баракали ижод килишди[1]. Хозирги кун узбек балладачилигида, хусусан, ёш шоирларнинг хизмати катта. Мана шундай истеъдод содибларидан бири Усмон Азимов. Бу шоир балладаларининг узига хослиги хакида шоир Абдулла Шер "Виждон хак;ида баллада" деган мак.оласида шундай деган: "Хозирги замон балладасида конкрет вокеа, вок.еабандлик биринчи пландан иккинчи планга утди, сюжет фалсафийлик касб этди, мохиятан вок.еа эмас, вокеанинг хулосалари сюжет тарзида китобхонга тадким этила бошланди, фак.ат романтика эмас, рамзийлик хам бу жанрнинг етакчи хусусиятлари булиб к.олди...

..Дажман достондан сал кичикрок. афсона ёки манзумалар баллада деб аталаверди, яъни жанрнинг белгиловчи хусусияти сифатида х.ануз х.ажм тушунилар эди.

---

[1] К,аранг: *М. Иброхщюв.* Узбек балладаси. Т., "Фан", 1974.

Усмон Азим ана шу эски, нотугри тасаввурни бузди. Унинг "Дашт хакида баллада", "Эллигинчи йиллар — балладаси", "К,ишки хикоя", "Энг сунгги оху дакдда баллада" каби асарлари шундай ("Узбекистан адабиёти ва санъати", 1988 йил, 27 май).

**Масал** *(араб.* Js> — намуна) — таълимий-ахлок,ий, дидактик, киноявий характердаги кичик хажмли шеърий ёхуд насрий асар. Масалда, одатда, одамларнинг айрим нук,сонлари, ижтимоий муносабатлардаги нобопликлар аллегорик образлар (хайвонлар, паррандалар, кушлар, жониворлар, табиат хрдисалари) воситасида танкдд килинади, панд-насихат, ахлокий угитлар таргиб этилади. Аллегорик образларни куллашда хар бир халкнинг узига хос рамзий анъаналарига амал килинади. Масалан, купгина халкдарда шер — хркимлик, тулки — айёрлик, эшак — гуллик, мол — фаросатсизлик, айик. — укувсизлик рамзидир. Аммо шундай хайвонлар хам борки, улар турли халкларда турли маънони билдиради. Чунончи, куй русларда фаросатсизлик рамзи хисобланса, узбекларда ювошлик аломатидир. Масал к.айси халк. х.аётидан олиб ёзилаётган булса, уша халкнинг мана шундай миллий-рамзий анъаналари, албатта, х,исобга олинади. Масалда вок.еликнинг у ёхуд бу жих.атлари аллегорик тарзда киноявий, мажозий йул билан тасвирланади. "Масал жанрининг аллегория, мажоз, киноя каби хусусиятлари ёзувчиларнинг факат яширин фикрини айтишга интилиши натижаси эмас, балки уз фикрини образли килиб айтишга, китобхонга бадиий эстетик завк. беришга интилиши натижасида пайдо булгандир"[1].

Масалнинг яна бир хусусияти киссадан дисса чик.арилиши ва шу оркали ахлок.-одоб ургатиш, дидактик таълим беришни кузда тутишдир. Кдссадан х.исса, одатда, муаллиф тилидан ёхуд хикоячи нуткидан берилади.

Яна шундай масаллар х.ам буладики, уларда киссадан хисса чик.ариш китобхоннинг зиммасига юклатилади. Лекин х.ар к,андай хрлатда х.ам масалнинг сюжети ихчам ва гоятда к.изик.арли булади. Узбек масалларининг аксариятида киссадан х.исса масал охирида берилади. Масалан,

[1] *Х. Дониёров, С. Мирзаев.* Масал жанри ^ацида муло^азалар. Узбек адабиёти масалалари. Т., Узадабийнашр, 1959, 190-бет.

Хамзанинг "Тошбакд билан чаён" масалини эслайлик. Бу масалда тошбакд билан чаеннинг дустлашуви ва биргаликда сафаргачикиши, йулда анхррга дуч келиши ва сувдан утишда чаеннинг дустликка хиёнат килиши, ок,ибатда сувга гарк, этилиши хикоя кулинар экан, масал охирида шоир вокеадан шундай ибратли хулоса чикдради:

Хдсса: кими райрни улфат этар,
Уз-узича бошига кулфат етар.

Масалнинг тили — (Рарбда "Эзоп йили" ва Шаркда "усули таъриз") — рамзий, ифодавий, образли, ширали тил булади: ужонли халк,тилига кушилишиб-чатишиб ке-тади.

Масалда эпик тасвир лиризм билан чукур йугрилган булади — тасвир жараёнида шоирнинг вокеага фаол муносабати сезилиб туради.

Масалнинг мавзу доираси кенг. Унда панд-насихат, ахлок, нормалари таргиб к,илинади, сиёсий муаммолар к,аламга олинади... Уз табиатига кура масаллар ранг-баранг: масал-хикоя ("Тошбакд билан чаён"), масал-эртак ("Зарбулмасал"), масал-эпиграмма ("Ойна ва Маймун"), масал-памфлет ("Ёлгончи туги") ва бошк^алар[1].

Масал — суз санъатининг кдцимий жанрларидан бири. У мустакдл адабий жанр сифатида эрамиздан аввалги VI—V асрларда пайдо булган. К,адимги Юнонистон, Х,индистон ва бошк.а Шарк, мамлакатларида кенг тарк,алган. Масал жанрининг асосчиси Эзопдир. Француз адиби Лафонтен (1621—1695) жахрн адабиётида масалнинг шухратини оширди. Рус адиби ИАКрилов (1769—1844) эса уни чукдига кутарди. Щунингдек, Гольберг (XVTII аср), Лессинг (XIX аср) ва бошкд суз усталари хам масал жанрининг ривожи-га катта улуш кушган.

Узбек адабиёти тарихида Юсуф Амирий ("Банг ва ЧоFНр мунозараси"), Як,иний ("Ук,ва Ей мунозараси"), Ах.ма-дий ("Созлар мунозараси"), Пошшохужа ("Мифтахул ада", "Гулзор"даги масаллар), Сайидо Насафий ("Бахрриёт"),

[1] К,аранг: *Ш. Холматов.* Масал жанри. Совет мактаби. 1966, 3-сон, 21— 25-бетлар.

Гулханий ("Зарбулмасал"), Нишотий каби суз санъаткорлари масал жанрида баракали ижод килишган. Булардан, хусусан, Мухаммадшариф Гулханий ва Сайидо Насафийларнинг масаллари гоятда машхур. А. Саъдий, А. Жомий, А. Навоийлар — Шарк, адабиёти тарихида узбек масалчилигида донг чикаришган.

Масал — мумтоз адабиётининг хам эътиборли жанри. Шоир Демьян Бедний (1883—1945) масал жанрида ижод килиб, бу жанрнинг тасвир имкониятларини кенгайтирди, мазмунини янгилади, янги замон рухини ифода этди. С. Михалков, О. Вишни, С. Смирнов, Б. Тимофеев, А. Малин, С. Олейник, Н. Годованц, Э. Волосевич каби шоирлар масални сатиранинг мухим жанрига айлантирдилар. Узбек шоирларидан Хдмза ("Тошбака билан чаён"), С. Абдукахдор ("Рахбар Хуроз"), М. Бобоев ("Октомок. билан юмшок."), Ш. Саъдулла ("Санъаткор Курка"), Э. Вох.идов ("Ошкрвок. х.акида масал"), П. Мумин ("Курбакд билан Чумоли"), Ю.Шомансур (Турик. ва Жийрон"), Я. Курбон ("Чумоли ва Увок."), М. Худойкулов ("Жин, Шайтон ва Инсон"), К,. Мухаммадий ("В^унгиз бикач билан Сичк.онбой туйи"), Райратий ("Ола Бук.а билан Таримой туйи") ва бошк.а шоирлар масал жанрида ижод килишган[1].

**Драматик тур ва унинг жанрлари**

Бадиий адабиётнинг учинчи тури — драматик турдир. В.Г. Белинский драматик поэзиянинг хусуси-ятлари х.ак,ида тухталиб, дейди: драмада эпос билан лирика "бир бутун булиб бирлашади: ички х.одиса уз ичида крлищцан тухтайди ва ташк.арига чик.ади, амадда узини курсатади: ички идеал (субъектив) хрдиса ташки, реал (объектив) хрдиса булиб крлади. Эпик поэзияда булгани сингари, бунда х.ам турли субъектив ва объектив кучлар-дан чикиб келувчи белгили, реал х.аракат таракдий здади: лекин бу х.аракат энди соф ташки характерга эга булмай-ди. Бунда хатти-харакат, вок^еа бизга бирданига ва тайёр хрлда куринмайди, биздан яширинган ишлаб чик.ариш кучларидан чикдан, уз ичида эркин бир дойра чизган ва

[1]Яна царанг: *Ш. 1$Холма1пов.* Урта Осиё хал^пари адабиётларида масал жанри. Самарканд, 1989.

кейин уз ичида таскин топган вокеа сифатида куринмайди... Иккинчидан, бу характерлар уз ичларида бекиниб крлмайди, балки узлуксиз равишда ошкор булади ва уз рухининг ички мазмунини амалий манфаатда очади. Бу, поэзиянинг юкрри даражаси ва санъатнинг гулдастасидир, бу драматик поэзиядир"[1].

Драматик тур узига хос катор хусусиятларга зга. Чунончи, драматик асарлар диалогларга асосланади. Роман, повесть, хикоя, очерк муаллифлари асарда тасвирланган вокеаларнинг урни, кишиларнинг характери ва килмишлари хдкдца хикоя килиб бериш билан бирга, уларни узаро муносабатга киритади, сузлатади. Драмада эса муаллифнинг хикоя килиши дам персонажларнинг сузлари оркали юзага чикади. Лирик асарларда эса кишининг ички кечинмалари, фикри, хдс-туйгуси ифода этилади. Драматик асар уз кахрамонларининг лирик кайфиятларини хам уларнинг нутки ва хатти-х,аракати оркали ифодалайди. Драматик асар асосан театрга, сах.нага мулжаллаб ёзилади.

Драматик тур урта ва кичик шаклларга булиб урганилади. Урта шакл — трагедия, комедия, драма жанрларидан ташкил топса, кичик шакл — интермедия, бир пардали пьеса, кичик инсценировка, монодрама ва диалог жанрларини уз ичига олади. Вцуйида драматик турнинг урта шакли жанрларинигина куздан кечирамиз, холос.

Трагедия *(юнон.* tragos — эчки, така, odo — кушик.; tragoidia — така хакида кушик} — к.ахрамонларнинг рухий коллизиясига асосланадиган, гоятда жушк,ин, эх.тиросли, таъсирли ва окибати фожиа билан тугайдиган драматик жанр. Трагедия муросасиз кураш, гоятда уткир зиддият, фавкулодда кескин конфликт заминига курилади. Унда характерлар ва эхтиросларнинг х.аёт-мамот кураши ифодаланади. Трагедиянинг ижтимоий-сиёсий, гоявий ёки рух.ий конфликтида куплаб кишилар кисмати курсатилади. Конфликтлар миллий ходисаларгина булиб к.олмасдан, балки умумбашарийлик характерига х.ам эга булади. Бундай асарларда, одатда, йирик тарихий фожиалар, даврлар-

---

[1] *В.Г.Белинский.* Танланган асарлар, Т., Уздавнашр, 1955, 134—135-бетлар.

нинг алмашинуви каби улкан хрдисалар тасвирланади. Трагедияда купинча хакикат ва адолат учун курашган буюк инсонларнинг фожиаси берилади. Трагедиянинг кахрамонлари, одатда, улугвор, фавкулодда характерли одамлардир. Трагедияда инсон калбининг ранг-баранг томонлари, хаётнинг нурли ва фожиали хрдисалари гоятда ёркин очиб берилади. У хаётдаги шиддатли, кайгули, мунгли вокеаларни акс эттиради. Трагедия доимо хаётдаги энг мухдм, долзарб, "сунгги" хаёт-мамот масалаларини кутариб чикади. Тарихий таракдиёт такрзо этган зарурат талаби билан уни амалда хал килиш мумкин булмай крлган пайтда чинакам трагик коллизия юз беради. Бундай коллизия трагедиянинг калбидир. Трагедияда купинча вокеалар куюклаштирилган, зиддиятлар кескинлаштирилган шакдда ифодаланади.

Трагедия кишиларни уз кучига ишонмасликка ва умидсизликка етаклайдиган пессимистик, кай^ули асар эмас. Гарчи ечими фожиа билан, олижаноб кишиларнинг халокати билан якунланса-да, трагедия купинча чукур оптимизм билан сугорилган булади, у инсоннинг ёвуз кучлар устидан г-алаба кдлиши мумкинлигига ишонч хрсил килади. Аристотелнинг уктиришича, трагедияда вок,еалар кутаринки рухда тасвирланади, шу орк.али инсоннинг маънавий гузаллиги, акд ва хиссиётининг кучи, х.аёт х,акик.ати очилади. Трагедиянинг мохдяти, деб таъкидлайди у, томошабинларда к.ахрамонларнинг фожиасига чукур ачиниш, к.айгуриш х.исларини уйготади, инсон х,иссиётини тозалайди, тарбиялайди, олижаноблаштиради. Эсхил, Софокл, Эврипид, В. Шекспир каби классиклар ижоди бу фикрни тула тасдиклайди.

Трагедия драманинг кадимий жанрларидан бири булиб, Юнонистонда эрамизгача булган V асрда уз ривожининг камолот боскичига кутарилган. Эсхил «Эронийлар», «Фиванинг етти душмани», «Орестея» (трилогия), "Занжирбанд Прометей" (трилогия) каби трагедияларини яратиб, классик "трагедиянинг отаси" булиб к.олди. Софокл "Шох. Эдип", "Эдип Колонда", "Антигона", Эврипид "Алкестида", "Медея", "Ипполит", "Ифигения Авлидада", "Электра", "Геракл", "Ион" каби трагедиялари билан юнон трагедиясининг шухратини жах,онга ёйди.

Уйгониш даври ва ундан кейинги асарларда трагедия жанри уз таракдиётининг янги боскичига кутарилди. Ан-

тик дунё ва урта асрлар трагедияларига нисбаган кейинги> давр трагедиялари янгича характер касб этади. Испан драматурглари Лопе де Вега, Кальдерон, улуг инглиз ёзувчиси В. Шекспир, француз классицизми намояндалари Корнель ва Расини, немис драматурглари Гёте, Шиллер ва рус классик шоири А.С.Пушкин каби санъаткорлар трагедиянинг янги намуналарини яратдиларки, бу драматургларнинг асарлари уз гоялари ва эстетик тамойилларининг ранг-баранглиги билан бир-биридан ажралиб туради.

Узбек адабиётига трагедия жанрининг кириб келиши А. Фитрат номи билан бокних.. Абдурауф Фитратнинг "Абулфайзхон" асари — биринчи узбек реалистик трагедияси (1926)дир. М. Шайхзоданинг "Жалолидин Мангуберди" асарини узбек мумтоз трагедияси деса булади. Сарвар Азимовнинг "К,онли сароб" асари (гарчи бу асар драма деб юритилаётган булса-да)ни янги типдаги узбек. трагедияси дейиш мумкин.

XX асрда трагедиянинг бир кагор асосий хусусиятлари сакланиб крлган додда трагик конфликтнинг мохияти ва характери узгарди. Антик дунё даврида юнонлар учун диссиёт билан бурч уртасидага зиддият ноиложлик, бартараф кдлиб булмаидиган, фожиали конфликт булиб туюлган ва улар уз трагедияларини шу асосда яратганлар. Бизнинг давримизда эса бундай конфликт фожиавийлик характерини йукртди. XVIII—XX аср драматурглари уз трагедияларида даётдаги кескин курашга асосландилар. Бирок, бу зиддият дам бизнинг замонамиз учун дал кдлиб булмаидиган хусусиятини йукртди. Шунга кура, замонамиз трагедияларига асос буладиган зиддиятлар уз табиати билан (гарчи шу конфликт натижасида кдхрамонлар даракатга учрасалар-да) бартараф килиб булмаидиган конфликтлар эмас. Бу давр трагедиялари кадрамонларининг улими дам, кураш фожиалари дам оптимистик руд касб этади. Всеволод Вишневский "Оптимистик трагедия" номли асарида гражданлар уруши давридаги шафк.атсиз вокеаларни курсатади, халк. эрки ва бахти йулида к,адрамонона курашиб далок булган жасур кишиларни тасвирлайди. Агар масалага тор, индивидуалистик нук.таи назардан караладиган булса, унда шахсни далокатга олиб келадиган конфликт ноилож, бартараф килиб булмаидиган зиддият ифодаси булиб туюлади. Бирок, шахе

умумхалк. иши учун онгли равищда курашаётган булса, уз улими билан ралабага йул очганини тушунса, жисман халок булса-да, маънавий жихатдан галабага эришганлигини сезади. Бу оптимистик туйьу булиб кахрамонни пессимизмдан сакдаб крлади. Замонамиз трагедиялари гоятда кутаринки рух.и, романтик пафоси, оптимистик *кучи билан* миллион-миллион томошабинларни, китобхонларни эстетик рухда тарбиялаш ишига муносиб хисса *$шмокда.

**Комедия** *(юнон.* comodia; comos — хушчак,чак. оломон ва oide — кушик) — ижтимоий хаётнинг айрим жихатларини ва кишилар хаётидаги, характеридаги нуксонларни, эскилик саркитлари, крлоклик ва бошкаларни масхара кшшш, улар устидан хушчакчак. кулиш рух.и билан йуррилган пьеса. Комедияда кулги янгиликникг эскиликка к.арши кзролидир. Комедиядаги коллизия, х.аракат ва характерлар кулгили комик рух. билан чукда суБорилади. Комедия — х.аётнинг эскирган шакллари устидан янгиликнинг Болибона кахдахдси, масхара к.илиб кулиши. Х$^{а}$^тда уз ижтимоий мав^еини саклаб к.олиш учун курашаётган, аммо аслида умри тугаб бораётган карашлар ва маънавий-ахлокий акддалар билан истик.боли порлок; янгича нуктаи назарлар ва маънавий-ахлокий тушунчалар уртасидаги х.аётий зиддият *комедиянинг* конфликтини ташкил этади.

Комедия даставвал юнон ва итальян адабиётида пайдо булган.

Кддимги римлик Плавт ва Теренцийлар, англиялик В.Шекспир, Р. Шеридан, испаниялик Лопе де Вега, францялик Ж. Мольер, П. Бомарше, италиялик К. Гольдони, россиялик А.С.Грибоедов, Н.В.Гоголь, А.Н.Островскийлар яратган комедиялар жахрнга машхур.

XX аср адабиётида хам комедия жанри ривож топди. Бу даврда комедиянинг табиатвда жидций узгаришлар юз берди, унинг янги турлари ва шакллари кашф зтилди. Бу давр комедиялари бюрократизм, мансабпарастлик, гийбатчилик, лаганбардорлик, алдамчилик, порахурлик каби эскилик саркитларини фош килишга багишланди.

Узбек адабиётида комедия жанри 1917 йиддан сунг пайдо булди. Х..Х.Ниёзийнинс "Тудматчилар жазоси", "Ким турри", "Бурунги к.озилар ёхуд Майсаранинг иши", "Бурунги сайловлар" каби пьесалари узбек комедияларининг

илк намуналаридир. А. Кдхдор, Уйгун, Б. Рахмонов, лом, Р. Бобожон, С. Ахмад, Э. Вохдцов каби адиблар ярат-ган комедиялар узбек адабиётининг ривожига муносиб хисса булиб к^шилди. Улар, асосан, сатирик комедиялар ("Окрик, тишлар", "Сунгги нусхалар", "Юрак сирлари", "Сурмахон") ва юмористик комедиялар ("Шохи сузана", "Аяжонларим", "Тога-жиянлар", "Олтин кул", "Олтин девор", "Келинлар кузголони", "Тошболта ошик.")га ажралади. Уларда кишилар онги ва турмушида сакланиб крлган утмишнинг саркитлари устидан кулинади.

**Драма** *(юнон.* drama — амалиёт, харакат) — инсон характери ва такдирини драматик вазиятда курсатувчи, хаётнинг мураккаб дамларини кахрамонларнинг амалиёти — харакатлари воситасида ифодаловчи сахна асари. ("Драма" атамаси умуман икки маънода ишлатилади: бири адабий тур ва иккинчиси драматик жанр. Бу уринда "драма" атамасининг иккинчи — тор маъноси ишлатилади).

Драма — комик ва трагик хусусиятларнинг кушилувидан хрсил булган жанр. Драма сюжети заминида соф трагик ва соф комик рухда булмаган хаётий конфликтлар ётади. Драма трагедияга нисбатан хаёт х.одисаларини фожиавий х.олда эмас, драматик тарзда, комедиядан эса хаётий хрдисаларни кулги орк.али эмас, балки жиддий тасвирлаши билан ажралиб туради.

Драманинг тугилиши ёзувчиларнинг замонавий ижтимоий мавзуларда калам тебратиши билан узвий бошик.. Анъанага кура, трагедия тарихий материал асосида яратилади. Ундаги бош кахрамон йирик тарихий шахе булиб, у узи учун гоятда нокулай шароитда тенгеиз кураш олиб боради. Драма эса замонавий ижтимоий х.аёт драматизмини чукур англаш натижасидир, уяинг кахрамони буюк тарихий шахслар эмас, балки даётдаги оддий одамлардир. Замонавийлик, оддий одамларнинг хусусий хаёти вок.еалари, муайян одамлар к.исмати билан узвий богликлик х.амда бартараф этиш мумкин булган конфликтларга асосланадиган драматик вазият драманинг асосини ташкил этади. Трагик кахрамон узи йул куйган хатолар окибатида эмас, балки уз хох,ишидан ташк.ари мураккаб трагик вазиятга тушиб крлади ва пировардида х.алокатга учрайди. Агар драманинг хам кдхрамони х,алок булар экан, бу улим тра-

гик — ноилож хрлат окдбати сифатида эмас, балки кахрамоннинг уз "хохииги", иродаси натижасида воке булади. Драманинг диапазони кенг. Драматург реал одамларнинг кундалик турмуши вокеа-хрдисаларини тасвирлайди, кишилараро ранг-баранг муомала-муносабатларни, тукнашувларни акс эттиради.

Трагедия ва комедия, асосан, антик адабиётда пайдо булган булса, драма санъат тарак,киётининг кейинги бос-' кичларида вужудга келган. Маърифатпарварлик даврида Европа санъатида драма жанр сифатида тула шаклланган. Аммо бу жанрнинг илк намуналари антик адабиётдаёк. яратилган. XVIII асрда Францияда драма жанр сифатида кенг таркалган. XIX асрда танкидий реализм карор топи-ши билан гуллаб-яшнади. Россияда драманинг пайдо були-ши ва шаклланиши А.С. Пушкин, Д.И.Фонвизин, А.С.Грибоедов, М.Ю.Лермонтовларнинг номлари билан узвий 6ОF-ликдир.

Умуман айтганда, Буюк Британияда Лилло ва Мур, Францияда Вольтер, Дидро, Ж.Б.Мольер, П.Бомарше; Олмонияда Г.Э.Лессинг, Ф.Шиллер, Ф.Миллер, И.Гёте; Россияда А.Н.Островский, Н.В.Гоголъ, АП.Чехов, АМ.Горькийлар драма жанрини юксак погонага кутардилар. Драма XIX—XX асрлар реалистик адабиётининг етакчи жанрларидан булиб крлди.

Узбек адабиёти тарихида драма жанри XX асрнинг бошларида пайдо булган. ТуFрН, бу жанрнинг илдизлари узбек адабиёти тарихининг узок, даврларига бориб кадалади: узбек халк. огзаки драмалари, лапарлар, ёр-ёрлар, ёзма адабиётдаги драматик вазиятлар (масалан, "Хамса"даги вазиятлар, диалог ва монологлар)... Бирок,, Оврупадагидек чинакам драма XX аср бошларида пайдо булган. Драма жанрини яратишга интилиш жадид адабиёти вакиллари (чунончи, Нусратулло Кудратуллонинг "Туй", А.Бадрийнинг "Жувонмард", А.К,одирийнинг "Бахтсиз куёв" каби) ижодларвда юз берган. Мах.мудхужа Бехбудийнинг "Падаркуш" (1911 йил) асари — биринчи узбек драмаси х.исобланади. Хамзанинг "Зах.арли хаёт ёхуд ишк. курбонлари", "Илм х.идояти", "Лошмон фож^шгари", Абдулла Авлонийнинг "Пинак", "Адвокатлик осонми", "Биз ва сиз" каби пьесалари — узбек драмаларининг илк намуналаридир. Чулпон,

А. Фитрат, Зиё Сайд, К. Яшин, Хуршид, Гулом Зафарий, Н. Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Уйгун, Собир Абдулла, Туйгун, Умаржон Исмоилий, Х^а^мид Олимжон, Максуд Шайхзода, Иззат Султон, Амин Умарий, Абдулла Кдхдор, Б. Рахмонов, Аскад Мухтор, О. Ёкубов, Сарвар Азимов, Улмас Умарбеков, М. Карим, Туроб Тула, Шукур Саъдулла, Эркин Вохддов, Ш. Бошбеков, А. Иброхимов ва бошка адиблар узбек адабиетида драма жанрининг шаклланиши ва камолотига муносиб хисса кушганлар.

Биз юкррида адабий турлар ва жанрлар хусусида тухталиб утдик. Бу уринда шу нарсани таъкидлаш жоизки, бадиий адабиёт, шартли равишда, шу хилда тасниф килиб урганилади, холос. Аслида адабий турлар ва жанрлар бирбирига узвий боншкдир: улар купинча бир-бирига киришиб, кушилишиб, чатишиб кетади. Масалан, романда драма, комедия, лирика унсурлари тез-тез учраб турса, драмада трагедия ва комедия унсурлари кушилишиб кетади. Шунингдек, трагедияда комик манзаралар учраб туради...

Адабий турлар ва жанрлар — бадиий шакл х.одисасидир. Бадиий шакл ранг-баранглиги — адабиётнинг эстетик бойлигидир.

*Иккинчи боб*

## *ИЖОДИЙ МЕТОД, АДАБИЙ ОКДМ В А ИНДИВИДУАЛ УСЛУБ*

**Ижодий метод х,ак,ида тушунча** Метод *(юнон.* methodos — тадкик. килиш усули) — хдётни эстетик узлаштириш, уни бадиий ифодалаш ва бадолашнинг умумий тамойиллари. Буларнинг энг мухимлари: метод — "вок,еликни акс эттирувчи усул", "х.аётни типиклаштириш тамойиллари", "асар гоясини ташувчи образларни к.иёслаш ва ривожини курсатиш тамойили", "образли вазиятни х.ал этиш тамойили", "ёзувчининг Х,аёт х.одисаларини танлаш ва бадолаш тамойили", "санъатнинг вок.еликка ижодий муносабати (к.айта яратиш)нинг

умумий тамойиллари" ва доказо. Бу белгилар, бизнингча, бир-бирини тулдиради ва метод дакидаги умумий тасаввур досил килишимизга кумак беради. Хуллас, метод ёзувчиларга асар яратиш учун зарур булган эстетик тамойилларни аниклаб беради. Бусиз бадиий ижодни тасаввур килиб булмайди. Академик И.О.Султонов айтганидек, ижодий метод масаласи, даставвал, санъаткорнинг даётга, вокеликка муносабати масаласидир. Шунга кура, у ёки бу давр адабиёти методини урганишда шу давр суз санъаткорларининг замон додисаларига кандай муносабатда булганлигини кузатиш керак.

Яна бир масала: адабиётшуносликда "метод", "бадиий метод" ва "ижодий метод" атамалари ишлатиладики, булар, асосан, бир-бирининг синоними эканлигини инобатга олмок. керак. Аммо адабиётшуносликда кулланилаётган "ёзувчининг бадиий методи" ("Ойбекреализми", "Абдулла Крдирий реализми"...) ва "ёзувчиларнинг муайян гурудини бирлаштирувчи бадиий метод" тушунчалари бир-бирининг синоними эмас. Бу уринда бадиий тафаккур тарахдиётининг муайян боскичида ёзувчиларни бир гуру^га уюштириб турадиган ижодий метод х[а]кида фикр юритмокдамиз.

Ижодий метод дунёк.араш, эстетик идеал, бадиий майорат каби масалалар билан узвий алок.ада б^лади. (Мазкур дарсликнинг бадиий адабиётда типиклаштириш ва РОЯВИЙЛИК масалаларига багишланган бобида метод, истеъдод ва дунёкарашнинг узаро муносабати х,акдда, киск,арок. булса-да, тухталиб утганмизки, уша фикрларни бу уринда яна бир карра эслаш фойдалидир). Бадиий методни урганиш жараёнида методни услуб билан киёслаш усулидан фойдаланиш мумкин. Чунки, бу усул бадиий методни Хам, индивидуал услубни дам аникрок. ва осонрок. тушуниб олишга кулайлик турдиради. Метод ва услуб, биринчидан, бир-бирига узвий боглик., иккинчидан, улар айнан бир нарса дам эмас. Проф. Л.И.Тимофеев ёзади: "Методда энг аввало, ёзувчини бошка, узига як.ин ёзувчилар билан борлайдиган умумий нарсаддр кузга ташланади, услубда эса уларни бир-биридан ажратиб турадиган томонлар: унинг шахсий тажрибаси, истеъдоди, нутк. оданги ва доказолар

кузга ташланади"[1]. "Метод услубга нисбатан умумий характерга эга, — деб ёзишган Н. Шукуров ва Ш. Холматовлар, — методни образли маънода сахда деб фараз киладиган булсак, услуб шу сахнада куииладиган спектаклдир. Спектакллар бир-бирига хеч качон ухшамаганидек,услуб**лар** хам хеч вакт бир-бирига ухшамайди"[2].

Хакикатан х,ам "услуб" деганда хар бир ёзувчи ижодининг факат узигагинахос, такрорланмас гоявий-бадиий хусусиятларини тушунсак, метод деганда эса, аксинча, дастлаб, хаёт вокеа-хрдисаларини саралаб олиш, тасвирлаш ва бахрлашда ёзувчилар асосланадиган эстетик тамойилларинингумумийлигини, муштараклигини англаймиз. Проф. Л.Г. Абрамович айтганидек, агар метод ёзувчининг хаёт хакидаги концепциялари булса, услуб унинг конкрет бадиий ифодаси. Л.И.Тимофеев методни компасга ухшатади: кемаучун компас йул курсатувчи юлдуз булса, адабий жараёнда метод ёзувчи ижодининг бош йуналишини белгилаб беради. Бирок., бундай йуналиш гоятда рельефли булиб, ундан кай тарзда ва к.андай утиш ижодкорнинг истеъдоди, мах.орати, маданий савиясига боглик, — шу жараёнда ёзувчининг индивидуал услуби пайдо булади. Шу важдан купчилик ёзувчилар учун метод ягона булса-да, услублар гоятда ранг-барангдир. Агар ёзувчи илгор дунёкараш, катта истеъдод, юксак мах.орат сохиби булса ва, айни чокда, ижодий метод билан куролланса, хаётни чукур билса, албатта, чинакам санъат асари яратишга муяссар була олади.

*Бадиий метод — тарихий-эстетик категория.* У жамият тарихининг муайян боскичида шу даврнинг ижтимоий-эстетик талаблари так.озоси билан тушлади, ривожланади ва бошк.а бир шароитда уз урнини янги ижодий методга бушатиб беришга мажбур булади. Бирор янги методнинг адабиётда пайдо булиши учун даставвал ижтимоий даётнинг узида реал замин ва асос мавжуд булади: янги метод ана шу мухитнинг мах.сули уларок. вужудга келади. Ижодий методларнинг бу хилда урин алмашиниб туриши адабиёт таравдиётининг к.онуниятларидан биридир. Зеро, хаёт,

---

[1] *Л. И. Тимофеев.* Основы теории литературы. М., Просвещение, 1971, 411-бет.

[2] *Н. Шукуров, Ш. Холматов.* Адабиётшуносликка кириш. Самар канд, 1974.

жамият тарак^иёти тенденциялари адабиёт тараккиёти тенденцияларини белгилаб беради. Бадиий адабиёт тарихида романтизм ва реализм методлари кенг тар калган.

Романтизм

Романтизм *(франц.* romantisme _ роман тилида ёзилган асар) — Оврупо ва Америка мамлакатларида XVIII аср охири ва XIX аср бошларида ижодий метод сифатида шаклланган. Сентиментализм асосида яратилган романтизм бу даврдаги инкилобий силжишларнинг мах.-сули, унинг бадиий тафаккурдаги инъикоси сифатида пайдо булган.

В.Г.Белинский айтганидек, романтизмнинг илдизлари кадим замонлар (антик адабиёт) га бориб такалади. Хаётни тасвирлашнинг романтик ва реалистик усуллари, ибтидоий тарзда булса-да, Аристотелга х.ам маълум эди. Бирок. кадимги романтизм метод холида эмас, балки унсур, тенденция тарзидаги романтизм (ТyFpnpOFH романтика) булган. Бадиий адабиётдаги романтика неча-неча асрлик тарихга эга. Романтизм Оврупо ва Америка мамлакатлари адаби-ётларидагина эмас, балки рус адабиётида, Шарк. халклари адабиётларида, шу жумладан узбек адабиётида хам чукур илдиз отган. Узбек мумтоз адабиётининг асосий ижодий методи, олимларимиз аниклаганларидек, романтизмдир. Бирок, бу фикрдан утмиш адабиётимизда реалистик ун-сурлар бутунлай йук; экан-да деган янглиш хулоса келиб чикмаслиги керак.

Романтизм санъати хазинасига жахрннинг кулгана халк,-лари уз хиссаларини кушган экан, бундан унинг, биринчидан, хаётийлиги, бадиий тафаккур тарихида уйнаган ижобий роли сезилса, иккинчидан, табиатан роятда мураккаблиги, узига хослиги, зиддиятлилиги хам англашилади. Хар бир халк. адабиётидаги романтизм конкрет ижтимоий-тарихий мухит так.озосига кура, узига хос миллий хусусиятларга эга булади ва, айни чокда, барча халклар адабиётларидаги романтизмни характерловчи муштарак хислатлар хам мавжуддир. Чунончи:

1. *Романтизм, даставвал шу билан тавсифланадики, бу у;аётни бадиий тадциц эт$анда, уни социал тарихий конкретлиги билан курсатишга нисбатан хаёт хацидаги концепцияларга таяниб иш тутади.* Романтик ёзувчи кандай-

дир гузал ва мукаммал хаётни орзу кдлади, аммо уз орзусидаги турмуш тарзини мавжуд вокеликдан топа олмайди. Уз атрофидаги мудитдан норози булади, уни тасвирлашдан кура хаёлидаги гузал хаётни акс эттиришни афзал деб билади. Романтизмнинг йирик вакилларидан бири Жорж Санд реалист ёзувчи О. Бальзак билан килган сухбатида шундай деган: "Сиз инсонни хдётда кандай курсангиз шундай, айнан тасвирлайсиз. Мен булсам инсонни кандай куришни хохласам шу тахлитда тасвирлайман"[1]. Романтизм ва реализмнинг асосий фаркл — ана шунда!

Демак, романтизмда инсон кдндай булса шундайлигича эмас, аксинча, кдндай булиши керак булса (ижодкор назарида) ушандай курсатилар экан. Масалан, Алишер Навоий "Садди Искандарий" достонида Искандар Зулкарнайн образи (прототипи Александр Македонский, мил. авв. 356—323-йиллар)ни яратар экан, уни тарихда кандай б^лса (Александр Македонский Болкрн ярим оролидаги кулдорлик монархияси — милод. ав. 356—323 йилларда Македонияга подшолик килиб, жадоннинг бир неча мамлакатларини, жумладан Турон улкасини забт кдлган — юз минглаб одамларни киличдан утказган — золимлик ва крнхурликда ^еч бир подшодан к.олишмаган) шундайлигича эмас, балки бутунлай бошк;ача — адолатли, маърифатпарвар шох, сифатида тасвирлайди. Бундан романтик кахрамонлар социал-тарихий мух.итдан бутунлай узилиб к.олади, деган хулоса келиб чикмаслиги керак. Чунки, бу хил образлар муайян даврнинг эстетик идеалларини акс эттиради. Чунончи, Навоий Искандар Зулк.арнайн образи оркали, биринчидан, уз замонасининг марказлашган давлат тузиш, адолатли ва маърифатпарвар шох, х.акдцаги орзуларини ифодалаган булса, иккинчидан, уз давридаги подшолар (Хусайн Бойк.аро ва унинг угиллари)га Искандар Зулк.арнайнни намуна к,илиб курсатади. Шу тарик.а романтик идеал образлар муайян социал-тарихий шароитнинг эхтиёжларига (у ёхуд бу даражада) жавоб беради, х.аёт билан бевосита эмас, билвосита боитнади: хаётни гузалрок. кдлишга хизмат этади.

---

[1] Каран г: Адабиётшунослик терминлари лугати. Т.^Ук^туячи, 1967. 187-бет.

Романтизм методи орзуни, хаёлни акс эттиришга купрок; эътибор берганлиги сабабли ижобий образларнинг аксарияти идеаллаштирилади. Масалан, "Фархрд ва Ширин" достонида шоир Фархрдни идеаллаштириб курсатади: у шахзода булишига карамай хунар эгаллайди, илм-фанни чукур узлаштиради, оддий одамлардек мехнат килади; болалик чогиданок. муъжизакор куч-кувватга эга булади, хар кандай бало-казоларни енгади, унинг тешаси арман TOFH тошларини худди пичок. сариёгаи кесгандай кесиб, канал казади (минг-минглаб одамлар эплай олмаган ишни бир узи бажаради), чулларга сув чикариб, 6oFy бустонлар яратади; душман бостириб келганда, бир узи Хусравнинг минг-минглаб кушини кунглига гулгула солади. Достондаги Ширин, Мехинбону каби аёллар образлари гузалликда, акл-идрокда, севги ва садок.атда мукаммал. Демак, достоннинг асосий кахрамонлари уша мудитдаги реал одамларнинг худди узи эмас, улар орзудаги к.ахрамонлар, идеал образлардир. Бирок, бу образлар х,ам XV аср шароити билан каттик, богланади: шоир шу даврнинг бир катор муаммоларини (шахе камолоти, турли халклар уртасидаги дустлик ва биродарлик, мамлакат мудофааси, чул ва сахроларни узлаштириш, адолатли шох. учун кураш, севги ва садокатни) ифодалайди, уз даври шах.зодаларини худди Фархрддек булишга даъват этади.

Романтизм учун хдётни тарихий жих.атдан конкрет тасвирлаш тамойили бутунлай бегона эмас. Чунончи, романтик сатирада персонаж-образлар уз мухитида конкрет тасвирланади. Бирок, романтизм учун, бари бир, мавжуд вок;еликни тадлил этиш, уни тарихий жих.атдан конкрет ифодалаш у к.адар мух.им эмас. Романтик ёзувчини купрок. бошк.а нарса (замондошларининг гузалликка шиддат билан интилиши, уларнинг х.ам, узининг хам эстетик идеалини ифодалаш, жамиятга субъектив муносабатини билдириш) кизиктиради.

2. *Инсонрууининг жущцинлиги ва шиддатини тасвирлаш — романтизмнинг асосий хусусияти.* Романтик ёзувчи аса-рида бевосита уз тилида ёхуд к,ахрамонлари тилидан уз ташвиши ва к.айгусини, нафрати ва кувончини баён килар экан, халкнинг уй-хаёлларийи, кечинма ва умидларини, порлок, келажак х.акидаги орзуларини хам ифодалайди.

"Лайли ва Мажнун" достонида Алишер Навоий Мажнун (Кдйс) ва Лайлининг севги-мудаббатини шарафлар экан, уларнинг уша нобоп феодал жамиятда мудаббат йулида бедад азоб-укубатлар чекканини, висол дамидаги шоду хуррамлиги-ю, дижрон укидан багри яраланиши, бедад кайгу-изтиробларга мубтало булишини — улар калбининг тугёни ва шиддатини юксак майорат билан ифодалаш орк.-али уша даврдаги жамиятнинг шахе эрки, оила, мудаббат, тенглик, адолат учун кураш дакидага орзу-истакларини мужассамлаштиради; эзгу орзуларнинг ушалишига имкон бермайдиган мудитдан норозилигини, унга нафратини биддиради. Шунингдек, "Фардод ва Ширин", "Садди Искандарий", "Гул ва Навруз" достонларида дам муаллифларнинг кадрамонлар калб тутёнларини, унинг шиддатли дамларини акс эттиришга алодида эътибор килганликларини сезиш кийин эмас. Хусусан, Алишер Навоий газалларида лирик кадрамоннинг маънавий гузал олами, кескин рудий кечинмаларини гоятда санъаткорона акс эттирган. Инсон калбининг шиддатли тулк.инлари воситасида мутафаккир шоир уз замонасининг мудим масалаларини кутариб чикдан, халкдинг гузаллик дакидаги орзуларини ва бу орзуларга интилишини ифодалаган.

3. *Романтик асарларда, одатда, афсоналар ва мифларга тез-тез мурожаат килиб турилади:* романтик к.адрамонлар афсонавий куч-кувватга эга булади, гайри табиий, муьжизали додисалар купрок. курсатилади. Бу уринда "Садди Искандарий" достонидаги "ойнаи жадон", "Фардод ва Ширин" достонидаги "Искандар тилсими" каби муъжизаларни ва достон к;адрамонларининг афсонавий куч-кув ватга эга эканликларини эслаш кифоя.

4. *Романтик ёзувчи уз асари вокеа-уодисалари ва кау;рамонларини бошка тарихий давр ва бошка мамлакатларгц кучириб тасвирлайди.* Аслида эса уларни муаллифнинг уз мудити ва замондошлари етиштирган булади. Масалан, "Фардод ва Ширин" достонида вокеа-додисалар аввал Чи^ (Хитой) мамлакатида, сунг арман улкасида (к.адим замонч да) юз беради. К,адрамонлар: Фардод, Бадром — чинлик) Мединбону, Ширин — арман, Шопур, Хусрав, Шеруя -> эронлик ва доказо. Юзаки Караганда, бу асарда узбек халь даётига оид деч нарса йукдек туюлади. Аслида эса дос$_ч$

тондаги вокеа-хрдисалар хам, кахрамонлар хам уз табиати ва рухи билан узбекларга тегишлидир. Шунингдек, асардаги вокеалар кадим замонларда булиб утгандек тасвир этилади. Аслида эса шоирнинг уз замонаси муаммолари мах.-сулидир.

5. *Романтизм учун хаётни кутаринки рухда, хиссиётга, буёкларга бой равишда тасвирлаш характерлидир.* Узбек мумтоз шеърятига, хусусан, интим лирикага назар ташлаган киши бу фикрни тасдикдовчи куплаб мисолларни топа олади. Узбек шоирлари лирик кахрамон калб тутёнини шу кадар ранго-ранг, сержило буёкдарда кутаринки рухда тасвирлайдики, бундай нуктадонлик укувчи калбини ларзага солади, унга бехад завк;-шавк. багишлайди,

6. Романтизм хдкдца фикр юритганда романтизм ва романтика атамаларининг мох.иятига тушуниб олмок. керак. Чунки, "романтика" ва "романтизм" айни бир нарса эмас: романтизм — ижодий метод, романтика — тенден ция: юксак интилиш кутаринки кайфиятларни тасвирлаш усулидир[1].

Романтика ёхуд романтик тенденция кадим замонлардан тортиб бизнинг кунларимизгача давом этиб келмокда. У доим ёзувчининг илхрмига к.анот, ижодига парвоз бахш этиб келди. Романтиканинг манбаи реал хдётнинг узида. Хаётда кишига завк.-шавк. багишлайдиган ёхуд киши калбини тутёнга келтирадиган нарса ва хрдисалар (мех.нат завки, висол дами, хджрон азоби каби) жуда купки, шуларнинг узи турмуш романтикасидир. Турмуш романтикаси ёзувчи калбига ижод уругини сепади, унинг илхомини жуш урдиради. Шу тарифа, романтика адабиётнинг доимий йулдоши булиб крлади. Аммо романтизм ижодий метод сифатида бадиий тафаккур тарихининг муайян боскичида пайдо булади ва уз функциясини утаб булгач, урнини бошка методга бушатиб беради. Бу — объектив крнуният так.озоси. Чунончи, узбек адабиёти тарихида романтизм, тахминан, дунёвий адабиётда, хусусан, XIV—XV аср адабиётида

---

[1] Бу х,акда к,аранг: Проблемы реализма в литературах народов советского Востока. Баку, 1974; Инкдлоб ва ижод. Т., F.FyflOM номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

шаклланган[1]. Жамият таракдиётининг кейинги боскичларида романтизм методи урнида реализм вужудга келган.

7. *Бадиий ижодда субъектив факторларга алощда эътибор бериш романтизмнинг мущм хусусиятларидан бирики,* бу борада ижодкор шахси, унинг дунёкараши катта роль уйнашини унутмаслик керак.

Агар езувчининг субъектив карашлари тарихий тарак.киёт тенденцияларига зид булса, шубхасиз, вокеликни бузиб курсатувчи асар яратишга олиб келади. Ёзувчи илгор РОЯВИЙ позицияда турса, унинг субъективлиги х.аёт хакикатини курсатишга халал бермайди, аксинча, хакдоний, завк.-шавкли ва кутаринки рухдаги асарлар яратишга олиб келади. Романтизм методи асосида яратилган асарлар кишига битмас-туганмас завк.-шавк. багишлайди. Узбек адабиётида худди шу хрл якдол кузга ташланиб туради.

Узбек ёзувчилари асарларида х.ам романтизм тенденциялари сезилиб туради. Масалан, Ойбекнинг "Уч", "Бахтигул ва СОРИНДИК.", Х^мид Олимжоннинг "Семурр, Паризод ёки Бунёд", "Ойгул билан Бахтиёр", "Зайнаб ва Омон", Шароф Рашидовнинг "Кашмир кушиги", Аск.ад Мухторнинг "К,орак.алпок. киссаси" сингари асарларида романтик буёк, кучлидир.

8. *Прогреете романтизм %еч канон реализмга зид эмас.* Улар жуда куп хрлларда бир-бири билан пайвандлашиб кетади. Хатто бир ёзувчи уз ижодида дар иккала методдан фойдаланган пайтлар х.ам булган. Бу уринда М. Горькийнинг куйидаги сузларини эслаш зарур:

"...Бальзак, Тургенев, Толстой, Гоголь,.. Чехов сингари классик ёзувчилар хакида гапирганда, уларнинг романтик ёки реалистлигини аник, айтиш кийин. **Йирик ёзувчилар ижодида реализм ва романтизм х.амиша бирга ^ушилгандай.** Бальзак — реалист ёзувчидир, лекин у "Шаврон тери" асари каби реализмдан жуда узок, булган романларни х.ам езди. Гоголдан тортиб Чехов ва Бунингача булган хамма йирик езувчиларимиз сингари Тургенев хам роман-

---

[1] К,аранг: *А.)(айитметов.* Навоийнинг ижодий методи масалала-ри. Т., УзФАН, 1963.

*А. Хайитметов.* Шарк, адабиётининг ижодий методи тарихидан. Т., Фан, 1970.

тик рухдаги асарлар яратди. Романтизм ва реализмнинг бундай кушилиши бизнинг улкан адабиётимиз учун айникса характерлидир ва бу хрл ...адабиётимизга оригиналлик ва куч баг-ишлайди"[1].

Бу фикрлар утмиш улуг шоирларининг ижодий методларини урганишимизда методологик ахамият касб этади. Масалага шу нуктаи назардан караганимизда, улуг узбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодий методини кандай тушунмок. керак? Хуш, шоирнинг ижодий методи романтизмми ёхуд реализмми? Баъзи олимларимиз масалани шу тахлитда куйиб, "Навоий методи — реализм - дир" деган фикрни олга сурганларки[2], бу фикр мунозаралидир. Бизнингча, бу масалада проф. А. Хайитметовнинг илмий хулосалари хакдкатга якин: олим шоирнинг асосий ижодий методи романтизм эканини исботлайди ва, айни чокда, унинг Сайид Хдсан Ардашерга атаб ёзган шеърий мактуби, сатирик газаллари, китьалари, "Лисонут-тайр" достонидаги бир катор хикоятлар, "Махбубул-кулуб" каби асарлари реалистик характердалигини уктиради[3].

"Реализмнинг мудим принципларидан булган жамият хаётини ва одамлар характерини узаро мураккаб муносабатларда урганиш хамда чукур тасвирлаб беришга келганда шуни айтиш керакки, — деб таъкидлайди филология фанлари доктори М. Юнусов, — Навоий уларни бевосита эмас, билвосита курсатди. Шоирнинг тутган нули рамзий йул эди...

Навоий ижоди синкретик хусусиятга эга булиб, унда реалистик, нореалистик ва романтик мотивлар узаро бирикиб кетган. Шоирнинг ижтимоий идеали х.али реал заминга кучмаган эди. Унинг барча эзгу ниятлари амалда булиши орзу "4 к,илинган имконият булиб, хали у вок,еалик-
ка аиланмаган эди

---

[1] *М. Горький.* Адабиёт хакдца, Т., Узайабийнашр, 1962. 73-бет.

[2] К,аранг: Инк,илоб ва ижод. Т., F.FупоМ номидаги адабиёт ва санъат
нашриёти, 94—115-бетлар

[3] К,аранг: *А. Хайитметов.* Навоийнинг ижодий методи. Т., 118—124-бетлар. „.

[4] *М. Юнусов.* ТанкдаАй тафаккур самаралари. Шарк юлдузи, 1977. 11-сон, 232-бет.

Баъзи олимларимиз узбек мумтоз адабиёти таракдиётидаги етакчи ижодий метод романтизм эмас, балки реализмдир деган фикрни хам айтмокдаларки, бу фикр х,ам мунозаралидир. Чунки, узбек адабиёти тарихида романтизм методи жуда катта даврни ташкил этади. Реализм эса факат кейинги даврларда метод сифатида шаклланган, холос.

9. *Романтизм жахон адабиёти тарихида, жумладан узбек адабиёти тарихида катта роль уйнаганлиги* шубхасиздир. Бирок,, айни чокда, романтизмнинг метод сифатидаги заиф томонлари х,ам мавжуд: ижод жараёнида субъективликка катта эътибор берилгани х.олда объективликка етарли амал килинмади. Натижада бирмунча романтик асарларда юк-сак идеаллар билан объектив х,акик.ат уртасида маълум да-ражада узилиш юз берди...

**Реализм**

**Реализм** *(латин.* realis — моддий, хакик^й) — *вокеликни хакконий, объектив ва "худди узига ухшатиб" ифодалашни такозо этувчи ижобий метод.* М. Горький сузлари билан айтганда, "одамлар ва уларнинг турмуш шароитини хакдонийят билан, буямай тасвирлаш реализм номи билан юритилади"[1]. Ёзувчи фотограф эмас, бинобарин, у хаётдан нусха кучирмайди, аксинча, хаётни бадиий тадк.ик. этади. Ёзувчи хдётни типиклаштирган, бадиий тукима билан бойитган ва илгор эстетик идеал нури билан йугирган такдирдагина тасвирда хакконийликка, объективликка эришади. М. Горький жахрн адабиётидаги Фауст, Хамлет, Дон-Кихот, Платон, Каратаев, Карамазов, Обломов каби етук бадиий образлар хусусида тухталиб, шундай дейди: "Мана шу санаб утилган одамлар турмушда булган эмас: аммо уларга ухшаш кишилар х,аётда булган ва шу борлари хам анча майда булиб, у к.адар мукаммал булмаганлар, айрим гиштлардан минора... ясалгани каби, мана шу майда, чакана кишилардан суз санъаткорлари умумлашма "типлар"ни, турдош типларни яратганлар, "т^киганлар". Шундай "тукима" натижасида биз энди х,ар бир ёлгончини Хлестаков, хушомад-

[1] *М. Горький.* Адабиёт х,акдда, Т., Узадабийнашр, 1962: 72-бет.

гуйни Молчалин, иккиюзламачини Тартюф, рашк килувчини Отелло ва доказо деб атаймиз".

Реализм даётий вокеа-додисаларнинг мохиятини чукур очишни, вокеликни кенг камраб олишни, уни бутун мураккаблиги, карама-каршилиги билан курсатишни такрзо этади. Реализм инсоннинг уз социал мудити билан узвий алокасини, ижтимоий шарт-шароитнинг алодида шахслар, ижтимоий гурухдар ва синфлар такдирига утказган таъсирини, ижтимоий шароитнинг кишилар ахлоки ва маънавий дунёсига берган реакциясини, инсоннинг яратувчилик куч-кудратини акс эттиришни талаб килади. Вокеликни таракдиёт жараёнида тасвирлаш — реализмнинг мухим тамойили.

"Реализм" атамаси XIX асрдан бошлао кулланиладиган булган. Хозирги пайтда "реализм" атамаси икки маънода, яъни кенг ва махсус маъноларда ишлатилмокда:

1. *Реализм (кенг маънода) — вокеликни хакконий тасвир этишга ва кишилик жамияти таращиёти учун мщим булган ижтимоий муаммоларни кутариб чикиб, у;ал этишга инти-лиш.*

Маълумки, хар кандай бадиий асар хам хаёт *оп?л* сурган ижтимоий масалалар (ахлокий, фалсафий ва бошк.алар)-ни бадиий ифодалайди. Адабий асар х.ар кандай ходда х.ам ижтимоий фикрнинг бадиий инъикосидир. Шу маънодаги реализм даёт хакикати тушунчасига монанд келади. Асар хаётга к,анчалик якин булса, ундаги реализм х.ам шу к.адар изчил, шу к,адар кучли булади.

Туркий халклар адабиётининг энг кадимги намуналари — Юсуф Хос Хожибнинг "Кугадгу билиг", Мадмуд Кошгарийнинг "Девону луготит-турк", Адмад Югнакийнинг "Хибат-ул дакрйик." каби асарларида дам муайян даврнинг ижтимоий муаммолари (ахлок.-одоб, тил муомаласи, давлатни адолат билан бошкариш, подшо ва халк. муносабати кабилар) ифодаланган ва муаллифларнинг уз мухитига субъектив муносабати акс эттирилган. XIII—XVI асрларда ривож топган узбек дунёвий адабиёти (Кугб, Хоразмий, Сайфи Саройи, Саккокий, Атойи, Лутфий, Навоий, Бобир)да даётга якинлик кучайган, ижтимоий масалаларни бадиий ифодалаш, уларга мунЪсабат билдириш, энг мудими, инсон калбини, унинг ички дунёсини бадиий тадлил

этиш хар качонгидан хам ошган. Айникса, Алишер Навоий ижодида ижтимоий мотивлар кучли жаранглайди, тасвирда психологизм гюятда кучаяди. Демократик тенденциядаги адабиёт (Машраб, Гулханий, Турди, Махмур)да бадиий асарнинг халкчиллиги, замонавийлиги янгича оханг, янгича маъно касб этади.

Узбек демократик адабиёти (XIX асрнинг иккинчи ярми) (Мукимий, Фуркат, Аваз, Завкий)да реализм чукурлашади, метод сифатида шаклланади. Будавр реализмини айрим олимларимиз "маърифатпарварлик реализми" деб аташнитавсия этса, бошкалари "танкидий реализм", хатто учинчи бир гурух. олимларимиз "танкидий реализм методи тула шаклланишга улгурмаган эди" дейишади. Умуман, будавр реализми (кандай номланишидан катьи назар) узбек адабиётида ижодий метод сифатида иддиз отганлиги шубхасиздир. Чулпон, Фитрат, Хдмза, С. Айний, А. Крдирий, Суфизода, F.FупоМ, Ойбек, ХОлимжон, А. Кдхдор, Яшин, Уйгун, М. Шайхзода каби санъаткорлар ижодида реализм янги куриниши методи карор топди.

2. *Реализм (махсус маънода) воцеликни реалистик тасвирлашнинг эстетик тамойиллари мажмуи (ижодий метод).* Реализмда хдётни хакдоний деталлар, типик характерларни типик шароитда ростгуйлик билан акс эттириш усули к.улланилади. Бу усул реализмнинг бош йули. (Дарсликнинг "Х.аёт ва адабиёт", "Бадиий образ", "Бадиий адабиётда типиклаштириш", "Бадиий адабиётда гоявийлик" бобларида реализмни тавсифловчи эстетик тамоииллар куздан кечирилганки уларни бу уринда эслаш жоиздир).

"Ижтимоий тахлил, — деб уктиради Б. Сучков, — инсоннинг ижтимоий тажрибаларини тадкик, этиш ва тасвирлаш, одамларнинг узаро муносабатларини, жамият ва шахснинг узаро алок,аларини, шу аснода жамият тузумининг узини ижтимоий ходиса сифатида урганиш ва акс эттириш — реалистик методнинг мохиятини, унинг жони ва калбини ташкил этади"[1]. "Реализм шундай бадиий методки, — деб ёзади С.М.Петров, — унинг асосини реал

---

[1] *Б. Сучков.* Исторические судьбы реализма. М., Сов. писатель, 1970, 26-бет.

вокеликни санъаткор томонидан объектив равишда идрок этиш ташкил этади"[1].

Кейинги йилларда реализмнинг типологик хусусиятларини урганишга катта эътибор берилди. Проф. F.К.Каримов, реализмнинг энг мухим типологик белгиси адабиётнинг асосий объекти хисобланган инсонни, инсон фаолиятини тасвир к.илишда куллайдиган узига хос усулдир, деб ёзган. Бу усулга кура, инсон тарихийлик принципи асосида, конкрет ижтимоий мухитда, маълум тарихий шароит махсули сифатида тасвир этилиши талаб килинади. Бу, санъаткор инсон характерини яратишга киришганда, бир томондан, уни ташки борлик., ижтимоий мухит билан богаик. хрлда, яъни **социал детерминизм** принципи асосида, иккинчи томондан, унинг ички маьнавий дунёсидаги мантикий-тадрижий, айни замонда, табиий эволюцияни курсатиши, яъни **психологик детерминизм** принципи асосида иш куриши керак булади.

Адабиётшуносликда "етук реализм" дейилганда мана шу маънодаги реализм — ижодий метод назарда тутилади.

Реализм ижодий методи бадиий тафаккур тарихида бирданига ва осонликча карор топмади. Жахрн прогрессив адабиётининг узок, асрли изланишлари — реалистик тенденцияларнинг тинимсиз ривожланиши натижасида пайдо булди. Реализм методи дастлаб **XIX** асрда илгор Оврола адабиётида вужудга келди ва кейинчалик бошка халкдар адабиётларида х.ам кенг тарк.алди.

А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Л. Н. Толстой, Н. В. Гоголь, М. Е. Салтиков-Шчедрин, А. П. Чехов, Н. А. Некрасов, Н. Г. Чернишевский, Ф. Достоевский, А. Островский каби суз усталари ижодида реализм рус адабиётида чукур илдиз отибгина крлмади, айни чокда, юксак поFОнага кутарилди.

Узбек мумтоз адабиётида реализм метод сифатида качон шаклланган?

Адабиётшунослигимизда бу масалада икки хил караш пайдо булган: проф. И. О. Султоновнинг айтишича, **XVIII— XIX** асрларда... Шаркнинг бир канча халклари адабиётла-

---

[1] *С.М.Петров.* Основные вопросы теории реализма, М., Просвещение, 1975, 19-бет.

рида реализм таракдий этади, жумладан, узбек адабиётида Турди, Мукимий, Фуркат, Завкий ва бошка куп ёзувчилар ижодида реализм кучаяди. Аммо... Урта Осиё халклари адабиётларида реализм Оврóпа халклари, жумладан, рус халки адабиётида эришилган етук танкддий реализм даражасига кутарила олмайди.-Танкддий реализм, масалан, узбек адабиётида ривожланмаган шаклда, шу методнинг тугила бошлаган элементлари сифатида майдонга келади, холос; проф. F. К. Каримовнинг фикрича узбек классик адабиёти тарак.киётида етакчи ижодий метод — реализм методидир. Узбек классик адабиётида реализмнинг пайдо булиш тарихи хусусида тухталар экан, реализм катта тарихий ва адабий хаёт заминида узбек адабиётида **XV** асрда тугалиб, **XVII—XVIII** асрларда Турди, Махмур, Гулханий оркали юксалиб, **XIX—XX** асрларда Мукимий, Фуркат, Завкий, Аваз Утарлар даври реализмга — реализмнинг янги таракдиёт боскичига кириб келганлигини айтган.

Хуллас, узбек классик адабиётининг асосий ижодий методи ва узбек адабиётида реализм методи качон пайдо булган деган масалада олимларимиз хднузгача ягона хулосага келишган эмас. Бу масалага узил-кесил аниклик киритилиши учун узбек реализми тарихи, унинг узига хос хусусиятлари чукур ва атрофлича тадк.ик, этилиши зарур.

**Танкдций реализм** — реализм таракдиётининг янги бос-кичи — **XIX** аср жахрн илБор адабиётининг етакчи ижодий методи.

**XIX** аср урталарида Овропада, жумладан Россияда, феодалистик муносабатларнинг инк.ирози ва капиталистик муносабатларнинг манфаатпарастлиги тувдирган жабр-зулмдан, эрксизликдан, к.абох.атдан, фирибгарлик ва айёрликдан, жах.олат ва адолатсизликдан, хору зорликдан, к.ашшокликдан халк. оммасининг сабр косаси тулиб-тошади. Ижтимоий турмушдаги муайян тарихий вазият бадиий тафаккур таракдиётини юк.ори погонага — танкддий реализм боск.ичига кутаради. Давр илгор адабиёт вакиллари олдига *феодал уукмронлигининг жирканчлигини %ам, буржуазиянинг олчоцлигини х;ам кескин очиб ташлаш,* — муайян ижтимоий муносабатларнинг маразларини к.аттик. танкдд килиш вазифасини куяди. Шу тарика бу давр roiFop ада-

биётида *мавжуд ижтимоий тузумни кескин танкид килиш* поэтик пафос даражасига кутарилади. Бу давр реалистик адабиёти ижодий методининг *танкидии реализм* деб аталишининг боиси ана шунда.

Танкидии реализм, умуман, аввалги реалистик методнинг янада такомиллашган куриниши, холос. Шу билан бирга, танкидии реализм методи баъзи узига хос хусусиятлари билан хам тавсифланади. Ддабиётшунос З.С.Кедрина айттанидек, танкидии реализмнинг асосий хусусияти "мавжуд социал системани танкид килиш, уни гуманизм принципларига, инсоннинг иктисодий ва ахлокий эхтиёжларига зид нарса сифатида фош этишдир". Хаётдаги маразларни танкид килиш ва инкор этиш нули билан гузалликни тасдикдаш танкидий реализмнинг характерли белгиларидандир. Айни пайтда, танкидий реализм методи аввалги реализмнинг эстетик тамойилларини ва илгор анъаналарини уз ичига камраб олади. Чунончи, хаётни характерлар, шароитлар ва деталлар воситасида типиклаштириб хдкдоний курсатиш усули реализмнинг, хусусан, танкидии реализмнинг калби, бош тасвир усулидир.

Танкидий реализм методи узининг тасвир имкониятининг кенглиги ва эстетик тамойилларининг мукаммаллиги билан бошка ижодий методлардан ажралиб туради. Романтизмга нисбатан танкидий реализм санъат доирасини сезиларли даражада кенгайтирган. Агар романтизм методида яратилган асарларда инсоннинг маънавий интилишларига дикдат к.аратилган булса, танкидий реализмда инсон х.аётининг барча томонлари тасвир объекта килиб олинади. Танкидий реализмда инсон х.аётининг маънавий ва идеал жихатларигина эмас, кишилар х.аётининг барча конкрет жщатлари (хизмат, оила, ижтимоий ва интим хаётдаги фаолиятлари) акс эттирилади. Кундалик маиший турмуш тасвири реалистик адабиётнинг доимий йуддошидир. Бу даврда адабиётнинг кахрамони янгиланди — юксак маънавий ва ахлокий оламда парвоз этадиган одатдан ташкари романтик кахрамонлар урнига реал хаётдаги одамлар кириб кедци. Кундалик оддий х.аёт унсурларининг адабиётга кириб келиши танкидий реализмни романтизмдан ажратиб турадиган асосий фарклардан биридир.

Романтик ёзувчилар уз асрининг нуксонларини айтган, бирок, унинг келиб чикиш сабабларини, манбаларини тах.-лил этишмаган. Танкидий реалистлар эса, бадиий тахдил методидан фойдаланиб, ижтимоий зулмнинг илдизларини чукур очишга интиддилар. Уларнинг баъзилари бу ишни онгли равишда амалга оширган булса, бошкалари узлари сезмаган хрдда сиёсий эътикрдларига зид ишлар килишган. О. Бальзак, Ч. Диккенс, Л.Н.Толстой каби реалистлар уз асарларида хаётни шу кадар чукур бадиий тахдил этишганки, натижада узлари севган синф ёхуд табаканинг "сирасрорлари"ни очиб ташлашган, уларни беаёв фош килишган, шу тарика хаёт хдкикатини бадиий кашф этишган.

Танкидий реалистик асарларда аналитик бадиий тах.-лил жараёнида замонавий вокеликнинг мохияти чукур очилган ва шу оркали халк. оммаси онгининг уйгонишига туртки берилган.

Танкидий реалистлар хаётнинг бадиий тахлилига алохида эътибор беришган. Улар жамиятни объектив жараён деб билишган, уни урганган, тахдил этган, келажакнинг ёркин куртакларини кидирган.

Психологиянинг социология билан узвий бирлиги — танкидий реализмнинг характерли хусусияти. Романтик ёзувчилар, психологик ва ижтимоий жихатларни бир-биридан ажратиб куйган эди. Танкидий реалистлар эса хаётнинг хар иккала жщати (психологик ва ижтимоий томонлари) тасвирини кушиб олиб борган. Шунинг учун уларнинг асарларидаги к.ахрамонлар гоятда х.аётий, х.акдоний ва жонли булиб чикдан. Уз персонажларининг ички дунёсига чукур кириб бориш реалистларга оддий одамларнинг ахлокий гузаллигини, маънавий юксаклигини курсатишга имкон берган булса, айни чокда, шу усул салбий типларнинг юзидаги ник.обини йиртиб ташлашга, уларнинг ифлос башараларини кескин фош этишга хам кулайлик ТуFдирган. Мавжуд вок.еликни танкид килар экан, реалистлар бадиий суз воситаси билан инсониятнинг порлок. келажаги учун тинимсиз курашган.

XIX аср илгор адабиётининг ижодий методи булмиш танкидий реализм, хусусан, рус адабиёти тарихида узининг камолотига кутарилди. Рус мумтоз ёзувчилари А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь, И.С.Тургенев, М.Е.Салтиков-Шчедрин,

Л.Н.Толстой, Ф. Достоевский, А.П.Чехов, Н.А.Некрасов ва бошкалар рус танкдций реализмининг йирик вакилла-рвдир.

Танкдций реализм XX асрда хам гуллаб яшнамокда. Жахрн адабиётининг улкан намояндаларидан А.Франс, Р.Роллан, Р.М. Дю Гара, Г. Мани, Т.Манн, Д. Голсуорси, Б.Шоу, Ж.Лондон, Т.Драйзер, С.Льюис, И.Вазов, И.А.Бунин, А.И.Куприн ва бошкалар танкидий реализм методида ижод этиб, хаётдаги ижтимоий иллатларни кескин танкид этдилар.

Узбек адабиёти тарихида танкидий реализм метод сифатида шаклланганми? Бу масала хам адабиётшунослигимизда узок, йиллардан бери мунозарали булиб крлмокда. Биз юкррида узбек демократик адабиёти ижодий методи реализм эканини ва уни номлаш борасида ("маърифатпарварлик реализми" ёхуд "танкидий реализм") эса олимларимиз узил-кесил бир фикрга келиша олмаётганликларини кайд этган эдик. Бундан ташкари, асримизнинг 20-йилларида социалистик реализм методи билан бир каторда танкидий реализм методининг хам кулланилганлиги ёхуд кулланилмагашшги хдкдца кизгин бахслашувлар давом этаяпти. Бир гурух. олимларимиз (чунончи, Х.- Ёкубов, Н. Рахимов, Х-Аб-дусаматов, А. Кулжонов ва бошкалар) 20-йиллар адабиёти-да социалистик реализм методи билан бир каторда, танкидий реализм методи хам ишлатилганлигини таъкидлаб, Сад-риддин Айний ва Абдулла К.одирийларнинг баъзи асарларини мисол килиб келтирадилар. Бошка бир гурух. олимларимиз, хусусан, проф. И.О.Султонов бу фикрларга кескин карши чикиб, бу даврда ягона социалистик реализм методи кулланилганлигини айтади: Бир канча адабиётшу-нослар, — деб таъкидлайди И.О.Султонов, — 20-йиллар адабиётида, жумладан, Урта Осиё халклари адабиётида, социалистик реализм методи билан бир каторда танкидий реализм мавжуд эди, демокчи буладилар... Бизнингча, 20-йиллар адабиётида ягона социалистик реализм методи шакллана боргани ва танкидий "элемент" шу методнинг факат бир ажралмас кисми шаклидагина (яъни, алохида, ёнма-ён борувчи метод сифатида эмас) мавжуд экани хакидаги фикр

хакикатга мосдир"[1]. Атокли олимимиз узбек адабиётининг ижодий методи борасидаги узок, йиллик кузатишларидан келиб чикиб, узбек адабиёти тарихида (узбек демократик адабиётида хам, 20-йиллар узбек совет адабиётида хам) том маънодаги танкдций реализм методи кулланилмаганлиги (XIX асрнинг II ярмида улкамиз адабий харакатчилигида реализм ижодий метод сифатидатула шаклланганини, аммо у том маънодаги танкдций реализм даражасига усиб ета олмаганлиги)ни курсатади.

**Социалистик реализм** — XX аср бошларида, дастлаб, рус адабиётида, Октябрь узгаришидан сунг собик. СССР худудидаги халклар адабиётларида пайдо булган ва шаклланган янги ижодий метод — бадиий реализмнинг узига хос куриниши (тури). Бу метод бошка халклар адабиётига хам ёйилган ва, хатто, хорижий мамлакатларнинг бир гурух. илрор ёзувчилари (француз адабиётида А.Барбюс ва Луи Арагон, немис адабиётида И.Бехер, ва А.Зегерс, турк адабиётида Н.Х.икмат ва А.Несин, Дания адабиётида М. Андерсен — Нексе ижодида кулланилган; Р.Роллон, Б. Шоу, Т.Драйзер каби дунёга машхур ёзувчилар) ижодларига муайян таъсир утказган.

Хуллас, шуро даври адабиёти — социалистик реализм адабиёти. Бу ran узбек адабиётига хам тула тааллукдидир. Демокчимизки, чораккам бир асрлик узбек адабиёти социалистик реализм методида яратилган. Шу важдан, узбек адабиёти тарихини соцреализм адабиётисиз тасаввур хам килиб булмайди. Аммо бу давр узбек адабиёти тарихини урганишнинг узига хос мураккабликлари — кийинчиликлари бор. Узбек адабиёти тарихинингшуролар даврини урганишни, даставвал, соцреализм методи назариясини билиб олишдан бошлаш лозим. Негаки, узбек соцреализм адабиёти тарихида юз берган ижобий ва салбий жих.атларни, пастлик-баландликларни, мураккаб-зидциятли жараёнларнинг иддизларини ижодий метод — соцреализм назариясидан, унинг эстетик тамойилларидан, хукмрон комфирк,а мафкурасидан — давр адабий сиёсатидан кидирмок, лозим.

[1] Инк?1лоб ва адабиёт, Т., F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 120-бет.

"Социалистах реализм совет бадиий адабиёти ва адабий танкидчилигининг асосий методи булиб, санъаткордан вокеликни революцион таракдиётда, тугри, тарихий жихатдан аник, тасвир этишни талаб килади — деб таъкидланган шуро ёзувчилари Уставида. — Шу билан бирга, вокеликни хакдоний ва тарихий жихатдан аник, килиб бадиий ифодалаш мехнаткашларни социализм рухида тарбиялаш вазифалари билан кушиб олиб борилиши керак".

Социалистик реализм методи: а) вокеликни хакдоний, тарихан конкрет ва революцион таракдиёт жараёнида курсатиш билан мехнаткашларни социализм ва коммунизм гоялари рухида тарбиялаш вазифасини кушиб олиб бориш, б) коммунистик партиявиилик ва халкчиллик, в) коммунистик гоявийлик каби эстетик тамойиллар б:ыан тавсифланган. Агар шу эстетик тамойилларнинг магзи чакиб курила-диган булса, шуро даври узбек адабиётидаги пастлик-баландликларнинг сабаби аён булиб к,олади, хусусан, коммунистик партиявиилик ва гоявийлик ижод эркинлиги билан чикиша олмайди. Вах.оланки, ижод калб амри билан бажарилади — калб эса хамиша эркинликка ташна! КПСС МК ва шуролар хукумати юргизган адабий сиёсат — ижод ишига худа-бехуда аралашавериш — ижодни бир крлипга солишга интилишга олиб келди. Шу важдан, адабиётимизда бир-бирига ухшаб кетадиган асарлар, к.ахрамонлар купайиб кетди — ранг-баранг ижодий изланишлар суръати бушаш-ди. Адабиётда "дохийлар", комфирка арбобларига маддия-бозлик, коммунистлар образларини идеаллаштириш, рус кишилари образларини ута бурттириш — бир крлипдаги образларни яратиш авж олиб кетди; утмишга тош отиш, замонавий вок.еа-х.одисаларни мак,таш ва, хусусан, уни ри-вожланган мамлакатлар халкдари хаётига зид куйиб тасвир-лаш адабий анъанага айланиб кетди — бу харакат совет кишилари турмуш тарзини жахрн цивилизациясидан узилиб крлишига (муайян даражада) сабаб булди. Бу масалада адабий танкидчилик ва адабиётшунослик хам кул к,овуштириб турмади — комфирк,а сиёсатини зур бериб таргиб этди ва, х.атто социалистик реализм методи бадиий тафаккур тарак.-киётининг чукдиси ва совет адабиёти дунёдаги энг илгор, энгпрогрессив адабиётдебжар.солинди. ...Замон манашуни так.озо этди. Аммо, касални яширсанг иситмаси ошкора

килар деганларидек, СССР пароканда булгач, иситма ошкор булди — бу сиёсатнинг хам, адабиётнинг дам заиф жихатлари билиниб крдди. Бу гаплардан шуро даври адабиёти улимга махкум эди, деган хул оса келиб чикмаслиги керак. Йук„ асло! Негаки, биринчидан, соцреализм методи пойдеворини бадиий реализм крнуниятлари ташкил этган булса, иккинчидан, халк. оммаси хаёти ва эхтиёжлари бадиий адабиётни тинимсиз ривожлантиришни такрзо кидци (Эл яшар экан — адабиёт яшар!). Шу важдан, булса керак, соцреализм адабиёти классиклари (хар канча тазйик. булишига карамай) халк, хаётини бутун мураккабликлар ва зиддиятлари билан акс эттирувчи, инсон табиатини чукур бадиий кашф этувчи асарлар яратишга хам муваффак. булдилар. Бу уринда, дунёга машхур киргиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг бадиий тафаккур жабхасидаги буюк жасоратини эслаш кифоя: у узининг "Жамила", "Сарвк.омат дилбарим", "Алвидо, Гулсари!", "Сомон йули", "Ок. кема", "Биринчи муаллим", "Бойдамтол сох.илларида", "Эрта к,айтган турналар", "Асрга татигулик кун", "К.иёмат" каби бадиий кашфиётлари билан дунё адабиетининг оддинги сафларига чикиб олди — уз бадиий олами билан жахрн китобхонларини лол к.олдирди. М.Шолохов, В.Распутин, Е. Евтушенко, Б. Кербобоев, М. Турсунзода, М. Иброхимов, Расул Хамзатов, Давид Кучилтинов, Мухтор Авезов, Н. Думбадзе, В. Лацис, Э. Межелайтус сингари суз усталари хакида х,ам худди шу гапларни такрорлаш мумкин. Ахир, бу ёзувчилар х.ам соцреализмда калам тебратганларку?!

^збек соцреализм адабиётида х,ам умри бок.е асарлар пайдо булган. А. Фитратнинг "Абулфайзхон", "Чин севиш", Чулпоннинг "Ёрк.иной", "Замона хотини", "Кеча ва кундуз", Хамзанинг "Бурунги крзилар ёки Майсаранинг иши", "Паранжи сирларидан бир лавх.а ёки яллачилар иши", А.К.одирийнинг тарихий романлари, С.Айний насри, Ойбекнинг "Навоий", Усмон Носир лирикаси, Р.Руломнинг "Сен етим эмассан", "СОРИНИШ", "Вак,т", "Сарх.исоб", "Шум бола", Хамид Олимжоннинг лирик тароналари, "Мук.анна", Уйгун ва И.Султонларнинг "Алишер Навоий", К.Яшиннинг "Нурхон", М. Шайхзоданинг "Мирзо Улугбек", Зулфиянинг "Мушоира", А. Мухторнинг "Чинор", Р.Файзийнинг "Хазрати инсон", М. Исмоилийнинг "ФарБОна тонг отгунча", Х-Руломнинг

"Машъал", "Мангулик", Сайд Ахмаднинг "Уфк,", У.Усмоновнинг "Гирдоб", У.Умарбековнинг "Одам булиш кийин, Мирмухсиннинг "Умид", "Темир Малик", О. Ёкубовнинг "Улукбек хазинаси", "Диёнат", П.Крдировнинг "Кора кузлар", "Юлдузли тунлар", Э.Болидов ва А. Ориповларнинг лирик шеърлари... мана шундай асарлар жумласига киради. Бу асарлар — соцреализмнинг сара асарлари. Айни чокда, замонасозлик рухида ёзилган, умри к,иска асарлар хам куп. Чунончи, "Жахрн сармоясининг охирги кунлари", "Мухторият ёки автономия", "Башар к.уёшига", "Сосо", "Нима бизга Америка", "Иосиф Сталин", "Икки шарк,", "Бахтлар водийси", "Россия", "Назир отанинг разаби", "Киров тирик", "Коммунизм гулбокларига", "Коммунизм асри", "Халклар отасига", "Саодатнинг американлик хонимга жавоби", "Мангуликка дахлдор", "Ленин ва Ражаб бобо", "Лениннинг жилмайиши", "Йулчи юддуз", "1924 йил 22 январида Самарк,-анд", "Она", "Асримизнинг етакчиси, пулат партия", "Ленин — офтоб", "Партия бизники, биз партияники!", "Яшасин коммунизм", "Октябрь шарафи" ва бошк.алар ана шундай асарлар жумласига киради. Умуман айтганда, бу давр ёзувчилари ижодларига комфирка ва шуро сиёсатининг таъсири булганлиги табиий бир хрлдир. Адабиётимизда юз берган мана шундай пастлик-баландликларини синчковлик билан урганишимиз керак.

Сунгги ун йил давомида соцреализм методи борасида бахс-мунозара давом этиб келмокда. Бу борада, адабиётчиларимиз икки гурух.га ажралади: биринчи гурухдаги адабиетчилар соцреализмни бутунлай к.оралаш йулига утиб олганларки, буларнинг фикрига кушилиб булмайди, иккинчи гурухдаги адабиетчилар соцреализмнинг пастлик-баландликларини инобатга олиб, бу давр адабиётини урганишга чорламокдаларки, буларнинг фикрига кушилиш жоиз. Биз Шуро даври узбек адабиётини эхтиёткорлик ва синчковлик билан куздан кечиришимиз зарур.

Кайта куриш ва, хусусан, миллий истиклол даври узбек адабиёти, бизнингча, етук реализм боск,ичига к.адам куйди...

. - „ *Адабий оким — адабий жараен-*
**Адабии окрмлар** *1* -, , ..
*нинг муаиян боскичида бир гуруу, езувчиларнинг эстетик дастури — уаётни идрок килиш ва бадиий ифодалаш тамойилларининг умумийлиги, муштараклиги.* Му-айян бир адабий окимга мансуб булган ёзувчилар хаётдан мавзу танлаш ва уни акс эттиришда, сюжет ва композици-яда, характер яратиш ва бадиий тил махрратида, услуб ва дунёкарашида бир-бирларига якин турадилар. Чунки, улар бир маслак йулида хизмат киладилар. Адабиёт тарихида бир адабий окимнинг бошкаси билан урин алмаштириб тури-ши — адабиёт тараккиётининг объектив крнуниятларидан биридир. Жахрн адабиёти тарихида бир к,анча адабий оким-лар мавжуд булган. Классицизм, сентиментализм, натурализм, модернизм ва бошкалар шулар жумласидандир.

**Классицизм** *{латин.* classicus — намунавий) — *турмуш-га тацлид этишни, ацл-идрокка мувофик у,аракат цилишни, антик адабиёт ва санъат асарларини намуна килиб олиб, унинг анъанавий коидаларига таянишни такозо киладиган адабий оким.* Классицизм вакиллари асосан реал турмуш ва реал одамларни тасвирлаш — адабиёт ва санъатнинг асоси деб хисоблаганлар.

Классицизм Францияда XVII аср бошларида пайдо булиб, кейинчалик Оврупа мамлакатларида, XVIII асрга келиб Россияда тарк.алган. Француз шоири ва олими Н. Буало "Шеърий санъат" номли шеърий рисоласида классицизмнинг к.онун-к.оидаларини ишлаб чикдан.

Классицизм куйидаги белгилари билан тавсифланади: 1) Х^мма нарсада (ижод жараёнида) антик адабиётга так.-лид килиш. Классицизм атамаси хам аник., яъни классик (мумтоз) адабиётга мурожаат килишдан келиб чикдан. 2) Адабий асарни конкрет к.оидалар асосида ёзиш. Масалан, драма ёзищца "уч бирлик крнуни"га амал килинган: а) замон бирлиги (асардатасвирланадиган вокеа-хрдисалар киска муддатда, яъни бир кунда юз бериши лозим); б) макон бирлиги (асардаги вокеа-хрдисалар, албатта, бир жойда булиб утиши керак); в) хрдиса ва харакат бирлиги (драматик асарда яхлит бир вок.еа булиши шарт). 3) Асар учун кахрамон танлаш тартиби: эпос, драма ва трагедияларда фак,ат буюк тарихий шахслар, подшолар, бах.одирлар образи яратилса, комедияда оддий халк. вакиллари образи берилади.

Классицизм асарларида вокеалар маълум тарихий шароитда юз бермасди, к,ахрамонлар деярли индивидуал белгилардан махрум эди. Классицизм вакиллари адабий тур ва жанрлар баробар к,имматга эга эмас, деб хисоблаган. Феодал хукмдорлар таъсирида булган классицизм ёзувчилари купинча хдёт хак,икатини бузиб тасвирлар, шартли ва уйдирма образлар яратар, халкда тушунилииш к^шин булган тил ва услубда ижод этардилар. Классицизмни характерловчи бундай схоластик хусусиятлар, яъни догматизм адабиёт таракдиётига анча-мунча зарар келтирди. Аммо классицизм шундай схоластик белгилар билан тавсифланиб крлмайди. Классицизм гоят мураккаб, зиддиятли адабий оким. Бу окимнинг илгор вакиллари классицизмнинг "темир крнунлари"ни ёриб утиб, уз даври муаммоларини, илгор карашларини, хаёт хакдкатини, оддий одамлар хаётини курсатишга уринган. Бундай ёзувчилар узлари яшаган мухитнинг иллатларини фош этишга интилган. Масалан, Д.И.Фонвизин "Думбул бойвачча" ("Недоросль") комедиясида дворянларнинг к.олоклиги устидан кулган б^лса, А.П.Сумароков "Хомий" ("Опекун") асарида дворянларнинг очкузлигини очиб ташлаган, Ж.Мольер "Тартюф" комедиясида дин ахлларининг риекорликларини фош этган вахрказо. Бундай хатти-х.аракатлар, табиий равишда, адабий жараёнига ижобий таъсир курсатган. Шунга кура, классицизм жахрн санъати тарихида ижобий хрдиса хисобланади.

Классицизмнинг йирик вакиллари П.Корнель, Ж. Расин, Ж.Мольер, ЖЛафонтен, А.Д.Кантемир, А.П.Сумароков. М.В.Ломоносов, Д.И.Фонвизин ва бошкдларнинг асарлари XIX асрда реализмнинг пайдо булишига замин тайёрлади. Классицизм XIX асрга келиб даврнинг ижтимоий эхд-иёжларига жавоб бера олмай, уз урнини сентиментализмга бушатиб берди. "$збек адабиётида классицизм окдм сифатида воке булмаган.

Сентиментализм *(франц.* sentimentalisme — х,ис кдлмок.) — *а^л-идрокдан ^ис-туйгуни уступ цуйиш асосида инсон шахсини, унинг ички дунёсини тащил этишга асосланади-ган адабий оцим.* Сентиментализм XVIII асрда Иарбда фе-одализмнинг емирила бориши ва капиталистик муноса-батларнинг к.арор топиши даврида классицизмнинг дог-

матик крнун-кридаларига к.арши кураш жараёнида карор топади.

Сентиментализмнинг классицизмдан ажратиб турадиган бир катор хусусиятлари бор. Чунончи, агар классицизм адабиётнинг "олий жанрлари"да юкрри табака вакиллари образини яратишга интилган булса, сентименталистлар адабиётда, асосан, оддий одамларни уз турмуш шароитида курсатишга харакат килдилар. Натижада адабиётда подшолар, бахрдирлар, саркардалар образлари урнида буржуа-мешчан табакасидан чикдан "уртача одамлар"-нинг образлари пайдо булди. Классицизмда тасвир марказида фавкулодда тарихий вокеа-хрдисалар турган булса, эндиликда оддий одамларнинг шахсий хаёти тасвирига эътибор бериладиган булди. Классицизмда оддий одамларнинг хис-туйгулари оламига ва рухий кечинмаларига етарли эътибор берилмаган булса, сентиментализмда асосий эътибор оддий одамнинг ички дунёсини очишга к.аратилди. Классицистлар, асосан, мехнаткаш халк. оммасига тушунилиши кийин булган мураккаб тил ва услубда ижод килган булса, сентименталистлар адабий асар тили ва услубини демократлаштиришга, жонли сузлашув тилига якинлаштиришга интилдилар. Сентименталистлар куллаган тамойиллар адабиёт тараккдиётига ижобий таъсир курсатди. Бирок, сентиментализмнинг хам ожиз томонлари мавжуд эди: сентименталистлар инсон акл-идрокига етарли бах.о бермай, купинча х.ис-туйгулар дунёсига ута махлиё булиб кетдилар. Уларнинг асарларида хурланган, жабр-жафолар чекаётган йиглоки кишилар образи тез-тез учраб турарди. Бундан ташкари, купгина асарларда капиталистик муносабатлар узгартириш киритган шахар инсоннинг табиийлигини бузувчи, х.ис-туйгулар мусаффолигини чекловчи куч сифатида тасвирланди, кишлокдаёти идеаллаштирилиб, шах.ар х.аётига к.арши куйилди.

Француз маърифатпарварлари сентиментализми романтизм ва реализм тараккдиётига бевосита замин тайерлаган булса, рус сентиментализми асосан В.А.Жуковский романтизмини вужудга келтирди.

Узбек адабиётида сентиментализм мустакил оким сифатида шаклланмаган. Бирок., айрим олимларимизнинг курсатишича, 1905—1917 йилларда инсон характерный х.ар

томонлама чукур тасвирлаш санъатини эгаллаш сохасида изланган айрим узбек ёзувчилари ижодида сентиментализмга мойиллик сезилади (Хамзанинг "Янги саодат", "Захарли хаёт", А. Крдирийнинг "Бахтсиз куёв" каби асарларида). Уларда кахрамонлар ночор, бахтсиз ва нажотсиз хрлда курсатилиб, китобхонда уларга нисбатан рахм-шафкат, ачиниш хислари уйготилади.

Натурализм *(латин.* natura — табиий) — *у;аётни ва инсонни "объектив "* (хаётда кандай булса, шундай) *курсатишга уринувчи мураккаб, зиддиятли абадий оким.* Натурализм та-рафдорлари тасвир объектига танкидай муносабатда булиш-ни инкор этади; хаётни хис-туйгусиз ифодалашга, тугриро-га, нусхакашликка, х.аётдаги мух.им нарсаларни номух,им-ларидан, табиийларини нотабиийларидан, к,онунийларини нокрнунийларидан ажратмасдан, икир-чикирлари билан айнан "объектив" курсатишга уринади. Улар учун вокеа-х.одисаларнинг ички мох,ияти, магзи эмас, аксинча, ташкд жих.атлари мух.имдир. Натуралистлар инсон характерини илмий (экспериментал) урганишни асосий мак.сад кдаиб куяди, бадиий асарни "инсон хужжати" сифатида талклн этади, инсон х.аётини тасвирлаш жараёнида купрок. унинг физиологик жих.атлари, хусусан, эротик вазиятларини очикдан-очик, (пардасиз) ялангоч ифодалашга катта эътибор беради. Айни чокда, натурализмда х.аёт хакдкатини курсатишга интилиш х.ам борки, бу ижобий х.адиса. Бу методнинг асосчиси машхур француз адиби Эмиль Золядир. У "Экспериментал роман"(1880)ида натурализмни ижодий метод сифатида асослаб берди. Тез орада Эмиль Золя атрофида натуралистик мактаб вужудга келди. Г. Мопассан, П. Алексис, А. Доде, Г. Ибсен, Г. Флобер, Ж. Шанфлёри, Л. Э. Дюранти, ака-ука Э. Ж. Гонкурлар, П. Амп, А. Хольц каби адиблар натурализм тамойилларини шакллантиришда, унинг тасвир имкониятларини кенгайтиришда, санъатни демократлаштиришда, х.аётни х.акдоний акс эттиришда, турли табакадаги кишилар турмушини ифодалашда анча фойдали ишлар киддилар. Э. Золя, Ги де Мопассан ва бошкалар натурализмнинг к.обиFHHH ёриб чикиб, узлари яшаб турган даврдаги аристократларнинг маънавий бузуклиги,» буржуа корчалонларининг разилликларини очиб ташладилар.

Рус адабиёти ва санъати тарихвда натурализм оким сифатида шаклланмаган. Аммо Д.Н.Мамин-Сибиряк, Н. Успенский, П.Д.Бобрикин, Вас. Немирович-Данченко вабошкаларнинг асарларида, кисман булса-да, натурализмнинг таъсири сезилиб туради. М.Е.Салтиков-Шчедрин, М. Горький, Г. Успенский, В.Г.Короленко ва бошкалар натурализмнинг рус санъатига утказаётган таъсирига карши чикданлар. Узбек адабиёти тарихида эса натурализм окими йук,. Бирок, узбек адабиётида, гарчи ахён -аренда булса-да, хаётни хис-туйгуларсиз ифодалаш, ахамиятсиз вокеа-хрдисаларни тасвирлаш, нотипик характерлар яратиш, тасодифий хрдисалар ва майда-чуйда маиший штрихларга берилиб кетиш, персонажлар нуткини типиклаштирмаслик каби нук,-сонлар учраб турадики, булар дам адабиётшунослигимизда "натурализм" ёхуд "натуралистик тасвир" деб юритилади. Бу уриндаги "натурализм" атамаси Рарбдагидек ижодий метод ёхуд адабий оким маъносини ифодаламайди, аксинча, у ёки бу ёзувчи махррати етишмаслигини, ижод жараёнида йул куйилган хатоларни ифодалайди, холос.

**Модернизм** *{франц.* moderae — замонавий) — XX аср санъати ва адабиётида кулланилаётган *турли-туман нореалистик йуналиш, оким ва услубларнинг умумий шартли номи.* Модернист ёзувчилар ижодда анъанавий услуб ва бадиий шакллардан воз кечиб, янги, замонавий услуб, шакллар топиш борасида изланадилар ва куп х.олларда реализмга зид, шаклбозликдан иборат асарлар яратадилар. Х.°зирги замон жахрн адабиёти ва санъати тарихида *авангардизм, импрессионизм, фрейдизм, конструктивизм, футуризм, символизм, кубизм, сюрреализм, экспрессионизм, неоимпрессионизм, экзистенциализм, абстракционизм, акмеизм, имажинизм, "абсурб театри ", "янги роман ", "кинетик санъат ", "понарт ", "онг окими* "каби жуда куплаб нореалистик оким ва гурухдар мавжудки, буларнинг бари модернизм доира-сига киради. Модернистик оким ва гурухларнинг хар бири узига хос хусусиятга эга ва, айни чокда, уларнинг х.аммаси муштарак бир белги (хаётнинг тасвирлашда нореалистик метод тамойилларига амал килишлик) бирлаштириб туради. Модернизм ута зиддиятли, ута мураккаб адабий йуналиш. Модернистик окимларнинг баъзи бирлари бадиий

ижод жараенида маълум даражада илгор позицияда туришга интилаётган булса, бошкалари реакцион позицияда турмокда... Чунончи, авангардизм, импрессионизм, "онг окими" конструктивизм окимларининг баъзи намояндалари ижодий метод ва тасвир воситаларини бойитишга, услубларни такомиллаштиришга муносиб хисса кушган булса, футуризм, символизм, кубизм, абстракционизм каби окимларнинг вакиллари уз асарларида хаётни бузиб акс эттирганлар, шаклбозликка, мантиксизликка берилиб кетганлар, умидсизлик, тушкунлик гояларини таргиб этганлар. 60-70 -йилларда Америкада ва Овропада шухрат топган *концепту ал санъат* окими хам жахрн санъати тарихида салбий хрдиса булиб крлган. Чунки бу оким, умуман, санъаткорнинг ижодий мехнатини инкор этган, яъни санъаткор бирор нарса яратмасдан, факат "фикр юритиши" керак эмиш. Модернистлар адабиётнинг калби булган адабий кахрамонни рад этадилар. Уларнинг асарларидаги персонажлар оила, давлат, жамият, касб-кордан махрум булган "кичик одам"лар. Модернист адиб уз асарида инсон фожиасини курсатади, персонажлар муайян бир тарихий шароитдаяшамайди...[1]

Модернистлар хдётни узгармайдиган х.одиса сифатида талкин этадилар. Уларнинг фикрича, х.аёт хрзир кандай булса, бундан сунг хам худди шундайлигича к.олади: дунёни узгартириб булмайди...

Айни чокда, бошка бир гурух. модернист санъаткорлар вокеликни объектив тасвирлаш йули билан реализм равнакига х.исса кушдилар. Масалан, немис экспрессионистларидан Э.Толлер, В.Газенклевер, И.Бехер ва бошк.алар (асримизнинг 10—20-йилларида) дунёни к,айта куришга даъват этиш гояларини олга сурган. Машхур рассом ва шоир П.Пикассо узининг куп йиллик фаолияти давомида (кубизм, сюрреализм ва кисман абстракционизм каби модернистик окимлар таъсирида булса-да), бадиий ижодда улкан ютукларга эришди: у уз ижодида доимо замонанинг илгор гояларига таянади. П.Элюар, Б. Брехт, П.Неруда каби

---

[1] К,аранг: Уз СЭ, 7-том, Т., 1976, 311-бет.

улкан санъаткорлар хам уз ижодларининг модернизм босқичидан утган. Хатто, танкидий реализмнинг улкан намояндалари Э. Хемингуэй, У. Фолкнер, Ф. Мориака, А. Миллер, Г.Белля, Марсел Пруст, Жеймс Жойс, Франц Кафка ва бошка санъаткорлар ижодига хам модернистик окимларнинг таъсири булганлиги шубхасиздир.

Узбек адабиёти таракдиётининг хрзирги боск.ичида, хусусан, Габриэл Маркес, Жеймс Жойс сингари суз усталарининг таъсири кучли булди. Бадиий ижод жараёнида дадил изланишлар олиб бораётган ёш каламкашлар миллий адабий анъаналар заминида мустахдам туриб, жахрн модерн адабиёти намояндалари, чунончи, япон Я.Кавабата, австрияли Ф.Кафка, аргентинали Х.Кортасар, америкали Т.Вулф, француз А. Камю, мексикали Л.Борхес, К.Фуэнтас сингари езувчилар тажрибаларига тез-тез мурожаат килмокдалар. Шу тарика, жахрн модерн адабиёти адабиётимиз таракдиётига уз таъсирини утказмокда. Окибатда адабий жараёнда янги ёшлар тулк.ини пайдо булди, янги-янги окимлар ниш ура бошлади...

Дарвок.е, адабий жараёнда к.алам тебратаётган хар бир к.аламкаш миллий адабий анъаналарни х.ам, жах.он илгор адабиёти тажрибаларини х.ам, кух.на Шарк. фалсафасини х.ам, ислом акидаларини х.ам, инсон рухиятини х.ам билиши, хусусан, хаёт таракдиётининг ички окимларини хис кила олиши ва бу омиллардан уз урнида мах.орат билан фойдалана олишлари лозим. Ана шундагина чинакам бадиий кашфиётлар яратишга крдир буладилар.

**Узбекистон адабиёти тарихидаги (щимлар.** Узбек адабиётининг тарихига назар ташлаган одам унда ранг-баранг окимлар булганлигини сезади. Чунончи: **"Дидактик адабиёт"** (Юсуф Хос Хожиб, Ахмад Югнакий), **"дунёвий адабиёт"** (Кутб, Хоразмий, Сайфи Саройи, Саккокий, Атойи, Лутфий, Алишер Навоий, Зах,ириддин Мух.аммад Бобур), **"демократик тевденциядаги адабиёт"** (Машраб, Гулханий, Турди, Махмур) ва **"узбек демократик адабиёти"** (Мукимий, Фуркат, Завкий, Аваз Утар 5тли),тасаввуф ёхуд **суфизм** (Ахмад Яссавий, Суфи Аллох. ёр, Сулаймон Бокиргоний) **узбек жадид адабиёти** (М. Бехбудий, Ажзий) ва бошка оким лар ана шу жумладандир. • < •:

Шуролар даври (1917—1985) узбек адабиёти ягона ижо-дий метод — социалистик реализм методи тамойиллари-га амал килган. Ана шу ижодий метод багрида хам бир неча адабий окимлар булган. Туг-ри, социалистик реализм адабиётидаги окимлар ёхуд гурухдар утмиш адабиётидаги ок.им ва гурухлардан уз характер эътибори билан прин-ципиал фарк. килади. Адабиётдаги ок.имлар адабий жара-ёнда бир-бирига ижодий таъсир утказади, бир-бирини бойитади.

Шундай окимлардан бири *хаётни объектив бадиий ифодаловчи, уни худди уз шаклида (худди узига ухшатиб) курсатувчи оким.* Тасвирнинг бундай усули вокеаларни конкрет, тарихан ишонарли ва эпик тулакрнлиликда ифодалашга катта йул очади. Шу усулда ижод килган ёзувчиларнинг асарларини укиган китобхон хаёт муаммоларининг мох,иятига чукур тушунади, тасвирланаётган вокеа-хрдисаларнинг фаол иштирокчисига айланади. Бу хил асарларнинг к.ахрамонлари уз хатти-х.аракатлари, мураккаб рух.ий кечинмалари, куп киррали фаолияти, орзу-истаклари, килик.-одатлари билан китобхон калбини ларзага солади. Шу тарика, адабий кахрамон китобхонга хаёт жумбокларидан сабок. беради, маънавий жихатдан уни бойитади. М.Шолохов, Г.Марков, К.Федин, А.Фадеев, Б. Полевой, К.Симонов, М.Ибрагимов, Б.Кербобоев, М. Авезов, С.Мукрнов, Ч. Айтматов, Ойбек, А. К^ахдор ва бошка жуда куплаб ёзувчиларимиз х.аётни ана шу усулда акс эттирган.

Бу давр адабий окимларидан яна бири — *хаётни шартли-метафорик акс эттирувчи оким.* Бу усулнинг узига хос томони шундаки, унда ижод жараёнида, купинча, тасвирнинг худди хаётдагига ухшаш булишига эътибор килинмайди, х.аёт вазияти вок.еалари муболагали куринишларда тасвирланади, образнинг куп маъноли булишига ахамият берилади. Х^ётнинг бундай усулдаги тасвирини баъзи ёзувчилар асарларида учратамиз. Чунончи, В.В.Маяковский купгина асарларини шу оким таъсирида яратган. Шунингдек, Бертольт Брехт, Нозим Хикмат, Поль Элюар ва бошка суз усталари уз ижодларида бадиий тасвирнинг мана шу йулидан борган. Хамза Хакимзода Ниезий, Рафур Ғу-

лом, Хамвд Олимжон каби шоирларимизнинг айрим асарларида хаётнинг *шартли-метафорик тасвирини* учратамиз.

Адабиётда кенг кулланилаётган бадиий тасвир усулларидан бошка бири — *романтик тенденциядаги окимдир.* Романтик окимнинг характерли белгиси шундаки, у тасвир объектига лирик-патетик муносабатда булади, уни кутаринки рухда поэтиклаштиради. Бу оким учун дам бадиий тасвир худди хаётдагига ухшаш шаклда булиши шарт эмас. Хдётий вок,еа ва хрдисаларни катта бадиий умумлашма йули билан акс эттириш романтик окимнинг асосий тамойили. Сергей Есенин, Чаренц, Ю.И.Яновский, К.Г.Паустовский, Артем Веселий ва И.Э. Бабеллар романтик тенденциядаги окимнинг йирик вакилларидир. Хаётни романтик усулда тасвирлашга интилиш айрим узбек ёзувчилари ижодида дам учраб туради. Усмон Носир, Хамид Олимжон, Рафур Гулом, Максуд Шайхзода ва бодща шоирларнинг баъзи асарларида, Аскдд Мухторнинг "Крракалпок. киссаси", Шароф Рашидовнинг "Кашмир кушиги", Сарвар Азимовнинг "Оппок. тонг кушиги" сингари асарларида романтик тасвир усули як.крл сезилиб туради.

Хаёт тасвирининг бундай ранг-баранг усуллари — адабий окимлар бир-бирига узлуксиз ижобий таъсир этади, куп хрлларда бир-бирига утиб туради, х.атто, кушилиб-чатишиб кетади.

Y *g.* *Услуб — адабий асар*
(мазмунига

монанд булган *шакл)даги образли — экспрессив деталларнинг эстетик бирлиги, бадиий тасвир воситаларининг кулланилишида намоён буладиган ёзувчининг узига хослиги, узлиги.* Услуб, адабиётшунос С.Мамажонов айтганидек, "идрок килиш" ва "ифода килиш"нинг бирлигида куринадиган ёзувчининг индивидуаллигидир. "...Индивидуал услуб, — деб ёзади адабиётшунос Н.Шукуров, —...ижодкорнинг вокеликни узича идрок этиши, во*;еа-х.одисаларни узига хос образлар ва ифода-тасвир восита-лари билан акс эттириши..."[1]. Аммо услуб асардаги бадиий тасвир воситаларининг курук. арифметик йигиндиси

[1] *Н.Шукуров.* Услублар ва жанрлар. Т., F.FупоМ номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 7-бет. ,

эмас, балки уларнинг яхлит бир тизимга уюшуви, ифодалашга, кахрамон характерный очишга хизмат килишида ёзувчи куллаган усулдир. Индивидуал услуб — ёзувчининг поэтик фикрлаши ва хаётни ифодалашда сезиладиган хусусиятлар мажмуи. Француз табиатшуноси Бюффон Жорж-Луи-Леклеркнинг айтишича: **"услуб — одам демакдир".** Услубни белгиловчи хусусиятлар адабий асарнинг шаклидан тортиб мазмунигача (мавзу, роя, сюжет, конфликт, композиция, бадиий тил, махсус бадиий тасвир воситалари, поэтик синтаксис, ритмик-интонацион унсурлар ва бошкалар) чукур сингиб кетади. Услуб дунёкараш, ижодий метод, эстетик тамойиллар гоявий ният, фантазия, истеъдод салох.ияти, типиклаштириш манераси, хаёт материалини кал б призмасидан утказиш, эстетик идеал ва уни асар бадиий тукимасига сингдириш, адабий жанр ва унинг имкониятларидан фойдалана олиш, суз танлаш санъати, ифода усулида намоён буладиган ёзувчининг узлиги. Услуб ёзувчининг уз даври вокеа-хрдисаларига фаол муносабатининг махсули булиб, ижодкорнинг оригиналлигини, унинг бошка ёзувчилардан фаркини курсатувчи бош омиддир. Ёзувчи кднчалик истеъдодли булса, унинг услуби хам шу кадар ёркин намоён булади. Уз услубига эга булган муаллифгина чинакам санъаткор ёзувчи була олади. Хар бир чолгу асбоби уз "товуши" — ох.анги билан ансамблда жур була олганидек, хдр бир ёзувчи фак,ат уз услуби — узига хос ижодий киёфаси, уз овози билан адабиётнинг умумий хазинасига дисса куша олади. Дарх.акикат, машхур рус ёзувчиси А.Блок айтганидек, "шоирлар уз ижодларидаги муштаракликлар билан эмас, балки бирбирларидан фарк. к.илиб турувчи хусусиятлари билан кизик^арлидир"[1].

Ёзувчининг индивидуал услуб ини аникдаш ва тушуниш учун икки ёзувчининг ижодини бир-бирига к,иёслаш усулидан фойдаланиш мумкин. Бундай киёслаш жараёнида х.ар иккала ёзувчи ижодидаги муштаракжих,атлар х.ам, фарк.-ли хусусиятлар хам борлиги якдол курикиб к.олади. Ижод-

---

[1] *А.Блок.* О литературе. М., Федерация, 1931, 88-бет.

даги муштарак белгилар хар иккала ёзувчи хам ягона ижодий методга асосланганлигини англатса, ёзувчиларни бирбиридан ажратиб турадиган хислатлар хар иккала ёзувчининг хам оригинал услуб сохиби эканликларидан гувох,лик беради. Бу фарк. фикрни баён килиш, вокеаларни тасвирлаш йусини, к.ахрамонларни тавсифлаш, сюжет ва композиция, конфликт ва характер яратиш, пейзаж, вазият, портрет чизиш, кахрамонлар рухияти тасвири кабиларда сезилиб туради. Услуби тула шаклланган ёзувчи асарини укий бошлаш биланок, бу асар фалончиники деб янглишмасдан муаллифини айтиб берса булади. Масалан, "Абулфайзхон" билан "Ёркиной"ни укий бошлаган киши бу асарлар икки буюк ёзувчи асари эканини дархрл пайк.аб олади. Буни шу асарларнинг ёзилиш услубига караб топиш мумкин. Бу иккала асар мавзуи мазмуни, образларида бирмунча ухшашликлар бор булса-да, улар бир-биридан бутунлай ажралиб туради. Бу уринда, масала фак.ат жанрда (бири — драма, трагедияда)гина эмас, балки муаллифларнинг вокеликни идрок к^лишлари, уни бадиий ифодалащца кулланган усуллар ва позицияларнинг, ёзиш манераларининг х.ам узгачалигидадир. Бундай узгачаликлар ёзувчиларнинг индивидуал услубини белгилайди. Агар бу уринда бир даврда яшаб ижод килган икки санъаткор — Ойбек билан Абдулла К,ахдор ижоди киёслаб куриладиган булса, улар уртасидаги муштаракликлар борлиги сезилади. Ойбек ижоди х.ам, А. К,ахдор ижоди х.ам узига хослиги билан бир-биридан ажралиб туради: уларнинг хаётни идрок килишлари, эстетик тамойиллари, бадиий тасвир усуллари, поэтик фикрлаш тарзи узгачадир.

Адабиётшунос М.Кушжонов айтганидек, Ойбек асарларида купрок. романтик ва жозибали тасвирга мойиллик сезилиб туради. Ёзувчи хар нарсадан поэзия излашга интилади, тасвирда эпик кенгликка, муфассалликка ва сербуёкликка даракат килади. Абдулла Кдхдорда эса купрок. х.аётдаги фожиали ва сатирик нарсаларни каламга олишга мойиллик сезилади. Х,ар иккала санъаткор услубидаги бундай характерли хусусиятларни улар яшаган шароит такрзо этганлиги уз-узидан англашиларлидир. Ривоя санъатида х.ам хар иккала ёзувчининг узлиги аник, сезилиб туради: АДах.-

дор ривояларида кадрамон нуктаи назарига алодида эътибор берилади, вокеа кадрамон тилидан дикоя килинаётганда (тасвир объектига муносабат борасида) муаллиф нуктаи назари кадрамон позицияси билан кушилишиб-бирлашиб кетади ("Синчалак", "Минг бир жон"). Ойбек эса сал бошкачарок. йул тутади — у тасвирда эпик куламдорликка интилади, ривояни баъзан лирик, баъзан романтик рудда олиб боради. Ойбек ривоясида кадрамонга нисбатан муаллиф нутки устунрокдай — ривоя персонаж тилидан олиб бориладиган дамларда хам муаллиф уз нуктаи назарини билдиради... Хар иккала ёзувчи тематикасида дам узига хосliклар кузга ташланиб туради: Ойбек узок, утмиш мавзуи ("Навоий", "Махмуд Таробий", "Бобур", "Гули ва Навоий") дам, якин утмиш мавзуи ("КутуF кон", "Улур йул", "Болалик") дам, замонавий мавзу ("Олтин водийдан шабадалар", "Куёш к.ораймас") дам, халкаро мавзу ("Нур кидириб", "Зафар ва Задро", "Давримжародати") дам урин олган булса, А. К,аддор ижодида якин утмиш мавзуи ("Угри", "Бемор", "Анор", "Дадшат", "Утмишдан эртаклар") ва, асосан, замонавий вокелик ("Синчалак", "Шоди сузана", "Окрик.тишлар", "Тобутдантовуш", "Аяжонларим", "Мудаббат"...) салмокди урин тутади. А.Кдддор дажвиётда дам машдур. Демак, А.Кдддор ижодида узок, утмиш мавзуи дам, халкаро мавзу дам деярли урин тутмайди. Ойбек ижоди учун дажвиётхос эмас. Хар иккала ёзувчининг адабий турлар ва жанрларга муносабати дам узгача: Ойбек — лирик шоир, модир носир. АДаддор — носир ва драматург. Яна шу нарса эътиборлики, Ойбек, асосан, роман жанрида шудрат козонган булса, АДаддор дикоянависликда машдур. Х,ар иккала ёзувчининг бадиий тил хусусиятлари киёсланадиган булса, бундай узига хосликлар янада ёрк.инрок; сезилади: Ойбек асарлари тилида фалсафий мушодадалар, мантик.ий босикдик, чукур лиризм ва романтик буёкдорлик кузга ташланиб турса, А. К,аддор асарлари тилида, биринчи галда, мантикий лаконизм, киноя, пичинг, дазилмутойиба, истедзо сезилиб туради. Ойбек уз к.адрамонлари портретини муфассал чизишни севса, А. К,аддор к.адрамонлари портретига оид белгилар (штирхлар)ни бериш билан кифояланади. Ойбек асарларида пейзаж, табиий мудит,

шарт-шароит, предметлар тасвирини эпик планда бериш-га интилса, А.Кдхдор пейзаж ва кдхрамонларининг яшаш шарт-шароитларини "чеховона" чизади. Ойбек уз асарлари сюжетини купинча экспозициядан бошлашни севса, А.Кдхдор уз сюжетларини асосан тугундан бошлайди. Агар А.К,ах.хррнинг баъзи сюжетларида эпилог учраб турса, бу хдциса Ойбек сюжетларида учрамайди. Ойбек яратган кахрамонларнинг купи лирик ёки романтик характерга эга булса, А. К,ахдор кахрамонлари характерида асосан юмор ва комизм кучлирок,. Шу каби узига хосликларни истаганча келтира бериш мумкинки, булар хар иккала ёзувчи хам уз оригинал услубига эга булган санъаткор эканлигидан гувохлик беради.

Демак, бир ёзувчи бошка бир ёзувчидан уз услуби билан ажралиб турар экан.

Езувчининг индивидуал услубини урганишда масаланинг яна бир томонини унутмаслик керак. Бу — асардан асарга утган сари ёзувчи услубининг камалакдаи тобланиб бориши масаласидир. Чунончи, "КупiуF кон", "Навоий", "Олтин водийдан шабадалар","К,уёш крраймас", "Нур кидириб", "Даврим жарохати" каби асарлар биргина ёзувчи каламига мансуб булса-да, улар ранг-баранг услубларда ёзилгандир. Тасвир объекта, ижодий ният, жанр... такрзосига кура бир ёзувчи ижодида услубнинг тобланиб туриши табиий бир хрддир. Айни чокда, асардан асарга утаверадиган шундай белгилар хам буладики, булар ёзувчи ижодидаги услубий йуналишни белгилашда мухим роль уйнайди. Айни пайтда, асардан асарга утган сари янгиланиб борадиган аломатлар х.ам езувчининг индивидуал услубини белгилашга хизмат килади. Шу сабабли, езувчининг биргина асаридан келиб чик,иб, унинг индивидуал услубини аниклаш амримах.олдир. Езувчининг индивидуал услуби унинг бутун ижодини тахлилдан утказиш жараёнидагина тугри белгиланади. Услуб — мана шундай мураккаб ижодий жараён.

Худди шунингдек, Хамид Олимжон ва УЙБун, М.Шайх-зода ва Миртемир, Зулфия ва Ойдин, Мирмухсин ва Хамид Гулом, Рамз Бобожон ва Шукрулло, О. Ёкубов ва П. Крдиров, Э. Вох.идов ва А.Орипов... услублари киёсий

урганилса, булардан жуда катта назарий умумлашмалар келиб чикади. Хуллас, адабиётимизда канча куп катта ёзувчи булса, шунча куп индивидуал услуб мавжуд булади. Услублар ранг-баранглиги — адабиётимизнинг эстетик бойлиги. Узбек мумтоз адабиёти ва XX аср узбек адабиёти мана шундай истеъдодларга — ранг-баранг услублар га бой...

;'; МУТОЛАА УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛГАН
!* АДАБИЁТЛАР

## 1-булим

**1.** *КА.Каримов.* Истиклол ва маънавият. — Т., Узбекистан, 1994.

2. *Аристотель.* Поэтика. — Т., F.FyioM номвдаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

3. *В.Г.Белинский.* Танланган асарлар. — Т., Уздавнашр, 1955.

4. *В.Г.Белинский.* Адабий орзулар. — Т., F.FyioM номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

5. *Н.Буало.* Шеърий санъат. — Т., Р.Рулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.

6. *Гегель Г.В.Ф.* Эстетика (в 4-х томах). М., Искусство, т. 1, 1968; т.2, 1969; т. 3, 1971; т.4, 1973.

7. *Абу Наср Форобий.* Шеър санъати. — Т., F.FyrcoM номидаги
адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

8. *Абу Али ибн Сино.* Шеър санъати. Саломон ва Ибсол. — Т., F.FydOM номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

9. *Н.Г. Чернышевский.* Танланган адабий-танкидий макрлалар. — Т., Уздавнашр, 1956.

10. *Н.А.Добролюбов.* Адабий-танкдций макрлалар. — Т., Бадиий адабиёт, 1959.

11. *Бахтин М.М.* Эстетика словесного творчество. М., Ис кусство, 1986.

12. *Верли М.* Общее литературоведение. М., Худ. литература, 1957.

## 2-булим

1. Бадиий ижод хакдоа. — Т., Узадабийнашр, I960.

2. *А.Крдирий.* Укиш ва урганиш. Кичик асарлар. — Т., Бади ий адабиёт, 1969.

3. *Э. Болидов.* Шоиру шеъру шуур. — Т., Ёш гвардия, 1987.

4. *Аскад Мухтор.* Ёш дустларимга. — Т., Ёш гвардия, 1971.

5. *У.Норматт.* Талант тарбияси. — Т., Ёш гвардия, 1980.

6. *А. Орипов.* Эхтиёж фарзанди. — Т., Ёш гвардия, 1988.

7. *Чулпон.* Адабиёт надир. — Т., Чулпон, 1994.
8. *Абдулла %ащор.* Ёшлар билан су^бат. — Т., Ёш гвардия, 1968.
9. *П.1\одиров.* Уйлар, бадиалар. — Т., F.FупоМ номидаги ада биёт ва санъат нашриёти, 1971.
10. *Шукрулло.* Жаво^ирот саидти. — Т., Ёш гвардия, 1983.
11. *У^ошимов.* Нотаниш орол. — Т., Ёш гвардия, 1990.
: 12. *Ойбек.* Адабиёт тукрисида. — Т., Фан, 1985.

3-булим

1. *А. Фитрат.* Адабиёт кридалари. — Т., Укитувчи, 1995.
2. *Иззат Султон.* Адабиёт назарияси. — Т., Укитувчи, 1980. (1986).
3. *Уэллек Р.* Уоррен. О. Теория литературы. М., 1978.
4. Адабиетшуносликка кириш (проф. Н.Шукуров ва бошка-лар), дарслик (иккинчи нашри). — Т., Уклтувчи, 1984.
5. *Т.Бобоев.* Адабиетшуносликка кириш курси буйича укув-методик кулланма. — Т., Укитувчи, 1979.
6. *Т.Бобоев., З.Бобоева.* Адабиетшуносликка кириш курси буйича укув-методик ва кургазмали кулланма (икки китобча). — Т., РУММ, 1992.
7. *Т.Бобоев.Т.* Адабиетшуносликка кириш. Амалиёт (икки китобча). — Т., РУММ, 1993.
8. *Т.Бобоев.* Шеър илми таълими. — Т., Укитувчи, 1996.
9. *Т.Бобоев.* Адабиёт назарияси асослари (дастур). — Т., ТДПУ, 1999.
10. *Н.Хотамов, Б.Саримсоцов.* Адабиётшунослик терминла-рининг русча-узбекча изохди лугати. — Т., Укитувчи, 1979.
11.Адабиётшунослик терминлари лугати (ХДомидий ва бош-к,алар). — Т., Ук.итувчи, 1970.
12.*Э.Худойбердиев.* Адабиетшуносликка кириш. — Т., Укигув-чи, 1995.
13.*Т.Бобоев.* Адабиётшунослик асослари (дастур). — Т., ТДПУ, 2000.
14.*Кушжонов М.* Бадиият крнуниятлари. Сайланма (икки томлик), 2-том. — Т., F.FупоМ номидаги адабиёт ва санъат наш риёти, 1983, 136-286-бет.
15.*Н.Шукуров.* Услублар ва жанрлар. — Т., Р.Рулом номида ги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
16.*А.%ожиа%медов.* Мумтоз бадиият малох,ати. — Т., Шарк., 1999.

**МУНДАРИЖА**

**1.** Муаллифдан ..................................................................................3
2. Мукаддима. Адабиётшунослик фанлари ................................. 6

**I булим**
**АДАБИЁТ К.ОИДАЛАРИ**

*Биринчи боб.* Х^ёт ва адабиёт ......................................................27
*Иккинчи боб.* Бадиий образ .........................................................41
*Учинчи боб.* Бадиий адабиётда типиклаштириш........................62
*Туртинчи боб.* Дунёкараш шкод эркинлиги, миллийлик, халкчиллик ва умуминсонийлик ............................................77

**II булим**
**БАДИИЙ АСАР**

*Биринчи боб.* Мазмун ва шакл, мавзу ва РОЯ ..............................92
*Иккинчи боб.* Бадиий сюжет ...................................................... 108
*Учинчи боб.* Адабий асар композицияси.................................. 136
*Туртинчи боб.* Бадиий асар тили ............................................. 156

**III булим**
**ШЕЪР ИЛМИ ТАЪЛИМИ**

*Биринчи боб.* Бармок. тизими .................................................... 193
*Иккинчи боб.* Аруз тизими .......................................................233
*Учинчи боб.* К,офия сабоклари ...................................................264
*Туртинчи боб.* Поэтик кучимлар ..............................................323

*Бешинчи боб.* Бадний санъатлар ................................................ 354
*Олтинчи боб.* Поэтик синтаксис ...............................................422

**IV булим АДАБИЙ ЖАРАЁН**

*Биринчи боб.* Адабий турлар ва жанрлар .................................459
*Иккинчи боб.* Ижодий метод, адабий ок,им ва индивидуал услуб .......................................................................................519
Мутолаа учун тавсия этилган адабиётлар ...............................555

4,1

CM V? |*'i • ч i 1 ■!

**Тухта Бобоев**

**АДАБИЁТШУНОСЛИК АСОСЛАРИ**

*Узбек тилида*

"Узбекистон" нашриёти — 2001. **Тошкенг, 70Ш9,**
Навоий кучаси, 30.

Бадиий му^аррир *Х. Ме^монов*
Техник мухаррир *У.Ким*
Мусахдщ С. *Абдувалиева*
Компьютерда тайёрловчи *Э. Ким*

Теришга берилди 1.03.2001. Босишга рухсат этилди 18.04.2002.
Бичими 84x108 '/м. "Тайме" гарнитура офсет усулида босилди.
Шартли бос.т. 29,4. Нашр т. 29,35. 2000 нусхада чоп этилди.
Буюртма №87

"Узбекистон" нашриёти, 700129. Тошкент. Навоий кучаси, 30.
Нашр № 44-2001.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот кумитаси 1-босмахонасида
босилди. 700002. Тошкент, COF6OH кучаси, 1-берк куча, 2-уй.